Мақсудхўжа
ибн Мансурхўжа

МАЖМАЪ УЛ-МАҚСУД

ёки

Мухтасар ул-виқоянинг
ўзбекча шарҳи

2

Нашрга тайёрловчилар:
Маҳмуд ҲАСАНИЙ
Абдусамад ҲАСАНИЙ
Убайдулла ҲАСАНИЙ

Масъул муҳаррир: **Шуҳрат ИСМОИЛОВ**
Муҳаррир: **Шариф ХОЛМУРОД**

Тошкент
«Мовароуннаҳр»
2005

www.ziyouz.com kutubxonasi

قال النبی علیہ الصلوٰۃ والسلام الفقہ خیر من کثیر من العبادات

چون بو کتاب مستطاب جزء ثانی ترجمہ

شرح وقایہ

ایکنجی جزء

مختصر

تاشکند شہریدہ بو وصف طبعخانہ سیدہ زیور

طبع برلہ زینت بر یلمیشدر ترجمہ جن بر یچ خصت حاصل اولمغلہ اہتمامیلہ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Фиқҳ кўп ибодатлардан яхшироқдур»

Бу улуғ ва диққатга сазовор китоб

МАЖМАЪ УЛ-МАҚСУД

ёки

Мухтасар ул-виқоя туркий шарҳининг

иккинчи қисми

Тошқанд шаҳрида Пурсуф табъхонасида зевари табъ бирла зийнат берилмишдур

www.ziyouz.com kutubxonasi

Миннатдорчилигимиз эътирофи

Бисмиллаҳирроҳманир роҳим

Алҳамдулиллаҳ, вассолату вассаламу ъала расулиллаҳ.

Аллоҳ таолога беадад ҳамду сано ва шукроналар бўлсинким, истиқлолимиз шарофатидан миллий қадриятларимиз, алалхусус, муқаддас динимиз баланд эътибор ва ҳурматга сазовор бўлди. Динимизнинг асосий манбаи бўлмиш Қуръони карим ҳамда Ҳадиси шарифлар ўз она тилимизда бир неча бор тафсир ва таржималар қилинди. Лекин муҳтарам уламоларимиз ушбу таржималарнинг ўзидан бевосита шаръий ҳукмлар олиш мумкин эмаслигини яхши тушунадилар. Бу масалада фиқҳ илмига мурожаат қилишимиз лозимлигини ҳам ҳар бир аҳли илм эътироф этади. Шу нуқтаи назардан диёримизда кенг тарқалган Ҳанафий мазҳабида ижтиҳод қилган уламоларимизнинг китоблари ўта зарурдир.

Қўлимиздаги «Мажмаъул-мақсуд» ёки «Мухтасар улвиқоя» туркий тарихининг иккинчи қисми ҳам ватандош мусулмонлар учун ҳозирги кунда ниҳоятда муҳим қўлланмадир. Мансурхўжа ўғли Мақсудхўжа қаламига мансуб мазкур китобнинг биринчи қисми ҳам айни вақтида нашр этилиб, кўп ихтилофлар олдини олишга хизмат қилди. Ҳанафий мазҳабидаги масалаларни ниҳоятда дақиқ ва асосли ёритиб берганлиги бу китобнинг таҳсинга сазовор афзаллиги ҳисобланади. Иккинчи қисм энг муҳим масалаларга бағишланган «Касб китоби» ва «Байъ китоби», яъни, савдо-сотиқ масалаларидан бошланади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло: «Эй бандам, қўлингни қимирлатгил (яъни, бирор касб қилгил), ризқингни бераман», деб марҳамат қилган. Шунга биноан, Одам алайҳиссаломдан тортиб Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва салламгача барча пайғамбарларнинг ҳар қайсиси фойдали касб билан машғул бўлганлар. Ҳазрати Умар розийаллоҳу анҳу савдо-сотиқ илмини билмаган мусулмонларга савдо билан шуғулланишни ман қилганлар. Мана шу мисолларнинг ўзиёқ бу китобнинг аҳамиятидан далолат беради. Бундан ташқари, саррофлик, омонатдорлик, ҳукм қилмоқ, ҳудудлар, шериклик ва бошқа ҳар бир мусулмон билиши ва амал қилиши лозим бўлган кўпгина шаръий масалалар муфассал, очиқ, тиниқ баён қилинган. Ушбу китобнинг айрим қисқартишлар билан нашр этилаётган иккинчи қисми ҳам худди биринчиси каби, чоп этилиши билан мусулмонларнинг миннатдорчилиги ва юксак олқишларига сазовор бўлишига аминмиз. Бу муборак китобни катта машаққат, риёзат билан нашрга тайёрлаган олимларимиздан Аллоҳ таоло рози бўлсин ва уларга улуғ ажру мукофотлар ато айласин.

Анвар қори ТУРСУНОВ,
Тошкент шаҳар
бош имом-хатиби

www.ziyouz.com kutubxonasi

أَعُوذُ بِاللهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ

بِسْمِ اللهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

كِتَابُ الْكَسْبِ

КАСБ КИТОБИ

Шукр ва сипос ва санои беқиёс ул Аҳади Қадим ва Сомади Вожибу-т-таъзимгаки, коффаи мўъминларга бақадри тоқат касб қилмоқни фарз қилди, Унинг Каломи қадими унга нотиқдирки:

﴿فَإِذَا قُضِيَتِ الصَّلَوةُ فَانْتَشِرُوا فِي الأَرْضِ وَابْتَغُوا مِنْ فَضْلِ اللهِ وَاذْكُرُوا اللهَ كَثِيرًا لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾ الجُمُعَة/ ١٠

Яъни: «Бас, қачонки, намоз адо қилингач, ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан истайверинглар! Аллоҳни кўп ёд этингизлар, шояд (шунда) нажот топурсизлар».

Ва дуруди беҳад ва дуои беадад ул пешвойи кавнайн ва Расули сақалайнгаки, уммати беқуввати боҳимматни ва берағбати боқувватни огоҳ қилмоқ борасида дурарбори шаккарнисор забони муборакларидин гуҳарлар сочиб, марҳамат қилибдирлар:

إِنَّ اللهَ يُبْغِضُ الصَّحِيحَ الْفَارِغَ

Яъни: «Албатта Худойи таоло душман тутгай касбга шуғл қилмаган тандуруст (соғлом) одамни».

Ва саловати беҳад ва бепоён тоинтиҳойи даврон жамиъи пайғамбари мурсал ва анбиёи комили акмалларга нозил бўлганки:

﴿هُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الأَرْضَ ذَلُولاً فَامْشُوا فِي مَنَاكِبِهَا وَكُلُوا مِن رِّزْقِهِ وَإِلَيْهِ النُّشُورُ﴾ اَلْمُلْك / ١٥

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яъни: «У (Аллоҳ) сизларга ерни хоксор (бўйсунувчи) қилиб қўйган зотдир. Бас, у (ер)нинг ҳар томонида (саёҳат, тижорат ёки деҳқончилик қилиб) юраверинглар ва Аллоҳнинг берган ризқидан енглар. Тирилиб чиқиш Унинг ҳузуригадир».

Ва яна:

﴿يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ أَنفِقُوا۟ مِن طَيِّبَٰتِ مَا كَسَبْتُمْ...﴾ اَلْبَقَرَة/٢٦٧

Яъни: «Эй иймон келтирганлар, ўзингиз касб этган ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсаларнинг яхшиларидан эҳсон қилингиз...» каломи Азимнинг мазмуни билан.

Ва ҳадиси раббонийким:

عَبْدِي حَرِّكْ يَدَكَ أُنْزِلُ عَلَيْكَ الرِّزْقَ

Яъни: «Эй бандам, қўлингни қимирлатгил, сенга ризқ нозил қилурман», деган Худойи таоло сўзининг мафҳуми билан ҳар қайси бирлари бир касбга машғул бўлибдурлар. Чунончи, Одам алайҳиссолату вассалом аввал ерга буғдойни экиб ва уни суғориб ва ўриб олиб, ун қилиб, нон қилган эдилар. Ва Нуҳ алайҳиссалом савдогарлик қилур эдилар.

Ва Иброҳим алайҳиссалом баззоз эдилар.

Ва Довуд алайҳиссалом совут қилур эдилар.

Ва Сулаймон алайҳиссалом занбил тўқур эдилар, яъни, занбил деб, бир юз йигирма етти ярим қадоқ нарса сиғадиган идишни айтилур. Чунончи, луғатларда мазкурдир.

Ва Идрис пайғамбар алайҳиссалом кийим тикадурган эдилар.

Ва Закарийо алайҳиссалом дурадгор эдилар.

Ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғазот қиладиган эдилар. Ва жамиъи анбиё салавотуллоҳи алайҳим ажмаъин роъи ғанам эдилар.

Ва Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу таоло анҳу баззоз эдилар ва Умар розийаллоҳу таоло анҳу терини сахтиён қилур эдилар.

Ва Усмон розийаллоҳу таоло анҳу савдогар эдилар.

Ва Алий розийаллоҳу таоло анҳу китобат қилур эдилар ва ўзларини ижарага қўяр эдилар. Чунончи, «Ҳадиййату-с-суълук»да мазкурдир ва «Хизона»да мазбурдир.

Билгил, жамоаларики, масжидларда ва хонақоҳларда ўтир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гайлар ва ул жамоалар касбларини ташлаб, бир нарса келурмикин, деб кўзларини тикиб ўтурурлар ва одамларга қўлларини узатурлар ва алар ўзларига «Таваккул қилгувчи» ном қўйгайлар ва ул жамоаларнинг ҳеч бир эътиборлари йўқдир ва уларни шариатда илтифотга олинмайдир, чунончи, касб фарзлигининг далили юқорида ўтди.

فَالْفَارِغُ سَائِلٌ بِلِسَانِ الْحَالِ

Яъни: «Ҳалол касбдан фориғ ва касб қилмайдиган одам, дарҳақиқат, ҳол забони билан одамлардан сўрагувчидир». Чунончи, «Айну-л-илм»да мазкурдир. Ва яна хабарда келибдир, Авзоъ раҳматуллоҳи алайҳ Иброҳим ибн Адҳам раҳматуллоҳи алайҳни кўрдиларки, орқаларида бир кўтарим ўтинни кўтариб келиб, уни сотиб тириклик қилур эдилар. Ва Авзоъ раҳматуллоҳи алайҳ дедилар: «Қачонгача бундай касбни қилурсиз?» Иброҳим ибн Адҳам дедилар: «Жим тургил, батаҳқиқ, ҳадисда келибдир, кимики ҳалол таом талаб қилмоқ учун ҳар хил залил бўладиган жойда турса, ул кишига жаннат вожиб бўлгай». Ушбудек «Кимёи саъодат»да ва баъзи шарҳларда ҳам мазкурдир. Ва аммо ул кишиким, илмга машғул бўлгани жиҳатидан касб қилмоққа қодир бўлса ҳам, касб қилмай, таҳсили илм қилса, ул толиби илмга садақа бермоқ жоиздир. Ва агар нафлни ўқимоққа ва ибодати махсусалардан зиёда ўзига лозим бўлмаган нарсаларни қилмоққа машғул бўлгани жиҳатидан касб қилмаса, ул кишига садақаи нофилани бермоқ макруҳдир. Ушбудек «Маборик»да мазбурдир ва «Ҳадиййату-с-суълук»да мазкурдир.

أَلْكَسْبُ فَرْضٌ بِقَدْرِ الْكِفَايَةِ لِنَفْسِهِ وَعِيَالِهِ وَقَضَاءِ دُيُونِهِ

Яъни: «Касб қилмоқ ўзи учун ва аҳли аёли учун ва қарзларини адо қилмоқ учун кифоя қиладиган миқдори фарздир». Ушбудек «Тариқаи Муҳаммадиййа»да мазкурдир ва «Ихтиёр» китобида нақл қилинибдир. Ва агар касб қилмоққа қудрати етса, албатта касб қилгайки, фарздир. Ва агар касб қилмоққа қуввати етмаса, одамлардан савол қилгай. Зероки, гадойлик касбнинг охиридир, ҳаттоки таом сўрамасдан, очдан ўлса, гуноҳкор бўлгай. Ушбудек «Шарҳи Тариқа»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

لَكِنَّهُ مَأْجُورٌ عِنْدَ أَكْثَرِ الْعُلَمَاءِ

Яъни: «Кишидан ҳеч нарса сўрамай, очдан ўлган киши, аксар уламонинг наздларида, савобликдир». Ушбудек «Маъдин» китобида мазкурдир. Касб қилмоқнинг савоби бениҳоятдир. Зероки, «Муғнийя» китобида айтилибдир:

مَنْ طَلَبَ الدُّنْيَا حَلَالاً وَاسْتِعْفَافًا عَنِ الْمَسْئَلَةِ وَسَعْيًا عَلَى عِيَالِهِ وَتَعَطُّفًا عَلَى جَارِهِ جَاءَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَوَجْهُهُ كَالْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ

Яъни: «Кимики гадойлик қилмоқдин ва кишидан бир нарса сўрамоқдин ўзини тортиб ва аҳли аёлига нафақа бермоққа саъй қилиб ва ҳамсоясига меҳрибонлик қилмоқни ниййат қилиб, ҳалол дунёни талаб қилса, Рўзи қиёматда юзи ўн тўрт кунлик ойдек бўлган ҳолда келгай».

فَالْكَسْبُ سُنَّةُ الأَوْلِيَاءِ وَفِيهِ سَتْرُ الْحَالِ

Яъни: «Касб қилмоқ валийларнинг суннатларидир ва ул касбда аҳволни ёпмоқ ва сирни билдирмаслик бордир». Ушбудек «Айну-л-илм»да мазкурдир.

Ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ростгўй савдогар Рўзи қиёматда сиддиқлар ва шаҳидлар билан турғай».

Ва яна Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Худойи таоло ҳунарли ва касбли мўъминни дўст тутадир».

Ва яна Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Савдогарлик қилингларки, халқнинг ризқлари ўн қисмдир. Тўққиз қисми савдогарликдадир, яъни, сотмоқда ва олмоқдадир».

Ва яна дедилар: «Кимики касб қилмай, савол (тиланчилик) эшигини ўзига очса, Худойи таоло унга муҳтожлик ва бечораликнинг етмиш эшигини очгай».

Ва Исо алайҳиссалом бир одамни кўрдилар, унга: «Нима иш қилурсан?» дедилар. Ул киши: «Ибодат қилурман», деди. «Қайдин таом ерсан?» дедилар. «Менинг биродарим бордирки, хўрагимни ул тайёрлаб турадир», деди. Исо алайҳиссалом дедилар: «Сенга таом бериб турадиган биродаринг сендин обидроқдир».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва ҳазрати Умар розийаллоҳу анҳу дедилар: «Касбдан қўлларингизни тортманглар Аллоҳ таоло ризқ беради дебки, Худойи таоло тилла ва тангани осмондан юбормайдир».

Луқмони Ҳаким фарзандларига васиййат қилдиларки: «Касбдан қўлингни йиғмагил, кимики халқнинг муҳтожи ва бечораси бўлса, унинг дини танг ва ақли заиф бўлгай ва унинг мурувати ботил бўлгай ва халойиқ унга ҳақорат кўзи билан қарагай».

Бузрукларнинг бирларидан бир одам: «Обид фозилроқми ё савдогари боомонат?» деб савол қилди. «Савдогари боомонат фозилроқдирки, тарозуда ва бермоқ ва олмоқда ғазотдадир, шайтон уни оздурмоққа қасд қилур, ул савдогари боомонат шайтоннинг хилофини қилур», дедилар.

Ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳдан сўрадиларки: «Бир одамки масжидда ибодат қилиб ўтирур ва Худойи таолонинг ўзи менинг ризқимни берур, деб айтур, нима дерсиз?» Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳ дедилар: «Ул одам нодон ва жоҳилдир ва шариатни билмайдирки, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ҳақ таоло менинг ризқимни найзамнинг соясига қўйибдир, яъни, ғазот қилмоққа қўйибдир», дедилар. Чунончи, мазкурларнинг ҳаммаси «Кимёи саъодат»да ҳам мазкурдир. Кўнглини дунёга овизон қилмасдин, касб қилмоқ валийларнинг суннатларидир. Ушбудек «Танбиҳи Абуллайс»да мазкурдир.

وَيُشْغِلُ قَلْبَهُ بِذِكْرِ اللهِ تَعَالَى خَاصَّةً

Яъни: «Касб қилиб турган вақтида хоссатан дилини Худойи таборак ва таолонинг ёдига машғул қилгай». Ушбудек «Канзу-с-соликин»да мазкурдир.

وَإِنِ اشْتَغَلَ بِطَلَبِ الزِّيَادَةِ لاَ يَكُونُ حراما مَا لَمْ يُرِدْ بِهِ الْفَخْرَ والرِّيَاءَ

Яъни: «Ва гар дунёни ўз нафақасидан ва нафақаси лозим бўлганлар нафақасидан зиёда талаб қилмоққа машғул бўлса, ҳаром бўлмайди, модомики анинг билан фахр қилмоқ ва риё қилмоқни хоҳламаса». Ушбудек «Канзу-л-ибод»да мазкурдир.

وَإِنْ سَعَى تَكَاثُرًا أَوْ تَفَاخِرًا فَهُوَ سَبِيلِ الشَّيْطَانِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яъни: «Ва агар дунёни кўп қилиб, манманлик қилмоққа ва фахр қилмоққа саъй қилса, ул шайтоннинг йўлидир». Ушбудек «Мухтасарил-иҳё»да мазкурдир.

عَنْ اِبْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا أَنَّهُ قَالَ: اَلْكَسْبُ الْحَلاَلُ أَشَدُّ مِنْ نَقْلِ الْجَبَلِ إِلَى الْجَبَلِ

Яъни, Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумо дедилар: «Ҳалол касб қилмоқ тоғни тоққа кўчириб олиб бормоқдин ашад (қийин) ва сиҳатроқдир». Ушбудек «Танбиҳи Абуллайс»да мазкурдир.

كَسْبِ حَلاَل بَه بَازُرْكَانِي بِمَنْزِلَهء جِهَاد اسْت

Яъни: «Савдогарлик билан ҳалол касб қилмоқ боманзалаи жиҳоддир». Ушбудек «Тафсири Чархий»да мазкурдир.

اَلنَّاسُ ثَلاَثَةٌ: رَجُلٌ شَغَلَ مَعَاشُهُ عَنْ مَعَادِه فَهُوَ مِنَ الْهَالِكِينَ وَرَجُلٌ شَغَلَ مَعَادُهُ عَنْ مَعَاشِه فَهُوَ مِنَ الصَّابِرِينَ وَرَجُلٌ شَغَلَ مَعَاشُهُ لِمَعَادِه فَهُوَ مِنَ الْمُقْتَصِدِينَ وَلاَ يَحْصِلُ الإِقْتِصَادُ إِلاَّ فِي طَلَبِهَا بِآدَابِ الشَّرِيعَةِ

Яъни: «Одамлар уч қисмдир, бир қисмини тирикчилиги кори охиратидан бепарво қилгай, бас, ул киши ҳалок ва нобуд бўлгучилардандир. Ва бир қисмини кори охирати тирикчилигидан бепарво қилгай, бас, ул кори охиратга машғул бўлган киши нажот топадиганлардандир. Ва бир қисмининг тирикчилиги кори охирати учун машғул қилибдир, бас, ул киши муқтасидлардан, яъни, роҳи ростга миёна юрадиганлардандир. Ва дунёни талаб қилмоқда шариатнинг одоблари билан юрса, миёна юрмоқ ҳосил бўлгай». Ушбудек «Мухтасарул-иҳё»да мазкурдир.

اَلنَّاسُ فِي الْكَسْبِ عَلَى خَمْسَةِ مَرَاتِب: مِنْهُمْ مَنْ يَرَى الرِّزْقَ مِنَ الْكَسْبِ فَهُوَ كَافِرٌ وَمِنْهُمْ مَنْ يَرَى الرِّزْقَ مِنَ اللهِ وَمِنَ الْكَسْبِ فَهُوَ مُشْرِكٌ وَمِنْهُمْ مَنْ يَرَى الرِّزْقَ مِنَ اللهِ تَعَالَى وَلاَ يَدْرِي أَيُعْطِيهِ أَمْ لاَ فَهُوَ

www.ziyouz.com kutubxonasi

مُنَافِقٌ شَاكٌ وَمِنْهُمْ مَنْ يَرَى الرِّزْقَ مِنَ اللهِ تَعَالَى وَيُعْطِي اللهُ لأَجْلِ كَسْبِهِ
وَلاَ يُؤَدِّي حَقَّهُ كَمَا اَمَرَ اللهُ تَعَالَى فَهُوَ مُسِيءٌ وَمِنْهُمْ مَنْ يَرَى الرِّزْقَ
مِنَ اللهِ تَعَالَى فَيَرَى الْكَسْبَ سَبَبًا وَأَخْرَجَ حَقَّهُ وَلاَ يَعْصِي لأَجْلِ
الْكَسْبِ فَهُوَ مِنَ الْمُخْلِصِينَ

Яъни: «Одамлар касб қилмоқда беш мартабададирлар. Уларнинг баъзилари ризқни касбдан кўргайлар. Бас, ул ризқни касбдан кўргувчи кофирдир. Ва баъзилари ризқни Худойи таолодан ва касбдан кўргай. Бас, ул киши мушрикдир. Ва баъзилари ризқни Худойи таолодан кўргай ва лекин ризқни берадими ё бермайдими, деб гумон қилгай. Бас, ул шак қилгувчи мунофиқдир. Ва баъзилари ризқни Худойи таолодан кўргай ва ул ризқини Аллоҳ таоло касб жиҳатидан ато қилур, деб эътиқод қилгай, (аммо) Аллоҳ таолонинг амр қилганича ҳақини адо қилмагай. Бас, ул киши гуноҳкордир. Ва баъзилари ризқни Худойи таолодан кўргай ва ризққа касбни сабаб кўргай ва Худойи таолонинг фармойишича ҳақини чиқариб бергай ва касби жиҳатидан тоатни тарк қилиб осий бўлмагай. Бас, ул киши мўъмини мухлислардандир». Ушбудек «Танбиҳи Абуллайс»да мазкурдир.

وَدَرْكَافِي گفته اَسْت كِي نَزْدِ عُلَمَاءِ اَهْلِ سُنَّت وَالْجَمَاعَت
تَوَكُّل مَأْمُورٌ بِهِ آنَسْت كِي اَوَّل كَسْب اَسْبَاب كُنَدْ بَعْدَهُ تَوَكُّل
بَرْخَالق اَسْبَاب نَه بَرْاسْبَابْ

Яъни, «Кофий»да айтибдирки: «Аҳли суннат ва-л-жамоъат уламоларининг наздларида, амр қилинган таваккул шулдурки, касби асбоб қилгай, ундан кейин Холиқи асбобга таваккул қилгай, асбобга таваккул қилмагай». Ушбудек «Фатовойи Бараҳна»да мазкурдир.

فَعَلَى الْعَبْدِ الْعِبَادَةُ وَعَلَى اللهِ الرِّزْقُ

Яъни: «Бас, бандага ибодат қилмоқ лозимдир ва Худойи таборак ва таолодан ризқ бермоқдир». Ушбудек «Туҳфату-л-Мажолис»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

قَالَ عَلَيْهِ الصَّلَوٰةُ وَالسَّلَامُ: مِنَ الذُّنُوبِ لَا يُكَفِّرُ بِهَا إِلَّا الْهَمُّ فِي طَلَبِ الْمَعِيشَةِ

Яъни: «Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом дедилар: «Гуноҳлардан гуноҳи бордурки, унга маъишат талаб қилмоқдаги андуҳдан бошқа каффорат бўлмагай». Ушбудек «Иҳё»да мазкурдир.

وَيَجْتَنِبُ مَا يَضُرُّ النَّاسَ كَالِاحْتِكَارِ وَيُلَوِّثُ الْبَاطِنَ كَالْجَزَّارِ فَهُوَ يُقَسِّي الْقَلْبَ وَالصِّيَاغَةِ فَهُوَ يُزَيِّنُ الدُّنْيَا وَالظَّاهِرَ كَالْحِجَامَةِ وَالدِّبَاغَةِ وَمَا يَعْسُرُ فِيهِ رِعَايَةُ الِاحْتِيَاطِ كَالصَّرَّافِ وَالدَّلَّالَةِ مَا يُكْرَهُ قَضَاءُهُ كَشِرَاءِ الْحَيَوَانِ

Яъни: «Ва касб қилмоқда одамларга зарар етадиган касблардан ўзини тортгай, масалан, ғалла сақламоққа ва ботинни мулаввас (ифлос) қиладиган саллохликка ўхшаш, бас, ул саллохлик заргарликка ўхшаш дилни қора қилгай, бас, ул заргарлик дунёни зийнат бергувчидир. Ва зоҳирни мулаввас қиладиган касбдан ўзини тортгай, масалан, қон оладиган, сартарошлик, кўнчилик қилмоқ ва ул касбики, унда эҳтиётни риоя қилмоқ душвор бўлгай, саррофга ўхшаш ва даллоллик қилмоққа ўхшаш ва ул нарсаки, ўлмоғи, яъни, унинг сўйилмоғи ҳайвонни сотмоққа ўхшаш макруҳ ва нохуш кўринур». Ушбудек, «Айну-л-илм»да мазкурдир. Ва касбнинг жамиъи анвои мубоҳликда баробардир ва бу қавл саҳиҳдир. Ушбудек «Кофий»да мазкурдир.

Ҳар вақтики, ёш боланинг отаси бўзчи бўлмаса, уни қўлтиғида асраган киши бўз тўқимоққа ўргатмагай. Ушбудек «Шайбоний»да мазкурдир.

Ва касбларнинг хорроғи ва ёмонроғи золимларнинг ходими ва хизматкоридир. Ушбудек «Жомиъу-р-румуз»да «Муҳит»дан баён қилингандир.

Ва салафнинг, яъни, ўтган пешволарнинг касбларини ихтиёр қилгай, деҳқончилик, ҳаммоллик, нонвойлик, кийим ювмоқ, кафш тикмоқ, чўпонлик қилмоқ ва хат битмоққа ўхшаш. Ушбудек «Айну-л-илм»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

أَلْكِتَابَةُ فَهِيَ حِرْفَةُ الْعُلَمَاءِ وَالْمَشَايِخِ الأَصْفِيَاءِ لاَ سِيَّمَا كِتَابَةِ الْمُصْحَفِ الْقَدِيمِ وَحَدِيثِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَفِيهَا بَقَاءُ الدِّينِ الْقَوِيمِ عَلَى نَهْجِ الْمُسْتَقِيمِ

Яъни: «Хат битмоқ уламоларнинг ва машойихи асфиёларнинг касбларидир, хусусан Каломи Қадимни, яъни, Қуръони шарифни ва Ҳадиси Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни битмоқ. Бас, мазкурлар китоб қилмоқда дини қаввими роҳи мустақимга боқийлик бўлгай». Ушбудек «Шарҳи Қорий»да мазкурдир.

وَقَالَ سَعْد بْنُ الْمُسَيَّب: لاَ خَيْرَ فِي مَن لاَ يَجْمَعُ الْمَالَ مِنْ حَلِّه فَيُخْرِجُ مِنْهُ حَقَّهُ وَيَصُونُ بِه عِرْضَهُ

Яъни: Саъид ибн Мусаййаб дедилар: «Ҳалолдан молни жамъ қилмаган одамда яхшилик йўқдир, бас, ул молдан ҳаққуллоҳни чиқаргай ва ул мол билан обрўйини сақлагай ва эҳтиёт қилгай».

وَعَنْ عُمَر بْن الخَطَّاب رَضِيَ اللهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ يَامَعْشَرَ الْفُقَرَاءِ ارفَعُوا رُءُوسَكُمْ واتَّجِرُوا فَقَدْ وَضَحَ الطَّرِيقُ وَلاَ تَكُونُ عِيَالاً عَلَى النَّاسِ

Яъни, Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳудан, ул жаноб дедилар: «Эй бечораларнинг жамоаси, бошларингни кўтаринглар ва савдогарлик қилинглар, албатта, йўл кушодадир ва одамларга муҳтож бўладиган фақир бўлманглар». Ушбудек «Танбиҳу-л-ғофилин»да мазкурдир.

Ва ҳазрати Умар розийаллоҳу анҳудан ривойат, ул жаноб дедилар: «Бозорда молфуруш қилмасин, кимики динда фақиҳ бўлмаса, яъни, байъ қилурнинг илмини билмаса».

Ва ҳазрати Алий розийаллоҳу анҳудан ривойат, ул жаноб дедилар: «Кимики динда фақиҳ бўлмасдан илгари савдогарчилик қилса, бас, батаҳқиқ, судхўрликда кори сахтга гирифтор бўлибдир, ундан кейин яна гирифтор бўлгай». Ушбудек «Бўстони Абуллайс»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Билгилки, мабнои ибодат луқманинг ҳалоллигигадир. Чунончи, «Хулйатул-авлиё»да келтирибдирки, баъзи акобир айтибдирларки, Ҳақ таолонинг йўли ўн қисмдир. Ул ўн қисмдан тўққиз қисми ҳалол ризқни талаб қилмоқдир ва бир қисми қолган ишлардир. Бандаи мўъминга лойиқ ва муносиб шулки, ҳалол молни талаб қилмоқда бўлгай ва ҳаром ва шубҳадан парҳез қилгайки, бандаликнинг қабул бўлмоғи тақво биландир, Худойи таборак ва таолонинг қавликим:

﴿...إِنَّمَا يَتَقَبَّلُ اللهُ مِنَ الْمُتَّقِينَ﴾ أَلْمَائِدَة/٢٧

Яъни: «...Аллоҳ фақат тақволи кишилардан қабул қилур».

Ва тақво жамиъи мақомларни жамъ қилгувчидир. Чунончи, «Риёзу-н-носиҳин»да мазкурдир.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳунинг Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривойатлариким, ул жаноб соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

إِنَّ اللهَ طَيِّبٌ لاَ يُقْبَلُ إِلاَّ طَيِّبًا وَإِنَّ اللهَ اَمَرَ الْمُؤْمِنِينَ بِمَا اَمَرَ بِهِ الْمُرْسَلِينَ فَقَالَ ﴿يَـــأَيُّهَا الرُّسُلُ كُلُوا مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَاعْمَلُوا صَـــلِحًا ...﴾ الْمُؤْمِنُونَ/٥١ وَقَالَ ﴿يَـــأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُلُوا مِنْ طَيِّبَـــتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ﴾ أَلْبَقَرَة/ ١٧٢ ثُمَّ ذَكَرَ الرَّجُلُ يُطِيلُ السَّفَرَ اَشْعَثَ اَغْبَرَ يَمُدُّ يَدَيْهِ إِلَى السَّمَاءِ وَيَقُولُ: يَا رَبِّ يَا رَبِّ. وَمَطْعَمُهُ حرام وَمَشْرَبُهُ حرام وَغُذِّى بِالْحرام فَاَنَّى يُسْتَجَابُ لِذَلِكَ

Яъни: «Албатта, Худойи таборак ва таоло тоййиб ва покизадир, тоййибдан бошқани қабул қилмайди. Ва, албатта, Худованди таоло мўъминларга амр қилди пайғамбари мурсалларга қилган амри билан, яъни, пайғамбари мурсалларга фармон қилди: «Эй Расуллар, ҳалол енглар ва амалий солиҳ қилинглар...». Ва мўъминлар ҳақида Худойи таоло деди: «Эй иймон келтирган зотлар, енглар ҳалол нарсаларданки, сизларга ризқ қилдим...». Баъдазон Расул алайҳиссалом марди жулида мўйи гардолудни баён қилдиларки, ул одамнинг сафари да-

www.ziyouz.com kutubxonasi

роз эди, икки қўлини осмон тарафига кўтариб: «Ё Робби, ё Робби, ё Робби», дер эди, яъни, дуо қилур эди ва Худойи таолодан мақсудини тилар эди, ваҳоланки, ул одамнинг емоқ ва ичмоғи ҳаромдан эди. Бас, ул кишининг дуоси қандоқ мустажоб бўлгай, яъни, ҳаром таом еган одамнинг дуоси қабул бўлмагай». Чунончи, «Жомиъу-л-усул», «Мишкату масобиҳ» ва «Саҳиҳи Муслим»да мазкурдир.

Ва билгил, уламолар айтибдирлар: «Касбларнинг фозилроғи жиҳоддир, баъдазон савдогарчилик, ундан кейин деҳқончиликдир, сўнгра бошқа касблар». Чунончи, «Ламаъоти Машоқид»да мазкурдир.

Бас, касбларнинг афзали ушбу тўрт ҳунардир, агарчандики касбларнинг яхшироғи жиҳод бўлса ҳам. Чунончи, «Риёзу-н-носиҳин»да мазкурдир.

Ва Макҳул розийаллоҳу анҳудан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан, ул жаноб дедилар: «Бировни айб қиладиган ё мадҳ қиладиган, ё таъна қиладиган, ё ўзини ўликка ўхшатадиган бўлмангларки, мазкурлар касбга машғул бўлмайдирлар». Чунончи, «Танбиҳу-л-ғофилин»да мазкурдир.

Ва косибга лойиқ ва муносиб шулки, ҳар касб ва ҳунарни ўрганса, Худойи таборак ва таолонинг фармонини бажо келтиргай ва шариат амрларига эҳтиёт бўлгай, токи ул касбдан ҳосил қилган луқмасидан нур ва сафо пайдо бўлгай ва қилган ибодатининг лаззатини топгай ва ул қилган касбидан баракат кўргай ва ул касбда даст бакор, дил баёр машғул бўлгай, касб миёнада сабабдан зиёда эмас ва илло баҳақиқат ризқ бергувчи ва тавфиқ берадиган Худованди азза исмуҳудир. Аммо Худойи таборак ва таоло бесабаб кор қилмайдир ва ризқни касбингиздан билмангки, кимики то бу бозуйи заррин менда бор, менинг ризқим кам келмайдир деса, бу куфр сўздир ва уни айтадиган кофир бўлгай. Чунончи, фатоволарда мазкурдир ва «Риёзу-н-носиҳин»да ҳам мазбурдир.

وَأَمَّا إِذَا كَانَ التَّاجِرُ قَدْ تَعَلَّمَ الْفِقْهَ وَكَانَ تَقِيًّا فِي حَالِ تِجَارَتِه
فَهُوَ فِي الْجِهَادِ لِأَنَّهُ رُوِيَ فِي الْخَبَرِ: إِنَّ الْكَسْبَ الْحَلَالَ أَفْضَلُ الْجِهَادِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва аммо ҳар вақтики, савдо қилгувчи фиққни, масъалани ўрганган бўлса ва савдо қилар ҳолида парҳезкор бўлса, бас, ул киши жиҳоддадир. Зероки, ривойат қилинди, Хабарда келибдирки: «Касби ҳалол жиҳоднинг афзалидир». Чунончи, «Бўстони Абуллайс»да мазкурдир.

وَقَالَ بَعْضُ الْحُكَمَاءِ: إِذَا لَمْ يَكُنْ فِي التَّاجِرِ ثَلَاثُ خِصَالٍ افْتَقَرَ فِي الدَّارَيْنِ جَمِيعًا أَوَّلُهَا لِسَانٌ نَقِيٌّ مِنْ ثَلَاثٍ مِنَ الْكَذِبِ وَاللَّغْوِ وَالْحَلْفِ. وَالثَّانِي قَلْبٌ صَافٍ مِنْ ثَلَاثٍ مِنَ الْغِشِّ وَالْخِيَانَةِ وَالْحَسَدِ. وَالثَّالِثُ نَفْسٌ مُحَافِظَةٌ لِثَلَاثٍ أَلْجُمُعَةِ وَالْجَمَاعَةِ وَطَلَبُ الْعِلْمِ فِي بَعْضِ السَّاعَاتِ وَإِيْثَارِ مَرْضَاةِ اللهِ تَعَالَى عَلَى غَيْرِهِ

Ва баъзилар ҳукамо дедилар: «Ҳар вақтики, савдо қилгувчида уч хислат бўлмаса, икки дунёда муҳтож бўлгай. **Аввали** – тили уч нарсадан пок бўлгай: ёлғондан, лағвдан, яъни, беҳудагўйликдан ва қасамдан. Ва **иккинчи** – дили уч нарсадан соф бўлгай: бадхоҳликдан ва хиёнатдан ва ҳасаддан. Ва **учинчи** – ўзини муҳофизат қилмоқ уч нарсага (боғлиқ): намози жумъага ва жамоъат билан намоз ўқимоққа ва баъзи вақтларда илм талаб қилмоққа ва бошқа одамдан Худойи таборак ва таолонинг ризолиги ва хурсандлигини ихтиёр қилмоққа».

وَرُوِيَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: مَنِ اكْتَسَبَ مَالاً مَأْثَمٍ فَتَصَدَّقَ بِهِ أَوْ وَصَلَ بِهِ رَحِمًا أَوْ أَنْفَقَهُ فِي سَبِيلِ اللهِ جُمِعَ ذَلِكَ كُلُّهُ وَأُلْقِيَ فِي النَّارِ

Ва ривойат қилинди Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан, ул жаноб дедилар: «Кимики гуноҳ қиладиган жойдан мол касб қилиб, садақа қилса ё ул топган моли билан хеши ақрабосига инъом ва эҳсон қилса, ё ул ҳаром молни Худойи таолонинг йўлига сарф қилса, ул гуноҳ қиладиган жойдан топган молининг ҳаммаси жамъ қилиниб, оташ дўзахга ташлангай».

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَرُوِيَ عَنْ عِمْرَانَ بْنُ حَصِينٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ: لاَ يُقْبَلُ اللهُ حَجَّ رَجُلٍ وَلاَ عُمْرَتَهُ وَلاَ جِهَادَهُ وَلاَ صَدَقَتَهُ وَلاَ اعْتَاقَهُ وَلاَ نَفَقَتَهُ مِنْ رِبًا أَوْ رِشْوَةٍ أَوْ حِيَانَةٍ أَوْ غُلُولٍ أَوْ سِرْقَةٍ. ثُمَّ قَالَ: أَلْخَمْسُ بِالْخَمْسِ

Ва ривойат қилинди Имрон ибн Ҳасийн розийаллоҳу анҳудан, ул жаноб дедилар: «Рибодан ё ришвадан, яъни, порадан ё хиёнатдан, ё ғанимат молни олмоқда хиёнат қилмоқдан, ё ўғирликдан мол топган одамнинг қилган ҳажини ё умрасини ва жиҳодини, садақасини, қул озод қилганини ва нафақасини Худойи таборак ва таоло қабул қилмайди». Ундан кейин дедилар: «Беш бешнинг муқобилигадир». Ушбудек, «Танбиҳи Абуллайс»да мазкурдир.

قَالَ الْفَقِيهُ رَحْمَةُ اللهِ تَعَالَى عَلَيْهِ حَدَّثَنِي أَبِي رَحْمَةُ اللهِ تَعَالَى عَلَيْهِ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَنَاحٍ حَدَّثَنَا أَبُو حَفْصٍ عَلِيُّ بْنُ اِسْحَقَ عَنْ أَبِي مَعَاوِيَةَ عَنْ سَعِيدِ بْنُ أَبِي عُرْبَةَ عَنْ قَتَادَةَ عَنْ اَنَسِ ابْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللهِ رَغِيفٌ اَتَصَدَّقُ بِهِ اَحَبُّ إِلَيْكَ أَمْ مِائَةَ رَكْعَةٍ تَطَوُّعًا.

قَالَ: رَغِيفٌ تَتَصَدَّقُ بِهِ اَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ مِائَتَيْ رَكْعَةٍ تَطَوُّعًا

Фақиҳ Абуллайс раҳматуллоҳи алайҳ дедилар: Хабар бердилар менга отам раҳматуллоҳи алайҳ, хабар бердилар бизга Муҳаммад Ибн Жаноҳ, хабар бердилар бизга Абу Ҳафс Алий Ибн Исҳоқ Маъовиййадан, Саъид ибн Аби Арубадан, Қитодадан, Анас ибн Молик розийаллоҳу таоло анҳудан, Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу дедилар, дедим: «Ё Расуллаллоҳ, бир нон садақа қилганим яхшироқми ё юз ракъат нафл намоз ўқиганим яхшироқми сизга?» Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Икки юз ракъат нафл намоз ўқигандан садақа қилинган бир нон яхшироқ менга».

www.ziyouz.com kutubxonasi

قَالَ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللهِ قَضَاءُ حَاجَةِ الْمُسْلِمِ اَحَبُّ إِلَيْكَ أَمْ مائَةَ رَكْعَةٍ تَطَوُّعًا. قَالَ: قَضَاءُ حَاجَةِ الْمُسْلِمِ اَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ اَلْفِ رَكْعَةٍ تَطَوُّعًا

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу дедилар, дедим: «Ё Расулаллоҳ, мусулмон одамнинг ҳожатини раво қилмоқ яхшироқми ё юз ракъат нафл намоз ўқимоқ яхшироқми сизга?» Пайғамбар алайҳиссолату вассалом дедилар: «Минг ракъат нафл намоз ўқигандан менга мусулмоннинг ҳожатини раво қилмоқ яхшироқ».

قَالَ قُلْتُ: تَرْكُ لُقْمَةٍ مِنَ الْحَرَامِ اَحَبُّ إِلَيْكَ أَمْ اَلْفَ رَكْعَةٍ تَطَوُّعًا.
قَالَ: تَرْكُ لُقْمَةٍ مِنَ الْحَرَامِ اَحَبُّ إِلَيَّ مِنَ اَلْفَيْ رَكْعَةٍ تَطَوُّعًا

Анас розийаллоҳу анҳу дедилар, дедим: «Ё Расулаллоҳ, бир луқма ҳаром таомни тарк қилмоқ яхшироқми ё минг ракъат нафл намоз ўқимоқ яхшироқми?» Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Менга бир луқма ҳаром таомни тарк қилмоқ икки минг ракъат нафл намоз ўқигандан яхшироқдир».

قَالَ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللهِ تَرْكُ الْغِيْبَةِ اَحَبُّ إِلَيْكَ أَمْ أَلْفَا رَكْعَةٍ تَطَوُّعًا.
قَالَ: تَرْكُ الْغِيْبَةِ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ عَشَرَةِ آلاَفِ رَكْعَةٍ تَطَوُّعًا

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу дедилар, дедим: «Ё Расулаллоҳ, сизга ғийбатни тарк қилмоқ яхшироқми ёки икки минг ракъат намоз ўқимоқ дурустроқми?» Пайғамбар алайҳиссалом дедилар: «Менга ўн минг ракъат намоз ўқигандан ғийбатни тарк қилмоқ дурустроқ ва яхшироқдир».

قَالَ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللهِ قَضَاءُ حَاجَةِ الأَرْمَلَةِ اَحَبُّ إِلَيْكَ أَمْ عَشَرَةُ آلاَفِ رَكْعَةٍ تَطَوُّعًا. قَالَ: قَضَاءُ حَاجَةِ الأَرْمَلَةِ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ ثَلاَثِينَ أَلْفِ رَكْعَةٍ تَطَوُّعًا

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу дедилар, дедим: «Ё Расулаллоҳ, сизга бева хотиннинг ҳожатини раво қилган яхшироқми

www.ziyouz.com kutubxonasi

ё ўн минг ракъат намоз ўқиган?» Пайғамбар алайҳиссолату вассалом дедилар: «Бева хотиннинг ҳожатини раво қилмоқ менга ўттиз минг ракъат нафл намоздан яхшироқдир».

قَالَ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللهِ أَلْجُلُوسُ مَعَ الْعِيَالِ اَحَبُّ إِلَيْكَ أَمْ أَلْجُلُوسُ فِي الْمَسْجِدِ. قَالَ: أَلْجُلُوسُ سَاعَةً عِنْدَ الْعِيَالِ أَحَبُّ إِلَيَّ مِن الإِعْتِكَافِ فِي مَسْجِدِي هَذَا

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу дедилар, дедим: «Ё Расулаллоҳ, аҳли аёллар билан ўтирмоқ сизга яхшироқми ё масжидда ўтирмоқ?» Пайғамбар алайҳиссалом дедилар: «Менга ушбу масжидимда эътикоф ўтиргандан аҳли аёлнинг олдида бир соат ўтирмоқ дурустроқ ва яхшироқдир».

قَالَ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللهِ أَلنَّفَقَةُ عَلَى الْعِيَالِ اَحَبُّ إِلَيْكَ أَم النَّفَقَةُ فِي سَبِيلِ اللهِ. قَالَ: دِرْهَمٌ يُنْفِقُهُ الرَّجُلُ عَلَى الْعِيَالِ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ أَلْفِ دِينَارٍ يُنْفِقُهُ فِي سَبِيلِ اللهِ

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу дедилар, дедим: «Ё Расулаллоҳ, сиз учун аҳли аёлга нафақа қилмоқ яхшироқми ё Худойи таолонинг йўлида харж қилмоқ яхшироқми?» Пайғамбар алайҳиссолату вассалом дедилар: «Фисабилиллоҳ минг тилла сарф ва харажат қилгандан аҳли аёлга бир танга нафақа қилмоқ яхшироқдир».

قَالَ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللهِ برُّ الْوَالِدَيْنِ اَحَبُّ إِلَيْكَ أَمْ عِبَادَةُ أَلْفِ سَنَةٍ. قَالَ: يا اَنَسْ جَاءَ الْحَقُّ وَزَهَقَ الْبَاطِلُ إِنَّ الْبَاطِلَ كَانَ زَهُوقًا فَبِرُّ الْوَالِدَيْنِ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ عِبَادَةِ أَلْفَي أَلْفِ سَنَةٍ

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу дедилар, дедим: «Ё Расулаллоҳ, сизга ота ва оналарга яхшилик қилмоқ яхшироқми ё

www.ziyouz.com kutubxonasi

минг йил ибодат қилмоқ яхшироқми?» Пайғамбар алайҳиссолату вассалом дедилар: «Ё Анас, Ҳақ келди, яъни, дини Ислом ва Қуръон келди ва ширк ва шайтон нобуд бўлди, албатта, ботил ва ноҳақ беқарор ва бесабот ва йўқ бўлгувчидир». Чунончи, «Хозин» тафсирида мазкурдир. «Бас, икки минг йил ибодат қилгандан менга ота-онага яхшилик қилмоқ яхшироқдир». Ушбудек «Танбиҳу-л-ғофилин»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْبَيْعِ

БАЙЪ КИТОБИ

Бу китобда сотмоқ ва олмоқнинг баёни вақтики, байъ билан қасам шериклик бўлдилар ъоқид аҳдни боғламоғида, яъни, лозим бўлган аҳднинг ўҳдасидан чиқмоқликда ва ул қасамнинг зотида шарифлик бор сабабидан қасамдан сотмоқ-олмоқ масъаласини мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ кейин келтирдилар, бас, мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ айтдилар:

هُوَ مُبَادَلَةُ مَالٍ بِمَالٍ بِتَرَاضٍ

Ул байъ молни мол билан алиштирмоқдурки, сотадиган ва оладиганларнинг бир-бирларидан хушнудлик ва ризоликлари билан ул молнинг шариатда қиймати бўлгай. Бас, шароб, хук ва бошқа нарсаларки, шариатда қиймати йўқдир, уларни алиштирмоқ байъ бўлмагай. Ва яна бир дона арпа ва бир кафт тупроқ ва бир ичим сув молликдан чиққай, ўзи ўлиб қолган ҳайвон ва қон молликдан чиққанга ўхшаш. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

Ва яна билгил, «ийжоб» ва «қабул» сотмоқ ва олмоқнинг рукнларидир. Байънинг шарти – аҳд қиладирганларнинг оқил бўлмоқларидир, яъни, ақлли бўлмоқлари шартдир. Аммо балоғатга етганлик ва озодлик шарт эмас. Ул байънинг маҳали, сотмоқнинг ўрни ва жойи молдир. Ва байънинг ҳукми – мулкнинг муқаррар бўлмоғидур. Сотмоқ ва олмоқнинг ҳикмати оламнинг зиндакорлиги, яъни, тириклиги низомининг бақосидир. Ул сотмоқ ва олмоқнинг сифати мубоҳ, макруҳ, ҳаром ва вожибдир. Ва ул байъ ва ширъънинг, яъни, сотмоқ ва олмоқнинг машруъ бўлмоғи Худойи таборак ва таолонинг китоби бирладурки:

﴿...وَ اَحَلَّ اللهُ الْبَيْعَ وَ حَرَّمَ الرِّبٰوا...﴾ البقرة/٢٧٥

Яъни: «Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни (эса) ҳаром қилган».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Байъ Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сунна-тлари билан собит ва муқаррардир. Байънинг дурустлигига ижмои уммат ва қиёс ҳам собит ва муқаррардур. Сотмоқ ва олмоқ мулкнинг сабабларидан биридир. Ва ақлан ҳам собитдур, яъни, ақл байънинг дурустлигига жазм қилур, бошқа зарур бўлган ишларга ўхшашки, унга тирикчилик низомининг бақоси мавқуфдур. Зероки, ҳар кимнинг муҳтож бўлган нарсаси ҳар жойда мубоҳ бўлиб, мавжуд бўлмай, қаҳр, ғазаб ва зўрлик тариқи бирла олмоқда бузуқлик ва фасодлик бордир. Бас, Худойи таборак ва таоло молни алиштирмоқни хурсандлик ва ризолик билан бандаларига лутф ва меҳрибонлик юзасидан машруъ қилди. Саҳиҳ хабар Пайғамбар алайҳиссаломдан собитдир, албатта, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам Хадича розийаллоҳу таоло анҳо учун савдогарлик қилдилар. Лекин баъсатдан, яъни, пайғамбарликларидан ўн беш йил илгари эди. Ва ул жаноб соллаллоҳу таоло алайҳи ва саллам Шом вилоятига савдогарлик қасди билан чиқдилар. (Бу) йигирма беш ёшга етганларидан кейин, Хадича розийаллоҳу таоло анҳонинг никоҳланмоқларидан икки ойу йигирма беш кун илгари эди. Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу таоло анҳу бўз сотмоқда, ҳазрати Умар розийаллоҳу таоло анҳу таом сотмоқда савдогарлик қилдилар. Ҳазрати Усмон розийаллоҳу таоло анҳу хурмо ва буғдой сотмоқда савдогарлик қилдилар. Ва Аббос розийаллоҳу таоло анҳу аттор эдилар. Ушбу сабабдан бизнинг Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ мазҳабларидаги асҳоблар дедилар: ғазотдан кейин касбларнинг афзали тижоратдир, яъни, савдогарлик қилмоқдир. Андин кейин деҳқончилик, андин бошқа касб қилмоқдир. Зероки, савдогарликнинг манфаати ва фойдаси ҳар соатда пайдо бўлиб, ҳар вақт фойдаси такроран бўлгай. Аммо деҳқончиликнинг ҳосили узоқ муддатда бир маротаба бўлгай. Тижоратнинг манфаати ва фойдаси ъомдур, яъни, ҳамма халойиққа баробардир. Ва яна бу тижорат ғолибан жумъа намози ва ийд намозлари ўқиладиган мақомларда бўлгай. Деҳқончилик бунинг хилофидадир. Ул ғолибан узоқ саҳроларда бўлгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ يَنْعَقِدُ بِإِيجَابٍ وَ قَبُولٍ بِلَفْظِي مَاضٍ

Сотмоқ ва олмоқнинг ақди шаръан дуруст бўлгай ва боғлангайки, уни бузмоқ дуруст бўлмагай ийжоб ва қабул билан сотадиган ва оладиган одамларнинг икки лафзлари бирлаки, ул лафзлар ўтган замонга далолат қилурлар, сотадиган одамнинг «Бердим» ё «Яхшиладим» ё «Рози бўлдим» демоғига ўхшаш. Ва сотиб оладиган одамнинг «Ихтиёр қилдим» ёки «Қабул қилдим» ёки «Аҳд қилдим» ёки «Рози бўлдим» демоғига ўхшаш. Чунончи, «Туҳфа» китобида мазкурдир ва «Жомиъур-румуз»да мазбурдир.

وَ بِتَعَاطٍ مُطْلَقًا

Ва яна сотмоқнинг ақди мутлақан икки бадални бири-бирига беришмоқлари билан боғлангай, яъни, хоҳ қиймат баҳоли нарса бўлсин, хоҳ кам баҳоли нарса бўлсин.

وَ إِذَا أُوجِبَ وَاحِدٌ قَبِلَ الْآخَرُ كُلَّ الْمَبِيعِ بِكُلِّ الثَّمَنِ أَوْ تَرَكَ

Ва ҳар вақтики, сотадиган ва оладиган кишининг бири сотмоқни исбот қилса, яъни, қарор берса, масалан, «Бу молни сенга сотдим», деса, ийжоб ва қабул қилиб, рози бўлгандан кейин оладиган киши ул ўн ботмон буғдойнинг ҳаммасини олгай ёки асло олмагай. Аммо бир ботмон буғдойнинг баҳоси бир тиллодан деб баён қилса, оладиган киши ҳар бир ботмонига тиллодан бериб, хоҳласа, озгина олгай ва агар хоҳласа, ҳаммасини олгай.

إِلَّا إِذَا بَيَّنَ ثَمَنَ كُلٍّ

Магар сотадиган киши сотиладиган молнинг ҳар бир бўлагининг баҳосини тайин қилиб баён қилса, молнинг баъзисини олмоққа ихтиёрли бўлгай. «Буни бир тангага сотдим» ва «Буни икки тангага сотдим» деса, оладиган одам хоҳлаганини қабул қилиб олса, дуруст бўлгай.

وَ مَا لَمْ يُقْبَلْ بَطَلَ الْإِيجَابُ إِنْ رَجَعَ الْمُوجِبُ أَوْ قَامَ أَحَدُهُمَا

Уларнинг бири молнинг сотиладиган баҳосини муқаррар қилганидан кейин иккинчи киши қабул қилмаган муддатда

www.ziyouz.com kutubxonasi

аввалги кишининг ийжоби, яъни, байъни муқаррар қилгани ботил ва бекор бўлгай. Агар байъни аввал исбот қилган киши, яъни, байъни қарор берган киши қайтса ё иккинчиси қабул қилмасдан илгари иккаласидан бири мол сотиладиган жойдан туриб кетса, аввалгининг қарор берган байъи бузилгай.

وَ إِذا وُجِدَا لَزِمَ الْبَيْعُ

Ва ҳар вақтики ийжоб ва қабулнинг иккаласи бир мажлисда мавжуд бўлса, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ мазҳабларидаги имомларнинг наздларида, байъ лозим бўлгай, сотадиган ва оладиганлардан ҳеч қайсисининг байъни қайтармоққа ихтиёри бўлмагай. Бунда ишорат шунгаки, ийжоб ва қабул билан байъ тамом бўлгай ва савдо қилинган молни қабз қилмоққа муҳтож бўлинмайдур. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир.

وَ يَعْرِفُ الْمَبِيعُ بِالإِشارة لاَ بِذِكْرِ الْقَدْرِ و الصِّفَةِ

Ул сотилган ҳозир мол ишорат билан билдирилур. Масалан, «Ушбу мол» деб билдирилгай. Аммо миқдорини ва сифатини баён қилмоққа муҳтож бўлинмагай. Масалан, «Ботмон оқ буғдой» деб баён қилмоқ лозим эмас.

إِلا فِي السَّلَمِ

Магар байъи саламда сотиладиган нарса ғойиб бўлса, уни билдирмоқ учун миқдорини ва сифатини баён қилмоқ зарур бўлгай. Масалан, «Икки ботмон оқ буғдой» дейишга ўхшаш. Салам деб, аввал пули шитоб билан олиниб, унинг баробарига бериладиган молни бермоққа қарор қилингани айтилур. Масалан, уч ойда берурга қаратилгани айтилур. Ўз мақомида баён қилинур, иншааллоҳу роббу-л-ъоламин.

وَ الثَّمَنُ بِاحَدِهِمَا

Яна молнинг баҳосини билдирмоқ ё сифатини билдирмоқ ҳожат ва зарур бўлгай, бу икки хил билдирмоқнинг бири билан билдирмоққа муҳтож бўлингай. Яъни, агар мол ҳозир бўлса, ишорат билан ва агар ғойиб бўлса, миқдорини ва сифатини баён қилмоқ билан билдирилур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ لاَ يَضُرُّ الجزَافُ إلا في الْجِنْسِ بِالْجِنْسِ

Ўлчамасдан, қиёс, тахмин ва гумон билан байъ ва широ қилмоқ сотмоққа зарар бермагай. Масалан, бир анбор (хирмон) буғдойни бир анбор арпага ўлчамасдан, тахмин билан сотмоқда зарар йўқдир. Аммо бир анбор буғдойни бир анбор буғдойга ўлчамай, тахмин билан сотмоқ дуруст эмас, улардан бири кўп бўлиб, рибоъ бўлмоқ эҳтимоли бўлгани жиҳатидан. Бас, бири-бирига баробар эканлигини билмоқ шарт қилинур. Баробарлигини билмоқ учун ўлчалгай ё тарозу билан тортилгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

و مُطْلَقُ الثَّمَنِ عَلَى الاَرْوَجِ

Мутлақ баҳоси, миқдори баён қилиниб, сифати баён қилинмаса, масалан, ўн фут буғдойни йигирма тангага сотдим деса, ривожлироқ, яъни, ўтадиганроқ ва ул шаҳарда муомаласи кўпроқ пул мурод бўлгай.

فَإِن استَوَى رَوَاجُ النُّقُودِ فَسَدَ إِنْ اخْتَلَفَ مَالِيَّتُهَا

Бас, агар пулларнинг ўтмоқлари, яъни, муомалада юрмоқлари баробар бўлса, пулларнинг моддаларига қаралур. Агар моддалари ҳар хил бўлса, масалан, баъзи тангаларнинг кумуши тоза ва яхши, баъзиси аралаш бўлса, пуллар молийатининг қиймати сараносара ва тозалиги мухталиф бўлиб, қайси хил пулдан эканлиги тайин қилинмай, низо ва жанжалга оид бўлганлиги учун байъи фосид бўлгай. Агар тангаларнинг баҳолари баробар бўлса, сотмоқ дуруст бўлгай. Чунончи, Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ إِن بَيَّعَ ذُو أفرادٍ كُلُّ وَاحِدٍ بِكَذَا فَانْ لَمْ يتَفَاوَت صَحَّ فِي وَاحِدٍ

Агар афродлик нарсанинг ҳар бири фалон пул деб сотилса, бас, агар афродлар, яъни, танҳо-танҳо бир жинс нарсалар тафовутли ва фарқли бўлса, яъни, катта ва кичик бўлмаса, масалан, тухумга ўхшаш ҳаммаси баробар бўлса, ҳар бирини сотмоқ дурустдир. Ва бу хирмоннинг ҳар бир ботмонини беш тангага сотса, дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ إلا فَلاَ أَصْلاً

Аммо афрода ажзолари тафовутли бўлса, зоти катта ва кичик бўлгани жиҳатидан ва ҳам қиймати ва баҳоси жиҳатидан, масалан, бу қўйларнинг ҳар бири ўн тангадан демоққа ўхшашки, сотмоқ асло дуруст эмас. Ҳар бирларининг ўша мажлисда ҳисоблари билинса, мазкурларнинг ҳаммасида сотмоқ дуруст бўлгай. Масалан, бир хирмон буғдойни қоплаб қараганда қанча қоп эканлиги маълум бўлса, сотмоқ дуруст бўлгай. Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, олувчи кўриб, баҳолашиб рози бўлса, қўйга ўхшаш нарсаларда ҳам дурустдир.

فَإنْ بَاعَ صُبْرَةً عَلَى أنها مائَةُ صَاعٍ بِمائَةٍ فَإنْ نَقَصَ أخَذَ الْمُشْتَرِى بِالْحِصَّةِ أو فَسَخَ وَإنْ زَادَ فَلِلْبَائِعِ

Бас, агар бир одам бир хирмон буғдойни ўлчамасдан юз соъ, яъни, йигирма бир пуду ўн қадоқ бўлмоғи шарти билан юз тангага сотса, бас, агар сотиб олган одам тортиб қараганда хирмон юз соъдан кам чиқса, масалан, тўқсон соъ чиқса, сотиб олган киши тўқсон соъ буғдойни олгай, тўқсон тангани бергай, ошиқча пулини берган бўлса, қайтиб олгай, ё савдони бузгай. Ва агар юз соъдан зиёда бўлса, сотган кишига қолгай.

وَ فِي الْمَذْرُوعِ أخَذَ الأقَلَّ بِكُلِّ الثَّمَنِ أو تَرَكَ وَ الأكْثَرُ لَهُ

Газлаб сотиладиган нарсаларда, масалан, юз газ ер ё юз газ бўзни юз тангага сотса, ўлчагандан кейин ер ё бўз юз газдан кам чиқса, сотиб олувчи (юз газдан кам чиқса ҳам) юз танганинг ҳаммасига олгай. Пул кам берилмагай ёки асло олмагай. Зероки, газ бу нарсаларнинг сифатидур, баҳо бўладурган бўлса, ул авсофга бўлинмагай. Бас, баҳонинг тамоми ул зот тамомининг баробарига бўлгай. Лекин сотиб олгувчи ихтиёрлидир. Зероки, бу васф анда марғубдур, яъни, хоҳлагандур, юз газдан зиёдаси сотиб олган кишига бўлгай.

وَ إنْ قَالَ كُلُّ ذِراعٍ بِدِرْهَمٍ فَبِالْحِصَّةِ فِيهِمَا

Ва агар сотадиган одам кийимлик нарсаларнинг ҳар бир гази

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир тангадан деса, бир киши, масалан, қирқ газ кийимликни бир тангадан сотиб олган сувратда ўн газ кам чиқса, ўттиз танга бергай ва агар эллик газ чиқса, эллик танга бергай.

وَ صَحَّ بَيْعُ البِرِّ فِي سُنْبُلِهِ وَ البَاقِلَّ وَ نَحْوِهِ فِي قِشْرِهِ الأَوَّلِ

Ва буғдойни, арпа ва бошқа донли экинларни ва бодомга ўхшаган нарсаларни хушлари (бошоқлари) билан сотмоқ дурустдир, яъни, янчилмаган шохлари билан ва артилмаган пўстлари билан турганда сотмоқ дурустдир.

وَ بَيْعُ ثَمَرَةٍ لَمْ يَبْدُ صَلَاحُهَا

Ва яна фойдаланмоқ мартабасига етмаган ва фойдаси зоҳир ва маълум бўлмаган мевани сотмоқ дурустдир.

أَوْ قَدْ بَدَا

Ё фойдаланмоқ ва манфаатланмоқ зоҳир ва маълум бўлган бўлса, сотмоқ ва олмоқ дурустдир.

وَ يَجِبُ قَطْعُهَا

Ҳар икки сувратда сотиб олган кишига дарҳол дарахтдан мевани узиб олиб, дарахтни бўшатмоқ вожиб бўлгай. Агар байъ қилганда меванинг дарахтда турмоғини шарт қилмаган бўлса, мева олган одам сотган кишининг жавоби (рухсати) билан мевани дарахтдан олмаса, жойиздур ва дарахтда турганда ошиқча ўсгани ҳалолдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Билгилки, меванинг пишмоғи офтобдандир, дорангли (рангдор) бўлмоғи ойдандир ва мазали бўлмоғи жамиъи юлдузлардандир.

وَ شَرْطُ تَرْكِهَا عَلَى الشَّجَرِ يُفْسِدُ البَيْعَ

Меванинг дарахтда турмоғини ва экинни ерда қолдирмоқни шарт қилмоқ, Имом Аъзам ва Имом Абу Юсуф раҳимаҳумуллоҳ наздларида, байъни фосид қилгай ва фатво ушбугадир. Чунончи, «Ниҳоя»да мазкурдир.

كَاسْتِثْنَاءِ قَدْرٍ مَعْلُومٍ

Бу баён қилинган масъалада савдо бузилгай, мевадан маълум миқдорини олиб қолиб, қолганини сотганда байъ фосид

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлганга ўхшаш. Масалан, бу боғнинг чорак мевасидан бошқа мевасини сотдим деса, байъи фосид бўлгай. Аммо, маълум бир дарахтнинг мевасини қолдириб, бошқасини сотмоққа шарт қилмоқ дурустдир. Пишмаган мевани дарахтда турганича сотиб олган сувратда байъни тамом қилган вақтда мевани дарахтда сақламоқни шарт қилмай, сотиб олгандан кейин эгасидан жавоб (ижозат) сўраб, мевани пишгунча тургузмоқ дурустдир.

БУ ФАСЛДА СОТМОҚ ВА ОЛМОҚНИ БУЗМОҚҚА Ё ИЖОЗАТ БЕРМОҚҚА ИХТИЁРЛИ БЎЛМОҚНИНГ БАЁНИ

صَحَّ خِيَارُ الشَّرْطِ لِكُلٍّ مِنْهُمَا

Сотадиган ва оладиган одамнинг ҳар қайси бирлари ўз фойдалари учун ихтиёрни шарт қилмоқлари дурустдир.

وَ لَهُمَا ثَلاَثَةُ أَيَّامٍ أَوْ أَقَلُّ لاَ اَكْثَرُ

Ва яна сотадиган ва оладиган кишининг иккаласига уч кунгача ё уч кундан камроққача ихтиёрли бўлмоқни шарт қилмоқлари дурустдир. Аммо Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, уч кундан зиёда ихтиёр шарт қилмоқ дуруст эмас, бул саҳиҳ қавлдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Масалан, бу нарсани сотдим ё сотиб олдим, уч кунгача ихтиёрлидурман, деганга ўхшаш. Аммо тўрт кунгача ихтиёрли демоқ дуруст эмас.

إِلاَّ أَنَّهُ يَجُوزُ إِنْ أَجَازَ فِي الثَّلاَثِ

Лекин ихтиёрли бўлмаслик шарти билан сотмоқда уч кундан зиёдани шарт қилса ҳам, уч кун тамом бўлгунча сотмоққа рози бўлиб, ижозат берса, дуруст бўлгай.

وَ كَذَا إِنْ شَرَطَ أَنَّهُ إِنْ لَمْ يَنْقُدِ الثَّمَنَ إِلَى ثَلاَثَةٍ أَوْ اَكْثَرُ فَلاَ بَيْعَ

Агар уч кунгача ё ундан кам ё зиёдада пулни ҳозир қилмаса, байъ бўлмагай, деб шарт қилинса, ушбу сотмоқ ва олмоққа ихтиёрли бўлмоқнинг дуруст бўлмоғига ўхшаш сотмоқ дуруст бўлгай. Агар пулни уч кунда ё камда ҳозир қилса, иккала сувратда байъ дуруст бўлгай. Ва бу нақднинг хиёри дуруст бўлмоғи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни тақйид қилмоқда ишорат ангаки, агар вақтни асло баён қилмаса ё номаълум вақт баён қилинса, масалан, бир неча кунлардан кейин берурман деса, байъ фосид бўлгай. Чунончи, «Захира»да мазкурдир.

وَ لاَ يَخْرُجُ مَبِيعٌ عَنْ مِلكِ بَائِعه مَعَ خِيَارِه

Ва сотилган нарса сотган киши мулкидан чиқмагай ўзи ихтиёрли бўлиб турган вақтида.

فَهُلْكُهُ فِي يَدِ الْمُشْتَرِى بِالْقِيْمَةِ

Бас, сотилган нарса сотиб олган одамнинг қўлида ихтиёр ўзида бўлиб турган муддатида нобуд бўлмоғида сотиб олган кишининг товон тўламоғи баҳо қилмоқ биландир, сотиб олган баҳо билан эмас, яъни, нобуд бўлган вақтдаги баҳо қилмоқ биландир.

كَالْمَقْبُوضِ عَلَى سَوْمِ الشِّرَاءِ

Сотмоқ ниййатида олинган нарсага ўхшаш сотиб олган одам қўлида нобуд бўлса, ул молга сотган киши бир баҳо тайин қилган бўлса, масалан, сотган одам бу нарсани олиб боргил, агар маъқул бўлса, йигирма тангага олурсан деса, андин кейин сотиб оладиган одамнинг қўлида ул нарса ҳалок ва нобуд бўлса, ул одамга бозор баҳосини тўламоқ лозим бўлгай, қарор қилинган ва тайинланган баҳосини бермоқ лозим эмас.

وَ يَخْرُجُ مَعَ خِيَارِ الْمُشْتَرِى فَهُلْكُهُ فِي يَدِه بِالثَّمَنِ كَتَعَيُّبِه

Ихтиёр сотиб оладиган одам тарафида бўлганда, сотилган нарса сотган киши мулкидан ва тасарруф қилмоғидан чиққай, сотилган нарсанинг сотиб олган одам қўлида нобуд бўлмоғи тайин қилинган баҳо биландир. Сотилган нарса сотиб олган одам қўлида анинг феъли билан ё бошқа кишининг феъли билан, ё офати самовий билан айблик бўлса, сотиб олган киши иккаласи ўртасида ризолик билан тайин қилинган баҳони сотиб олган киши тўламоғи лозим бўлур. Чунончи, «Кофий» китобида мазкурдир.

لَكِنْ لا يَمْلُكُه الْمُشْتَرِى فَلاَ يَثْبِتُ أَحْكَامُ الْمُلْكِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин сотилган нарса сотган киши мулкидан ва тасарруфидан чиқса ҳам, сотиб олган киши ул нарсага эга бўлмагай. Бас, сотиб олгувчига мулкнинг ҳукми собит ва муқаррар бўлгай.

كَعِتْقِ قَرِيبِهِ وَ نَحْوِهِ

Мухаййар (ихтиёрли) бўлган вақтида сотиб олгувчининг маҳрам бўлган қариндоши озод бўлмоғига ўхшаш, яъни, ихтиёр ўзида бўлиб олган вақтида озод бўлмагай. Ва яна шунга ўхшаган нарсаларни мухаййар бўлмоқ билан сотиб олган бўлса, масалан, қул сотиб олган киши унинг озодлигини сотиб олмоққа таълиқ қилган бўлса, мухаййар бўлган вақтида озод бўлмагай, хоҳласам, олурман, хоҳламасам, уч кун ичида олмайман, деб ихтиёрланган киши қулнинг озод бўлмоғини сотиб олмоққа таълиқ қилган бўлса, мазкур уч кун ичида озод бўлмагай. Аммо бир киши ўзининг маҳрам қариндошини хиёри шарт қилмай, узил-кесил сотиб олса, ўшал соатда озод бўлмагай.

وَ الْفَسْخُ لا يَعْمَلُ إِلاَّ أَنْ يُعَلِّمَ صَاحِبُهُ فِي الْمُدَّةِ

Ва хиёри шартий билан байъ қилган вақтида байъни бузса, бузмоғи мақбул бўлгай, ҳар вақтики, хиёр вақтида ихтиёр ўзида бўлган муддат ичида байъни бузмоғини ҳамроҳига билдирса.

بِخِلاَفِ الإِجَازَةِ

Сотмоққа ижозат бермоқнинг хилофи бирлаким, анда байъни билдирмай бузса, мақбул бўлгай.

وَ يَسْقُطُ الْخِيارُ بِمَضْيِ الْمُدَّةِ

Тайин қилинган муддат ўтмоғи билан ихтиёр соқит бўлгай. Ихтиёрли бўлган одамнинг ўлмоғи билан ҳам хиёр соқит бўлгай. Чунончи, «Кофий» китобида мазкурдир. Беҳуд ва жинни бўлмоғи муддати ичида асаҳ қавл шулки, хиёрни, яъни, ихтиёрни соқит қилмагай. Чунончи, ихтиёрли бўлган одам ҳар вақтики хамрдан, яъни, шаробдан маст бўлса ё нашадан маст бўлса, ихтиёр соқит бўлмагай. Чунончи, «Муҳит»да мазкурдир.

وَ مَا يَدُلُّ عَلَى الرِّضَاءِ كَالرُّكُوبِ وَ الْوَطْئِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва яна олгувчидан байъга ризо бўлмоғига далолат киладиган ишларнинг содир бўлмоғи билан, масалан, хиёри шарт билан олган отига миниб юрса ё аравага қўшиб юрса ва канизакни жимоъ қилса, ё ушласа, ё ўпса, ё назари шаҳват билан андомига қараса, байъни қайтармоққа ихтиёри қолмагай, ул кишига байъ муқаррар бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ شِرَاءُ أَحَدِ الثَّوْبَيْنِ أَوْ أَحَدِ الثَّلَاثَةِ عَلَى أَنْ يُعَيِّنَ أَحَدًا صَحَّ

Икки кийимнинг бирини, ё икки қулнинг бирини, ё уч кийимнинг бирини маълум баҳога, масалан, ўн тангага сотиб олмоқда уч кунда бирини тайин қилиб олмоқ шарти билан байъ қилмоқ дурустдир, буни «хиёри муъаййанда» дейилур.

لَا فِي الْأَكْثَرِ

Аммо учдан кўпда, масалан, тўрт чафоннинг бирини ё беш чафоннинг бирини тайин қилмоқ шарти билан ихтиёрли бўлмоқ дуруст эмас. Зероки, ҳожат уч билан мундафиъ (дафъ қилинган) бўлгай, яхшиси ва миёнаси (ўртачаси) ва адни (ёмони) мавжуд бўлган жиҳатидан.

وَ شِرَاءُ عَبْدَيْنِ بِالْخِيَارِ فِي أَحَدِهِمَا صَحَّ إِنْ فَصَّلَ الثَّمَنَ وَ عَيَّنَ مَحَلَّ الْخِيَارِ

Икки қулни сотиб олганда, бирини хиёри шартий билан олмоқ дурустдир, агар алоҳида жудо қилиб, пулининг миқдорини баён қилса ва яна ихтиёр қайси бирида бўлмоғини тайин қилса.

وَ فَسَدَ فِي الْأَوْجُهِ الْبَاقِيَةِ

Қолган уч важҳларда байъ фосид бўлгай. Масалан, бир одам икки қулни эллик тиллога сотиб олса, аммо ҳар бириси йигирма беш танга, деб баён қилмаса ёки Зайд номлиги ўттиз тилло, Бакр номлиги йигирма тилло деб, баён қилмаса, ёки баҳолари баён қилинса ҳам, ихтиёр ўзида бўлмоғининг шарти қайси бирида эканлиги баён қилинмаса, ёки хиёри шартий қайси эканлиги тайин қилинса, лекин ҳар қайси бирининг қийматлари алоҳида баён қилинмаса, бу уч сувратда байъ фосиддир, дуруст эмасдир, баҳо ва сотиладиган нарса бетайин бўлгани жиҳатидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ عَبْدٌ مُشْتَرًى بِشَرْطِ كَتْبِهِ وَ لَمْ يُوجَدْ اَخَذَ بِثَمَنِهِ أَوْ تَرَكَ

Ва бир қулки, котиб бўлмоқ, яъни, хат битмоқ шарти билан ё бошқа ҳунар шарти билан сотиб олинибдир, олгандан кейин котиблиги топилмаса, сотиб олган кишининг ихтиёри ўзидадир, – қулнинг тайинланган баҳоси билан олгай ё қайтариб бергай, ул сифат учун баҳони камитмагай. Зероки, баҳо зот баробаригадир, сифат баробарига эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ушбуга ишорат қилинибдир.

وَ يُورَثُ خِيَارُ التَّعْيِينِ وَ الْعَيْبِ

Хиёри тайин билан хиёри айб ворисларга мерос бўлиб қолгай, яъни, бир одам бир нарсани хиёри тайин билан олса, ундан кейин ўлса, ул одамнинг ихтиёри ўзида бўлганлиги тамом бўлмагай, ворисларига қолгай, яъни, ворислари икки-уч нарсадан хоҳлаганларини танлаб олгайлар. Ва анга ўхшаш бир одам бир нарсани олгандан кейин вафот топса, андин кейин сотиб олинган нарсада сотган вақтидаги айби билинса, ўлган киши ворисларининг ихтиёрлари ўзларидадир, хоҳласалар, байъни қайтарурлар, хоҳласалар, байъни қайтармагайлар.

لاَ الشَّرْطُ وَ الرُّؤْيَةُ

Аммо хиёри шарт билан хиёри руйа, яъни, кўрмай сотиб олган нарсани олмоқ ихтиёри меросга қолгай.

БУ ФАСЛДА КЎРМАЙ САВДО ҚИЛМОҚ ДУРУСТ БЎЛМОҒИНИНГ БАЁНИ

صَحَّ شِرَاءُ مَا لَمْ يَرَهُ

Сифати хоҳ баён қилинсин, хоҳ баён қилинмасин, кўрмаган нарсани сотиб олмоқ дурустдир.

وَ لِمُشْتَرِيهِ الْخِيَارُ عِنْدَهَا إِلَى أَنْ يُوجَدَ مَا يُبْطِلُهُ

Ул нарсани оладиган кишига кўрган вақтида ихтиёрни йўқ ва ботил қиладиган нарса мавжуд бўлгунча ихтиёр олдидадир, яъни, ўзидадир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ إِنْ رَضِيَ قَبْلَهَا

Агарчандики сотиб олган киши молни кўрмасдан илгари рози бўлса ҳам, кўргандан кейин байъни бузмоқ ва олмоққа ихтиёрлидир.

لاَ لِبَائِعِه

Лекин сотадиган киши кўрмаган нарсасини сотса, кўргандан кейин байъни бузмоққа ихтиёр ўзида қолмагай.

وَ يُبْطِلُهُ وَ خِيَارَ الشَّرْطِ تَعَيُّبُهُ

Хиёри руйани, яъни, кўрмоққа ихтиёрли бўлмоқни ва яна хиёри шартни, яъни, уч кунгача хоҳласа, олмоққа, хоҳламаса, олмасликка ихтиёрли бўлмоқни сотилган нарсани сотиб олган одамнинг олдида айбли бўлмоғи ботил ва бекор қилгай.

وَ تَصَرُّفٌ يُوجِبُ حَقًّا لِغَيْرِهِ كَالْبَيْعِ بِلاَ خِيَارٍ قَبْلَ الرُّؤْيَةِ وَ بَعْدَهَا

Ва яна сотиб оладиган одамнинг тасарруфи хиёри руйани ботил, бошқа кишига ҳақни вожиб қилгай, сотган одамнинг фойдасига ихтиёр бўлмаган байъга ўхшаш, оладиган киши мабиъ, яъни, молни кўрмасдан илгари ё молни кўргандан кейин иккинчи одамга ўз тарафидан хиёри шарт қилмай сотмоғида иккинчи олгувчи тарафида хиёри шарт бўлсин, хоҳ бўлмасин, яъни, сотиб олган одам қайтариб беролмагай.

وَ مَا لاَ يُوجِبُهُ كَالْبَيْعِ بِخِيَارٍ وَ مُسَاوَمَةٍ وَ هِبَةٍ بِلاَ تَسْلِيمٍ يُبْطِلُ بَعْدَهَا فَقَطْ

Ул тасарруфки, сотган одам ихтиёри ўзида бўлмоғи шарти билан сотганга ўхшаш ва сотиладиган нарсани оладиган кишига кўрсатмоқ ва баҳосини тайин қилмоқ ва топширмасдан, ҳиба қилмоқ кабилар билан бошқа кишига ҳақни вожиб қилмагай. Бу баён қилинган тасарруфлар ҳақ бермоқни вожиб қилмагайлар, сотилган нарсани кўргандан кейин ихтиёрни бекор қилгайлар.

وَ يُعْتَبَرُ رُؤْيَةُ الْمَقْصُودِ كَوَجْهِ الْأَمَةِ وَوَجْهِ الدَّابَّةِ وَ كَفَلِهَا

Ва тамомни (ипидан игнасигача) кўрмоқ узрли бўлгани жиҳатидан, сотиб олган нарсани қараганда, сотиб олмоқ мақсуд

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган жойини кўрмоқни эътибор қилинур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Масалан, чўрининг юзини ва тўрт оёқли ҳайвоннинг юзини ва сағрисини кўрмоқни эътибор қилинур.

وَ مَوْضِعِ عَلَمُ الْمُعْلَمِ

Аломатли кийимнинг аломатини, яъни, нишонасини кўрмоқни эътибор қилинур, масалан, нақшлари ва гулларини, яхши тўқилганлигини кўрмоқ эътибор қилинур, ҳаттоки агар сотиб оладиган киши бошқа жойини кўрса, ихтиёри соқит бўлмагай.

وَ ظَاهِرِ غَيْرِهِ

Агар ичи ва сиртида, атрофларида тафовут бўлмаса, аломатсиз, яъни, нақш ва гулсиз нарсанинг зоҳирини, яъни, устининг кўриниш жойини кўрмоқни эътибор қилинур ва агар тафовут бўлса, ичини кўрмоқ ҳам зарурдир. Боғни сотиб олмоқда ичини кўрмоқ зарурдир. Ва бўстонни олмоқда дарахтларининг бошларини кўрмоқни эътибор қилинур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва ҳар вақтики, ер ичида (тагида) бўлиб, кўринмайдиган нарсани, масалан, сабзи ва пиёзни сотиб олса, бас, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, баъзисини кўрмоқ кифоя қилмагай. Аммо, Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳу таоло наздларида, агар сабзи, пиёз ва бунга ўхшаган нарсаларнинг кўринган баъзисидан қолганларининг катталигига далолат қилса ва анга сотиб олгувчи рози бўлса, бас, ул кўринган баъзи экин (ҳосил) ҳаммасини олмоқни лозим қилгувчидир. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир.

وَ بُيُوتِ مَقْصُودَةٍ

Ва ҳовли олган сувратда ҳовлининг ҳовлидан мақсуд бўлган уйларини кўрмоқни эътибор қилинур, ҳаттоки ул ҳовлида қишлайдиган икки уй ва ёзда ўтирадиган икки уй бўлса, ҳаммасини саҳнлари билан кўрмоқ лозимдир, халожойни кўрмоқ, ўт ва хашак қўядиган жойларни кўрмоқ шарт эмас. Магар ушбулар ҳовлидан мақсуд бўладиган юртда бўлса, кўрмоқ шартдир ва баъзи уламолар ҳаммасини кўрмоқни, яъни, ҳовлига тегишли нарсаларнинг ҳаммасини кўрмоқни шарт қилибдурлар. Ва бу азҳар ва ашбаҳдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ نَظَرُ وَكِيلِهِ بِالشِّرَاءِ

Сотиб олмоққа вакил қилинган киши олинадиган нарсага қарамоғини эътибор қилинур.

أَوْ بِالْقَبْضِ

Ё сотиб олинган нарсани олмоққа вакил қилинган кишининг кўрмоғини эътибор қилинур, яъни, ўзи кўрмаса ҳам, вакил кўрса, байъ тамом бўлгай, кўриб, хоҳласа, олиб, хоҳламаса, олмаслик ихтиёри қолмагай.

لاَ نَظَرُ رَسُولِهِ

Аммо элчининг, яъни, юборилган одамнинг кўрмоғини эътибор қилинмайдир. Бас, сотиб олгувчи бир одамни қабзига олмоқ учун юборса, юборилган одам кўрганидан кейин қабзига олса, сотиб олган одам хоҳламаса, ул молни қайтармоққа қудрати етгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Вакилнинг суврати шулки, сотиб олгувчи бир одамга мен тарафимдан мол олмоққа вакил бўлгил, дегай. Элчининг суврати шулки, «Менинг жонибимдан сотиб олган молимни қабз қилмоққа элчи бўлгил», дегай. Ва бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздаридадир. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳу таоло наздларида, вакил элчи баробардир, олинган молни кўрган вақтда сотиб олгувчини қайтармоққа қудрати етгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ جَسُّ الأَعْمَى وَ شَمُّهُ وَ ذَوْقُهُ وَ وَصْفُ الْعَقَارِ عِنْدَهُ

Кўр кишининг қўли билан сийфамоғини эътибор қилинур, башарти ушлаганда ва сийфаганда билинадирган бўлса, ҳидламоғини эътибор қилинур ҳар вақтики, ҳидламоқ билан билинадиган бўлса. Ва мазасини тотмоқни эътибор қилинур, башарти мазасини тотмоқ билан билинадиган бўлса. Ерни, чўлни ва буларга ўхшаган нарсаларни кўр киши олдида баён қилмоқни эътибор қилинур, яъни, агар ернинг жамиъи авсофлари кўр киши олдида баён қилинса, андин кейин ул кўр киши рози бўлдим деса, ерни қайтармоққа ихтиёри қолмагай, булар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг ҳаммаси кўрнинг ҳақида кўрган ҳукмидадир. Чунончи, «Гўрмирий» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ مَنْ رَأَى شَيْئًا ثُمَّ شَرَى فَلَهُ الْخِيَارُ إِنْ تَغَيَّرَ

Бир киши бир нимарсани кўрса, андак муддатдан кейин ул нарсани байъ вақтида кўрмай сотиб олса, бас, ул мол кўргандаги ҳолидан ўзгарган бўлса, ул олган одамга ихтиёр бўлгай, яъни, хоҳласа, олгай, хоҳламаса, олмагай. Ва агар ўзгармаган бўлса, кўрмоқ ихтиёри қолмагай, яъни, кўргандан кейин сотиб олиб, андин кейин олмайман, демоққа ихтиёри қолмагай.

وَ الْقَوْلُ لِلْبَائِعِ فِي عَدَمِ تَغَيُّرِه

Аммо сотгувчи билан олгувчи ихтилоф қилишса, яъни, сотадиган киши бу нарсам аввалгидек турибди, асло ўзгаргани йўқ деса, оладиган одам ўзгарган деса, сотадиган кишига қасам айттирилгай ва башарти бу муддат яқин бўлса, ул оладиган одамга гувоҳ ўткармоқ вожиб бўлгай, токи ул муддатда ўзгармаганлиги маълум бўлгай. Агар узоқ муддат ўтган бўлса, ушбу тариқаким, харидор одам бир ёш канизакни кўрса, йигирма йилдан кейин сотиб олса ва сотгувчи, албатта, ул канизак ўзгаргани йўқ, деб зуғм қилса, бас, сотиб олгувчининг сўзини эътибор қилинур. Чунончи, «Кофий»да мазкурдир ва «Шарҳи Илёс»да мазбурдир.

وَ لِلْمُشْتَرِي فِي عَدَمِ رُؤْيَتِه

Аммо сотиб олмоқдан илгари кўрган-кўрмаганликда ихтилоф қилишса, яъни, оладиган одам, бу нарсани кўрганим йўқ, деса, сотадиган киши, кўрган эдинг, деса, оладиган одамнинг сўзини қасам билан эътибор қилинур.

БУ ФАСЛДА СОТИЛГАН НАРСА АЙБЛИ БЎЛГАНИ ЖИҲАТИДАН ОЛАДИГАН ОДАМГА ИХТИЁР БЎЛМОҒИНИНГ БАЁНИ

وَ لِمُشْتَرٍ وَجَدَ بِمُشْتَرَاهُ عَيْبًا نَقَصَ ثَمَنَهُ عِنْدَ التُّجَّارِ رَدُّهُ أَوْ أَخْذُهُ بِثَمَنِه

Сотиб олинган нарсасида байъ қилинган замонда кўрилмаган айб топилса, ул айб сотган одам олдида ҳам бор бўлса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

савдогарларнинг олдиларида ул айбдор нарсанинг баҳосини камитгай, сотиб олгувчига ул айбдор бўлган нарсани қайтармоққа ё тамом баҳоси билан олмоққа ихтиёр бордир.

وَ الْإِبَاقُ وَالْبَوْلُ فِي الْفِرَاشِ وَ سِرْقَةُ صَغِيرٍ يَعْقِلُ عَيْبٌ

Ёши балоғатга етмаган, яхши ва ёмонни биладиган қул боланинг қочмоғи, тўшакка сиймоғи ва ўғирлик қилмоғи айбдир.

وَ مَنْ بَالَغَ عَيْبٌ آخَرُ

Қочмоқ, ўринга сиймоқ ва ўғирлик қилмоқ балоғатга етгандан кейин зоҳир ва маълум бўлса, ул айби бошқа айбдир. Зероки, бу айбларнинг сабаблари сағирлик ва балоғатга етганлик билан мухталифдир, яъни, ёшликдаги сабаблар бошқадир. Ёшликда ўрнига сиймоқлик қовуқнинг заифлиги жиҳатидандир, балоғатга етганда ўрнига сиймоқ иллат ва оғриқ жиҳатидандир. Ёш болаликда қочмоқ ўйнамоққа муҳаббат қилмоқ жиҳатидан, ўғирламоқ бепарволик ва фаҳмламаслик жиҳатидан, бу икки айб балоғатга етганда бўлса, табиатидаги бузуқлик жиҳатидандир. Балоғатга етмаган замонида сотгувчи қўлида турганда, бу айблар воқеъ бўлиб, балоғатга етгандан кейин сотиб олган киши қўлида ҳам бу айблар воқеъ бўлса, балоғатга етгандан кейинги айб алоҳида ва бошқа айб бўлгани жиҳатидан сотиб олган одам қайтариб берурга ихтиёрли эмасдир. Агар сотгувчи ва олгувчи қўлларида турганда, балоғатга етмасдан илгари бу айблар мавжуд бўлса ёки иккалаларининг қўлларида болиғ бўлгандан кейин бу айблар топилса, илгариги айби бўлгани жиҳатидан сотган одамга қайтарилур. Чунончи, «Жавҳарату-н-найййра», «Шарҳи Илёс», «Жомиъу-р-румуз»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

وَ جُنُونُ الصَّغِيرِ عَيْبٌ أَبَدًا

Балоғатга етмаган ёш боланинг жинни бўлмоғи айби доимийдир, яъни, балоғатга етмаган ёш қул ёш болалик вақтида жинни бўлса, тузалганидан кейин сотилса, хоҳ балоғатга етганидан кейин сотилсин, хоҳ сабийлик вақтида сотилсин, қайтадан жинни бўлса, сотиб олган кишида ихтиёр бордир: агар хоҳламаса, қулни

www.ziyouz.com kutubxonasi

қайтариб, пулини олгай ва агар хоҳласа, қайтармагай. Ва билгил, албатта, ақлнинг саъдини, яъни, ҳақиқатан турган жойи дилдир, унинг шиъоий, яъни, рўшнолиги ва равшанлиги димоғигача бўлгай. Жинни бўлмоқ хўшк ва қуруқ бўлмоғи билан ул равшанликни жудо қилгувчидир. Чунончи, «Ниҳоя»да мазкурдир.

وَ الْبَخَرُ وَ الذَّفَرُ وَ الزِّنَى وَ التَّوَلُّدُ مِنْهُ عَيْبٌ فِيهَا لاَ فِيهِ

Оғизнинг бадбўй бўлмоғи, қўлтиқнинг сассиқ бўлмоғи, зинокор бўлмоғи, зинодан туғмоғи – бу тўрт нарсанинг бири канизакда бўлса, айбдир. Зероки, мазкур айблар чўрида бўлса, мақсудга зарарлидир. Чунки канизак олмоқдан мурод у билан ётмоқни хоҳламоқдир. Аммо оғизнинг бадбўйлиги, қўлтиғининг ҳиди ва зинокор бўлмоғи қулда бўлса, айб эмасдир. Зероки, қулда мутлақ хизматдир, у билан ётилмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз» ва «Гўрмирий»да ҳам мазкурдир.

وَ الْكُفْرُ عَيْبٌ فِيهِمَا

Куфрлик иккаласида бўлса ҳам, айбдир. Зероки, табъи салим мусулмон киши Худойи таборак ва таоло душманининг суҳбатидан қочгай, дин тўғрисидан бўлган душманлик ва адоват жиҳатидан нафрат қилгай. Намоз ўқимаслик ва чақимчилик, ёлғончилик қулларда ва чўриларда бўлса, айбдир. Ва таомни оз емоқ ҳайвонларда айбдир, одамзодда айб эмас. Чунончи, «Жавҳарату-н-найийра»да мазкурдир.

وَ الإِسْتِحَاضَةُ وَ ارْتِفَاعُ حَيْضِ بِنْتِ سَبْعَ عَشْرَةَ عَيْبٌ

Чўрининг хун истиҳоза кўрмоғи, яъни, иллат ва касал сабаби билан қон кўрмоғи ва ўн етти ёш канизак қизнинг қон кўрмаслиги айбдир. Яъни, ўн ёшдан эллик ёш ўртасидаги вақтларда туташ икки ҳайз кўрмай тургани айб бўлгай.

وَ إِنْ ظَهَرَ عَيْبٌ قَدِيمٌ بَعْدَ مَا مَاتَ أَوْ أَعْتَقَهُ مَجَّانًا أَوْ دَبَّرَهُ

أَوْ اسْتَوْلَدَ رَجَعَ بِالنُّقْصَانِ

Агар сотган киши қўлида тургандаги эски айби қулнинг ўзи ўлганидан кейин зоҳир ва маълум бўлса ё айбини билмай, мол

www.ziyouz.com kutubxonasi

олмай, бекорга ва текинга озод қилганидан кейин айби билинса, ё мудаббар қилганидан кейин, яъни, «Мен ўлганимдан кейин озод бўлурсан», деганидан кейин қулнинг айби билинса ёки сотиб олган чўриси бола туққанидан кейин аввалги айби маълум бўлса, сотиб олган одам сотган кишидан (шу) айби баробарига лойиқ бўлган пулини қайтариб олгай.

لاَ بَعْدَ مَا اَعْتَقَ عَلَى مَالٍ أَوْ قَتَلَهُ أَوْ أَكَلَ بَعْضَهُ أَوْ كُلَّهُ أَوْ لَبِسَ فَتَخَرَّقَ

Аммо мол баробарига қулни ё канизакни озод қилганидан кейин айби зоҳир бўлса ёки сотиб олган одамнинг ўзи қулни ё канизакни ўлдирганидан кейин айби зоҳир бўлса, ёки олинган нарса таом бўлиб, баъзисини ё ҳаммасини еганидан кейин айби зоҳир бўлса, ёки сотиб олинган нарса кийим бўлиб, сотиб олган одам кийса, йиртилганидан кейин айби зоҳир бўлса, – мазкурларнинг ҳаммасида сотиб олган одам сотган кишидан нуқсон етгани баробарига пулни қайтариб ололмагай.

وَ بَعْدَ مَا حَدَثَ عَيْبٌ رَجَعَ بِهِ

Агар сотиб олган одам олдида бошқа айби пайдо бўлганидан кейин қадимги айби зоҳир бўлса, айбли бўлгани баробарига пулни қайтариб олгай. Масалан, бир жомани сотиб олганидан кейин уни қирқса, яъни, кесса, андин кейин ул жомадан бошқа айбни топса, нуқсони баробарига пулни қайтариб олгай, кесган жомани қайтариб бермоқнинг иложи бўлмагани жиҳатидан, жомани кесмоқ янги айб бўлгани учун. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

إِلاَّ أَنْ يَأْخُذَهُ الْبَائِعُ كَذَلِكَ

Магар сотган киши сотган нарсасини ризолик бирла айбли ҳолича қайтиб олса, сотиб олган киши нуқсон баробари пулни қайтариб ололмагай,

مَا لَمْ يَخْتَلِطْ بِمُلْكِ الْمُشْتَرِى

модомики ул мол сотиб олган одамнинг мулкига аралашмаган бўлса. Агар аралашган бўлса, олган одам айб баробарига лойиқ қийматини сотган кишидан албатта қайтариб олгай. Масалан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўн сотиб олган одам уни ювмоқдан кейин қадимги айбини билиб қолса, уни сотган кишига қайтариб беролмагай ва сотган одам ҳам олмагай. Аммо нуқсон етган миқдорини бергай.

فَلاَ يَرْجِعُ إِنْ بَاعَ قَبْلَهُ

Бас, сотиб олган киши айб пайдо бўлганидан кейин ўз молига аралаштирмасдан илгари сотса, сотган одамдан нуқсон етган баробари пулини қайтариб олмагай. Зероки, айбли молни сотган кишига қайтармоқнинг иложи бор бўлатуриб, мулкидан чиқарибдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

لاَ بَعْدَهُ

Аммо айбли молни сотиб олган одам (уни) ўз молига аралаштирганидан кейин бир одамга сотса, айбли бўлгани баробари пулни қайтариб олгай. Зероки, айбли молни сотган одамга қайтармоқнинг иложи бўлатуриб, мулкидан чиқарибдир. Чунончи, бу далил ҳам «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ بَعْدَ كَسْرِ الْجَوْزِ وَ نَحْوِهِ رَجَعَ بِالنُّقْصَانِ فِي الْمُنْتَفَعِ بِهِ

Жавзни, яъни, ёнғоқни ва унга ўхшаш нарсаларни, масалан, товуқнинг тухумини, қовун, бодринг, тарра, бодом ва писталарга ўхшаш нарсаларни синдирганидан кейин айби зоҳир бўлса, сотган одамдан айбли бўлгани баробари пулини қайтариб олгай, мазкурларнинг айбликларидан ҳам манфаат оладиган бўлса.

وَ بِالْكُلِّ فِي غَيْرِهِ

Сотиб олинган нарсанинг ҳаммаси ё баъзиси айбли бўлиб, манфаат олурлик бўлмаса, таомки, одам емоғига ва ўтким, ҳайвон емоғига салоҳияти бўлмаса, ҳамма пулини қайтариб олгай. Масалан, қаръ туркийда қовоқ дейилур, ҳар вақтики, мазасини талх топса ё тухум, ҳар вақтики, уни фалағда бўлган топса, мазасини тотганда талхлигини топса, сотиб олмоқни қўйгай. Агар мазасини тотганидан кейин ул нарсадан тановул қилган бўлса, пулини асло қайтиб ололмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

وَ إِذَا ادَّعَى الإِبَاقَ اَثْبَتَ اَنَّهُ اَبَقَ عِنْدَهُ بِالْبَيِّنَةِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар вақтики, қул сотиб олган одам қочқоқлигини, ўрнига сиядиганлигини, ўғрилигини, жиннилигини ва ушбуларга ўхшаган айбларини даъво қилса ушбу тариқаки, масалан: «Бу қул сотган одам қўлида жинни экан ва, албатта, менинг қўлимда ҳам жиннилиги топилди ва маълум бўлди», деса, гувоҳлар билан ё бошқа далиллар билан ўзидан қочганлигини исбот қилгай.

أَوْ نُكُولِ الْبَائِعِ عَنِ الْحَلْفِ عَلَى الْعِلْمِ

Ё сотган киши қасам ичмоқдан ўзини тортганлигига исбот қилса, яъни, сотган одам: «Биллаҳи, мен унинг қўлидан қочмаганлигини биламан», деб қасамёд қилолмай, сотиб олган одам нукул қилди, деб сотиб гувоҳ ўткарса.

ثُمَّ بَرْهَنَ اَنَّهُ اَبَقَ عِنْدَ الْبَائِعِ

Сотиб олган одам гувоҳ ўткарганидан кейин, сотган киши қасамдан нукул қилганидан кейин сотиб олган одам: «Албатта, менга сотган одамнинг олдида ҳам бу қул қочган экан», деб гувоҳ ўткаргай.

أَوْ حَلَّفَهُ اَنَّهُ بَاعَهُ وَسَلَّمَهُ وَ مَا اَبَقَ قَطُّ

Ё қасам бергай сотган кишига ушбу тарздаки: «Мен бу қулни бу одамга сотдим, биллаҳи, айбдан саломатлик ҳолида топширган эдим ва менинг қўлимда турганида ҳаргиз қочган йўқ эди», деб.

أَوْ مَالَهُ حَقُّ الرَّدِّ بِهٰذِهِ الدَّعْوَى

Ё сотган киши: «Биллаҳи, сотиб олган кишининг бу даъвоси сабаби билан қайтариб олмоқ ҳаққи менинг гарданимга лозим эмас», деб қасамёд қилгай. Сотган одам ушбу қасамни ёд қилса, қул қайтарилмагай. Аммо сотган киши қасамдан тортилса, қасам ичмаса яъни, қул ул сотган одамга қайтарилур.

وَ لَا ثَمَنَ عَلَى الْمُشْتَرِى إِذَا ادَّعَى الْعَيْبَ حَتّٰى يَتَبَيَّنَ عَدَمُهُ

Сотиб олган одам олган нарсасида айб борлигини даъво қилса, олган нарсасининг ҳақини сотган кишига бермаган бўлса, айбнинг йўқлиги зоҳир бўлгунча сотиб олган киши пулни тўламоққа зўрланмагай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ مُدَاوَاةُ الْمُعَيَّبِ وَ رُكُوبُهُ فِي حَاجَتِهِ رِضًا

Айбли молга айбини билганидан кейин дору қилмоқ (даволамоқ), ўзининг ҳожати учун минмоқ ризо бўлмоқ ҳукмидадир.

لاَ لِرَدِّهِ

Аммо эгасига қайтариб бермоқ учун минмоқ ризо бўлмоқ ҳукмида эмасдир.

أَوْ سَقِيهِ أَوْ شِرَاءِ عَلَفِهِ وَ لاَ بُدَّ لَهُ مِنْهُ

Ё суғормоқ учун, ё унинг алағини сотиб олмоқ учун минмоқ зарур бўлса, зероки, мазкур зарур нарсаларга ҳайдаб олиб бормоққа ғолиб ҳайвонни минмай, етаклаб олиб борганда саркашлик қилгай. Ушбу кейинги уч сувратларда хиёр айби тамом бўлмагай, сотиб олган киши хоҳласа, сотган одамга қайтаргай.

وَ لَوْ شَرَى عَبْدَيْنِ صَفْقَةً وَ وَجَدَ بِأَحَدِهِمَا عَيْبًا رَدَّهُ خَاصَّةً أَنْ قَبَضَهُمَا

Агар икки қулни ё шунга ўхшаш икки нарсани сотиб олса бир ақд биланким, бири билан наф олмоқда иккинчисидан бўлак бўлса. Масалан, икки жома ва бир жуфт ҳўкизга ўхшаш ғайри маълуф бўлсалар, яъни, бири бўлмаганда, бири кифоя қиладиган бўлса. Музанинг бири эшикнинг бир табақасига ўхшаган эмас. Чунончи, ўз мақомида келур. Ул икки нарсанинг биридан айб топса, агар иккаласини ўз қўлига олган бўлса, ул айбли молнинг ўзини қайтаргай.

وَ إِلاَّ أَخَذَهُمَا أَوْ رَدَّهُمَا

Агар иккаласини қўлига олган бўлмаса, иккаласини қабул қилиб олгай ё иккаласини қайтаргай, дурустини олиб, айблигини қайтармагай. Зероки, икки нарсани бир ақд билан, яъни, бир қўл қоқиб олиш билан байъ тамом бўлгай.

كَمَا فِي الْكَيْلِيِّ وَ الْوَزْنِيِّ وَ إِنْ قَبَضَ

Ўлчовлик ва тарозуликда, яъни, ўлчов билан ва тарозу билан сотиладиган нарсаларда, масалан, буғдой ва тилла тангага ўхшаган нарсаларда олса, баъзисида айб топса, ҳаммасини қайтаргай ёки ҳаммасини қабул қилиб олгай. Ва агарчандики

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлига олган бўлса ҳам, айблисини қайтариб, беайбини олмоқ раво эмас. Чунончи, «Гўрмирий»да ҳам мазкурдир.

وَ لَوْ اُسْتُحِقَّ الْبَعْضُ لَمْ يَرُدَّ الْبَاقِي

Агар ул ўлчов билан ё тарозу билан олинадиган нарсаларнинг баъзиси олмоққа лойиқ ва муносиб бўлса, қолган баъзисини қайтармагай.

بِخِلَافِ الثَّوْبِ

Аммо кийимлик нарсани, айбли бўлганини қайтарганда, қолганига зарар етадиган бўлса, ҳаммасини қайтаргай.

وَ صَحَّ إِنْ بَرِئَ مِنْ كُلِّ عَيْبٍ وَ إِنْ لَمْ يَعُدَّهَا

Сотгувчи сотган нарсасининг ҳамма айбидан бири бўлса, дурустдир. Яъни, жамиъи айби билан бу молни сенга сотдим, деса дурустдир. Агарчандики ул айбларни санамаса ва тайин қилмаса ҳам, андин кейин ҳар қандоқ айби зоҳир бўлса ҳам, олган одам ул айби билан қайтармоққа қудрати ва ихтиёри бўлмагай. Валлоҳу аълам.

БУ ФАСЛДА БАЙЪИ ФОСИДНИНГ БАЁНИ

بَطَلَ بَيْعُ مَا لَيْسَ بِمَالٍ كَالدَّمِ وَ الْمَيْتَةِ

Мол бўлмаган нарсанинг байъи ботил ва вайрондир. Қон ва ҳаром ўлган молким, бўғмоқ билан ўлган бўлса ё сўядиган жойидан бошқа жойидан жароҳат қилмоқ билан ўлган бўлса, чунончи, баъзи куффорнинг одатидир.

وَ الْحُرِّ وَاتْبَاعِهِ

Ва яна озод кишини, озод кишининг тобеъларига ўхшашларни сотмоққим, алар мукотаб ва мудаббар ва умму валаддурлар, аларни байъ қилмоққа ўхшаш, мазкурларни сотмоқ ботил ва бекордур. Мукотаб деб, масалан, ўн тилла баробарига озодсан, деб қўйилган қулни айтилур. Мудаббар деб, хожаси ўлганидан кейин озод бўладиган қулни айтилур. Умму валад деб, хожасидан бола туққан канизакни айтилур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ بَيْعُ مَالٍ غَيْرِ مُتَقَوَّمٍ كَالْخَمْرِ وَ الْخِنْزِيرِ بِالثَّمَنِ

Шариатда қиймати ва баҳоси бўлмаган молни сотмоқ дуруст эмас. Хамрга, яъни, шароб ва хукка ўхшаш, тиллони ва тангани баробарига байъ қилмоқ ботилдир. Зероки, тилло ва тангалар василадурлар, агар булар шариатда қиймати бўлмаган молга эваз қилинса, яъни, алиштирилса, хамр, хук ва уларга ўхшаганлар мақсуд бўлиб, аларнинг эъзози ва акрами бўлгай. Ваҳоланки, шориъ уларни иҳонат билан фармойиш қилган эди. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ بَيْعُ قِنٍّ ضُمَّ إِلَى حُرٍّ وَ ذَكِيَّةٍ ضُمَّتْ إِلَى مَيْتَةٍ وَ إِنْ سُمِّيَ ثَمَنُ كُلٍّ

Ва яна қулни озод кишига қўшиб сотмоқ ботилдир. Ва ҳалол сўйилган молнинг гўштини ҳаром ўлган молнинг гўштига қўшиб сотмоқ ботилдир. Агарчандики ҳар қайси бирининг баҳоси тайин қилинса ҳам.

وَ صَحَّ فِي قِنٍّ ضُمَّ إِلَى مُدَبَّرٍ أَوْ قِنِّ غَيْرِهِ بِحِصَّتِهِ

Мудаббарга ё мукотабга, ё умму валадга қулни ўз қадри ҳиссасига қўшиб сотмоқ ё бошқа одамнинг қулига қўшиб сотмоқ дурустдир.

كَمِلْكٍ ضُمَّ إِلَى وَقْفٍ

Вақфга қўшилиб сотилган мулкка ўхшашким, ўз қадри ҳиссаси баробарига дуруст эди. Масалан, бир одам ҳар вақтики, ер сотса, унинг баъзиси вақф бўлса, Сараҳсий ва Саъдий наздларида, албатта ул байъ мулкда ўз қадри ҳиссасига дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ فَسَدَ بَيْعُ الْعَرُوضِ بِالْخَمْرِ وَ عَكْسُهُ

Пулдан бошқа молни шаробга байъ қилмоқ фосид бўлгай, яъни, мол бериб, хамр олмоқ ва унинг аксини қилмоқда ҳам байъ қилмоқ фосид бўлгай. Яъни, шаробни ва шариатда қиймати бўлмаган бошқа нарсаларни бериб, мол ва мато олмоқда ҳам байъ фосид бўлгай. Чунончи, хамр ва хинзир (тўнғиз)га ўхшаш нарсага матони сотмоқ фосиддир. Аммо ул молга эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлгай, уни олганидан кейин қийматини бермоқ вожиб бўлгай. Лекин шаробни ва хукни матога сотмоқ ботилдир, ҳаттоки шаробга ва хукка эга бўлмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ لاَ يَجُوزُ بَيْعُ الْمُبَاحَاتِ قَبْلَ أَنْ يَمْلِكَ

Ва яна мулк бўлмаган мубоҳ нарсаларни сотмоқ дуруст эмас. Сувдаги балиққа ўхшаш, ҳаводаги паррандага ўхшаш ва саҳродаги ўтинга ўхшаш – эга бўлмасдан илгари сотмоқ дуруст бўлмагай.

وَ مَا لاَ قُدْرَةَ عَلَى تَسْلِيمِهِ إِلاَّ بِحِيْلَةٍ

Ва яна ул нарсани сотмоқ дуруст бўлмагайким, уни сотиб олган кишига топширмоққа қудрати етмагай, магар ҳийла билан тутиб олиб топширмоққа қодир бўлгай.

أَوْ بِضَرَرٍ

Ё сотадиган кишига зарар етмоғи билан сотиб олган одамга топширмоққа қодир бўлгай, масалан, ҳар вақтики, бир одам уй устидаги хари ва тўсинларни сотганга ўхшаш ва жомадан бир газни сотганга ўхшашки, уни кесмоқ зарар қилур, хоҳ кесиб оладиган жойини баён қилсин, хоҳ қилмасин. Зероки, сотиб олган одамга безарар топширмоқнинг иложи бўлмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ مَا فِيهِ غَرَرٌ كَحَمْلٍ وَ لَبَنٍ فِي ضَرْعٍ

Ва ул нарсаки, унда бўлмасликни гумон қилиб, фириб бермоқ ва алдамоқ эҳтимоли бўлса, қорнидаги болани сотганга ва эмчакдаги сутни сотганга ўхшаш.

وَ مَا يُفْضِي جَهَالَتُهُ إِلَى الْمُنَازَعَةِ

Яна ул нарсани сотмоқ дуруст бўлмагай, уни билмаслик савдо ақдини қиладиганлар орасида низо ва жанжал чиқмоғига сабаб бўлгай, қўйнинг устидаги юнгини сотганга ўхшаш. Зероки, кесадиган жойида, яъни, узун ва қисқа кесмоқда жанжал бўлгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ الْمُزَابَنَةِ وَ هِيَ بَيْعُ تَمْرٍ مَجْذُوذٍ بِمِثْلِهِ عَلَى النَّخْلِ خَرْصًا

Ва байъи музобина дуруст эмас. Ул байъи музобина тахмин билан дарахт устидаги хурмони қуриган хурмога баробар гумон қилиб, дарахтдан кесиб олинган қуриган хурмонинг устида турган хурмо баробарига сотмоқдир. Албатта, бу байъ жанжалга ва қайтариб бермоққа еткизгай. Рибо бўлмоқ гумони бўлгани жиҳатидан бу савдо фосиддир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ الْمُلَامَسَةِ وَ إِلْقَاءِ الْحَجَرِ وَ الْمُنَابَذَةُ

Ушлашмоқ савдоси ва тош ташламоқ савдоси, яъни, сотиладиган нарсани олмоғи учун оладиган одамга тош ташламоқ савдоси дуруст эмас. Суврати масъала шуки, икки киши бир молга баякбор харидорлик қилсалар, сотадиган одам, молни қайси одам ушласа, савдо унга бўлур, деса ёки сотувчи, сотиладиган нарса устига ким тош ташласа, байъ ул кишига бўлур деса, ёки шарт қилсалар: сотадиган киши кимнинг олдига ташласа, савдо ул кишига бўлгай деса, бу байъларнинг ҳаммаси фосиддир ва батаҳқиқ, бундай савдолардан Пайғамбар алайҳиссалом манъ қилибдурлар. Зероки, савдонинг мунъақид бўлмоғи, яъни, боғланмоғи ушбу феълларнинг бирига мавқуфдир, бас, бундай байъ фосид бўлгай. Зероки, бу байъ қиморга ўхшашдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ لَا الْمَرَاعِي

Ҳайвонлар ўтлайдиган жойни сотмоқ жоиз эмас, хоҳ ул ўтлов жой сотгувчига мулк бўлсин, хоҳ мулк бўлмаган ерда кўкарган бўлсин, ўтнинг ўсмоғи сотган одам сабаби билан бўлмаса. Агар ўтнинг кўкармоғи сотувчи сабаби билан бўлса, масалан, суғормоқ ва ерни тайёрламоққа ўхшаш, ул вақтда байъ дуруст бўлгай.

وَ لَا إِجَارَتُهَا

Ва яна ўтни ижарага бермоқ дуруст бўлмагай. Зероки, ижара фойдаланмоқ зотнинг бақоси билан, яъни, ижарага олинган

www.ziyouz.com kutubxonasi

нарса ўз ҳолида боқий тургай, андин ижарага олган киши фойдалангай ва манфаат топгай, яъни, ўтни ижарага олмоқда зотини йўқ ва нобуд қилмоқ бордир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ النَّخْلِ إِلاَّ مَعَ الْكُوَّرَاتِ

Ва яна асаларини сотмоқ дуруст эмас. Магар арини лойдан ва ёғочдан қилинган уйи билан сотмоқ дурустдир.

وَ أَجْزَاءِ الآدَمِيِّ

Карoматлик ва шарофатлик жиҳатидан одамизодни ва ажзоларини, масалан, мўйларини ва устихонларини ва сутини сотмоқ дуруст эмас. Ва одамни сотмоқ ва ажзосидан наф олмоқ жоиз эмас. Зероки, одамизод азиз ва мукаррамдир, хор қилинган эмасдир. Бас, одамнинг ажзосидан андаги ҳам хор ва залил бўлмоғи дуруст эмас. Батаҳқиқ, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло соч улагувчиларни ва сочини пайванд қиладиганларни лаънат қилгай». Ва, албатта, бундан бўлак эмас, рухсат берилур лунгдин қилинган нарсаки, хотинлар сочига боғласалар, кокиллари узун бўлгай. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир, «Баҳру-р-роиқ»да мазбурдир.

وَ الْخِنْزِيرِ

Ва яна хукнинг (тўнғизнинг) ажзоларини, яъни, мўйларини, устихонларини сотмоқ дуруст эмас, зотига ўхшаб нажасул-ъайн бўлгани жиҳатидан. Хукнинг мўйи билан наф олмоқ игна бўлмаган жойда муза тикмоқ учун заруратдан шариатда жавоб берилибдир. Бошқа нарса билан тикмоқнинг иложи бўлса, у билан муза тикмоқ ҳожат эмас, дейилибдир. Ибн Сирин хинзирнинг мўйи билан тикилган музани киймас эдилар. Бас, унга қараганда, хукни сотмоқ ва унинг ажзолари билан наф олмоқ жоиз эмас. Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳдан шуки, хукнинг мўйи билан муза тикмоқ макруҳдир. Зероки, хукнинг мўйи нажасдир. Ушбу жиҳатдан салаф, яъни, ўтган имомлар хукнинг мўйи билан тиккан музани киймадилар. Чунончи, бу масъалаларнинг баъзиси «Баҳру-р-роиқ»да ва баъзиси «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ جِلْدِ الْمَيْتَةِ قَبْلَ دَبْغِهِ

Ва яна ўзи ўлган ҳайвоннинг терисини эланмасдан ва ошланмасдан илгари сотмоқ, унинг гўштини сотмоқ дуруст эмасдир, фойдаланмоқ ҳаром бўлгани жиҳатидан. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қавллари жиҳатиданки:

لَا يُنْتَفَعُوا مِنَ الْمَيْتَةِ بِاِهَابٍ

дедилар. Яъни: «Ҳаром ўлган ҳайвонларнинг эланмаган терисидан манфаат олмасинлар», – деб наҳий қилдилар. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Бас, ёрадиган ва йиртадиган ҳайвон сўйилса, терисини ва гўштини сотмоқ дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَدُودِ الْقَزِّ وَ بَيْضِهِ خِلَافًا لَهُمَا

Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, пилла қуртини ва унинг тухумини, яъни, қурт уруғини сотмоқ дуруст эмас. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида, қуртни ва унинг уруғини сотмоқ дурустдир. Лекин дуруст бўлмоғининг шарти – қуртда ипак зоҳир ва маълум бўлган бўлса. Ва қуртнинг уруғида ривойатлар ихтилоф қилингандир.

Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳдан ва Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ наздларида шуки, ипак қуртини ва уруғини ҳар хил бўлса ҳам, сотмоқ дурустдир. Фатво Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ қавлларигадир. Чунончи, «Баҳру-р-роиқ», «Жомиъу-р-румуз» ва «Шарҳи Илёс»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир. Мусанниф тақйид қилдилар асаларига ва пилла қуртига, зероки, иккаласидан бошқа ҳавом, масалан, илонлар, чаён, калтакесак, типратикан, юмронқозиқ – буларга ўхшашларни сотмоқ дуруст эмас, уламоларнинг иттифоқи билан. Дарёдаги балиқдан бошқа ҳеч нарсани сотмоқ дуруст эмас. Ва қурбақа ва саратонки, катталиги қурбақадек, суврати анкабутга, яъни, ўргамчакка ўхшаш. Ва тошбақаи обий ва асби обий, яъни, сув оти ва булардан бошқа нарсаларки, сувдадурлар, ҳаммаларини сотмоқ дуруст эмас. Лекин «Захира» китобида ҳар вақтики, зу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лукни сотиб олса, дурустдир. Бу қавлни Садр уш-Шаҳид олибдирлар. Одамларнинг зулукка ҳожати бўлгани жиҳатидан, одамлар зулукни сотиб, молдор бўлгани жиҳатидан. Чунончи, «Баҳру-р-роиқ»да мазкурдир.

وَ الْعلْوِ بَعْدَ سُقُوطه

Ва яна болахона йиқилиб тушганидан сўнг унинг ўрнини сотмоқ дуруст эмас, ҳар вақтики, усти бошқа одамнинг ва ости бошқа одамнинг жойи бўлса. Аммо бузилмасдан илгари бинони, яъни, иморатни сотмоқ дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ شَخْصٍ عَلَى اَنَّهُ أَمَةٌ وَ هُوَ عَبْدٌ

Қулни канизак, канизакни қул деб сотмоқ дуруст эмас.

وَ شِرَاءُ مَا بَاعَ بِأَقَلَّ مِمَّا بَاعَ قَبْلَ نَقْدِ ثَمَنِه الأَوَّلِ

Ўзи сотган нарсанинг пулини тамом олмасдан илгари ё пулининг баъзисини олмасдан илгари ўзи сотган баҳосидан кам баҳога сотиб олмоқ дуруст эмас. Масалан, бир одам бир канизакни минг тангага сотиб олса, дарҳол пулини бермоққа ё насийага олса ва ул канизакни ўз қабзига олганидан кейин ул сотиб олган одам сотган кишининг ўзига беш юз тангага сотса, бизнинг мазҳабимизда, пулини нақд бермасдан илгари байъ фосиддир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ شِرَاءُ مَا بَاعَ مَعَ شَيْءٍ لَمْ يَبِعْهُ بِثَمَنِه الأَوَّلِ فِيمَا بَاعَ

Ва яна ўзи сотган нарсасининг пулини олмасдан илгари сотмаган нарса билан қўшиб ўзи сотган баҳога сотиб олмоқ дуруст эмас. Бас, агар бир одам бир канизакни минг тангага сотиб олса, пулини бермасдан илгари ул канизакни қули билан ул баҳога ўзи сотган кишига сотса, байъ қулда дурустдир ва канизакда фосиддир. Зероки, пулини нақд олмасдан илгари ўзи сотган баҳодан кам сотибдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ زِيْتٍ عَلَى أَنْ يُوزَنَ بِظَرْفِه وَ يُطْرَحُ لِلظَّرْفِ كَذَا رَطلاً

Ва яна ҳайвон ёғини ва бунга ўхшаган нарсаларни идишла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ри билан ўлчаб ва идиши учун фалон ратл, масалан, ўн чорак зайтун ёғининг идиши учун тўрт ратл ташламоқ шарти билан сотиб олмоқ дуруст эмас. Зероки, бу шарт наф еткизгувчидир ва унга ақдни тақозо қилмайдир. **Ратл** деб тўқсон мисқолни айтилур, икки ратлни ботмон дейилур. Бир **ман**, яъни, бир ботмон бир юз саксон мисқол бўлур.

بِخِلَافِ شَرْطِ طَرْحِ وَزْنِ الظَّرْفِ

Аммо идишнинг оғирлиқ миқдорини ташламоқни шарт қилиб, савдо қилмоқ дурустдир. Зероки, бу шартга ақд тақозо қилур.

وَ الْبَيْعُ بِشَرْطٍ لاَ يَقْتَضِيهِ الْعَقْدُ وَ فِيهِ نَفْعٌ لأَحَدِهِمَا أَوْ لِمَبِيعٍ يَسْتَحِقُّهُ

Байъ қилмоқ ақди тақозо қилмайдиган ва хоҳламайдиган нарсани шарт қилиб сотмоқ билан дуруст эмас. Ул шарт қилмоқда сотиб оладиган кишига ё сотадиган одамга фойда бўлса ё сотиладиган нарсага фойда ва манфаат лойиқ бўлса, ақд тақозо қилмаган шарт билан сотмоқдан сотган кишига фойда бўлмоғининг мисоли. Масалан, бир одам от сотган тўғрида сотиб олган кишига бир ойдан кейин топширмоқ шарти билан сотгай, бу савдо фосиддир. Сотиб олган одамга ҳосил бўлган фойданинг мисоли. Масалан, сотиб олган киши сотадиган одамдан қарзга пул олмоқни шарт қилгай, бу байъ ҳам фосиддир. Сотилган нарсага ҳосил бўлган фойданинг мисоли. Масалан, қулни оладиган кишининг мулкидан чиқармаслик шарти билан байъ қилмоқ ё мукотаб, ё мудаббар қилмоқ шарти билан байъ қилмоқ ҳам фосиддир.

وَ إِلَى أَجَلٍ جُهِلَ

Ва яна савдо қилмоқ дуруст бўлмагай номаълум ваъда биланки, сотган кишига ва оладиган одамга ваъда қилган вақти маълум ва муаййан бўлмагай. Масалан, ҳожилар ҳаждан келган вақтда пулни берурман ёки ўроқчи экин ўрган вақтда берурман, деб ваъда қилганга ўхшаш. Зероки, булар гоҳо илгари бўлгай, гоҳо кейин бўлгай. Ушбу сабабдан жанжалга ва низога оид бўлгай. Бу сўзда, яъни, «Ва ила ажалин»да ишорат шунгаки, ҳар вақтики, сотмоқни мутлақ қилса, шарт қилмаса, андин

www.ziyouz.com kutubxonasi

кейин бу номаълум вақтга қаратилса, сотмоғи дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ صَحَّ إِنْ أَسْقَطَ قَبْلَ الْحُلُولِ

Сотмоқ дурустдир, агар ул сотиб олган одам ул номаълум вақт етмасдан илгари ул ваъдани соқит қилса. Ушбу тариқаки, сотиб олган киши ул ваъдани бекор қилдим, деб вақт етмасдан илгари пулни бериб адо қилса, байъ дурустдир.

وَ إِنْ قَبَضَ الْمُشْتَرِي الْمَبِيعَ بَيْعًا فَاسِدًا بِرِضَاءِ بَائِعِهِ صَرِيحًا أَوْ دَلَالَةً

Агар байъи фосид билан олинган нарсани сотиб олган киши сотган одамни сариҳ ва равшан ризолиги билан ё далолатан ризолиги билан қўлига олса. Масалан, ушбу фаслнинг тўртинчи маъсаласидан бошлаб қирқ биринчи маъсаласигача баён қилинган йигирма тўққиз хил байъи фосиднинг бири билан байъ қилиниб, сотиб оладиган киши сотадиган одамнинг равшан ризолиги билан ё далолатан ризолиги билан олса. Сотгувчининг далолатан ризолиги мисоли.

كَقَبْضِهِ فِي مَجْلِسِ عَقْدِهِ

Сотиб олган киши сотилган нарсани ақднинг мажлисида қўлига олганда сотган одамни манъ қилмаганига ўхшаш бу сувратда ул нарсага сотиб олган киши молик ва эга бўлгай, агарчандики хабис ва ҳаром мулк бўлса ҳам. Бас, агар таом бўлса, сотиб олган кишига емоқ ва ичмоқ ҳалол эмас. Агар кийим бўлса, киймоқ ҳаромдир. Агар канизак бўлса, жимоъ қилмоқ ҳалол эмасдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ كُلٌّ مِنْ عِوَضَيْهِ مَالٌ مَلَكَهُ

Башарти иккаласининг нарсалари, яъни, сотгувчининг моли ва олгувчининг анинг баробарига берадигани шариатда моли бўлса, ул молга мазкур тариқа билан олганда, иккови молик бўлгай. Агар мол бўлмаса, сотиб олган киши қўлига олса ҳам, эга бўлмагай.

وَ لَزِمَهُ مِثْلُهُ حَقِيقَةً أَوْ مَعْنًى

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу сувратда ул мол сотиб олган одам қўлида нобуд бўлса, қаралгай, агар ҳақиқатда, яъни, сувратда ва маънода ул ҳалок бўлган нарсанинг мисли бўлса, мислини бермоқ лозим бўлгай. Масалан, буғдойга ўхшаган нарсалар ҳалок ва нобуд бўлганда, ўзига ўхшашини бермоқ лозим бўлгай. Ё ул нобуд бўлган нарсанинг маънода мисли лозим бўлгай, яъни, қийматини бермоқ лозим бўлгай. Масалан, ҳайвон нобуд бўлганда, ул ҳайвоннинг қийматини бермоқ лозим бўлгай.

وَإِنْ كَانَ الْفَسَادُ بِشَرْطٍ زَائِدٍ فَلِمَنْ لَهُ الشَّرْطُ فَسْخُهُ

Агар байънинг фосид бўлмоғи ошиқча ва зиёда қилинган шарт сабаби билан бўлса, масалан, қарз олмоқ, ихтиёр қилмоқ, ваъда қилмоқ шартига ўхшаш, олинган мол ортиқ ва кам бўлмай, албатта сотиб олган киши қўлида турган бўлса, кимнинг фойдасига шарт қилинган бўлса, ул кишида байъни бузмоқ ихтиёри бордир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ إِلاَّ فَلِكُلٍّ مِنْهُمَا

Агар байънинг фосидлиги савдодан ташқари шарт сабабидан бўлмаса, балки савдонинг ичида нарса сабаби билан бўлса, масалан, матони шароб баробарига сотмоқ бўлса ёки байъдан хориж бўлган шарт сабабидан бўлса ҳам, ул шартнинг фойдаси сотувчига ва олгувчига тегса, ул байъни бузмоқ иккаласига ҳам вожибдир.

فَإِنْ خَرَجَ عَنْ مِلْكِ الْمُشْتَرِي

Бас, агар байъи фосид билан олинган нарсани сотган одамнинг ризолиги билан сотиб олгандан кейин сотмоқ ва гаров қўймоқ ва инъом қилмоқ ва омонат бермоқ билан, масалан, сотиб олинган қулни озод ва мудаббар қилмоқ билан, яъни, мен ўлганимдан кейин озодсан, демоқ билан ва мукотаб қилмоқ билан, яъни, бир мунча пул баробарига озодсан, демоқ билан сотиб олган кишининг мулкидан чиқса.

أَوْ بَنَى فِيهِ فَلاَ فَسْخَ

Ёки сотиб олинган ернинг устига иморат қилса, ё ул ерга

www.ziyouz.com kutubxonasi

дарахт экса, ё ул олган нарсасига ёғ суртса, ё уни ювса, ё уни кийса, ё уни тикса, ё уни йигирса, ё уни тўқиса, ё уни ун қилса, ё ранг берса, яъни, бўяса, ё сотиб олган киши бу баён қилинган нарсалардан бошқани зиёда қилса, – иккалалари ҳам байъни бузолмагайлар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ طَابَ لِلْبَائِعِ رِبْحُ ثَمَنِهِ بَعْدَ التَّقَابُضِ

Ва сотган кишига байъи фосид билан сотган моли пулининг фойдаси молни ул олиб, пулни сотган одам олгандан кейин ҳалоли тойиб бўлгай.

لاَ لِلْمُشْتَرِى رِبْحُ مَبِيعِهِ فَيَتَصَدَّقُ بِهِ

Аммо сотиб олган кишига олган нарсасининг фойдаси ҳалол бўлмагай. Бас, ул молнинг фойдасини садақа қилгай.

وَ كُرِهَ النَّجَشُ

Сотиб оладиган кишини рағбатли қилмоқ, қизиқтирмоқ ва тезлаб олдирмоқ учун сотиладиган нарсанинг баҳосини оширмоқ макруҳдир. Аммо ул нарсанинг баҳосини зиёда сўраган одамнинг ўзида олмоққа қасд бўлмагай, бу молни мен фалон тангага сендан сўраган эмасмидим, деганга ўхшаш. Ва бу макруҳ бўлмоғи ҳар вақтики, сотиладиган нарса қийматининг баробари, яъни, баҳосининг баробари бўлганда зиёда қилса, агар қиймати камроқ бўлса, яъни, ул молни ўз қадр-қийматидан камроқ тилаб турганда бир одам келиб, ошиқ сўраб баҳосини еткурса, ниҳоятда яхшидир. Чунончи, «Шарҳи Таҳовий» китобида ҳам мазкурдир.

Ва яна Пайғамбар алайҳиссалом: «Ёлғондан харидорлик қилиб тезламанглар ва қизиқтирманглар», деб наҳий қилибдирлар. Чунончи, «Баҳру-р-роиқ», «Шарҳи Илёс», «Жавҳарату-н-найийра»да ва бошқа китобларда мазкурдир.

وَ السَّوْمُ عَلَى سَوْمِ غَيْرِهِ إِذَا رَضِيَا بِثَمَنٍ

Бир одам сотиб олмоққа сўраб муқаррар қилган баҳосидан яна бир одам зиёда баҳога сўраб, харидорлик қилмоғи макруҳдир. Башарти оладиган одам билан сотадиган киши бир тайин

www.ziyouz.com kutubxonasi

баҳога рози бўлган бўлсалар, ораларида савдонинг ақдидан, яъни, қўл қоқиб, «сотдим» ва «олдим» демоқдан бошқа гап қолмабдир, ул вақтда харидор бўлмоқ макруҳдир.

Ва яна Пайғамбар алайҳиссалом: «Бир киши муқаррар қилган баҳо устига бошқа киши баҳо қўймайди», дебдурлар. Чунончи, «Шарҳи Илёс» китобида мазкурдир.

وَ تَلَقِّى الْجَلَبِ الْمُضِرُّ بِأَهْلِ الْبَلَدِ

Ва яна қишлоқлар, овуллардан ва бошқа мавзеълардан шаҳарларга келтириладиган экинлар (ҳосили), ҳайвонлар ва бошқа моллар олиб келинадиган шаҳар йўлининг четига чиқиб, қараб тўсиб ўлтириб, сотиб олмоқ макруҳдир, агар унинг ул йўлни тўсиб олгани сабабидан шаҳар халқига зарар етадиган бўлса.

وَ بَيْعُ الْحَاضِرِ لِلْبَادِي زَمَانَ الْقَحْطِ

Ва яна қаҳатлик ва очлик замонида шаҳардаги муқим одам таомини ва ҳайвон ейдурган нарсани саҳронишинларга сотмоқ макруҳдир. Замони қаҳт деганларида ишорат шунгаки, ҳар вақтики, шаҳар аҳлига зарар еткурса, макруҳдир. Агар аҳли шаҳарга зарар еткурмаса, макруҳ эмасдир. Чунончи, «Китобу-л-Ихтиёр»да мазкурдир ва «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир.

وَ الْبَيْعُ وَقْتَ النِّدَاءِ

Ва яна намози жумъага азон айтилган вақтда сотмоқ ва сотиб олмоқ макруҳдир, яъни, қиём қайтган вақтдан намози жумаъани ўқиб бўлгунча макруҳдир, намози жумъага кетатуриб, йўлда савдо қилмоқ макруҳ эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва бу азондан мурод иккинчи айтиладиган азондир. Чунончи, «Гўрмирий»да мазкурдир.

وَ تَفْرِيقُ صَغِيرٍ عَنْ ذِي رَحِمٍ مَحْرَمٍ مِنْهُ

Ва яна балоғатга етмаган ёш қулни маҳрам қариндошидан жудо қилиб сотмоқ макруҳдир, яъни, бир одамнинг қўлида ота ва бола, ё она ва ўғил, ё ака ва ука – икки қули бўлса, унинг бири сағир бўлиб, бири кабир бўлса, қайси бири бўлса ҳам сотиб ё ҳиба, ё садақа қилиб, бир-биридан айирмоқ ва жудо қил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқ макруҳдир, Пайғамбар алайҳиссолату вассаломнинг қавллари жиҳатиданки:

مَنْ فَرَّقَ بَيْنَ الْوَالِدَة وَوَلَدِهَا فَرَّقَ اللهُ بَيْنَهُ اَحِبَّته يَوْمَ الْقِيَامَة

дедилар. Яъни: «Кимики онани боладан ва болани онадан жудо қилса, Худойи таоло Қиёмат кунида ул кишини дўстидан ва яхши кўрадиганидан жудо қилгай», дедилар. Чунончи, «Шарҳи Илёс», «Баҳру-р-роиқ» ва бошқа китобларда мазкурдир.

Ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳазрати Алий розийаллоҳу таоло анҳуга икки ёш бола – ака ва ука биродарни инъом қилдилар. Андин кейин ҳазрати Алий розийаллоҳу таоло анҳуга дедилар: «Ул икки ёш бола нима қилди?» Ҳазрати Алий розийаллоҳу таоло анҳу: «Бирини сотдим», дедилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Адрик, адрик», дедилар. Яъни: «Эй Алий, уни топгил, топгил», дедилар. Ривойат қилинибдурки: «Урдуд, урдуд», дедилар. Яъни: «Болани ол, пулини қайтар, пулини қайтар», дедилар. Чунончи, «Баҳру-р-роиқ» китобида мазкурдир.

لاَ بَيْعَ مَنْ يَزِيدُ

Кимики молни ортиқ баҳога олса, анга сотмоқ макруҳ эмас, яъни, молнинг баҳоси тайин ва муқаррар бўлмасдан илгари ва аввалги оладиган кишининг сўраган баҳосини қабул қилмай: «Ким ошиқ ва зиёда баҳога олса, мол ул кишига бўлсин», деса, макруҳ бўлмагай. Валлоҳу аълам.

БУ ФАСЛДА ИҚОЛА ҚИЛМОҚ, ЯЪНИ ОЛИНГАН НАРСАНИ ҚАЙТАРИБ БЕРИБ ЁКИ ҚАЙТИБ ОЛИБ, САВДОНИ БУЗМОҚНИНГ БАЁНИ

Иқола қилмоқ байъда жоиздир, балки мустаҳабдир. Расули Худо соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис ворид бўлгани жиҳатидан: «Кимики мусулмон кишига савдони қайтарса, Худойи таоло ул кишининг хатосини қайтаргай, яъни, гуноҳларини афв қилгай». Чунончи, ҳадис китобларида мазкурдир.

Ва яна байъи макруҳда ва байъи фосидда сотиб олган одамнинг иқола қилмоғи, яъни, байъни бузмоғи вожибдир, анга ўхшаш сотган киши фириб еса, байъни бузмоқ вожибдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

اَلْإِقَالَةُ فَسْخٌ فِي حَقِّ الْمُتَعَاقِدَيْنِ

Сотгувчи ва олгувчилар ҳақида ҳазрати Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, байъни иқола қилмоқ, яъни, сотилган нарсани қоришмоқ байъни бузмоқ ҳукмидадур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Байъи жадиддир, яъни, янги савдодир, булардан бошқалар ҳақида.

فَتَبْطُلُ بَعْدَ وَلَادَةِ الْمَبِيعَةِ

Бас, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, сотиб олинган нарса туққанидан кейин байъни фасҳ қилмоқ, яъни, бузмоқ ботил ва бекор бўлгай, байъни бузмоқ мумкин бўлмагай, иқола ботил бўлгай, яъни, сотган одамга қайтариб берилмагай ва олган одамдан ҳам олинмагай.

بَيْعٌ فِي حَقِّ الثَّالِثِ

Байъни бузмоқ, яъни, сотилган нарсани қайтаришмоқ мумкин бўлиб, иқола қилишган сувратда сотган киши билан сотиб олган одам ҳақида иқола қилмоқ ва савдони бузмоқ дуруст бўлганга ўхшаш. Иккаласидан бошқа сотган ва олган одам ҳақида иқола бўлган учинчи (киши) ҳақида байъдир. Қайтаришмоқ дуруст бўлган учинчи (одам) ҳақида байъ бўлмоқнинг фойдаси, масалан, қайтаришмоқ канизакда бўлса, истибро вожиб бўлгай. **Истибро** деб, янги олинган жимоъ қилинган канизак бачадонини пок қилмоқ учун бир ҳайз кўриб бўлгунча ўзини тортиб, жимоъ қилмасликни айтилур. Бундай эҳтиёт бўлмоқ Худойи таолонинг ҳақидур, албатта, эҳтиёт қилмоқ вожибдир.

فَيَجِبُ بِهَا الشُّفْعَةُ

Ва яна бу иқоланинг сабаби билан ъиқорда, яъни, ерда ва ҳовли жойда шуфъа вожиб бўлгай. Зероки, шуфъа учинчи ҳақида биманзалаи байъдир ва ул учинчи шафиъдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Масалан, ъиқорни бир одам олганидан кейин унинг қўшниси шафиълик даъвосини қилиб, гувоҳ ўткарса, аввалги байъ бузилиб, шафиънинг ҳақида сотиб олмоқ дуруст бўлгай. Ва унинг фойдаси шулдирки, агар шафиъ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ерни сотган вақтида шафиъликни бекор қилган бўлса, иқола бўлгандан кейин, яъни, ер савдосини бузишгандан кейин шафиъликни талаб қилолгай. Зероки, шафиъ учинчидир, иқола қилмоқ сотгувчи ва олгувчининг ҳақида байъни бузмоқ ҳукмидадир, учинчининг ҳукмида байъдир, яъни, шуфъа даъвосини қилмоққа қудрати етгай.

وَ صَحَّتْ بِمِثْلِ الثَّمَنِ الأَوَّلِ وان شُرِطَ غَيْرُ جِنسِه أَوِ الأَكْثَرُ مِنْهُ

Ва яна байъни қайтаришмоқ аввалги сотган пулнинг баробарига дурустдир. Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, агарчандики аввалги баҳодан бошқаси шарт қилинган бўлса ҳам, ё ундан кўпроқ баҳо баробарига қайтаришмоқ шарт қилинган бўлса ҳам, аввалги қилинган баҳони бермоқ вожиб бўлгай. Зероки, ул жаноб наздларида, иқола байъни бузмоқдир, байъ бузмоқ аввалги баҳодан бошқа бўлгай, яъни, байъни қайтаришгандан кейин аввалги сотилгани қанча пул бўлса, ани батамом қайтаргай, ул баён қилинган шарт фосид шартдир. Шарти фосид сабаби билан иқола фосид бўлмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ كَذَا الأَقَلُّ

Ва анга ўхшаш аввалги баҳога иқола қилмоқ дурустдир, гарчи молни қайтарганда аввалги баҳодан озроқ пул бермоқ шарт қилинса ҳам. Бу баён қилинган уч сувратда, яъни, аввалги баҳодан бошқага, ё андин зиёдароққа, ё камроққа шарт қилинса ҳам, аввалги қилинган баҳони бермоқ дурустдир.

إِلاَّ إِذَا تَعَيَّبَ

Магар ҳар вақтики, сотилган нарса айбли бўлса, аввалги баҳодан озроққа иқола қилмоқ дурустдир.

وَ لَمْ يَمْنَعْهَا هَلاَكُ الثَّمَنِ بَلْ هَلاَكُ المَبِيعِ

Пулнинг нобуд ва йўқ бўлмоғи савдони қайтаришмоқни манъ қилмайдир, балки сотилган нарсанинг бутунлигича нобуд бўлмоғи манъ қилгай. Зеро, иқола байъни бузмоқдир, байъни бузмоқ сотилган нарса турганлигига тақозо қилгувчидир, байънинг турмоғи

www.ziyouz.com kutubxonasi

сотилган нарсанинг турмоғи билан, пулнинг турмоғи билан эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ هَلَاكُ بَعْضِه يَمْنَعُ بِقَدْرِه

Сотилган нарсанинг баъзиси нобуд бўлмоғи йўқ бўлган миқдорини қайтаришмоқни манъ қилур, қолганини қайтаришмоқни манъ қилмагай, яъни, нобуд бўлгандан кейин қолганини ўз баҳоси баробарига иқола қилгай. Масалан, сотилган нарсанинг ярми нобуд бўлса, қолган ярми сотган одамга қайтарилур, пулнинг ярми қайтариб олинур. Валлоҳу аъламу биссавоб.

БУ ФАСЛДА ЎЗИГА ТУШГАН БАҲОСИГА БЕРМОҚНИ ВА ФОЙДА ОЛИБ БЕРМОҚНИ ШАРТ ҚИЛМОҚ ДУРУСТЛИГИНИНГ БАЁНИ

اَلتَّوْلِيَةُ أَنْ يَشْتَرِطَ فِي الْبَيْعِ اَنَّهُ بِمَا شَرَى بِه

Тавлийа – луғатда бир кишини валий қилмоқ. Шариатда сотмоқда шарт қилмоқ, албатта, ул байъ ўзи олган баҳога, яъни, ўзига қайси баҳога тушган бўлса, ўша баҳога бермоқни шарт қилгай.

وَ الْمُرَابَحَةُ بِه مَعَ فَضْلٍ

Муробаҳа – сотадиган одам бир нарсани ўзи олган баҳодан зиёда бир маълум фойда олмоқни шарт қилиб байъ қилмоғидир. Бу икки хил байънинг иккаласи ҳам дурустдир.

وَ شَرْطِهِمَا شِرَاؤُهُ بِمِثْلِيٍّ

Тавлийа ва муробаҳанинг шарти, яъни, ўзи олган баҳога бермоқни ва фойда олиб бермоқни шарт қилмоқ дуруст бўлмоғининг шарти сотилган нарсани ўзининг ўхшаши баробарига сотиб олмоқдир. Масалан, ўлчаб, тарозуда тортиб ва санаб олинадиган баробарига катта ва кичиклиги тайин бўлган нарсаларга ўхшаш, аммо пул баробарига бўлмаса, балки қиймати бўлса, яъни, баҳо қўйиб сотиладиган бўлса, қўй ё от ё чафонга ўхшаш нарсалар бўлса, баҳолари тафовутли бўлиб, миқдори маълум бўлмагани жиҳатидан тавлийа ва муробаҳа тариқасида байъ қилмоқ дуруст эмас. Бу сувратда қайта бошдан байъ қилишмоқ зарурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ لَهُ ضَمُّ اَجْرِ الْقَصَّارِ وَ الْحَمْلِ وَ نَحْوِهِمَا

Шустагарнинг, яъни, кудунгарнинг ҳақини, ҳаммолнинг ҳақини ва буларга ўхшаган нарсалар учун бўлган харажатни раъсу-л-мол (бош мол)га қўшмоқ тавлийа ва муробаҳа билан сотадиган одамга раводир. Масалан, тўқимоқ, тикмоқ, ювмоқ, мўйни тоблаб арқон эшмоқ, кира қилмоқ, қўй ҳайдамоқ, қул ва ҳайвон нафақаси ҳақини молга қўшганга ўхшаш.

وَ يَقُولُ قَامَ عَلَيَّ بِكَذَا

Ва ул сотадиган киши молга бу ужраларни қўшганда: «Менга бу мол фалон баҳога тушди», дегай, лекин: «Бу молни фалон пулга сотиб олдим», демагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

فَاِنْ ظَهَرَ خِيَانَتُهُ فِي مُرَابَحَةٍ أَخَذَهُ بِثَمَنِهِ أَوْ رَدَّهُ

Бас, агар сотган кишининг қилган хиёнати зоҳир ва ошкор бўлса, ўзининг иқрори билан, ё олган одамнинг гувоҳ ўткармоғи билан, ё сотгувчининг нукул қилмоғи билан, масалан: йигирма тангага олинган нарсани йигирма беш тангага олдим, деб ортиқ сотганлиги билинса, фойда бермоқ шарти билан сотиб олган киши ихтиёрлидир, хоҳласа, ул сотилган нарсани баён қилинган баҳога ўзида қолдиргай, хоҳламаса, ул молни сотган одамга қайтариб бериб, пулини олгай.

وَ فِي التَّوْلِيَةِ حَطٌّ

Аммо тавлийада, яъни, ўзи олган баҳога бермоққа шарт қилинган нарсанинг савдосида сотган кишидан хиёнат зоҳир бўлса, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, ул нарсанинг баҳосидан хиёнат миқдори кам қилинур.

وَ عِنْدَ أَبِي يُوسُفَ حَطٌّ فِيهِمَا

Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, муробаҳа билан тавлийанинг тариқи билан савдо қилинганидан кейин сотган одамнинг хиёнати зоҳир бўлса, иккаласида ҳам хиёнат қилинган миқдори кам қилингай, яъни, сотган одамдан хиёнат миқдори қайтариб олингай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ عِنْدَ مُحَمَّدٍ رَحِمَهُ اللهُ خُيِّرَ فِيهِمَا

Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, муробаҳада, яъни, фойда бермоқ шарти билан олинган молда ва тавлийада, яъни, фойда олинмасдан бермоққа шарт қилинган молни олганда хиёнат зоҳир бўлган сувратда сотиб олгувчи ихтиёрлидир, айтилган баҳога олгай ё қайтаргай, лекин баҳосини камайтмагай. Валлоҳу аълам биссавоб.

БУ ФАСЛДА РИБОНИНГ БАЁНИ

Рибо деб луғатда ошиқ ва зиёда бўлмоқни, ўсмоқни ва қарз берганда, байъда ошиқ ва зиёда олмоқни айтилур. Чунончи, «Мунтажиб» китобида мазкурдир.

اَلرِّبَا فَضْلٌ خَالٍ عَنْ عِوَضٍ

Шариатда рибо икки бир жинсли нарсанинг бири ортиқлигидирки, унга эваз бўлмагай, яъни, ул зиёданинг баробарига меъёри шаръий бирла, яъни, ўлчов бирла ва тарозу бирла бадал бўлмагай. Масалан, ўн чорак буғдойни ўн бир чорак ё ўн икки чорак буғдой баробарига шарт қилиб олмоқ рибо ва ҳаром бўлгай. Рибо, яъни, судхўрлик қилиб, бадалидан зиёда олмоқ ҳаромлигининг субути Китобуллоҳ биландурким, Худойи таборак ва таоло:

﴿...وَاَحَلَّ اللّٰهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبٰوا﴾ اَلْبَقَرَة/٧٥

деди. Яъни: «Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган».

Ва яна рибонинг ҳаромлиги суннати Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан собит ва муқаррардир. Унинг ҳаромлигига ворид бўлган ҳадислар кўпдир, ул ҳадислар жумласидан Аҳмад ва Абу Довуд ривойат қилган ҳадис Ибн Масъуд розийаллоҳу таоло анҳудан:

إِنَّ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَعَنَ آكِلَ الرِّبَا وَمُؤَكِّلَهُ وَشَاهِدَهُ وَكَاتِبَهُ

яъни, Расули Худо соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Лаънат бўлсин судхўрга, вакилига, гувоҳига ва хат битувчисига», дедилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва яна жамъ бўлдилар уммат рибонинг ҳаромлигига, яъни, рибонинг ҳаромлиги ижмоъи уммат билан собитдир. Ҳаттоки рибонинг ҳаромлигига мункир бўлгувчи кофир бўлгай. Ушбудек «Табйин» китобида ва «Кифоя ъала-л-Ҳидоя»да мазбурдир. Абу Ҳурайра розийаллоҳу таоло анҳудан, ул жаноб дедилар, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ҳалок ва нобуд қиладурган етти нарсадан қочинглар». Саҳобалар ризвонуллоҳи таоло алайҳим ажмаъин: «Ул ҳалок қиладурган етти нарса нимадир?» дедилар. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Худойи таолога ширк келтирмоқ ва сеҳр қилмоқ ва одам ўлдирмоқким, Худойи таборак ва таоло ани ҳаром қилибдир. Ва рибони ейдиган одам, яъни, судхўр одам, етимнинг молини егувчи, уруш кунида қайтмоқ ва қочмоқ, порсо парҳезкорни, бехабар мўъмина хотинларни ҳақорат қилмоқ».

Ва яна Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу таоло анҳудан, ул жаноб Пайғамбар алайҳиссаломдан дедилар: «Рибо етмиш уч бобдир, ул етмиш уч рибо гуноҳининг осонроғи ўз онасини никоҳлаб олганга ўхшашдир». Ҳоким ривоят ҳилган.

Ва яна Пайғамбар алайҳиссолату вассалом дедилар: «Рибонинг насиби, Худойи таоло наздида, бир одам мусулмонликда ўттиз маротаба зино қилгандан каттароқдир».

Ва яна Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Бир одам бир танга рибони билиб туриб еса, ўттиз олти зинодан ёмонроқдир». Чунончи, ушбу ҳадислар «Ҳаёту-л-қулуб» китобида мазкурдир.

شُرِطَ لِأَحَدِ الْمُتَعَاقِدَيْنِ فِي الْمُعَاوَضَةِ

Шарт қилинур ул зиёдани, яъни, эваздан ортиқ олинганни сотгувчининг ё олгувчининг бирига молни алиштирмоқда. Масалан: «Мен икки чорак буғдой берурман, сен унинг баробарига уч чорак буғдой берурсан», деб шарт қилиб олмоқ ҳаромдир. Агар зиёда берилганнинг бадали бўлса, рибо бўлмагай, икки ботмон буғдойни ва икки ботмон арпани бир ботмон буғдойга ва бир ботмон арпага сотганга ўхшаш, бири иккинчисига зиёда бўлса ҳам, лекин (бир) жинсни бўлак жинсга айлантирмоқ бирла эваздан, яъни, бадалдан холи эмас. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ عِلَّتُهُ الْقَدْرُ أَيِ الْكَيْلُ أَوِ الْوَزْنُ مَعَ الْجِنْسِ

Рибо ҳаром бўлмоғининг икки сабаби бордир. Бири – миқдордир, яъни, ўлчанадиган нарсаларда ўлчамоқ. Иккинчиси – тортиладурган нарсаларда тарозу билан тортмоқ, бир жинс бўлмоқ билан, яъни, ҳар вақт икки мол бир жинсдан бўлиб, ўлчамоқ ва тарозу билан тортмоқ билан миқдори билинадиган бўлса, агар бирини ортиқ олса, рибо бўлгай ва агар иккаласини баробар олса, рибо бўлмагай, агар буғдойни арпага байъ қилса, бири зиёда бўлса, байъ дуруст бўлгай. Муслим Абу Саид Худрий розийаллоҳу таоло анҳудан ривойат қилган ҳадис жиҳатиданким, у айтди: «Расул соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки, олтин олтин баробарида, кумуш кумуш баробарида, буғдой буғдой баробарида, арпа арпа баробарида, хурмо хурмо баробарида, туз туз баробарида, қул қул баробарида, кимки зиёда қилса ва зиёда қилишни талаб қилса, бас, батаҳқиқ, бу рибодир, бунда олувчи ва берувчи тенгдир».

Бас, Пайғамбар алайҳиссолату вассалом рибо бўлмоқда икки савдо қиладиганлар ҳақида фойда комил ва тамом бўлмоғи учун бир-бирига ўхшаш бўлмоқни лозим қилдилар, аммо бир-бирига ўхшаган сувратда ўлчамоқ ва тарозу билан тортмоқни ва ҳақиқат бир жинс бўлмоғини, яъни, бир хил бўлмоғини эътибор қилинур.

وَ الْبُرُّ و الشَّعِيرُ وَ التَّمْرُ وَالْمِلْحُ كَيْلِيٌّ

Буғдой, арпа, хурмо, туз шариатда ўлчов билан ўлчанадиган нарсалардир, агарчандики урфда тарозу билан тортиладиган бўлса ҳам.

وَ الذَّهَبُ وَ الْفِضَّةُ وَزْنِيٌّ

Тилло ва кумуш тарозу билан тортиладиган нарсалардир, агарчи урфда бунинг хилофи бўлса ҳам.

وَ غَيْرُهَا عَلَى الْعُرْفِ

Бу баён қилинган олти нарсадан бошқа нарсаларда урфга эътибор қилинур. Ва жойиз бир ҳовуч донни икки ҳовуч донга сотмоқ ва бир олмани икки олмага сотмоқ, ярим соъдан кам нарса, яъни,

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўрт қадоқ, боз чорак қадоқдан кам бўлган нарса бир ҳовуч дон ҳукмидадир. Чунончи, «Фатовойи Оламгирийя»да мазкурдир.

فَانْ وُجِدَ الْوَصْفَانِ حَرُمَ الْفَضْلُ وَالنَّسَاءُ وَ إِنْ عِدِمَا حَلاَّ

Бас, агар ул нарсаларда иккала сифат мавжуд бўлса, яъни, ўлчамоқ ва тарозу билан тортмоқ ва иккаласида ҳақиқатан бир жинс мавжуд бўлса, ортиқ ва насийа олмоқ ҳаромдир. Масалан, бир одам бир ботмон буғдойни бир ботмон буғдойга насийага берса, дуруст эмас, ҳаром бўлгай, яъни, бу зиёдаи ҳақиқий ва ҳукми сабабий боисдан иккала сотилган нарса ҳаром бўлгай, уни емоқ ҳалол бўлмагай, агарчандики ул нарсаларни ўз қабзига олса ҳам. Лекин бу икки сифатнинг ҳеч қайси бири топилмаса, бошқа тасарруфлар макруҳлик билан дуруст бўлгай, асли мубоҳликда ҳаромлик иллати топилмагани жиҳатидан зиёда олмоқ, насийа бермоқ ва олмоқ ҳалол бўлгай. Масалан, ўн газ читни икки қоп арпага сотса, хоҳ нақд ва хоҳ насийага баробар, зиёда олмоқ ва ҳам насийага сотмоқ дуруст бўлгай, зероки, бу сувратда рибонинг ҳеч қайсиси йўқдир. Чунончи, бу мазмун «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَانْ وُجِدَ أَحَدُهُمَا حَرُمَ النَّسَاءُ فَقَطْ

Агар миқдор билан, яъни, ўлчамоқ ва тарозу билан тортмоқ ва бир жинс бўлмоқ, – буларнинг иккаласидан бири мавжуд бўлса, бермоқ ва олмоқ ҳаром бўлгай, зиёда олмоқ ҳаром эмас. Миқдор мавжуд бўлганининг мисоли. Масалан, бир қоп буғдойни икки қоп арпага сотмоқда насийага сотмоқ ҳаром бўлгай, зиёда ва ортиқ нақдга сотмоқ ҳаром бўлмагай. Бир жинслик мавжуд бўлганининг мисоли. Масалан, бир Истанбул жомасини Тошканд жомасига сотганда, иккалаларининг моллари тайёр ва ҳозир бўлса, нақдга зиёда сотмоқ дуруст ва насийага сотмоқ дуруст эмас, ҳаром бўлгай.

وَ لاَ يَجُوزُ الْكَيْلِيُّ بِمِثْلِهِ إِلاَّ مُتَسَاوِيًا كَيْلاً

Ўлчов билан ўлчаб бериладиган нарсаларни ўзининг ўхшашига сотмоқ дуруст эмас, магар баробар ўлчаб сотмоқ дуруст бўлгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ الْوَزْنِيُّ إِلاَّ مُتَسَاوِيًا وَزْنًا

Ва яна тарозу билан тортиладиган нарсаларни ўзининг ўхшашига сотмоқ дуруст бўлмагай, магар тарозуда баробар тортиб сотмоқ дуруст бўлгай, агар насийага бўлса, юқорида баён қилинган масъалада айтилганга ўхшаш баробар бўлса ҳам, сотмоқ дуруст эмас.

وَ الْجَيِّدُ وَالرَّدِيُّ سَوَاءٌ

Бир жинс бўлган нарсанинг яхши ва ёмони баробардир, аларни баробар ўлчаб сотмоқда зарар йўқдир, насийага сотмасалар, рибонинг ҳукмларида Ҳадиси шариф мутлақ бўлгани жиҳатидан, рибо бўлмагай. Масалан, бир қоп яхши буғдойни бир қоп паст буғдойга сотмоқ дурустдир, андин зиёдага сотмоқ рибо бўлгай.

وَ جَازَ بَيْعُ خُفَّةٍ بِخُفَّتَيْنِ

Бир ҳовуч буғдойни, ё арпани, ё мошни, ё бошқа донни икки ҳовуч баробарига сотмоқ дурустдир. Зероки, икки алишилган нарсанинг ҳар бири ярим соъга етмаса, уни зиёда олмоқда зарар йўқдир, ўлчанадиган нарсаларда ярим соъдан камда, яъни, тўрт қадоқу чорак қадоқдан камда меъёри шаръий йўқлик жиҳатидан, шаръан зиёда бўлмагай. Лекин Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинганига қараганда, макруҳдир, ул жаноб, бир хурмони икки хурмога сотмоқ макруҳ, дебдирлар. Ва айтур эдилар, албатта, ул нарсаким, андин кўп нарса ҳаром бўлса, албатта, ул нарсадан ози ҳам ҳаром бўлур. Чунончи, «Муҳит», «Жомиъу-р-румуз» ва бошқа китобларда мазкурдир.

وَ فُلْسٍ بِفُلْسَيْنِ بِأَعْيَانِهِمَا

Кўз олдида билгулик тайин бўлиб, ҳозиру нақд бўлса, бир пақир пулни икки пақир пулга сотмоқ дурустдир ва унинг бири насийа бўлмагай. Бир ҳовуч донни икки ҳовучга сотмоқ дурустдир ва бир олмани икки олмага, бир тухумни икки тухумга, бир ёнғоқни икки ёнғоққа, бир хурмони икки хурмога сотмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

дурустдир. Зероки, бу нарсалар ўлчанадиган ҳам эмас, тарозу билан тортиладиган ҳам эмас, бас, буларда икки иллатнинг бири йўқдир ва ул икки иллатнинг бири миқдорини билмоқ, хоҳ ўлчов билан, хоҳ тарозу билан, ул буларда йўқдир, бас, зиёда олмоқ жоиздир, хоҳ бирини икки ҳиссага, хоҳ неча ҳиссага сотсин, – ўлчамоқ ва тарозу билан тортмоқ таҳтига дохил бўлмаган вақтида баробардир. Чунончи, «Баҳру-р-роиқ» китобида ҳам мазкурдир.

وَ اللَّحْمِ بِالْحَيْوَانِ

Гўштни, яъни, қўй гўштини ва қора мол гўштини сўйилмаган тирик ҳайвон баробарига сотмоқ дурустдир ва агарчандики ул ҳайвон ўз жинсидан зиёда бўлса ҳам. Масалан, сўйилган бир қўй гўштини сўйилмаган бир тирик қўйга сотмоқ дурустдир, агарчандики зиёда бўлса ҳам, бу қавл Имом Аъзам ва Имом Абу Юсуф раҳимаҳумуллоҳ наздларида. Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ, ўз жинсидан бўлса, яъни, қўй гўштини тирик қўйга сотмоқ дуруст эмас, дедилар. Магар бир важҳи эътибор дурустдир, яъни, эҳтиётлаб, кам ва зиёда қилмай, баробарига сотмоқ дурустдир ва бу ҳар вақтики, гўшт ва ҳайвон бир жинс бўлса. Аммо ҳар вақтики, иккаласи бир жинс бўлмай, мухталиф ва бошқа бўлса, масалан, қора мол гўштини тирик қўйга сотса ва тева гўштини тирик қора молга сотса, би-л-иттифоқ, жоиздир, ҳар қандоқ бўлса, кўпи ва озининг эътибори йўқдир. Чунончи, «Жавҳарату-н-найийра» ва «Баҳру-р-роиқ» китобларида мазкурдир.

وَ الدَّقِيقِ بِجِنْسِهِ كَيْلاً

Ва яна унни ўлчов билан баробар қилиб, ўз жинсидан бўлган унга сотмоқ дурустдир.

وَ الرُّطَبِ بِالرُّطَبِ وَ بِالتَّمْرِ وَ الْعِنَبِ بِالْعِنَبِ وَ الزَّبِيبِ مُتَسَاوِيًا

Ва яна янги пишган хурмони янги пишган хурмога ва қуриган хурмога ўлчовда баробар қилиб сотмоқ дурустдир. Ва яна узумни узумга ва майизга ўлчов билан баробар қилиб сотмоқ дурустдир.

وَ الْبُرِّ رَطْبًا أَوْ مَبْلُولاً بِمِثْلِهِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва яна янги пишган ҳўл буғдойни ҳўл буғдойга сотмоқ ва ҳўлланган буғдойни ҳўлланган буғдойга ўлчов билан баробар қилиб сотмоқ дурустдир.

أَو بِالْيَابِسِ

Ё янги ҳўл буғдойни, ё ҳўлланган буғдойни қуруқ буғдойга ўлчов билан баробар қилиб сотмоқ дурустдир.

وَ التَّمْرِ أَوْ الزَّبِيبِ الْمُنْقَعِ بِالْمُنْقَعِ مِنْهُمَا مُتَسَاوِيًا

Ва яна шираси ва мазаси чиқмоғи учун хумга солинган хурмони ё узумни бу икки нарсадан бўлган нарсанинг ўхшашига ўлчов билан баробар қилиб сотмоқ дурустдир ва бу қавл Имом Аъзам ва Имом Абу Юсуф раҳимаҳумуллоҳу алайҳ наздларида. Зероки, баробарлик ақднинг дурустлигига шарт бўлгани жиҳатидан ақд замонида баробарлик мўътабар бўлиб, ақддан кейинги вақтда баробарлик мўътабар бўлмади. Бу баён қилинганларнинг ҳаммасида далил шулки, ҳар вақтики, жинснинг жинсга сифати бўлак бўлмай, ўлчаб, баробар сотмоқ жоиз бўлса ва ушбуга ўхшаш сифати бўлак бўлган жинсни ҳақиқатан жинси бир бўлган нарсага сотмоқ дуруст бўлгай, Пайғамбар алайҳиссолату вассаломнинг сўзлари жиҳатиданким, янгиси ва эскиси баробардир, дебдурлар. Агар жинсини жинсига сотмоқ бўлмаса, қандоқ бўлса ҳам сотмоқ жоиздир, Пайғамбар алайҳиссаломнинг қавллари тўғрисиданким, ҳар вақтики, икки қисм мухталиф бўлса, яъни, суврати бўлак бўлса, қандоқ хоҳласанглар, андоқ сотинглар, дедилар. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да ҳам мазкурдир.

وَ لَحْمِ حَيْوَانٍ بِلَحْمِ حَيْوَانٍ آخَرَ مُتَفَاضِلاً

Ва яна бир ҳайвоннинг гўштини дийгар (бошқа) ҳайвон гўштига сотмоқ дурустдир ва агарчандики зиёда бўлса ҳам. Масалан, ўн чорак қўй гўштини ўн беш чорак сигир гўштига ё билъакс сотмоқ дурустдир.

وَ كَذَا جَازَ بَيْعُ لَبَنِ الْحَيْوَانِ بِلَبَنِ حَيْوَانٍ آخَرَ مُتَفَاضِلاً

Ушбуга ўхшаш бир ҳайвоннинг сутини ўзга ҳайвон сутига сотмоқ дурустдир ва агарчандики зиёдага сотса ҳам. Масалан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўй ё эчкининг икки хурма сутини сигирнинг бир хурмо сутига сотмоқ дурустдир ёки билъакс бўлса ҳам дуруст.

وَ كَذَا خَلُّ الدَّقَلِ بِخَلِّ الْعِنَبِ

Ушбуга ўхшаш ёмон хурмонинг сиркасини узум сиркасига сотмоқ дурустдир ва агарчандики зиёда бўлса ҳам, иккаласи зотларида бўлак бўлгани жиҳатидан.

وَ شَحْمُ الْبَطْنِ بِالْأَلْيَةِ أَوْ بِاللَّحْمِ

Чарвини думба ёғига ва ё гўштга сотмоқ дурустдир, зиёда бўлса ҳам.

وَ الْخُبْزُ بِالْبُرِّ وَ الدَّقِيقِ وَ إِنْ كَانَ أَحَدُهُمَا نَسِيئَةً

Нонни буғдойга ва унга сотмоқ дуруст ва агарчандики ун буғдойдан зиёда бўлса ҳам, билижмоъ, Қудурийнинг баён қилганларига биноан. Ва Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдан шулки, ул байъда яхшилик йўқдир, фатво аввалги масъалагадир. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир ва «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир.

لَا الْبُرُّ بِالدَّقِيقِ أَوْ بِالسَّوِيقِ

Жоиз бўлмагай ва фосид бўлгай буғдойни буғдой унига ё талқонига сотмоқ.

أَوِ الدَّقِيقُ بِالسَّوِيقِ مُتَفَاضِلًا أَوْ مُتَسَاوِيًا

Ё унини талқонига сотмоқ, хоҳ зиёда бўлсин, хоҳ ўлчов билан баробар бўлсин. Аммо зиёда бўлганида дуруст бўлмаслик бул ун ва талқоннинг ҳар қайси бири буғдой ажзосидан бўлгани жиҳатидан бир важҳдан жинслик боқийдир. Ва баробар бўлганда ҳам сотмоқ дуруст бўлмаслик анинг учун меъёр ва миқдор буларда кайлдур, яъни, ўлчовдир, лекин ун билан талқон иккаласи буғдойга ўлчамоқда баробар эмас, ўлчовга ун билан талқон кўп кетадургани жиҳатидан, буғдой доналари пўстидан жудо бўлгани жиҳатидан. Бас, буғдойни буғдой унига, талқонига сотмоқ дуруст эмас ва агарчандики ўлчов билан баробар бўлса ҳам. Чунончи, «Ҳидоя»да ҳам мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ لاَ السِّمْسِمُ بِالْحَلِّ إِلاَّ أَنْ يَكُونَ الْحَلُّ أَكْثَرَ مِمَّا فِي السِّمْسِمِ

Ва яна кунжутни кунжут ёғига баробар сотмоқ дуруст эмас, магар ҳайдалмаган кунжут ичидаги ёғдан кунжутдан олинган ёғ кўпроқ бўлса, кунжутни кунжут ёғига сотмоқ раво бўлгай. Аммо кунжутдаги ёғ баробарлиги ё камлиги билинса, би-л-иттифоқ, сотмоқ дуруст эмас, рибо бўлгай. Ушбуга ўхшаш зиёда ва камлик маълум бўлмаса, бизнинг мазҳабимизда, дуруст эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ يُسْتَقْرَضُ الْخُبْزُ وَزْنًا لاَ عَدَدًا

Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, қарз олинган нонни тарозу билан тортиб, санаб қарз олмоқ дуруст эмас, нонда тафовут бўлгани жиҳатидан. Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, асло дуруст эмас, на тарозуга тортиб ва на санаб қарз бергай, ҳеч қайсиси дуруст эмас. Зероки, ноннинг нондан тафовути бўлгай ва нон ёпадурганда ва тандирда ва аввал пишиб чиққан нонда ва кейин чиққан нонда тафовут бўлгай. Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, санаб қарз олмоқ дурустдир ва таомил, ва ҳожат бўлгани жиҳатидан фатво аввалгигадир, яъни, фатво Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ қавлларигадир. Чунончи, «Ҳидоя», «Жомиъу-р-румуз», «Ниҳоя» ва бошқа китобларда мазкурдир. «Жавҳарату-н-найийра» китобида бордурким, Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ дедилар: «Уч нарса паст назарликдандир. Нонни қарз олмоққа талаб қилмоқ ва ҳаммомнинг эшигида ўтирмоқ ва ҳужжом, яъни, қон оладиган одамнинг ойнасига қарамоқ. Чунончи, «Баҳру-р-роиқ»да мазкурдир.

وَ لاَ رِبًا بَيْنَ سَيِّدٍ وَ عَبْدِهِ

Хожа билан қули ўртасида рибо бўлмагай. Зероки, қул ва унинг қўлида бўлган мол хожасининг мулкидир, бас, рибо мутаҳаққиқ бўлмайдир ва бу рибо бўлмаслиги ҳар вақтики, қулга хожаси савдогарликка жавоб берган бўлса ва ул қулнинг қарзи бўлмаса. Чунончи, «Ҳидоя» ва бошқа китобларда мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ مُسْلِمٍ وِ حَرْبِيٍّ فِي دَارِهِ

Ва яна мусулмон билан ҳарбий кофир орасида дору-л-ҳарбда рибо йўқдир, хиёнат қилмай, ризолиги билан олмоқ дуруст ва мубоҳ бўлгани жиҳатидан. Бунда ишорат ангаким, талаби омон қилиб, мусулмонлар орасида бизнинг шаҳримизда бўлган кофир билан мусулмонлар орасида рибо бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

ФАСЛ

لاَ يَجُوزُ بَيْعُ مُشْتَرًى مَنْقُولٍ قَبْلَ قَبْضِهِ

Сотиб олгувчи кўчириладиган нарсани сотиб олганда, қўлига олмасдан илгари сотмоқ дуруст бўлмагай, уни қўлига олмасдан илгари сотмоққа наҳий ворид бўлгани жиҳатидан. Аммо аққорда, яъни, заминда қўлига олмасдан илгари сотиб олган кишининг бўлак одамга сотмоғи дурустдир.

وَ صَحَّ التَّصَرُّفُ فِي الثَّمَنِ قَبْلَهُ وَ الْحَطُّ عَنْهُ

Ва ул нарсани сотганидан кейин пулини қўлига олмасдан илгари сотгувчининг тасарруф қилмоғи дурустдир ва ул баҳодан бир миқдорни камитмоқ дурустдир. Масалан, бир отни ўн тиллага байъ қилишганларида сотгувчининг икки тилла кечириб, саккиз тиллага, деб олмоғи дурустдир, хоҳ сотиладурган нарса нобуд бўлсин, хоҳ бўлмасин. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ الْمُزِيدُ فِيهِ إِنْ بَقِيَ الْمَبِيعُ وَ فِي الْمَبِيعِ

Ва яна агар сотилган нарса сотган одам мулкида ҳозир бўлса, баҳони зиёда қилмоқ дурустдир ва сотилган нарсада баҳони зиёда қилмоқ дурустдир, агарчандики нобуд бўлса ҳам. Масалан, бир отни ўн сўмга байъ қилишсалар, агар ул сотилган нарса нобуд бўлмаган бўлса, сотган одам ўн икки сўм қилиб олмоғи дурустдир. Аммо сотилган нарса ҳалок ва нобуд бўлса, аввалги баҳонинг ўзига олгай. Бир нарсани маълум баҳога байъ қилишгандан кейин қўлига олмасдан илгари ул мол зиёда бўлса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ул зиёдаси ҳам олган одамга тегишли бўлгай. Масалан, бир отни беш тиллага олиб, қўлига олмасдан илгари туғса ё семирса, зиёда бўлгани сотиб олган кишига бўлгай, сотган одам зиёда бўлганига пул сўролмагай. Сотган одам ортиқ бўлганини бермаса, зўрлик билан олинур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

لَكِنَّ الشَّفِيعَ يَأْخُذُ بِالْأَقَلِّ

Лекин байъ қилишган нарсани қўлига олмасдан илгари сотган одам пулини кам олмоққа рози бўлса ёки зиёда олмоқни хоҳласа, ўшал вақтда шафиълик даъвосини қилган киши икки хил баҳонинг камроғига ул нарсани зўрлаб олгай. Масалан, ўн тангага байъ қилишган нарсани оладиган кишига саккиз тангага бермоққа рози бўлганда, бир одам шафиълик даъвосини қилса, ул шафиъ саккиз тангага зўрлаб олгай.

وَ صَحَّ تَأْجِيلُ كُلِّ دَيْنٍ إِلاَّ الْقَرْضُ

Ҳар хил қарзни муддатини маълум қилиб бермоққа ваъда тайин қилиб, кейинроқ бермоқ дурустдир. Аммо вақтини тайин қилмай олинган пул ё бошқа нарса бўлсин, ул нарсанинг ўхшашини бермоққа қарз бериб қўйган бўлса, уни ваъда қилиб, фалон вақтда берурман, деб таъхир қилмоқ дуруст эмас. Молнинг эгаси қайси вақтда сўраса, бериб адо қилмоқ вожиб бўлгай. Зероки, фалон куни берурман, деб ваъда тайин қилинса, насийа рибога айлангай. Дайн деб ул нарса айтилурким, анга вақт тайин қилинур. Ва қарз ул нарсадурким, анга вақт тайин қилинмагай. Чунончи, «Қомус» ва «Ғиёсу-л-луғат» китобларида мазкурдир.

وَ يَدْخُلُ الْبِنَاءَ وَ الْمِفْتَاحُ وَ الْعُلُوُّ وَالْكَنِيفُ فِي بَيْعِ الدَّارِ

Ва ҳовли деб савдо қилинса, иморатлар, калидлар, болахоналар, халажой – мазкурлар атаб айтилмаса ҳам, байъга дохил бўлгай.

لاَ الظُّلَّةُ

Ҳовли деб савдо қилинганда соябон, яъни, сабот байъга дохил бўлмагай. Сабот деб икки одам деворининг ёпилган тепаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

айтилурким, анинг ости йўл бўлгай. Чунончи, «Мунаббиҳот» китобида мазкурдир. Ёки **зулла** деб ҳовлидан ташқаридаги эшик устидаги устунли том айтилур, ул савдога дохил бўлмагай.

إِلاَّ بِذِكْرِ كُلِّ حَقٍ هُوَ لَهَا أَوْ بِمَرا فِقِهَا

Магар зулла ҳам байъга дохил бўлгай, ҳовлини сотар вақтида: «Ҳовлига тегишли бўлган тамоми ҳақ билан», деб баён қилмоқ билан ёки: «Ҳовлига тобеъ бўлган нарсалар билан», деб байъ қилмоқ билан.

أَوْ بِكُلِّ قَلِيلٍ وَ كَثِيرٍ هُوَ فِيهَا أَوْ مِنْهَا

Ёки ҳовлини савдо қилганда: «Ҳовлининг ичида ё ҳовлидан бўлган оз ва кўп нарсанинг ҳаммаси», демоқ билан зулла ҳовлининг савдосига дохил бўлгай.

وَ الشَّجَرُ وَلاَ الزَّرْعُ فِي بَيْعِ الأَرْضِ

Ер савдосида ул ердаги дарахтлар дохил бўлгай, бошқа экинлар байъга дохил бўлмагай.

وَ لاَ الثَّمَرُ فِي بَيْعِ الشَّجَرِ

Ва яна дарахт савдосида мева байъга дохил бўлмагай.

وَ لاَ الْعِلْوُ فِي بَيْعِ بَيْتٍ إِلاَّ بِشَرْطِهِ

Ва яна уйни сотганда болахонаси байъга дохил бўлмагай, магар шарт қилмоқ билан байъга дохил бўлгай.

وَ لاَ فِي بَيْعِ مَنْزِلٍ إِلاَّ بِذِكْرِ مَا ذُكِرَ

Ва яна ҳовлидан бошқа манзилни сотганда болахона савдога қўшилмагай, магар «Ҳар ҳақ ва марофиқлари билан» ваё «Ҳар оз ва кўп нарсасининг ҳаммаси билан», деб шарт қилмоқ билан байъга дохил бўлгай.

كَالطَّرِيقِ وَ الشِّرْبِ وَ الْمَسِيلِ

Ҳовлининг йўли ва оқар сувдан ҳиссаси ва оброҳаси ҳовлининг ва манзилнинг ва ернинг савдосига дохил бўлмаганлигига ўхшаш. Зероки, булар ҳудуддан ташқаридурлар. Магар байъга дохил

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлгай юқорида баён қилинган сўзларни айтмоқ билан. Ҳовлининг йўли ул йўлдирки, унинг кенглиги ул ҳовли эшигининг кенглигича бўлиб, узунлиги омма юрадиган йўлгачадир.

وَ يَدْخُلُ فِي الإِجَارَةِ

Ҳовлини ва манзилни, яъни, саройни ва уйни ижарага берганда сув йўли, яъни, оброҳа ва ҳақроҳа ижара ичига дохил бўлгай, агарчандики баён қилинмаса ҳам. Зероки, ижаранинг машруъ бўлмоғи фойдаланмоқ учун, мазкурлар бўлмаса, ижарага олган киши наф ололмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

وَ يُؤْخَذُ الْوَلَدُ إِنِ اسْتُحِقَّتْ أُمُّهُ بِبَيِّنَةٍ

Бир киши канизак сотиб олгандан кейин канизак туғса, ундан кейин ул канизак гувоҳлар билан исбот қилиниб, бир одамга қайтариб берилмоққа лойиқ ва муносиб бўлса, ул канизакнинг боласи онаси билан қайтариб берилгай. Зероки, гувоҳ ўткармоқ ҳужжати комиладир.

وَ إِنْ أَقَرَّ بِهَا لاَ يُؤْخَذُ

Агар сотиб олган одам ўзи иқрор қилиб, яъни, канизак ушбу одамники эди, деб ўзи иқрор қилиб, канизак ул кишига қайтарилмоққа лойиқ қилинса, унинг туққан боласи қайтарилмагай. Зероки, иқрор бўлмоқ ҳужжати қосирадир.

وَ لِمَالِكٍ بَاعَ غَيْرُهُ مِلْكَهُ فَسْخُهُ

Бир одамнинг мулкини ва ё молини бегона киши эгасидан бежавоб фузулий тариқада сотса, ихтиёр эгасида бўлгай, хоҳласа, байъни бузгай, хоҳласа, ул савдога рози бўлгай. Ва агарчандики байънинг рукнлари қолмаса ҳам.

وَ لَهُ إِجَازَتُهُ إِنْ بَقِيَ الْعَاقِدَانِ وَ الْمَبِيعُ

Ва яна башарти савдо қилишган кишилар ва сотилган нарса боқий ва ҳозир бўлса, байъга ижозат бермоққа мулк эгасининг ихтиёри ўзидадир. Зероки, ақд рукнларининг боқий турмоғига ижозат тўхтаб тургай, агар сотилган нарса кийим бўлса, сотиб олган киши уни бўяб қўйса, андин кейин кийимнинг эгаси жавоб

www.ziyouz.com kutubxonasi

берса, сотилган нарсанинг нобуд ва ҳалок бўлгани жиҳатидан байъ дуруст эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَكَذَا الثَّمَنُ عَرْضًا

Эгасидан бежавоб сотганда, сотилган нарса баробарига пул ўрнига олмоққа келишилган нарса мато бўлса, яъни, пулдан бошқа нарса бўлса, анга ўхшашдир – ихтиёр молнинг эгасидадур, хоҳласа, савдони бузгай, ёки байъга ижозат бериб, рози бўлгай, агар молнинг эгаси ва иккала савдо қилган одам, сотилган нарса, мол баробарига бериладиган мато, – буларнинг ҳаммаси ҳозир ва боқий бўлса. Агар ушбу баён қилинган беш (нарса)нинг бири ҳозир ва боқий бўлмаса, молнинг эгаси сотмоққа рухсат ва жавоб беролмагай, балки байъни бузгай.

وَ هُوَ مِلْكٌ لِلْمُجِيزِ وَ أَمَانَةٌ عِنْدَ بَائِعِه

Сотган одамнинг сотган нарсаси баробарига бериладиган нарса пул бўлса, бу молни сотмоққа ижозат берадиган одамнинг, яъни, мол эгасининг мулкидир, бежавоб сотган киши олдида ул омонатдир. Бас, агар бежавоб сотган одам олдида бу нобуд бўлса, омонат бўлгани жиҳатидан товон тўламоқ у кишига лозим эмас. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ لَهُ فَسْخُهُ قَبْلَ الإِجَازَةِ

Бир одам бир кишининг молини ўзидан берухсат сотганда, мол эгаси ижозат бермасдан илгари ул савдони бузмоққа ихтиёрлидир. Никоҳи фузулийнинг хилофи бирлаким, албатта, анда ижозат бермасдан илгари дуруст эмас, сўз билан ё феъли билан ижозат берса ҳам жоиздир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Масалан. Зайд Зайнабни Бакрга фузулий тариқасида никоҳлантирса, Бакрнинг ижозатидан илгари ё никоҳни бузмоғидан илгари ул никоҳни бузмоққа мазкур Зайднинг қудрати етмагай.

وَ جَازَ إِعْتَاقُ الْمُشْتَرَى مِنَ الْغَاصِبِ

Зўрлик ва зулм билан тортиб олинган қулни тортиб олган кишидан бир одам сотиб олса, андин сотиб олган одам ул қулни озод қилмоғи дурустдир, агар қулнинг хожаси зўрлик билан тортиб олган кишининг сотмоғига рози бўлса. Бу қавл Имом Аъзам

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва Имом Абу Юсуф раҳимаҳумуллоҳу таоло наздаридадир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ва бошқа китобларда мазкурдир.

لاَ بَيْعُهُ إِنْ أُجِيزَ بَيْعُ الْغَاصِبِ

Қулни тортиб олган кишидан сотиб олган одам бировга сотмоғи дуруст эмас ва агарчандики қулнинг эгаси бу кишининг сотмоғига ижозат берса ҳам. Валлоҳу аълам.

БУ ФАСЛДА САЛАМНИНГ БАЁНИ

Салам исломдандир, унинг маъноси байъни илгари қилмоқдир. Ва Қудурий дедиларки, салам луғатда бир аҳддурким, ул дар бар олгай – икки бадалнинг бирини тезлик билан нақд қилмоқни ва иккинчи бадални кейинроқ бермоқни. Андин кейин шариат савдо қилганда пулни тезлик билан бермоқни ва сотилган нарсани кейинроқ бермоқни тахсис қилди.

Саҳиҳ қавлга қараганда, саламнинг савдоси боғланур, яъни, байъ лафзи билан дуруст бўлур. Ва яна «салаф» лафзи ва «салам» лафзи билан байъ мунъақид бўлгай, яъни, байъ боғланиб, дуруст бўлгай. Чунончи, «Китобу-л-ихтиёр»да мазкур. Буғдой ҳақида тангаларни салам қилди, яъни, тангани буғдойни олмасдан илгари берди, деганга ўхшаш. «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

يَصِحُّ السَّلَمُ فِيمَا يُعْلَمُ قَدْرُهُ وَ وَصْفُهُ

Пулни илгари бериб, сотилган нарсани кейинроқ олмоққа савдо қилмоқ дуруст бўлгай ул нарсадаким, унинг миқдори, жинси ва сифати ҳам маълум бўлса.

كَالْمَكِيلِ

Ўлчов билан ўлчанадиган нарсага ўхшаш миқдори фаҳмланса. Масалан, буғдой, арпа, хурмо, туз, нўхат, биринж, жувари, узумнинг, беҳининг ва бошқа меваларнинг ширази ва ёғ, сирка, асал, мош, ловия, тўтиё, сурма ва булардан бошқалар.

وَ الْمَوْزُونُ مُثْمَنًا

Ва яна тарозу билан тортилган нарсага ўхшаш миқдори фаҳмланса. Масалан, донлардан чиқарилган ёғ, мушк ва анбар, фул

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва заъфарон, шакар ва шакарнинг оқроғи, пиёз ва саримсоқпиёз, темир, мис, пахта, чигит – булардан бошқа нарсалар тарозуга тортилган ҳолларида пул бўлмаса. Зероки, агар ул кейинроқ бермоққа ваъда қилиниб, сотилган нарса пул бўлса ва анинг баробарига бериб олинадиган нарса ҳам пул бўлса, яъни, танга ё тилла бўлса, байъи салам дуруст эмас, би-л-ижмоъ. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Аммо унинг баробарига бериб, байъ қилинадиган нарса пул бўлса, ул салам савдоси билан олинадиган нарса пулдан бошқа нарса бўлмоғи лозимдир. Байъи салам тилла ва танга билан дуруст эмасдир. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ الْمَذْرُوعُ كَالثَّوْبِ مُبَيَّنًا طُولُهُ وَ عَرْضُهُ وَ رُقْعَتُهُ

Ва яна байъи салам дуруст бўлган нарсанинг миқдори газ билан билинадиган жомалик нарсаларга ўхшаш бўлса. Масалан, каноп дан, пахтадан, мўйдан, дарёдаги бир хил ҳайвоннинг мўйи, ипак ва бисотга ўхшаш, масалан, бурё – буларга ўхшаган нарсаларнинг узунлиги, кенглиги, эни, қалинлиги ва нафислиги баён қилинган бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ الْمَعْدُودِ مُتَقَارِبًا

Ва яна миқдори санамоқ билан билинадиган нарсаларга ўхшашким, ул нарсаларнинг ҳар қайси бир-бирига бетафовут катта ва кичикда тенг ва баробар бўлиб, баҳолари ҳам бир бўлгай. Масалан, ёнғоқ ва тухумга ўхшаган нарсаларда саноқ ва ўлчов билан ҳам дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва яна бодинжонни, пишган ва пишмаган ғиштни байъи салам қилмоқ дурустдир, агар қолипи маълум бўлиб, тайин қилинса. Зероки, қолип маълум бўлса, бири-биридан тафовутли бўлмагай. Лекин анор, қовун ва тарвузларда байъи салам дуруст эмас, бири-биридан ниҳоятда тафовутли бўлгани жиҳатидан. Чунончи, «Шарҳи Илёс» китобида мазкурдир.

فَيَصِحُّ فِي السَّمَكِ الْمَلِيحِ

Бас, тарозу билан тортмоқ ё ўлчамоқ билан навъи маълум бўлса, тузланиб қоқиланган балиқда байъи салам дурустдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо саноқ билан сотмоқда бири-биридан тафовутли бўлгани жиҳатидан байъи салам дуруст бўлмагай.

لاَ فِي الْحَيْوَانِ وَ أَطْرَافِهِ وَ جُلُودِهِ

Ҳайвоннинг савдосида тарозу билан ва саноқ билан байъи салам раво бўлмагай, хоҳ ул ҳайвон парранда бўлсин, хоҳ бошқа бўлсин. Унинг аъзоларини ва териларини, каллапочаларини, гўштини сотмоқда байъи салам қилмоқ дуруст эмас.

وَ الْجَوَاهِرِ

Ва яна жавоҳирда тарозу билан, саноқ билан, ўлчов билан байъи салам қилмоқ дуруст эмас, хоҳ ул жавоҳир катта бўлсин, хоҳ кичик бўлсин. Масалан, лаъл ва ақиқ, зумрад, ёқут, биллур ва марваридга ўхшаш. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. «Муҳит» китобида шулки, доруга қўшмоқ учун марваридниинг кичигини сотмоқда байъи салам қилмоқ дурустдир.

وَ لاَ بِصَاعٍ وَ ذِرَاعٍ مُعَيَّنَيْنِ لَمْ يُدْرَ قَدْرُهُ

Ва яна кийим савдо қиладиганлар, бошқа одамлар олдиларида миқдори маълум бўлмаган ўлчов билан ё миқдори маълум бўлмаган газ билан унинг миқдори билинмаса, байъи салам дуруст бўлмагай.

وَ شُرُوطُهُ بَيَانُ جِنْسِهِ كَبُرٍّ وَ نَوْعِهِ كَسَقِيَّةٍ وَ صِفَتِهِ كَجَيِّدٍ وَ قَدْرِهِ وَ أَجَلِهِ

Байъи салам дуруст бўлмоғининг шартлари еттидир.

Биринчи шарти – сотиладиган нарсанинг жинсини баён қилмоқ: буғдой, арпа ва хурмо деганга ўхшаш.

Иккинчи шарти – навъини баён қилмоқ: оқар сув билан ё ёмғир билан суғорилган буғдой демоқ. Масалан, баҳорги ё кузги буғдой деганга ўхшаш.

Учинчи – сифатини баён қилмоқ: янги ё эски буғдой деганга ўхшаш.

Тўртинчи – миқдорини баён қилмоқ: ўн беш чорак деганга ўхшаш.

Бешинчи шарти – сотилган нарсани олган кишига топширмоқнинг ваъдасини баён қилмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ اَقَلُّهُ شَهْرٌ

Ваъданинг ками бир ой, бир ойдан камда раво бўлмагай.

وَ قَدْرِ رَأْسِ الْمَالِ فِي الْكَيْلِيِّ وَ الْوَزْنِيِّ وَ الْعَدَدِيِّ

Олтинчи шарти – баҳонинг миқдорини баён қилмоқ, агар нарса баробарига бериладиган қиймат ўлчов билан ё тарозу билан тортиладиган нарса бўлса ёки саналадиган нарса бўлса.

وَ مَكَانِ إِيْفَاءِ مُسْلَمٍ فِيهِ إِنْ كَانَ لِحَمْلِهِ عَوُنَةٌ

Еттинчи шарти – байъи салам қилинган нарса кўтармоқ машаққатли, оғир нарса бўлса, топширадиган жойини баён қилмоқ.

وَ قَبْضُ رَأْسِ الْمَالِ قَبْلَ الاِفْتِرَاقِ شَرْطُ بَقَائِهِ

Саламнинг тариқи билан савдо қилинганда ақднинг мажлисидан ажралишмасдан илгари сармойани олмоқ байъи салам дуруст бўлиб қолмоғининг шартидир.

فَلَوْ كَانَ دَيْنًا وَ عَيْنًا بَطَلَ فِي حِصَّةِ الدَّيْنِ

Бас, агар дастмойанинг баъзиси нақд ва баъзиси насийа бўлса, хоҳ ул дастмойа пул ва хоҳ бошқа нарса бўлсин, насийага қолган ҳиссада байъи салам ботил бўлгай. Масалан, бир одам юз танга баробарига бир ойдан кейин ўн ботмон буғдой бермоқ шарти билан байъи салам қилганда эллик тангасини савдо мажлисида берса, эллик тангаси кейин бермоққа қолса, беш ботмон буғдой тўғрисида байъи салам дурустдир. Кейин бермоққа қолган беш ботмон буғдой тўғрисида байъи салам ботилдир.

وَ لاَ يَجُوزُ التَّصَرُّفُ فِي رَأْسِ الْمَالِ وَ الْمُسْلَمُ فِيهِ قَبْلَ الْقَبْضِ

Молни сотган киши пулини қўлига олмасдан илгари пулда тасарруф қилмоғи дуруст эмас. Сотилган нарсада ҳам қўлига олмасдан илгари тасарруф қилмоғи дуруст эмас. Ул тасарруф бир одамни шерик қилмоқ ва, мен сенга олган баҳоимга берурман, демоқ, дастмойада, яъни, пулда ва сотилган нарсада қўлига олмасдан илгари шерик қилмоқнинг суврати шулки, саламнинг эгаси, яъни, пулини илгари нақд бериб, нарсани кейинроқ оладиган одам бир одамга айтгай. Масалан, ўн ботмон буғдойни

www.ziyouz.com kutubxonasi

беш тиллага олдим, байъи салам билан ярим пулни менга бергил, токи байъи саламга шерик бўлурсан. Олган баҳоимга берурман, деганнинг суврати шулки, байъи салам билан менга молни сотган кишига менинг берганимни менга бергил, токи байъи салам билан савдо қилган мол ва бу тасарруфга ўхшайдиган молни қўлига олмасдан илгари баъзисини сотмоқ ё ҳаммасини сотмоқ сенга бўлгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс» китобида ҳам мазкурдир.

وَ الإِسْتِصْنَاعُ بِأَجَلٍ سَلَمٌ تَعَامَلُوا فِيهِ أَوْ لا

Тайинли ваъда билан устага иш буюрмоқ саламнинг ҳукмидадир. Устага иш буюрмоқнинг кайфияти шулки, масалан, бир этикдўзга ўз чармингдан сифати мундоғ, баҳоси, масалан, йигирма тангага, ваъдаси бир ой деса, бу байъи саламдир, хоҳ бу муомала одамлар орасида маъруф ва машҳур бўлсин. Мис ва хўла ва шишага ўхшаш, хоҳ маъруф ва машҳур бўлмасин, кийим ва анга ўхшаган нарсалар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз» ва «Шарҳи Илёс» китобларида мазкурдир.

وَ بِلاَ اَجَلٍ فِيمَا يُتَعَامَلُ فِيهِ بَيْعٌ فَيُجْبَرُ الصَّانِعُ عَلَى الْعَمَلِ

Ва яна ваъда ва муҳлат тайин қилмай, устага иш бермоқ одамларнинг ораларида таомил бўлса, ул мутлақ байъи ширoъ бўлгай, салам бўлмагай, агар ул буюрилган ишни қилмоқни қабул қилганидан кейин қилмайман, деб жавоб берса, устага ул иш зўрлаб қилдирилгай.

وَ لاَ يَرْجِعُ الآمِرِ

Ул ишни буюрган киши олмайман, деб сўзидан, яъни, ваъдасидан қайтолмагай.

وَ الْمَبِيعُ هُوَ الْعَيْنُ لاَ الْعَمَلُ فَلَوْ جَاءَ بِمَا صَنَعَهُ غَيْرُهُ أَوْ هُوَ قَبْلَ الْعَقْدِ فَأَخَذَهُ صَحَّ

Сотилган нарса зотдир, яъни, оладиган кишининг мақсудидир, ул устанинг қилмоғи ва ишламоғи мабиъ эмас, яъни, байъ қилишиб олинган нарса эмас. Бас, агар ул уста ўзидан бошқа

www.ziyouz.com kutubxonasi

одамнинг қилган нарсасини олиб келса ё байъ қилишмасдан илгари ўзи қилган нарсани олиб келса, иш буюрган қабул қилиб олса, дурустдир.

وَ لاَ يَتَعَيَّنُ لَهُ بِلاَ اخْتِيَارِهِ

Ва ул амр қилинган нарса қилган устадан бежавоб ва беихтиёр иш буюрган кишига тайин бўлмагай.

فَصَحَّ بَيْعُهُ قَبْلَ رُؤْيَةِ الآمِرِ

Бас, андоғ бўлса, яъни, қилган устанинг ризолиги ва ихтиёри бўлмай, ул амр қилинган нарса буюрган кишига тайин бўлмайдиган бўлса, бас, фармойиш қилган одам нарсани кўрмасидан илгари устадан бошқа кишига сотмоғи дурустдир. Бас, агар амр қилган киши кўриб хоҳласа, бошқа одамга сотмоғи дуруст эмас, би-л-иттифоқ. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

БУ ФАСЛДА ПАРОКАНДА ВА СОЧИЛГАН МАСЪАЛАЛАР БАЁНИ

وَ صَحَّ بَيْعُ الْكَلْبِ وَ السِّبَاعِ عُلِّمَتْ أَوْ لاَ

Итни ва йиртқич ҳайвонларни сотмоқ ва олмоқ дурустдир. Масалан, бўри ва йўлбарсга ўхшаган ҳайвонларни. Ва чангаллик нарсаларким, қарчиғай ва бургутга ўхшаш, хоҳ мазкурлар ўргатилган бўлсин, хоҳ ўргатилмаган. Чунончи, «Ҳидоя»да ва «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир. Зероки, мазкурлар баҳо ва қиймат қўйилган молдурлар. Ва бу қавл бизнинг мазҳабимизда. Чунончи, «Шарҳи Илёс» китобида мазкурдир. Буларнинг шикор қилмоғи, овламоғи ва нигоҳбонлик (қўриқчилик) қилмоғи билан манфаат олинур. Мазкур баён қилинган нафлар тегадигани жиҳатидан шаръи шариф улардан фойдаланмоқни мубоҳ қилди. Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривойат қилган жиҳатларидан ким, ов қиладиган итни сотиб, саманни олмоққа рухсат бердилар. Далили дийгар шулки, ит шикорнинг баҳо қўйилган асбобидир, уни сотмоқ дурустдир, шикор қиладиган қушларга ўхшаш. Далил шу биланким, нигоҳбонлик ва овламоқ тўғриси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан шориъ ит билан наф олмоқни мубоҳ қилди. Бас, ушбудек шориъ байъни ҳам мубоҳ қилди. Бу масъала итнинг зоти нажасу-л-ъайн эмаслигига фатво берилган қавлга кўра. Чунончи, «Баҳру-р-роиқ» китобида мазкурдир. Итни ҳалок ва нобуд қилган киши товон тўлагай. Зероки, Пайғамбар алайҳиссолату вассалом итнинг нобуд бўлгани тўғрисида навъини тахсис қилмай, товон тўламоққа қирқ танга ҳукм қилдилар. Чунончи, «Мажмаъу-л-анҳар»да мазкурдир ва «Фатҳу-л-Қодир» китобида бордурки, итни нигоҳбон қилиб ва у билан ов қилиб, яъни, сайд қилиб наф олмоқ, би-л-ижмоъ, жоиздир, лекин уйларида сақламоқ лойиқ ва муносиб эмас. Магар ўғридан қўрқиб, ё душмандан қўрқиб сақламоқ дурустдир. Ва ҳадиси саҳиҳда бордур, ҳар кимики, шикор қиладиган ё қўй боқадиган итдан бошқа ит сақласа, ул ит боққан кишининг ҳар кунига савобидан икки қирот камайтирилгай. Чунончи, «Баҳру-р-роиқ»да мазкурдир.

وَ الذِّمِّيُّ فِي الْبَيْعِ كَالْمُسْلِمِ

Подшоҳи Исломга байъат қилиб турадиган зиммий ғайри динлар олмоқ ва сотмоқда мусулмонларга ўхшашдир.

إِلاَّ فِي الْخَمْرِ وَ الْخِنْزِيرِ فَهُمَا كَالْخَلِّ وَ الشَّاةِ فِي عَقْدِنَا

Магар шароб билан тўнғизни сотмоқда ва олмоқда мусулмонларга ўхшаш эмасдир, буларни байъ қилмоқ зиммийларга дурустдир. Мусулмонларга ботилдир. Зиммийлар шаробни савдо қилмоқ тўғрисида мусулмонлар сиркани савдо қилганларига ўхшаш. Ғайридинларнинг тўнғизни савдо қилмоқлари мусулмонларнинг қўйни савдо қилганларига ўхшаш.

وَ دِرْهَمٌ نُثِرَ فَوَقَعَ فِي ثَوْبِ رَجُلٍ فَهُوَ لَهُ إِنْ أَعَدَّهُ لَهُ أَوْ كَفَّهُ

Одамлар орасида танга ё тилла, ё чақа, ё марварид, ё қанд, ё шакар, ё буларга ўхшаган нарсалар куёвнинг устига ё бошқанинг устига сочилса, ул нарса бир кишининг жомаси устига тушса, ул нарса кийим эгасига бўлгай. Агар тўнини ё этагини ул сочилган нарса учун тайёр қилган бўлса ё сочган нарса тушсин, деб тайёр қилинмаса ҳам, жомасига тушганидан кейин кийимни ўраса, танга ё бошқа нарса кийимнинг эгасига бўлгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ إِلاَّ فَلاَ خذ

Агар жомани танга ва ё бошқа сочилган нарса учун очиб турмаса, ё сочилган нарса этагига тушганидан кейин жомани ўрамаса, олган кишига бўлур. Зероки, ул сочилган нарса мубоҳ эди, оладиган киши тўннинг эгасидан илгари етишди.

وَ اعْتَبِرْ بِهِ سَائِرَ الْمُبَاحَاتِ

Ва бундан бошқа мубоҳ ва ҳалол нарсаларни бунга қиёс қилгил. Агар парранда бир кишининг мулкида тухум қўйса ё жўжа очса, ё кийик бир одамнинг мулкида жароҳатли бўлса, ул нарса мулк эгасига бўлгай, агар жойни тайёрлаб қўйса, у учун тайёр қилмаган бўлса, ким ушласа, уники бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

БУ ФАСЛДА ПУЛНИ ПУЛГА АЛИШТИРМОҚНИНГ БАЁНИ

اَلصَّرْفُ بَيْعُ الثَّمَنِ بِالثَّمَنِ جِنْسًا بِجِنْسٍ أَوْ بِغَيْرِ جِنْسٍ

«Сарф» деб луғатда айлантирмоқни, нафл ва зиёдани айтилур. Шариатда пулни пулга, бир жинсни ўз жинсига сотмоқдир, яъни, тиллани тиллага ва кумушни кумушга сотмоқдир. Ва ё бир жинсни бошқа жинсга, яъни, кумушни тиллага, ё тиллани кумушга сотмоқдир.

وَ شَرْطُهُ التَّقَابُضُ قَبْلَ الاِفْتِرَاقِ

Пул алиштирмоқ дуруст бўлмоғининг шарти савдо қилишган жойлардан айрилишиб кетмасдан илгари иккаласи ўзларига тегишли алиштирган пулларини олмоқларидир. Бас, агар ўзларига тегишли пулларини олмай ё бирлари олмай, байъ мажлисидан айрилишиб кетсалар, байъи сарф, яъни, кумушни ва тиллани алиштирмоқ байъи ботил бўлгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ إِنْ وَقَعَ فِي الْبَعْضِ صَحَّ فِيهِ

Агар икки бадални алишмоққа савдо қилишиб, савдо қи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лишган миқдоридан баъзисини қўлларига олсалар, ул олган миқдорда байъи сарф дуруст бўлгай, олмаганларининг миқдорида байъи ботил бўлгай.

فِي إِنَاءٍ فِضَّةٍ وَ صَارَ مُشْتَرِكًا

Бу баъзисини қўлга олмоқ кумуш обдастани сотмоқда бўлса, яъни, унинг баҳосининг баъзиси байъ қилинган мажлисда қабз қилинса, ул қўлга олинган миқдорда сотилмоғи дурустдир, боқий қолган баъзисида байъи ботил бўлгай. Ва ул кумуш обдаста сотган киши билан сотиб олгувчи ўртасида шериклик бўлгай.

وَ كَذَا فِي السَّيْفِ الْمُحَلَّى إِنْ خُلِّصَتِ الْحُلْيَةُ بِلاَ ضَرَرٍ

Тилла ё кумуш билан зевару зийнатланган қилични сотганда, қилинган баҳонинг баъзиси қўлга олинса, ушбу кумуш обдастага ўхшашдир, агар зийнату зевар бўлган тилла ва кумушни қиличга зарар етказмасдан, қиличдан жудо қилиб олмоқлик иложи бўлса, масалан, тилла ё кумуш билан муҳалла қилинган қилич юз тангага сотилса, зевар қилинган кумуш безарар айириб олинганда эллик тангалик бўлса, байъ қилинган мажлисда эллик танга нақд берилса, ул нақд берилган пул қилич зийнатининг баҳоси бўлгай, агарчандики савдо қилишганда зевару зийнатнинг баҳоси баён қилинмаса ҳам.

وَ يُصْرَفُ الْقَبْضُ إِلَى ثَمَنِهَا

Қўлга олинган баъзи нарса қиличнинг зийнатиким, тилла ва кумуш эди, қилич зийнатининг баҳосига сарф қилинур. Масалан, қиличнинг ўн беш тангалик тилласи бўлса, мажмуъининг, яъни, зийнатининг ва қиличнинг баҳосини йигирма тангага савдо қилишсалар, аммо олган киши ўн танга берса, ул берган пули қиличнинг зер ва зийнатининг баҳоси учун, қилич учун эмас. Агар яна икки танга берса, қилич зерининг ҳаммаси сотиб олган кишиники бўлиб, қилич ўрталарида шериклик бўлгай.

وَ إِنْ لَمْ يُقْبَضْ شَيْءٌ بَطَلَ فِيهَا

Агар қилични байъ қилишганда сотган одам унинг баҳосидан ҳеч нарса олмаса, байъи сарф бўлиб, шарти мавжуд

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлмагани жиҳатидан савдо қиличда дуруст бўлиб, зийнатда байъ ботил бўлгай.

وَ إِنْ لَمْ تَخْلَصْ بَطَلَ أَصْلاً

Ва агар қиличнинг зийнатини безарар жудо қилмоқ мумкин бўлмаса, сотмоқ би-л-кулл ботил бўлгай, яъни, ҳам қиличда ва ҳам зийнатда байъи ботилдир. Аммо зийнатда байъи ботил бўлганининг сабаби саманни сотган одам қўлига олмагани жиҳатидан. Аммо шамширда байъи ботил бўлганининг сабаби, зероки, шамширни олган одамга безарар топширмоқ мумкин эмас. Бас, бу томга солинган ёғочни сотганга ўхшаш бўлди. Чунончи, «Шарҳи Илёс» китобида ҳам мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الشُّفْعَةِ

ШУФЪА КИТОБИ

Бу китобда шуфъанинг баёни, яъни, шафиълик даъво қилиб, ерни ерга олиб қўшмоқнинг баёни келади.

Шуфъа деб, луғатда бир нарсани бир нарсага қўшмоқ ва яна тоқ нарсага иккинчисини қўшиб, жуфт қилмоқни айтилур.

هِيَ تَمَلُّكُ الْعَقَارِ عَلَى مُشْتَرِيهِ جَبْرًا بِمِثْلِ ثَمَنِهِ

Шариатда ул шуфъа ҳовли жой ва ер, кўчирилмайдиган ва бошқа жойга кўчириб олиб бориб бўлмайдиган нарсага ҳамсояси шафиълик даъво қилиб, ул нарсани сотиб олган кишининг зарарига унинг берган пули миқдори пул бериб ва сотиб олган одамни ўз ихтиёрига қўймай, зўрлик билан эга бўлмоғидир.

وَ يَثْبُتُ بِقَدْرِ رُؤُسِ الشُّفَعَاءِ

Шафиълик ҳаққи собит бўлгай шафиълар бошларининг миқдори қанча бўлса.

لاَ الْمِلْكِ

Мулк миқдорига шафиъ собит бўлмагай. Масалан, бир ҳовлида уч шерик бўлса, ҳовлининг ярми Зайднинг ҳиссаси бўлса, учдан бири Умарнинг ҳиссаси бўлса ва олтидан бири Бакрнинг ҳиссаси бўлса, мазкур Зайд ўз қадри ҳиссасини бир одамга сотса, Умар билан Бакр шафиъ бўлиб, баробар тақсим қилиб олгайлар, агарчандики Бакрнинг қадри ҳиссаси Умарнинг қадри ҳиссасидан камроқ бўлса ҳам. Чунончи, бу мазмун «Жомиъур-румуз»да ҳам мазкурдир.

لِلْخَلِيطِ فِي نَفْسِ الْمَبِيعِ

Шафиъликнинг энг аввали сотилган ҳовли ё ер ичида шерик бўлган одамга собитдир. Масалан, бир ҳовлида икки киши шерик бўлса ва яна ул ҳовлининг қўшнилари бўлса, ул ҳовлида

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамсоялари билан юрадиган шериклик обороҳалари бўлса, шафъилик ҳовлида шериклиги бор кишига собит бўлгай. Оборо̀ҳа йўлидаги шерик қўшнига шафъилик собит бўлмагай.

ثُمَّ لِلْخَلِيطِ فِي حَقِّ الْمَبِيعِ كَالشَّرْبِ وَ الطَّرِيقِ الْخَاصِّينَ

Андин кейин ул одамга ҳақ шуфъат собит бўлгайким, ул хос бўлган сув оқадиган ариққа ва хос бўлган йўлга ўхшаш сотиладиган нарсанинг тегишли ҳақига шерик бўлса.

كَشِرْبِ نَهْرٍ لاَ يَجْرِي فِيهِ السُّفُنُ

Ўзларига хос бўлган сув йўлида шерик бўлмоқнинг мисоли. Масалан, икки киши ё ундан зиёда одамларнинг ҳовлиларидан кема юрмайдиган кичкина ариққа сув олмоққа бориладиган йўл ҳаммаларига бир бўлгай.

وَ طَرِيقٍ لاَ يَنْفَذُ

Хос йўлда шерик бўлмоқларининг мисоли. Масалан, ул сотилган ҳовли билан қўшни орасида ўзлари юрадиган хос йўл бўлгай, ул йўл бу катта кўчага чиқмагай.

ثُمَّ لِجَارٍ مُلاَصِقٍ بَابُهُ فِي سِكَّةٍ أُخْرَى

Ундан кейин шафиъилик ҳақи ул кишига бўлгайки, унинг ҳовлиси сотилган ҳовлига муттасил бўлиб, унинг эшиги бошқа кўчада бўлгай.

وَ يَطْلُبُهَا فِي مَجْلِسِ عِلْمِهِ بِالْبَيْعِ وَ هُوَ طَلَبُ مَوَاثَبَةٍ

Ушбу баён қилинган уч масъаладаги тартибда шафиъилик собит бўлган киши ернинг ё ҳовлининг бегона одамга сотилганини фаҳмлаган жойда шафиъликни шошилиб талаб қилгай. Ушбу тариқа дегайким, сен сотиб олган жойда менинг ҳақим борлиги сабабидан шафиъилик талаб қилурман. Чунончи, бунинг мазмуни «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

ثُمَّ يُشْهِدُ عَلَى طَلَبِهِ عِنْدَ الْعَقَارِ

Бошқа кишига сотилганини билган жойда ирғиб туриб, шафиъилик талаб қилганидан кейин сотилган мулк олдида ўзининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

шафиълик даъвосини қилганлигига гувоҳлантириб қўйгай. Ушбу тариқада айтгайки: «Эй одамлар, сизлар гувоҳ бўлинглар, мен бу сотилган жойда шафиълик талаб қилурман». Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

أَوْ ذِي يَدِهِ مِنْ بَائِعٍ أَوْ مُشْتَرٍ

Ё шафиълик талаб қилганидан кейин мулкни тадбир ва тасарруф қиладиган одам олдида одамларни гувоҳ қилиб қўйгай ё сотиб олган киши хоҳ ҳузурида одамларни гувоҳ қилиб қуйгай, сотиб олган киши мулкни мудаббир ва тасарруф қиладиган одам бўлсин ва хоҳ бўлмасин. Ушбу тариқада айтгайки: «Сен фалон одамдан сотиб олган ҳовлидан мен шафиълик талаб қилурман, унинг ҳудуди мунча ва мен ул мулк шафиъидурман, тегишлигим бор сабабидан энди ул жойни менга топширгил», дегай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

فَإِنْ أَخَّرَ أَحَدُهُمَا بَطَلَتْ

Бас, агар шафиъ ирғиб туриб, шафиълик талаб қилмоқ билан одамларни гувоҳ қилиб қўймоқнинг бирини кечиктирса, шафиълиги ботил бўлгай.

ثُمَّ يَطْلُبُ عِنْدَ الْقَاضِي

Бу икки талабдан кейин, яъни, мулкнинг сотилганини билган жойида шафиълигини талаб қилганидан кейин ва яна ул мулк олдида ё сотган одам олдида, ё олган одам олдида шафиъликни талаб қилганидан кейин қози ҳузурида шафиълигини талаб қилгай. Бу шафиълик талаб қилмоқни «талаби хусумат» деб аталур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ بِتَأْخِيرِهِ شَهْرًا تَبْطُلُ عِنْدَ مُحَمَّدٍ رَحِمَهُ اللهُ وَ بِهِ يُفْتَى

Ва бу талаби хусуматни, яъни, қози олдига бориб, фалон одам фалон одамнинг ҳовлисини сотиб олди, бўйи мунча ва эни мунча, ул жойга тегишлигим бор сабабидан шафиълик ҳаққимни менга топширмоққа фармон қилурсиз деб, сиз қозийи исломга арз қилурман, дегай. Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳнинг наздларида, айтмай, бир ой беузр шаръи таъхир қилмоқлик би-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лан шафиълик ботил бўлгай. Ва бу қавлга «Муҳит» ва «Хулоса»да фатво берилур. Ва «Мунийятту-л-муфтий»да ва «Мухтароту-н-навозил»да фатво Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ қавлларигадир. Чунончи, «Мажмаъу-л-анҳар»да мазкурдир.

فَإِذَا طَلَبَ سَأَلَهُ الْقَاضِي الْخَصْمَ

Бас, ҳар вақтики, юқорида баён қилинган тартибда мулк ҳудудини ва шафиълиги сабабини баён қилиб, қозига арз қилиб, шафиъликни талаб қилса, қози бу муддаъони хасмдан, яъни, муддаъо алайҳдан сўрагай.

فَإِنْ أَقَرَّ بِمِلْكِ مَا يُشْفَعُ بِهِ

Бас, агар муддаъо алайҳ, яъни, даъво қилинган одам шафиълик даъво қилинган ҳовли ёнидаги ҳовлининг эгаси, деб иқрор қилса, яъни, шафиълик ҳақи бор, деб иқрор қилса, қози шафиънинг фойдасига ҳукм қилгай.

أَوْ نَكَلَ عَنِ الْحَلْفِ عَلَى الْعِلْمِ بِأَنَّهُ مَالِكُهُ

Ё муддао алайҳ муддаъини мен олган ер ёнида бу даъво қилган одамнинг мулки борлигини билмайман, деб ё мулки йўқ, деб қасамдан нукул қилса, яъни, бош тортса, қози шафиънинг фойдасига ҳукм қилгай.

أَوْ بَرْهَنَ الشَّفِيعُ سَأَلَهُ عَنِ الشِّرَاءِ

Ё шафиъ гувоҳ ўтказиб, далил қоим қилса, яъни, бу сотилган ҳовли ёнидаги ҳовли ушбу шафиънинг бу киши сотиб олмасдан илгариги ҳовлисидир, ушбу соатгача бизлар бу кишининг ҳовлисидан чиқиб кетганини билмаймиз, деб шоҳидлар гувоҳлик берсалар, қози муддаъо алайҳдан мулкни сотиб олганлигини сўрагай.

فَإِنْ أَقَرَّ بِهِ

Бас, агар муддаъо алайҳ, сотиб олдим, деб иқрор қилса, қози шафиънинг фойдасига ҳукм қилгай.

أَوْ نَكَلَ عَنِ الْحَلْفِ

Ё муддаъо алайҳ мулкни сотган киши бўлиб, сотмадим, деб қасамёд қилмоқдан нукул қилса ёки муддаъо алайҳ, яъни, даъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

во қилинган киши мулкни сотиб олган киши бўлиб, олганим йўқ, деб қасамёд қилмоқдан бош тортса, яъни, тўхтаб қолса, қози шафиънинг фойдасига ҳукм қилгай.

أَوْ بَرْهَنَ الشَّفِيعُ قَضَى لَهُ بِهَا

Ёки шафиъ муддаъо алайҳ сотиб олганлигига гувоҳ ўтказиб, далил қоим қилса, қози шафиълик ҳақи бўлмоғига шафиънинг фойдасига ҳукм қилгай.

فَلَزِمَهُ إِحْضَارُ الثَّمَنِ

Шафиъ қозининг ҳукми билан пулни ҳозир қилмоғи лозим.

وَ يَحْبِسُ الدَّارَ لَهُ

Муддаъо алайҳ муддаъидан, яъни, шафиъдан пулни олмоқ учун ҳовлини бермай ушлаб тургай.

وَ لاَ يَسْمَعُ الْبَيِّنَةَ عَلَى الْبَائِعِ حَتَّى يَحْضُرَ الْمُشْتَرِى

Шафиънинг мулк сотган одам билан хусумати ва даъвоси тўғрисида шафиънинг сотгувчи зарарига ўтказган гувоҳларини қози ул мулкни сотиб олган одам ҳозир бўлгунча қабул қилмагай.

فَيَفْسَخُ بِحُضُورِهِ وَ يَقْضِى بِالشُّفْعَةِ

Бас, сотиб олган киши қози олдида ҳозир бўлганидан кейин қози унинг ҳузурида аввалги байъни бузгай ва шафиъга шафиъликни олмоғига ҳукм қилгай.

وَ عُهْدَتُهُ عَلَى الْبَائِعِ

Баҳонинг шартлари сотган кишида бўлгай, масалан, ҳовлида ҳақ собит қилинса, уни тўламоққа ва ҳовлини шафиъга топширмоққа ўхшаш шартлар.

وَ لِلشَّفِيعِ خِيَارُ الرُّؤْيَةِ وَ الْعَيْبِ وَ إِنْ شَرَطَ الْمُشْتَرِى الْبَرَاءَةَ مِنْهُ

Шафиъга кўрмоқ ихтиёри ва айб ихтиёри бордир, яъни, шафиъ ерни бориб кўриб, айбни топса, олмасликка ихтиёри бордир. Ва агарчандики сотиб олгувчи сотиб олурда сотган кишининг айбдан барий (холи) бўлмоғини шарт қилса ҳам. Зероки, шафиълик билан олмоқ сотиб олмоқнинг ўрнидадир, унинг қўл

www.ziyouz.com kutubxonasi

қоқиб олгани шафиъга айлангани жиҳатидан. Бас, шафиъга ихтиёрли бўлмоқ собит бўлгай ва сотган одамнинг айбидан бири, «сен» деб шарт қилган сабаб кўрмоқ ихтиёри ва айбини топса, қайтмоқ ихтиёри соқит бўлмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ الْقَوْلُ لِلْمُشْتَرِى فِي الثَّمَنِ

Сотиб олган одам билан шафиъ олган мулк баҳосида ихтилоф қилишса, масалан, сотиб олган киши «қирқ тиллага олдим», деса, шафиъ «ўттиз беш тиллага олдинг», деса, иккаласининг ҳам гувоҳлари бўлмаса, қасам билан сотиб олган одамнинг сўзи олингай.

وَ بَيِّنَةُ الشَّفِيعِ أَحَقُّ مِنْ بَيِّنَتِه

Агар сотиб олган одам билан шафиъ иккалаларининг гувоҳлари бўлса, сотиб олган одамнинг гувоҳидан шафиънинг гувоҳи қабул қилмоққа ҳақли ва авлодир.

وَ لَوْ اَدَّعَى الْمُشْتَرِى ثَمَنًا وَ بَائِعُهُ اَقَلَّ مِنْهُ اَخَذَ بِقَوْلِه قَبْلَ قَبْضِه

Агар сотиб олган одам билан сотган одам баҳода ихтилоф қилишсалар, олган киши: «Мен йигирма тиллага олдим» деса, аммо сотган одам: «Ўн саккиз тиллага сотдим» деса, сотган одам пулнинг ҳаммасини қўлига олмасдан илгари шафиъ ул ҳовли сотган кишининг деган баҳоси билан олгай.

وَ بِقَوْلِ الْمُشْتَرِى بَعْدَهُ

Сотган одам пулини қўлига олганидан кейин шафиъ сотиб олган одамнинг деган баҳоси билан олгай. Зероки, сотган киши пулни олганидан кейин бегонадир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ اَخَذَ فِي حَطِّ بَعْضِ الثَّمَنِ أَوْ زِيَادَتِه بِأَقَلِّهِمَا

Ҳовлининг баҳосидан камитмаган тўғрида ё баҳосидан зиёда қилган тўғрида шафиъ баҳонинг камроғи билан олгай. Масалан, бир ҳовлини қирқ тиллага савдо қилишганда, қабзига олмасдан илгари ўн тилла қўшиб, ҳовлининг баҳосини эллик тилла қилса, ул вақтда бир одам, шафиъман, деб даъво қилса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қирқ тиллага зўрлаб олгай, аммо ўн тилла баҳодан камитса, шафиъ ўттиз тиллага олгай.

وَ فِي حَطِّ الْكُلِّ بِالْكُلِّ

Аммо сотган киши олган одамга баҳонинг ҳаммасини кечганда, шафиъ баҳонинг ҳаммасини баробарига олгай.

وَ فِي الشِّرَاءِ بِثَمَنٍ مِثْلِيٍّ بِمِثْلِهِ

Мусулмон киши мусулмон кишидан бир ҳовлини баробари маълум бўлган нарсага сотиб олмоқ тўғрисида, яъни, ўлчанадиган ё тарозу билан тортиладиган нарсани ҳовлининг баҳосига бериб, сотиб олмоқда қўшниси шафиълик даъво қилса, ул шафиъ ҳам унинг берганининг ўхшашини бериб олгай. Масалан, Зайд ул ҳовлини саксон ботмон буғдойга Бакрга сотса, Амр шафиълик даъво қилса, саксон ботмон буғдой бериб олгай.

وَ فِي غَيْرِهِ بِقِيْمَةِ الثَّمَنِ

Бундан бошқада, масалан, матонинг ва ҳайвонларнинг, ва ернинг баробарига ҳовлини сотиб олмоқда шафиъ ул нарсанинг қийматини бериб олгай.

فَفِي عَقَارٍ بِعَقَارٍ اَخَذَ كُلٌّ بِقِيْمَةِ الآخَرِ

Бас, ҳовли ва ерни ҳовли ва ер баробарига сотиб олмоқ тўғрисида иккала шафиъ ҳам даъво қилган ҳовлилари баробарига берилган ҳовлининг баҳосини бериб олгайлар.

وَ فِي ثَمَنٍ مُؤَجَّلٍ بِحَالٍ

Ҳовли насийага сотилган сувратда шафиълик даъво қилган киши пулини нақд бериб, ҳовлини олгай.

أَوْ طَلَبَ فِي الْحَالِ وَ اَخَذَ بَعْدَ الأَجَلِ

Ё шафиъликни дарҳол талаб қилгай ва ул сотилган нарсани айтилган ваъдадан кейин, яъни, ваъда қилинган вақтда пулни берганидан кейин олгай.

وَ فِي بِنَاءِ الْمُشْتَرِي وَ غَرْسِهِ بِالثَّمَنِ وَ قِيْمَتِهِمَا

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сотиб олинган ерга сотиб олган киши иморат қилса ва дарахт ўтказса, ундан кейин бир одам шафиълик даъво қилиб, исбот қилса, шафиъ ерни сотилган баҳоси билан олгай. Ва ул ердаги иморатни ва дарахтларни ерларидан кўчирилгандаги баҳоси билан олгай.

أَوْ كَلَّفَ الْمُشْتَرِى قَلْعَهُمَا

Ёки шафиъ ерни сотиб олган кишининг қилган иморатини ва эккан дарахтини кўчирмоққа зўрлаб таклиф қилгай.

وَ لَيْسَتْ إِلاَّ فِي بَيْعٍ أَوْ هِبَةٍ بِعِوَضٍ

Шафиълик собит бўлмагай, магар ҳовлини ва ерни сотмоқда ё ҳиба қилмоқда шафиълик собит бўлгай, агар унинг савдосида эваз бўлмоғи шарт қилинса.

وَ لاَ فِي شَجَرٍ وَ ثَمَرٍ بَيْعًا قَصْدًا

Агар ўз олдига сотилса, дарахтни ва мевани сотмоқда шафиълик собит бўлмагай, агар ери билан сотилса, ерга тобеъ бўлгани сабабидан ҳаммасига шафиълик собит бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ فِي بَيْعٍ بِخِيَارٍ إِلاَّ بَعْدَ سُقُوطِهِ

Сотган одам маъқул бўлмаганда, қайтариб олмоққа ихтиёри билан сотганда, сотган одамнинг мулкидан чиқмагани жиҳатидан шафиълик собит бўлмагай. Магар ихтиёр шартининг ваъдаси ўтганидан кейин сотган кишининг мулкидан чиққани жиҳатидан шафиълик собит бўлгай.

وَ لاَ فِي الْبَيْعِ الْفَاسِدِ إِلاَّ بَعْدَ سُقُوطِ فَسْخِهِ

Ва яна байъи фосидда ҳам шафиълик собит бўлмагай. Магар бир сабаб билан байъни бузмоқ соқит бўлса, шафиълик собит бўлгай. Масалан, сотиб олган киши бир одамга сотса, ё иморат қилса, ё дарахт экса, шафиълик собит бўлгай.

وَ لاَ فِي رَدٍّ بِخِيَارٍ

Ва яна кўриб, хоҳласа, олмоқ билан ва хиёри шарт билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

олиб, уч кун тўламасдан илгари яна сотган одамга қайтарган нарсада шафиълик собит бўлмагай. Масалан, бир одам бир ҳовлини хиёр билан, яъни, хоҳласа олмоқ шарти билан сотиб олса, андин кейин шафиъ шуфъат даъво қилмасдан илгари топширса, баъдазон ихтиёр ўзида бўлгани жиҳатидан ҳовлини эгасига қайтарса, шафиълик собит бўлмагай. Зероки, «Мулкни олмайман», деб қайтармоқ байъни бузмоқдир, савдо эмас.

إِلاَّ فِي خِيَارِ عَيْبٍ بِلاَ قَضَاءٍ

Магар хиёри айбда, яъни, айбли бўлса, қайтармоқда мулк қози ҳукм қилмасдан қайтарилса, шафиълик собит бўлгай, шафиъга шуфъат даъво қилмоқ тегишлидир. Зероки, қози ҳукм қилмай қайтармоқ биманзилаи аввалги байъдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

وَ لاَ لِمَنْ بَاعَ

Ва яна ўзининг ёнидаги ҳовлини вакил бўлиб сотса, шафиълик даъво қилолмагай. Зероки, ўзи сотиб, шафиълик талаб қилмоғи ўз ишини ботил ва бекор қилмоғидир, бу шаръан мақбул эмасдир.

أَوْ بَيْعَ لَهُ

Ё анинг учун ҳовли сотилса, шафиълик собит бўлмагай. Масалан, Зайд ўз ҳовлиси ёнидаги ҳовлини сотмоққа бир одамни вакил қилса, ул вакили унинг ҳовлисини сотса, ул вакил қилган Зайдга шафиълик тегмагай.

أَوْ ضَمِنَ الدَّرْكَ

Ё сотилган ҳовлини сотган одамга олган киши тарафидан пулни топширмоққа ва ул ҳовли тўғрисидан талаб қилинган ҳар ҳақларга зомин бўлган одамга шуфъа даъвоси собит бўлмагай.

بَلْ لِمَنْ شَرَى أَوْ اشْتَرَى لَهُ

Балки шуфъа ул кишига бўлурки, ул киши бир одамдан вакил бўлиб, ўзининг ёнидаги ерни сотиб олгай ё ул киши учун вакил сотиб олгай. Масалан, Зайд Бакрнинг ёнидаги ҳовлини сотиб олмоғига Бакрнинг ўзини вакил қилса, мазкур Бакр Зайд учун ул ҳовлини сотиб олса, Бакрга ул ҳовлида шуфъат даъво-

www.ziyouz.com kutubxonasi

си бордир. Ва анга ўхшаш вакил қилгувчи Зайднинг шафиълик даъвосини қилолгай. Масалан, Бакрнинг ёнидаги ҳовлини ўзининг вакили сотиб олса, Бакрга шафиълик битгай.

وَ يُبْطِلُهَا تَسْلِيمُهَا بَعْدَ الْبَيْعِ

Ва сотилганидан кейин: «Мен бу ҳовлида шафиълик талаб қилгайман», деб айтмоғи шафиълик талаб қилмоқни ботил қилгай.

لاَ قَبْلَهُ

Байъ қилмасдан илгари: «Шафиълик талаб қилмайман», демоқ шафиълик даъвосини ботил қилмагай. Масалан, қўшниси ҳовлисини сотганини эшитганидан кейин: «Мен даъво қилмайман» деса, ундан кейин шафиълик талаб қилолмагай.

وَ الصُّلْحُ مَعَ بُطْلاَنِه

Шафиълик талаб қилиб турган киши, масалан, ҳовлини олган одам билан бир нарса баробарига сулҳ қилишмоқлари шафиълик талаб қилмоқни ботил қилгай, агарчи ул шафиънинг бир нарса баробарига сулҳ қилишмоғи нафсу-л-амр ботил бўлса ҳам.

وَ مَوْتُ الشَّفِيعِ لاَ الْمُشْتَرِى

Ва яна шафиъ фойдасига сотилган ҳовлини қози ҳукм қилмасдан илгари шафиънинг ўлмоғи шафиълик талаб қилмоқни ботил қилгай, яъни, ўлмасдан илгари ҳукм қилинмаган бўлса, шафиълик даъвоси ворисларига қолмагай ва сотиб олган кишининг ўлмоғи шафиъликни ботил қилмагай, яъни, ворислари шафиълик талаб қилолгайлар.

وَ بَيْعُ مَا يُشْفَعُ بِه قَبْلَ الْقَضَاءِ بِهَا

Шуфъат даъвосини қилмоққа сабаб бўлган нарсани шафиънинг қози олдида ҳукм билан шафиъликни исбот қилмасдан илгари сотмоғи шуфъат талаб қилмоқни ботил қилгай. Масалан, Зайднинг ҳамсояси Бакр ҳовлисини Шарифга сотса, мазкур Зайд шафиълик талаб қилмоғига сабаб бўлган ўз ҳовлисини мазкур Бакрнинг ҳовлисига муттасиллигини исбот қилмасдан илгари ул сотиб олган киши бошқа одамга сотса, Зайднинг шафиълик талаб қилмоғи ботил бўлгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ شُفِّعَ حِصَّةُ أَحَدِ الْمُشْتَرِينَ

Кўп одамларнинг сотиб олган саройларидан бирини қадри ҳиссасини шафиълик талаб қилиб олмоқ дурустдир. Масалан, Зайд қўшниси Бакрнинг саройини олти киши қўшилиб сотиб олсалар, мазкур Зайднинг қудрати етгай, агар хоҳласа, ул сотиб олган одамларнинг ҳаммасининг қадри ҳиссасини шафиълик талаб қилиб олгай, хоҳласа, бириси ё иккисининг ҳиссасини даъво қилиб олгай.

لاَ أَحَدَ الْبَاعَةِ

Аммо кўп одам бир ҳовлини сотса, аларнинг бири ё иккисининг қадри ҳиссасини шафиълик талаб қилиб ололмагай, ҳаммасини олгай ё сотган кишига зарар бўлур жиҳатидан қўйгай.

فَانْ سَلَّمَ شِرَاءَ زَيْدٍ فَظَهَرَ شِرَاءُ غَيْرِهِ

Бас, агар шафиъ ёнидаги ҳовлини Зайд сотиб олган, деб эшитиб, шафиълиқни кечса, ундан кейин Зайддан бошқа одам сотиб олганлиги маълум бўлса, шафиълик соқит бўлмагай.

أَوِ الشِّرَاءَ بِأَلْفٍ فَظَهَرَ بِأَقَلَّ

Ёки минг тангага сотиб олганлигини эшитиб, шафиълигини кечса, ундан кейин минг тангадан камлиги зоҳир бўлса,

أَوْ بِمِثْلِيٍّ لاَ تَسْقُطُ

ёки танга ё тилла бўлмай, ўлчаб ва тортиб бериладиган нарса баробарига сотиб олганлиги маълум бўлса, масалан, қирқ ботмон буғдой баробарига олганлиги зоҳир бўлса, шафиълик соқит бўлмагай.

لاَ إِنْ ظَهَرَ بِقِيْمِيٍّ قِيْمَتُهُ أَلْفٌ أَوْ أَكْثَرُ

Аммо Зайд ёнидаги ҳовлини минг тангага сотганлигини эшитиб, шафиълик даъвосини қилмасликка рози бўлганидан кейин ҳайвонлар ва бошқа нарсаларга (қийматига) қийамий бўлса, ул қийамий мол баробарига сотилганлиги зоҳир бўлиб, унинг баҳоси минг танга ё кўпроқ бўлса, албатта, ул кишида шафиълик қолмагай. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْقِسْمَةِ

ҚИСМАТ КИТОБИ

Бу китобда қисматнинг баёни келади. Қисмат луғатда «инқисом»дандир, бўлинмоқ маъносидадир. Чунончи, «Муғраб» китоби ва бошқа китобларда мазкурдир. Ё «тақсим»дан, бўлмоқ маъносидадир. Чунончи, «Қомус»да мазкурдир.

هِيَ تَعْيِينُ الْحَقِّ الشَّائِعِ

Шариатда тақсим икки ё зиёда одамлар орасидаги шериклик молни бўлмоқ ва ул шерик одамларнинг ҳар қайсиларининг қадри ҳиссаларини тайин қилмоқдир.

وَ غَلَبَ فِيهَا الْأَفْرَازُ فِي الْمِثْلِي وَ الْمُبَادَلَةُ فِي غَيْرِهِ

Ва тақсим қилмоқда кўпинча тортиладиган ва ўлчанадиган нарса бўлганда ва бир-бирига баробар нарса саналадиган бўлганда, масалан, тухумга ўхшаш баробар бўлганда, шерик кишилардан ҳар қайсиларининг қадри ҳиссалари айириб қўйилгай. Аммо қийамий бўлганда, яъни, ўзи баробари номаълум бўлиб, бўлаклаб ё ўлчаб, тақсим қилмоқнинг иложи бўлмаган нарсаларда кўпроқ вақтда ўз қадри ҳиссаси учун бир нарса олиб ё пул олиб, шериклик нарса бирига қолдирилгай. Масалан, тўқсон тиллалик ҳовли уч киши ўртасида шериклик бўлса, тақсим қилишганда ҳовли бирига қолдирилиб, ул икки киши ҳовли қолган одамдан ўттиз тилладан олгайлар.

فَيَأْخُذُ كُلُّ شَرِيكٍ حِصَّتَهُ بِغَيْبَةِ صَاحِبِهِ ثَمَّ

Бас, агар ул шериги ғойиб бўлса, буғдой ва арпага ўхшаган нарсани тақсим қилганида ҳар шерик ўз қадри ҳиссасини олгай.

لَا هُنَا

Аммо ҳовли, ер ва ҳайвон – буларга ўхшаган қийамий нарсаларда тақсим қилгандан кейин шериги ғойиб бўлса, ўз қадри

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳиссасини олмоғи дуруст эмас. Зероки, қийамий нарсалар, яъни, баҳо қўйиладиган нарсалар тақсим қилинганда ғолибан, яъни, кўпинча эшиттурмоқ ва ҳам ўз қадри ҳиссаси учун пул беришмоқ лозим бўлгай.

وَ نُدِبَ نَصْبُ قَاسِمٍ يُرْزَقُ مِنْ بَيْتِ الْمَالِ لِيَقْسِمَ بِلاَ اجْرٍ

Шериклик молларни эгаларидан ҳақ олмай, тақсим қилиб бермоқ учун байтул-молдан вазифа тайинлаб, бўлиб берадиган кишини қўймоқ шариатда подшоҳга мустаҳабдир.

وَ إِنْ نَصَبَ بِاَجْرٍ صَحَّ وَ هُوَ عَلَى عَدَدِ الرُّؤُسِ

Агар подшоҳ тақсим қилиб берадиган кишини тақсим қилдирадиган одамлар устидан ҳақ бермоқ шарти билан тайин қилса, дурустдир. Зероки, ҳақларни тақсим қилиб бермоқ уларнинг фойдаси учундир ва тақсим қилиб берадиган кишининг ҳақи тақсим қилдирадиган шерикларнинг ҳар қайсисидан баробар, бир текис олингай, агарчандики баъзисининг қадри ҳиссаси баъзисиникидан камроқ бўлса ҳам.

وَ يَجِبُ كَوْنُهُ عَدْلاً عَالِمًا بِهَا

Подшоҳ ва ё қози тарафидан тайин қилинган тақсим қилиб берадиган киши одил, яъни, рост ва баробар турадиган одам бўлгай, парҳезгар ва киши ҳақидан қўрқадиган, тақсим қилмоқ илмини биладиган киши бўлмоқлиги вожибдир.

وَ لاَ يُعَيَّنُ وَاحِدٌ

Ва бир тақсим қилиб берадиган киши тайин қилинмагай, яъни, қози бир одамни мол ва бошқа нарсаларни бўлиб берадиган қилиб қўйиб, унинг муздини шаҳар халқи берсин, деб жабр қилмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

وَ لاَ يَشْتَرِكُ الْقُسَّامُ

Ва яна кўп тақсим қиладурганлар тақсим қилмоқда ва ужра олмоқда ҳаммалари шерик қилиб қўйилмагай, ҳаммаларини танҳо-танҳо молни бўлмоққа буюргай. Агар танҳо-танҳо тақсим қилмай, шерик бўлиб, тақсим қилишсалар, албатта, ошиқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ча ҳақ олмоққа иттифоқ қилгайлар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ قُسِّمَ بِطَلَبِ أَحَدِهِمْ إِنْ انْتَفَعَ كُلٌّ بِحِصَّتِهِ

Мол шерикларга улардан бири молни бўлиб олмоқни талаб қилганлиги сабабидан ҳар қайсилари ўз ҳиссалари билан фойдаланадиган бўлсалар, тақсим қилиб берилмагай.

وَ بِطَلَبِ صَاحِبِ الْكَثِيرِ فَقَطْ إِنْ لَمْ يَنْتَفِعِ الآخَرُ لِقِلَّةِ حِصَّتِهِ

Шериклик молда қадри ҳиссаси кўпроқ киши ҳақини фақат ул кўп моллик одам бўлиб олмоқни талаб қилгани сабабидан мол тақсим қилингай, яъни, бўлиб берилгай ва агарчандики оз молнинг эгаси бўлиб олмоқни қабул қилмаса ҳам. Бас, кўп моллик одам бўлиб олмоқни қабул қилмай туриб, оз моллик киши бўлиб олмоқни талаб қилмоғи сабабидан оз моллик кишига тақсим қилиб берилмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ لاَ يُقْسَمُ إِلاَّ بِطَلَبِهِمْ إِنْ تَضَرَّرَ كُلٌّ لِلْقِلَّةِ

Агар тақсим қилиб берилган тақдирда шерикларнинг ҳар қайсилари ўз қадри ҳиссаларининг озлиги жиҳатидан зарар топсалар бўлиб берилмагай, магар ўзлари бўлиб олмоқни талаб қилганлари тўғриларидан бўлиб берилур.

وَ لاَ الْجِنْسَانِ

Ва яна икки хил шериклик молнинг бир хили бир шерикка, яна бир хили иккинчи шерикка бўлиб берилмагай. Масалан, бўлиб бериладиган нарса тева ва қўй бўлса, икки ворисдан бирининг қадри ҳиссасига теванинг ҳаммаси ва қолган бир ворисга қўйнинг ҳаммаси бўлиб берилмагай, балки иккала ворисга тева бўлиб берилгай, ундан кейин қўй бўлиб берилгай. Ва ўлчанадиган ва тарозу билан тортиладиган нарсалар, ва сикка урилмаган ва артилмаган тилла ва кумуш, ва мис, ва темир ушбуга ўхшашдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ الرَّفِيقُ وَ الْجَوَاهِرُ وَ الْحَمَّامُ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва яна қулларни ва жавоҳирни, яъни, маъл, марварид, ёқут, олмос, зумрад, фируза, нийлам, ақиқларни ва ҳиммомни ва буларга ўхшаган тақсим қилинганда зарар етадиган нарсалар бўлса, масалан, тегирмон ва икки ҳовли орасидаги девор, кичик уй, эшик, чўп, кўйлак ва коризким, ер тагидан уч-тўрт чуқур кавланиб, бир-бирига сув ўтказилиб, пастроқ ерга сув чиқарилиб, экин суғорилгай. Ва қудуқ, чашма, катта ариқким, у билан замин йўқ ва нобуд бўлса ва катта йўл, – мазкурларнинг ҳаммаси ҳам шерикларга бўлиб берилмагай.

إِلاَّ بِرِضَاهُمْ

Магар шерикларнинг розиликлари билан бўлиб берилур.

وَ دُوْرٌ مُشْتَرَكَةٌ أَوْ دَارٌ وَضِيْعَةٌ أَوْ دَارٌ وَحَانُوتٌ قُسِمَ كُلٌّ وَحْدَهَا

Ва кўп ҳовлилар шериклик бўлса, ё ҳовли билан беиморат ер шериклик бўлса, ҳовли-дўкон шериклик бўлса, яъни, кўп кишининг ўртасида бўлса, мазкурларнинг ҳар қайсилари алоҳида тақсим қилинур, би-л-ижмоъ, тафовутли бўлгани жиҳатидан. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

وَ صَحَّتْ بِالتَّرَاضِي

Ва агар шериклар ўз розиликлари билан иттифоқ қилишиб, қозидан бежавоб тақсим қилишиб олсалар, молларини бўлиб олмоқлари дурустдир. Зероки, уларнинг ўзлари ўзларига валий ва соҳиби ихтиёр бўлганликлари жиҳатидан ҳақ ўзлариникидир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

إِلاَّ عِنْدَ صِغَرِ أَحَدِهِمْ

Магар мазкур ҳар хил молларни ўз ихтиёрлари билан тақсим қилиб ололмагайлар, аларнинг бири ё зиёдаси ёш бола бўлса, ул вақтда шерикларининг ёш болага валойати (ҳукмронлиги) кўтоҳлик қилгани жиҳатидан қозининг амрига муҳтож бўлгайлар. Чунончи, «Мулла Фахриддин»да мазкурдир.

وَ قُسِمَ نَقْلِيٌّ يَدَّعُونَ اِرْثَهُ بَيْنَهُمْ

Ва икки ё уч одамнинг қавлларидаки, бир маълум нақли

www.ziyouz.com kutubxonasi

моллар, яъни, ҳайвонлар ва экинларга ўхшаган кўчадиган моллар мерос қолганлигини даъво қилишсалар, мужарради даъво қилмоқлари билан тақсим қилиб берилгай.

وَ عَقَارٌ يَدَّعُونَ شِرَائَهُ أَوْ مِلْكَهُ مُطْلَقًا

Ва бўлиб берилур ҳовли ва ерга ўхшаган нарса, (агар) шериклар ул ерни бир одамдан сотиб олганликларини ё мутлақ мулклари бўлмоғини даъво қилсалар.

فَإِنْ ادَّعَوْا إِرْثَهُ عَنْ زَيْدٍ لاَ حَتَّى بَرْهَنُوا عَلَى مَوْتِهِ وَ عَدَدَ وَ رَثَتِهِ

Бас, агар ерни даъво қилсалар, масалан, Зайддан буларга мерос қолгани Зайднинг ўлганлигига ва яна меросгир қанча одам эканлигига гувоҳ ўтказгунча тақсим қилиб берилмагай.

وَ لاَ إِنْ بَرْهَنُوا أَنَّهُ مَعَهُمْ حَتَّى بَرْهَنُوا أَنَّهُ لَهُمْ

Ва яна ўлган одамдан қолган моллар ўз қўлларида эканлигига гувоҳ ўтказсалар, то бу тақсимга қолган моллар ўзларига тегишли эканлигига гувоҳ ўтказгунча бўлиб берилмагай.

وَ لاَ إِنْ كَانَ شَيْءٌ مِنْهُ مَعَ الْوَارِثِ الطِّفْلِ أَوِ الْغَائِبِ

Ҳовлининг ва ё ернинг баъзиси ё ҳаммаси ёш ворис боланинг қўлида бўлса ё ғойиб вориснинг қўлида бўлса, магар тақсим қилиб берилгай: қози ёш бола тарафидан васий ва ғойиб жонибидан вакил насб (тайин) қилиб, васий бўлган киши ёш боланинг мулки бўлмоғига, вакил бўлган одам ғойибнинг мулки бўлмоғига гувоҳ ўтказсалар, бўлиб берилур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ يُدْخِلُ الدَّرَاهِمَ فِي الْقِسْمَةِ إِلاَّ بِرِضَاهُمْ

Кўп кишиларнинг ўрталарида шериклик ҳовли ва ё ер, ва ё меросга қолган бошқа молларни тақсим қилганда, меросга қолган молдан бошқа хориждан тангаларни ё тиллаларни, ё ўзга хил пулларни ул тақсим қилинган молга киргизмагай. Магар ворисларнинг ризоликлари билан қўшилгай, яъни, бир одамнинг қадри ҳиссасида зиёдалик бўлса, у танга ва ё тилла, ва бошқа хил пул билан баробар қилинмагай. Магар мерос ола-

www.ziyouz.com kutubxonasi

диганларнинг ризоликлари билан кам ҳисса пул билан баробар қилингай, башарти ул пулни киргизмасалар, тақсим қилмоқ мушкул бўладиган бўлса.

وَ إِنْ وَقَعَ مَسِيلُ قِسْمٍ أَوْ طَرِيقُهُ فِي قِسْمٍ آخَرَ صُرِفَ عَنْهُ إِنْ أَمْكَنَ

Агар ҳовли бир тақсим қилинганда, яъни, бир бўлиб берилганда бир кишига етган ҳиссанинг сув йўли, яъни, оброҳаси ё ўтиб юрадиган йўли иккинчи кишининг қадри ҳисса жойига тушса, агар иложи бўлса, йўл билан оброҳа ўз тегишли жойига айлантирилгай.

وَ إِلاَّ فُسِخَتْ

Агар иложи бўлмаса, ул тақсим буздирилиб, қайта бошдан тақсим қилинур, токи шерикларнинг ҳар қайси бирига бир оброҳа ва бир ҳақ оброҳа бўлиб, қадри ҳиссасидан фойдаланмоқ мумкин бўлсин, иккинчисининг қадри ҳиссасига муҳтож бўлмасин.

وَ إِنْ اَقَرَّ بِالاِسْتِيفَاءِ ثُمَّ ادَّعَى أَنَّ بَعْضَ حِصَّتِهِ وَقَعَ فِي يَدِ صَاحِبِهِ غَلَطًا صُدِّقَ بِالْحُجَّةِ

Агар икки шерикнинг бири ўз қадри ҳиссасини олганига иқрор қилса, ундан кейин у баъзи қадри ҳиссаси шеригининг қўлига ғалат тушубдир, деб даъво қилса, гувоҳлар билан исбот қилса, сўзига тасдиқ қилинур. Агар гувоҳлари бўлмаса, шерикларига қасам берилур, ҳар вақтики, улар қасамёд қилсалар, ундан кейин даъво қилган кишига йўл бўлмагай.

وَ شَهَادَةُ الْقَاسِمَيْنِ حُجَّةٌ

Шериклар ихтилоф қилишганда, тақсим қилган икки кишининг кўпликлари ҳужжатдир.

وَ فُسِخَتْ إِنْ اسْتُحِقَّ بَعْضٌ مُشَاعٌ فِي الْكُلِّ لاَ بَعْضُ حِصَّةٍ أَحَدِهِمَا بَلْ يُرْجَعُ

Ул даъво қилган одамнинг қадри ҳиссаси холи эмас, ё шерикларининг ҳаммасининг қадри ҳиссасида бўлгай, ё бирининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

қадри ҳиссасида бўлгай, агар қайсиларининг қўлларида бўлса, қилинган тақсим бузилиб, қайта бошдан бўлингай. Агар ул ғалат бўлган ҳисса шерикларининг бирида бўлса, аввалдаги тақсимни бузмагай, балки тегишли ҳаққини қайтариб бергай.

وَ صَحَّتْ الْمُهَايَأَةُ فِي سُكُونِ هَذَا بَعْضًا مِنْ دَارٍ وَ هَذَا بَعْضًا

Шериклик нарсани икки шерик киши фойдаланмоққа иттифоқ қилишмоқлари дурустдир. Масалан, бир ҳовлида Зайд билан Бакр шерик бўлсалар, ул ҳовлининг баъзисида Зайд ва баъзисида Бакр тургай, деб тақсим қилмоқлари дурустдир.

وَ خِدمةِ عَبْدٍ هَذَا يَوْمًا وَ هَذَا يَوْمًا كَسُكْنَى بَيْتٍ صَغِيرٍ

Икки шерикнинг бир қули бўлса, бу шерикка бир кун, ўзга шерикка бир кун хизмат қилгай, деб иттифоқ қилишмоқлари дурустдир, бир кичик уйда икки шерик сиғишмай, бири бир ой тургай, андин кейин яна бири бир ой тургай, деб иттифоқ қилишганларига ўхшаш.

وَ عَبْدَيْنِ هَذَا الْعَبْدُ هَذَا وَ الآخَرُ الآخَرَ

Фойдаланмоққа иттифоқ қилишиб, тақсим қилмоқлари икки шериклик қулдаки, бири Бакрга, иккинчиси Зайдга хизмат қилгай. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْهِبَة

ҲИБА КИТОБИ

Бу китобда ҳибанинг баёни келади. **Ҳиба** деб луғатда бир одам бир одамга фойдаланадиган нарсани бахшиш ва инъом қилмоғи айтилур.

هِيَ تَمْلِيكُ عَيْنٍ بِلاَ عِوَضٍ

Шариатда ўз тасарруфидаги молини баробарига ҳеч нарса олмай, эга қилиб бермоқдир. Ҳибадан, яъни, инъом ва эҳсондан мақсуд дунёда дўстлик ва ошноликдир. Ҳадиси шарифда «Таҳоду ва таҳобу» ворид бўлибдир. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир, яъни: «Бир-бирларингизга инъом ва эҳсон қилишингизлар, бир-бирларингизга дўст бўлишурсизлар», дебдурлар. Ва охиратда Худойи таборак ва таолонинг неъмати доимийи «Ла йуъадду ва йуҳсо»сига етишмоқдир. Чунончи, «Ҳидоя»да ҳам мазкурдир. Имом Абу Мансур раҳматуллоҳи алайҳ айтибдирлар: «Мўъмин кишига фарзандини сахийликка ва инъом ва эҳсон қилмоққа ўргатмоқ вожибдир ва ўргатгай тавҳидни, яъни, Худойи таолони бир билмоқни ва бир демоқни ва иймонни таълим берганга ўхшаш». Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир ва «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир. Ва улуғларга берилган ҳибани ҳадйа дейилур, иккаласининг ҳукми ҳам ўз мақомида баён қилинур. Иншааллоҳу Роббу-л-ъоламийн.

وَ تَصِحُّ بِوَهَبْتُ وَ نَحَلْتُ وَ نَحْوِهِمَا

«Сенга яхшиладим ва бердим», демоқ билан ва буларга ўхшаган сўзлар билан ҳиба дурустдир. Бас, агар бир киши бир одамга, «Бу сенгадир» деса, ҳиба қилганга иқрор қилибдир. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир. «Заҳирийя» китобида шулки, ҳар вақтики, бир киши: «Бу чўрини менга бағишлагил» деса, канизакнинг хожаси: «Сенга фидо бўлсин», деса ёки: «Сендан аялмайдир» деса, ҳиба бўлмагай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ تتمُّ بِالْقَبْضِ فِي مَجْلِسِهَا وَ لَوْ بِلاَ إِذْنٍ

Ҳибани оладиган одам ҳиба мажлисида ҳиба қилинган нарсани қабул қилиб олмоғи билан ҳиба тамом бўлгай, яъни, ҳиба олган кишининг мулкига киргай ва агарчандики ҳиба қиладиган одамнинг сариҳ ва равшан жавоби бўлмаса ҳам.

وَ بَعْدَهُ بِإِذْنٍ

Ҳиба мажлисидан кейин сариҳ ва равшан жавоб билан қўлига олса, ҳиба тамом бўлгай, яъни, ҳибани олган кишининг мулкига киргай, ҳиба мажлисидан кейин бежавоб олса, олган кишининг мулкига кирмагай.

وَ لاَ تَصِحُّ فِي مُشَاعٍ يُقْسَمُ لاَ دَقِيقٍ فِي بُرٍّ وَ إِنْ طُحِنَ وَ سُلِّمَ

Шериклик бўлинмаган ва тақсим қилинмаган ер ва ҳовлини, катта уйни икки киши ҳиба қилмоғи дуруст эмас. Аммо тақсим қилмоқ мумкин бўлмаган нарсаларда, масалан, кичик уй ва ҳаммом, ва тегирмонга ўхшаган нарсаларда ҳиба қилмоқ дурустдир.

فَإِنْ قُسِمَ وَ سُلِّمَ صَحَّ

Бас, ҳиба қилинган нарса тақсим қилиниб, ундан кейин бағишланган кишига топширилса, ул ҳиба дурустдир.

وَ كَذَا هِبَةُ لَبَنٍ فِي ضَرْعٍ وَ نَحْوِهِ

Ва анга ўхшаш эмчакдаги сутни ва мунга ўхшаган нарсани ҳиба қилмоқ дуруст эмас. Масалан, қўйнинг орқасидаги олинмай турган юнгни ва дарахтнинг устидаги мевани ва ердаги ўрилмаган ва йиғилмаган экинни ва ерда кўкариб турган дарахтни ҳиба қилмоқ, яъни, беэваз инъом ва эҳсон қилмоқ дуруст эмас. Мазкурлар тақсим қилинмаган шериклик мол мақомидадир. Зероки, ҳиба дуруст бўлмоғининг мамнуъ бўлмоғи мазкурлар жудо бўлмай, муттасил бўлиб турган жиҳатидандир ва ул муттасил бўлмоқ қабзига олмоқни манъ қилгай, тақсим қилинмаган шериклик молга ўхшаш. Чунончи, «Ҳидоя»да ҳам мазкурдир. Ҳар вақтики, молнинг сутини соғиб олса ва экинни

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўриб олса ва дарахтни кесиб олса ва мевани узиб олса ва ҳиба қилган одамига топширса, дуруст бўлгай. Чунончи, бунинг далили «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ لا دَقِيقٍ فِي بُرٍّ وَ إِنْ طُهِنَ وَسُلِمَ

Ун қилинмаган буғдой ичидаги унни ҳиба қилмоқ дуруст эмас ва агарчандики андин кейин ун тортиб топширилса ҳам. Зероки, бағишланган нарса ҳиба қилган вақтида йўқ бўлиб, қўлига олмоқ мумкин бўлмабдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир. Ушбуга ўхшаш кунжут ичидаги ёғни ва зайтун ичидаги ёғни чиқариб олмасдан илгари, асаҳ қавлга биноан, ҳиба қилмоқ дуруст эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ هِبَةُ مَا مَعَ الْمَوْهُوبِ لَهُ تَامَّةٌ كَهِبَةِ الأَبِ لِطِفْلِهِ

Ҳиба оладиган киши қўлидаги нарсани ул кишининг ўзига бағишламоқ комила ҳиба бўлгай, яъни, бекаму кўст ва тамом ҳибадир, қўлидан олиб келган одамига қайтадан бермоқ ҳожат эмас, ота ёш боласига ҳиба қилмоғига ўхшаш, албатта, ул ҳиба томмадир (тўлиқдир), қўлига олиб, қайтиб боласига бермоққа мухтож бўлмайдир, хоҳ аҳли аёлига бўлсин ва хоҳ бошқага бўлсин, баробардир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ قَبْضُهُ عَاقِلاً وَ قَبْضُ مَنْ يُرَبِّيهِ وَ هُوَ مَعَهُ

Ёш болага бегона одам бир нарсани ҳиба қилса, боланинг ўзи қабул қилиб олмоғи мўътабар, агар ул бола ақлли бўлса; аммо ҳибани фаҳмламайдиган ёш бола бўлса, уни парвариш қиладиган киши бўлса, ваҳоланки, бола ул киши билан бўлса, ул одамнинг олмоғи мўътабардир. Масалан, амаки, биродар ва болани тарбия қиладиган бегона ҳам ушбуларга ўхшашдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ الزَّوْجِ لِلزَّوْجَةِ بَعْدَ الزِّفَافِ مُعْتَبَرٌ فِي هِبَةِ الأَجْنَبِيِّ لَهُ

Ва яна балоғатга етмаган ёш хотинга бегона киши бир нарсани ҳиба қилганида эрининг уйига юборилганидан кейин ул ҳибани эри қабул қилиб олмоғи мўътабардир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ صَحَّ هِبَةُ اثْنَيْنِ دَارًا لِوَاحِدٍ وَ عَكْسُهُ لاَ

Ва икки одам шериклик бўлган ҳовлини бир кишига ҳиба қилмоқлари дурустдир, аммо бунинг акси дуруст эмас, яъни, бир киши бир ҳовлини икки ё кўп одамга ҳиба қилмоғи дуруст эмас.

كَتَصَدُّقٍ عَشَرَةٍ عَلَى غَنِيَّيْنِ

Икки ғаний кишига ўн танга ё кўпроқни садақа қилмоқ дуруст бўлмаганига ўхшаш.

وَ صَحَّ عَلَى فَقِيرَيْنِ

Ва ўн танга ё кўпроқни икки бечора кишига бермоқ дурустдир. Зероки, фақирга садақа бермоқ билан Худойи таолонинг хушнудлиги ва ризолиги талаб қилинур. Садақа бечоранинг қўлига тушмасдан илгари Худойи таолога етгай. Ушбу сабабдан ҳиба қилгандан кейин қайтмоқ йўқдир. Чунончи, «Мавлоно Фахриддин»да мазкурдир.

وَ يَصِحُّ الرُّجُوعُ عَنْهَا بِتَرَاضٍ أَوْ حُكْمِ قَاضٍ

Ҳибадан қайтмоқ, яъни, бағишланган нарсани қайтариб олмоқ берган ва олган одамларнинг икковларининг ризоликлари билан ё қозининг ҳибани қайтармоққа қилган ҳукми билан дурустдир, қози ҳукм қилганидан кейин ҳибани олган одам қайтиб бермоққа рози бўлмаса ҳам қайтариб олгай. Ҳиба қилган нарсани қайтиб олмоқдан манъ қиладиган нарсалар еттидир.

وَ يَمْنَعُهُ زِيَادَةٌ مُتَّصِلَةٌ وَمَوْتُ أَحَدِهِمَا وَ عِوَضٌ أُضِيفَ إِلَيْهَا وَ لَوْ مِنْ أَجْنَبِيٍّ وَ خُرُوجُهَا عَنْ مِلْكِ الْمَوْهُوبِ لَهُ وَالزَّوْجِيَّةُ وَقْتَ الْهِبَةِ وَقَرَابَةُ الْمَحْرَمِيَّةِ وَهَلاَكُ الْمَوْهُوبِ

Аввалги монеъ – ҳиба қилинган нарсага муттасил нарсанинг зиёда бўлмоғи, масалан, ҳиба қилинган нарсага дарахт ўтқазмоғи ва иморат қилмоғи. Ул ҳиба қилинган нарсанинг семирмоғи ва чиройли бўлмоғига ўхшаш.

Иккинчи монеъ – ҳиба қилган одамнинг бири ўлмоғи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Учинчи монеъ – ҳиба учун баробарига нарса бермоғи ва агарчандики ул эваз ажнабий кишидан бўлса ҳам. Масалан, берган ҳибанинг бадали учун бул нарсани ол, деб бермоқ.

Тўртинчи монеъ – ҳибани сотмоқ билан ё бировга инъом қилмоқ билан ё бошқа сабаб билан ул ҳибанинг олган киши мулкидан чиқмоғи.

Бешинчи монеъ – ҳиба вақтида ҳибани олган билан берганнинг эр ва хотин бўлишмоқлари.

Олтинчи монеъ – ҳиба қилган киши билан ҳибани олганнинг бирига маҳрам бўлмоқлари, яъни, никоҳи ҳаром қариндош бўлмоқлари. Пайғамбар алайҳиссаломнинг айтган сўзлари тўғрисиданки: «Ҳар вақтики, ҳиба зий раҳм маҳрамга бўлса, ул ҳибани қайтиб олмагай», дебдурлар. Ва далили дийгар шулки, ҳиба қилмоқдан мақсуд силаи раҳмдир ва ул, албатта, ҳосил бўлибдир. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир. Аммо амакининг, тоғанинг, холанинг болаларига ҳиба қилингани тўғрида агарчандики яқин қариндош бўлсалар ҳам, никоҳ ҳаром бўлмагани жиҳатидан ҳибани қайтариб олмоқ дурустдир.

Еттинчи монеъ – ҳиба қилинган нарсанинг ҳалок ва нобуд бўлмоғи. Ушбу етти хил ҳукмнинг бири мавжуд бўлса, ҳиба қилган киши қайтариб ололмагай.

وَ ضَابِطُهَا حُرُوفُ دَمْعِ خَزَقَهُ

Ва ул ҳибадан қайтмоқни манъ қиладиган етти нарсани жамъ қиладиган «Дамъ хазақату» ҳарфларидир, яъни, бу ҳарфларнинг ҳар бири бир монеъга ишорат қилгувчидир. Монеъларни ёд олмоқ осон бўлсин деб, фуқаҳолар бу ҳарфларни истеъмол қилибдирлар. Ҳибадан қайтмоқни манъ қиладиган етти монеъ «биринчи», «иккинчи», «учинчи» деб то еттинчи масъалагача баён қилинди. Ушбу ҳарфлар «дол»дан «ҳо» ҳарфигача етти ҳарфдир, ҳар бири бир монеъга ишорат қилгувчидир. Байт:

«Дол» – зиёда, яъни, ул берган бахшиш ўсмоғи,
«Мим» – ишорат, яъни, иккидан бирининг ўлмоғи,
«Айн» – эваз, яъни, берилганни бадал деб бермоғи,
«Хо» – хуруж, яъни, ўшал инъом мулкидан чиқмоғи,
«Зо» – армури завжиййат - иккисининг жуфт бўлмоғи,

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Қоф» – қурбатга ишорат, яъни, маҳрам бўлмоғи,
«Ҳо» – ҳалокатга ишорат, молнинг нобуд бўлмоғи,
Ушбулардан воқеъ бўлса, жазм монеъ бўлмоғи.

وَ هُوَ فَسْخٌ مِنَ الْأَصْلِ لَا هِبَةٌ لِلْوَاهِبِ

Бу ҳибадан қайтмоқ, яъни, ҳиба қилинган нарсани қайтариб олмоқ ҳибанинг зотини бузмоқдир, яъни, ҳибаликдан чиқариб олиб, ҳиба қилгувчи ўз молига қўшмоғидир, ҳиба қилган кишининг ўзига ҳиба эмасдир, ҳаттоки ҳиба қилган киши ҳибадан қайтганда олмоғи шарт эмас. Зероки, қўлдан ўтиб кетган мулкда қабзига олмоқни эътибор қилинур, қадимги мулкда эмас. Чунончи, «Мулла Фахриддин»да мазкурдир.

وَ هِيَ بِشَرْطِ الْعِوَضِ هِبَةٌ ابْتِدَاءً فَشُرِطَ قَبْضُهُمَا

Ул ҳиба қилинган нарса баробарига бир нарсани бермоқ шарти билан ибтидода ҳибадир, аввалда ҳиба бўлмоғининг суврати шулки, бир киши ушбу қулимни сенга ҳиба қилдим, бадалига бу жомани ё эвазига менга мунча тангани берсанг, демоқлигидир. Бу аввалда ҳиба бўлиб, охирида байъга айланадир. Бас, аввалда ҳиба сувратида бўлиб, охирида байъ бўлган тўғрида ҳар қайсилари ўзларига тегишли икки бадални, яъни, алиштирилган нарсаларни қўлларига олмоқлари шартдир.

وَ تَبْطُلُ بِالشُّيُوعِ

Бўлиб олинмаган молни ҳиба қилмоқ тақсим қилинмагани сабабидан ботил ва бекор бўлур.

وَ بَيْعٌ انْتِهَاءً فَيُرَدُّ بِالْعَيْبِ وَالرُّؤْيَةِ

Бу ҳиба баробарига эваз бермоқ охирида байъдир, яъни, қабзларига олганларидан кейин байъдир. Бас, айблиги ва кўрмоқ сабабидан қайтарилур, яъни, бу ҳибанинг охири байъ ҳукмида бўлгани жиҳатидан ҳар қайсиларининг бадалига олган нарсаларида кўриб, хоҳласалар, олмоққа ва айби бўлса, қайтармоққа ихтиёрлари бордир.

وَ تَثْبُتُ الشُّفْعَةُ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва яна аввали ҳиба бўлиб, охири байъ бўлгани сабабидан шафиъга шафиълик собит бўлгай.

وَإِن اسْتَثْنَى الْحَمْلَ أَوْ شَرَطَ مَا يُفْسِدُ الْبَيْعُ بَطَلاً

Агар бахшиш қиладиган киши, қориндаги бола ўзимга қолур, деса, масалан, канизакни ё тевани ҳиба қилдим, қорнидаги боласи ўзимга қолур, деса ё байъни бузадиган нарсани шарт қилиб, ҳиба қилса, масалан, сенга бир отни ҳиба қилдим, башарти ўн икки чорак зайтун ёғи берсанг, лекин тарозуга ул ўн икки чоракдан бўлак дўффидек солурсан, деса, бу истисно билан шартнинг иккаласи ботил бўлиб, бахшишлари дуруст бўлмагай.

وَ صَحَّتِ الْهِبَةُ

Ул қилинган ҳиба дурустдир, яъни, канизак қорнидаги боласи билан ҳиба бўлиб кетгай.

وَ إِنْ اَعْتَقَ الْحَمْلَ ثُمَّ وَ هَبَهَا صَحَّتْ

Агар канизакнинг қорнидаги болани озод қилиб, андин кейин канизакнинг ўзини ҳиба қилса, қилган ҳибаси дурустдир.

وَ إِنْ دَبَّرَهُ ثُمَّ وَ هَبَهَا لاَ

Агар қорнидаги болани мудаббар қилиб, андин кейин онасини ҳиба қилса, қилинган ҳибаси дуруст эмас. Мудаббар деб, ўзим ўлганимдан кейин озодсан, деб қўйилган қулни айтилур. Канизакни мудаббира дейилур. Чунончи, «Атоқ» китобида мазкурдир.

وَ صَحَّ الْعُمْرَى وَ هِيَ جَعَلُ دَارِهِ لَهُ مُدَّةَ عُمْرِهِ بِشَرْطِ أَنْ يُرَدَّ إِذَا مَاتَ

Ва дурустдир бир нарсани амри борича фойдаланмоққа инъом қилмоқ ва ул бир киши ўз ҳовлисини бир одамга то ўлгунча турмоққа бермоғидир, ушбу шарт бирлаким, ҳар вақтики ўлса, ҳовли берган кишига ё меросгирларига қайтарилгай.

وَ بَطَلَ الشَّرْطُ

Ўлгандин кейин қайтариб олурман, деган шарти ботил ва бекор бўлгай, яъни, ул ҳовлини ҳибага олган киши ўлганидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

кейин ворисларига қолгай, ҳиба қилган киши ҳовлини қайтариб ололмагай. Ва яна ҳиба қилган одам ўлганидан кейин ворисларига ҳам берилмагай. Чунончи, бунинг мазмуни «Ҳидоя», «Жомиъу-р-румуз», «Жавҳарату-н-наййира», «Мажмаъу-л-анҳар»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

وَ لاَ تَصِحُّ الرُّقْبَى

Руқбо дуруст эмас, ул мунтазир бўлмоқ деган маънодаги муроқабадан олинган бир исмдир. Луғатда: мен сендан илгари ўлсам, бу асбобларим сеники бўлсин, демоқ. Бирининг ўлмоғини бири кўзлагани учун **руқбо**, яъни, интизор дейилур.

وَ هِيَ إِنْ مِتُّ قَبْلَكَ فَهِيَ لَكَ

Шариатда ул руқбо, агар мен сендан илгари ўлсам, бу ҳовлим сеники бўлсин, деб бир одамга айтмоғидир, бу қилган шарти дуруст эмас.

وَ الصَّدَقَةُ لاَ تَصِحُّ إِلاَّ بِالْقَبْضِ

Садақа бермоқ бир одамга дуруст бўлмагай, яъни, садақа олган киши эга бўлмагай, магар ўтирган жойида ва мажлисдан кейин садақа берувчининг жавоби билан қабзига олса, мулк собит бўлгай, яъни, ул садақага эга бўлгай, ҳибага ўхшаш. **Садақа** деб, бечорага савоб учун берилган «ъатиййа»ни айтилур, яъни, бахшишни ва берилган нарсани айтилур. Чунончи, «Ахтарий»да мазкурдир. Абу Бакр раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, ҳар вақтики, ўзи муҳтож бўлса, садақани бошқага бермай, ўзига сарф қилмоқ афзалдир. Фақиҳнинг наздларида, башарти қаттиқ муҳтожликка сабр қилса, бошқага бермоқ афзалдир. Одамлардан тиланиб юрган кишига садақа бермоқда зарар йўқдир, магар маъсиййат ва гуноҳга сарф қилинганини билса, садақа бермагай. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир ва «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир.

وَ لاَ فِي شَائِعٍ يُقْسَمُ

Ва яна садақа қилмоқ дуруст эмас ул бўлинмаган ҳиссаданки, тақсим қилинадиган бўлса, яъни, қобили қисмат бўлса, масалан, ҳовлининг ярмини садақа қилганга ўхшаш. Ул садақани

www.ziyouz.com kutubxonasi

берганидан кейин қайтмоқ йўқ. Зеро, садақа қилмоқдан мақсуд савоб топмоқ. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ عَوْدَ فِيهَا

Ушбуга ўхшаш ҳар вақтики, бир одам фақир ва бечорага ҳиба қилса, қайтмоқ йўқдир. Зеро, ҳиба қилмоқдан ҳам мақсуд савобдир. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

БУ ФАСЛДА САДАҚА ҚИЛМОҚ, УМРНИ ҒАНИМАТ БИЛМОҚ, ОХИРАТ САВОБИНИ ҲОСИЛ ҚИЛМОҚ, ТУШАИ ОХИРАТ ҚИЛМОҚ, МЕҲМОНУ МЕЗБОНЛАР ОДОБИ ВА УЛАМОЛАРНИ ИЗЗАТУ ҲУРМАТ ҚИЛМОҚ ВА БУЛАРГА ТЕГИШЛИ НАРСАЛАР БАЁНИ

Ийсо алайҳиссалом айтибдирлар: «Дунё уч кундир, бир куни ўтди, ул ўтган кундан қўлингда ҳеч нарса йўқдир. Ва бир кун эртага келадиган кундир, уни топгайсан ё топмагайсан. Ва бир кун ўзинг турган кундир, уни ғанимат бил. Дунё уч соатдир ва бир соати ўтди ва қолган бир соатини тополгайсан ё тополмагайсан. Ва бир соат ўзинг турган соатдир, ул соатни ғанимат бил, бир соатдан бошқасига, ул турганингга ҳам ҳақиқатан молик эмассан. Зероки, умрнинг вақти ибтидо соатидан интиҳо соатигача уч нафасдир, бир нафас ўтди ва ул нафас ичида нима қилган бўлсанг, қилдинг ва қолган бир нафасни тополгайсан ё тополмагайсан. Ва ўзинг турган нафас ичидаги бир дам олмоқдан бошқага на бир кун ва на бир соат молик эмассан. Бас, шундай бўладиган бўлса, ўзинг турган нафас ичида тоатга жустужў ва тараддуд қилгил, ул нафас адо бўлмасдан ва ўлмасингдан илгари тавба қилмоққа жаҳд қилгил, ажаб эрмаски, кейинги нафас олмоқда ўлсанг. Амалларнинг афзали ва яхшироғи вақтни гуноҳ билан ўтказмай, эҳтиёт қилмоқдир, ким ҳар бир нафас олганда вақтини гуноҳ билан зоеъ ва беҳуда қилиб ўтказибдир, албатта умрини зоеъ ва нобуд қилибдир». Чунончи, «Танбиҳу-л-ғофилин»да мазкурдир.

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтибдирлар: «Ҳар ким тандуруст вақтида бир нонни садақа қилса, бетоблигида берган минг танга садақасидан яхшироқдир».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яна айтибдирларки: «Ҳар киши бетоб вақтида бир танга садақа берса, ўлганидан кейин минг танга садақа берилганидан яхшироқдир». Чунончи, «Холисату-л-Ҳақойиқ»да мазкурдир.

Ва яна Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтибдурлар: «Садақанинг пинҳонийси Худойи таолонинг ғазабини паст қилур ва сув ўтни йўқ қилганига ўхшаш гуноҳни ҳам йўқ қилур. Етмиш балонинг эшиги садақа қилган кишининг юзига банд қилинур». Чунончи, «Тафсири Муғний»да мазкурдир. Тоъат икки қисмдир: **тоъати лозим** ва **тоъати мутаъаддий**.

Аммо тоъати лозим шулки, ул тоъатнинг нафи тоъат қилган кишига бўлгай: намоз, рўза, ҳаж, закот, аврод, таҳлил ва буларга ўхшаган нарсалар.

Аммо тоъати мутаъаддий шулки, бир одамдан бир одамга манфаат етса, масалан, садақа ва хайру эҳсон қилса, бунинг савоби ҳаддан фузун ва аддан бийрун бўлгай. Аммо тоъати лозимга ихлос ва эътиқод қилса, қабул бўлгай ва лекин тоъати мутаъаддийда ҳар тариқа амал қилса, савоб бўлгай. Чунончи, «Фавойиду-л-фуъод»да мазкурдир.

Ва яна Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтибдурлар: «Саховат жаннатнинг ичидаги бир дарахтдир, унинг шохлари дунёнинг ичига ниҳоятда яқин қилингандир. Кимики ул дарахт шохидан ушласа, яъни, хайру эҳсон қилса, ул кишини жаннатга тортгай ва етаклагай. Бахиллик дўзахнинг ичидаги бир дарахтдир, унинг шохлари дунёнинг ичига ниҳоятда яқин қилингандир, кимики ул дарахтнинг шохидан ушласа, яъни, бахиллик қилса, ул кишини дўзахга тортгай».

Ушбудек Пайғамбар алайҳиссалом айтибдурлар: «Сахий Худойи таолога яқиндир ва халойиққа ҳам яқиндир. Бахил Худойи таолодан ва халойиқдан узоқдир».

Чунончи, Пайғамбар алайҳиссалом айтибдурлар: «Бахил жаннатга кирмас, агарчандики зоҳид бўлса ҳам». Чунончи, «Дуррату-н-носиҳийн»да ҳам мазкурдир. Ҳосил шулки, Худойи таолонинг йўлига сарф қилмоқ савоби бениҳоятига етмоқнинг ва қўрқинчлардан, офатлардан, балолардан дунёда ва охиратда халос топмоқнинг сабабидир. Чунончи, Хатиб Анас розийаллоҳу таоло анҳудан ривойат қилибдурлар, ул жаноб айтиб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дурларки, Расули Худо соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Садақа етмиш хил балодан қайтаргай, ул етмиш хил балоларнинг осонроғи махов ва пес бўлмоғидир». Ушбудек «Жомиъу-с-сағир»да мазкурдир.

Ва яна Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам дўзахдан баён қилиб дедиларки: «Парҳез қилинглар дўзахдан ва садақа беринглар, агарчандики яримта хурмо бўлса ҳам. Агар садақа топмасангизлар, «Калимаи тойййиба»ни айтинглар», дедилар. Чунончи, «Холисату-л-Ҳақойиқ»да мазкурдир.

Яна Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтибдурлар: «Икки нарса бордир, ундан зиёда яхшироқ нарса йўқдир. Бири – Худойи таолонинг ягоналигига иймон келтирмоқ ва бири – халойиққа, яъни, мўъмин ва мусулмонларга наф еткизмоқ».

Ва яна Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтибдурлар: «Икки нарса бордирки, ундан ёмонроқ нарса йўқдир, бири – Худойи таолога ширк келтирмоқ ва бири – халойиққа зиён еткизмоқ». Чунончи, «Кифойаи Шаъбий»да мазкурдир.

Айтишларича бир подшоҳ бир дарвешга деди: «Эй дарвеш, менга насиҳат қилгил!» Дарвеш деди: «Эй подшоҳ, молингни яхши кўрарсанму ё душманларингни?» Подшоҳ деди: «Молимни дўст тутарман». Дарвеш деди: «Молингни яхши кўрадиган бўлсанг, ўзинг билан олиб, душманларингни қўйиб кетгил». Чунончи, «Солики-с-сулук»да мазкурдир.

Ва яна Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтибдурларки: «Ҳар кеча ва кундуз, яъни, доимо икки фаришта осмондан тушгай ва овоз қилгайки: «Эй аҳли дунё, тириклик ўлмоқ учундир ва яхши жойларни бино қилмоқ ҳароб бўлмоқлик учундир. Мол ва дунёни жамъ қилмоқ душманлар учундир ва Қиёматда сизларни азоб ва ҳисоб ъитоб қилгай». Чунончи, «Канзу-л-нувоқит»да мазкурдир.

Ва яна Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтибдурлар: «Қайси мусулмонки, биродарини тўйғизса ва сероб қилса, Худойи таоло ул кишидан дўзахни узоқ қилгай ва анинг билан дўзахнинг орасига етти хандақ пайдо қилгай, ҳар бир хандақ ораси беш юз йиллик йўлдир. Ва жаҳаннам овоз қилгай: «Эй бор Худоё, менга жавоб бергил, сенга, албатта, саждаи шукр

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилурман, Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматларини менинг азобимдан озод қилмоқни хоҳладинг. Зероки, мен Муҳаммад алайҳиссаломнинг садақа қиладиган умматларига азоб қилмоққа ҳаё қилур эдим, энди менга сенинг тоъатингни қилмоқ лозимдир», дегай. Андин кейин Худойи таоло: «Бир луқма нон ё бир сиқим хурмо садақа берган киши жаннатга кирсин», деб амр қилгай. Чунончи, «Дуррату-н-носиҳийн»да мазкурдир.

Меҳмонни иззат қилмоқ ҳам садақадир. Садақа қилмоқдан мақсуд дунёнинг офатидан саломат ўтиб, неъмати абадийга восил бўлмоқдир, ундай бўлса, (бу мукофот) меҳмондорликда мавжуддир. Зероки, Пайғамбар алайҳиссалом айтибдурлар: «Ким меҳмонни иззат қилса, мени иззат қилибди. Ким мени иззат қилса, Худойи таолони иззат қилибди. Ким меҳмонни душман тутса, Худойи таолони душман тутибди».

Ва яна Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ҳар вақтики, бир мўъминнинг уйига меҳмон келса, у билан минг баракат ва минг раҳмат киргай».

Ва яна Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Кимики уйига меҳмон келса, уй эгаси топган таоми билан уни иззат қилса, жаннатнинг ичида ул кишининг юзига бир эшик очилгай. Кимики харобни иморат қилса, яъни, оч кишини тўйғазса, ул кишига жаннат лозим бўлгай. Кимики оч одамдан таомни аяса, яъни, бермай қайтарса, Худойи таоло Рўзи қиёматда ул кишидан фазлини қайтаргай ва ул таомдан манъ қилган кишини дўзахда азоб қилгай», дедилар. Кимики оч одамга холисона ливажҳиллаҳ таом берса, ул кишига жаннат вожиб бўлгай. Чунончи, ушбулар «Дуррату-н-носиҳийн»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الإِجَارَةِ

ИЖАРА КИТОБИ

Бу китобда ижаранинг баёни келади. **Ижара** – луғатда ужранинг исмидир. Ва ул ужра яхши амалга лойиқ бўлган музддир. Чунончи, «Мажмаъу-л-анҳар»да мазкурдир.

هِيَ بَيْعُ نَفْعٍ مَعْلُومٍ بِعِوَضٍ كَذَا دَيْنٍ أَوْ عَيْنٍ

Ва шариатда ижара маълум манфаатнинг савдосидир, ўз жинси бўлмаган эваз ва бадал баробарига ижара ҳаққининг мунчаси қарз, фалон вақтдан кейин берилгай, деб муддат тайин қилиб, байъ қилмоқдир. Масалан, бир ҳовлини бир йилга ижарага берганда, ижара ҳаққининг қанчаси ҳозир нақд ва қанчаси насийага деб баён қилинур. Аммо ҳовлини ижарага бермоқ баробарига ҳовлини ижара бермоқ дуруст эмас, ўз жинси бўлиб, рибо бўлгани жиҳатидан. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ يُعْلَمُ النَّفْعُ بِذِكْرِ الْمُدَّةِ وَ إِنْ طَالَتْ

Ва ижарага олган киши ижарага олинадиган нарса билан фойдаланмоқнинг муддатини баён қилмоғи зарурдир ва агарчандики узоқ вақтга бўлса ҳам.

لَكِنْ فِي الْوَقْفِ لاَ تُصِحُّ فَوْقَ ثَلاثِ سِنِينَ

Лекин вақф ҳовлини ё ерни ва бошқа вақф нарсаларни уч йилдан зиёдага ижара қўймоқ дуруст ва лозим эмас. Вақф уч йилдан зиёдага ижара қўйилса, ул ижарани қози бузгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Вақфни уч йилдан зиёдага ижарага қўймагай, саҳиҳ қавлда. Зероки, кўпинча ижара олган киши, ўз мулким, деб даъво қилгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Агар вақфнинг ҳовлисини узоқ муддатга бир одам ижарага олса, агар ижаранинг нархи зиёда бўлмасдан ва камимасдан ўз ҳолида турса, дуруст бўлгай. Агар ижаранинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

нархи ошиб кетса, савдо буздирилгай. Иккинчи ижарага қайтадан қўйилгай. Ушбуга ўхшаш ҳар вақтики, вақфнинг ҳовлисини бир йилга ижарага олса, ярим йил ўтгандан кейин нархи ошиб кетса, байъ буздурилур. Тайин қилинган ижарани бермоқ лозим бўлгай ва қолган ярим йилга қайтадан ижарага қўйилгай. Чунончи, «Мажмаъу-л-анҳар»да мазкурдир.

وَ بِذِكْرِ العَمَلِ كَصَبْغِ ثَوْبٍ وَ بِإِشَارَةٍ كَنَقْلِ هَذَا إِلَى ثَمَّةَ

Ва яна манфаат ва фойда ишни баён қилмоқ билан билинур, масалан, ҳар вақтики, бўёқчининг пахтадан бўлган жоманинг ё мўйдан бўлган жоманинг ранги қизил ё сариқ деб баён қилиб бўямоғига ўхшаш. Ва яна бу нарсани ул жойга элтмоқни, яъни, олиб бормоқни ишорат қилиб, баён қилмоқ билан билинур, масалан, юк кўтарадиган ҳаммол ижарага олинганда, ушбу жойдан фалон жойгача олиб бормоқни баён қилмоқ билан билинур.

وَ لاَ تَجِبُ الأُجْرَةُ بِالْعَقْدِ بَلْ بِتَعْجِيلِهَا

Ижарани мужарради ақд билан бермоқ вожиб бўлмагай, балки байъалашгандан кейин фойдаланмасдан илгари муздни шошилиб бериб қўйса, ул адо қилинган билан ужра вожиб бўлгай, яъни, берган ужра ҳаққини қайтиб олмагай.

أَوْ شَرْطِهِ

Ё байъалашганда ужрани, яъни, муздни аввал бермоқни шарт қилса, ужра вожиб бўлгай.

أَوْ بِاسْتِيفَاءِ الْمَنْفَعِ

Ёки ижарага қўйилган мулкдан тайин қилинган нарсани ижарага олган киши тайин миқдори фойдасини кўрмоғи билан ужра вожиб бўлгай, масалан, бир ҳовлини бир ой турмоққа ўн тангага байъалашганда бир ой ўтирса.

أَوِ التَّمَكُّنِ مِنْهُ

Ёки ижара олган вақтда тайин қилинган миқдори фойдани кўрадиган вақт ўтгани жиҳатидан фойда кўрмоққа қудрати етса.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Масалан, бир ҳовлини бир ой турмоқ учун беш тангага ижарага олса, олган вақтидан бир ой ўтганидан кейин, агарчандики бу уйда асло турмаса ҳам, бу сувратда ижара ҳаққини бермоқ вожиб бўлгай.

فَتَجِبُ لِدَارٍ قُبِضَتْ وَ لَمْ يَسْكُنْهَا

Бас, ижара бермоқ лозим бўлгай, масалан, бир ҳовли бир ойга ижарага олиниб, қабз қилинса, яъни, тасарруфига олинса, гарчи ул ҳовлида ўтирмаса ҳам, бир ой ўтганидан кейин тайин қилинган ҳаққини бериб адо қилгай.

وَ تَسْقُطُ بِالْغَصْبِ بِقَدْرِ فَوْتِ تَمَكُّنِه

Ижара олинган нарсани бир одамнинг тортиб олмоғи билан ижарага олган кишидан қудрати фавт бўлган миқдори, яъни, тасарруфида бўлмаган вақт миқдори ижарасини бермоқ соқит бўлгай. Масалан, Зайд Умардан бир ҳовлини бир йил турмоққа беш тиллага ижарага олса, ундан кейин бир одам мазкур Зайддан ул ҳовлини зўрлик қилиб тортиб олиб, бир йил турса, Зайддан бир йиллик ижараси соқит бўлгай. Агар тортиб олиб, ярим йил турса, икки ярим тилласи соқит бўлгай.

وَ لِلْمُؤْجِرِ طَلَبُ الْأُجْرَةِ لِلدَّارِ وَ الْأَرْضِ لِكُلِّ يَوْمٍ

Ҳовлини ва ерни ижарага берган киши ижарага олган одамдан ҳар кун учун тегишли ижара ҳаққи сўраб олмоққа қудрати етгай. Агар қиёс ҳар соатда ижара ҳаққини олмоқни тақозо қилса ҳам. Зероки, бир кунлик-бир кунлик осонроқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لِلدَّابَّةِ لِكُلِّ مَرْحَلَةٍ

Тўрт оёқли ҳайвоннинг ижараси учун ҳар манзилда, яъни, ҳар бир кунлик сафар қилиб тушганда ижара ҳаққини талаб қилмоққа қудрати етгай.

وَ لِلْقَصَّارَةِ وَ الْخَيَاطَةِ إِذَا تَمَّتْ

Кийим ювмоқ, тикмоқ, бўямоқ ва булардан бошқа касбларда ишни тамом қилган вақтда ҳаққини талаб қилгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ لِلْخُبْزِ بَعْدَ إِخْرَاجِهِ مِنَ التَّنُّورِ فَإِذَا احْتَرَقَ بَعْدَ مَا أُخْرِجَ فَلَهُ الْأَجْرُ

Нонвой нон пиширмоқ учун нонни тандирдан чиқарганидан кейин ҳаққини талаб қилгай. Зероки, нон тандирдан чиққандан кейин иш тамом бўлгай. Чунончи, «Жомиъур-р-румуз»да мазкурдир. Бас, ҳар вақтики, нон тандирдан чиққандан кейин нонвойнинг феълидан (феъли сабабли) бошқа ҳаммаси ё баъзиси куйса, нонни пиширган одамга ижарасини тамом бергай.

وَ قَبْلَهُ لَا

Агар нон тандирдан чиқарилмасдан илгари куйса, нон ёпган одамга ижара вожиб бўлмагай, иш тамом бўлмагани жиҳатидан.

وَ لَا غُرْمَ فِيهِمَا

Лекин Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, бу икки тариқа куймоқликда товон тўламоқ йўқдир. Чунончи, «Мажмаъу-л-анҳар»да мазкурдир.

وَ لِلطَّبْخِ بَعْدَ الْغَرْفِ

Тўй ошини пиширмоқ учун ошнинг ҳаммасини лаганга сузганидан кейин музди талаб қилинур. Бас, агар ошпаз ошни бузса ё куйдирса, ё ошни пиширолмаса, ул ошпаз зомин бўлгай, яъни, товонини бергай. Чунончи, «Мажмаъу-л-анҳар»да мазкурдир. Агар ошпазнинг ёққан ўтидан шароараси уйга тушиб куйса, ошпаз товон тўламагай. Чунончи, «Дурру-л-мунтақий»да мазкурдир.

وَ لِضَرْبِ اللَّبِنِ بَعْدَ إِقَامَتِهِ

Ғишт қўймоқ учун уни баробар қилиб тургизгандан кейин ижарасини бермоқ вожиб бўлгай. Имомайн раҳимаҳумуллоҳ, айтибдурлар: «Ғишт устма-уст қўйилганидан кейин ижара бермоқ лозим». Бас, тўдалаб йиғиб қўймасдан илгари нобуд бўлса, ҳазрати Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, ғишт ужра олиб қўйгувчининг молидан нобуд бўлгай. Имомайн наздларида, музд бергувчининг молидан нобуд бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ يَحْبِسُ الْعَيْنَ لِلْأَجْرِ مَنْ خَلَطَ مِلْكُهُ بِهَا كَالصَّبَّاغِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мулки аралашган кишининг музди учун ишлаган нарсани бермай олиб турмоққа қудрати етгай, бўёқчига ўхшашки, албатта, ранг бўёқчиникидир, ужра бергувчининг молига аралашибдир. Бас, ул кишининг бўёқ ҳаққини олмоқ учун молни сақлаб турмоққа қудрати етгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

فَانْ حَبِسَ فَضَاعَ فَلاَ غُرْمَ وَ لاَ اَجْرَ

Бас, агар молни сақлаб эгасига бермасдан тургандан кейин ул мол зоеъ ва нобуд бўлса, молни эгасига топширмагани жиҳатидан товон тўламоқ йўқдир. Зероки, омонатдир ва хизмат-ҳаққи ҳам йўқдир.

بِخِلاَفِ الْحَمَّالِ

Аммо ҳаммол музди учун кўтарган нарсани сақлаб туролмагай, масалан, кемачи ва ҳар иш ишлагувчига унинг молидан музд олиб, ишлаб бериладиган молга қўшилмаса, ужра бермагани жиҳатидан ул молни сақлаб туролмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

وَ لِمَنْ أُطْلِقَ لَهُ الْعَمَلُ أَنْ يَسْتَعْمِلَ غَيْرَهُ فَانْ قَيَّدَ بِيَدِهِ لاَ

Ва кишиким, унга ишни қилмоқ мутлақ буюрилса, масалан, кийим тикувчига бир тангага тикмоққа берилганда, ўзинг тикарсан, деб берилмаса, ул ишни ўзи қилса ҳам дурустдир ва бошқа одам қилса ҳам дурустдир. Агар ўз қўлинг билан қилиб берурсан, деб тайин қилса, бошқа одамга қилдирса, иш буюрган киши рози бўлиб олмаса, иш қилган киши ул нарсанинг ишланмагандаги ҳаққини тўлагай.

وَ لأَجِيرِ الْمَجِيءِ بِعِيَالِهِ إِنْ مَاتَ بَعْضُهُمْ وَ جَاءَ بِمَنْ بَقِيَ اَجْرُهُ بِحِسَابِهِ

Бир одам, масалан, хотин-болаларини Тошканддан Бухорога олиб бормоққа бир киракашни кира қилса, ундан кейин уйга келса, агар уларнинг баъзилари ўлган бўлса, кира ҳаққини тирик қолганлар ҳисобига бергай. Ҳиндувони айтибдурлар, бу ҳар вақтики, саноқ камигани сабабидан меҳнат ва машаққат оз ва кам бўладиган бўлса. Аммо ҳар вақтики, меҳнатнинг баъзи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

си ва ҳаммаси баробар бўлса, киракаш ҳаққини батамом бермоқ вожиб бўлгай. Чунончи, «Кирмоний»да мазкурдир ва «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир.

وَ حَامِلُ كِتَابٍ أَوْ زَادٍ إِلَى زَيْدٍ بِأَجْرٍ إِنْ رَدَّهُ لِمَوْتِهِ لاَ شَيْءَ لَهُ

Хатга ўхшаш кўтармоғи енгил нарсани ё таомга ўхшаш кўтармоғи оғир бўлган нарсани, масалан, Тошканддан Ҳўқанддаги Зайдга олиб бориб топширмоққа ужра билан олиб, мазкур Зайд ўлгани ё ғойиб бўлгани сабабидан ул нарсани топширмай, Тошкандга қайтиб олиб келиб эгасига берса, Имом Аъзам ва Имом Абу Юсуф раҳимаҳумуллоҳ наздларида, ул юкни олиб бориб-олиб келгувчига ҳеч нарса йўқдир, яъни, ҳеч ҳақ ололмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ صَحَّ اِسْتِئْجَارُ دَارٍ أَوْ دُكَّانٍ بِلاَ ذِكْرِ مَا يُعْمَلُ فِيهِ

Ҳовлини ва дўконни ул жойда қилинадиган нарсани баён қилмасдан, ижарага олмоқ дурустдир.

وَ لَهُ كُلُّ عَمَلٍ فِيهِ سِوَى مُوهِنِ الْبِنَاءِ

Ва ул ижарага олган киши ул жойда иморатни заиф, шикаст ва хароб қиладиган ишдан бошқа ҳар ишини қилса дурустдир, масалан, таҳорат қилмоқ, кийим ювмоқ, ўтин синдирмоқ ва асбоб қўймоққа ўхшаш, булар дурустдир. Аммо иморатни бузадиган ва хароб қиладиган касбни, масалан, темирчилик, кудунгарлик ва тегирмончиликни соҳиби хонадан бежавоб қилолмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир ва «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир.

لاَ اِسْتِئْجَارُ اَرْضٍ حَتَّى يُسَمَّى مَا يُزْرَعُ

Экадиган нарса баён қилингунча ерни ижарага олмоқ дуруст эмас. Зероки, баъзи экин ерга зарар қилгай, жуворига ўхшаш ва баъзи экин ерга зарар қилмагай, қовунга ўхшаш. Ижарага олган ва ижарага қўйган одамларнинг иккаласининг бу ижарани бузмоққа қудратлари етгай. Магар ҳар вақтики, ерга экин экса ва муддат ўтса, ул вақтда ижара дуруст бўлгай. Тайин қилинган ужра бошқа фосид ижараларнинг хилофи биланки, уларда дуруст эмас. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

أَوْ يَعُمَّهُ

Ё экадиган экинни ъоом қилгувчи экин экадиган ерни ижарага олмоғи дуруст эмас, яъни, ул ерга қайси экинни хоҳласа эккай, демоқ билан ижара дуруст бўлгай. Ёки экин эккай, демоқ билан ижара дуруст бўлгай. Чунончи, «Ниҳоя»да мазкурдир. Ерни хоҳлаган экинни экмоққа ижарага олса, берилгай, баҳори ва кузги икки маротаба экин экмоққа қудрати етгай. Чунончи, «Қунйа»да мазкурдир ва «Мажмаъу-л-анҳар»да мазбурдир.

وَ تَكُونُ الأَرْضُ خَالِيَةً عَنِ الزِّرَاعَةِ

Ва яна ернинг ижараси дуруст бўлмоғига ул ер экилган нарсалардан холи ва бўш бўлмоғи шартдир. Бас, агар ул ерда беда, яъни, йўнучқа ё дарахт, ё қамиш, ё ток бўлса, ё бошқа нарсаки, ижарага олган кишига зарар етмасдан, ерни топшириб бўлмаса, ижарага олмоқ дуруст эмас, фосиддир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

فَإِنْ اسْتَأْجَرَهَا لِلْبِنَاءِ أَوِ الْغَرْسِ صَحَّ

Бас, бир киши ерни маълум муддатгача иморат қилмоқ ё дарахт ўтказмоқ учун ижарага олса, дурустдир.

وَ إِذَا انْقَضَتِ الْمُدَّةُ سَلَّمَهَا فَارِغَةً

Ҳар вақтики, тайин қилинган муддат тамом бўлса, ерни иморатдан ва дарахтдан бўшатиб, эгасига топширгай. Зероки, иморат билан дарахтнинг маълум интиҳоси йўқдирки, уларни етиб тўхтайдиган вақтигача қўйса ва уларни доим ерда қўймоқ ер эгасига зарардир. Хоҳ ижара бўлсин, хоҳ ижара бўлмасин, вақти етганидан кейин кўчирмоқ вожибдир. Чунончи, «Мажмаъул-анҳар»да мазкурдир.

إِلاَّ أَنْ يَغْرَمَ الْمُؤْجِرُ قِيمَتَهُ مَقْلُوعًا

Магар ерни ижарага берган киши иморатнинг ва дарахтнинг ердан кўчирилган ҳолидаги баҳосини тўласа, иморатни ва дарахтни кўчирмагай.

وَ يَتَمَلَّكُهُ بِلاَ رِضَاءِ الْمُسْتَأْجِرِ إِنْ نَقَصَ الْقَلْعُ الأَرْضَ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва ул ернинг эгаси иморатга ва дарахтга кўчирилган ҳолидаги баҳосини тўлаб, молик ва эга бўлган ижарага олган киши рози бўлмаса ҳам, башарти агар иморатни ва дарахтларни кўчирмоқ ерни бузиб, нуқсон етказадиган бўлса.

وَ إِلاَّ فَبِرِضَاهُ

Агар кўчирилганда нуқсон етмаса, ижарага олган кишининг хурсандлиги билан сотиб олиб қолур.

أَوْ يَرْضَى بِتَرْكِهِ فَيَكُونُ الْبِنَاءُ أَوِ الْغَرْسُ لِهَذَا وَ الْأَرْضُ لِهَذَا

Ёки ерни ижарага берган киши иморат билан дарахт ўз ерида қолмоғига рози бўлса, ундан кейин иморат ёки дарахт ерни ижарага олган кишига бўлгай ва ер ижарага берган кишига бўлгай.

وَ الرَّطَبَةُ كَالشَّجَرِ

Ижара муддати ўтганидан сўнг кўчирилмоқда беданинг ҳукми дарахтга ўхшашдир. Зероки, унинг ўсиб тўхтамоғининг ниҳояти йўқдир.

وَ ضَمِنَ الْحِصَّةَ بِالزِّيَادَةِ عَلَى حَمْلِ ذُكِرَ إِنْ أَطَاقَ

Юк олиб бормоқ учун отни ижарага олганда, айтган миқдоридан зиёда юклаганидан кейин ул от нобуд бўлса, ошиқ ортган миқдорини кирага олган киши тўлагай, агар ул от баён қилинган юк билан зиёда юклаган юкларга тоқати келса, масалан, отнинг баҳоси йигирма беш сўм бўлса, байъ қилишган вақтда юкнинг миқдори уч ботмон бўлса, ярим ботмон қўшиб, уч ярим ботмон юклаб, от нобуд бўлса, ярим ботмон юкнинг муқобилида бўлган пулни тўлагай. Аммо отнинг кучи етмай, нобуд бўлса, йигирма беш сўм тўлагай. Бу мазмун «Имодий» ва бошқа китобларда мазкурдир.

БУ ФАСЛДА ИЖАРАИ ФОСИДНИНГ БАЁНИ

يُفْسِدُهَا شُرُوطٌ تُفْسِدُ الْبَيْعَ

Ул шартларки, байъни фосид қилгай, ижарани ҳам фосид қилгай, муддатни ё ижарани билмасликка ўхшаш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

فَيَجِبُ اَجْرُ الْمِثْلِ لاَ يُزَادُ عَلَى الْمُسَمَّي

Ижарани олмоқ ва ижарага бермоқ ҳар қандоқ сабаб билан фосид бўлса ҳам ижарага қўйилган нарсанинг ҳақини бермоқ вожиб бўлгай. Аммо ижарага бермоққа савдолашган вақтда айтилган ҳақдан зиёда берилмагай, масалан, Зайд ижараи фосид билан Амрдан бир ҳовлини бир ойга ўн тангага ижарага олса, Зайднинг Амрга ўн танга бермоғи вожиб эмас, балки ул ҳовлига ўхшаш ҳовли ул шаҳарда ижараи саҳиҳа билан бир ойга қанча пулга ижарага берилса, Зайднинг Амрга ул миқдорни тўламоғи вожиб бўлгай. Масалан, ул ҳовлига ўхшашининг ижараси ижараи саҳиҳа билан бир ойга саккиз танга бўлса, Зайд ҳам саккиз танга бергай. Аммо ўн икки танга бўлса, ижарага олинган вақтдаги ҳақдан зиёда қилинмагай.

وَ صَحَّ إِجَارَةُ دَارٍ كُلُّ شَهْرٍ بِكَذَا بِلاَ بَيَانِ الْمُدَّةِ فِي وَاحِدٍ فَقَطْ

Муддатни баён қилмай, ҳар ойга, масалан, ўн тангага деб ижара қилмоқ бир ойнинг ўзига дурустдир, бошқа ойларда ижарага берган киши билан ижарага олган одамнинг ижозатларига мавқуфдир, қайсилари ижарани бузмоқни хоҳласалар, ихтиёр ўзларидадир.

وَ فِي كُلِّ شَهْرٍ يَسْكُنُ فِي أَوَّلِهِ

Ва яна ижара дуруст бўлгай ҳар ойнинг аввалги кечасининг аввалги соатида ул ҳовлида ўтирса, ижара берилган одамни ой тамом бўлмагунча чиқара олмагай. Зероки, иккинчи ойда ўтирмоғига рози бўлишгани жиҳатидан ақд комил ва тамом бўлибдир. Сотилган нарсани бериб, уларнинг иккалалари рози бўлишгани сабаб байъ собит бўлганига ўхшаш. Бу қавл баъзи машойихи мутааххириннинг наздларида. Аммо асаҳ ривойат шулки, аввалги кечанинг тамомигача ижарани бузмоқда ва жоиз кўрмоқда ихтиёрлидирлар. Чунончи, «Музмарот» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ إِنْ سُمِّيَ أَوَّلُ الْمُدَّةِ فَذَاكَ وَ إِلاَّ فَوَقْتُ الْعَقْدِ

Агар ижара қилмоқда муддатнинг аввали аталса, масалан, ушр ойининг бошидан ҳовлини ижара қилдим, деса. Бас, ўша

www.ziyouz.com kutubxonasi

аталган ва тайин қилинган муддат бўлгай. Агар муддат баён қилинмаса, ижара қўйилган вақт муддатнинг аввали бўлгай.

فَانْ كَانَ حِيْنَ يُهَلُّ اُعْتُبِرَ إِلاَّ هِلَّةُ

Бас, агар ижара қилинган вақт ой янги кўрилган кун бўлса, ҳисоб ой билан эътибор қилингай.

وَ إِلاَّ فَالأَيَّامُ

Агар ижара қилинган вақт ой янги кўринган замонда бўлмай, балки ойнинг ўртасида бўлса, бас, ҳисоб кунлар биландир.

كَالْعِدَّة

Ойнинг ўттиз кунини ҳисоб қилмоқ ҳайз кўрмайдиган хотинлар тўғрисида талоқ учун уч ойни ўттиз кундан ҳисоб қилганга ўхшаш. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Чунки талоқ ойнинг аввалги кунида бўлса, идда ой билан ҳисоб қилинур, бошқа кунларда бўлса, кун билан ҳисоб қилинур.

وَ إِجَارَةُ الْحَمَّامِ

Ва яна ҳаммомни ижара қилмоқ дурустдир. Бас, ҳаммомчининг ҳақ олмоғи дурустдир. Баъзи уламолар хотинлар учун ҳаммомни тайёрламоқ макруҳ дебдирлар. Зероки, хотинларни жамъламоқ фитнадан холи эмасдир, саҳиҳ қавл шулки, зарур бўлгани жиҳатидан хотинларга ва эркакларга ҳаммом тайёрламоқ билан зарар йўқдир. Чунончи, «Кирмоний»да мазкурдир ва «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир. Ва айтилибдир, очликда ҳаммомга кирилса, андин баданда хушкиййат туғилур ва агар қорин тўқ ҳолида кирилса, қоринда дард пайдо бўлмоқдан ва ҳокларга қурт пайдо бўлмоқдан хавф қилинур. Ва мустаҳаб бўлгай таом еб, ҳазм бўлганидан кейин ҳаммомга кирмоқ. Чунончи, бу ва бундан зиёдаси «Бўстони Абуллайс»да мазкурдир.

وَ الْحَجَّامِ

Ва яна қон олмоқ учун ҳақ олмоқ дурустдир. Зероки, Пайғамбар алайҳиссалом қон олдириб, қон оладиган кишига ижара беribдурлар. Чунончи, «Ҳидоя», «Жомиъу-р-румуз»,

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Жавҳарату-н-найййра», «Мажмаъу-л-анҳар»да ва бошқа китобларда мазкурдир.

وَ الظِّئْرِ بِأَجْرٍ مُعَيَّنٍ

Ва яна бола эмизадиган доя хотинни тайинланган ижара билан бола эмизмоқ учун ижарага олмоқ дурустдир. Худойи таолонинг қавли тўғрисиданким:

﴿...فَإِنْ أَرْضَعْنَ لَكُمْ فَآتُوهُنَّ أُجُورَهُنَّ...﴾ اَلطَّلَاقُ/ ٦

деб амр қилибдир. Яъни: «Бас, агар бу хотинлар никоҳ алоқаси узилганидан кейин сизларнинг фарзандларингизга сут берсалар, ул сут берган хотинларга муздларини беринглар», деб Худойи таоло фармойиш қилибдир. Чунончи, «Мавлоно Ҳусайн» тафсирида мазкурдир. Далили дийгар шулки, одамларнинг ораларида бола эмизмоқ учун эмизадиган хотинни ижарага олмоқ Пайғамбар алайҳиссалом низомларида ва ул жанобнинг замонларидан илгарида таомил эди. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ بِطَعَامِهَا وَ كِسْوَتِهَا

Ва яна бола эмизадиган доя хотинни таом ва кийим билан, яъни, таом бермоқ ва кийим бермоқ баробарига ижарага олмоқ дурустдир ва агарчандики таом билан кийимни мундоғ таом, мундоғ кийим, деб баён қилмаса ҳам, ул вақтда таом билан кийимнинг миёнаси вожиб бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لِلزَّوْجِ وَطْؤُهَا

Ул эмизадиган хотиннинг эри уни жимоъ қилмоққа ихтиёрлидир ва агарчандики бўғоз бўлмоқдан хавф қилса ҳам. Зероки, эрнинг ҳақи собит никоҳ билан ижара никоҳни бузолмайдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

لَا فِي بَيْتِ الْمُسْتَأْجِرِ

Аммо доя хотин эрининг ижара олган киши уйида бежавоб жимоъ қилмоққа қудрати етмагай. Зероки, унинг мулкидир. Бас, агар манъ қилмай, изн берса, ижарага олган одамнинг уйида

www.ziyouz.com kutubxonasi

жимоъ қилмоқ дурустдир. Чунончи, «Мажмаъу-л-анҳар»да мазкурдир.

وَ لَهُ فِي نِكَاحٍ ظَاهِرٍ فَسْخُهَا إِنْ لَمْ يَأْذَنْ بِهَا

Сут эмизмоққа эридан бежавоб ойликка ё йилликка тушган хотиннинг эри ижарани бузиб, хотинни олиб кетмоққа қудрати етгай, агар никоҳлари халойиқ орасида ошкор ва маълум бўлса, агар ул хотинга ҳақ олиб, бола эмизмоқ учун жавоб бермаган бўлса.

لاَ إِنْ أَقَرَّتْ بِنِكَاحِه

Аммо ул хотиннинг никоҳи одамлар орасида маълум ва машҳур бўлмай, хотиннинг ўзи унинг никоҳида эканлигига иқрор қилса, эри ул хотиннинг ижарасини бузолмагай.

وَ لِأَهْلِ الصَّبِي فَسْخُهَا إِنْ مَرِضَتْ أَوْ حَبِلَتْ

Эмизиладиган ёш боланинг яқин одамларига эмизадиган хотин ижарасини бузмоққа ихтиёр бордир, агар ул эмизадиган хотин касал бўлса ё буғоз бўлса. Зероки, касал бўлмоқ ё буғоз бўлмоқ билан сут бузилиб, болага зарар бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ عَلَيْهَا غَسْلُ الصَّبِي وَ ثِيَابِه

Ул сут эмизадиган доя хотинга болани ювмоқ ва унинг кийимини нажосатдан ювмоқ лозимдир, чиркдан ювмоқ лозим эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз», «Мажмаъу-л-анҳар» ва «Дурру-л-Мунтақий»да ҳам мазкурдир.

وَ إِصْلاَحُ طَعَامِه وَ دُهْنِه

Ва яна боланинг таомини тузатиб бермоқ, чайнаб ё пиширириб бермоқ билан ва ёғ билан ёғламоқ – бу хизматлар ҳам доя га лозимдир.

وَ عَلَى أَبِيه الأَجْرُ

Ёш боланинг отаси ё боланинг нафақаси вожиб кишига доя хотиннинг ижарасини бермоғи лозимдир.

وَ ثَمَنُهَا

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва яна ёш боланинг ҳожати учун олинган нарсалар, масалан, совун, кийим, таом ва ёғга ўхшаш мазкурларнинг пулини бермоқ отасига лозимдир.

فَانْ أَرْضَعَتْهُ بِلَبَنِ شَاةٍ أَوْ غَذَّتْهُ بِطَعَامٍ وَمَضَتِ الْمُدَّةُ فَلاَ أَجْرَلَهَا

Бас, агар доя хотин болани эмизадиган муддатда қўй сути эмизса ё таом едирса ва муддат ўтса, бас, дояга музд бермоқ лозим бўлмагай. Зероки, агар дояга лозим бўлган иш эмизмоқ эрди, уни қилмади.

وَ لاَ تَصِحُّ لِلْعِبَادَاتِ كَالأَذَانِ وَ الإِمَامَةِ وَ تَعْلِيمِ الْقُرْآنِ

Уламои мутақаддимийн наздларида, ибодатлар учун: азон айтмоқ, имом бўлмоқ, Қуръонни таълим бермоқ ва илми фиқҳ ўргатмоққа ўхшаш, ижара бермоқ дуруст бўлмагай ва ботил бўлгай. Замона одамларининг бу ибодатларга рағбатлари кам ва суст бўлгани жиҳатидан бу кунда, яъни, бу замонда ушбу ибодатларга ижара бермоқнинг дурустлигига фатво берилур. Далили дийгар шулки, аларга байтул-молдан баҳраю насиб йўқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ يُفْتَى الْيَوْمَ بِصِحَّتِهَا

Бу замонда ибодатларга ижара қилмоқнинг дурустлигига фатво берилур. Зероки, аввалги замонда ижара бермоқнинг манъ қилингани таълим олмоқда холисан ливажҳиллаҳ одамларнинг роғиб бўлгани жиҳатидан эрди ва муаллимлар илм ўргатиб қилган эҳсонлари баробарига одамлар шарт қилмай, аларга эҳсон билан мурувват қилгани жиҳатидан эрди. Бизларнинг замонимизда бу иккала маъно ҳам йўқ бўлибдир, энди ижара бермоққа манъ қилмоқ мазкур ибодатларни зоеъ қилмоқдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Агар мактаб ўқийдиган болаларнинг отаси илмнинг вазифасини бермоқни қабул қилмаса, жабр қилинур, яъни, зўр билан олинур. Мафтуҳа, яъни, Қуръон бошлаганда ё китоб бошлаганда ва ой бошида панжшанбалик ва ҳайитликка ўхшаш мазкур вақтларда муллага бир нарса бермаса, зўрлаб олинур. Чунончи, «Ҳасбу-л-Муфтий»да мазкурдир. Бу баён бўлган вақтларда устодга бо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ланинг отаси вазифа бермаса, қамаб қўйилур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да бунинг мазмуни мазкурдир.

وَ لاَ لِلْمَعَاصِي كَالْغِنَاء

Ва яна гуноҳ ишларга ижара дуруст эмасдир, ашула ва қўшиқ айтмоқ, жирламоқ ва бошқа ўйинларга ўхшаш ва ғинодан ҳеч қайсисига ижара қилмоқ дуруст эмас ва навҳа қилмоққа, сурнайларга, ноғараларга, жамиъи ўйинга ушбу тариқа ижара дуруст эмас. **Ғино** деб шеърлар ва байтларки, гўяндалар овозларини чиқариб айтарлар. Чунончи, «Ахтари Кабир»да мазкурдир. Ушбу тариқа ҳадога ва байт ўқимоққа ва шеърдан бошқа нарсага ижара дуруст эмас – мазкурларнинг ҳаммасига ҳақ берилмагай. Бу масъалаларнинг ҳаммаси Имом Аъзам, Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳнинг қавлларидир. Ушбудек «Ғойату-л-баён»да мазкурдир, «Фатовойи Оламгирийя»да мазбурдир. Ҳадо деб арабда сарбон ва тевачилар чаладиган нағма айтилур ва тева анинг билан маст бўлиб, чолак ва чаққон бўлгай. Чунончи, «Ғиёсу-л-луғат»да мазкурдир.

وَ النَّوْحِ

Ўликка яхшиликларни мадҳ қилиб, баланд овоз билан айтиб йиғламоқ ва йиғлатмоққа ўхшаш ва бунга ҳам ижара дуруст эмас. Жамиъи ўйинларга ҳам ижара дуруст эмас. Зероки, маъсийат ва гуноҳга ижарадир ва гуноҳ байъни боғламоққа мустаҳиқ эмас. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир. Зероки, ижаранинг ақди байъ қилинган нарсани ижарага олган одамга топширмоққа шаръан лойиқ ва муносиб бўлгай. Ва жоиз эмас одамга бир нарсанинг лойиқ бўлмоғи, анинг сабаби билан шаръан осий ва гуноҳкор бўлса, токи гуноҳ шаръга қўшилмагай. Чунончи, «Кифоя»да мазкурдир.

Фақиҳ Абу Лайс раҳматуллоҳи алайҳ айтдилар: «Навҳа қилмоқ ҳаромдир ва йиғламоқнинг зарари йўқдир ва йиғламай сабр қилмоқ афзалдир». Зероки, Худойи таоло деди:

﴿...إِنَّمَا يُوَفَّى الصَّابِرُونَ أَجْرَهُمْ بِغَيْرِ حِسَابٍ﴾ اَلزُّمَرُ/ ١٠

Яъни: «Албатта, сабр қилувчиларга мукофотлари беҳисоб берилур».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ривойат қилинди Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан, ул жаноб дедилар: «Навҳа қиладиган хотин ва кимики унинг атрофида эшитадигандин бўлса, Худойи таолонинг, фаришталарнинг ва одамларнинг – ҳаммаларининг лаънати аларга бўлгай». Чунончи, «Бўстону-л-орифийн»да мазкурдир.

وَ لاَ لِعَسْبِ التَّيْسِ

Нарни модага чоптирмоққа ижара дуруст эмас. Зероки, ул суннат бирла ҳаромдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Нарни модага ужра олиб чоптирмоқ ҳаромдир», деган сўзлари жиҳатидан. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ لاَ إِجَارَةُ الْمُشَاعِ إِلاَّ مِنَ الشَّرِيكِ

Ва яна шериклик молдан ўз қадри ҳиссасини бошқа кишига ижарага бермоқ дуруст эмас, магар шеригига ижарага берса, дурустдир.

وَ لاَ إِجَارَةُ الرَّحَى بِبَعْضِ دَقِيقِهِ

Ва яна буғдойни ва бошқа экинни тегирмонга торттириб, ул буғдойдан ва бошқа нарсадан ҳосил бўлган уннинг бир миқдорини тегирмоннинг ужраси учун бермоқ дуруст эмас. Буни дурустликка айлантирмоқнинг йўли шулки, тегирмон тортмоқ учун тегишли бўлган ҳақни аввал топширмоқ керак ёки, тортган ундан мунча берурсан, демай, балки тегирмон ҳаққи мунча миқдор ун бўлур, дегай. Андин кейин тегирмончига тегишли ҳақни хоҳ ҳозир тортилган ундан берсин ва хоҳ бошқа ундан берсин, ижара дурустликка айлангай. Бу масъала бизнинг юртларимизда ҳар кимга воқеъ бўлгани жиҳатидан тавил баён қилдик.

وَ نَحْوِهِ

Яна тегирмоннинг ижарасига ўхшаган ижаралар дуруст эмас. Масалан, бўзчига ип бермоқ, токи ярми ёки учдан бири баробарига тўқиб бергай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

اوَ لاَ الْجَمْعُ بَيْنَ الْوَقْتِ وَ الْعَمَلِ

Ва яна ижара қилмоқда вақтнинг ва ишнинг иккаласини

www.ziyouz.com kutubxonasi

жамъ қилмоқ дуруст эмас. Масалан, ушбу кун бир ботмон ундан нон пиширмоққа ўн танга баробарига ижара қилмоқ, бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

БУ ФАСЛДА АЖИРИ МУШТАРАКНИНГ ВА ҒАЙРИ МУШТАРАКНИНГ БАЁНИ

Музддур, яъни, ҳақ олиб хизмат қиладиган киши икки хил бўлгай. Бири – ажири муштарак, яъни, ўзини ишлатадиган кишига топширмай, хизмат қилгай, кавишдўз ва этикдўзга ўхшаш тайин ишини қилиб бермоққа тушмоқ. Иккинчиси – муздури хосдир, яъни, бир киши ё зиёда кишиларга муздур бўлиб, ўзини иш қилдирадиган одамнинг тадбир ва тасарруфига топширгувчидир. Ҳосил, бу ажири муштарак деганимиз темирчи ва чўбгар уста ва бўёқчиларга ўхшаш ҳар хил соҳиби ҳунарларга тўғри келгай. Аммо ажири хос деганимиз фойда шерикликка мол олиб ишлатадиган ва уйда хизмат қиладиган одамларга тўғри келгай. Бу икки хил муздурларнинг ҳукмлари ўзгадир.

اَلأَجِيرُ الْمُشْتَرَكُ يَسْتَحِقُّ الأَجْرَ بِعَمَلِه

Ажири муштарак, яъни, бир одамга махсус бўлган хизмат қилгувчи буюрилган ишини қилиб бўлмоғи билан ижарага мустаҳиқ бўлгай, ҳамма одамнинг ишига баробар бўлгани жиҳатидан уни **ажири муштарак** дейилур, ишини тамом қилмагунча ужрага мустаҳиқ бўлмагай. Кунлик, ойлик ва йиллик хизматкорнинг хилофи биланки, ул одамлар ўзларини хожага топширмоқ билан ужрага мустаҳиқ бўлгайлар.

وَ لَهُ أَنْ يَعْمَلَ لِلْعَامَّةِ كَالْقَصَّارِ وَ نَحْوِه

Ва яна муштарак хизматкорнинг хоҳлаган одамга иш қилмоққа ихтиёри ўзида бўлгай, кудунгар ва бўёқчи, дўзанда ва бошқа соҳиби ҳунарларга ўхшаш.

وَ لاَ يَضْمَنُ مَا هَلَكَ فِي يَدِه وَ إِنْ شُرِطَ عَلَيْهِ الضَّمَانُ

Имом Аъзам ва Ҳасан ибн Зиёд ва Имом Зуфар раҳимаҳумуллоҳ наздларида, ажри муштарак қўлида нобуд бўлган

www.ziyouz.com kutubxonasi

нарсага товон тўламагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Ва агарчандики нобуд бўлса, тўламоқни шарт қилса ҳам. Зероки, ул нарса анинг қўлида омонатдир.

بَلْ بِعَمَلِه

Балки жавоб берилмаган ва одатдан тажовуз қилган иш қилмоқ билан нобуд бўлса, товон тўлагай.

إِلاَّ الآدَمِيَّ أَنْ يَتَجَاوَزَ الْمُعْتَادَ

Магар нобуд бўлган одам бўлса, муздур ўз амали билан ҳалок бўлса ҳам товон тўламагай. Масалан, кемачи кемасини тортмоқ билан сувга тушиб ғарқ бўлса ё отдан йиқилса, киракаш отни ҳайдагани сабабидан ё боғлагани сабабидан ҳалок бўлса. Чунончи, «Мажмаъу-л-анҳар»да мазкурдир.

وَ الأَجِيرُ الْخَاصُّ يَسْتَحِقُّ بِتَسْلِيمِ نَفْسِه مُدَّتَهُ وَإِنْ لَمْ يَعْمَلْ

Ажири хос, яъни, бир одамга ё бир одамдан зиёда одамга хизматкор бўлиб, ўзини топширган киши хизматга тушган вақтда баён қилинган муддатда ўзини ишлатадиган кишига топшириб турмоғи билан хизмат ҳақига мустаҳиқ бўлгай. Ва агарчандики ул муддатда асло бир иш қилмаса ҳам. Лекин ўзини (ишдан) қайтармаса, агар ўзини ишдан қайтарса, ҳақ олмоққа мустаҳиқ бўлмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

كَالأَجِيرِ لِرَعْيِ الْغَنَمِ

Бир кишининг қўйларини ўтлатмоқ учун, масалан, бир йил хизмат қилмоққа тушган чўпонга ўхшаш. Бу чўпоннинг хизмати ноқис ва нотамом бўлса ҳам, муддат тамом бўлганидан кейин тайин қилинган ужрани олмоққа мустаҳиқ бўлгай.

وَ لاَ يَضْمَنُ مَا هَلَكَ فِي يَدِه أَوْ بِعَمَلِه

Бу хос хизматкор қўлида нобуд бўлган нарсани тўламагай, хоҳ ўғирлансин ва хоҳ амали билан нобуд бўлсин. Магар ақдда, яъни, байъласганда бўлмаган ишни қилса, масалан, ҳар вақтики, қўйни уриб, кўзини чиқарса ё оёғини синдирса, албатта, товон тўлагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ إِنْ رَدَّدَ الأَجْرَ بِتَرْدِيدِ الْعَمَلِ يَجِبُ أَجْرُ مَا عَمِلَ

Агар: «Хизмат ҳақингни қилган ишингга қараб берурман», деб ишни ва ҳам хизмат ҳақини икки хил қилиб айтса, масалан, ҳар вақтики, кийим тиктирадиган киши тикувчига айтса: «Агар жомани форсий тиксанг, сенга бир танга берурман, агар румий тиксанг, икки танга берурман» ва ушбуга ўхшаш бўёқчига айтса: «Асфар билан бўясанг, сенга бир танга берурман, заъфарон билан бўясанг, икки танга берурман», деса, қилган ишининг хизмат ҳақини бермоқ вожиб бўлгай. Чунончи, бу мазмун «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ إِنْ رَدَّدَ فِي عَمَلِهِ الْيَوْمِ أَوْ غَدًا فَلَهُ مَا سُمِّيَ إِنْ عَمِلَ الْيَوْمِ وَاجْرُ مِثْلِهِ إِنْ عَمِلَ غَدًا

Агар хизмат қилдирадиган киши, масалан, жома тиктирадиган киши: «Бугун тикиб берсанг, икки танга берурман, аммо эртага тикиб берсанг, бир танга берурман» деса, агар бугун тикиб берса, айтилган икки тангани олгай, агар эртага тикиб берса, ул чафоннинг қийматини бергай, яъни, анга ўхшаш чафон хизмат ҳақининг қийматини бергай.

فَلاَ يَتَجَاوَزُ الْمُسَمَّى

Бас, айтилган ҳақдан ўткарилмагай, яъни: «Эртага тикиб берсанг, бир танга берурман», деб айтиб қўйилгандан ўткарилмагай. Зероки, бир танга эртага тайин қилингандир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ لاَ يُسَافِرُ بِعَبْدٍ مُسْتَأْجَرٍ لِلْخِدْمَةِ إِلاَّ بِشَرْطٍ

Хизмат учун ижарага олинган қулни сафарга олиб чиқмагай, магар ижарага олинган вақтида сафарга олиб чиқмоқни шарт қилган бўлса, сафарга ҳам олиб чиққай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУ ФАСЛДА ИЖАРАНИ БУЗМОҚНИНГ БАЁНИ

تُفْسَخُ بِعَيْبٍ أَخَلَّ بِالنَّفْعِ كَدَبْرِ الدَّابَّة

Ижарага олинган нарсада қадимги айби бўлгани сабабидан ижарани бузмоқ дурустдир, миниладиган тўрт оёқли ҳайвоннинг орқаси яғир бўлганига ўхшаш ва қулнинг касал бўлмоғига ўхшаш, тегирмоннинг ва ернинг суви тўхтаб қолганига ўхшаш, – мазкурларнинг ҳаммасида ижарани бузмоқ жоиздир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

فَلَوْ انْتَفَعَ بِالْمَعِيبِ

Бас, агар ижарага олган киши айбли қул ё айбли ҳайвон билан нафъ олса, масалан, ижарага олинган отнинг орқаси яғир бўла туриб миниб юрса:

أَوْ أُزِيلَ الْعَيْبُ سَقَطَ خِيَارُهُ

Ёки айби йўқ қилиниб, фойдаланмоққа салоҳияти бўлса, масалан, ижарага олинган ҳовлининг вайрон бўлган жойи тузаттирилса ё бесабаб айби зойил бўлса, ижарага олган одамнинг ижарани бузмоқда ихтиёри соқит бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ بِخِيَارِ الشَّرْطِ وَالرُّؤْيَة

Ва яна ижарага олган вақтда, хоҳласа уч кунгача, олиб қолмоқ ва хоҳламаса, қайтармоқни шарт қилмоқ билан ва бир нарсани кўрмасдан, ижарага олиб қўйиб, хоҳласа, олмоққа шарт қилмоқ билан ижара фасх қилинур, яъни, бекор қилинур. Бу баён қилинган иккала сувратда хоҳласа, қайтаргай ва хоҳласа, қайтармагай.

وَ بِالْعُذْرِ

Ва яна узр бўлгани сабаб ижарани бузмоққа ихтиёрли бўлгай.

وَ هُوَ لُزُومُ ضَرَرٍ لَمْ يَسْتَحِقَّ بِالْعَقْد

Ул узр ижарага берган ва ё ижарага олган кишининг молига ё бирига зарар етмоғининг лозим бўлмоғики, ул етадиган за-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рар сабабидан ижара ақдига мустаҳиқ ва лойиқ бўлмагай, ул зарарни дафъ қилмоқ учун ижарани бузмоқ жоиз бўлгай.

كَسُكُونِ وَجَعِ ضِرْسٍ اُسْتُؤْجِرَ بِقَلْعِهِ

Тиш оғриғининг тўхтамоғига ўхшашки, уни суғуриб олмоққа ижара қилинган эди, агар ижара бузилмай қолса, оғримаган тишни суғурмоқ лозим бўлиб, ижара берадиган одамга зарар бўлгай, ул зарар байълашмоққа мустаҳиқ эмас.

وَ لُحُوقِ دَيْنٍ لاَ يُقْضَى إِلاَّ بِثَمَنِ مَا آجَرَهُ

Ва яна ижарани бузадиган узрнинг мисоли қарзи лоҳиқ бўлмоғига ўхшаш. Ул қарзни адо қилиб бўлмагай, магар ижара берган нарса сотилиб, унинг пули билан қарз адо қилинур.

وَ سَفَرِ مُسْتَأْجِرِ عَبْدٍ لِلْخِدْمَةِ مُطْلَقًا أَوْ فِي الْمِصْرِ

Ва яна бир одамнинг қулини мутлақ хизмат қилдирмоқ учун ё шаҳарда хизмат қилдирмоқ учун ижарага олган кишининг сафар қилмоғига ўхшаш. Аммо қулнинг хожаси қулнинг сафарга бормоғига рози бўлса, ижарага олган киши ижарани бузмоққа ихтиёрли бўлгай.

وَ إِفْلاَسِ مُسْتَأْجِرِ دُكَّانٍ لِيَتَّجِرَ فِيهِ

Ва яна дўкон ичида савдогарлик қилмоқ учун ижарага олган кишининг дастмойаси тамом бўлиб, муфлис бўлмоқ узри билан ижара бузилгай. Зероки, дўконни фойда қилмоқ учун ижарага олибдир, ижара ақдини бузмай қўйганда, ҳар кунда дўконнинг ҳақи зиёда бўлгай. Бас, зарар лозим бўлгани жиҳатидан ижарани бузмоқ зарурдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ خَيَّاطٍ اسْتَأْجَرَ عَبْدًا لِيَخِيطَ فَتَرَكَ عَمَلَهُ

Ва яна ўзи жомафуруш бўлиб, кийим тикиб сотадиган кишининг муфлис бўлмоғига ўхшашким, жома тикмоққа бир қулни ижарага олган бўлгай, зиён қилгани тўғрисидан кийим тикмоқликни тарк қилгай, бу узр билан ижара бузилгай, одамларнинг кийимини тикадиган тикувчи эмас кишиким, ул ки-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шининг одамлар олдида хиёнати зоҳир бўлмоғи билан одамлар муомаласидан қўрқиб ва иш топширмоққа хавф қилмоқлари билан иш қилмоқдан ожиз бўлган бўлса, бу узр эмасдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Зероки, кийим тикувчининг дастмойаси игнадир. Чунончи, «Faввос»да мазкурдир.

وَ بَذْلُ مَكْتَرِى الدَّابَّة مِنْ سَفَرِه بِخِلاَف بَذْلُ الْمُكَارِي

Сафарга бормоқ учун от ва ё тевани ижарага олган одамнинг сафар қилмоқдан раъйи қайтмоғи узрдир. Чорпо ҳайвонни ижарага берган кишининг сафардан раъйи қайтмоғининг хилофи биланким, хизматкорини ё бир одамни хизмат ҳақи бериб юбормоқ мумкин бўлгани жиҳатидан ул узр бўлмагай, башарти ул киракаш бетоб бўлса, узр бўлгай, фатво ушбугадир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ تَرْكُ خَيَاطَة مُسْتَأْجِرِ عَبْد لِيَخِيطَ لِيَعْمَلَ فِي الصَّرْف

Ва яна кийим тикмоқ учун бир қулни ижарага олган киши саррофлик қилмоқ учун кийим тикадиган ҳунарини тарк қилмоғи ижарани бузмоққа узр бўлмагай. Зероки, дўконнинг бир тарафида тикувчилик қилиб, иккинчи тарафида саррофлик қилса, бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ بَيْعِ مَا آجَرَهُ

Ва яна ижарага берган нарсани сотмоқ узр бўлмагай, масалан, бир одам бир кишига ҳовлисини бир йил турмоққа ижара берганидан кейин ҳовлининг эгаси уни бошқа кишига сотса, йили тўлмасдан илгари ҳовлини ижарага олган кишини ул ҳовлидан чиқаролмагай.

وَ تَنْفَسِخُ بِمَوْت أَحَد الْعَاقِدَيْنِ عَقَدَهَا لِنَفْسِه

Ижарага берган ва олган одамнинг бири ўлмоғи билан ижара бузилгай, ижарани ўзи учун қилган бўлса.

وَ إِنْ عَقَدَهَا لِغَيْرِه فَلاَ كَالْوَكِيلِ وَالْوَصِيِّ وَ مُتَوَلِّي الْوَقْف

Агар ўзларидан бошқа киши учун ижара қилишган бўлса, ижара бузилмагай, масалан, вакил ва васий ва вақфнинг мутаваллисига ўхшаш, – мазкурлар ижарага қўйиб ё олиб бўлгандин

www.ziyouz.com kutubxonasi

кейин ўлган сабабларидан ижара бузилмагай. Зероки, буларнинг ақди ўзлари учун эмасдир, балки бошқа киши учундир. Вакилнинг ақди вакил қилган киши учундир. Васийнинг ақди ёш бола учундир, мутаваллининг ақди вақф учундир, ушбу сабаблардан мазкурлари ўлган жиҳатларидан ижара бузилмагай.

وَ لَوْ قَالَ لِغَاصِبِ دَارِهِ فَرِّغْهَا وَ إِلاَّ فَأُجْرَتُهَا كُلَّ شَهْرٍ بِكَذَا فَسَكَتَ وَ لَمْ يُفَرِّغْ يَجِبُ الْمُسَمَّى

Агар ҳовлининг эгаси зўрлик билан тортиб олган одамга, ҳовлини бўшатгил, яъни, чиқ ҳовлимдан ва агар ҳовлимдан чиқмасанг, ҳар ойга фалон ҳақ бўлгай, масалан, ҳар ойга ўн танга бўлгай деса, андин кейин ҳовлини тортиб олган одам сукут қилиб, ҳовлини бўшатмаса, тортиб олган киши ҳовлининг эгаси айтган пулни бермоғи вожиб бўлгай. Зероки, мулк эгаси ижарани тайин қилган вақтда ҳовлини тортиб олган одам сукут қилиб, рози бўлиб, ораларида ижараи шаръий боғланибдур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ صَحَّ الإِجَارَةُ وَ فَسْخُهَا وَ الْمُزَارَعَةُ وَ الْمُسَاقَاتُ وَ الْوَكَالَةُ وَ الْكَفَالَةُ وَ الْمُضَارَبَةُ وَالْقَضَاءُ وَالإِمَارَةُ وَ الأَيْصَاءُ وَ الْوَصِيَّةُ وَ الطَّلاَقُ وَ الْعِتَاقُ وَ الْوَقْفُ مُضَافَةً إِلَى الْمُسْتَقْبَلِ

Келадиган замонга далолат қиладиган сўзлар билан ўн тўрт хил байъни боғламоқ дурустдир. Унинг бири – ижарага бермоқ, масалан, ушбу ҳовлини Ашур ойидан сенга беш тилла баробарига бир йилгача ижарага бердим, деганга ўхшаш. Зероки, ижара соат-соат мунъақид бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

Яна бири – ижарани бузмоқ.

Яна бири – ердан ҳосил бўлган нарсанинг баъзиси баробарига ерни экин экмоқ учун бермоқ.

Яна бири – мевали дарахтни тарбия қилмоққа бермоқ.

Яна бири – вакил қилмоқ.

Яна бири – кафил қилмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яна бири – фойда шерикка мол бермоқ.

Яна бири – қози қилмоқ, масалан, ҳар вақтики, ҳоким Зайдга фалон шаҳарга эртага қози ё амир бўл деса, дурустдир.

Яна бири – бир одамни васий қилмоқ.

Яна бири – васиййат қилмоқ.

Яна бири – хотинни талоқ қилмоқ.

Яна бири – қулни озод қилмоқ.

Яна бири – вақф қилмоқ, масалан, ушбу еримни эртага вақф қилдим, деганга ўхшаш. Ушбу баён қилинган ақдларнинг ҳар бири келадиган замонга далолат қиладиган лафзлар билан дурустдир.

لاَ الْبَيْعُ وَ إِجَازَتُهُ وَ فَسْخُهُ وَ الْقِسْمَةُ وَ الشِّرْكَةُ وَ الْهِبَةُ وَ النِّكَاحُ
وَالرَّجْعَةُ وَالصُّلْحُ عَنْ مَالٍ وَإِبْرَاءِ الدَّيْنِ

Эртага сотиб олдим, деб келадиган замонга далолат қиладиган сўз билан байъи ширoъ қилмоқ дуруст эмас. Масалан, қулимни эртага сенга сотдим, деса. Ва сотмоққа ижозат бермоқ, масалан, бу савдога эртага ижозат бердим, деса, байъни келадиган замонда буздим, демоқ, масалан, сотган киши ё олган киши олти ойдан кейин байъни буздим, деса. Ва яна эртага бу молни бўлдим, деб айтмоқ ва эртага шерик қилдим, демоқ ва ҳиба қилмоқ, масалан, ўн тангани эртага ҳиба қилдим, демоқ. Никоҳни эртага қилдим, демоқ ва талоқдан келажак замонда қайтмоқ. Ва молдан сулҳ қилмоқ, яъни, бу маблағ молдан эртага сулҳ қилдим, демоқ. Қарздан барий қилмоқ, яъни, сендаги оладиган ҳаққимни эртага кечдим, демоқ. Ушбу баён қилинган ақдларнинг ҳаммаси дуруст эмас. Ҳар қайси бири учун ўтган замонга далолат қиладиган лафзлар билан айтмоқ керак. Мазкурларнинг қайси бири бўлсин, келадиган замонга далолат қиладиган сўз билан айтилса, дуруст эмас. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْعَارِيَة

ОРИЙАТ КИТОБИ

هِيَ تَمْلِيكُ نَفْعٍ بِلاَ عِوَضٍ

Бу китобда орийатнинг баёни келади. Ул **орийат** фуқаҳонинг қоидаларида, бир нарсанинг фойдаси баробарига ҳақ олмай, бир одамни эга қилмоқдир. Ва ул берилган нарсанинг боқий қолмоғи билан токи фойдалангандан кейин эгасига қайтиб бермоқ шарти билан, масалан, от, тўн, элак ва қозонга ўхшаш.

وَ تَصِحُّ بِأَعَرْتُكَ وَ مَنَحْتُكَ وَ حَمَّلْتُكَ عَلَى دَابَّتِي وَأَخْدَمْتُكَ عَبْدِي وَ دَارِي لَكَ سُكْنَى وَ عُمْرِي سُكْنَى

Ва дунё молини орийатга бермоқ бир неча лафз билан дуруст бўлгай.

Унинг бири – бу нарсани сенга орийатга бердим, демоқ.

Яна бири – бу нарсани сенга бердим, демоқ.

Яна бири – сени отимга миндирдим, демоқ.

Яна бири – қулимни сенга хизматкор қилдим, демоқ.

Яна бири – менинг ҳовлим сенга ўтирмоққа жой, демоқ.

Яна бири – ҳовлимни сенга умримнинг охиригача турмоқ учун бердим, демоқ билан орийатга бермоқ дурустдир.

وَ يَرْجِعُ الْمُعِيرُ مَتَى شَاءَ

Ва орийатга берган киши хоҳлаган вақтида қайтариб олмоққа қудрати етгай, хоҳ ваъда билан орийатга берган бўлсин ва хоҳ ваъда тайин қилмай берган бўлсин, башарти ижарага айланмаса, агар ижарага айланадиган бўлса, орийат берганини қайтиб ололмагай. Масалан, ҳар вақтики, бир одамдан орийатга олиб, анинг ичига зайтун ёғи солса, андин кейин эгаси саҳрода қайтариб олмоқни талаб қилса, қайтариб ололмагай, ёғ

www.ziyouz.com kutubxonasi

соладиган идиш топиладиган мавзеъга етгунча ижарага айланиб, унинг ўхшашининг пулини бермоқ лозим бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ تُضْمَنُ بِلاَ تَعدٍّ إِنْ هَلَكَتْ

Ва товон тўланмай орийатга олинган нарса, агар истеъмол қилмоқда одатдан ташқари ўтмай нобуд бўлса ва агарчандики орийатга олганда нобуд бўлса, тўламоқни шарт қилишган бўлса ҳам, агар ҳаммомнинг косалари ё кўзафурушнинг идишлари, ё шарбатфурушнинг косаси орийатга олган одамнинг қўлидан тушиб синса, товон тўламагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ تُوجَرُ فَإِنْ آجَرَهَا فَعَطِبَتْ ضَمَّنَهُ الْمُعِيرُ

Ва орийатни ижарага бермоқ раво бўлмагай. Бас, агар орийатга олган одам ул орийатни ижарага бериб юборганидан кейин нобуд бўлса, молнинг эгаси орийатга олган кишига товон тўлагай.

وَ لاَ يَرْجِعُ عَلَى أَحَدٍ

Ва орийатга олган киши бу товон тўламоғи билан ҳеч кимга қайтмагай, яъни, товон бермайман, деб ҳеч кимга айтолмагай.

أَوِ الْمُسْتَأْجِرَ

Ёки молни орийатга берган киши ижарага олган одамдан тўлатиб олгай.

وَ يَرْجِعُ عَلَى مُوجِرِهِ إِنْ لَمْ يَعْلَمْ أَنَّهُ عَارِيَةٌ

Ва ижарага олган киши молнинг эгасига товон тўлагандан кейин ул тўлаган ҳақини ижарага берган одамдан даъво қилиб, тўлатиб олгай, агар ул ижарага олган киши ул нарсанинг орийат эканлигин билмаса. Агар орийат эканлигини билса, тўлатиб ололмагай, емоқлик йўқ бўлгани жиҳатидан ва ужраси орийатга олиб, ужрага берган кишига бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ يُعَارُ ما اختُلِفَ اسْتِعْمَالُهُ أَوْ لاَ إِنْ لَمْ يُعَيِّنْ مُنْتَفِعًا

Ва истеъмоли мухталиф бўлган нарса ва мухталиф бўлмаган нарса орийат берилса бўлгай, яъни, орийатга олган киши иккинчи кишига орийатга бермоғи дурустдир. Агар орийат берган киши фойда оладиганини тайин қилмаса, масалан, бу нарсани Зайднинг ўзи истеъмол қилсин, деб тайин қилмай берган бўлса.

وَ مَا لاَ يَخْتَلِفُ إِنْ عُيِّنَ

Ва ул нарсаки, истеъмоли мухталиф бўлмаса, орийатга олган одамнинг орийатга бермоғи дурустдир, агар фалон киши истеъмол қилсин, деб тайин қилиб берса ҳам.

وَ كَذَا الْمُوجَرُ

Ва ижарага олинган нарсани орийатга бермоқ ва орийатга олинган нарсани орийатга берганга ўхшаш, агар истеъмол ўзга бўлмаса, яъни, ишлатмоқ ўзга бўлмаса, ишлатмоқ мухталиф бўлмаганининг мисоли отни юк ортмоққа ижарага қўйганга ўхшаш, фойдаланадиган одамни тайин қилса ҳам ва тайин қилмаса ҳам дурустдир. Ва агар истеъмол мухталиф бўлса, отни минмоқ учун ижарага олганга ўхшаш фойдаланадиган кишини тайин қилмаса, орийатга бермоқ дурустдир, тайин қилса, дуруст эмас.

فَمَنِ اسْتَعَارَ دَابَّةً أَوْ اسْتَأْجَرَهَا مُطْلَقًا يَحْمِلُ وَ يُعِيرُ لَهُ وَ يَرْكَبُ

وَ أَيًّا فَعَلَ تَعَيَّنَ وَ ضَمِنَ بِغَيْرِهِ

Бас, бир киши бир отни орийатга ё ижарага мутлақ қилиб олса, яъни, юк ортмоқни ё минмоқни тайин қилмаса ва яна юк ортадиган кишини ва отга минадиган одамни тайин қилмаса ва бундан бошқа фойда олмоқни тайин қилмаса, орийатга ва ижарага олган одамнинг ҳар қайси бири отга ўзи юк ортгай ва юк ортмоқ учун орийатга бергай ва аларнинг ҳар қайси бири ўзи мингай ва бошқа кишини ҳам миндиргай. Аммо ул қайси бирини қилса, масалан, отни миниб юрса, минмоқ мутаъаййин бўлгай, бошқа қилдирмоқ дуруст эмас, масалан, миниб юрганидан кейин юк ортмоқ дуруст эмас. Аммо ул юк ортса, юк ор-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тмоқ тайин бўлиб, андин кейин миниб юрмоқ дуруст эмас. Ушбу баён қилинган феълдан бошқа феъл билан, масалан, от нобуд бўлса, орийатга олган киши ва ижарага олган киши товон тўлагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ إِنْ أَطْلَقَ الاِنْتِفَاعَ فِي الْوَقْتِ وَ النَّوْعِ اِنْتَفَعَ مَا شَاءَ فِي أَيِّ وَقْتٍ شَاءَ

Ва агар орийатга берган киши орийатга берган вақтда мутлақ баён қилса, яъни, қайси фойдани хоҳласанг ва қайси вақтда фойдалангайсан, ихтиёр ўзингда, деб берса, орийат олган киши фойдани хоҳлаган навъи билан фойдалангай. Ва қайси вақтда хоҳласа, у вақтда фойдалангай.

وَ إِنْ قَيَّدَ ضَمِنَ بِالْخِلَافِ إِلَى شَرٍّ فَقَطْ

Ва агар орийатга ва ижарага берган киши истеъмол қиладиган вақтни ва яна қандоқ фойдаланмоқни айтиб тайинлаб берса, андин кейин орийатга ё ижарага олган киши ёмон ишга солиб, масалан, отни ўлдирса, товон тўлагай. Аммо баён қилиб берган ишига ўхшашни ёки енгилроқ ишни қилиб ё яхши ишни қилиб нобуд қилса, товон тўламагай. Масалан, бир отни тўрт соат вақтда икки ботмон юк ташимоққа орийатга берганидан сўнг беш соат ичида мазкур юкни ташитиб ё икки ярим ботмон юкни ташитиб, ҳалок қилса, товон тўлагай. Аммо тўрт соат ичида икки ботмон юкни ортиб ёки икки соат ичида бир ярим ботмон ё икки ботмон юкни ортиб, нобуд қилса, товон тўламагай.

وَ كَذَا تَقْيِيدُ الْإِجَارَةِ بِنَوْعٍ أَوْ قَدْرٍ

Ва ижарага берган киши қандоқ хизмат учун деб ва яна фалон вақтгача фойдаланмоқни баён қилиб ёки баён қилмай, мутлақ ижарага берган сувратда юқорида баён қилинган орийат ҳукмига ўхшашдир, яъни, бир одам, масалан, отни ижарага берганда, қандоқ фойдалансанг, ўзинг билурсан, деб берса, ўз ихтиёри билан ҳар қандоқ фойдаланса, дуруст бўлгай. Аммо фалон тариқа ишлатурсан ва фойдалангайсан, деб тайинлаб берган сувратда тайинлаганидан ёмонроғини қилиб, нобуд қилса, товон тўлагай. Молнинг эгаси айтганига ўхшашини қилдириб ёки енгилроқ ишни қилдириб, нобуд қилса, товон тўламагай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ رَدُّهَا إِلَى إِصْطَبْلِ مَالِكِهَا أَوْ مَعَ عَبْدِهِ أَوْ أَجِيرِهِ مُسَانَهَةً أَوْ مُشَاهَرَةً أَوْ مَعَ أَجِيرِ رَبِّهَا أَوْ عَبْدِهِ يَقُومُ عَلَى دَابَّةٍ أَوْلاَ تَسْلِيمٌ

Ва орийат олган кишининг орийатга олган от эгасининг отхонасига қайтариб киргизиб юбормоғи эгасига топширмоғидир. Ёки орийатга олган одамни қули билан ёки хизматкори билан ёки мол эгасининг қули ёки хизматкори билан қайтариб бермоғи топширмоқдир, андин кейин ул нарса нобуд бўлса, орийатга олган киши товон тўламоқдан қутулгай.

كَرَدِّ مُسْتَعَارٍ غَيْرِ نَفِيسٍ إِلَى دَارِ مَالِكِهِ

Қиймматбаҳо бўлмаган байтул-молнинг эгасини ҳовлисига қайтармоққа ўхшаш, яъни, ҳовлисига келтириб қўймоқ топширмоқ ҳукмида бўлганига ўхшаш, қозон, товоқ, кўза ва буларга ўхшаган нарсаларни эгасининг ҳовлисига келтириб қўймоқ топширмоқ ҳукмида бўлиб, нобуд бўлса, орийатга олган киши товон тўламагай, лекин қийматбаҳо нарсалар, масалан, маржон ва марварид, ва жавҳарларга ўхшаш нарсаларни ҳовлисига келтириб қўймоқ эгасига топширмоқ ҳукмида бўлмагай. Магар орийатга берган кишининг ўзига келтириб бермоқ топширмоқдир. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

بِخِلاَفِ رَدِّ الْوَدِيعَةِ وَ الْمَغْصُوبِ إِلَى دَارِ مَالِكِهَا

Аммо омонат олинган нарсани ва тортиб олинган нарсани эгасининг ҳовлисига келтириб қўймоқ топширмоқ эмасдир. Зероки, омонат билан тортиб олинган мол урфда эгасининг ўзига келтириб берилур. Ва орийат мол урфда эгасининг ҳовлисига келтириб қўйилур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ عَارِيَةُ النَّقْدَيْنِ وَ الْمَكِيلِ وَ الْمَوْزُونِ وَ الْمَعْدُودِ قَرْضٌ

Ва тилла, кумушни орийатга олмоқ ва яна ўлчов билан ё тарозу билан тортиладиган нарсаларни, тухумга ўхшаш саналиб юргизиладиган нарсаларни орийатга олмоқ қарз ҳукмидадир. Орийат билан қарз орасидаги фарқ шулки, орийатга берилган нарсанинг эгаси рухсат берган миқдор наф олиниб, нобуд бўлса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

товон тўланмагай. Аммо агарчандики қарзга берилган нарса олинганидан кейин, фойдаланмасдан илгари нобуд бўлса, товон тўлагай.

وَ صَحَّ إِعَارَةُ الأَرْضِ لِلْبِنَاءِ وَ الْغَرْسِ

Ва ерни иморат қилмоқ ва дарахт экмоқ учун орийатга бермоқ дурустдир.

وَ لَهُ أَنْ يَرْجِعَ عَنْهَا وَ يُكَلَّفَ قَلْعَهُمَا

Ва ул орийат берган киши орийат берганидан қайтмоққа ихтиёрлидир ва қайси вақтда қайтса ҳам дурустдир, орийат олган одам хоҳлаган вақтида иморат билан дарахтни ердан кўчирмоққа таклиф қилгай.

وَ ضَمِنَ مَا نَقَصَ بِالْقَلْعِ إِنْ وَقَّتَهَا وَ رَجَعَ قَبْلَهُ

Ва орийат берган киши иморатга ва дарахтга кўчирмоқдан етган нуқсонни орийат олиб иморат ва дарахт қилган кишига тўлагай, башарти орийатга вақт тайин қилиб, масалан, олти йил деб, ул вақт етмасдан илгари қайтса.

وَ كُرِهَ الرُّجُوعُ قَبْلَهُ

Ва орийатни эгаси тайин қилган муддат ўтмасдан илгари қайтариб олмоғи макруҳдир. Зероки, ул хилоф ваъдадурким, ул мунофиқларнинг аломатидир, ваъдага вафо қилмоқ мустаҳабдир. Чунончи, «Захийра»да мазкурдир.

وَ لَوْ أَعَارَ لِلزَّرْعِ لاَ يَأْخُذُ حَتَّى يُحْصَدَ وَقَّتَ أَوْ لاَ

Ва агар бир киши ерини экин экмоқ учун орийатга берса, экинни ўрадиган вақти бўлиб, ўриб олгунча ерни қайтариб олмоқ дуруст эмас, орийатга вақт тайин қилсин, ё қилмасин. Зероки, мўъмин кишига зарар еткизмоқ ҳаромдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ أُجْرَةُ رَدِّ الْمُسْتَعَارِ وَ الْمُسْتَأْجَرِ وَ الْمَغْصُوبِ عَلَى الْمُسْتَعِيرِ وَ الْمُوجِرِ وَالْغَاصِبِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва орийатга олинган нарсани қайтармоқ ужраси орийат олган одамга лозимдир. Ижарага олинган нарсани қайтармоқ ужраси ижарага берган кишига лозимдир. Ва тортиб олинган нарсани қайтармоқ ужраси тортиб олган одамга лозимдир. Масалан, Зайд жунайдлик Амрдан бир отни орийатга олса, ваъдаси тамом бўлганидан кейин ул отни Тошканддан Хўжандга элтиб бермоққа Бакрни ўн беш тангага солса, ул ўн беш тангани бермоқ орийат олган Зайдга лозимдир. Аммо Зайд Амрдан ул отни ижарага олган бўлса, отни олиб келиб берган Бакрга ўн беш тангани бермоқ Амрга лозимдир, агар Зайд тортиб олган бўлса, Зайдга лозимдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْوَدِيعَةِ

ВАДИЪАТ КИТОБИ

Бу китобда омонат ҳукмларининг баёни. **Вадиъат** деб луғатда қўймоқни айтилур, бу «вадаъ»дан олингандир. Ва сафар вақтидаги вадоъ бу қабиладандир. Зероки, ҳамроҳларини қўйиб, бир-бирларидан айрилиб кетгайлар.

هِيَ أَمَانَةٌ تُرِكَتْ لِلْحِفْظِ

Шариатда ул вадиъат бир омонатдирки, сақлаб ва эҳтиётлаб турмоқ учун бир кишининг олдига қўйилган.

وَ ضَمَانُهَا كَالْعَارِيَةِ

Ва омонатни тўламоқ ҳукмлари орийатни тўламоқнинг ҳукмларига ўхшашдир.

وَ لَهُ حِفْظُهَا بِنَفْسِهِ وَ عِيَالِهِ وَ إِنْ نُهِيَ

Ва омонат қўйилган кишига ул омонатни ўзи сақламоғи ва аёлига сақлатмоғи дурустдир ва агарчандики омонат қўйган киши аёлига сақлатмоқдан манъ қилган бўлса ҳам. Аёл деб хотинлар ва фарзандлар ва дийгар бирга туриб, нафақаси лозим бўлган одамларни айтилур. Чунончи, луғатларда мазкурдир.

وَ السَّفَرُ بِهَا عِنْدَ عَدَمِ النَّهْيِ وَ الْخَوْفِ

Ва яна омонат билан сафар қилмоқ дурустдир, омонатни қўйган киши сафарга олиб бормоқдан манъ қилмаса ва яна сафарда душмандан хавф қилмоқ бўлмаган вақтда сафарга олиб бормоқ дурустдир.

وَ لَوْ حَفِظَ بِغَيْرِهِمْ ضَمِنَ

Ва агар омонат қўйилган киши ўзидан ва аёлларидан бошқа кишиларга сақлатиб, омонат нарса нобуд бўлса, омонат қўйилган киши ё сақламоқ учун олган бошқа одам товон тўлагай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

إِلاَّ إِذَا خَافَ الْحَرْقَ وَ الْغَرْقَ فَوَضَعَهَا عِنْدَ جَارِهِ أَوْ فِي فُلْكٍ آخَرَ

Магар товон тўламагай ҳар вақтики, ўзи ё аёли билан сақлаганда куймоқдан ё сувга ғарқ бўлмоқдан қўрқса, андин кейин қўшнисининг олдига қўйса. Ё куймасин, ё ғарқ бўлмасин, деб ўзи ўтирган кемадан бошқа кемага қўйса, анда нобуд бўлса, албатта, товон тўламагай.

فَإِنْ حَبَسَهَا بَعْدَ طَلَبِ رَبِّهَا قَادِرًا عَلَى التَّسْلِيمِ

Агар омонатни сақлаган киши эгаси, молимни менга топширгил, деб талаб қилганда омонатни топширмоққа қудрати етиб туриб, топширмаса

أَوْ جَحَدَهَا

ёки эгаси талаб қилганидан кейин, олганим йўқ, деб мункир бўлса,

أَوْ خَلَطَ بِمَالِهِ حَتَّى لاَ يَتَمَيَّزُ

ёки ул омонат молни ўз молига аралаштирса, ҳаттоки омонат молни анинг молидан айириб бўлмаса, масалан, сутни сутга ва омонат буғдойни буғдойга аралаштирганга ўхшаш,

أَوْ تَعَدَّى فَلَبِسَ

ёки омонатга таъаддий қилса, яъни, хиёнат қилса, масалан, омонат кийим бўлиб, уни кийса,

أَوْ رَكِبَ

ёки омонат от бўлиб, уни минса,

أَوْ حَفِظَ فِي دَارٍ أُمِرَ بِهِ فِي غَيْرِهَا

ёки омонат қўйган киши, қўйгил, деб амр қилган уйдан бошқа уйда сақласа,

أَوْ جَهَّلَهَا عِنْدَ الْمَوْتِ ضَمِنَ

ёки омонат сақлаган киши ўлар вақтида ворисларига, бу мол омонат, деб айтмаса, – бу баён қилинган масъалаларнинг ҳаммасида омонат қўйилган киши товон тўлагай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ إِنْ أَزَالَ التَّعَدِّي زَالَ ضِمَانُهُ

Ва агар хиёнатни йўқ қилса, масалан, омонат қўйилган жомани бир мартаба кийганидан кейин киймаса, ёки омонат отни бир мартаба минганидан кейин минмаса, хиёнат сабабидан вожиб бўлган товон йўқ бўлгай, яъни, товон тўламоқ вожиб бўлмагай.

وَ إِنْ اخْتَلَطَت بِلاَ فِعْلِه اشْتَرَكَا

Ва агар омонатни сақлаган кишининг феълидан бошқа ўзининг моли ул омонатга аралашса, масалан, омонат пул қўйилган ҳамёни ё ўзининг ҳамёни йиртилиб, иккаласининг пули аралашса, иккалалари шерик бўлгайлар, ҳар иккалалари ўз қадри ҳиссаларини олгайлар, ул вақтда нобуд бўлса, иккаласининг молидан нобуд бўлгай, қолганини бирга бўлиб олгайлар.

وَ لاَ يُدْفَعُ إِلَى أَحَدِ الْمُودِعَيْنِ قِسْطُهُ بِغَيْبَةِ الآخَرِ

Ва икки киши шериклик молни бир одамга омонат қўйсалар, омонат сақлаган киши ҳеч қайси бирининг қадри ҳиссасини бири ғойиб бўлганда бермагай, яъни, иккала шерик билан келмаса, бермагай.

وَ لأَحَدِ الْمُودَعَيْنِ دَفْعُهَا إِلَى الأَخَرِ فِيمَا لاَ يُقْسَمُ

Ва икки киши сақламоқ учун бир одамдан омонат олсалар, уларнинг бири иккинчисига омонатнинг тамомини бермоғи дурустдир, бўлиб бўлмайдиган нарсада бир қул ва ё бир чафон, ва ё бир отга ўхшаш.

وَ دَفْعُ نِصْفِهَا فِيمَا يُقْسَمُ

Ва тақсим қилинадиган, яъни, бўлиб бўладиган омонатда, масалан, ғалла ва пулга ўхшаш бўлган тўғрида омонатни икки бўлиб, ярмини ўзи сақлаб, қолган ярмини ул кишига бермоқ дурустдир.

وَ ضَمِنَ دافِعُ الْكُلِّ لاَ قَابِضُهُ

Ва агар тақсим қилганидан кейин қадри ҳисса билан фойда мумкин бўлган молни сақламоқ учун шеригига ҳаммасини берса, ул вақтда омонат нобуд бўлса, шерикка берган киши ул омо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

натнинг нисфини тўлагай, сақламоқ учун ҳаммасини олган киши асло товон тўламагай. Зероки, омонатдорнинг омонатдоридир. Ва ул омонатдорнинг омонатдори, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, товон тўламагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ لاَ اعْتِبَارَ لِلنَّهْيِ عَنِ الدَّفْعِ إِلَى مَنْ لاَ بُدَّ لَهُ مِنْ حِفْظِهِ

Ва ул кишига бермоқдан манъ қилмоққа эътибор йўқдирки, ундин эҳтиёт қилмоқдан чора ва илож йўқдир, яъни, ҳар вақтики, бир омонат бир кишига топширилса ва ул омонат сақлайдиган кишига, хотинингга ё қулингга, ё ўғлингга, ё қўшнингга берма, дейилса, ваҳоланки улардан эҳтиётланмоқнинг иложи бўлмаса, ул сўзга қулоқ солинмагай.

وَ عَنِ الْحِفْظِ فِي بَيْتٍ مِنْ دَارٍ

Ва яна омонат молни берган кишининг омонатини сақлайдиган одамнинг кўп уйларидан бирида сақламоқдан манъ қилмоққа эътибор йўқдир, агар бу уйга қўймагил, деган уйга қўйиб нобуд бўлса, товон тўламагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

إِلاَّ أَنْ يَكُونَ لَهُ خَلَلٌ ظَاهِرٌ

Магар омонат қўйган киши манъ қилган уйда зарар етмоғи ошкор ва зоҳир бўлса, эътибор қилинур ва хилоф амр бўлгани сабабидан товон тўлагай.

وَ لَوْ أَوْدَعَ الْمُودِعُ فَهَلَكَتْ ضَمَّنَ الأَوَّلَ

Ва агар омонатни сақлаган киши ул омонатнинг эгасидан бежавоб ва беузр аёлидан бошқа кишига омонат қўйса, ундин кейин ул омонат мол нобуд бўлса, унинг эгаси аввалги омонат қўйилган кишига тўлатиб олгай.

وَ لَوْ أَوْدَعَ الْغَاصِبُ ضَمَّنَ أَيًّا شَاءَ

Ва агар бир одамнинг молини зўрлик билан тортиб олиб, уни бир одамга омонат қўйса, ундан кейин ул мол нобуд бўлса, мол эгасининг ихтиёри ўзидадир, хоҳласа, тортиб олган кишига товон тўлатгай, хоҳласа, омонат қўйилган кишига тўлатгай. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْغَصَبِ

ҒАСБ КИТОБИ

Бу китобда бир кишининг молини тортиб олмоқ ҳукмларининг баёни келади. **Ғасб** луғатда бир нарсани эгасидан зулм билан тортиб олмоқдир.

هُوَ اَخْذُ مَالِ مُتَقَوِّمٍ مُحْتَرَمٍ عَلَنًا بِلاَ إِذْنِ مَالِكِهِ يُزِيلُ يَدَهُ

Ва шариатда – ул ғасб фойдаланмоғи ҳалол бўлса ҳам, бегона кишининг моли бўлгани жиҳатидан ҳаром бўлган молни эгасининг кўзи олдида беизн олиб, молнинг эгаси тасарруф этолмайдиган қилишга айтилур.

فَلاَ غَصْبَ فِي الْعَقَارِ حَتَّى لَوْ هَلَكَ فِي يَدِهِ لاَ يَضْمَنُ

Бас, унинг учун, яъни, ғасб деб молнинг эгасини тасарруф этолмайдиган қилишга айтилгани жиҳатидан Имом Аъзам билан Имом Абу Юсуф раҳимаҳумуллоҳ наздларида, кўчмайдиган молларда, масалан, ер ва ҳовлида ғасб йўқдир, ҳаттоки агар тортиб олган одам қабзида ҳовли нобуд бўлса, масалан, сув босса ё сел олиб кетса, товон тўламагай.

وَ مَا نَقَصَ بِفِعْلِهِ يَضْمَنُ

Ва зўрлик билан ерни тасарруф қилган одамнинг феъли билан ул ерга нуқсон етса, уни тўлагай. Масалан, туфроғини олган бўлса, тўлғазиб бергай.

وَ اسْتِخْدَامُ الْعَبْدِ غَصْبٌ لاَ جُلُوسُهُ عَلَى الْبِسَاطِ

Ва бир кишининг қулини ўз ҳолига қўймай, эгасига сўз бермай, хизмат қилдирмоқ ғасбдир, агар нобуд бўлса, қийматини тўлагай, лекин бисот устида ё уйда ўлдирмоқ ғасб бўлмагай, хожасидан айириб олмагани жиҳатидан.

وَ حُكْمُهُ الإِثْمُ لِمَنْ عَلِمَ وَرَدُّ الْعَيْنِ قَائِمَةً وَالْغُرْمُ هَالِكَةً

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва ул ғасбнинг шариатда **уч ҳукми** бордир. Ул ҳукмларнинг бири шулки, бир киши бир одамнинг молини тортиб олса, ўтли дўзахга мустаҳиқ бўлгай, башарти ул мол бегона одамнинг ҳақи эканлигини муайян билса. Аммо ўзимнинг молим, деб гумон қилиб олса, ёки асло фаҳмламай олса, гуноҳкор бўлмагай.

Иккинчи ҳукми шулки, тортиб олинган мол турган бўлса, ул молни эгасига қайтармоқ вожиб бўлгай.

Учинчи ҳукми шулки, тортиб олинган нарса нобуд бўлган бўлса, товон тўламоқдир. Хоҳ тортиб олган одамнинг ўз феъли билан нобуд бўлган бўлсин, хоҳ бошқа одамнинг феъли билан нобуд бўлган бўлсин, хоҳ офати самовий билан нобуд бўлган бўлсин. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ يَجِبُ فِي الْمِثْلِيِّ الْمِثْلُ كَالْمَكِيلِ وَالْمَوْزُونِ وَالْعَدَدِي الْمُتَقَارِبِ

Ва ул нобуд бўлган нарсанинг ўз баробари бўлганда баробарини тўламоқ вожиб бўлгай, унинг миқдори ўлчов билан ва тарозу билан билинадирган нарсага ўхшаш. Ва яна саналадиган нарсаларга ўхшашки, уларнинг баҳоларида тафовут бўлмагай, тухумга ўхшаш.

فَانْ انْقَطَعَ الْمِثْلِيِّ فَقِيْمَتُهُ يَوْمَ يَخْتَصِمَانِ

Бас, нобуд бўлган нарсанинг баробари бозорларда топилмаса, нобуд бўлган нарсанинг хусумат кунидаги, яъни, даъво қилинган кунидаги баҳоси вожиб бўлгай.

وَ فِي غَيْرِ الْمِثْلِيِّ قِيْمَتُهُ يَوْمَ الْغَصْبِ

Ва монанд ва ўз баробари бўлмаган нарса нобуд бўлганида, масалан, от ва жомага ўхшаш, баҳо қўйилиб юритиладиган нарсаларда тортиб олинган кундаги баҳоси тўлатилгай.

كَالْعَدَدِي الْمُتَفَاوِتِ فَانْ ادَّعَى الْهَلَاكَ حُبِسَ حَتَّى يُعْلَمَ انَّهُ لَوْ بَقِى لَظَهَرَ

Бас, агар бир одамнинг молини тортиб олган киши, нобуд бўлди, деб даъво қилса, тортиб олган киши билингунча ул нарса нобуд бўлмай қолса, албатта, зоҳир ва ошкор бўлгай эди, деган вақтгача қамаб қўйилур.

ثُمَّ قُضِيَ عَلَيْهِ بِالْبَدَلِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Андин кейин ул молнинг нобуд бўлмаганлиги маълум бўлса, уни қамоқдан чиқариб, молни эгасига қайтариб бермоққа ҳукм қилингай. Аммо молнинг нобуд бўлганлиги маълум бўлса, мол баробарига мол тўламоққа ҳукм қилингай.

وَالْقَوْلُ فِيهِ لِلْغَاصِبِ إِنْ لَمْ يُقِمْ حُجَّةُ الزِّيَادَةِ

Ва ул нобуд бўлган нарса баробарига товон тўламоқ билан ҳукм қилганда, молни тортиб олган киши, ул мол фалон ҳаққа арзийдиган мол эди деса, қасам берилиб, сўзини эътибор қилинур, башарти молнинг эгаси мол фалон пулга арзийдиган эди, деб далил билан исбот қилолмаса. Бас, агар молнинг эгаси зиёда баҳога арзийдиганлигини далил билан исбот қилса, молнинг эгаси айтган миқдори ҳақни тўламоққа ҳукм қилинур.

فَإِنْ ظَهَرَ وَ قِيْمَتُهُ أَكْثَرُ وَ قَدْ ضَمِنَ بِقَوْلِهِ أَخَذَهُ الْمَالِكُ

Агар тортиб олинган молнинг нобуд бўлмоғи даъво қилингани жиҳатидан баробарига мол ёки ҳақини тўлагандан кейин тортиб олинган молнинг нобуд бўлмаганлиги зоҳир ва ошкор бўлиб, ул молнинг қиймати тўланган ҳақдан кўпроқ баҳо бўлмоқлиги маълум бўлса ва ул тортиб олган киши ўзининг сўзи билан товон тўлаган бўлса, мол эгаси ул зоҳир бўлган молнинг ўзини олгай.

وَرَدَّ بَدَلَهُ

Ва ғосибни, яъни, тортиб олган одамнинг ўзига берган бадалини қайтаргай.

أَوْ أَمْضَى الضَّمَانَ

Ё аввалги товон тўламоқни дуруст кўргай, яъни, тўлаган бадалига рози бўлиб, тортиб олинган молни тортиб олган кишининг қўлида қолдиргай.

وَ إِنْ ضَمِنَ لاَ بِقَوْلِهِ فَهُوَ لِلْغَاصِبِ

Ва агар молни тортиб олган киши ўз сўзи билан товон тўламай, балки қасамдан бош тортмоқ билан ёки мол эгасининг сўзи билан, ё мол эгасининг гувоҳ ўтказмоғи билан товон тўлаган бўлса, бас, молнинг эгаси бадалга рози бўлгани тўғриси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан ошкор ва зоҳир бўлган тортиб олинган мол тортиб олган кишига бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ أَنْ اَجَرَ الْمَغْصُوبَ أَو الأَمَانَةَ أَوْ رَبِحَ بِالتَّصَرُّفِ فِيهِمَا تَصَدَّقَ

Ва агар тортиб олган киши тортиб олинган молни ижарага берса, ё омонатдор киши омонатни ижарага берса, ё ул тортиб олинган молда ё омонат қўйилган молда сотмоқ ва олмоққа ўхшаш тасарруф билан фойда ҳосил бўлса, ижара билан фойдани тортиб олгувчи ё омонат сақлаган киши садақа қилмоғи вожибдир.

إِلاَّ إِنْ يَكُونَا دَرَاهِمَ أَوْ دَنَانِيرَ لَمْ يُشَرْ إِلَيْهِمَا أَوْ أَشَارَ وَنَقَدَ غَيْرَهُمَا

Магар тортиб олинган нарса ва омонат қўйилган нарса тангалар ё тиллалар бўлса, қаралгай, агар савдо қилишган вақтда нарса баробарига ушбу тангалар ва тиллалар бўлгай, деб ишорат қилишмаса, ёки ишорат қилинса ҳам, ул танга билан тилладан бошқани нақд бериб савдо қилса ва ундан фойда ҳосил бўлса, ул фойдани садақа бермоқ вожиб эмас, ўзига ҳалол бўлгай. Аммо бу тангалар бўлгай, деб ишорат қилганда, ул тангаларни олса, ҳалол бўлмагай, уни садақа қилмоқ вожиб бўлгай. Ва бизларнинг машойихларимизнинг мухтор наздларида шулки, бу ҳар тариқада берилса ҳам, ҳалол эмас. «Мабсут» ва «Жомиъайн»да мутлақ бўлгани жиҳатидан. Чунончи, «Ҳидоя», «Мажмаъу-л-анҳар», «Кофий» ва «Мултақий абҳур»да ва бошқа китобларда мазкурдир. Ва ихтиёр қилибдирлар бу масъалани «Фахру-л-Ислом» ва «Китоби Биржиндий»да, фатво «Мансуриййа»дан, ҳувал мухтору лил-фатво ушбудир. Чунончи, «Мултақий абҳур»да мазкурдир.

وَ إِنْ غَصَبَ وَغَيَّرَ فَزَالَ اسْمُهُ وَاَعْظَمُ مَنَافعه ضَمِنَهُ

Ва агар бир кишининг молини зўрлик қилиб тортиб олса, ул нарсани тортиб олган киши ўз тасарруфи билан тағйир берса, андин кейин ул молнинг номи ва улуғроқ фойдаси йўқолса, тортиб олган киши ул нарсага товон тўлагай.

وَ ملكهُ بِلاَ حِلٍّ قَبْلَ أَدَاءِ بَدَلِه

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва яна тортиб олган киши ул молга эга бўлгай, товон тўламоқ муқаррар бўлгани жиҳатидан, лекин ул молнинг бадалини бермасдан илгари ундан фойдаланмоқ ҳалол бўлмагай. Зероки, ул мол ҳабис ва нажас мулкдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

كَذَبْحِ شَاةٍ وَطَبْخِهَا وَجَعْلِ صُفْرٍ أَنَاءً

Тортиб олинган қўйни ё тевани, ё қора молни сўйиб пиширганга ўхшаш. Ва хувла ва мисни идиш қилганга ўхшаш, яъни, обдаста ва қумғон, ва қозон қилганга ўхшаш, бу сувратларда тортиб олган киши ул нарсаларга эга бўлгай ва унинг гарданига бадалини тўламоқ вожибдир.

بِخِلَافِ الْحَجَرَيْنِ فَهُمَا لِلْمَالِكِ بِلَا شَيْءٍ

Тилла ва кумушни, масалан, кўза ва обдаста ё тилла ва тангга қилмоқнинг хилофи биланким, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, булардан қилинган асбоблар, тангалар ва динорлар тилла ва кумушларнинг эгасига бўлгай, мазкурларни ясаганга ҳеч нарса бермоқ вожиб бўлмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Мажмаъу-л-анҳар»да мазкурдир.

وَلَوْ خَرَّقَ ثَوْبًا وَفَوَّتَ بَعْضَ عَيْنِهِ أَوْ بَعْضَ نَفْعِهِ طَرَحَهُ الْمَالِكُ عَلَيْهِ وَأَخَذَ قِيمَتَهُ

Ва агар тортиб олган кийимни йиртса ва ул кийимни баъзи ажзоси йўқолса, ё баъзи фойдаси ва нафи йўқолса, эгаси ул йиртилган кийимни тортиб олган кишига ташлагай ва унинг қийматини ул кишидан тўлатиб олгай.

أَوْ أَخَذَهُ وَضَمَّنَ نُقْصَانَهُ

Ё ул йиртилган кийимни эгаси олгай, тортиб олган кишига кийимнинг нуқсонини тўлатгай, яъни, бу баён қилинган икки ҳукм орасида кийимнинг эгаси ихтиёрлидир мундоғ йиртилганда.

وَ فِي الْخَرْقِ الْيَسِيرِ ضَمِنَ مَا نَقَصَ

Ва тортиб олган оз ва андак йиртганда унинг сабабидан кий-

www.ziyouz.com kutubxonasi

имнинг ҳеч фойдаси камаймай, баҳосини камитса, эгаси кийимни олгай, ғасб қилиб олган кишига етган нуқсон баҳосини тўлатгай.

وَ مَنْ بَنَى فِي اَرْضِ غَيْرِهِ أَوْ غَرَسَ أُمِرَ بِالْقَلْعِ وَالرَّدِّ

Ва бир киши бир одамнинг ерига зўрлаб иморат қилса, ё дарахт экса, тортиб олган кишига иморатни бузиб олмоққа ва дарахтини кўчириб, ерни бўшатиб эгасига қайтармоққа амр қилинур.

وَ لِلْمَالِكِ أَنْ يَضْمَنَ قِيْمَةَ بِنَاءٍ أَوْ شَجَرٍ أُمِرَ بِقَلْعِهِ إِنْ نَقَصَتْ بِهِ

Ва агар ул ерга иморатни ва дарахтни олмоқ сабабидан нуқсон ва зарар етса, ер эгасига ерни бўшатмоққа буюрилган иморат ва дарахт қийматини тортиб олган кишига бериб, ул нарсаларни ўзида қолдирмоғи дурустдир.

وَ اِنْ حَمَّرَ الثَّوْبَ ضَمَّنَهُ اَبْيَضَ

Ва бир киши бир одамнинг оқ жомасини тортиб олиб, қизилга ё сариққа бўяса, жоманинг эгаси тортиб олган кишидан оқ жоманинг ҳақини тўлатиб олгай.

أَوْ أَخَذَهُ وَ غَرِمَ مَا زَادَ الصَّبْغُ

Ёки жоманинг эгаси ўзи олган бўёқ сабабли ортган баҳони тўлагай. Зероки, ул киши аслнинг эгасидир, бўёқ васфдир, васфга эга бўлмоқда асл молнинг эгаси ихтиёрлидир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ إِنْ سَوَّدَ ضَمِنَهُ اَبْيَضَ أَوْ أَخَذَهُ وَلاَ شَيْءَ لِلْغَاصِبِ

Ва агар тортиб олган киши оқ жомани қорага бўяса, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, жоманинг эгаси тортиб олган кишидан оқ ҳолидаги қийматини тўлатиб олгай ёки жомани ўзи олгай, бўёқ ҳақи учун тортиб олган кишига ҳеч нарса бермоқ лозим эмас. Зероки, қорага бўямоқ жомага нуқсдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

Ҳикоят қилинибдир, албатта Ҳорун ар-Рашид Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳга кийим киймоқда қайси ранг ки-

www.ziyouz.com kutubxonasi

йим кийилур, деб маслаҳат қилибдир. Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ айтибдирлар: «Рангларнинг яхшироғи ул нарсадирки, унга Қуръон битилгай». Ул жанобнинг сўзларини Ҳорун ар-Рашид кўп яхши фаҳмлабдирлар. Ҳорун ар-Рашиддан кейинги тобеъларим бу сўзларни яхши фаҳмлабдирлар. Чунончи, «Мултақий абҳур»да ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ إِنْ بَاعَ أَوْ اَعْتَقَ ثُمَّ ضَمِنَ نَفَذَ الْبَيْعُ

Ва агар бир одам тортиб олинган қулни сотса ё озод қилса, андин кейин қул эгаси тортиб олган одамдан ҳақини тўлатиб олса, қулни сотмоғи дурустга айлангай.

لاَ العِتْقُ

Аммо тортиб олган киши қулнинг хожасига ҳақини тўлагандан кейин озод қилмоғи жоиз эмас. Зероки, мулк ноқис сотмоқ жоиз бўлмоғига кифоя қилгай, озод қилмоқ жоиз бўлмоғига кифоя қилолмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ زَوَائِدُ الْغَصْبِ مُتَّصِلَةً أَوْ مُنْفَصِلَةً لاَ تُضْمَنُ إِنْ هَلَكَتْ

Ва тортиб олинган нарсада пайдо бўлган зиёдаликларким, хоҳ ундан айрилмасдан бўлсин, семизлик ва ҳусн ва жамолга ўхшаш. Ё тортиб олинган нарсадан айрилган зиёдалик бўлсин, туғилган бола ва соғиб олинган сут ва қоқиб олинган мевага ўхшаш, зиёдаликнинг нобуд бўлмоғи билан товон тўламоқ лозим бўлмагай.

إِلاَّ بِالتَّعَدِّي أَوِ الْمَنْعِ بَعْدَ الطَّلَبِ

Магар тортиб олган одам қасд билан нобуд қилса ёки молнинг эгаси, молимни қайтиб бер, деб сўрагандан кейин бермаса, ундан кейин ул мол нобуд бўлса, товон тўламоқ лозимдир.

وَ خَمْرُ الْمُسْلِمِ وَخِنْزِيرُهُ وَ مَنَافِعُ الْغَصْبِ لاَ يُضْمَنُ

Мусулмон одамнинг шаробини ва мусулмон киши ё зиммий ичмоқ билан ё тўкмоқ билан, ё туз солиб сиркага айлантирмоқ, ё бошқа тадбир билан нобуд қилса, ёки мусулмон кишининг хинзирини нобуд қилса ва яна тортиб олинган нарсаларниким,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қул ё отни тортиб олиб, неча кунлар иш қилдириб, уларни эгасига қайтарганидан кейин ишининг ужрасини тўламоқ тортиб олган кишига лозим эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

بِخِلَافِ السُّكَّرِ وَ الْمُنَصَّفِ وَ الْمَعْزَفِ فَتَجِبُ قِيْمَتُهُ لَا لِلْهَوِ

Аммо бир одамни маст қиладиган шаробни ё қайнатилган узумнинг ширасини, ё ўйин асбобини, масалан, танбур, дутор, сурнай, барбат, чирманда ва булардан бошқа нарсаларни нобуд қилса, бас, баён қилинган нарсаларнинг ўйин учун қилинмаган ҳолидаги баҳосини бермоқ вожибдир. Масалан, бир танбур қилинган ёғочнинг қийматини тўлагай ва бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида ва Имом Абу Юсуф, Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳ наздларида, мардумлар орасида фасод кўп бўлгани жиҳатидан ўйин асбобларини синдирмоқ билан товон тўламагай ва товон тўламасликда фатво иккала жанобнинг қавлларига дейилибдир. Зероки, бу нарсалар маъсийат учун тайёр қилинибдир, бас, ўйин асбобларига баҳо қўймоқ одамлар орасида шаробга баҳо қўйганга ўхшаш ботил бўлур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ مَنْ حَلَّ قَيْدَ عَبْدٍ أَوْ فَتَحَ قَفَصَ طَائِرٍ لَا يُضْمَنُ

Ва Имомайн наздларида, бир киши бир одам қулининг кишанини ё бандини очса, ундан кейин ул қул қочиб кетса ёки қушнинг қафасини очса, ундан кейин ичидаги қуш чиқиб кетса, ё отхонанинг эшигини очса, ундан кейин ичидаги ҳайвонлар чиқиб кетса, ул очган кишига товон тўламоқ вожиб эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ مَنْ سَعَى بِغَيْرِ حَقٍّ

Ва бир киши бир одамни подшоҳга чақимчилик қилиб, ноҳаққа пул тўлатса, чақимчидан ул киши тўлаган миқдори пулни тўлатиб олгай ва бу Имом Муҳаммад раҳматуллоҳ қавлларидир ва бу қавлга фатво берилур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Бас, бир сабаб учун подшоҳга бориб чақимчилик қилса, масалан, ўзига бир одам изо берса, анинг изосидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

халос топмоқнинг иложи бўлмагани тўғрисидан подшоҳга чақса ё фосиқ киши амри маъруф билан қайтмагани сабабидан фисқидан манъ қилмоқ учун подшоҳга чақса, чаққувчига товон тўламоқ лозим эмас. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир.

أَوْ قَالَ مَعَ حَاكِمٍ يُغَرِّمُ أَنَّهُ وَجَدَ مَالاً فَغَرَّمَهُ يُضْمَنُ

Ё бир киши ҳокимнинг йўлдошига, яъни, золим ҳоким билан юрадиган одамга фалон одам жазм ва бегумон мол топиб олди деса, ундан кейин ул одамдан тўлатиб олса, мол топиб олди, деб хабар берган товон тўлагай, яъни, товон тўламоғи лозимдир. Ва агар мусулмон киши зиммийдан, яъни, жизйа бермоқни қабул қилган ғайридиндан бир нарсасини тортиб олса ё ундан ўғирлаб олса, Қиёмат кунида ул мусулмон азоб қилинур. Ва Қиёмат кунида ул ғайридиннинг душманлик қилмоғи ва жанг қилмоғи ашад ва маҳкамроқдир. Бас, мусулмон кишининг зулм ва ҳақ талаб қилмоғидан ғайридиннинг зулм ва ҳақ талаб қилмоғи ашад ва маҳкамроқдир. Зероки, ғайридин ҳамиша аҳли нордандир, одамлардан ҳақларини олган сабаб дўзахда тахфифлик воқеъ бўлгай, яъни, дўзах азоби енгил қилингай. Андоғ бўлса, кечиб юборгай, деб ғайридиндан умид қилиб бўлмайдир ва одамларда ҳақи бор мусулмондан кечирмоқни умид қилинур. Ва ҳар вақтики, ғайридин Қиёматда махосама қилса, мўъмин киши билан ул мўъмин тоъатининг савобини бермоқдан бўлак важҳ йўқдир ва мўъмин кишининг савоби бўлмаган сувратда ғайридин куфрининг вуболини (масъулиятини) мўъмин киши устига қўймоқдан бошқа важҳ йўқдир, ундан кейин азоб қилмоқ ғайридин ҳақини еб кетган мўъминга тайин қилингай ва ушбу сабабдан тўрт оёқли ҳайвонларнинг хусумати Қиёматда одамизодга одамизоднинг қилган хусуматидан ёмонроқдир. Чунончи, «Кубро»да мазкурдир, «Фатовойи Оламгирийя»да мазбурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الرَّهْنِ

РАҲН КИТОБИ

Бу китобда гаровнинг баёни. **Раҳн** луғатда бир нарсани ҳабс қилмоқдир, нечукким Худойи таоло ва тaборакнинг қавли:

﴿كُلُّ نَفْسٍ بِمَا كَسَبَتْ رَهِينَةٌ﴾

яъни: «Нафс ўзи касб қилган гуноҳ сабаби билан ҳибс қилинибдир». Ва гаров Худойи таборак ва таолонинг китоби билан ва Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари билан ва ижмоъи уммат билан машруъ бўлмоғи собит ва муқаррардир. Аммо Китобуллоҳки, гаровнинг машруъ бўлмоғида Ҳақ субҳона ва таолонинг:

﴿وَإِنْ كُنْتُمْ عَلَىٰ سَفَرٍ وَلَمْ تَجِدُوا كَاتِبًا فَرِهَانٌ مَقْبُوضَةٌ...﴾ اَلْبَقَرَة/٢٨٣

каломи шарифидир. Яъни: «Ва агар сафарда бўлиб, котиб топа олмасангиз, (қарз эвазига) нақд гаров (берилсин)!»

Ва суннат Расулуллоҳ билан машруъ бўлмоғи, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир жуҳуддан таом сотиб олганларида ўзларининг жиҳодга тайёрлаб қўйилган зирҳларини, яъни, совутларини ул жуҳудга гаров қўйибдирлар. Асмо бинти Зайд деди: «Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этдилар ва ул совутлари бир васқ арфага жуҳуднинг олдида гаровга қолди». Чунончи, «Жавҳарату-н-найийра»да мазкурдир. **Васқ** деб, олтмиш соъни айтилур, олтмиш соъ ўн икки пуд ўттиз қадоқ бўлур. Чунончи, луғатларда мазкурдир. Ва яна гаровнинг машруъ бўлмоғи ижмоъи уммат биландир.

هُوَ حَبْسُ مَالٍ مُتَقَوِّمٍ بِحَقٍّ يُمْكِنُ أَخْذُهُ مِنْهُ كَالدَّيْنِ

Ул гаров шариатда қиймати бўлган молни, қарз олган нарсани сабаби билан тўхтатиб, ишонч учун олиб турмоқдир. Ул қарз берилган ҳақининг ҳаммасини мазкур гаров қўйилган молдан олмоқ мумкин бўлгай. Ул гаров мол бир одамнинг ҳақи

www.ziyouz.com kutubxonasi

баробарига қўйиб турмоққа сабаб бўлган нарсалардир, қарзга ўхшаш гаров қарзнинг ўзи учун қўйилмайди, бошқа кўп муомалаларда ҳам ишониш учун қўйилгай. Алҳол бу замонда бизнинг шаҳримизда гаровнинг отини «залук» ва байъ пулини «закалат» демоқ билан машҳурдир. Аммо тамом ҳақни бермай кетганда, ул қўйилган гаров молни сотиб, тамом ҳақни олмоқ мумкин бўлмаганда, гаров мумкин эмас, қисос ва ҳад урмоққа ўхшаш.

وَ يَنْعَقِدُ بِإِيْجَابٍ وَ قَبُوْلٍ

Ва гаров мунъақид бўлгай ийжоб ва қабул билан, масалан, гаров берадиган киши, бу нарсани сенга гаровга қўйдим, менинг гарданимда сенинг учун бўлган ҳақ ва қарз баробарига дегай ва гаров оладиган киши қабул қилдим, дегай.

وَ يَلْزَمُ إِنْ سُلِّمَ مَحُوْزًا مُفَرَّغًا مُتَمَيِّزًا

Ва гаров лозим бўлгай, агар, жамъ қилиб топширилса, дарахт устида бўлган мевани ва ердаги экинни гаров бермоқ дуруст эмас. Ва гаров қўйилган нарсани бошқадан бўшатиб, масалан, дарахтни мевадан ва ерни зироъатдан ва ҳовлини гаровга берган кишининг мол ва матоъидан бўшатиб бермоқдир, мазкурлардан бўшалмаганда бошқанинг мулкидан айириб гаровга бермоқ дуруст эмас. Бас, бир одам билан шериклик нарсани гаровга қўймоқ дуруст эмас.

وَ التَّخْلِيَةُ تَسْلِيمٌ كَمَا فِي الْبَيْعِ

Ва гаровга қўйиладиган нарсани холи қилмоқ ва бўшатмоқ, ва гаровга топширмоқ ҳукмидадир, гарчи олиб бермаса ҳам, сотилган нарсани олмоқдан манъ қиладиган нарсалардан холи қилмоқ ва бўшатмоқ топширмоқ ҳукмида бўлганига ўхшаш.

وَ ضَمِنَ بِأَقَلِّ مِنْ قِيْمَتِهِ وَ مِنَ الدَّيْنِ

Ва (гаровга олинган нарса) гаров олган киши қўлида нобуд бўлса, гаровнинг баҳоси билан қарзнинг қайси бири камроқ бўлса, уни тўламоқ лозимдир. Масалан, гаров етти тангалик бўлиб, қарз ўн тангалик бўлса, олган киши етти танга тўлагай,

www.ziyouz.com kutubxonasi

яъни, етти тангаси гаров берган кишида қолиб, қарз олган кишидан уч танга қайтариб олгай.

فَلَوْ هَلَكَ وَ هُمَا سَوَاءٌ سَقَطَ دَيْنُهُ

Гаров билан қарз иккаласининг баҳоси баробар бўлиб, гаров олган одам қўлида нобуд бўлса, гаров берган ва гаров олган бир-бирларидан ҳеч нарса талаб қилмасалар, қарз олган киши гарданидан соқит бўлгай.

وَ إِنْ كَانَ قِيْمَتُهُ اَكْثَرُ فَالْفَضْلُ أَمَانَةٌ

Ва агар гаровнинг қиймати қарздан кўпроқ бўлса, зиёдаси гаров олган киши қўлида омонатдир, гаров қўйилган нарса таъаддий (хиёнат) билан нобуд бўлса, товон тўламоқ лозимдир ва бетаъаддий нобуд бўлса, товон тўламоқ лозим эмас.

وَ فِي اَقَلَّ سَقَطَ مِنْ دَيْنِه بِقَدْرِه

Ва гаров қўйилган нарсанинг қиймати қарздан камроқ бўлса, қарздан гаров қўйилган нарса қийматининг миқдори соқит бўлгай.

وَ رَجَعَ الْمُرْهَنُ بِالْفَضْلِ

Ва гаров олган киши гаров берган кишидан қарзнинг зиёдасини қайтиб олгай.

وَ يُحْفَظُ كَالْوَدِيعَة

Ва гаров мол омонатга ўхшаб эҳтиёт қилинур. Бас, гаров олган одам ул гаров бўлган молни ўзи сақлагай ва аёли, ва қули, ва хизматкори сақлагай, агар гаров олган кишига тегишли мазкур одамлар бўлсалар. Бу баён қилинганлардан бошқалар билан сақлаб, гаров мол нобуд бўлса, таъаддий бўлиб товон тўламоқ лозим бўлгай.

وَ إِنْ تَعَدَّى ضَمِنَ كَالْغَصْبِ

Ва агар гаров олган киши гаров нарсага таъаддий қилса, яъни, хиёнат қилса, масалан, гаровга қўйилган китобни эгасидан бежавоб ўқиса ёки гаров кийимини кийса, ёки гаров отга минса, ёки гаров ҳовлига бежавоб ўтирса, ёки гаров қулга хиз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мат қилдирса, ёки гаров нарса билан сафар қилса, эгасидан бежавоб хиёнат қилиб истеъмол қилганидан нобуд бўлса, ғасб молни, яъни, тортиб олинган молни тўлаганга ўхшаш тамом баҳосини тўламоқ лозимдир. Қийамий нарсаларда ва мисли нарсаларда ўзига ўхшашни тўлагай. Ва гаров нарсани эгасидан бежавоб истеъмол қилмоқ ҳаромдир, аммо эгасининг жавоби билан истеъмол қилмоқ макруҳдир. Чунончи, «Музмарот»да ва бошқа китобларда мазкурдир.

وَ لاَ يَصِحُّ فِيهَا رَهْنٌ وَ إِجَارَةٌ وَ إِعَارَةٌ وَ إِيْدَاعٌ

Ва гаров олинган нарсани ва омонат молни гаровга қўймоқ ва ижарага бермоқ, ва омонат қўймоқ дуруст эмас. Зероки, гаров олган кишига ва омонат сақлаган кишига молни эгасидан бежавоб тасарруф қилмоқ ҳаромдир, бошқа кишига гаров ва ижарага ва омонат бермоғи хиёнат бўлгани жиҳатидан андин ёмонроқдир.

وَلا فِي الْمُوجِرِ الأَوَّلِ

Ва яна ижарага олинган нарсани гаровга қўймоқ дуруст эмас, ижарага, орийатга бермоғи ва омонатга қўймоғи дурустдир.

وَ فِي الْمُعَارِ الأَوَّلاَنِ

Ва яна орийатга олган нарсага бу масъалада баён қилинган тўрт хил ишоранинг аввалги иккисини қилмоқ, яъни, гаровга қўймоқ ва ижарага бермоқ дуруст эмас. Аммо орийатга бермоқ ва омонат қўймоқ дурустдир. Чунончи, «Орийат» китобида баёни ўтган эди.

وَ لاَ يَبْطُلُ الرَّهْنُ لَوْ فَعَلَ لَكِنْ يَضْمَنُ كَمَا مَرَّ

Ва юқорида баён қилинган тўрт ишни қилмоқ билан гаровнинг ақди ботил бўлмагай, яъни, гаров молни гаровга қўймоқ, ижарага, орийатга бермоқ ва омонат қўймоқ билан гаровнинг ақди ботил бўлмагай. Лекин бу тўрт хил ишнинг бирини қилганидан кейин, агарчандики булардан бошқа сабаб билан гаров нобуд бўлса, тортиб олинган мол нобуд бўлганда товон тўлаганга ўхшаб товон тўлагай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ جَعْلُ الْخَاتَمِ فِي الْخِنْصِرِ تَعَدٌّ

Ва гаровга қўйилган узукни гаровга олган киши ўнг қўлининг ё чап қўлининг жинжилоғига солмоғи хиёнатдир, сақламоқ эмас.

وَ فِي إِصْبَعٍ أُخْرَى حِفْظٌ

Ва аммо бошқа панжаларига солмоғи шариат юзасидан сақламоқ ва эҳтиёт қилмоқдир. Зероки, узук расм ва одатда, мундоқ истеъмол қилинмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ إِذَا طَلَبَ دَيْنَهُ أُمِرَ بِإِحْضَارِ رَهْنِهِ

Ва ҳар вақтики, гаров олган киши гаров қўйган кишидан қарз берган нарсасини талаб қилса, гаров қўйилган молни ҳозир қилмоққа амр қилинур.

إِلاَّ إِذَا وُضِعَ عِنْدَ عَدْلٍ فَيُسَلِّمُ كُلَّ دَيْنِهِ ثُمَّ رَهْنَهُ

Магар ул гаров мол иккаласининг иттифоқлари билан бир одил кишига сақлаб турмоққа қўйилган бўлса, гаров молни ҳозир қилмаса ҳам, қарзни адо қилгай, гаров олган кишига ҳақининг ҳаммасини топшириб бўлганидан кейин гаров молини талаб қилгай, агар қарзнинг баъзисини топширса, гаровга қўйилган молнинг баъзисини эгасига топширмоққа амр қилинмагай. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ كَذَلِكَ إِنَ طَلَبَ فِي غَيْرِ بَلَدِ الْعَقْدِ إِنْ لَمْ يَكُنْ لِلرَّهْنِ مَؤُنَةُ حَمْلٍ

Ва анга ўхшаш гаров олган киши гаров қўйган шаҳардан бошқа жойда берган ҳақини талаб қилса, агар гаров молни юкламоқ ва кўтармоқ машаққат бўлмаса, гаров молни ҳозир қилмоққа амр қилинур. Аммо оғир юк бўлса, гаров қўйган кишининг қарзини тўламоқ таклиф қилинур, гаров молни ул шаҳарга қайтиб борганидан кейин олгай.

وَ عَلَيْهِ مُؤَنُ حِفْظِهِ

Ва гаров молни сақламоқ ва эҳтиёт қилмоқ машаққат ва меҳнатлари гаров олган кишига лозимдир, гаров қўйилган молни эҳтиёт қилиб турадиган кишининг ужрасини бермоққа ўхшаш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ عَلَى الرَّاهِنِ مُؤْنَةُ تَبْقِيَتِهِ

Ва аммо гаров боқий бўлмоғининг меҳнатларини, яъни, гаров мол саломат турмоғи учун зарур бўлган нарсаларнинг, масалан, ҳайвонларни гаровга қўйса, уларнинг озуқалари ва қулни гаровга қўйса, емоқ ва ичмоқлари ва дояни гаровга қўйса, ужраси ва қўйни гаровга қўйса, қўйчўпоннинг ужраси ва бўстонни гаровга қўйса, суғормоғи ва ариқ кавламоғи, ва анҳор кавламоғига ўхшаш нарсаларнинг ҳаммаси гаров берган кишига лозимдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ جَعْلُ الْآبِقِ وَ مُدَاوَاةُ الْجَرْحِ مُنْقَسِمٌ عَلَى الْمَضْمُونِ وَ الْأَمَانَةِ

Ва қочқоқ қулни қайтармоқнинг ужраси ва жароҳатга дору қилмоқнинг ужраси гаровнинг тўланган ҳиссасига тақсим қилинур, яъни, гаровга қўйилган мол қарз олинган нарсадан зиёда бўлса, ул гаров қўйилган мол нобуд бўлганда, қарз миқдори товон тўланиб ва зиёдаси омонат бўлиб, товон тўламоқ лозим бўлмаган икки ҳиссага мазкур ужралар тақсим қилинур, масалан, баҳоси бир минг тангалик бир қул беш юз танга қарз баробарига гаров қўйилса, ундан кейин ул қул қочиб кетса ва уни бир одам муддати сафар жойидан қайтариб олиб келса, ул одамга қайтариб олиб келган ҳақини бермоқ гаровга берган киши билан гаровга олган кишига баробар тақсим қилинур. Ва анга ўхшаш жароҳатга дору қилмоқнинг ужраси гаровга берган одам билан гаровга олган кишига баробар тақсим қилинур.

БУ ФАСЛДА ГАРОВГА ҚЎЙМОҚ ДУРУСТ ВА НОДУРУСТ БЎЛМОҒИНИНГ БАЁНИ

لَا يَصِحُّ رَهْنُ مُشَاعٍ وَ ثَمَرٍ عَلَى نَخْلٍ دُونَهُ وَ زَرْعِ اَرْضٍ أَوْ نَخْلِهَا دُوْنَهَا وَ الْحُرِّ وَفُرُوعِهِ

Киши билан шериклик тақсим қилинмаган, бўлинадиган молни гаровга қўймоқ дуруст эмас, ботилдир. Масалан, шериклик ҳовлининг ярмини гаровга қўймоқ дуруст эмас. Ва яна дарахт устидаги меваларни дарахтидан бошқа (алоҳида, ажратиб),

www.ziyouz.com kutubxonasi

ердаги зироъатни ердан бошқа ё ул ерда бўлган хурмо дарахтларини ердан бошқа гаровга қўймоқ дуруст эмас. Ва яна сотиб бўлмайдиган озод кишини ва унга тобеъларни, яъни, мукотабни ва мудаббарни, ва умму валадни гаровга қўймоқ дуруст эмас. **Мукотаб** деб, масалан, йигирма тилла баробарига озодсан, дейилган қулни айтилур. Ва **мудаббар** деб, мен ўлгандан кейин озодсан, дейилган қулни айтилур. Ва **умму валад** деб хожасидан бола туққан канизакни айтилур. Чунончи, мазкурларнинг маъноларн кўп мақомда баён қилинди.

وَلاَ بِالأَمَانَاتِ وَالْمَبِيعِ فِي يَدِ الْبَائِعِ

Ва яна омонатлар баробарига гаров қўймоқ дуруст эмас. Масалан, бир киши бир одам олдига омонат мол қўйса, омонат қўйилган кишидан мазкур омонат баробарига гаров олмоқ дуруст эмас. Бошқа омонатлар, яъни, орийатга олинган моллар ва ижарага олинган нарсалар ва сотилган нарса сотиб олган киши қабз қилмай, сотган одам қўлида қолса, сотиб олган киши унинг баробарига гаров олмоғи дуруст эмас. Зероки, гаров ҳақиқатан ва ҳукман қарз баробаригадир.

وَ الْقِصَاصِ

Ва яна қисос баробарига гаров қўймоқ дуруст эмас, масалан, бир одам бир кишини қасддан ўлдиргани тўғрисидан лозим бўлган қисос баробарига ўлдирган кишини гаров қўймоғи дуруст эмас, ушбуга ўхшаш бир кишига жароҳат қилса, ул жароҳатга қисос лозим бўлса, жароҳат қилган киши ул қисос баробарига гаров қўйса, дуруст эмас. Зероки, гаровдан бу ҳақларни батамом олмоқ мумкин эмасдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир Ва бу лафз қисосда ишорат ангаким, ҳар вақтики, бир киши бир одамни қасддан ўлдирса, андин кейин ўлдирган киши ўлик эгаси билан бир миқдор маълум молга сулҳ қилишсалар, ўшал мол учун гаров қўйиб турмоғи дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ صَحَّ بِعَيْنٍ مَضْمُونَةٍ بِالْمِثْلِ أَوْ بِالْقِيْمَةِ

Ва нобуд бўлмаган вақтда ўзини ва мисли мол ҳалок бўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганда ул молнинг ўхшашини ва қийамий мол нобуд бўлганда молнинг қийматини тўламоқ дуруст бўлган нарсалар баробарига, масалан, тортиб олинган мол ва талоқ бадали мукотаб қилмоқ бадалига ўхшаш нарсалардирким, мазкурлар баробарига гаров қўймоқ дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ва «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

وَ بِالدَّيْنِ وَ لَوْ مَوْعُودًا بِاَنْ رَهَنَ لِيَقْرِضَهُ كَذَا فَهُلِكَهُ فِي الْمُرْتَهَنِ عَلَيْهِ بِمَا وُعِدَ

Ва яна қарз баробари гаров қўймоқ дурустдир ва агарчандики гаров берган киши бир нарсани гаров қўйиб, гаров олган киши гаров берганга, масалан, ўн танга қарз бермоққа ваъда қилса, ундан кейин ул гаров молнинг гаров олган одам қўлида ҳалок ва нобуд бўлмоғида гаров олган киши ваъда қилинган миқдори пулни гаров қўйган кишига бермоғи лозимдир. Ва бу ҳар вақтики, ул қарз гаров қўйилган нарсанинг баҳосига баробар ё камроқ бўлса. Ва аммо ҳар вақтики, ул қарз гаров қўйилган нарсанинг баҳосидан кўпроқ бўлса, ваъда қилинган қарзнинг тамомини бермагай, гаров қўйилган молнинг қиймати миқдори товон бергай. Чунончи, «Кифоя»да мазкурдир.

وَ بِرَأْسِ مَالِ السَّلَمِ

Ва яна салам тариқича байъ қилганда дастмойа учун, яъни, сотиб олинадиган нарса баробарига бериладиган пул учун сотган кишига гаровга қўйиб турмоқ дурустдир.

وَ ثَمَنِ الصَّرْفِ

Ва яна пул алишганда икки алишадиган кишидан бирининг пули ўрнига бир нарсани гаровга қўйиб турмоғи дурустдир.

وَ الْمُسْلَمُ فِيهِ

Ва яна салам тариқича байъ қилганда, яъни, бир нарса баробарига тегишли пулни ҳозир бериб, маълум ваъдада сотилган нарсани бермоқчи бўлиб, байъ қилганда сотилиб, ундан кейин топшириладиган нарса учун гаров қўйиб турмоқ дурустдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

فَانْ هَلَكَ فِي الْمَجْلِسِ فَقَدْ اَخَذَ

Бас, агар салам молининг баҳоси учун гаров қўйилган мол нобуд бўлса ё икки одам пул алишганда бирининг пули ўрнига қўйилган гаров ҳалок бўлса, ёки баробарига тегишли пулни ҳозир бериб, маълум ваъдада топшириладиган нарса учун гаров қўйилган нарса нобуд бўлса, албатта, гаровни қабул қилган киши гаров баробарида бўлган нарсаларнинг тамоман ҳаммасини олган ҳукмида бўлгай. Бу сувратда қаралгай, ул берилган гаров гаров берган кишидан тегадиган пул билан баробарё зиёда бўлса, гаров олган киши ўзига тегадиган пулни олган ҳукмида бўлгай. Аммо ул гаров мол тегадиган пулдан камроқ баҳоли бўлса, пул бериб тўлдирилур.

وَ إِنْ اِفْتَرَقَا قَبْلَ نَقْدٍ وَ هَلَكَ بَطَلاَ

Ва агар сармойа учун ва ҳам пул алишганда тегишли бўлган пулни нақд қилиб бермасдан илгари ва яна баробарига гаров қўйиб, ул гаров нобуд бўлмасидан илгари савдо қилишган жойдан айрилишсалар, яъни, булар ақди широъ мажлисидан айрилишиб кетгандан кейин гаров қўйилган мол нобуд бўлса, салам билан сарафнинг байъи ботил бўлгай, ҳақиқатан ва ҳукман қўлга олинмаган жиҳатидан салам билан сарафнинг маънолари юқорида баён қилинди.

وَ يَتِمُّ بِقَبْضِ عَدْلٍ شُرِطَ وَضْعُهُ عِنْدَهُ وَ لاَ اَخْذَ لأَحَدِهِمَا مِنْهُ

Ва гаров олган киши билан гаров берган одам иккалаларининг иттифоқлари билан гаров молни бир одил кишига қўйиб турмоқни шарт қилгандан кейин ул одил киши, яъни, сотмоққа вакил бўлган киши гаров молни ўз тасарруфига олмоғи билан гаров тамом бўлгай, яъни, юқорида баён қилинган гаров ҳукми юргизилур. Андин кейин бу гаровни мазкур одил кишидан гаров қўйган киши ёки гаров олган кишининг бириси ололмагай, балки иккалалари бирга олгайлар.

وَ هُلْكُهُ مَعَهُ هُلْكُ رَهْنٍ

Ва ул гаров молнинг бир одил киши қўлида ҳалок бўлмоғи

www.ziyouz.com kutubxonasi

гаров молнинг гаров олган киши қўлида нобуд бўлмоғи ҳукмидадир. Ул одилнинг олдига қўйилган гаров мол хоҳ қўлида бўлсин, хоҳ ул одилнинг хотини қўлида, хоҳ боласи, хоҳ хизматкорлари, хоҳ мардикори қўлида бўлсин. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

فَانْ وَكَّلَ الْعَدْلَ أَوْ غَيْرَهُ بِبَيْعِهِ صَحَّ

Бас, агар гаров берган киши гаров сақлайдиган одилни ё бошқа кишини гаров молини ваъдаси тамом бўлгандан кейин ёки мутлақан сотмоққа вакил қилса, яъни, ваъдаси бўлгандан кейин ё тўлмасдан илгари демай, ул гаров молни сотмоққа вакил қилса, дуруст бўлгай.

فَانْ شُرِطَ فِي الرَّهْنِ لَمْ يَنْعَزِلْ بِالْعَزْلِ

Бас, агар бу тариқа сотмоққа вакил қилмоқни гаровга қўймоқ ақдини вақтида шарт қилса, гаров қўйган киши вакилни вакиллиқдан азл қилмоғи билан вакилликдан тушмагай, то гаровнинг ақди адо бўлгунча вакил бўлиб тургай.

وَ بِمَوْتِ أَحَدٍ إِلاَّ بِمَوْتِ الْوَكِيلِ

Ва яна гаров қўйган ё гаров олган кишининг бири ўлмоғи билан вакил вакилликдан тушмагай, магар вакилнинг ўзи ўлмоғи билан вакиллик адо бўлгай, албатта, ўлмоқ вакилдан (ваколатни) кўтаргай, вакилнинг меросгири унинг ўрнига қоим мақом бўлмагай, чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ إِذَا حَلَّ الأَجَلُ وَ الرَّاهِنُ أَوْ وَارِثُهُ غَائِبٌ أُجِيرَ الْوَكِيلُ عَلَى الْبَيْعِ

Ва ҳар вақтики, гаров қўйган киши ғойиб бўлса ёки гаров олган киши ўлгани тўғрисидан унинг вориси ғойиб бўлса, гаров молни қайтариб олмоқ вақти етса, вакил бўлган киши гаров молни сотиб, қарзни адо қилмоққа қабул қилмаса, қози вакилни гаров молни сотмоққа зўрлагай, яъни, вакил сотмоққа қабул қилмаса, сотгунча қози вакилни қамаб қўйгай. Агар қамаб қўйганидан кейин ҳам сотмоққа қабул қилмаса, уламои аъзамларнинг, яъни, Имом Аъзам, Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳ наздларида, гаров молни қози сотгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كَوَكِيلٍ بِالْخُصُومَةِ غَابَ مُوَكِّلُهُ وَ أَبَاهَا

Мазкур вакил ул баён қилинган гаров молни сотмоққа зўрлангай, хусумат билан вакил бўлган кишининг вакил қилган одами ғойиб бўлиб, ул вакил даъволашмоқдан бош тортиб, қабул қилмаганда даъволашмоққа жабр қилинганига ўхшаш, яъни, хусуматга вакил бўлган кишини, даъвонинг жавобини бергил, деб қози қамаб қўйганига ўхшаш.

وَ إِذَا بَاعَ الْعَدْلُ فَالثَّمَنُ رَهْنٌ فَهُلْكُهُ كَهُلْكِهِ

Ва ҳар вақтики, гаров молни сотмоққа вакил қилинган киши гаров молни сотса, гаров молнинг пули гаров мол ҳукмидадир. Бас, пулнинг нобуд бўлмоғи гаров молнинг нобуд бўлмоғига ўхшашдир. Бу тўғрисида гаров молнинг пули, яъни, гаров молни сотганидан келган пул қарзга баробар ё зиёда бўлса, қарз баробарига бўлгай, агар қарздан кам бўлса, қарз берадиган киши гаров молнинг баҳоси баробари пулдан олиб қолгай, зиёдасини бергай. Валлаҳу аълам.

БУ ФАСЛДА ГАРОВ МОЛНИ ТАСАРРУФ ҚИЛМОҚНИНГ ВА ЖИНОЯТ ҚИЛМОҚНИНГ БАЁНИ

وُقِفَ بَيْعُ الرَّاهِنِ رَهْنَهُ إِنْ أَجَازَ مُرْتَهِنُهُ أَوْ قَضَى دَيْنَهُ نَفَذَ

Гаров қўйган кишининг гаров молни сотмоғи мавқуфдир, яъни, агар молни гаров олган киши ижозат берса, тўхтаб тургай, сотмоқ саҳиҳдур ёки гаровга қўйган киши қарзини бериб адо қилса, сотмоқ дурустдир.

وَ صَارَ ثَمَنُهُ رَهْنًا

Ва ул қарзни адо қилмасдан, гаров қўйилган молни гаров олган киши сотмоққа жавоб берган сувратда гаров молни сотгандан кейин келган пул гаров олиб турган одамда гаров бўлиб қолгай. Зероки, ул пул гаровга қўйилган нарсанинг бадалидир, бадал гаров қўйилган нарса ҳукмидадир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ إِنْ لَمْ يُجِزْ وَ فَسَخَ لاَ يَنْفَسِخُ فِي الأَصَحِّ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва агар гаров қўйган кишининг гаров қўйган молни сотмоғига гаров олган киши рухсат бермай, байъни бузса, асаҳ ривойатга, яъни, дурустроқ ривойатга қараганда, байъ бузилмагай. Зероки, гаров ушлаб турган одамнинг ҳақи жасдир, яъни, то ҳақини олгунча бермасдан сақлаб турмоқдир, бундан бошқа эмас.

وَ صَبَرَ الْمُشْتَرِى إِلَى فَكِّ الرَّهْنِ

Ва сотиб олган киши мол гаровликдан айрилгунча сабр қилиб тургай, эгаси молни гаровдан чиқариб олганидан кейин сотиб олган одамга топширгай.

أَوْ رَفَعَ إِلَى الْقَاضِي لِيَفْسَخَ

Ёки сотиб олган киши ул ҳодисани қозига арз қилгай, токи қози ул савдони бузиб юборгай.

وَ صَحَّ إِعْتَاقُهُ وَ تَدْبِيرُهُ وَ إِسْتِيلاَدُهُ رَهْنَهُ

Ва гаровга қўйган киши гаров олган одамдан бежавоб гаров қўйилган қулини ё канизагини озод қилмоғи ва мудаббар қилмоғи, яъни, ўзим ўлганимдан кейин озодсан, демоғи ва умму валад қилмоғи, яъни, канизагини жимоъ қилиб, ундан фарзанд бўлмоғини талаб қилмоғи дурустдир.

فَانْ فَعَلَهَا غَنِيًّا فَفِي دَيْنِه حَالاً اَخَذَ الدَّيْنَ

Бас, агар гаров қўйган киши бу уч феълни бойлик ҳолида қилса, қаралгай, агар бу гаров учун бўлган қарзнинг ваъдаси етишмаган бўлса, гаров ушлаб турган киши қарз берган ҳақини дарҳол олгай ва агарчандики зўрлик билан бўлса ҳам.

وَ الْمُؤَجَّلِ قِيْمَتَهُ رَهْنًا إِلَى مَحَلِّ الأَجَلِ

Ва аммо қарзнинг ваъдаси етишмаган сувратда, яъни, кейин бермоққа ваъда қилинган қарзнинг вақти етмаган сувратда то қарзнинг ваъдаси етгунча ул гаров қўйилган нарсанинг қийматини, яъни, унинг баҳосига баробар нарсани гаровга олгай.

وَ إِنْ فَعَلَهَا فَقِيرًا فَفِي الْعَتْقِ سَعَى فِي اَقَلِّ مِنْ قِيْمَتِه وَ مِنَ الدَّيْنِ

Ва агар гаров қўйган киши мазкур феълларни фақирлик ҳолида қилса, яъни, гаров қўйган қулини озод қилмоқни ва му-

www.ziyouz.com kutubxonasi

даббар қилмоқни ва умму валад қилмоқни бечоралик ҳолида қилган сувратда гаровдаги қул билан қарзнинг қайси бирининг баҳоси камроқ бўлса, мазкур қул ул камроқ баҳолининг баҳоси миқдори ишлаб, пул топиб, қарзини тўлагай.

وَ رَجَعَ عَلَى سَيِّدِهِ غَنِيًّا

Ва агар хожаси бойликка (бойга) айланса, ул қул тўлаган қарзини хожасидан қайтиб олгай.

وَ فِي أُخْتَيْهِ سَعَى فِي كُلِّ الدَّيْنِ وَ لاَ رُجُوعَ

Ва озод қилмоқни икки бирodарида, яъни, қулни ва канизагини мудаббар қилмоқ ва умму валад қилмоқ сувратларида, – мазкурлар хожанинг қарзи учун гаров бўлсалар, ҳар қайсилари қарзнинг ҳаммасини тўламоқ учун касб қилиб, яъни, ишлаб тўлагайлар ва ул мудаббар билан умму валад хожанинг қарзи учун тўланган молни хожаларидан қайтиб ололмагайлар. Зероки, уларнинг касб қилиб топган моллари хожанинг молидир. Бас, иккалалари хожанинг қарзининг ҳаммасини адо қилгунча саъйи қилгайлар, кейин хожаларидан тўлатиб ололмагайлар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз», «Шарҳи Виқоя» ва «Мажмаъул-анҳар»да ва бошқа китобларда мазкурдир.

وَ إِتْلاَفُهُ رَهْنَهُ كَاعْتَاقِهِ غَنِيًّا

Ва гаровга қўйган киши гаровга қўйган молини зоеъ ва нобуд қилмоғи бойлик ҳолида бўлса, гаровга қўйилган қулни озод қилмоқ ҳукмидадир, яъни, берадиган қарзи ваъдасининг вақти бўлган бўлса, тамом тўлагай, ваъдаси етмаган бўлса, ул гаровни ундан олиб, вақт бўлгунча унинг баҳоси баробари бир нарсани гаров қўйгай.

وَ أَجْنَبِيٌّ أَتْلَفَهُ ضَمَّنَهُ مُرْتَهِنُهُ وَ كَانَ رَهْنًا مَعَهُ

Ва гаров бергувчи, гаров олгувчи ва гаров олган кишининг аёли, мазкурлардан бошқа ёт киши гаров молни зоеъ ва нобуд қилса, ул молни гаровга олган киши ул ёт кишидан зоеъ бўлган кундаги баҳосини тўлатиб олгай. Ва ул тўланган гаровнинг ҳақи гаровга олган одамда қарзни бериб адо қилмоқ ваъдаси етишгунча гаров бўлиб қолгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ رَهْنٌ أَعَارَهُ مُرْتَهِنُهُ رَاهِنَهُ أَوْ أَحَدُهُمَا بِإِذْنِ صَاحِبِهِ آخَرَ سَقَطَ ضَمَانُهُ

Ва ул гаров молни олган киши гаров берган одамнинг ўзига орийатга берса, яъни, тутиб фойдаланиб турмоққа берса ёки гаровга олган киши билан гаровга қўйган киши иттифоқ билан бир ажнабий одамга, яъни, бир бегона одамга орийатга бериб қўйсалар, ул мол орийатда турган ҳолида ҳалок бўлса, товон тўламоқ гаровга олган кишидан соқит бўлгай, яъни, гаровга олган киши гаровга берган одамдан қарз берган пулининг ҳаммасини олгай.

وَ لِكُلٍّ مِنْهُمَا أَنْ يُرَدَّهُ رَهْنًا

Ва ул гаровга қўйилган мол гаров бўлиб турган ҳолида гаров қўйган одамнинг ва гаров олган одамнинг ҳар қайси бирлари орийатга берган молни қайтариб олмоққа қудратлари етгай.

وَ إِنْ مَاتَ الرَّاهِنُ قَبْلَ رَدِّهِ فَالْمُرْتَهِنُ أَحَقُّ مِنْ غُرَمَائِهِ

Ва агар молни гаровга қўйган киши яна ул молини ўзи орийатга олиб, гаровга олган кишига қайтармасидан илгари ўлса, ул вақтда гаров қўйган одамнинг бир неча кишиларга берадиган қарзи бўлса, бас, молни гаров олган киши ақди боқий бўлгани жиҳатидан ул гаров молни ўз ҳақи учун ўзи олмоққа бошқа ҳақли кишилардан лойиқроқдир, масалан, молни гаровга қўйган кишининг бу молдан бошқа моли бўлмаса, ўзининг кўп одамга берадиган қарзи бўлса, ул ҳақи бор одамлар гаров қўйиладиган молни гаровга олган одамдан ололмагайлар. Ва ул гаров мол гаровга олган кишига бўлгай.

وَ مُرْتَهِنٌ أُذِنَ بِاسْتِعْمَالِ رَهْنِهِ إِنْ هَلَكَ قَبْلَ اسْتِعْمَالِهِ أَوْ بَعْدَهُ ضَمِنَ كَالرَّهْنِ وَ حَالَ عَمَلِهِ لاَ

Ва гаровга олган киши гаровга берган одамдан ул гаров молни ишлатмоққа жавоб олса, агар ул мол ишлатилмасдан илгари ё кейин нобуд бўлса, гаров олган киши товон тўлагай, бошқа гаров молни ҳалок қилганда товон тўлаганга ўхшаш. Ва ул мол ишини қилиб турган ҳолда нобуд бўлса, товон тўла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

магай, яъни, гаровга қўйган кишидан қарз ҳақини батамом олгай. Зероки, бу сувратда орийатга олган вақтда нобуд бўлибдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ صَحَّ اِسْتِعَارَةُ شَيْءٍ لِيَرْهِنَ

Ва гаров қўймоқ учун бир нарсани орийатга олмоқ дурустдир.

فَاِنْ أَطْلَقَ

Ул вақтда қаралгай, агар орийатга берган киши мутлақ қилиб берса, яъни: «Менинг бу орийатга берган нарсамни фалон одамдан бошқага гаровга қўймагил ва фалон баҳодан зиёдага гаровга қўймагил», деб тайинлаб бермаса, орийатга олган киши қандоқ хоҳласа, андоқ гаровга қўйгай. Ва қайси шаҳарга хоҳласа ва қайси одамга хоҳласа, олиб бориб гаровга қўйгай.

أَوْ قَيَّدَ يُجْرَى عَلَيْهِ

Ё орийатга берган киши гаров баробарига оладиган қарзининг миқдорини ва жинсини ва яна кимга гаровга қўярини тайинлаб берса, орийатга олган киши орийатга берган одамнинг буюрганига бергай, яъни, унинг айтганидан ўтмагай.

فَاِنْ خَالَفَ وَ هَلَكَ ضَمِنَ قِيْمَتَهُ

Бас, агар бу сувратда орийатга олиб, гаровга қўйган киши тайин қилинган ваъдага хилоф қилса, масалан, орийатга отни беш тиллага гаров қўймоққа эгасидан жавоб олган эди, ўн тиллага гаровга қўйса, ундан кейин ул гаровга қўйилган от ҳалок бўлса, орийатга берган одам орийатга олиб, гаровга қўйган кишидан отнинг ҳақини олгай, зероки, отни унга топширган эди. Ёки гаровга олган кишидан олгай. Зероки, мол унинг қабзида ҳалок бўлибдир. Гаровга олган кишидан товон тўлатиб олган сувратда ул гаровга олган киши молнинг эгасига тўлаган миқдори пулни орийатга олган кишидан тўлатиб олгай.

وَ اِنْ وَافَقَ وَ هَلَكَ فَقَدْرَ دَيْنِ أَوْفَاهُ مِنْهُ

Ва агар орийатга олган киши орийатга берган одамнинг шарти мувофиқига амал қилса, ул орийатга олинган молни

www.ziyouz.com kutubxonasi

орийатга олган киши бир одамга гаровга бергандан кейин унинг қўлида ҳалок бўлса, бас, орийатга берган киши орийатга олган кишига товон тўлатгай ул қарзининг миқдориким, орийатга олинган молдан ул миқдорини адо қилган бўлгай. Бас, орийатга олинган нарса баҳоси қарз олинган нарса баробари бўлса, масалан, орийат олинган мол қиймати ўн тилла бўлса, қарз ҳам ўн тилла бўлса ё ўн беш тилла бўлса, орийатга олган киши гаров қўйган одамнинг ўн тилла қарзи миқдори тўлагай, агар молнинг қиймати ва баҳоси унинг қарзидан оз бўлса, масалан, олти тилла бўлса, ул оз миқдорни, яъни, ул олти тиллани орийатга берган кишига тўлагай. Зероки, молни гаровга олган кишига ул миқдор қарзни гаров қўйган одам бериб адо қилгандир, қолган қарзни, яъни, тўрт тиллани гаровга қўйган тўлагай.

وَ لاَ يَمْتَنِعُ الْمُرْتَهِنُ إِذَا قَضَى الْمُعِيرُ دَيْنَهُ وَفَكَّ رَهْنَهُ

Ва гаровга қўймоқ учун молни орийатга берган киши орийатга олиб, молни гаровга қўйиб, қарз олган миқдори пулни гаров олган кишига тўлаб, ўз молини гаровдан чиқариб олмоқни хоҳласа, гаров олган киши пулни олиб, молни эгасига қайтариб бермоқдан ўзини тортмагай.

وَ رَجَعَ عَلَى الرَّاهِنِ

Ва орийатга берган киши орийатга олиб, гаровга қўйган одамга ружуъ қилгай, яъни, молни гаровга ушлаб турган одамга нима бериб молини айириб олган бўлса, уни гаровга қўйган кишидан қайтиб олгай. Зероки, ўз мулкини гаровликдан халос қилгандир, табарруъ қилмагандир, яъни, яхшилаб юбормагандир. Чунончи, «Шарҳи Виқоя», «Жомиъу-р-румуз» ва «Мажмаъу-л-анҳар»да мазкурдир.

وَ لَوْ هَلَكَ مَعَ الرَّاهِنِ قَبْلَ رَهْنِهِ أَوْ بَعْدَ فَكِّهِ لاَ يَضْمَنُ

Ва гаровга қўймоқ учун орийатга олиб турилган нарса гаровга қўймасдан илгари ё гаровга қўйиб, ундан айириб олгандан кейин орийатга олган кишининг қўлида ҳалок бўлса, ҳеч нарса тўламагай. Зероки, ул орийатга олинган нарса баробарида қарз ҳисоб бўлинмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ جِنَايَةُ الرَّاهِنِ عَلَى الرَّهْنِ مَضْمُونَةٌ

Ва гаровга қўйган кишининг гаров молга зарар етказмоғи мазмундир, яъни, гаровга қўйган киши зарар етказса, товон тўлагай. Зероки, гаровга олган одамнинг ҳақи ул гаров бўлган молга таъаллуқ топибдир. Молнинг эгаси товон тўламоқда бегонага ўхшаш қолгандир. Бас, гаровга қўйган киши гаров молга не миқдор зарар етказган бўлса, ани тўлагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз», «Мажмаъу-л-анҳар» ва «Дурру-л-мунтақий»да мазкурдир.

وَ جِنَايَةُ الْمُرْتَهِنِ تُسْقِطُ مِنْ دَيْنِهِ بِقَدْرِهَا

Ва гаровга олган одамнинг гаров молга зарар етказмоғи гаров қўйган киши қарзидан нуқсон етган миқдорни соқит қилгай, масалан, юз танга(га) оладиган отини гаровга қўйганда, гаровга олган киши ул отга беш тангалик зарар етказса, ул кишидан юз танга қарздор бўлса, тўқсон беш танга қолгай. Ва агар гаровга қўйилган молни гаровга олган киши бир кўзини кўр қилса, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, қарзининг ярми соқит бўлгай, чунончи, «Хулоса»да мазкурдир.

وَ جِنَايَةُ الرَّهْنِ عَلَيْهِمَا أَوْ عَلَى مَالِهِمَا هَدَرٌ

Ва гаров қўйилган нарсанинг гаров берганга ва гаров олганга зарар етказмоғи афувдир ва шаръан унга эътибор йўқдир, ҳеч қайси бирларига товон тўламоқ вожиб эмас, масалан, гаровга қўйилган қул гаровга қўйган одамнинг ё гаровга олган одамнинг молини ўғирласа, ҳеч қайси бири товон тўламагай, бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Бу сабабдан ундай қулни кишанлаб қўйса, яхшироқ бўлгай. Чунончи, «Мажмаъу-л-анҳар»да мазкурдир.

وَ نَمَاءُ الرَّهْنِ رَهْنٌ

Ва гаровга қўйилган нарсадан ҳосил ва пайдо бўлган зиёдаси, масалан, гаровга қўйилган канизакнинг ё чорпо ҳайвоннинг туққан боласи ва гаровдаги ҳайвоннинг сути ва унинг юнги, мўйи, гаровдаги дарахтнинг меваси, тол дарахтнинг хо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

даси то қарздан қутулгунча аслига ва зотига қўшилиб, гаров бўлиб тургай.

لَكِنْ يَهْلِكُ بِلاَ شَيْءٍ

Лекин ул туғилиб ё ўсиб, зиёдаси бўлиб, асл молга қўшилиб гаров бўлиб турган нарса зоеъ ва нобуд бўлса, текинга ҳалок бўлгай, яъни, унинг баробарига қарздан ҳисоб қилиниб, ҳеч нарса соқит бўлмагай, аслдан ҳосил бўлган нарсадан бошқа гаровга қўйган қулнинг касб қилиб топгани ва ҳибадан, садақадан қулга ҳосил бўлгани гаров бўлмагай. Қулни гаровга қўйган хожаси ўшал замон гаров сақлаб турган кишидан уни ўз қўлига олгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ إِنْ هَلَكَ الأَصْلُ وَ بَقِى هُوَ فَكَّ بِقِسْطِه

Ва агар гаров қўйилган асл ҳалок бўлиб, зиёда бўлган ва ўсган нарсаси қолса, ул зиёда бўлган нарса ўз ҳиссаси билан гаров қўйган одам гаров олган кишидан қутқарилгай.

يُقْسَمُ الدَّيْنُ عَلَى قِيْمَتِه يَوْمَ الْفَكِّ

Андоғким, қарз-гаров нарсадан ҳосил бўлган зиёда гаровдан халос қилинадиган кундаги баҳога тақсим қилингай.

وَ قِيْمَةِ الأَصْلِ يَوْمَ الْقَبْضِ

Ва ул ҳалок ва нобуд бўлган аслнинг ҳиссаси қарздан соқит бўлгай. Суврати масъала шулки, бир киши бир одамга баҳоси минг тангалик канизакни гаровга қўйса, ул канизак гаровга олган одам қўлида бола туғса, ундан кейин ўлса, қарз ўлган канизак билан унинг туққан боласига икки ҳиссага бўлингай, башарти боланинг ҳам баҳоси гаровдан айириб олинадиган кунда минг танга бўлса ва агар боланинг қиймати ул кунда беш юз танга бўлса, қарз учга тақсим қилинур, икки ҳисса вафот топган онанинг ҳиссасидир, ул соқит бўлур, бир ҳисса ундан қолган боланинг ҳиссасидирки, уни гаров қўйган қарздор гаров турган кишига бериб, болани гаровдан халос қилиб олгай. Чунончи, бу мазмун «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ تَبْدِيلُ الرَّهْنِ

Ва гаровга қўйилган нарсани алиштирмоқ, масалан, аввалда гаровга қўйилган қулнинг ўрнига ё қул, ё чўри, ё от қўймоқ дурустдир.

وَ الزِّيَادَةُ فِيهِ يَصِحُّ

Ва яна гаровга қўйган нарсасининг устига ошиқча бир нарса қўймоқ дурустдир, масалан, қирқ танга баробарига қирқ тангага арзийдиган жомани гаровга қўйиб, андин кейин ул жома билан бирга гаровда турмоқ учун яна қирқ тангага арзийдиган жомани ё бошқа нарсани қўйгай, бу сувратда ул жомаларнинг бири ё бошқа нарса ҳалок ва нобуд бўлса, йигирма танга баробарига ҳалок бўлгай, қолган йигирма танга қарзни тўлаб ва нобуд бўлмай қолган жомани ё бошқа нарса бўлса, уни гаров ушлаб турган кишидан олгай.

وَ فِي الدَّيْنِ لاَ

Ва аммо қарз олмоқда гаровга қўйган кунда тайин қилинган миқдордан зиёда қилмоқ дуруст эмас, яъни, гаровга олган киши сўнгра ул гаров қўйган одамга ўзининг ризолиги билан яна қарз берса, гаров баробарига бўлмагай, бегаров қарз бўлгай. Бунинг фарқи шулки, бир киши икки минг тангалик қулни гаровга қўйиб, бир минг танга олса, ундан кейинги кунда яна минг тангани олса, соний ул қул гаровда турган вақтда ўлса, Имом Аъзам ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳ наздларида, ул қул аввалги минг танга баробарига ҳалок бўлгай, гаровга қўйган киши кейин олган минг тангани тўлагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Аммо қулни гаровга қўйган кунда икки минг тангани олса, андин кейин ул қул ҳалок бўлса, ҳеч нарса тўламагай.

وَ لَوْ هَلَكَ الرَّهْنُ بَعْدَ الإِبرَاءِ هَلَكَ بِلاَ شَيْءٍ

Ва агар гаров олган киши гаров қўйган кишидан қарз берн ҳақини олмайдиган бўлиб, иброъ қилганидан кейин ул гаров олган киши қўлида гаров нарса ҳалок бўлса, гаров сақлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

турган одам ҳеч нарса тўламагай. Зероки, ул мол омонатдир, гаровга қўйган киши қарзни ҳам тўламагай. Зероки, иброъ билан қўйилган эди.

لاَ بَعْدَ الْقَبْضِ أَوِ الصُّلْحِ أَوِ الْحَوَالَةِ وَ تَبْطُلُ الْحَوَالَةُ

Аммо гаров олган киши гаров қўйилган нарса баробарига қарз берган ҳақини олгандан кейин ё қарз берган ҳақи учун бир нарса олиб, сулҳ қилишгандан кейин, масалан, гаров қўйган одам гарданидаги бир юз йигирма танга қарз берган пули бир от ё тева олиб, сулҳ қилишгандан кейин, ёки берадиган қарзини ҳавола қилгандан кейин, яъни, унинг учун бир одамни берадиган қилгандан кейин ул гаров нарса гаров олган киши қўлида эгасига қайтариб бермасдан илгари ҳалок ва нобуд бўлса, гаров нарса бекорга ҳалок бўлмагай. Бу сувратларда гаров олган киши қарз берган жиҳатидан талаб қилиб олган пулни ва сулҳ қилишиб олган нарсани гаровга қўйган кишига қайтариб бергай ва гаров зоеъ ва нобуд бўлгани сабабидан гаров сақлаган одам ҳақини тамом олмоғи ҳосил бўлгани жиҳатидан ҳавола ботил ва бекор бўлгай. Чунончи, «Назм» китобида мазкурдир.

وَ كَذَلِكَ لَوْ تَصَادَقَا عَلَى أَنْ لاَ دَيْنَ لَهُ ثُمَّ هَلَكَ هَلَكَ بِالدَّيْنِ

Ва ул ўтган масъалага ўхшашдир, агар гаров қўйган киши гаров олган одам билан иттифоқ қилишсалар, яъни, гаров олган одамнинг гаров қўйган кишида қарз берган нарсаси йўқлигига бир-бирининг сўзини ростга олишсалар, масалан, гаров қўйган киши гаров олган одамга, сендан менинг қарзим йўқ деса, гаров олган одам, орий, рост айтурсан деса, андин кейин ул гаров қўйилган нарса гаров олган одам қўлида ҳалок бўлса, гаров қўйган киши гарданидаги қарз баробарига ҳалок бўлгай. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْكَفَالَة

КАФОЛАТ КИТОБИ

Бу китобда кафил бўлмоқнинг баёни келади. Кафил бўлмоқнинг яхшиликлари ақл ва нақл билан собит ва муқаррардир. Аммо ақл билан собит бўлмоғи мўъмин киши мўъмин одамга кафил бўлмоғи биродарига ёрдам бермоғидир ва бу ёрдамга икки амр жомиъдир. Аввалги амр Худойи таборак ва таолонинг иъонатини жалб этмоқ ва тортмоқдир, яъни, фойда ва наф этмоқни ўзига муносиб кўриб тортмоқдир. Зероки, қайси вақтики, банда мусулмон биродарининг иъонатида ва ёрдамида бўлса, Худойи таборак ва таоло бандасининг ёрдамидадир. Иккинчи амр кафил бўлиб, бошқа кишидан эҳсон талаб қилмоқдир. Зероки, бир одамнинг бир одамга эҳсон қилмоғи бошқа кишининг ул кишига эҳсон қилмоғига сабабдир. Аммо кафил бўлмоқнинг нақл билан собит бўлмоғи Худойи таборак ва таолонинг:

﴿وَكَفَّلَهَا زَكَرِيَّا...﴾ آل عِمْرَان/٣٧

каломи шарифи биландир. Яъни: «Ва Закариё қарамоғига топширди...». Чунончи, «Ҳидоя» ва «Жавҳара»да мазкурдир. Ва ул кафил бўлмоқ луғатда бир нарсани бир нарсага қўшмоқдир.

هِيَ ضَمُّ ذِمَّة إِلَى ذِمَّة فِي الْمُطَالَبَة لاَ فِي الدَّيْنِ وَ هُوَ الأَصَحُّ

Ва шариатда ул кафолат гарданида ҳақи йўқ бошқа киши яхшилик қилиб, бир одамга пул ё бошқа нарса берган киши ҳақини талаб қилган вақтда қарздор одам билан бирга жавоб беришмоқ учун ўзини қўшмоғидир, гўёки иккаласи бир ҳукмда бир тегишли иш тўғрисида биргалашиб жавоб бермоққа қўшилмоғидир, ўз зотини қўшган одамни **кафил** дейилур, зотини қўшмоқни **кафолат** дейилур, яъни, кафил бўлмоқ дейилур. Аммо кафил бўлмоқ, қарзни тўламоқда шерик бўлмоқ қўшилмоқ эмас ва бу қавл асаҳҳдир. Бир одамга ҳақи бор киши кафил бўлган

www.ziyouz.com kutubxonasi

кишига тўлатмоғи лозим эмас, яъни, анинг учун сен тўлагайсан, деб сиқмоққа қудрати етмагай. Аммо кафил ўз ихтиёри ва ризолиги билан асл учун, яъни, қарздор бўлган киши учун тўламоқни хоҳласа, тўлагай. Ҳақ оладиган кишини арабда **макфулун лаҳу** дейилур, қарздор кишини асл ва яна **макфулун анҳу** дейилур, нафсни ё молни **макфулун биҳи** дейилур.

وَ هِيَ إِمَّا بِالنَّفْسِ

Ва бу кафил бўлмоқ икки қисмдир. Бири – кафолати би-н-нафсдир, яъни, кафил бўлган киши қарздор кишининг ўзини тегишли жойига ҳозир қилиб бермоғидир.

Ва бири – кафилун би-л-молдир, яъни, қарздор одам қарзини тўламоғига ишонч учун кафил бўлмоғидир.

وَ تَنْعَقِدُ بِكَفَلْتُ بِنَفْسِهِ وَ بِمَا صَحَّ إِضَافَةُ الطَّلَاقِ إِلَيْهِ

Ва кафолати би-н-нафснинг ақди: «Мен сенинг ўзинг учун кафил бўлдим», деган сўз билан ва яна танни талоққа изофа қилмоқ дуруст бўлган аъзосига изофа қилиб, кафил бўлмоқ билан кафилликнинг ақди боғлангай. Масалан: «Бошингга кафил бўлдим» ё «Ўзингга кафил бўлдим» деса ва «Гарданингга кафил бўлдим» деса, яна жузъи шойиъ жузъиларким, нисф, рубъ ва ҳамсга ўхшаш, – буларнинг қайси бирига кафил бўлдим деса ҳам, кафиллик ақди боғлангай, «Талоқ» китобининг аввалги саҳифасида баён қилинганга ўхшаш, хотиннинг тамом аъзосидан таъбир қилинадиган аъзосини талоқ деб айтмоқ билан тамом аъзоси талоқликка айлангай эди.

وَ كَذَا بِضَمِنْتُهُ أَوْ عَلَيَّ أَوْ إِلَيَّ

Ва анга ўхшаш кафил бўлмоқ ақди боғлангай: «Мен унга зомин бўлдим», демоқ билан, яъни: «Кафил бўлдим», демоқ билан ё: «Уни ҳозир қилмоқ менга лозимдир», демоқ билан, ё: «Менинг тарафимгадир унинг зимони (кафиллиги)», демоқ билан кафиллик ақди боғлангай.

أَوْ أَنَا بِهِ زَعِيمٌ أَوْ قَبِيلٌ

Ёки: «Сен унга кафил», демоқ билан кафил бўлмоқ ақди боғлангай. «Заъим» ва «қабил» иккаласи ҳам кафил маъносида-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дир. Чунончи, «Ғиёс»да, «Ахтарий»да ва бошқа луғатларда мазкурдир.

وَ لاَ جَبْرَ عَلَيْهَا فِي حَدٍّ وَ قِصَاصٍ

Ва ҳад урилмоқда, қасос олмоқда муддаъо алайҳ бўлган кишини кафилун би-н-нафсга топширмоққа жабр қилинмагай. Масалан, Зайд Бакрни ҳад ё қасос қилдирмоққа даъво қилса, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, шул сувратда, сен бу воқеъада ҳукм битгунча ишонч учун кафилун би-н-нафс, яъни, ўзингга тан кафил топиб, аларга топширгил, деб қози мазкур Бакрга жабр қилолмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ يَلْزَمُهُ إِحْضَارُ الْمَكْفُولِ بِهِ مُطْلَقًا

Ва лозим бўлгай тан кафил бўлган кишига аслни ҳозир қилмоқ, қайси вақтда бўлсин, аслнинг ул турган макони билинса, агар кафил бўлган вақтда қайси замонда аслни ҳозир қилмоқ тайин қилинмаган бўлса.

أَوْ فِي وَقْتٍ عُيِّنَ إِنْ طَلَبَ الْمَكْفُولُ لَهُ

Ё агар кафил олган одам аслни ҳозир қилмоқни талаб қилса, бир тайин қилинган вақтда аслни ҳозир қилмоқ тан кафил бўлган кишига лозим бўлгай.

فَإِنْ لَمْ يُحْضِرْ حَبَسَهُ الْحَاكِمُ

Бас, агар кафил бўлган киши кафил бўлган одамини ҳозир қилмаса, ул кафилни ҳоким ҳибс қилгай, яъни, қамаб қўйгай. Зероки, ул кафил бўлган киши ҳақни манъ қилган золимдир. Ва агар ул ўзи учун кафил қилиб кетган киши ғойиб бўлиб турган жойи маълум бўлмаса, кафил ҳибс қилинмагай. Зероки, мундоғ ғойиб бўлмоқ ўлганга ўхшашдир. Ва агар асл, яъни, кафил қилиб кетган киши ғойиб бўлиб, макони маълум бўлса, ҳоким ул кафилга бориб, келурлик вақтигача муҳлат бергай. Чунончи, «Қозихон»да ва бошқа китобларда мазкурдир.

وَ يَبْرَءُ بِمَوْتِ مَنْ كُفِلَ بِهِ

Ва кафил бўлинган одамнинг вафот этмоғи билан кафил

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган киши кафилликдан халос бўлгай ва кафиллик ўҳдасидан чиққай. Зероки, кафил аслни ҳозир қилмоқдан ожиз бўлди.

وَ بِتَسْلِيمِهِ حَيْثُ يُمْكِنُهُ مُخَاصَمَتُهُ فِيهِ

Ва яна кафил бўлган киши кафил бўлган одамни ул жойга топширмоқ билан кафилликдан халос бўлгайки, ул жойда қози ё ҳоким бўлмоғи билан ҳақи бор кишининг даъволашмоғи мумкин бўлгай.

وَ بِتَسْلِيمِهِ نَفْسَهُ هَنَا وَ إِنْ شُرِطَ تَسْلِيمُهُ عِنْدَ الْقَاضِي

Ва яна кафил кафилликдан халос бўлгай кафил қилиб кетган одам ўзини ўзи ушбу мухосамат мумкин бўлган, яъни, ҳақини олмоқ мавжуд бўлган жиҳатидан даъволашмоқ мумкин бўлган жойга топширмоғи билан ва агарчандики бу икки сувратда кафил бўлган вақтида қозининг ҳузурига аслни топширмоқ шарт қилинса ҳам. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Бу аларнинг наздларидадир. Ва аммо бизнинг замонимизда агар шундоғ шарт қилинса ҳам, кўп одамларнинг фасод ва бузуқ бўлганлари жиҳатидан кафил бўлган одамини қозининг мажлисига топширмагунча кафил қутулиб кетолмагай. Ва бу Имом Зуфар раҳматуллоҳи алайҳ қавлларига фатво берилган масъалаларнинг биридандир. Чунончи, «Мажмаъу-л-анҳар»да мазкурдир ва бу масъалага фатво берилгай. Чунончи, «Музмарот»да ва бошқа китобларда мазкурдир.

وَ إِنْ مَاتَ الْمَكْفُولُ لَهُ فَلِوَصِيِّهِ أَوْ وَارِثِهِ مُطَالَبَتُهُ بِهِ

Ва агар макфулун лаҳу, яъни, ҳақи бор одам ўлса, бас, васий ё ворис ўлган кишига қоим мақом бўлгани жиҳатидан васийларига ё ворисларига кафил бўлган кишидан аслни, яъни, ҳақ бераднган одамни топиб бергил, деб талаб қилмоғи тегишлидир. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Васий деб, ворисларнинг, яъни, мерос оладиганларнинг ишларини тадбир ва тасарруф қилиб турмоқ учун васиййат қилиниб қолдирилган одамни айтилур. Чунончи, луғатларда мазкурдир.

وَ إِنْ كَفَلَ بِنَفْسِهِ عَلَى أَنَّهُ إِنْ لَمْ يُوَافِ بِهِ غَدًا فَعَلَيْهِ الْمَالُ صَحَّ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва агар бир кафил бир қарздорнинг нафсига ушбу шарт билан кафил бўлсаки, ҳақ эгасига қарздорини эртага олиб келиб топширмаса, ул кафил бўлган кишига маълум ҳақини тўламоқ лозим бўлгай, бу тан кафиллик ва мол кафиллик дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

فَإِنْ لَمْ يُسَلِّمْ غَدًا ضَمِنَ الْمَالُ وَ لَمْ يَبْرِءْ مِنَ الْكَفَالَةِ بِالنَّفْسِ

Бас, агар кафил қарздор кишини эртасига, яъни, топширмоққа ваъда қилган кунига макфулун лаҳуга, яъни, кафиллик унинг фойдасига бўлган одамга топширмаса, олиб келиб топширмоққа қудрати етиб туриб маълум молни, яъни, унинг ҳақини кафил ўзи тўлагай ва мол эгасининг ҳақини батамом тўласа ҳам, ул кафил кафолат нафсидан халос бўлмагай, яъни, тан кафиллиги тамом бўлмагай, қарздор кишидан мол эгасига тўлаган миқдори молни тўлатиб олгай.

وَ إِنْ مَاتَ الْمَكْفُولُ عَنْهُ ضَمِنَ الْمَالَ

Ва агар ушбу баён бўлган сувратда қарздор одамнинг ўзи муддат ўтмасдан ўлса, унинг тарафидан кафил бўлган киши ўлмаса, кафил бўлган кишининг ўзи кафил бўлган маълум қарзини тўлагай, ундан кейин шарт мутаҳаққиқ бўлгани жиҳатидан ул қарздор кишининг тарикасидан (меросидан) олгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ أَمَّا بِالْمَالِ فَتَصِحُّ وَ إِنْ جُهِلَ الْمَكْفُولُ بِهِ إِذَا صَحَّ دَيْنُهُ

Ё кафил бўлмоқ – молни ва молга таъаллуқи бор бўлган нарсани топширмоқни ўзига олмоқ, масалан, омонат молларни ҳозир қилмоқ ва шунга ўхшаган нарсаларни ҳозир қилмоқ биландир. Бас, молга кафил бўлмоқ дурустдир ва агарчандики кафил бўлинган молнинг кўп ва озлиги маълум бўлса ҳам, башарти оладигани бор одам ҳақининг борлиги дуруст ва муқаррар бўлса, яъни, ул қарз иккала ақд қилганлардан соқит бўлмагай, магар ул қарзни бериб адо қилмоқ билан ё иброъ қилмоқ билан соқит бўлгай. Чунончи, «Шарҳи Ҳидоя»да ва бошқа китобларда мазкурдир. Мунга қараганда хиёри шарт билан, яъни, хоҳласа, уч куннинг орасида қайтариб бермоқ шарти билан сотилган молнинг пули саҳиҳ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва муқаррар бўлган қарздан хориж бўлгай. Албатта, ул хиёри шарт билан бўлган байъни бузмоқ билан пул соқит бўлгай ва анга ўхшаш китобат бадали, яъни, ўн тилла баробарига озодсан, дейилган қулнинг ул берадиган пули ҳам ажз (ожизлик) билан соқит бўлгай. Чунончи, машҳурларга қараганда, мунда ҳам кафиллик дуруст эмас, лекин «Назм» китобида шулки, китобат бадалига кафиллик дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

Масалан: «Зайддан сенга тегадиган мол учун кафил бўлдим», демоқ билан кафил бўлмоқ ақди боғлангай.

نَحْوَ كَفَلْتُ بِمَالِكَ عَلَيْهِ أَوْ بِمَا يُدْرِكُكَ فِي هَذَا الْبَيْعِ

Ёки: «Бу савдода сенга тегадиган нарса учун кафил бўл-дим», демоқ билан кафиллик ақди боғлангай, буни замон дарак дейилгай, яъни, бир одам: «Ҳақим бор», деб даъво қилса, «Уни тўламоқ менгадир», деб кафил бўлмоқ бу замоннинг миқдори, яъни, товон тўламоқнинг миқдори байъ қилиниб турган вақтда номаълум бўлмаса ҳам, унга кафил бўлмоқ дурустдир.

أَوْ عَلَّقَ الْكَفَالَةَ بِشَرْطٍ مُلَائِمٍ

Ёки кафил бўлмоқни мулойим ва муносиб шартга таъаллуқ қилса ҳам дурустдир.

نَحْوُ مَا بِعْتَ فُلَانًا

Масалан, кафил бўладиган одам: «Сен мол сотган қарздор киши сафардан келса, пулга мен зоминдурман» деса ёки: «Бу қарздор, масалан, Самарқандга кетиб қолса, мен пулга зоминдурман» деса, ёки агар: «Фалон одамга сотсанг, пулга мен зоминдурман» деса,

أَوْ مَا ذَابَ لَكَ عَلَيْهِ

Ёки: «Сен учун фалон одамга бермоқ вожиб бўлган нарсага мен зоминдурман» деса,

أَوْ مَا غَصَبَكَ فَعَلَيَّ

Ёки: «Сендин фалон киши тортиб олиб кетган нарсага мен зоминдурман» деса, мазкур лафзларни айтмоқ билан молга кафил бўлмоқ ақди боғлангай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ إِنْ عَلَّقَ بِمُجَرَّدِ الشَّرْطِ فَلاَ

Ва агар кафилликни ул шарт билан таълиқ қилсаки, ул шарт кафилликка муносиб бўлмаса, яъни, мол вожиб бўлмоққа таъаллуқли ва муносабати бўлмаган шартга таълиқ қилса. Бас, ул шарт саҳиҳ эмасдир, аммо кафиллик дурустдир.

كَانْ هَبَّتِ الرِّيحُ

Масалан: «Агар шамол турса ё ёмғир ёғса, Зайддан сенга тегадиган ҳақингни топширмоқ менга лозим бўлсин» деса, кафил бўлмоқ ақди боғланмагай, тайинлаган вақти ботил ва бекор бўлгай. Чунончи, «Кофий» китобида ва бошқа китобларда мазкурдир. Зероки, ул шарт савдогарларнинг ўрталарида мутаъораф бўлган вақтдан эмас, ул нарсаким, шарт билан уни таълиқ қилмоқ дуруст бўлса, талоқ қилмоқ ва озод қилмоққа ўхшаш фосид шартлар билан таълиқ қилмоқ ботил ва бекор бўлмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ إِنْ كَفَلَ بِمَا لَكَ عَلَيْهِ ضَمِنَ مَا قَامَتْ بِهِ بَيِّنَةٌ

Ва агар бир киши сен учун, масалан: «Зайднинг гарданида бўлган номаълум молни бермоқ менинг гарданимга вожибдир», демоқ билан кафил бўлса, кафил бўлган киши шул миқдорини тўлагайким, гувоҳ ул миқдор билан гувоҳлик бергай.

وَ إِنْ لَمْ تَقُمْ فَالْقَوْلُ لِلْكَفِيلِ

Ва агар ҳеч бир миқдорга гувоҳ барпо бўлмаса, яъни, қарз миқдорини гувоҳ билан исбот қилолмаса, бас, мунча қолган эди, деб иқрор қилган миқдорда кафил бўлган кишининг сўзига тасдиқ қилингай, лекин иқроридан ошиқча йўқлигига кафилнинг қасами берилгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс», «Қозихон» ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

وَ صُدِّقَ الأَصِيلُ فِي الزَّائِدِ عَلَى نَفْسِهِ فَقَطْ

Ва қарздор киши бу сувратда кафилнинг сўзига муқобил келиб, кафил айтганидан зиёдани айтса, қарздорнинг сўзига ўзининг зарари учун тасдиқ қилингай, масалан, оладиган ҳақи бор

www.ziyouz.com kutubxonasi

киши икки минг танга ҳақим бор эди деса, лекин ҳақи бор одам ўзи далил билан исбот қилолмаса, ушбу сабабдан кафил бўлган одам: «Минг танга эканлигини биламан», деб қасамёд қилса, ул ҳолда қарздор киши икки минг танга эканлигига иқрор қилса, кафил ул бир минг тангани тўлагай, кафилнинг иқроридан зиёдасини қарздор кишининг ўзи тўлагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ إِذَا طَالَبَ الدَّائِنُ أَحَدَهُمَا فَلَهُ مُطَالَبَةُ الآخَرِ

Ва ҳар вақтики, ҳақи бор киши қарздор одам билан кафилнинг биридан қарз берган ҳақини талаб қилса, бас, ҳақи бор киши иккинчисидан ҳам ҳақини талаб қилмоққа қудрати етгай. Ва иккаласидан бирдан ҳақини талаб қилмоққа ҳам қудрати етгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ تَصِحُّ بِأَمْرِ الأَصِيلِ وَ بِلاَ أَمْرِهِ

Ва қарздор кишининг амри билан тан кафил бўлмоқ ва мол кафил бўлмоқ дурустдир ва ул қарздор амр қилмасдан, тан кафил ва мол кафил бўлмоқ ҳам дурустдир, хоҳ қарз берадиган кишининг ё бегона одамнинг хитоби билан кафил бўлгай, масалан, қарз берадиган киши Зайдга: «Сен Бакрга менинг фойдам учун тан кафил бўлурмисан? деса ё: «Мол кафил бўлурмисан?» деса, Зайд: «Кафил бўлдим» деса, кафиллик ақди боғлангай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

فَإِنْ أَمَرَهُ رَجَعَ عَلَيْهِ بَعْدَ أَدَائِهِ

Бас, агар қарздор киши ақди шароъ қилур вақтда мол кафил бўлмоққа амр қилса, хоҳ байъ саҳиҳ бўлсин, хоҳ байъ фосид бўлсин. Чунончи, «Имодий» китобида мазкурдир. Кафил мол эгасига ҳақини бериб адо қилганидан кейин қарздор кишидан қайтиб олгай ва мунда огоҳ қилмоқ ангаким, агар қарздор киши ушбу тариқа кафил бўлмоққа амр қилмаса, ўзи кафил бўлса, кафил бўлган киши мол эгасига бериб адо қилганини қарздордан қайтиб ололмагай. Зероки, табарруъдир, яъни, лозим ва вожиб қилинмагандир ва фармойиш қилмоқ ризо бўлмоққа шомилдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ إِنْ لُوزِمَ لَازَمَ أَصِيلَهُ

Ва агар ҳақ талаб қилган киши кафилдан ҳақини сўрамоқда кафилни қаттиқ қистаб айрилмай, ул кафилнинг устига юклатиб тўлатиб олса, кафил ҳам қарздор одамни қаттиқ қистаб, айрилмасдан тўлатиб олгай.

وَ إِنْ حُبِسَ حَبَسَهُ

Ва агар кафил қарздор қарзи учун бандга солинса, кафил ҳам қарздор кишини бандга солдиргай, зероки, ул нарсаки, кафилга лоҳиқ бўлди, анинг жиҳатидан қарздор бўлди. Бас, ўзига бўлган муомалани қарздорга қилмоққа қудрати етгай. Чунончи, «Мажмаъу-л-анҳар»да мазкурдир, магар ҳар вақтики, ота ва она, бобо ва момонинг бирининг жонибидан кафил бўлган бўлса агар ҳақи бор киши кафилни қаматса, ул кафил аларни қаматмагай, яъни, бандга солдирмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ إِبْرَاؤُهُ وَ تَأْجِيلُهُ يَسْرِي إِلَى الْكَفِيلِ

Ва оладиган ҳақи бор киши қарздор одамни қарздан барий қилмоғи ва қарзни кейинроқ тўламоққа муҳлат бермоғи кафил бўлган кишига сиройат қилгай, яъни, қарздор кишидан ҳақини олмоқни соқит қилса, кафилдан ҳам соқит бўлгай ва агар андин кейинроқ олмоққа муҳлат берса, кафилга муҳлат бўлгай, ваъда қилган вақти етишмасдан кафилдан талаб қилолмагай, Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

لَا عَكْسُهُ

Аммо бунинг акси, яъни, кафил бўлган одамдан қарз берган нарсасини талаб қилмоқдан барий қилмоғи ва яна кейинроқ олмоққа муҳлат бермоғи қарздор кишига сиройат қилмагай. Зероки, фуруънинг соқит бўлмоғи аслнинг соқит бўлмоқлигини лозим тутмайдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ إِنْ صَالَحَ الْكَفِيلُ عَنْ أَلْفٍ عَلَى مِائَةٍ رَجَعَ بِهَا

Ва агар кафил бўлган киши қарздорни минг танга қарзи учун ҳақи бор одамга юз тангага сулҳ қилишса, яъни, қолган тўққиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

юз тангасини ҳеч кимдан талаб қилиб олмасга сулҳ қилишса, кафил қарздор киши бермасдан, ўзи бериб адо қилгандан кейин қарздордан ул юз тангани қайтариб олгай.

وَ عَلَى جِنْسٍ آخَرَ فَبِالأَلْفِ

Ва агар минг танга пул учун бўлак жинсдан бўлган нарса бериб, масалан, тарозу билан, ўлчов билан тортиладиган ва нарсаким, кийим ва кийимдан бўлак нарсаларни бериб, сулҳ қилишсалар, кафил бериб, адо қилгандан кейин қарздордан тўлатиб олгай. Зероки, кафил сулҳ билан қарздор зиммасида бор бўлган нарсага молик ва эга бўлибдир. Чунончи, «Жомиъур-румуз», «Шарҳи Илёс», «Дурру-л-мунтақий» ва «Мажмаъул-анҳар»да мазкурдир.

وَ عَنْ مُوجَبِ الْكَفَالَةِ لا يَبْرَءُ الأَصِيلُ

Ва агар қарз берган киши кафил билан кафиллик лозим қилинганидан, яъни, ҳақимни олиб бергил, деб талаб қилмоқдан чиқармоқ учун сулҳ қилишсалар, бу сулҳ билан асл, яъни, қарздор киши барий бўлмагай, бу мақомда тўрт масъала мутасаввирдир.

Бири – сулҳ қилишган вақтда қарздан иккаласининг барий бўлмоғини шарт қилмоқ.

Иккинчиси – қарздорнинг ўзи барий бўлмоғини шарт қилмоқ.

Учинчиси – қайси бири барий бўлмоқни сукут қилса, унинг қарздан барий бўлмоғини шарт қилмоқ, – бу уч сувратда кейинги кунларда қарз берган нарсасини ҳеч қайси биридан талаб қила олмагай, иккаласидан иброъ бўлгани жиҳатидан.

Тўртинчи сувpат – кафилнинг кафил бўлмоқлигидан айрилмоғини шарт қилмоқ, бу сувратда қарздор киши қарзини тўламоқдан қутулолмагай.

وَ لاَ يَصِحُّ تَعْلِيقُ الْبَرَاءَةِ عَنْهَا بِشَرْطٍ كَسَائِرِ الْبَرَاآتِ

Ва кафилликни ҳақ оладиган одамга асло фойдаси бўлмаган маҳз бир шартга таълиқ қилмоқ дуруст бўлмагай, масалан: «Зайд сафардан келса, сен ё мен кафилликдан қутулурман», де-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганга ўхшаш, бошқа хил ҳақлардан қутулмоқнинг фойдаси бўлмаган шартга таълиқ қилмоқ ботил ва бекор бўлганига ўхшаш ботилдир, яъни, баён қилинган шарт мавжуд бўлса ҳам, шарт муносабат бўлмагани жиҳатидан кафилликда қолгай.

وَ لاَ الْكَفَالَةُ بِالْحُدُودِ وَ الْقِصَاصِ

Ва кафил бўлмоқ дуруст эмас ҳақоратни зино лафзи билан қилгани учун, ўғирлик учун, зино учун, шароб ичгани ва бошқа ҳад урмоқлар учун ва қасос учун, зероки, шариатда азоб бермоқни гуноҳкорга жорий қилмоқдан ғараз, аларни сиёсат қилиб, гуноҳдан қайтармоқдир, гуноҳ қилган кишидан бошқага азоб бермоқни юритмоқда бу ғараз мутаҳаққиқ бўлмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да, бошқа китобларда мазкурдир ва бу, башарти, ҳад урмоқнинг ўзига кафил бўлса, бас, агар ҳад уриладиганга тан кафил бўлса, дурустдир, ул масъаланинг баёни, албатта, юқорида ўтган эди, чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ بِالْمَبِيعِ

Ва яна сотган одамнинг олдида байъни олган киши қўлига олмасдан илгари ҳалок бўлса, ўзим зомин, деб кафил бўлмоқ дуруст эмас, зероки, ул молнинг нобуд бўлмоғи билан, албатта, савдо бузилди, қарздорга ҳеч нарса тўламоқ лозим эмас, кафил бўлган киши ҳеч нарса тўламаслигига нима гумонинг бор? Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Лекин сотилган нарсани сотиб олган кишига пулни бергандан кейин топширмоққа кафил бўлмоқ дурустдир, агар байъ ҳалок ва нобуд бўлса, яъни, сотилган мол зоеъ бўлса, кафилига ҳеч нарса тўламоқ вожиб эмас. Зероки, сотган киши пулни нақд олгандан кейин олган одамига топширмоғи лозимдир, – ҳаммаси «Кирмоний» китобида мазкурдир ва «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир.

بِخِلاَفِ الثَّمَنِ

Баҳонинг хилофи бирлаки, агар бир киши сотиб олган одам тарафидан сотилган молнинг баҳоси берилмоғига кафил бўлса, дуруст бўлгай, зероки, бул бошқа қарзларга ўхшашдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ بِالْمَرْهُونِ

Ва гаров қўйилган нарсага кафил бўлмоқ, яъни, гаров қўйган киши учун гаров олган одам тарафидан кафил бўлмоқ дуруст эмас, агар гаров мол нобуд ва зоеъ бўлса, қийматини бермоқ ё бадалини, яъни, ўрнига бошқани бермоқ менга лозим бўлсин деса, дуруст эмас. Зероки, гаров мол нобуд бўлса, гаров олган кишига ҳеч нарса товон бермоқ лозим эмас, лекин ҳар вақтики, гаров мол нобуд бўлса, қарз берган нарсасидан соқит бўлгай, бас, кафилга товон тўламоқни лозим қилмоқ мумкин бўлмайди, ваҳоланки, товон тўламоқ аслга, яъни, гаров олган кишига лозим эмас. Чунончи, «Мажмаъу-л-анҳар»да ва бошқа китобларда мазкурдир.

وَ الْأَمَانَاتِ كَالْوَدِيعَةِ وَ الْعَارِيَةِ

Ва омонатларга ўзим топширурман, деб кафил бўлмоқ дуруст эмас. Кафил бўлмоқ дуруст бўлмаган омонатлар вадиъатга кафил бўлмоққа ўхшаш ва орийатга кафил бўлганга ўхшаш.

وَ الْمُسْتَأْجَرِ وَ مَالِ الْمُضَارَبَةِ وَ الشَّرِكَةِ

Ва ижарага олинган нарсаларга кафил бўлганга, фойда шерикка касб қиладиган одамга кафил бўлганга ўхшаш ва шериклик молга кафил бўлмоққа ўхшаш, – зероки, мазкурлар зоеъ ва нобуд бўлганда товон бермоқ йўқдир ва кафолатнинг, яъни, кафил бўлмоқликнинг дурустлигига унга кафил бўлган молни олиб турган кишига ҳалок бўлганда, товон тўламоқ шартдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَبِالْحَمْلِ عَلَى دَابَّةٍ مُسْتَأْجَرَةٍ مُعَيَّنَةٍ

Ва ижарага олинган тайинли чорпо ҳайвонга юк юкламоққа кафил бўлмоқ дуруст эмас, масалан, Зайд Умардан тайинли ҳайвонни бирмунча юк ортмоққа ижарага олса, бас, Бакр ул отга ул юкни ортмоққа Умарнинг фойдаси учун Зайднинг жонибидан кафил бўлса, бундай кафиллик дуруст эмас. Зероки, кафил бўлган Бакр ғайри одамнинг тайинли отини тасарруф қилмоққа қудрати етмагай. Бас, ижара қилинганда тайин қилин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

маган отга, яъни, қандоқ от бўлса, юк юкламоққа ижарага олган сувратда кафил бўлмоқ дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ بِخِدْمَةِ عَبْدٍ كَذَا

Ва анга ўхшаш, яъни, ижара қилинган муъаййан қулнинг хизматига кафил бўлмоқ дуруст бўлмаслиги баён қилинган далил учун ҳайвонга юк юкламоққа кафил бўлмоққа ўхшашдир.

وَ عَنْ مَيِّتٍ مُفْلِسٍ

Ва Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, қарздор муфлис ўлган киши тарафидан қарзини адо қилмоққа бир одамнинг кафил бўлмоғи дуруст эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир, шул далил биланки, ўлган кишининг зиммаси заифдир, икки амрнинг бири билан қувватлантирмай, унинг зиммасига вожиб бўлмагай, яъни, унинг гарданига вожиб бўлмагай, ул амрнинг бири ўлган кишидан мол қолмоғидир. Иккинчи амр, тирик вақтидаги кафили қолмоғидир, ул вақтда унинг қарзидан саҳиҳ бўлиб, кафиллик ҳам дуруст бўлгай. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

وَ بِلاَ قَبُولِ الطَّلِبِ فِي الْمَجْلِسِ

Ва яна ҳақини талаб қилган киши ақд мажлисида, яъни, кафилликни сўзлашган жойда кафилликни қабул қилмаса, кафиллик дуруст бўлмагай.

إِلاَّ إِذَا كَفَلَ عَنْ مُورِثِهِ فِي مَرَضِهِ مَعَ غَيْبَةِ غُرَمَائِهِ

Магар ҳар вақтики, кафил қарздор одамнинг ўз ворисидан бўлса, ул қарздор киши касалликда: «Сен кафил бўл ва менинг қарзимни бериб адо қил», деса ва ул кафил бўлса, ул кафиллик дуруст бўлгай, ул вақтда ҳақ оладиган одамлар ғойиб бўлсалар, унинг кафиллигини қабул қилмасалар ҳам, кафиллиги дуруст бўлгай, зероки, бу ҳақиқатда васиййатдир ва ушбу жиҳатдан васиййат қилган киши фойдаси учун кафил қилинган кишининг, яъни, ҳақ оладиган кишининг номини айтмоғи шарт қилинган эмас. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ بِمَالِ الْكِتَابَةِ

Ва мукатобни, яъни, масалан, йигирма тилла пул бериб, озод бўлмоғига хожасидан хатти озодий олган қулнинг мазкур хожасига берадиган пулини тўламоғига бир одамнинг кафил бўлмоғи дуруст эмас. Зероки, бадал китобат, яъни, озод хатининг бадали жазм устига юкланган қарз эмас, эҳтимоли борки, қул хожа тайин қилган пулни топмоқдан ожиз бўлиб қолиб, қайтадан холис қул бўлиб қолгай.

وَ الْعُهْدَةِ

Ва яна уҳдага (мажбуриятга) кафил бўлмоқ дуруст эмас, масалан, бир киши қул сотиб олса ва унга бир одам уҳдасига зомин бўлса, яъни, кафил бўлса, бу дуруст эмас. Зероки, уҳда кўп маънолар орасида муштарак бўлиб, мурод ва мақсуд номаълум бўлган исмдир, бир неча маъноси бордир. Масалан, савдо боғламоқ ва унинг ҳақлари ва рукни ва хиёр шарти айтилур ва баъзи маъноси тайин қилинганда ҳам кафил дуруст эмас, зероки, ул уҳда сакки қадим маънолари миёнасида муштаракдир. Ул **сакки қадим** андоқ васиқадурки, сотиб олган кишининг мулки бўлмоғига гувоҳ бўлгай, андоғ бўлса, бировнинг мулкини топширмоққа қудрати йўқлиги жиҳатидан сотиб олган одамнинг мулкидир, уни сотиб оладиган кишига топширмоққа кафил бўлмоқ дуруст эмас. Чунончи, бу маънолар нинг баъзиси «Жомиъу-р-румуз»да ва баъзиси «Ибнул-Обидийн»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

وَ الْخَلَاصِ

Ва яна сотилган нарсани талаб қилмоқдан қутқариб, сотиб олган одамга топширмоққа кафил бўлмоқ дуруст эмас.

وَلَا ضَمَانِ الْمُضَارِبِ الثَّمَنَ لِرَبِّ الْمَالِ

Ва яна фойда шерикка берилган молни сотганда фойда шерикка олган киши мол эгасига сотиб олган одамнинг жонибидан пулнинг топширилмоғига кафил бўлмоғи дуруст эмас.

وَ الْوَكِيلِ بِالْبَيْعِ لِمُوَكِّلِهِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва яна бир молни сотмоққа вакил қилинган кишининг сотиб олган одамдан пули вакил қилган кишига топширилмоғига кафил бўлмоғи дуруст эмас, зероки, фойда шерикка олган киши билан вакилнинг қўлида мол омонатдир. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ أَحَدِ الْبَائِعَيْنِ حِصَّةَ صَاحِبِهِ مِنْ ثَمَنِ عَبْدٍ بَاعَاهُ بِصَفْقَةٍ

Ва шерик бўлган икки савдогарнинг бири иккинчисининг қадри ҳиссаси учун кафил бўлмоғи дуруст эмас, ул қадри ҳисса шериклик қулнинг баҳосидадирки, ул қулни икки шерик бир йўл қўл қоқиб сотган бўлгайлар. Бас, агар икки савдо билан, яъни, икки маротаба қўл қоқиб сотсалар, ҳар бирига тегадиган пул тайин қилинса, ундан кейин бирининг қадри ҳиссаси ондийгаридан айрилгани жиҳатидан бири иккинчисига кафил бўлмоғи дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ صَحَّ ضَمَانُ الْخَرَاجِ

Ва яна хирожга кафил бўлмоқ дурустдир, хоҳ ул муваззаф бўлсин, хоҳ муқосама, албатта, ул хирож қистаб олинадиган қарздир. Подшоҳ раъиййаларнинг фойдалари ва маслаҳатлари учун сарфу харж қилинган пулларни фуқароларга тақсим қилиб солган бўлгай, йўлларини сақламоқ ва эҳтиёт қилмоққа ўхшаш, қўрғонга дарбоза қилмоқ, анҳор қазитмоқ ва қўрғонни тузатмоққа ўхшаш. Албатта, мазкурларнинг сарф ва харажатини раъиййаларга бермоқ вожибдир, мазкурларга қилинган сарф учун солинган хирожни бермаган раъиййа подшоҳга итоат қилдирмоқ учун ҳибс этилгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Бас, бу баён қилинган хирожлар солинганда тўламоқда бир киши мутараддид бўлса, ул киши тарафидан бир одамнинг кафил ва зомин бўлмоғи дуруст бўлгай.

وَ النَّوَائِبِ

Ва яна навоибга кафил бўлмоқ ҳам дурустдир. Навоиб деб, ҳар йилда тайинли вақтда фуқаролар ва бошқа одамларнинг ўзларига керак ва зарур нарсаларга харажат қилмоқ учун, масалан, қоровуллар вазифаси учун ва йўллар, ариқларни тузат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тирмоқ учун йиғиб олинадурган пулни айтилур, мазкурга пул тополмай турган кишига кафил бўлмоқ дурустдир.

وَ الْقِسْمَةِ

Ва қисматга кафил бўлмоқ, яъни, шериклик молни икки шерикнинг бири тақсим қилмоққа киришганида бир ажнабий одамнинг, бўлиб берурман, деб кафил бўлмоғи дурустдир, бу суврат масъалага қараганда:

وَإِنْ كَانَتْ بِغَيْرِ حَقٍّ

деган лафз навоибга тегишлидир, қисматда дахли йўқдир.

وَ إِنْ كَانَتْ بِغَيْرِ حَقٍّ

Ва агарчандики, ул навоиб ва қисматлар ноҳақ бўлса ҳам, бу суврат масъалага қараганда, буларнинг тегишли ҳақ бўлмоқлари юқорида баён қилинганга ўхшаш фуқаролар маслаҳати учун аларнинг ҳожатларига сарф этилган пулни тақсим қилиб солинган тўлов бўлгай. Ва яна подшоҳ жонибидан фуқароларга ва соҳиби ҳунарларга, яъни, касб қиладиганларга бир миқдор тайин қилиниб, ноҳақ солинган пулдир. Аввалги масъалада, Имомайнларнинг иттифоқлари билан, зомин ва кафил бўлмоқ дуруст ва кейинги масъалада ихтилоф бордир. Лекин фатво кафил ва зомин бўлмоқ дурустлигигадир. Зеро, бунда ҳам бошқа қарзи саҳиҳларга ўхшаш талаб қилмоқ ва қистамоқ бор.

وَ مَالٌ لاَ يَجِبُ عَلَى عَبْدٍ حَتَّى يَعْتِقَ حَالٌّ عَلَى مَنْ كَفَلَ بِهِ مُطْلَقًا

Ва қул озод қилинмагани жиҳатидан адо қилмоғи вожиб ва лозим бўлмаган мол, яъни, қул озод қилинган тақдирда тўламоғи вожиб бўлган мол – дарҳол адо қилмоқ ул қулнинг кафилига вожиб бўлгай. Масалан, бир одамнинг қули бир кишининг молини ҳалок ва зоеъ қилдим, деб иқрор қилса ва хожа уни ёлғончи қилса, ё уни бир кишига сотса, ё бир одамдан қарз олса, ё хожасидан бежавоб никоҳлаб олган хотинининг маҳри мазкурларга нақд ва насийалигини бир киши баён қилмай кафил бўлса, ул кафилга ҳозир бериб адо қилмоқ вожиб бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ بَطَلَ دَعْوَى ضَامِنِ الدَّرَكِ

Ва бир савдода сотилган нарсага бир кишининг ҳақ исбот қилмоғидан, яъни, ул мол меники, демоғидан халос қилиб ва қутқариб сотиб олган кишига ул молни топширмоққа кафил бўлса, ундан кейин ул кафил ул сотилган молни, менинг молим, деб даъво қилмоғи ботилдир. Зероки, бу аҳком байъга мунофийдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ شَاهِدِ كُتِبَ شَهِدَ بِذَلِكَ عَلَى صَكِّ كُتِبَ فِيهِ بَاعَ مِلْكَهُ

Ва яна сотмоқ ва олмоқ дафтарида, фалон кишига ўзининг мулкидаги молни сотди, деб битилган вақтида гувоҳ бўлиб, дафтарга ёзилган кишининг, ул сотилган мол меники, деб даъво қилмоғи ботил ва бекор бўлгай.

بِخِلَافِ شَاهِدِ كُتِبَ شَهِدَ عَلَى إِقْرَارِ الْعَاقِدَيْنِ

Ул гувоҳ даъвосининг хилофи биланки, васиқага олган ва сотган кишилар байъ қилишганларининг иқрорликларига гувоҳлик берди, деб битилгай, сотилган нарсани ғайр кишига мулк бўлмоқ билан иқрор йўқдир, исбот қилолса, даъвоси нафиздир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْحَوَالَة

ҲАВОЛА КИТОБИ

Бу китобда ҳаволанинг, яъни, бир одамнинг гарданидаги қарзни бир кишига кўтартирмоқнинг баёни келади. Ҳавола – луғатга қараганда, «интиқол»га далолат қиладиган, яъни, бир жойдан бошқа жойга бормоққа далолат қиладигандир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз» ва «Мажмаъу-л-анҳар»да ва бошқа китобларда мазкурдир.

هِيَ إِثْبَاتُ دَيْنٍ لآخَرَ عَلَى آخَرَ مَعَ عَدَمِ الدَّيْنِ عَلَى الْمُحِيلِ بَعْدَهُ

Шариатда ул ҳавола бир одамнинг гарданидаги қарзини адо қилмоқни муқаррар қилгандан кейин аввалги қарздор одамнинг гарданида қарз қолмаслиги шарти билан. Ва бу ҳавола уч кишининг ўртасида бўлгай. Бири – қарздор, иккинчиси – қарз берган киши, учинчиси – унинг қарзини мен бераман, деб гарданига олган одам. Аммо қарз берган кишининг арабийда тўрт хил оти бордир: «муҳтал», «муҳталун лаҳ», «муҳол», «муҳолун лаҳ» дейилур. Қарздор кишини «муҳил» дейилур. Қарзингни берурман, деб гарданига олган кишини «муҳталун алайҳ» ёки «муҳолун алайҳ» ҳам дейилур. Молни «муҳолун биҳ» дейилур. Масалан, Зайднинг Умарга берадиган қарзи бўлса, ул қарзни тўламоқни Бакр гарданига олса, Умар ҳам Бакрдан олмоққа рози бўлса, буни «ҳавола» дейилур. Бу сувратда Зайдни «муҳил» дейилур, Умарни «муҳтал» дейилур, баъзи вақтда Умарни, яъни, мол эгасини «муҳталун лаҳ» ва «муҳолун лаҳ» дейилур. Қарзини у учун мен берурман, деб зиммасига олган Бакрни «муҳталун алайҳ» дейилур. Баъзи вақтда «муҳолун алайҳ» дейилур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз», «Шарҳи Илёс» ва «Мажмаъу-л-анҳар»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

فَهِيَ بِشَرْطِ عَدَمِ بَرَاءَتِهِ كَفَالَةٌ

Бас, ул ҳавола қарздор кишининг қарзини муҳталун алайҳ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг гарданига ўтқазмоқ ул қарздорнинг қарздан ҳалос бўлмоқ шарти билан бўлса, кафил бўлмоқ бўлгай.

وَ هَذه بِشَرْط بَرَاءَة الأَصيلِ حَوَالَةٌ

Ва бу кафил бўлмоқ қарздор кишининг қарзидан халос бўлмоғи шарти билан бўлса, ҳавола бўлгай, яъни, ҳавола ва кафолатнинг бири иккинчисига уни лозим қиладиган мутаҳаққиқ бўлганда истиъора тариқи билан айтилгай. Бас, агар қарзингни мен берурман, деб гарданига олган киши, қарздорнинг қарзидан халос бўлмаслиги шарти билан ҳавола қилдим деса, кафолат бўлгай, яъни, кафил бўлмоқ бўлгай. Ёки қарздорнинг қарзидан халос бўлмоғи шарти билан мен кафил бўлдим деса, ҳавола бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ تَصِحُّ بِلاَ دَيْنٍ لِلْمُحْتَالِ عَلَى الْمُحِيلِ

Ва қарздор кишида мол эгасининг ҳақи бўлмаган сувратда ҳавола дурустдир, бу сувратда қарзини мен берурман, деб гарданига олган кишининг, қарз берган одамга тўлайман, деб гарданига олмоқлигида қарздор киши ўзи вакиллигини зиммасига олган бўлгай.

وَ بِهِ

Ва яна қарз бўлганда, агар қарзининг миқдори ва қанча борлиги маълум бўлса ҳам, ҳавола дурустдир. Ва агар қарзининг миқдори маълум бўлмаса, ҳавола дуруст бўлмагай.

بِرِضَاءِهِمَا وَ رِضَيِ الْمُحْتَالِ عَلَيْهِ

Қарздор кишининг ва қарз берган кишининг ризоликлари билан ва унинг қарзини мен берурман, деб гарданига олган кишининг ризолиги билан ҳавола дуруст бўлгай. Масалан, қарздор киши қарзимни Зайдга ҳавола қилдим деса, молнинг эгаси ва қарзини гарданига оладиган киши рози бўлсалар, ҳавола, яъни, қарзини унинг гарданига ўтказмоқ дуруст бўлгай.

فَيَبْرَءُ الْمُحِيلُ مِنَ الدَّيْنِ

Ушбу тариқа ҳавола тамом бўлганидан кейин қарздор қарздан халос бўлгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

إِلاَّ إِنْ يَتْوِيَ بِمَوْتِ الْمُحْتَالِ عَلَيْهِ مُفْلِسًا

Магар муҳталун алайҳнинг, яъни, қарзни мен тўлайман, деб гарданига олган кишининг ҳеч нарсаси қолмай, бечора бўлиб ўлмоғи билан қарздор қарздан қутулмагай ва халос бўлмагай.

أَوْ حَلَفَه مُنْكِرًا لِحَوَالَةِ لا بَيِّنَةَ عَلَيْهَا

Ёки Зайднинг қарзини мен бераман, деб гарданига олган киши ўлмай, саломат бўлиб туриб қарздорнинг ё ҳақ эгасининг, яъни, қарз берган кишининг ҳаволани исбот қилмоққа гувоҳи ва далили бўлмай, муҳталун алайҳ, яъни, Зайднинг қарзини мен бераман, деб гарданига олган киши ҳаволадан тониб, мункир бўлиб, қасамёд қилмоғи билан ҳаволанинг ҳақи йўқ бўлиб кетса, муҳил, яъни, қарздор ул қарзидан қутулмагай, муҳталун лаҳга, яъни, қарз берган кишига ўзи тўлагай.

وَ قَالاَ وَ بِاَنْ فَلَّسَهُ الْقَاضِي

Ва Имом Абу Юсуф билан Имом Муҳаммад раҳимуҳумуллоҳ дедилар: «Ҳавола ҳақининг йўқ бўлмоғи қози муҳталун алайҳнинг, яъни, Зайднинг қарзини мен бераман, деб гарданига олган кишини ифлос ва ҳеч нарсаси йўқ, деб тирик ҳолда ҳукм қилса, ҳавола ҳақи зоеъ бўлиб, ҳавола қилган киши, яъни, қарздор қарзидан халос бўлмагай.

وَ تَصِحُّ بِلاَ شَيْءٍ عَلَى الْمُحْتَالِ عَلَيْهِ

Ва, Зайднинг қарзини мен берурман, деб гарданига олган кишининг ул Зайддан қарзи бўлмаса ҳам, ҳавола бўлгай.

وَ بِدَارَهِمِ الْوَدِيعَةِ

Ва яна қарздор кишининг муҳталун алайҳга, яъни, унинг қарзини бераман, деб зиммасига олган кишига омонат қўйган тангалари билан ҳавола қилмоғи дурустдир. Зероки, бу сувратда муҳталун алайҳ ўзида қарзни адо қилурлик нарса тайёр ва ҳозир бўлгани жиҳатидан қарзни адо қилмоққа қудратлироқдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ يَبْرَءُ بِهَلاَكِهَا

Ва ул омонат тангалар зоеъ ва нобуд бўлмоғи билан қарзини ҳавола қилган киши ҳаволасидан унга тўламоқ лозим бўлган ҳақлардан қутулгай ва муҳталун лаҳ, яъни, қарз берган киши қарзини муҳилдан, яъни, қарздордан талаб қилиб олгай.

وَ الْمَغْصُوبَةِ وَ لَمْ يَبْرَءْ بِهَلاَكِهَا

Ва яна тортиб олинган тангалар билан ҳавола қилмоғи дуруст бўлган ва лекин ул тангалар нобуд бўлгани билан тортиб олган киши қарздан халос бўлмагай. Зероки, тортиб олинган танганинг баҳоси қарзи ўрнига қоим мақомдир. Масалан, Умар Зайднинг қўлидан оладиган ўн тангани тортиб олиб, Бакрга топширмоққа ҳавола қилса, Умар муҳталун алайҳ бўлгай, яъни, Умар Зайднинг қарзини адо қилмоқни гарданига олган бўлгай. Бакр муҳталун лаҳ, яъни, Бакр ҳавола қилинган ўн танганинг ҳақ эгаси бўлгай. Зайд муҳил, яъни, менинг қарзимни сен бергил, деб ҳавола қилгувчи қарздор бўлгай. Бас, мазкур ўн танга Бакрга топширилмасдан илгари Умарнинг қўлида нобуд бўлса, Умар қарзини тўламоқдан халос бўлмагай, уни тўлагай.

وَ بِدَيْنٍ عَلَيْهِ

Ва муҳил учун, яъни, қарзини адо қилмоққа бирмунча молини, мен учун сен бериб адо қил, деб бир одамга ҳавола қилувчи учун муҳталун алайҳда, яъни, унинг қарзини бериб адо қилмоқни гарданига олган кишида бўлган ҳақи билан ҳавола қилмоқ дурустдир. Масалан, Зайднинг Умарда ўн танга пули бўлса, Умарнинг Бакрда ҳам ўн тангаси бўлса, Умар Бакрга, Зайддан менинг ўн танга қарзим бор эди, ул қарзимни сенга ҳавола қилдим, демоғи дурустдир.

فَلاَ يُطَالِبُهُ إِلاَّ الْمُحْتَالُ

Бас, муҳталун алайҳдаги нарсаким, ул омонат ё тортиб олинган, ё қарздур, уни ҳеч ким талаб қилолмагай, магар муҳтал талаб қилиб олгай, яъни, молни анинг учун ҳавола қилинган киши талаб қилиб олгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ فِي الْمُطْلَقَةِ لِلْمُحِيلِ الطَّلَبُ أَيْضًا

Ва мутлақ ҳаволада, яъни, омонат қўйилган мол билан ё тортиб олинган мол билан, ё қарз билан тақйид қилмай ҳавола қилса, ҳавола қилган кишининг ҳам бу баён қилинганларни талаб қилмоққа қудрати етгай, муҳталун алайҳдан муҳтал ҳақини талаб қилиб олганига ўхшаш.

فَلاَ تَبْطُلُ بِأَخْذِ مَا عَلَيْهِ أَوْ عِنْدَهُ

Хоҳ муқаййад бўлсин, хоҳ мутлақ бўлсин, ҳавола қилган кишининг муҳталун алайҳнинг гарданига қарзини ё унинг олдидаги тортиб олинган молни, ё ул муҳталун алайҳ олдидаги омонат қўйилган молни олмоғи билан ҳавола ботил бўлмагай.

وَ يُكْرَهُ السُّفْتَجَةُ وَ هِيَ إِقْرَاضٌ لِسُقُوطِ خَطَرِ الطَّرِيقِ

Ва йўлнинг хатаридан саломат бўлмоқ учун бир шаҳардан иккинчи шаҳардаги одамга омонат қилиб юбориладиган молни топширмоқни зиммасига оладиган кишига, ушбу сенга қарз берган молини фалон шаҳардаги фалон одамга топширгил деб, қарз қилиб бермоғи макруҳдир, зероки, бу қарзда қарз берган кишига фойда ва манфаат бордир, ҳазрати Расули акрам соллаллоҳу таоло алайҳи ва саллам бу тариқа қарз бермоқдан наҳий қилдиларки, эгасига нафни тортгай. Чунончи, «Ҳидоя» ва «Дурру-л-мунтақий»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْوَكَالَةِ

ВАКОЛАТ КИТОБИ

Бу китобда вакил бўлмоқ аҳволининг баёни келур. **Ваколат** – луғатда «сақламоқ» ва «нигоҳбонлик қилмоқ» маъносида.

هِيَ تَفْوِيضُ التَّصَرُّفِ إِلَى غَيْرِهِ

Ва шариатнинг истилоҳида ул «вакил бўлмоқ» ва «вакил қилмоқ», бир одамнинг ўз ишини тасарруф қилмоқни бир кишига топширмоғидир, қайси тариқа билан бўлса ҳам, яъни, вакил хоҳ ўзи вакиллик қилсин, хоҳ бир кишини буюриб вакил қилсин, яъни, бир феъли шариатда ўз ўрнига бошқа кишини қўймоқдирки, ул феъл шариат ҳукмини пайдо қилгай, никоҳ ва талоқким, булар ҳалолликни ва ҳаромликни пайдо қиладигандир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ شَرْطُهُ أَنْ يَمْلِكَهُ الْمُوَكِّلُ وَ يَعْقِلَهُ الْوَكِيلُ وَ يَقْصُدَهُ

Ваколатнинг шарти учдир:

Бири – вакил қиладирган киши ул топшириладиган ишга ўзи молик ва эга бўлмоғи ва ё хожа тарафидан амр қилинган киши бўлиб, ул ишда ушбу вакилга амр қилинган миқдори ишни тасарруф қилмоққа эга бўлмоғи, яъни, ул амр қилинган ишда тасарруф қилмоғига шариатга мувофиқ бўлиб, қодир бўлмоғи.

Иккинчи шарти – вакилнинг ўзига топширилган ишни комил билурлик ақлли бўлмоғи. Масалан, сотмоқ мулкни сотган кишидан йўқ қиладургандир ва сотиб олмоқ мулкни ўзига тортадургандир, буларни билмоқ ва албатта бу зоҳиран зиён ва ул андакдир, деб фаҳмламоқ шартдир. Чунончи, «Кирмоний» китобида мазкурдир.

Учинчи шарти – амр қилинган ишни вакил қасди билан қилмоғи, яъни, ўйин қилмай бажо қилмоғи, агар ул буюрилган ишни ўйин қилса, ул тасарруф вакил қилинган кишидан воқеъ бўлмагай. Чунончи, «Гўрмирий»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

فَصَحَّ تَوْكِيلُ الْحُرِّ الْبَالِغِ أَوِ الْمَأْذُونِ مِثْلِهِمَا

Бас, балоғатга етган озод киши ўзига ўхшаган озод ва балоғатга етган кишини вакил қилмоғи дурустдир, ё валийси жавоб берган оқил сабийни, яъни, ёши балоғатга етмаган ақлли болани, ўзига ўхшаган сабий оқилни вакил қилмоғи ё ўзига ўхшаган хожасидан рухсат олган қулни вакил қилмоғи дурустдир.

وَ صَبِيًّا عَاقِلاً وَ عَبْدًا مَحْجُورَيْنِ

Озод балоғатга етган одамни, валийи жавоб берган ёш болани, хожасидан рухсат олган қулни, хожасидан рухсат олмаган қулни, валийидан рухсат олмаган ёш болани – мазкурларнинг ҳаммаларини вакил қилмоқ дурустдир. Зероки, валийининг рухсати билан ақлли боланинг ўз мулкидаги тасарруфи дурустдир. Бас, вакил бўлмоқ билан бошқа одамнинг мулкида ҳам тасарруфи дуруст бўлгай. Бас, анга ўхшаш қулнинг ўз нафсига тасарруфи дурустдир, ҳаттоки ул қулнинг талоқ қилмоғи ва ҳадларда, қисосда иқрор бўлмоғи дуруст. Чунончи, «Мажмаъу-л-анҳар»да мазкурдир.

وَ يَرْجِعُ الْحُقُوقُ إِلَى مُوَكِّلِهِمَا

Ва тасарруф қилмоққа аҳл бўлмоққа ноқисликлари бор жиҳатидан ул вакил бўлган боланинг ва вакил бўлган қулнинг аҳдларидан ҳосил бўлган ҳақлар уларга қайтмай, уларни вакил қилган кишига қайтгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

بِكُلِّ مَا يَعْقِدُهُ بِنَفْسِهِ

«Бикулли» – «фасаҳҳа»нинг мутааллиқидир, яъни, дурустдир вакил қилмоқ ул нарсадаки, унинг танҳо ўзи ҳосил қилгай ё бошқа киши тарафидан вакил бўлиб, ҳосил қилгай, вакил бўлган киши бир одамни вакил қилганига ўхшаш. Масалан, байъ, ҳиба, садақа, омонат ва булардан бошқа нарсаларга. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Зероки, одам ўзи мубошир бўлмоққа гоҳо ожизлик қилгай, бир одамни вакил қилмоққа муҳтож бўлгай, бас, муҳтожликни дафъ қилмоқ учун бошқа одамни вакил қилмоқ лозим. Чунончи, «Мажмаъу-л-анҳар»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ بِالْخُصُومَةِ فِي كُلِّ حَقٍّ

Ва яна агарчандики хусум рози бўлмаса ҳам, ҳар хил ҳақларда даъволашмоққа вакил қилмоқ дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Зероки, бир киши даъволарнинг важҳларига лол бўлиб, йўлини тополмай, ундан кейин зарур бўлгани сабабидан вакил қилмоққа муҳтож бўлгай. Чунончи, «Мажмаъу-л-анҳар»да мазкурдир.

وَ بِايفَائِه وَ اسْتِيفَائِه

Ва ҳар бир нарсани бермоққа, бир одамдан олмоққа, бир кишига тегадиган ҳақларни топширмоққа ва ҳам тегишли ҳақларни олдирмоққа вакил қилмоқ дурустдир.

إِلاَّ فِي حَدٍّ وَ قِصَاصٍ بِغَيْبَةِ مُوَكِّلِه

Магар ҳад урмоқда ва қисос олмоқда вакил қилган одам, яъни, даъво қиладиган киши ғойиб бўлган вақтда бу ҳадни ва қисосни муддаъо алайҳдан, яъни, даъво қилинган кишидан олдирмоққа вакил қилмоғи дуруст эмас. Зероки, бу жазолар бажо келтирилган жойда ҳадни ва қисосни даъво қилган кишининг ўзи ҳозир бўлмоғи зарурдир, шунинг учунким, муддаъо алайҳнинг ҳад урилган ва қисос олинган жойида даъво қилган кишининг йўқ бўлмоғи муддаъо алайҳга ул жазоларнинг лозим ва вожиблигини шубҳага ва гумонга солгай, ҳад урмоқ ва қисос олмоқ шубҳа билан муддаъо алайҳнинг, яъни, анга даъво қилинган одамнинг гарданидан соқит бўлгай, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг:

اِدْرَاءُوا الْحُدُودَ بِالشُّبُهَاتِ

яъни: «Ҳадларни шубҳали эканлигини аниқлаб иш тутинглар», деган ҳадиси шарифлари жиҳатидан.

وَ يَرْجِعُ الْحُقُوقُ إِلَى الْوَكِيلِ فِي بَيْعٍ وَ شِرَاءٍ وَ إِجَارَةٍ وَ صُلْحٍ عَنْ إِقْرَارٍ

Вакил бўлган кишига сотмоқдаги, сотиб олмоқдаги, бир нарсани ижарага бермоқдаги ва иқрордан сулҳ қилмоқдаги, –

www.ziyouz.com kutubxonasi

мазкурлар учун кафил бўлмоққа ақд қилурда гарданига олган ҳамма ҳақлар рожеъ бўлгай, мазкурларнинг қайси бири учун вакил бўлган киши вакил қилган одамдан ижозат сўрамоққа муҳтож бўлмагай. Масалан, мол сотмоққа ва ё олмоққа вакил бўлган бўлса, мени вакил қилган кишининг молини сотдим демай, ўзим сотдим ва сотиб олдим ва ё ижарага вакил бўлса, ижарага қўйдим ва ижарага олдим, сулҳга вакил бўлса, сулҳ қилдим, демоқ ҳақлари муваккилни зикр қилмай, вакилга рожеъ бўлгай, муваккилга рожеъ бўлмагай. Чунончи, бунинг мазмуни «Гўрмирий»да мазкурдир.

فَيُسَلِّمُ الْمَبِيعَ

Бас, мазкур бўлган ҳақларни бажо келтирмоқ вакил бўлган кишига тегишли бўлса, сотилган нарсаларни вакил олган кишига топширгай.

وَ يَقْبِضُهُ

Ва сотиб олган нарсаларни сотган кишидан қабзига олгай.

وَ ثَمَنَ مَبِيعِهِ

Ва яна сотилган нарсаларнинг пулини олгай.

وَ عَلَيْهِ ثَمَنُ مُشْتَرَيِهِ

Ва агарчандики сотиб олинган нарса учун вакил қилган киши вакилга пул бермаган бўлса ҳам, сотиб олган нарсанинг пулини бермоқ вакилга лозим бўлгай. Чунончи, «Суғро» китобида мазкурдир ва «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир.

وَ يُخَاصَمُ

Ва яна вакилнинг сотган нарсасидан айб чиққанда, сотиб олган киши вакилга даъво қилгай, жавоб берадиган вакил бўлгай.

وَ يُخَاصِمُ فِي الاِسْتِحْقَاقِ وَ الْعَيْبُ

Ва яна вакил сотиб олган нарсасидан айб зоҳир бўлганда сотган одам билан вакилнинг ўзи даъволашгай, вакил қилган кишининг иши бўлмагай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ شُفْعَةَ مَا اشْتَرَى وَ هُوَ فِي يَدِهِ

Ва яна вакил сотиб олган ерда шуфъалик талаб қилганда, вакилга даъво қилинур ва ул ер сотиб олган вакили қўлида бўлса, аммо вакил ҳар вақтики, ерни вакил қилган кишига топширса, ундан кейин анинг билан даъволашгай, вакиллик интиҳосига етгани жиҳатидан вакил билан даъволашолмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ يَثْبُتُ الْمِلْكُ لِلْمُوَكِّلِ ابْتِدَاءً

Вакил бир нарсани сотиб олса, ул мол аввалда, яъни, бошлаб сотиб олган он вакил қилган кишига собит ва муқаррар бўлгай, вакил, албатта, мулкнинг ҳақидан топибдир, бошқа ҳақлар ҳақида асилдир. «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

فَلَا يَعْتِقُ قَرِيبُ وَكِيلِ شِرَاهُ

Бас, дафъатан мулк вакил қилган кишига собит бўлгани жиҳатидан агар бир одамнинг вакили маҳрам бўлган қариндошини сотиб олса, вакилнинг зарарига озод бўлмагай. Аммо нафсул-амр бир киши ўзи учун қул сотиб олганида ё вакил унинг амри билан қул сотиб олганида маҳрам бўлган қариндоши олинса, (у) дарҳол сотиб олган кишидан ихтиёрсиз озод бўлгай.

وَ إِلَى الْمُوَكِّلِ فِي نِكَاحٍ

Ва ул ҳақлар вакил қилган кишига қайтгайким, ул ҳақларда мулкни алиштириб бўлмагай ва ул ақдлар вакилга изофа қилинмагай, балки вакил қилган кишига изофа қилингай. Чунончи, агар никоҳ қилмоқда вакил никоҳини ўз нафсига изофа қилса, яъни, Зайд тарафидан қабул қилдим демай, жуфтликка қабул қилдим деса, никоҳ вакилга бўлгай, вакил қилганга бўлмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ خُلْعٍ

Ва хулъда, яъни, хотиндан бир нарса олиб, талоқ қилмоқда ҳақ вакил қилганга қайтгай. Зероки, вакил буларнинг иккаласи ўртасида ғайрнинг ҳикоясини баён қиладургандур. Бас, ушбу

www.ziyouz.com kutubxonasi

жиҳатдан вакил бўлган кишига маҳрнинг ва никоҳнинг бошқа ҳақларини бермоқ лозим эмас. Чунончи, «Кифоя»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

وَ صُلْحٍ عَنْ إِنْكَارٍ أَوْ دمٍ عَمْدٍ وَ عِتْقٍ عَلَى مَالٍ وَ كِتَابَةٍ

Ва яна вакил қилган киши мункир бўлганлигидан, яъни, топган жиҳатидан мол бериб, сулҳ қилмоқ ё қасддан бир кишини ўлдиргани жиҳатидан ўлдирилган кишининг қариндошига мол бериб, сулҳ қилмоқ ва қулни мол олиб, озод қилмоқ ва қулни, масалан, йигирма тилла баробарига озодсан, деб китобат қилмоқ, яъни, қулнинг қўлига хат қилиб бермоқ, – бу баён қилинганларнинг ҳақлари вакил қилган кишига қайтгай.

وَ تَصَدُّقٍ وَ هِبَةٍ

Ва яна садақа қилмоқ, бахшиш қилмоқ ҳақлари вакил қилган кишига қайтгай.

وَ إِعَارَةٍ وَ إِيْدَاعٍ وَ رَهْنٍ وَ إِقْرَاضٍ

Ва яна орийатга бермоқ, орийатга олмоқ, омонатга бермоқ, гаров қўймоқ, гаров олмоқ ва қарз бермоқ ҳақлари вакил қилган кишига қайтгай, яъни, мазкурларнинг ҳаммасидан вакил қилган кишидан жавоб олгайлар, вакил ўз ихтиёрича қилолмагай, ушбу сабабдан бир киши бир одамга никоҳламоққа вакил бўлса, «ўзимга олдим» ва «Хостам базани» ва «Қабул кардам базани», демай, балки, «Фалон киши учун олдим» ва «Унинг тарафидан қабул қилдим», дегай.

فَلاَ يُطَالَبُ وَكِيلُ الزَّوْجِ بِالْمَهْرِ

Бас, никоҳ вақтида куёв тарафидан вакил бўлган одамдан қиз кейинги кунда даъво қилолмагай, балки маҳрни жуфтланган эридан талаб қилгай.

وَ لاَ وَكِيلُهَا بِتَسْلِيمِهَا

Ва яна хотиннинг вакилидан эри, хотинимни олиб келиб менга топширгил, деб талаб қилолмагай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ بِبَدَلِ الْخُلْعِ

Ва яна эр тарафидан хотинни хулъ қилиб, яъни, хотинни мол баробарига талоқ қилиб, ул хулъ баробарига эрга тегадиган молни олиб бермоққа вакил қилинган кишидан кейинги кунларда эр хулъ бадалини талаб қилолмагай, юқорида баён қилинган далил жиҳатиданки, бу баён қилинган масъалаларда вакил сафирдир, яъни, вакил даллалий маҳз ва сулҳ кари маҳздир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لِلْمُشْتَرِى مَنْعُ الثَّمَنِ مِنْ مُوَكِّلِ بائعه

Ва агар вакил бир нарсани сотса, вакил қилган киши сотиб олган одамдан баҳосиниким, ул пулдир ё пулнинг ўрнига бошқа нарсадир, уни менга бергил, деб талаб қилса, сотиб олган кишининг вакил қилган мол эгасига ул пулни бермасликка қудрати етгай. Зероки, молнинг баҳосини олмоқ вакилнинг ҳақидир, вакил қилган одам ақднинг ҳақлари тўғрисида бегона одамга ўхшашдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз», «Шарҳи Илёс», «Мажмаъу-л-анҳар», «Ҳидоя» ва «Дурру-л-мунтақий»да мазкурдир.

فَانْ دَفَعَ إِلَيْهِ صَحَّ

Бас, агар сотиб олган киши пулни вакилга бермай, вакил қилган кишига берса, дурустдир.

وَ لاَ يُطَالِبُ ثانيًا

Вакил сотиб олган кишидан пулни иккинчи маротаба талаб қилолмагай, зероки, олинган пулнинг ўзи вакил қилган кишининг ҳақидир ва ул баҳо унга тегибдир, сотиб олган киши ундан қайтиб олиб, вакилга бермоғида, ундан кейин вакил яна вакил қилган кишига бермоғида ҳеч фойда йўқдир. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУ ФАСЛДА СОТМОҚҚА ВА СОТИБ ОЛМОҚҚА ВАКИЛ ҚИЛМОҚНИНГ БАЁНИ

لَا يَصِحُّ بَيْعُ الْوَكِيلِ وَ شِرَاؤُهُ مِمَّنْ يُرَدُّ شَهَادَتُهُ لَهُ

Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, вакил фойдасига гувоҳлик бермоғи қабул қилинмайдиган кишиларга вакилнинг сотмоғи ва улардан бир нарсани сотиб олмоғи ҳам дуруст эмас. Масалан, вакилнинг отаси, бобоси, боласи, набираси, эри, хотини, хожаси, қули, мукотаби ва шеригига ўхшаш. Чунончи, «Мажмаъу-л-анҳар»да мазкурдир. Зероки, булар туҳматнинг маҳалидир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ صَحَّ بَيْعُ الْوَكِيلِ بِمَا قَلَّ أَوْ كَثُرَ

Ва мутлақ байъ қилмоққа вакил бўлган кишининг ул баён қилинган жамоалардан бошқаларга ҳар қандоқ баҳога сотмоғи, яъни, кам баҳога ё кўп баҳога сотмоғи дурустдир.

وَ الْعَرْضِ وَالنَّسِيئَةِ

Ва яна вакилнинг нарсани пулдан бошқа мол ва матоъ баробарига сотмоғи дурустдир ва насийага сотмоғи ҳам дурустдир, агар, бу молни мунча баҳога сотгин, деб тайинлаб берса, вакил уни камга сотса, байъ дуруст эмас ва агар айтганидан ошиқча сотса, дурустдир. Чунончи, «Назм» китобида мазкурдир. Ва агар вакил қилган киши, нақдга сотгил, деб буюрса, вакил насийага сотса, байъ дуруст эмас. Чунончи, «Қозихон»да мазкурдир. Ва агар ул вакил қилган киши, насийага сотгил, деб вакил қилса, вакил нақдга сотса, байъ дуруст эмас. Чунончи, «Хазона»да мазкурдир.

وَ بَيْعُ نِصْفِ مَا وُكِّلَ بِبَيْعِهِ

Ва Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, вакилга сотмоққа амр қилинган нарсанинг нисфини сотмоқ ва агарчандики қул ва отга ўхшаш, ул нисфи сотилган нарсага зарар берса ҳам, дурустдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс», «Жомиъу-р-румуз» ва «Мажмаъу-л-анҳар»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ أَخْذُهُ رَهْنًا أَوْ كَفِيلاً بِالثَّمَنِ

Вакил қилган кишининг молини вакил сотганда, сотиб олган кишидан ул вакилнинг гаров олмоғи дурустдир. Ва яна вакил молни сотиб олган кишидан кафилу бил-мол қилдирмоғи дурустдир. Бу тўғрида сотилган молнинг пули насийа бўлгай.

فَلاَ يَضْمَنُ أَنْ ضَاعَ فِي يَدِهِ أَوْ تَوَى مَا عَلَى الْكَفِيلِ

Бас, вакил молни насийа бериб, гаров олгандан кейин ул гаров мол вакилнинг қўлида нобуд бўлса ё кафилдаги бир мол зоеъ ва нобуд бўлса, кафил ё қарздор тарафидан бўлган кафил муфлис ва бечора бўлиб ўлса, вакил қилган кишига молнинг пулини ва гаров қўйган кишига гаров молнинг қийматини тўламагай. Чунончи, «Кирмоний»да мазкурдир.

وَ يُقَيَّدُ شِرَاءُ الْوَكِيلِ بِمِثْلِ الْقِيْمَةِ

Ва сотиб олмоққа вакил қилинган вакилнинг сотиб олмоғи бозор баҳоси билан мисли бўлган баҳога тайин қилган бўлгай, яъни, баҳо қиладиганларнинг ҳар қайси бирлари тайин қилган баҳога сотиб олмоғи дурустдир.

وَ زِيَادَةٍ يُتَغَابَنُ

Ва яна мисли баҳодан зиёда вакилнинг сотиб олмоғи дуруст бўлурки, ул зиёда баҳони одамлар кўтара олгайлар.

وَ هِيَ مَا قَوَّمَ بِهِ مُقَوِّمٌ

Ва ул ошиқча баҳо шундай баҳодурки, уни бир баҳо қиладиган киши баҳо қилиб, ўзга баҳочилар ул киши қилган баҳони қилмагай. Бас, агар ул вакил бир нарсани ўн тангага сотиб олса, уни вакил қилган киши, ўз наздида, қиймат олган фаҳмлаб, уни олмоққа қабул қилмаса, андин кейин молни сотиб олган вакил молга баҳо қўядиганларга кўрсатса, уларнинг баъзилари тўққиз танга ва баъзилари ўн танга баҳо қўйса, ул мол андак зиёда баҳода олинган бўлиб, ул молни олмоқ муваккилга, яъни, вакил қилган кишига лозим бўлгай. Ва агар баҳо қўядиганлардан бири ул молни ўн танга баҳо қилмаса, байъга дохил

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлмагай ва андак зиёда олинган эмас ва ул иннайни фоҳишдир, яъни, сариқ, равшан ва ошкора ошиқча зиёндир, ва ул зиёда баҳога олинган нарсани олмоқ вакилга лозимдир. Ва бу баён қилинган баҳо қилдирмоқ кўп зиён билан оз зиённи фарқ қилгувчидир ва бунга фатво берилур. Чунончи, «Байъу-с-суғро»да мазкурдир ва бу қавл саҳиҳдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»-да мазбурдир.

وَ يَتَوَقَّفُ شِرَاءُ نِصْفِ مَا وُكِّلَ بِشِرَائِهِ عَلَى شِرَاءِ الْبَاقِي

Ва тайинли бир нарсани олмоққа вакил қилинган киши ул нарсанинг ярмини сотиб олмоқлиги билан вакил қилган одамга уни олмоқ лозим бўлмоғи, қолган ярмини сотиб олмоққа мавқуфдир, яъни, вакил қилган кишига ул яримни қабул қилмоқ лозим эмас. Зероки, ярмини сотиб олмоқ билан вакил хилоф қилибдир. Магар қолган нисфини сотиб олганидан кейин лозим бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لَوْ رُدَّ مَبِيعٌ عَلَى وَكِيلٍ بِعَيْبٍ رَدَّهُ عَلَى آمِرِهِ

Ва агар сотилган мол эски айби борлиги сабабидан вакилга қайтарилса, яъни, олган киши қайтиб келтириб берса, вакил ул молни сотгил, деб амр қилган одамга қайтариб бергай.

إِلاَّ وَكِيلٌ أَقَرَّ بِعَيْبٍ يَحْدُثُ مِثْلُهُ

Магар вакил қайтган молни вакил қилган кишига қайтармагай, бундай айблар андак муддатда пайдо бўлгай, деб вакил иқрор қилса, ул айбли мол вакилнинг ўзига қолгай.

وَ لَزِمَهُ ذَلِكَ

Ва ул вакилга айбнинг нуқсонини тўламоқ лозим бўлгай. Ва бундан ишорат шунгаким, агар ул айбли молни сотиб олган киши гувоҳ ўткариб, қозининг ҳукми билан вакилга қайтарса ё вакилни қасамдан бош тортмоғи билан айбли молни вакилга қайтарса, вакил ҳам ул молни вакил қилган кишига қайтариб бергай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ إِنْ بَاعَ نَسَاءً وَ قَالَ قَدْ أَطْلَقَ الأَمْرُ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва агар вакил насийага сотса, ундан кейин вакил билан вакил қилган киши ихтилоф қилишсалар ва у вакил менга мувакилим байъи мутлақка амр қилган эди, деса,

فَقَالَ أَمَرْتُكَ بِنَقْدٍ صُدِّقَ الآمِرُ

Бас, вакил қилган киши: «Мен сенга нақдга сотмоққа амр қилган эдим, насийага сотмоққа буюрганим йўқ» деса, вакил қилган кишининг сўзи қасам билан тасдиқ қилинур. Вакил қилган киши: «Нақдга сотгил, деб амр қилган эдим», деб қасамёд қилгандан кейин вакил дарҳол пулини тўлагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ فِي الْمُضَارَبَةِ الْمُضَارِبُ

Ва фойда шерикликка сотиладиган молда молнинг эгаси билан фойда шерикка мол сотадиган кишиким, ушбу замонда гумошта дейилур, ихтилоф қилишса, мол эгаси агар гумоштага: «Мен сенга нақдга сотмоққа амр қилган эдим», деса, гумошта: «Менга байъи мутлақка амр қилган эдинг», деса, гумоштанинг сўзига қасам билан тасдиқ қилинур. Зероки, фойда шерик савдода насийа ва нақддан таом бўлмоқ аслдир, вакил бўлмоқда нақд бўлмоқ асл бўлганига ўхшаш. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ يَصِحُّ تَصَرُّفُ أَحَدِ الْوَكِيلَيْنِ وَحْدَهُ

Ва бир ишга вакил қилинган икки кишининг бири ул ишни танҳо тасарруф қилмоғи дуруст эмас.

إِلاَّ فِي خُصُومَةٍ

Магар даъволашмоқда танҳо тасарруф қилмоқ дурустдир, башарти икки кишини даъволашмоқда вакил қилган бўлса.

وَ رَدِّ وَدِيعَةٍ وَ قَضَاءِ دَيْنٍ وَ طَلاَقٍ وَ عِتْقٍ لَمْ يُعَوَّضَا

Ва яна вакил бўлган кишининг бири омонатни вакил қилган одам тарафидан эгасига топширмоқда, орийат нарсани топширмоқда, яна вакил қилган кишининг қарзини адо қилмоқда, яна вакил қилган кишининг жонибидан хотинини талоқ қилмоқда,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қул, канизак озод қилмоқда, талоқ билан озод қилмоқда эваз олинмаса, яъни, бир нарса олиб, талоқ ва озод қилинмаса, мазкурларнинг ҳаммасида икки вакилнинг танҳо тасарруф қилмоғи дурустдир. Агар талоқ билан озод қилмоқни бир нарсанинг бадалига олиб бўладиган бўлса, икки вакилнинг бири ёлғиз тасарруф қилмагай, магар ҳар вақтики, вакил қилган киши ё вакилнинг бири бирига танҳо тасарруф қилмоққа ижозат берса, дуруст. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ يَصِحُّ بَيْعُ عَبْدٍ أَو مُكَاتَبٍ أَو ذِمِّيٍّ مَالَ صَغِيرِهِ الْمُسْلِمِ وَ شِرَاؤُهُ

Қул, мукотаб ва зиммий ўзларининг мусулмон озод ёш болаларининг молларини сотмоқлари ва уларнинг моллари билан бир нарсани сотиб олмоқлари дуруст эмас ва бошқа тасарруфлари ҳам дуруст эмас, зеро, қуллик ва куфрлик мусулмонга валий бўлмоқни манъ қилгай. Чунончи, «Кофий» китобида мазкурдир. Мукотаб деб, масалан, ўн тилла баробарига озод хати берилган қулни айтилур. Зиммий – мусулмон подшоҳга жизйа бермоққа аҳд ва паймон қилган ғайридин.

وَ الأَمْرُ بِشِرَاءِ الطَّعَامِ عَلَى الْبُرِّ فِي دَرَاهِمِ كَثِيرَةٍ

Ва кўп тангалар билан амр қилган тўғрида, яъни, ўн танга ва ундан зиёда бўлганда, таомни сотиб олмоққа вакилни мутлақ амр қилмоқни буғдой сотиб олмоққа вакил қилганликка ҳамл қилинур.

وَ عَلَى الْخُبْزِ فِي قَلِيلَةٍ

Ва оз тангалар билан сотиб олмоққа вакил қилган киши вакилни амр қилганда нонга ҳамл қилингай, яъни, оз тангани вакилнинг қўлига бериб, бунга таом олиб келгил, деб амр қилса, нон олиб келмоққа ҳамл қилингай.

وَ عَلَى الدَّقِيقِ فِي مُتَوَسِّطَةٍ

Ва миёна тангани вакилнинг қўлига бериб, бунга таом олиб келгил, деб амр қилганда, буғдой унини олиб келмоққа ҳамл қилингай. Бир тангадан уч тангагача оздир, учдан бешгача ё олтигача, ё еттигача миёна тангадир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ва «Кифоя»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ فِي مُتَّخَذِ الْوَلِيمَةِ عَلَى الْخُبْزِ

Ва тўй қилмоқ учун ва ош бермоқ учун таом олгил, деб вакил қилган киши вакилга амр қилганда, хоҳ танга кўп бўлсин, хоҳ миёна, хоҳ оз бўлсин, одамларнинг урфи шунга бўлгани жиҳатидан нон олмоққа ҳамл қилингай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ الْأَمْرُ بِشِرَاءِ حِمَارٍ يَصِحُّ

Ва эшак, от ва хачир сотиб олмоққа баҳосини баён қилмай амр қилмоқ дурустдир, лекин вакил қилган кишининг ўз тенглари минадиган маркабга ҳамл қилингай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир ва ушбу жиҳатдан агар қози эшак сотиб олиб кел, деб амр қилса, вакил қулоғи кесилган эшакни сотиб олиб келса, жоиз эмас. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир.

وَ دَارٍ إِنْ ذُكِرَ ثَمَنُهَا وَ مَحَلَّتُهَا

Ва яна ҳовли сотиб олмоққа вакил қилмоқ дурустдир, агар ҳовлининг баҳоси ва маҳалласи баён қилинса.

وَ شَيْءٍ عُلِمَ جِنْسُهُ وَ ذُكِرَ ثَمَنُهُ و عُيِّنَ نَوْعُهُ

Ва номаълум нарсаким, унинг жинси бир важҳдан маълум бўлса, уни сотиб олмоққа амр қилмоқ дурустдир. Ва ул сотиб олинадиган нарсанинг баҳоси баён қилиниб, пулини қанчага олмоғини тайин қилса, яъни, бу икки шарт билан тайин қилса, масалан, нақдга от ол ёки буғдойга қўй ол, деб амр қилса, дуруст.

لَا إِنْ فَحَشَ جَهَالَةُ جِنْسِه كَالرَّقِيقِ وَ الثَّوْبِ وَالدَّابَّةِ

Аммо сотиб олмоққа амр қилмоқ дуруст бўлмагай, башарти ул нарса жинсининг номаълумлиги ёмон бузуқ бўлиб, вакилни ожиз ва музтар қилса. Масалан, қул олмоққа, кийим олмоққа ва ҳайвон олмоққа ўхшаш нарсаларга амр қилганда, вакил ҳайрон ва ожиз бўлса, – сотиб олинадиган қул эркакми ё хотинми, ва кийимлик ипакми, ё ипми, ё канопми, сотиб олинадиган ҳайвон отми, ё эшакми, ё хачирми, ё қўй, ё бошқа ҳайвонларми, –

www.ziyouz.com kutubxonasi

вакил мазкурларни билмоқдан ожиз бўладиган бўлса, вакил қилмоқ дуруст бўлмагай.

وَ صُدِّقَ الْوَكِيلُ فِي شَرِيْتُ عَبْدًا لِلآمِرِ فَمَاتَ وَ قَالَ الآمِرُ بَلْ لِنَفْسِكَ إِنْ دَفَعَ الآمِرُ الثَّمَنَ

Вакил қилган киши: «Менга қул сотиб олиб бергил», деб амр қилгандан кейин вакил бир қулни сотиб олиб: «Вакил қилган одам учун бир қулни сотиб олган эрдим, ул қул ўлди», деса ва амр қилган киши: «Мен учун олмадинг, балки ул қулни сен ўзинг учун сотиб олдинг», деса, вакилнинг сўзига тасдиқ қилингай, агар амр қилган киши вакилга пулни берган бўлса.

وَ إِلاَّ فَالآمِرُ

Ва агар пулни вакилга бермаган бўлса, амр қилган одамнинг сўзига тасдиқ қилингай ва агар амр қилган киши билан вакил пул тўғрисида ихтилоф қилсалар, ваҳоланки, ул сотиб олинган қул тирик бўлса, вакилнинг сўзига батариқи авло тасдиқ қилингай. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ لِلْوَكِيلِ حَبْسُ الْمَبِيعِ مِنْ آمِرِهِ لِقَبْضِ ثَمَنِهِ وَ إِنْ لَمْ يَدْفَعْ

Ва буюрган одамдан сотиб олинган нарсанинг пулини олмоқ учун ул нарсани унга бермай, тўхтатиб олиб турмоққа вакилнинг қудрати етгай ва агарчандики сотган кишига пулини бермаган бўлса ҳам.

فَإِنْ هَلَكَ بَعْدَ الْحَبْسِ سَقَطَ الثَّمَنُ

Бас, агар сотиб олинган нарса бермай қамаб қўйилганидан кейин вакилнинг қўлида нобуд бўлса, ул нарсанинг баҳоси вакил қилган кишидан соқит бўлгай.

وَ لَيْسَ لِلْوَكِيلِ بِشِرَاءِ عَيْنٍ شِرَاؤُهُ لِنَفْسِهِ

Ва бир тайинли нарсани сотиб олмоққа амр қилинган вакилга ул нарсани ўзи учун сотиб олмоғи дуруст эмасдир. Бас, агар муваккил амр қилинганини вакил ўзи учун олса, ул нарса муваккилга бўлгай, яъни, вакил қилган кишига бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

فَانْ شَرَى بِخِلَافِ جِنْسِ ثَمَنِ مُسَمًّى وَقَعَ لَهُ

Бас, агар вакил амр қилган кишининг аталган баҳоси жинсини бошқа жинс билан сотиб олсаки, ул ўлчов билан олинадиган нарсага ўхшаш бўлса ё муваккилнинг берган пулидан кўпроқ пулга сотиб олса, ул сотиб олинган нарса вакил қилган кишининг фармойишига (нисбатан) бошқа бўлгани жиҳатидан вакилники бўлгай.

БУ ФАСЛДА ДАЪВОЛАШМОҚҚА ВАКИЛ ДАЪВО ҚИЛИНГАН НАРСАНИ ҚЎЛИГА ОЛМОҒИНИНГ БАЁНИ

لِلْوَكِيلِ بِالْخُصُومَةِ الْقَبْضُ

Даъво қилмоққа қилинган вакил даъво қилинган нарсани қўлига олмоққа қудрати етгай, хоҳ ул даъво қилинган нарса бир кишининг гарданида қарз бўлсин ё даъво қилинган киши қўлида бир айн бўлсин, яъни, бир зот бўлсин, бу қавл ривойатнинг аслидир. Ва бу даъволашиб, ҳақ олмоққа қилинган вакилнинг даъво қилинган нарсани қўлига олмоққа қудрати етмоғи Имом Аъзам, Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳ наздларидадир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ يُفْتَى الآنَ بِخِلَافِهِ

Ва бу замонда бунинг хилофига фатво берилур, яъни, вакилларда макр, хиёнат, жабр ва талбис зоҳир бўлгани жиҳатидан, даъвога вакил қилинган кишига даъво қилиниб олинган нарсани қабзига олмоқ тегишли эмас деб, Имом Зуфар раҳматуллоҳи алайҳ қавлларига фатво берилур. Чунончи, «Шарҳи Илёс», «Жомиъу-р-румуз» ва «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

وَ لِلْوَكِيلِ بِقَبْضِ الدَّيْنِ الْخُصُومَةِ

Ва ул кишиким, вакил қилган одамнинг қарз берган нарсасини олмоқ учун вакил бўлса, ул қарз берилган нарса учун даъволашмоққа қудрати етгай.

لَا بِقَبْضِ الْعَيْنِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо бир тайинли нарсани олмоққа вакил қилинган кишига даъво қилишмоқ тегишли эмасдир. Зероки, ул элчига ўхшашдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ يَقْصُرُ يَدُ الْوَكِيلِ بِقَبْضِ الْعَبْدِ

Ва бир одамнинг қўлидан кетиб қолган қулни олиб келтирмоққа амр қилинган вакилнинг қўли кўтоқ ва қисқа бўлгай.

وَ نَقْلِ الْمَرْأَةِ

Ва яна эридан носозовор бўлиб кетган хотинни кўчириб олиб келмоққа амр қилинган вакилнинг олиб келмоққа қудрати етмагай.

فَانْ أَقَامَ الْحُجَّةَ عَلَى الْعِتْقِ وَ الطَّلَاقِ بِلاَ ثُبُوتِهِمَا

Бас, агар ул кетиб қолган қул хожаси озод қилганлигига ва ул носазоворлик қилиб кетиб қолган хотин эридан талоқ қилганлигига гувоҳ ўткарсалар, иккаласи ҳам собит бўлмагай, яъни, булар гувоҳ ўткарганлари билан озод ва талоқ бўлолмагайлар, лекин улар гувоҳ ўткарганлари тўғрисидан олиб келмоққа вакилнинг қудрати етмагай. Зероки, қул ва хотин хусумга гувоҳ ўткармайдилар, вакилга гувоҳ ўткардилар, ушбу сабабдан агар вакил қилган киши ҳозир бўлса, гувоҳларини қайтадан ўткармоқлари вожиб бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ صَحَّ إِقْرَارُ الْوَكِيلِ بِالْخُصُومَةِ عِنْدَ الْقَاضِي

Ва даъволашмоққа қилинган вакил вакил қилган одамнинг зарарига иқрор қилмоғи қозининг олдида дурустдир. Зероки, қозининг ҳузури даъволашмоқнинг жойидур. «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

لاَ عِنْدَ غَيْرِهِ

Қозидан бошқанинг ҳузурида вакил бўлган киши муваккилнинг зарарига, яъни, вакил қилган кишининг зарарига иқрор қилмоғи дуруст эмасдир, масалан, бир кишида ҳақи бор одам тарафидан вакил бўлган киши, менинг муваккилимнинг бу даъво қилинган одамда оладиган нарсаси йўқ, деб қози олдида

www.ziyouz.com kutubxonasi

иқрор қилса, тасдиқ қилинур, бошқа киши олдида иқрор қилса, сўзи ростликка олинмагай, қарздор киши вакилининг ҳукми ҳам анга ўхшашдир, яъни, менинг муваккилимнинг бу муддаъийга берадиган қарзи бор, деб қози ҳузурида иқрор қилса, анга ҳукм бўлгай, бошқа одам олдида иқрор қилса, ҳукм бўлмагай.

وَ لِلْمُوَكِّلِ عَزْلُ وَكِيلِهِ

Вакил қилган киши ўз вакилини азл қилмоққа қудрати етгай. Зероки, вакил қилмоқ унинг ҳақидир, вакилликдан чиқармоққа ҳам қодирдир. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ وَقَفَ عَلَى عِلْمِهِ

Ва унинг вакилликдан маъзул бўлмоғи вакилликдан чиққанини билмоғига мавқуфдир.

وَ تَبْطُلُ الْوَكَالَةُ بِمَوْتِ أَحَدِهِمَا

Вакил қилган киши билан вакилнинг иккаласидан бирининг ўлмоғи билан вакиллик ботил ва бекор бўлгай ва ҳақлариким, сотилган нарсани қўлига олмоқ, сотилган нарсани топширмоқ, айб билан қайтармоқдир ва бунга ўхшаган нарсаларнинг ҳаммаси вакил билан вакил қилган кишининг тирик қолганига ўтгай. Чунончи, «Имодий» китобида мазкурдир.

وَ جُنُونِهِ مُطْبِقًا

Ва яна вакил қилган киши билан вакилнинг бири доимий жинни бўлмоғи билан андоғким, сотмоқни ва сотиб олмоқни билмаса, вакиллик ақди ботил бўлгай. Чунончи, «Захийра»да мазкурдир. Мутбиқ луғатда қоплагувчи ва ўраб олгувчидир. Ва шариатда, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, бир ой жиннилиги ўраб олганни айтилур. Ва бу қавлга фатво берилур. Ва Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, йилнинг кўпроғида жинни бўлмоқ. Ва Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, бир йил комил вакил қилган киши билан вакилнинг жинни бўлмоғи вакилликни ботил қилгай. Чунончи, «Суғроб» китобининг «Байъ»ида мазкурдир. Ва Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳнинг бу қавллари саҳиҳдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чунончи, «Кофий» китобида мазкурдир ва бошқа китобда ҳам зикр қилингандир.

وَ لَحَاقِه بِدَارِ الْحَرْبِ مُرْتَدًّا

Ва яна дорул-ҳарбга бориб, муртад бўлиб кирмоғи ва қўшилмоғи билан, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, қозининг ҳукми бўлмай, вакиллик ботил бўлгай. Зероки, ул жанобнинг наздларида, диндан қайтган кишининг тасарруфидан мавқуфдир. Ва анинг вакиллиги ҳам мавқуфдир, агар мусулмон бўлса, вакиллиги нуфуз қилгай. Ва агар ўлдирилса, ё дорул-ҳарбга бориб қўшилса, вакиллиги ботил ва бекор бўлгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ كَذَا بِعَجْزِ مُوَكِّلِه مُكَاتَبًا

Ва ушбуга ўхшаш вакил қилган киши мукотаб бўлиб, бадал китобатни адо қилмоқдан ожиз бўлгани сабабидан вакиллик ботил бўлгай. Масалан, бир қулнинг хожаси, сени ўн тилла баробарига озод қилдим, деб хат қилиб берса, андин кейин ул қул мукотаблик ҳолида бир одамни вакил қилса, сўнгра озод қилмоқ учун шарт қилинган пулни тўлай олмай, қайтадин қулига айланса, унинг қилган вакили ўшал замонда ботил бўлгай.

وَ حَجْرِه مَأْذُونًا

Ва анга ўхшаш агар қулнинг хожаси ул қулга сотмоқ ва олмоққа жавоб бергандан кейин тадбир ва тасарруфдан манъ қилгани сабабидан вакиллик ботил бўлгай.

وَ افْتِرَاقُ الشَّرِيكَيْنِ وَ إِنْ لَمْ يَعْلَمْ بِه وَكِيلُهُمْ

Ва анга ўхшаш икки шерик шерикликдан айрилган сабабларидан ва агарчандики ушбу кейинги тўрт масъалада баён қилинган вакиллик ботил ва бекор бўлмоққа сабаб бўлган воқеалар воқеъ бўлганини вакиллари билмаса ҳам, вакиллик ботил бўлгай. Масалан, вакил қилган кишининг ўлганини ҳам, жинни бўлганини ҳам вакил билмаса вакиллиги ботил бўлгай. Ва дору-л-ҳарбга динидан қайтган ҳолда кирганини билмаса ҳам вакиллиги ботил бўлур. Ва бир мунча пул топиб берсанг озод-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сан, дейилган қулнинг пул топиб беролмай, яна қул бўлиб қолганини вакил билмаса ҳам вакиллиги ботил бўлгай ва сотмоқ, ва олмоқ учун рухсат берилган қулни тасарруф қилмоқдан манъ қилганини вакил билмаса ҳам вакиллиги ботил бўлгай. Ва икки шерикнинг шерикликдан айрилганларини вакил билмаса ҳам вакиллиги ботил бўлгай. Зероки, мазкурларнинг ҳар қайси бирлари азл ҳукмидир, азл ҳукмига вакилнинг билмоғи шартдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ تَصَرُّفُ الْمُوَكَّلِ فِيمَا وَكَّلَ بِهِ

Ва яна вакил қилган киши бир нарсани қилмоққа бир одамни вакил қилиб, ул нарсани ўзи тасарруф қилмоғи билан вакиллик ботил бўлгай ва бу масъала кўп масъалаларга шомил бўлгай. Масалан, бир одамнинг қулини озод қилмоққа бир кишини вакил қилса, ё мукотаб қилмоққа вакил қилса, андин кейин вакил қилган одамнинг ўзи қулни озод қилса ё мукотаб қилса, ёки бир одамнинг тайини хотинини никоҳ қилмоққа вакил қилса, ёки бир нарсани сотиб олмоққа вакил қилса, андин кейин мазкурларни ўзи қилса, ёки хотинини талоқ қилмоққа вакил қилса, андин кейин вакил қилган кишининг ўзи уч талоқ ё бир талоқ қилса, ва ул хотиннинг иддаси тамом бўлса ёки хулъ қилмоққа, яъни, хотиндан бир нарсани олиб, талоқ қилмоққа вакил қилса, андин кейин ўзи бир нарса олиб, талоқ қилса, вакилнинг вакиллиги ботил ва бекор бўлгай. Зероки, бу баён қилинган нарсаларни вақтики, вакил қилган кишининг ўзи тасарруф қилса, мазкурларни тасарруф қилмоқ вакилга мутааззир бўлгай, андин кейин вакиллик ботил бўлгай. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الشِّرْكَةِ

ШИРКАТ КИТОБИ

Бу китобда шерик бўлмоқнинг баёни келади. **Ширкат** деб луғатда бир нарсани бир нарсага қўшмоқни ва ўртоқликни айтилур. Чунончи, «Ахтарий»да мазкурдир.

هِيَ ضَرْبَانِ شِرْكَةُ مِلْكٍ

Ва шариатда ул шериклик икки қисмдир. Бири – мулкка шерик бўлмоқдир.

وَ هِيَ أَنْ يَمْلِكَ اثْنَانِ عَيْنًا

Ва ул мулкка, молга шерик бўлмоқ икки киши ё ундан зиёда одамнинг бир муаййан ва тайинли нарсани эгалламоқларидир: сабаб олмоқ билан ё ҳиба ё садақа қилмоқ билан, ё мазкурларга бир нарсанинг мерос бўлмоғи билан, ё васиййат билан, ё ғолиб бўлмоқ билан, ё ўзлари аралаштирмоққа қасд қилмай, аларнинг моллари бир-бирига аралашмоқлари билан, ё икки шерик молларини аралаштирсаларким, айириб олмоқнинг иложи бўлмаса, буғдой буғдойга ва арпа арпага аралашиб кетганга ўхшаш. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ كُلٌّ كَأَجْنَبِيٍّ فِيمَا لِصَاحِبِهِ

Ва бу шериклик ҳар қайси йўлдошнинг қадри ҳиссасида бегона одамга ўхшашдир. Бас, бир шериги иккинчисининг қадри ҳисса молини ўзидан бежавоб сарф қилмоғи дуруст эмас. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ شِرْكَةُ عَقْدٍ وَرُكْنُهَا الْإِيْجَابُ

Ва ул шерик бўлмоқнинг бир қисми ширкат ақддир, яъни, иш қилмоқда шериклик ақдини боғламоқдир, масалан, сотмоқ ва олмоқда ё бошқа ишни юргизмоқда шерик бўлмоқ ва унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

рукни, яъни, жамиъи ажзоси ийжоб ва қабул билан бўлгайким, бири: «Менсиз ҳар қайси нарсани сотмоқда шерик қилдим», дегай ёки бир хил нарсани сотмоқда: «Мен сени шерик қилдим», дегай, буни ийжоб дейилур. Ва иккинчи шериги: «Қабул қилдим», демоғидир ва бу шерик бўлмоқнинг ҳукми фойдада шерик бўлмоқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ شَرْطُهَا أَنْ لاَ يُعَيَّنَ لأَحَدِهِمَا دَرَاهِمُ مِنَ الرِّبْحِ

Ва шериклик ақдининг шарти шулки, икки шерикнинг бири учун фойдадан бир миқдор тангалар тайин қилинмагай ва агар икки шерикнинг бирига фойдадан бир миқдор тангалар тайин қилинса, шерикнинг бири бефойда қолмоқ эҳтимоли бор жиҳатидан шериклик фосид бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Масалан, Зайд билан Умар шерик бўлсалар, ул қилишган ишларидан юз танга Зайдга бўлгай, деб тайин қилинса, Зайдга тайин қилинган тангалардан бошқа танга қолмаслик эҳтимоли бор жиҳатидан бу шериклик фосид бўлгай. Чунончи, бунинг мазмуни «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

وَ هِيَ أَرْبَعَةُ أَوْجُه مُفَاوَضَةٌ

Бу иш қилмоқда шерик бўлмоқ тўрт хилдир. Бири – ширкати муфовазадир, яъни, шерик бўлган одамнинг бири иккинчисига молларни аслан тавақкуф қилмай топширмоғидир, бу ширкати муфоваза бошқа шерикликлардан илгари келтирилди. Зеро, шерик муфовазада улуғроқ баракат борлигига ҳадис ворид бўлибдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ул ҳадис будир:

فَاوِضُوا فَإِنَّهُ أَعْظَمُ لِلْبَرَكَة

Яъни: «Шерик бўлинглар, чунки шерикликда барака бордир». Чунончи, «Абул-Макорим»да мазкурдир.

وَ هِيَ شِرْكَةُ مُتَسَاوِيَيْنِ مَالاً وَحُرِّيَّةً وَ دِيْنًا

Ва бу ширкати муфоваза икки кишининг молда, яъни, тилла, кумуш ва булардан бошқа молларда баробар шерик бўлмоғидир. Ва яна озодликда ва динда шерикларнинг баробар, яъни, иккалалари ҳам озод ва мусулмон бўлмоқларидир, аммо ул икки шерик-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг бири тасарруф қилмоғига муносиб бўлган мол миқдоридан иккинчи шерикда озроқ бўлса ёки моллари баробар бўлиб, бирлари қул ё иккалалари қул бўлса, ёки бирлари мусулмон, бирлари ғайридин бўлса, шерикликлари дуруст бўлмагай ва бу Имом Аъзам ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳ қавлларидир. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир. Ва Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, мусулмон билан кофир ўрталарида шериклик жоиз, лекин макруҳ. Чунончи, «Гўрмирий»да мазкурдир ва бу иборатдан зоҳир ва икки шерикнинг балоғатга етган бўлмоғи. Бас, икки ёш бола ёки бир ёш бола ва бир балоғатга етган киши ўртасида шериклик ақди боғланмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ تَتَضَمَّنُ الْوَكَالَةُ وَ الْكَفَالَةُ

Ва бу ширкати муфоваза, яъни, бири-бирига мол топширишмоққа шерик бўлмоқ вакиллигини ва кафил бўлмоқни ичига олгай, яъни, шерикнинг бири иккинчиси тарафидан вакил бўлмоғини ва кафил бўлмоғини лозим қилгай. Бас, ҳар вақтики, икки шерикнинг бири бир нарсани сотиб олса, сотган одамнинг иккинчи шерикдан пулини олмоққа қудрати етгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ مُشْتَرَى كُلٌّ لَهُمَا

Ва бир нарсани икки шерик сотиб олса, иккаласининг мулки бўлгай.

إِلاَّ طَعَامُ أَهْلِهِ وَكِسْوَتِهِمْ

Магар ўзининг аҳл ва аёллари таомини ва уларнинг кийимларини сотиб олса, ўзи эга бўлгай.

وَ كُلُّ دَيْنٍ لَزِمَ أَحَدُهُمَا بِمَا يَصِحُّ فِيهِ الشَّرِكَةُ

Ва шерикликка лойиқлиги ва дурустлиги бор ишлар сабабидан ҳар қарзким, ул икки шерикнинг бирига адо қилмоқ лозим бўлса, бир нарсани сотиб олмоққа ўхшаш ва бунга ўхшаган нарсалар.

كَالشِّرَاءِ وَنَحْوِهِ ضَمِنَهُ الأَخَرُ

Масалан, сотмоққа ва ижарага олмоққа ўхшаш ул шерик-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг бири мол сотиб олса ва бир нарсани ижарага олса, ширкати муфовазада кафиллик бўлгани жиҳатидан иккинчиси ҳам ул қарзни тўлагай.

وَ إِنْ وَرِثَ أَحَدُهُمَا أَوْ وُهِبَ لَهُ مَا يَصِحُّ فِيهِ الشَّرِكَةُ وَ قَبَضَ صَارَتْ عِنَانًا

Ва агар икки шерикнинг бири мерос олса ёки ул кишига бир нарса ҳиба қилинса, ё садақа қилинса, ёки ул кишига васиййат қилинса ул молники, унда шериклик дуруст бўлгай ва ул мерос олган шерик ёки ҳиба, ёки садақа олган шерик ёки унинг фойдасига васиййат қилинган шерик молни қўлига олса, жамиъи савдогарликда моллари баробар бўлмагани жиҳатидан мазкур икки шерикнинг ширкати муфовазаси ширкати инонга айланғай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ فِي الْعُرُوضِ وَ الْعَقَارِ بَقِيَ مُفَاوَضَةً

Матолар, ҳовли ва ерлар мерос тегмоғи ё бағишланмоғи билан, ё васиййат билан, ё бошқа нарсалар жиҳатидан бир шерикнинг қўлига текканда ширкати муфоваза, яъни, бир-бирига мол топширишмоққа шерик бўлганлик ўз ҳолига қолгай.

وَ عِنَانٌ

Ва яна шерикликнинг тўрт қисмидан бир қисми инондир.

وَ هُوَ شِرْكَةٌ فِي كُلِّ تِجَارَةٍ أَوْ نَوْعٍ

Ва ул ширкати инон савдогарликнинг ҳаммасида ё бир хил савдогарликда шерик бўлмоқдир. Шерикларнинг ҳар қайси бири баъзи молда тасарруф қилмоқни иккинчи шеригига топширгани жиҳатидан бу шериклик **ширкати инон** дейилур.

وَ يَصِحُّ بِبَعْضِ مَالِهِ

Ва бу ширкати инон ҳар бир шерик молининг баъзиси қолиб, баъзиси билан ҳам шерикликда дуруст бўлгай.

وَ مَعَ فَضْلِ مَالِ أَحَدِهِمَا

Ва яна шериклардан бирининг моли кўп ва ошиқ бўлиб, қол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган фойдаси баробар бўлмоғи билан ҳам шериклик дуруст бўлгай.

وَ تَسَاوِى مَالَيْهِمَا مَعَ تَفَاوُتِ الرِّبْحِ

Ва яна икки шерикнинг моллари баробар бўлиб, қилган фойдаси баробар бўлмай, бир шерикнинг фойдаси иккинчи шерикникидан зиёда бўлмоғи билан ҳам шериклик дуруст бўлгай.

وَ كَوْنِ أَحَدِهِمَا دَرَاهِمَ وَالآخَرُ دَنَانِيرَ

Яна шериклардан бирининг моли танга ва иккинчисининг моли тилла бўлмоғи билан ҳам ширкати инон дуруст, хоҳ ул тангалар билан тиллалар қийматда баробар бўлсин, хоҳ бири-биридан зиёда бўлсин. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ بِلاَ خَلْطٍ

Ва яна икки шерик молларини бир-бирига аралаштирмай ҳам ширкати инон дуруст бўлгай.

وَ كُلٌّ مُطَالَبٌ بِثَمَنِ مَشْرِيهِ لاَ غَيْرُ

Ва бу ширкати инон билан шерик бўлган одамларнинг ҳар қайси бири ўзи сотиб олган нарсасининг пулини молни сотиб олган шерикдан талаб қилгай, сотиб олмаган шерикдан молнинг пули талаб қилинмагай. Зероки, ширкати инонда кафиллик йўқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

ثُمَّ رَجَعَ عَلَى شَرِيكِهِ بِحِصَّتِهِ اَنْ أَدَّاهُ مِنْ مَالِهِ

Андин кейин, яъни, икки шерикнинг мол сотиб олгани мол сотган кишига ҳақини берганидан кейин шерик учун тўлаган ҳиссани ундан олгай, агар шериги учун ўз молидан бериб адо қилган бўлса. Ва агар шериклик молдан бериб адо қилган бўлса, шерикдан олмагай. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир.

وَلاَ تَصِحَّانِ إِلاَّ بِالنَّقْدَيْنِ وَالْفُلُوسِ النَّافِقَةِ

Ва ул юқорида баён қилинган ширкати муфоваза тариқича ва бу ширкати инон тариқича шерик бўлмоқ тилла ва кумуш пуллар билан ва уч пул, бир фақир ва тўққиз пул деб ном қўйилганга ўхшаш чақалар билан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَالتِّبْرِ

Ва сикка урилмаган, яъни, муҳр қилиниб, ишга киритилмаган тилла ва кумуш билан.

وَالنُّقْرَةِ إِنْ تَعَامَلَ النَّاسُ بِهِمَا

Ва «нақра», яъни, эритилган тилла ва кумушдан бир пора кесилиб тушганлари билан. Чунончи, «Муғриб» китобида мазкурдир, агар одамларининг байъ ва шародаги муомалалари тибр ва нақралар билан бўлса.

وَبِالعُرُوضِ بَعْدَ إِنْ بَاعَ كُلٌّ مِنْهُمَا نِصْفَ عَرَضِهِ بِنِصْفِ عَرَضِ الآخَرِ

Ва яна пуллардан бошқа мол билан ширкати инон ё ширкати муфоваза тариқича шерик бўлишмоқ дуруст бўлгай, агар икки шерикнинг бири ўзи молининг нисфини иккинчи шериги молининг нисфи баробарига сотса.

وَ هَلَاكِ مَالِهِمَا أَوْ مَالِ أَحَدِهِمَا قَبْلَ الشِّرَاءِ يُفْسِدُهُمَا

Ва икки шерикнинг моллари нарса сотиб олмасдан илгари нобуд ва зоеъ бўлмоғи ёки икки шерикдан бирининг моли зоеъ ва нобуд бўлмоғи шерикликни бузгай, зероки, мол шерик бўлмоқ ақдига маҳал ва жойдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ هُوَ عَلَى صَاحِبِهِ قَبْلَ الْخَلْطِ فِي يَدِ أَيِّهِمَا هَلَكَ

Ва ул нобуд бўлган мол эгасининг зарарига бўлгай, шеригини молига аралаштирмасдан илгари икки шерикдан қайси бирининг қўлида нобуд бўлса ҳам. Зероки, ул ўз мулкида турибдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ بَعْدَ الْخَلْطِ عَلَيْهِمَا

Икки шерик молларини аралаштиргандан кейин нобуд бўлса, иккала шерик зарарига бўлгай, зиёнда иккалалари шерикдир.

وَ لِكُلٍّ مِنْ شَرِيكَيْ مُفَاوَضَةٍ وَ عِنَانٍ أَنْ يُبْضِعَ

Ва ширкати муфоваза ва ширкати инон шерикларнинг ҳар қайси бирлари шериклик молни сотмоқ ва олмоқ учун сармойа қилмоққа, яъни, дастмойа қилмоққа қудрати етгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ يُودَعَ وَ يُضَارَبَ وَ يُوَكِّلَ

Ва яна ул молни омонат қўймоққа ва фойда шерикликка бермоққа ва яна ул молни тасарруф қилмоққа бир одамни вакил қилмоққа қудратлари етгай.

وَالْمَالُ فِي يَدِهِ أَمَانَةٌ

Ва шериклик мол иккала шерикнинг ҳар қайсиси қўлида омонатдир, бетаъаддий омонат мол нобуд бўлса, товон тўламагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ شِرْكَةُ الصَّنَايِعِ وَالتَّقَبُّلِ

Ва шерикликнинг учинчи қисми иш қилмоқда ва ҳунарларда шерик бўлмоқдир, яъни, бир хил ҳунарни бирга қўшилиб бажо келтирмоққа шарт қилишиб ишламоқда ва яна ишни қабул қилиб олмоқда шерикликдир.

وَ هِيَ أَنْ يَشْتَرِكَ صَانِعَانِ كَخَيَّاطَيْنِ أَوْ خَيَّاطٍ وَصَبَّاغٍ

Ва ул шериклик ҳунарли икки одамнинг шерик бўлмоғидир, масалан, кийим тикадиган икки кишининг ёки кийим тикадиган бир киши билан бўёқчининг шерик бўлмоғига ўхшаш.

وَ يَتَقَبَّلَا الْعَمَلَ بِاجْرٍ بَيْنَهُمَا صَحَّتْ

Ва яна икки одамнинг бир ишни музд (хизмат ҳақи) олмоқ билан қабул қилмоғидирки, бу икки киши ўрталарида ул ужра шерикликдир, бу тариқа шериклик дурустдир.

وَ إِنْ شُرِطَ الْعَمَلُ نِصْفَيْنِ وَالْمَالُ أَثْلَاثًا

Ва агарчандики ишни икки ҳисса қилиб, ул ишдан ҳосил бўлган молни уч ҳисса қилиб, бир ҳиссаси бирига ва икки ҳиссаси иккинчисига бўлмоғи шарт қилинса ҳам.

وَ لَزِمَ كُلًّا عَمَلٌ قَبِلَهُ أَحَدِهِمَا

Ва икки шерикнинг бири қабул қилиб олган ишни қилмоқ иккаласига лозим бўлур. Бас, бу икки шерикнинг ҳар қайси бири бўлса ҳам, ишламоққа зўрламоқ лозим бўлгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَيُطَالِبُ الْأَجْرَ

Ва анга ўхшаш бу икки шерикнинг қайси бири бўлсин, хизмат ҳақини иш эгасидан зўрлаб олмоғи дуруст бўлгай.

وَيَصِحُّ الدَّفْعُ إِلَيْهِ

Ва иш эгаси икки шерикнинг ҳар қайси бирига қилинган иш ҳақини батамом берса, дуруст бўлгай.

وَالْكَسْبُ بَيْنَهُمَا وَ إِنْ عَمِلَ أَحَدُهُمَا

Ва иш ҳақи иккала шерик ўртасида шарт қилинган кайфиятича бўлгай ва агарчандики баҳолаб олинган ишни ул икки шерикнинг бири қилса ҳам.

وَ شِرْكَةُ الْوُجُوهِ وَ هِيَ أَن يشْتَرِكا بِلاَ مَالٍ لِيَشْتَرِيَا بِوُجُوهِهِمَا وَيَبِيْعَا

Ва яна ширкати ақдийнинг тўртинчиси ширкати вужуҳдир, яъни, пуллари бўлмаса ҳам икки киши шерик бўлишиб, обрўлари борлиги сабабдан кейин бериб адо қилмоқ бўлиб, савдогардан насийага мол олиб сотмоқларидир ва ул молдан ҳосил бўлган пулдан қарзларини бериб, ундан ортиб қолса, ул қолган фойдани тақсим қилиб олгайлар.

فَتَصِحُّ مُفَاوِضَةً

Бас, бу тариқа шерикликда ширкати муфоваза дурустдир. Агар муфовазанинг шартлари мавжуд бўлсаки, ул шартлар молда ва озодликда, ва мусулмон бўлмоқда баробар бўлмоқ эди.

مُطْلَقُهَا عِنَانٌ

Ва бу обрў билан шерик бўлишиб, насийага мол олиб сотмоқнинг мутлақи ширкати инондир, яъни, мазкур ширкат муфовазанинг шартлари мавжуд бўлмаган сувратларда, зероки, одамлар ўртасида эътимод қилинган шериклик ширкати инондир ва халойиқ орасида машҳур ва мутаорифдир.

وَ كُلٌّ وَكِيلٌ لِلآخَرِ

Икки шерикнинг ҳар бири иккинчисига мол сотиб олмоқда ва-

www.ziyouz.com kutubxonasi

килдир, башарти шериклик ақди мутлақ бўлса. Аммо шериклик муфоваза тариқича бўлса, унда ҳам вакил, ҳам кафил бўлгайлар.

فَإِنْ شَرَطَا مُنَاصَفَةَ الْمُشْتَرَى أَوْ مُثَالَثَتَهُ فَالرِّبْحُ كَذَلِكَ

Бас, агар сотиб олинган нарса икки шерик ўртасида ярим бўлмоғини шарт қилишса, ҳосил бўлган фойдаси ҳам ярим бўлгай; учдан бири бир шерикка, икки ҳиссаси бошқа шерикка бўлмоғини шарт қилишса, фойда ҳам учга бўлинур.

وَشَرْطُ الْفَضْلِ بَاطِلٌ

Ва аммо фойдани ўз қадри ҳиссасидан зиёда қилмоқ дуруст эмас. Масалан, сотиб олинган молни иккала шерик ўртада олган бўлиб, шерикнинг бири фойдани ярмидан зиёда олмоғи дуруст эмас.

وَ لاَ يَصِحُّ الشَّرِكَةُ فِي اَخْذِ الْمُبَاحَاتِ

Ва ҳеч кимнинг мулкида бўлмаган мубоҳ нарсаларни йиғиб олмоққа шерик бўлмоқ дуруст бўлмагай.

فَخَصَّتْ بِمَنْ أَخَذَهَا وَنُصِفَّتْ إِنْ أَخَذَهَا

Балки мубоҳ нарсаларким, ким олса, ул олган эга бўлгай. Ва аммо икки шерик бирга олсалар, бўлишиб олгайлар. Мубоҳ нарсалар кишининг мулкида бўлмаган ердаги ўтин, қамиш, туз, тоғдаги мевалар ва бошқа мубоҳ нарсаларга ўхшаш.

وَ لِلْمُعِينِ وَصَاحِبِ الْعُدَّةِ أُجْرُ الْمِثْلِ

Мубоҳ нарсани, масалан, сувда оқиб кетиб турган ёғочни тутган одамга ёрдам бериб судрашиб чиқаришган кишига ва ҳам олмоққа қувват ва ионат берадиган асбоблар эгасига, масалан, от, арқон ва қопга ўхшаш мубоҳ нарсаларни олганда керакли нарсалар эгасига ужри мисл берилур.

وَلاَ يُزَادُ عَلَى نِصْفِ الْقِيْمَةِ عِنْدَ أَبِي يُوسُفَ رَحِمَهُ اللهُ تَعَالَى خِلاَفًا لِمُحَمَّدٍ رَحِمَهُ اللهُ

Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, хизмат ҳақи қўлга тушган мубоҳ нарса қийматининг ярмидан зиёда

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинмагай. Аммо Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, қўлга тушган мубоҳ нарса қийматининг ярмидан хизмат ҳақи зиёда қилинса ҳам, раво бўлгай.

وَ الرِّبْحُ فِي الْفَاسِدَةِ عَلَى قَدْرِ الْمَالِ

Ва фосид шерикликда қилинган фойда ҳар қайси шерик молининг миқдорича бўлгай. Масалан, солган моллар баробар бўлса, фойда ҳам баробардир. Аммо бирининг моли икки ҳисса бўлиб, иккинчисининг моли бир ҳисса бўлса, қилинган фойда ҳам шундай тақсим қилинур. Фосид ва бузуқ шериклик мисоли: иккала шерикнинг дастмойаси баробар бўлгай, лекин шерикнинг бири қилинган фойданинг ярмидан зиёдасини олмоқни шарт қилгай, бундай шарт билан шериклик фосид ва бузуқдир, зиёда олмоқни шарт қилса ҳам ололмагай.

وَ تَبْطُلُ بِالْمَوْتِ وَالْجُنُونِ وَاللِّحَاقِ مُرْتَدًّا

Ва икки шерикнинг ўлмоғи ёки бирининг жинни бўлмоғи ёхуд шерикларнинг бири диндан қайтиб, дорул-ҳарб юртига кирмоғи билан шериклик ботил ва бекор бўлгай, наъувзу биллаҳи минҳа. Зероки, мазкурлар ўлган ҳукмидадурлар.

وَ لَمْ يُزَلْ أَحَدُهُمَا مَالَ الآخَرِ بِلاَ إِذْنِهِ

Ва шерикнинг бири иккинчисининг молининг закотини берухсат адо қилолмагай, бас, шерикнинг молини ўзидан жавоб олмай берса, дуруст эмас.

كُلٌّ فَادَّيَا وِلاَءً ضَمِنَ الثَّانِي

Агар икки шерик шериклик молларидан бир-бири учун закот беришмоққа изн берсалар, кейин иккала шерик ҳам бир-бири учун закотни адо қилсалар, қайси бири закотни кейин берган бўлса, ул кейин берган шерик шеригига зомин бўлгай (тўлагай).

وَ إِنْ أَدَّيَا مَعًا ضَمِنَ كُلٌّ قِسْطَ غَيْرِهِ

Ва агар иккала шерик бир-бири учун бермоққа рухсат олган закотни бир замонда адо қилсалар, ҳар қайси бирлари иккинчиларининг қадри ҳиссаларини тўлагайлар. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْمُضَارَبَةِ

МУЗОРАБА КИТОБИ

Бу китобда бир одамга фойда шерикликка мол бериб, хизмат қилдирмоқнинг баёни келур. **Музораба** деб луғатда ерда юрмоқни айтилур, бу шерикликка нима учун бундай от қўйилибдур? Зероки, музораба, яъни, фойда шерикликка мол олиб, хизмат қилгувчи кўпинча фойдани қидириб, сафар қилиб, ерда юргай. Чунончи, «Дурару-л-Ҳукком»да ҳам мазкурдир.

هِيَ عَقْدُ شِرْكَةٍ فِي الرِّبْحِ بِمَالٍ مِنْ رَجُلٍ وَعَمَلٍ مِنْ آخَرَ

Шариатда музораба шулки, бир одамдан мол, иккинчи одамдан хизматни шарт қилиб, фойда шерикликка, яъни, қилинган фойдани баробар бўлиб олмоққа ақд боғламоқдир.

وَ هُوَ إِيْدَاعٌ أَوَّلاً وَتَوْكِيلٌ عِنْدَ عَمَلِه

Ва ул музораба, яъни, ул фойда шерикликка берилган мол ишлатилмасдан илгари омонат ҳукмида ва ишлатилган вақтда вакил ҳукмидадир. Зеро, ул мол эгасининг амри билан тасарруфдадир.

وَ شِرْكَةٌ إِنْ رَبِحَ وَغَصْبٌ إِنْ خَالَفَ

Ва агар мол топширилган киши фойда қилса, шерик ҳукмида бўлгай. Зероки, мол топширилган одам қилинган фойданинг баъзисига мустаҳиқ ва муносибдир ва агар ул мол топширилган киши эгасининг айтганига хилоф қилса, зўрлик билан тортиб олмоқ ҳукмидадир.

وَ بِضَاعَةٌ إِنْ شُرِطَ كُلُّ الرِّبْحِ لِلْمَالِكِ

Агар фойданинг ҳаммаси молнинг эгасига, деб шарт қилинса, дастмойадир.

وَقَرْضٌ إِنْ شُرِطَ لِلْمُضَارِبِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва агар фойданинг ҳаммаси хизмат қиладиган кишига, деб шарт қилинса, қарз ҳукмидадир, агарчандики молни музораба лафзи билан берса ҳам, музораба эмас, қарз бўлгай. Зеро, топширилган молдан олинган фойданинг ҳаммаси хизмат қилган кишига бўлмоғи бош молнинг ул кишига мулк бўлмоғини тақозо қилгувчидир; музораба лафзи дастмойа молни эгасига қайтармоқни тақозо қилади. Бас, бу икки маъно қарзда мавжуд бўлгани жиҳатидан, ул дастмойа мол қарз бўлди.

وَ إِجَارَةٌ فَاسِدَةٌ إِنْ فَسَدَتْ

Музорабанинг ҳукми шариатга тўғри келмай, фосид бўлса, ижара фосиддир.

فَلاَ رِبْحَ لَهُ

Бас, бу сувратда, яъни, музорабаи фосидда хизмат қилган кишига фойда тегмагай, балки ул хизмат қиладиган кишига қилган ишининг музди берилгай, хоҳ фойда қилсин, хоҳ фойда қилмасин.

وَ لاَ يُزَادُ عَلَى مَا شُرِطَ خِلاَفًا لِمُحَمَّدٍ رَحِمَهُ اللهُ

Ва қилинган хизмат ҳақи шарт қилинган фойда миқдоридан ортиқ бўлмагай, Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳнинг наздларида, ихтиёр қилинган қавл ушбудир. Бу масъалага Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ хилоф қилибдур. Зероки, ул жанобнинг наздларида, шарт қилинган миқдоридан зиёда бўлса ҳам, ажри мисл бордир.

وَ لا يَضْمَنُ الْمَالَ فِيهِ كَمَا فِي الصَّحِيحَةِ

Ва бу музорабаи фосидда топширилган мол нобуд ва ҳалок бўлса, музораб, яъни, фойдани қасд қилиб, иш юргизиб турувчи тўламагай, музорабаи саҳиҳада мол нобуд бўлганда тўламагандек. Зеро, музорабаи фосидда иш юргизиб турган киши омонатдордир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ لاَ تَصِحُّ إِلاَّ بِمَالٍ تَصِحُّ فِيهِ الشَّرِكَةُ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва бу музорабада шериклик дуруст бўлмагай, магар ул мол билан дуруст бўлгайки, шариатда ул молда шериклик дуруст бўлгай, «Байъ китоби»нинг 11-фаслида баён қилинганидек, шериклик дуруст бўладиган мол башарти одамлар тибр ва нуқра билан муомала қилишса, муфоваза ва ҳам инон тариқига шерик бўлмоқ тилла ва кумуш пуллар билан, ҳам чақалар билан ва тибр билан, яъни, ишга кирмаган тилла ва кумуш ва нуқра билан, яъни, сикка урилмаган кумуш билан.

وَ بِتَسْلِيمِهِ إِلَى الْمُضَارِبِ وَ شُيُوعِ كُلُّ الرِّبْحِ بَيْنَهُمَا

Ва ҳам ул молни музорибга топширмоқ билан дуруст бўлгай ва ҳам жамиъи фойда иккалаларининг ўрталарида бўлмоғи шарти билан дуруст бўлгай, ушбу баён қилинганлардан бошқа нарса билан шериклик дуруст бўлмагай. Аммо юқорида баён қилинган масъалаларга тўғри келмаслиги жиҳатидан, бу замондаги муомалага ўхшаш мато бериб, фойда шерикликка одам қўйиб, савдо қилдирмоқ дуруст эмас. Аммо берган матоларни сотмоққа фармойиш қилиб, ундан кейин пулидан фойда шерикка берилса, дуруст бўлгай. Ҳосили калом, музорабанинг олти шарти бордир.

Бири – мол нақд, яъни, тилла ва кумуш ёки тибр ё нуқра ёки ўтадиган чақа бўлгай.

Иккинчиси – қарз бўлмагай, ҳозир бўлгай.

Учинчиси – музорибга, яъни, фойда шерикликка хизмат қилгувчига мазкур молларнинг қайси бири бўлса, топширилгай.

Тўртинчиси – фойда шерикка бериладиган мол ҳисоби ва миқдори маълум бўлгай.

Бешинчиси – музорибга қилинган фойдадан қадри ҳисса борлиги маълум бўлгай.

Олтинчиси – қилинган фойда ўртада бўлгай.

Чунончи, «Дуррару шарҳи ғураза»да мазкурдир.

وَ لِلْمُضَارِبِ فِي مُطْلَقِهَا أَنْ يَبِيعَ بِنَقْدٍ أَوْ نَسِيئَةٍ

Ва фойда шерикликка хизмат қиладиган киши мутлақ музорабада, яъни, бир вақтнинг, бир заминнинг, ё бир жойнинг ва ё сотмоқнинг бир нави билан тайин қилинмаган фойда шерик-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ликда нақдга ва насийага сотмоққа ихтиёрлидир. Зероки, бу тариқа фуруш қилмоқ савдогарлар одатидир.

إِلاَّ بِأَجَلٍ لَمْ يُعْهَدْ

Магар савдогарлар орасида машҳур бўлмаган узоқ ваъдага сотмоқ дуруст эмас. Масалан, ўн йил ваъдага фуруш қилса, дуруст бўлмагай.

وَ أَنْ يَشْتَرِيَ وَ يُوَكِّلَ بِهِمَا

Ва яна фойда шерикликка хизмат қилгувчи нақд пулга ва насийага сотиб олмоққа ихтиёрлидир. Ва сотмоқ ва олмоқ учун яна бир одамни вакил қилмоққа ихтиёрлидир.

وَ يُسَافِرَ وَ يُبْضِعَ وَلَوْ رَبَّ الْمَالِ

Ва яна фойда шерикликка хизмат қилгувчи дастмойа билан сафарга боргай ва бир одамга дастмойага бергай, яъни, фуруш қилмоққа ва сотиб олмоққа қилинган фойданинг ҳаммаси ўзига бўлмоқ билан ва ионат, ёрдам талаб қилгай ва агарчандики ионат талаб қилинган киши мазкур дастмойа молнинг эгаси бўлса ҳам, бас, эгаси молни музориб учун сотгай ва сотиб олгай. Бундан молни фуруш қилмоқда молнинг эгасидан ёрдам талаб қилмоқ музорабани бузадиган эмаслиги маълум бўлди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ تَفْسُدُ هِيَ بِهِ

Ва фойда шерикка берилган молни сотишиб, фойда қилиб беринг, деб мол эгасига бермоқ билан музораба бузилмагай.

وَ يُودِعُ وَ يُرْهِنُ وَ يُؤْجِرُ وَ يَسْتَأْجِرُ

Ва музориб фойда шериклигига берилган молни бир одамга омонат қўймоққа, гаров қўймоққа, гаров олмоққа, ижарага бермоққа ва ижарага олмоққа қудрати етгай.

وَ يَحْتَالُ بِالثَّمَنِ عَلَى الأَيْسَرِ وَ الأَعْسَرِ

Ва яна музориб сотган молининг баҳосига ҳаволани қабул қилгай, яъни, қарздор одамнинг тайинлаган одамдан қарз берган ҳақини олмоқни қабул қилмоққа қудрати етгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ لاَ يُقْرَضُ وَ لاَ يَسْتَدِينُ إِلاَّ بِإِذْنِ الْمَالِكِ

Ва музориб фойда шерикликка олинган молни бировга қарз бермагай ва ул музораба молнинг устига қарз қўшиб олмагай, магар мол соҳибининг изни билан қарз берса ва олса, дуруст.

وَ لاَ يُضَارِبُ وَ لاَ يَخْلِطُ بِمَالِهِ إِلاَّ بِإِذْنِهِ أَوْ بِإِعْمَلْ بِرَأْيِكَ

Ва яна музориб фойда шерикликка олган молини бир одамга фойда шерикликка бермагай ва ул музораба молни ўз молига аралаштирмагай, магар молни эгасининг жавоби билан фойда шерикликка бергай ва ўзининг молига аралаштиргай ё молнинг эгаси музорибга ўз раъйинг ва фикринг билан иш қил, демоғи билан ул музораба молни фойда шерикликка бермоғи ва ўз молига аралаштирмоғи дурустдир.

فَلَوْ قِيلَ هَذَا وَ قَصَّرَ أَوْ حَمَلَ بِمَالِهِ تَبَرَّعَ

Яъни, мол эгаси музорибга, ўз раъйинг билан иш қил, деганидан кейин, масалан, бўз сотиб олиб, уни ўз молидан бериб, шустакорга ювдирса ё олинган молни бир шаҳардан иккинчи шаҳарга олиб бормоқ ҳақини ўз молидан берса, мазкурлар табарраъдир, яъни, яхшилик ва мурувват қилган бўлгай. Шустакорга ва юкни юклаганга берган ҳақни молнинг эгасидан қайтиб ололмагай. Зероки, молнинг эгасидан равшан жавоб олмай, қарз олмоқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

بِخِلاَفِ مَا إِذَا صَبَغَ أَحْمَرَ

Аммо фойда шерикликка олинган мол билан сотиб олинган кийимни музориб, масалан, ўз моли билан қизилга бўяса, ундан кейин ул жома сотилса, бўялгани жиҳатидан зиёда сотилган пули музорибга бўлгай.

وَ لاَ يُجَاوِزُ بَلَدًا وَ سِلْعَةً وَ وَقْتًا وَ شَخْصًا عَيَّنَهُ رَبُّ الْمَالِ

Ва фойда шерикликка мол берган киши музораба ақдини қилурда фойда шерикликка иш юргизадиган кишига бу молни, масалан, Тошкандда фуруш қилмоққа сенга бердим, деса ва яна бир матони фуруш қилмоқни тайин қилса, масалан, мол эгаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўзфурушлик қилмоққа фойда шерикликка бердим, деса ва бир вақтда савдо қилмоқни муқаррар қилса, масалан, мол эгаси ёзда ё кузда, ё қишда, ё кечасида савдо қилмоққа бердим, деса ва бир киши билан савдо қилмоқни тайин қилса, масалан, Шариф билан савдо қилмоққа бу молни сенга фойда шерикликка бердим деса, бас, фойда шерикликка иш юргизадиган одамга мазкур тайин қилинганлардан ўзгача савдони қилмоқ дуруст эмас.

فَإِنْ جَاوَزَ عَنْهُ ضَمِنَ

Бас, агар музориб мол эгаси тайин қилган мазкурлардан тажовуз қилса, масалан: «Тошкандда савдо қил», деган эди, (лекин) ундан ўтса, «Бўздан бошқа нарса билан савдо қилма», деган эди, (аммо) бошқа нарса билан байъ ва широ қилса, «Ёзда савдо қил», деган эди, (лекин) кузда савдо қилса, «Эркак билан савдо қил», деган эди, (бироқ) хотин билан савдо қилса, мазкурларнинг ҳаммасида ҳам дастмойага берилган молнинг нобуд бўлганини тўлагай.

وَ لَهُ رِبْحُهُ

Ва фойда шерикликка олинган молдан ҳосил бўлган фойда музорибга бўлгай, яъни, гумошта бўлган кишига бўлгай.

وَ لاَ يُزَوِّجُ عَبْدًا أَوْ أَمَةً

Ва гумошта бўлган киши фойда шерикликка топширилган молдан музорабанинг моли жумласидан бўлган қулни ва канизакни жуфтлантирмагай. Зероки, уларни жуфтлантирмоқдан мол эгасига изо ва зарар етишгай ва фойда шерикликка олинган канизакни гумошта бўлган одамнинг жимоъ қилмоғи ҳалол эмас. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир.

وَ لاَ يَشْتَرِى مَنْ يَعْتِقُ عَلَى رَبِّ الْمَالِ

Ва ул гумошта мол эгасининг зарарига озод бўладиган кишини сотиб олмагай, масалан, мол эгасининг маҳрам қариндоши бўлган қул ва канизакни сотиб олмагай. Ва яна мол эгаси фалон қулни сотиб олсанг, озод бўлсин, деган қулни олмагай.

فَلَوْ شَرَى فَلِلْمُضَارِبِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бас, агар гумошта мол эгасининг зарарига озод бўладиган кишини сотиб олса, гумоштанинг ўз молидан бўлгай, фойда шерикликка топширилган молдан бўлмагай, яъни, харажат қилинган молни мол эгасига тўлагай.

وَ لاَ مَنْ يَعْتِقُ عَلَيْهِ إِنْ كَانَ رِبْحٌ

Ва яна гумошта бўлган одам агар фойда шериклик молида фойда қилган бўлса, ўз зарарига озод бўладиган кишини сотиб олмагай, зероки, бу сувратда агарчи ўз қадри ҳиссасида тасарруф қилса ҳам, мол эгасига зарар еткизгай.

وَ لَوْ فَعَلَ ضَمِنَ

Ва агар гумошта бўлган киши ўз зарарига озод бўладиган одамни фойда шерикликка топширилган мол билан сотиб олса, ул молни тўлагай, зероки, ўзи учун сотиб олибдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ إِنْ لَمْ يَكُنْ رِبْحٌ صَحَّ

Ва агар гумошта бўлган киши фойда шерикликка олган молидан фойда қилмаган бўлса, ўз зарарига озод бўладиган кишини сотиб олмоғи дурустдир, гумошта бўлган кишининг ўз мулки бўлмагани жиҳатидан сотиб олинганни фуруш қилмоққа қудрати етгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ نَفَقَةُ مُضَارِبٍ عَمِلَ فِي مِصْرِهِ فِي مَالِهِ

Ва гумошта бўлган кишининг нафақаси ўз шаҳрида касб қилганда ўз молидан бўлгай.

وَ فِي سَفَرِهِ طَعَامُهُ وَ شَرَابُهُ وَ كِسْوَتُهُ وَ أُجْرَةُ خَادِمِهِ وَ غَسْلُ ثِيَابِهِ
وَرُكُوبُهُ كِرَاءً وَ شِرَاءً وَ عَلَفُهُ فِي مَالِهَا بِالْمَعْرُوفِ

Ва гумошта бўлган кишининг сафар қилгандаги емоқ ва ичмоқлари, киядиган кийимлари, хизматкорининг мурди, кийимларини ювмоқ ҳақи, минадиган маркабининг кира ҳақи, хоҳ ул маркаб кирага олмоқ билан бўлсин, хоҳ сотиб олмоқ билан бўлсин, ва яна ул маркабга едирган ўти ва еминиг ужраси, ушбу

www.ziyouz.com kutubxonasi

баён қилинганларнинг ҳаммасининг харажатлари фойда шерикликка топширилган молдан қилинур, савдогарларнинг наздларида, қилинадиган сарф миқдори исроф этилмай сарф қилинур.

وَ ضَمِنَ الْفَضْلَ

Ва аммо савдогарларнинг одатларида қилинадиган харажатдан зиёда сарф қилса, мол эгасига тўлагай.

وَ مَا دُونَ سَفَرٍ يَعُدُوا إِلَيْهِ وَ لاَ يَبِيتُ بِأَهْلِهِ كَالسَّفَرِ

Ва гумошта бўлган одам сафар муддатидан оз йўлда бўлиб, эрта билан кетиб, кечқурун уйига қайтадиган жойда бўлса ва кечанинг ҳаммасини ўз аҳли билан ўтказмаса, нафақа ва сарф харажатлар фойда шерикликка топширилган молдан бўлмоқда сафарга ўхшашдир.

فَإِنْ رَبِحَ أَخَذَ الْمَالِكُ مَا أَنْفَقَ ثُمَّ قُسِّمَ الْبَاقِي

Бас, агар гумошта бўлган киши фойда шериклик мол билан фойда қилса, молнинг эгаси гумошта ўз нафақаси учун харажат қилган миқдори молни аввал олгай, яъни, гумоштанинг қўлига аввалда қанча мол берилган бўлса, ул миқдор молни батамом илгари олгай, ундан кейин қолган фойда ўртада тақсим қилингай.

وَ إِنْ دَفَعَ الْمُضَارِبُ مُضَارَبَةً بِلاَ إِذْنٍ ضَمِنَ عِنْدَ عَمَلِ الثَّانِي

Ва агар гумошта бўлган киши фойда шерикликка олинган молни эгасидан беизн бир одамга фойда шерикликка берса, дуруст эмас, иккинчи гумошта ул мол билан иш юргизганда, аввалги гумошта киши ул мол баробари мол тўлагай ва агарчи фойда қилмаса ҳам, мужарради мол бермоқ билан зомин бўлгай, бировнинг молини беизн тасарруф қилгани жиҳатидан.

وَ قِيلَ عِنْدَ رِبْحِهِ

Ва айтилибдир, яъни, ривойат қилинди Имом Аъзам ва Имом Абу Юсуф раҳимаҳумуллоҳдан, иккинчи гумошта бўлган киши фойда қилган вақтда аввалги гумошта тўлагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ صَحَّ إِنْ شَرَطَ لِعَبْدِ الْمَالِكِ شَيْءٌ لِيَعْمَلَ مَعَ الْمُضَارِبِ

Ва фойда шерикликка иш юргизадиган киши билан хизмат қилмоқ учун мол эгасининг қулига қилинган фойдадан бирмунча бермоқ шарт қилинса, дурустдир, масалан, қилинган фойданинг тўртдан бирини бермоқни шарт қилмоқ дурустдир.

وَ تَبْطُلُ بِمَوْتِ أَحَدِهِمَا

Ва мол эгаси билан гумоштанинг иккаласидан бири ўлмоғи билан ва бири жинни бўлмоғи билан музораба ақди ботил ва бекор бўлгай. Зеро, музораба ақди бир одамни вакил қилмоқни лозим қилгай, вакилнинг ё вакил қиладиганнинг бири ўлмоғи билан ваколат беҳуда ва ботил бўлган эди.

وَ لِلْحَاقِ الْمَالِكِ مُرْتَدًّا

Ва молнинг эгаси диндан қайтиб, ғайридин шаҳрига кирмоғи билан музораба ақди бекор ва вайрон бўлгай. Зеро, диндан қайтиб дору-л-ҳарбга кирмоқ ўлмоқ ҳукмидадир. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир. Ва бу ҳар вақтики, яна қайтиб мусулмон бўлмаса. Аммо мусулмон бўлиб, мусулмон шаҳрига қайтса, музораба ақди ботил бўлмагай, агар фойда қилса, қилган шартларича тақсим қилишиб олгай. Чунончи, «Ниҳоя»да мазкурдир.

وَ لاَ يَنْعَزِلُ حَتَّى يَعْلَمَ بِعَزْلِهِ

Ва фойда шерикликка иш юргизиб турган одам ўзининг гумошталикдан чиққанлигини билгунча молни тасарруф қилмоқдан чиқмагай, бас, азл қилингандан кейин билмоқдан илгари бир нарсани сотиб олса, дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

فَلَوْ عَلِمَ فَلَهُ بَيْعُ عَرَضِهَا

Бас, агар гумошта бўлган киши азл бўлганини билса, пулдан бошқа матоларини сотмоғи дурустдир. Зероки, фойда матони сотмоқ билан маълум бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

ثُمَّ لاَ يَتَصَرَّفُ فِي ثَمَنِهِ وَ لاَ فِي نَقْدٍ نَضَّ مِنْ جِنْسِ رَأْسِ مَالِهِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва гумошталикдан чиққанидан кейин сотган молларининг пулларини тасарруф қилмагай ва азл қилинмасдан илгари фойда шерикликдан ҳосил бўлган тилла ва кумуш фойда шерикликка солинган молнинг жинсидан бўлиб топилган бўлса, аларни ҳам тасарруф қилмагай.

وَ يُبَدِّلُ خِلَافُهُ بِهِ

Ва яна дастмойанинг жинсидан бўлмаган нарсани, яъни, фойда шерикликка топширилган молнинг жинсидан бўлмаган нарсани алиштирмоқ ва сотмоқ вожибдир. Масалан, дастмойа мол тилла бўлиб, фойдадан ҳосил бўлган мол кумуш бўлса ва буларнинг акси бўлса, гумошта бўлган одамга ҳосил бўлган молни жинсига фуруш қилмоқ вожибдир. Зероки, дастмойа молнинг ўхшашини қайтармоқ гумошта бўлган одамга вожибдир, ҳосил бўлган мол дастмойанинг хилофи бўлса, сотмоқдан бошқа иложи йўқдир. Чунончи, «Захийра»да ҳам мазкурдир. Ҳар вақтики, гумошта чиқарилса ва унда бўлган моллар нақдина бўлса, лекин дастмойа молнинг жинсидан бўлак бўлса, яъни, тилла ва кумуш, чақа ва том пул бўлса, қиёсга қараганда, мазкурларни фуруш қилиб, дастмойа жинсида қилмоқ ул гумоштага лозим эмас. Зероки, нақдиналар пул бўлган жиҳатидан бир жинсдир. Чунончи, «Дурару-л-Ҳукком»да мазкурдир.

وَ لَوْ افْتَرَقَا وَ فِي الْمَالِ دَيْنٌ لَزِمَهُ طَلَبُهُ إِنْ كَانَ رِبْحٌ

Ва агар мол эгаси билан гумошта бўлган киши бир-бирларидан айрилсалар ва ул фойда шерикликка топширилган молда қарз бўлса, яъни, одамларга мол бериб, қарздор қилиб қўйган бўлса, қарз берган ҳақини талаб қилмоқ гумошта бўлган одамга лозимдир, агар фойда қилган бўлса. Зероки, гумоштанинг фойдага мустаҳиқ бўлмоғи хизмат учундир, бас, фойда унга хизматга берилган мурдга ўхшашдир, хизмат бадали берилгандан кейин ишни тамом қилмоққа гумошта бўлган киши зўрлангай. Чунончи, «Айний»да мазкурдир.

وَ إِلَّا يُوَكِّلُ الْمَالِكُ بِهِ

Ва агар гумошта бўлган киши фойда қилмаса, мол эгасининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

насийа берган молларини талаб қилиб ундирмоқ учун ул гумоштани вакил қилгай. Зеро, ақд ҳақлари савдо ақдини қилган кишига қайтгай, мол эгасига қарз талаб қилмоқ, гумоштани вакил қилмоқ ва ўзи вакил бўлмоқ лозим, токи мол эгасининг ҳақи зоеъ ва нобуд бўлмагай, деб гумошталар насийаларни ундирмоққа зўрланур. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ كَذَا سَائِرُ الْوُكَلَاءِ

Ва бошқа вакиллар ҳукми ҳам фойда шерикликдан чиқарилган гумоштага ўхшашдир, яъни, молни фуруш қилмоққа вакил бўлган кишилар вакил бўлган вақтларида вакил қилган одамнинг молини насийага берган бўлсалар, вакилликдан чиқарилганларидан кейин ул қарзга берилган ҳақни талаб қилиб олиб бермоқ ул вакилларнинг гарданларига лозимдир, агар насийаларни ундириб бермоққа вакиллар қабул қилмасалар, мол эгаларини вакил қилгайлар. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да ҳам мазкурдир.

وَ الْبَيَّاعُ وَ السِّمْسَارُ يُجْبَرُ ان عَلَيْهِ

Ва одамларнинг молларини бир нарса олиб сотиб берадиган кишиким, уни «даллол» дейилур. Ва «симсор»ким, унинг олдига одамлар ғаллалаларини ва чорполарини олиб келгайлар, токи сотиб бергай деб, уни ҳам даллол дейилур, иккалаларининг ҳақини ҳам молни сотиб олган кишидан олиб бермоққа зўрлангай. Зеро, мазкурлар одатда музд олиб иш қилурлар. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ مَا هَلَكَ صُرِفَ إِلَى الرِّبْحِ أَوَّلاً

Ва фойда шерикликка топширилган молнинг нобуд бўлгани аввал қилинган фойдага юклатилгай. Бас, агар фойдадан зиёда бўлса, дастмойа молга юклатилгай, гумошта бўлган киши тўламагай. Зероки, ул омонатдордир, омонат сақлагувчига товон тўламоқ лозим эмас. Чунончи, «Ҳидоя»да ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ إِنْ قَالَ الْمَالِكُ عَيَّنْتُ نَوْعًا صُدِّقَ الْمُضَارِبُ إِنْ جَحَدَ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва агар мол эгаси гумоштасига: «Мен сенга савдогарликда бир хилни тасарруф қилмоққа тайин қилганман» деса, масалан: «Мен сенга молни ўн фурушлик қилмоққа берганман» деса, агар гумошта бўлган киши инкор қилса, гумоштанинг сўзига қасам билан ишонилур. Зероки, фойда шерикликка мол бермоқда ҳар турли мол фуруш бўлмоғи ва ҳар қайси жойда ҳар хил савдо қилмоқ асил мақсуддир, музориб иш юргизмоқнинг ъоом бўлмоғини даъво қилди.

وَ إِنْ اَدَّعَى كُلُّ نَوْعًا صُدِّقَ الْمَالِكُ

Ва агар мол эгаси билан гумоштанинг ҳар қайси бирлари бир хил нарсани фуруш қилмоқда фойда шериклик ақдини даъво қилишсалар, масалан, мол эгаси: «Мен сенга таом сотгин, деб тайин қилган эдим», деса ва гумошта: «Жома сотгин», деган эдингиз», деса, бу сувратда мол эгасининг сўзи қасам билан тасдиқ қилингай.

وَ كَذَا إِنْ قَالَ بِضَاعَةٌ أَوْ وَدِيعَةٌ

Ва шунга ўхшаш мол эгасининг сўзига қасам билан ишонилур, агар унга берилган мол дастмойа мол ё омонат эди, деса.

وَ قَالَ ذُو الْيَدِ مُضَارَبَةٌ أَوْ قَرْضٌ

Ва қўлига мол топширилган киши: «Менга берилган мол фойда шерикликка берилган эди» ёки: «Қарз эди», деса. Валлоҳу таоло аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْمُزَارَعَةِ

МУЗОРАЪА КИТОБИ

Бу китобда шериклик экин экмоқнинг баёни келади. **Музораъат** – луғатда донни тупроққа сепиб бекитмоқдир, лекин бу маънода мажоздир. Зарънинг ҳақиқат маъноси ўстирмоқдир, ушбу жиҳатдан Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизнинг биринги экинни ўстирдим, деб айтмасин, балки донни тупроққа сепдим, дегай». Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

هِيَ عَقْدُ الزَّرْعِ بِبَعْضِ الْخَارِجِ

Шариатда ердан кўкариб чиққан экиннинг баъзиси баробарига экин экмоқликка шерик бўлмоқдир. Масалан, ернинг эгаси бул ердан кўкариб ҳосил бўлган экин тасарруфи ё учдан бири баробарига бу еримни сенга экин экмоққа бердим, дегай. Ва коранда бўлган киши: «Қабул қилдим», деса, деҳқончилик ақди боғлангай. Бас, музораъа ақди, яъни, ерни бировга экин экмоқ учун бермоқ ақди боғланмоғининг рукни «ийжоб» ва «қабул»дир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Яъни: «Ерни экин экмоққа сенга бердим» ва ё «Корандалик қилмоқни қабул қилдим», деб қайси бири аввал айтса, уни ийжоб дейилур. Маъноси қабул қилмоқни лозим қилмоқдир. Иккинчисининг аввалгидан эшитганидан кейин айтгани қабул дейилур. Чунончи, луғатларда мазкурдир.

وَ لاَ تَصِحُّ عِنْدَ أَبِي حَنِيفَةَ رَحِمَهُ اللهُ

Ва бу экин экмоқ учун ерни бировга бермоқ ақди, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, дуруст эмас, аммо, башарти, уруғ ва ҳам деҳқончилик хизмати учун зарур бўладиган асбоблар ер эгасидан бўлса. Аммо ерга сепадиган уруғ билан деҳқончилик асбоблари хизмат қиладиган кишидан, яъни, ко-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рандадан бўлган сувратда шерик бўлиб, деҳқончилик қилмоқ дуруст бўлгай. Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, ер эгаси ижарага қўйгувчи бўлиб, хизмат қиладиган киши ижарага олгувчи бўлгай. Бундай бўлганда ижара ҳақининг миқдорини ва фалон муддатда ерни бўшатиб бермоқни тайин ва муқаррар қилмоқ лойиқ ва зарур бўлгай. Бу тариқа воқеъ бўлганда экин бўлгандан кейин ул ердан ҳосил бўлган нарсани бўлишиб олиб, бир-бирлари билан ризолашгайлар, бундай ҳийла қилмоқ деҳқончиликдан хабислик ва палидликни йўқ қилиб, покликка айлантирмоқ учундир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг музораъага, яъни, ерни корандага бермоқнинг дурустлигига фатво бермаганликлари Саййидул мурсалин салавотуллоҳи алайҳдан ривойат қилган асҳоби киром ва тобеъин изом ризвонуллоҳи таоло алайҳим ажмаъин сўзларининг миёналарида ихтилоф борлиги жиҳатидан. Чунончи, «Мабсут»да мазкурдир.

وَ صَحَّتْ عِنْدَهُمَا

Имом Абу Юсуф билан Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳ наздларида, ҳожат воқеъ бўлгани, яъни, одамларнинг шерик бўлиб, экин экмоққа ҳожатлари бўлгани жиҳатидан шериклик экин экмоқ дуруст. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ بِهِ يُفْتَى

Ва одамларга таомил бўлгани жиҳатидан ва корандага шерикликка ер бермоққа одамлар муҳтож бўлганликлари жиҳатидан бу масъалага фатво берилур, яъни, иккала Имом раҳимаҳумуллоҳнинг қавлларига фатво берилур. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да ва «Ҳидоя»да ҳам мазкурдир. Бу музораъага, яъни, ерни корандага бермоққа саккиз шарт бордир.

بِشَرْطِ صَلَاحِيَّةِ الْأَرْضِ لِلزَّرْعِ وَ أَهْلِيَّةِ الْعَاقِدَيْنِ

Аввали – ернинг экин экмоққа салоҳиятли бўлмоғи.

Иккинчиси – ер эгаси билан коранданинг деҳқончилик ақдига аҳл ва салоҳиятли бўлмоғи, масалан, иккалалари балоғатга етган ва озод бўлмоқлари ёки қул ва балоғат ёшига етмаган

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлсалар, (уларга) деҳқончилик қилмоққа жавоб берилган бўлмоғи шартдир. Зероки, ҳеч ақд аҳл бўлмасдан, дуруст эмасдир. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ ذِكْرِ الْمُدَّةِ

Учинчи шарти – экин экмоққа қудрат етадиган муддатни баён қилмоқ, масалан, бир йил ё кўпроқ (муддат) агар экин экиб, деҳқончиликни йиғиштириб олурга қодир бўлмайдиган вақт баён қилинса, музораъа ақди фосид бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ رَبُّ الْبِذْرِ

Ва тўртинчи шарти – сепиладиган уруғ қайси бирларидан бўлмоғини баён қилмоқ.

وَ جِنْسِه

Ва бешинчи шарти – ерга сепиладиган доннинг жинсини баён қилмоқ, масалан, буғдой ва арпа, деб. Чунки экинларнинг баъзиси ерга зарар қилгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ قِسْطِ الآخَرِ

Ва олтинчи шарти – уруғ бермаганининг насибаси, яъни, қадри ҳиссаси қанча бўлмоғини баён қилмоқ. Зероки, уруғ бермаганининг ҳақида ижара ҳақи бўлгай, бинобарин, маълум бўлмоғи шарт қилинибдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ التَّخْلِيَةُ بَيْنَ الأَرْضِ وَ الْعَامِلِ

Ва еттинчи шарти – ер билан экин экадиган коранданинг орасини холи ва бўш қилмоқ, яъни, экин экмоққа монеъ бўладиган нарсалардан ерни бўш қилиб, коранда бўлган кишига топширмоқ.

وَ شُيُوعِ الْحَبِّ

Ва саккизинчи шарти – ердан ҳосил бўлган экиннинг ҳаммаси коранда билан ер эгаси ўртасида шериклик бўлмоғи, сомон хоҳ иккисининг орасида бўлсин, хоҳ уруғлик берганига бўлсин,

www.ziyouz.com kutubxonasi

келадиган масъаланинг қаринаси билан. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

فَتَفْسُدُ إِنْ شُرِطَ مَا يُنَافِيهِ

Бас, агар ердан ҳосил бўлган экинни ўртада бўлиб олмоққа мухолиф келадиган нарса шарт қилинса, шериклик экин экмоқ ақди бузилгай.

كَرَفْعِ الْبَذْرِ أَوِ الْخِرَاجِ ثُمَّ قِسْمَةِ الْبَاقِي

Уруғлик ёки хирож ҳосил бўлган деҳқончиликдан чиқариб олингандан кейин қолганини бўлишиб олмоқни шарт қилганга ўхшаш. Бу музораъа ақдининг бузуқ бўлмоғи хирож, ҳар вақтики, хирожи муваззаф бўлса. Аммо ҳар вақтики, хирож муқосама хирожи бўлса, тўртдан бир ва бешдан бирга ўхшаш музораъа ақди бузилмагай, ўндан бирни чиқариб олмоқ шарт қилинганга ўхшаш. Зероки, бу шерикликни узилмоққа етказмайдир. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да ҳам мазкурдир. Хирож икки қисмдир, бири «хирожи муқосама»дирки, подшоҳ ердан ҳосил бўлган экиннинг бир миқдорини олмоқни муқаррар қилгай, нисфни ва учдан бирини ва тўртдан бирини тайин қилганга ўхшаш. Ва аммо иккинчиси хирожи муваззафдир – олтмиш газ ер ичида бўлган олтмиш газ ер учун буғдойдан ё арпадан саккиз ярим қадоқ, боз бир танга қўшиб берилур. Чунончи, «Закот» китобида баён қилинган эди.

وَ كَذَا شَرْطُ التِّبْنِ لِغَيْرِ رَبِّ الْبَذْرِ

Ва шунга ўхшаш сомонни уруғ эгасидан бошқасига бермоқни шарт қилмоқ билан шериклик деҳқончилик қилмоқ ақди фосид бўлгай.

وَ صَحَّ لِلآخَرِ

Ва сомонни уруғ берган шерикка бермоқ шарт қилинса, дурустдир.

أَوْ لَمْ يَتَعَرَّضْ

Ёки шерикликка ақд қилинган вақтда уруғлик ўртадан

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлмоғи шарт бўлиб, сомоннинг кимга бўлмоғи баён қилинмаса, дуруст бўлгай, токи экин пишганда, уруғлик билан сомон иккалалари ўрталарида шериклик бўлгай.

وَ لاَ تَصِحُّ إِلاَّ أَنْ يَكُونَ الأَرْضُ وَ الْبَذْرُ لأَحَدٍ وَ الْبَقَرُ وَ الْعَمَلُ لآخَرَ

Ва музораъа дуруст бўлмагай, яъни, корандага ерни шериклик экин экмоққа бермоқ дуруст бўлмагай. Магар бу етти сувратнинг уч сувратида дуруст бўлгай. Бу дуруст бўладиган уч сувратнинг бири – ерга сепиладиган уруғ биридан бўлиб, ҳўкиз ва иш қилмоқ иккинчисидан бўлмоғидир.

أَوْ يَكُونَ الأَرْضُ

Иккинчи сувrат – ё замин биридан бўлиб, сепиладиган уруғ, ҳўкиз ва хизмат қилмоқ иккинчисидан бўлмоғи.

أَوِ الْعَمَلُ لَهُ وَ الْبَاقِي لآخَرَ

Учинчи сувrат – хизмат биридан бўлиб, ер, хўкиз ва тухум (уруғ) иккинчисидан бўлмоғи. Бу дуруст бўлган уч сувратни мусанниф, раҳматуллоҳи алайҳ, машҳур форсий байтда ишорат қилибдурлар.

Байт:

Замин танҳо, амал танҳо замин бо тухум эй комил,
Ва ройи ин се сувrат дон ҳама ножоизуботил.

Бу форсий байт туркий назм билан батафсил баён қилинди:

Ер бир одамдин бўлиб, хизмат иккинчисидин бўлур,
Ер билан тухум соҳибидан, қолгани андин бўлур.
Яъни, ер билан уругни – иккисин деҳқон берур,
Хизмат этмоқ ҳам ҳўкуз бермоқ иккинчисидин бўлур.
Ёки ер билан бўлса биридин, қолгани иккинчига,
Яъни, хизмат ҳам уруг, асбоби гав ундин бўлур,
Ёки хизматни бажо қилмоқ бўлур корандаси
Ер, уруг, хизмат, ҳўкуз, асбоб деҳқондин бўлур.
Кимики деҳқонлик қилур, ушбуларга қилса амал,
Ҳосили тоййиб бўлубон, егани қанддин бўлур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ким шариъатга мувофиқ мўъмини комил эса,
Чиқмасун роҳ шариъатдан, карам ҳақдин бўлур,
Гар хирожу ушр бермоқ бўлмаса эл, Мақсудий,
Ушбу хорийдин бўлиб, киштү самар қайдин бўлур.

Суврати масъала шулки, Зайд ер ва тухум берса, коранда бўладиган киши ҳўкиз бермоқ ва хизмат қилмоқ бўлса ё бу тариқаки, Зайд ер берса, ердан бошқа жамиъи зарур бўладиган нарсаларни, яъни, тухум, хизмат ва ҳўкиз коранда кишидан бўлса ёки хизмат қилмоқ коранда бўлғувчидан бўлиб, ер, тухум ва ҳўкиз, асбобларнинг ҳаммаси ер эгасидан бўлса, бас, бу баён қилинган уч суврат дуруст ва жоиздир. Чунончи, «Дурру-л-Мухтор»да ҳам мазкурдир. Қолган тўрт сувратда корандага шерикликка экин эктирмоқ ақди нодурустдир. Ул нодуруст тўрт суврат ушбулардир.

Биринчиси – ер ва ҳўкиз Зайддан бўлиб, уруғ ва хизмат корандадан бўлса.

Иккинчиси – уруғ ва ҳўкиз корандадан бўлиб, ер ва хизмат Зайддан бўлса.

Учинчиси – уруғ корандадан бўлиб, ер, ҳўкиз ва хизмат Зайддан бўлса.

Тўртинчиси – ҳўкиз корандадан бўлиб, ер, уруғ ва хизмат Зайддан бўлса, яъни, ер эгасидан бўлса. Мазкур тўрт суврат билан музораъа ақди қилинса, ножоиз ва ботилдир. Мазкур бўлган етти суврат осонлик билан фаҳмлансин, деб такроран бу тартибда баён қилинди. Дуруст бўлган уч суврат ушбулардир:

Биринчиси – деҳқондан ер ва уруғ бермоқ, корандадан ҳўкиз бермоқ ва хизмат қилмоқ дурустдир.

Иккинчиси – деҳқондан ер бермоқ ва корандадан уруғ, ҳўкиз бермоқ ва хизмат қилмоқ дурустдир.

Учинчиси – деҳқондан ер, ҳўкиз ва уруғ бермоқ, корандадан хизмат қилмоқ дурустдир.

Нодуруст бўлган тўрт суврат ушбулардир:

Биринчиси – деҳқондан ер ва ҳўкиз бермоқ ва корандадан уруғ бермоқ ва хизмат қилмоқ нодуруст ва ботилдир.

Иккинчиси – деҳқондан ер бермоқ ва хизмат қилмоқ ва корандадан уруғ ва ҳўкиз бермоқ нодуруст ва ботилдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Учинчиси – деҳқондан ер, ҳўкиз бермоқ ва хизмат қилмоқ ва корандадан уруғ бермоқ нодуруст ва ботилдир.

Тўртинчиси – деҳқондан ер, уруғ бермоқ ва хизмат қилмоқ ва корандадан ҳўкиз бермоқ ножоиз ва ботилдир.

Аввалги учга ким амал қилса, ҳалол бўлгай, савоб,
Бул тўрт ножоиз ҳаром, валлоҳу аълам биссавоб.

وَ إِذَا صَحَّتْ فَالْخَارِجُ عَلَى الشَّرْطِ

Ва ҳар вақтики, экин экмоққа шерикликка бермоқ ақди саҳиҳ ва дуруст бўлса, тухумни (уруғни) ерга сепса ва ердан кўкариб чиқса, ундан ҳосил бўлган экинни иккала шерик ақд қилган вақтларидаги шартларига мувофиқ тақсим қилишиб олгайлар.

وَ لاَ شَيْءَ لِلْعَامِلِ إِنْ لَمْ يَخْرُجْ

Ва агар ул ердан экин ҳосил бўлмаса, хизмат қилган кишига ҳеч нарса тегмас, зеро, музораъа ё ижарадир. Бас, агар ижара бўлса, тайин қилинган нарсани бермоқ лозим. Ва ул тайин қилинган нарса ердан ҳосил бўлган йўқдир. Ё шерикликдир, ул ҳам йўқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ يُجْبَرُ مَنْ أَبَى عَنِ الْمَضْيِ

Ва шерик бўлиб, экин экмоққа аҳд қилишган вақтда шарт қилинган хизматни адо қилмоққа қабул қилмаган киши хизматни вақтида қилмоққа зўрлангай, яъни, қози ва ҳокимга мурофиъа қилиб, хизматни қилдирмоққа ҳукм қилдирилгай.

إِلاَّ رَبُّ الْبَذْرِ

Магар уруғ берган киши хизмат қилдирмоққа жабр қилинмагай. Зероки, тухум (уруғ) берган кишининг ҳақида тухумни ерга сочмасдан илгари музораъа, яъни, шерик бўлиб экин экмоқ лозим эмас. Аммо уруғни ерга сепгандан кейин музораъа анинг ҳақида ҳам лозим бўлиб, у ҳам хизмат қилмоққа зўрлангай, ҳаттоки экинни ерга сепгандан кейин иккаласининг бири ҳам музораъа ақдини бузмоққа қудрати етмагай, магар узр билан. Чунончи, «Захийра»да ҳам мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

فَانْ أَبَى بَعْدَ مَا كَرَبَ الْعَامِلُ يَجِبُ أَنْ يُسْتَرْضَى

Бас, агар уруғнинг эгаси ер ҳам уники бўлиб, коранда бўлган киши ерни ҳайдаб тайёр қилгандан кейин шериклик экин экмоқ ақди гарданига лозим бўлиб қолмоқдан ибо қилса, яъни, ақдини бузса, коранда бўлиб иш қилгувчининг ажри мислини бериб, рози қилмоқ ер эгасига вожибдир, токи фириб бермоқ ва алдамоқ лозим бўлмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ إِنْ فَسَدَتْ فَالْخَارِجُ لِرَبِّ الْبَذْرِ

Ва агар юқорида баён қилинган нодуруст бўлган тўрт сурат масъалага ўхшаш сабаблар билан шериклик экин экмоқ ақди бузилса, ердан кўкариб чиққан экин уруғ эгасига бўлгай, зероки, унинг берган уруғининг ҳосилидир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لِلآخَرِ اَجْرُ الْمِثْلِ

Ва иккинчи шерикка, яъни, уруғ эгасидан бошқасига ажри мисл бермоқ лозим бўлгай, яъни, қилган хизматига қараб ҳақ бермоқ лозим бўлгай.

وَ لاَ يُزَادُ عَلَى مَا شُرِطَ

Ва ажри мисл экин экмоққа ақд қилишган вақтидаги бўлинган шартдан зиёда қилинмагай.

وَ تَبْطُلُ بِمَوْتِ أَحَدِهِمَا

Ва шериклардан бирининг ўлмоғи билан шериклик экин экмоқ ақди ботил ва бекор бўлгай ва агарчандики ерни ҳайдаб тайёрлаган бўлса ҳам ва сув оқадиган ариқни кавлаб қўйган бўлса ҳам.

وَ تُفْسَخُ بِدَيْنٍ مُخْوِجٍ إِلَى بَيْعِهَا

Ва ерни сотмоққа муҳтож ва музтар қиладиган қарзнинг сабаби билан шериклик экмоқ ақдини бузмоқ дуруст бўлгай.

فَانْ مَضَتِ الْمُدَّةُ وَلَمْ يُدْرِكِ الزَّرْعُ فَعَلَى الْعَامِلِ اَجْرُ مِثْلِ نَصِيبِهِ مِنَ الأَرْضِ حَتَّى يُدْرِكَ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бас, агар шериклик экин экмоқ ақдини қилишган вақтда тайин қилинган муддат ўтиб кетса ва экин ўрилмоққа салоҳиятли бўлмаса, бас, коранда бўлиб хизмат қилгувчига ер эгасидан ердан ҳосил бўладиган ўз қадри ҳиссаси ўхшашининг муздини экин пишгунча олиб турмоғи вожиб бўлгай, экин ўрилгандан кейин ер эгасига муомала қилгай.

وَ نَفْقَةُ الزَّرْعِ عَلَيْهِمَا بِالْحِصَصِ كَأَجْرِ الْحِصَادِ وَ نَحْوِهِ

Ва деҳқончиликнинг харажати иккала шерикнинг қадри ҳиссалари миқдорича бўлгай, – ўрмоққа ва шунга ўхшаганларгаким, суғормоққа, сақламоққа, эҳтиёт қилмоққа, йиғдирмоққа, янчтирмоққа ва совурмоққа музд берилганга ўхшаш, – мазкур харажатларни ўз қадри ҳассаларига қараб тўлагайлар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

فَإِنْ شُرِطَ عَلَى الْعَامِلِ صَحَّ عِنْدَ أَبِي يُوسُفَ رَحِمَهُ اللهُ وَ بِهِ يُفْتَى

Бас, Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, агар бу баён қилинган сарф ва харажатлар муздининг баъзиси ё ҳаммаси экин экадиган корандага шерик бўлиб, деҳқончилик қиладиган вақтда шарт қилинса, дурустдир. Одамларнинг таомиллари ушбу тариқа кўп воқеъ бўлгани жиҳатидан бу масъаланинг дурустлигига фатво берилур ва бизларнинг шаҳарларимизда бу қавл саҳиҳдир. Чунончи, «Мабсут»да мазкурдир, «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир. Ва яна билмоқ керакким, мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ баён қилган шартлар ва шунга ўхшаш масъалалар ҳаким ва диёнатдир, таълим олмоқ лойиқ ва муносибдир. Ҳалол ул нарсадирки, ул билан фатво берилур ва аммо ҳалол тоййиб ул нарсадирки, уни касб қилмоққа Худойи таборак ва таолога гуноҳкор бўлмагай. Ва яна феъли билан ҳайвонни оғритиб, изо бермаслик. Чунончи, Зоҳидий ўз тафсирларида баён қилдилар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир ва яна «Зоҳидий» китобида «Аҳкому-л-Қуръон ли-р-Розий»дан баён қилинди: кимики деҳқончилик қилмоққа бир одамнинг ерини шерикликка олса ё экин экмоққа бир муъомалага олса ё ўз ерига экин экса, беш вақт намозни жамоъат билан ўқимоққа эҳтиёт қиладиган бўлгай. Лекин деҳқончиликка

www.ziyouz.com kutubxonasi

машғул бўлиб, бир вақт намозни вақтидан кечиктирса, экини тойййиб ва пок бўлмагай. Ва шунга ўхшаш агар экинни бетаҳорат экса ёки хизмат қилган одам ҳақини тери қуриганидан кейин берса, ёки ернинг ижара ҳақини ваъда қилганидан кейин таъхир қилса, ёки сотгувчининг ризолигига қарамай, унинг ҳақини майдалаб, яъни, оз-оз бермоқ билан адо қилса, эккан экинлари пок ва тойййиб бўлмагай.

Ва мустаҳаб шуки, уруғини таҳорат билан сочгай, уруғини сепиб бўлгандан кейин экиннинг бир тарафига чиқиб икки ракъат намоз ўқигай, ундан кейин бу дуони ўқигай:

اَللّٰهُمَّ أَنَا عَبْدٌ ضَعِيفٌ وَسَلَّمْتُ هَذَا إِلَيْكَ فَسَلِّمْهُ لِي وَبَارِكْ لِي فِيهَا

Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва агар арабий дуони билмаса, бу тариқа туркий дуо ўқигай: «Эй бор Худоё, мен, заиф банданг, бу уруғни Сенга топширдим, Сен уни менга топширгайсан ва ул экинга менинг фойдам учун баракат бергайсан», дегай. Ундан кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва ъала алиҳи ва салламга салавот айтгай, бундай қилса, Худойи таборак ва таоло ул кишининг экинини жамиъи офатлардан албатта, сақлагай ва ул экинга баракат бергай. Ва ҳар вақтики, экин пишса ва етишса, вожиб шуки, ўлчовчи таҳоратли бўлгай, ўлчаганда юзини қиблага рўбарў қилиб туриб ўлчагай. Ва агар бундай қилмаса, деҳқончиликнинг баракати бўлмагай. Ҳар вақтики, экинни ўлчаб бўлса, икки ракъат намоз ўқиб, бу дуони ўқигай:

يَا رَبِّ أَلْقَيْتُ بِذْرًا قَلِيلاً وَاعْطَيْتَنِي شَيْئًا كَثِيرًا فَاحْفَظْهَا قُوَّةَ طَاعَةٍ وَلاَ تَجْعَلْهَا قُوَّةَ مَعْصِيَةٍ وَاجْعَلْنِي مِنَ الشَّاكِرِينَ

Ва агар бу арабий дуони билмаса, бундай дуо қилгай: «Эй Парвардигоро, андек уруғни Сенга топшириб, ерга сочиб эдим, Сен менга кўп нарса бердинг, энди бу экинни тоъат ва ибодат озиғи қилгил ва маъсийат ва гуноҳ озиғи қилмагил ва мени шукр қиладиганлардан қилгил», дегай. Ва дарахтларни ўтқазмоқда ҳам ушбу тариқа экин экмоқ тўғрисида баён қилинганлардек амал қилингай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУ ФАСЛДА ДАРАХТЛАРНИ БОҚМОҚҚА БЕРМОҚНИНГ БАЁНИ

اَلْمُسَاقَاةُ

Мусоқот – луғатда экинни ва мевали дарахтларни суғормоқ маъносидадир.

هِيَ دَفْعُ الشَّجَرِ إِلَى مَنْ يُصْلِحُهُ بِجُزْءٍ مِنْ ثَمَرِهِ

Шариат қоидасида мевали дарахтларни ва бошқа дарахтларни сув бериб, ислоҳга келтириб, парвариш қилмоққа, ул дарахтлардан ҳосил бўлган меваларнинг баъзисини хизмати учун бермоққа бир одамга топширмоқдир. Масалан, тўртдан бирини ёки учдан бирини бермоққа ваъда қилиб, дарахтларни ислоҳ қилмоққа бермоқ ва топширмоқдир. Масалан, дарахтларнинг шохларини покизаламоқ, суғормоқ, пайванд қилмоқ, бутоқларини бутамоқ, йагона қилмоқ, яъни, кенг жойларга кўчириб олиб, ўткармоқ, нигоҳбонлик қилмоқ ва булардан бошқа тегишли нарсаларни эҳтиётлаб қилмоқ учун бир одамга мазкур ваъдалар билан топширмоқни «мусоқот» дейилур. Ушбу тариқаким, дарахтларнинг эгаси боғбон бўладиган кишига бу дарахтзорни, масалан, учдан бирга парвариш қилмоққа сенга топширдим, дегай ва боғбон бўлган одам, қабул қилдим, дегай. Бас, бу масъалада огоҳ қилмоқ шунгаки, мусоқотнинг рукни ийжоб ва қабулдир, яъни, бири «Топширдим», деганидан кейин бири «Қабул қилдим», дегай ёки «Менга топширгин», деса, соҳиби «Қабул қилдим», дегай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ هِيَ كَالْمُزَارَعَةِ

Ва бу дарахтларни парвариш қилмоқ учун боғбонга бермоқ, уламолар ораларида ҳукм ва шарт қилмоқда дурустлигининг ихтилофида, ерни корандага шериклик экин экмоққа бермоққа ўхшашдир.

إِلاَّ أَنَّهَا تَصِحُّ بِلاَ ذِكْرِ الْمُدَّةِ

Лекин фалон вақтгача деб муддатни баён қилмасдан, дарахтларни парвариш қилмоқ учун боғбонга бермоқ бегумон дуруст бўлур. Зероки, дарахтни парвариш қилмоқ вақти халқ орасида

www.ziyouz.com kutubxonasi

маълумдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва бу дарахтни боқмоққа бермоқ ерни корандага бермоққа ўхшаш деганларидан ишорат шунгаки, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, дарахтларни боғбонга тарбия қилмоқ учун ундан ҳосил бўлган нарсанинг, масалан, учдан бирини бермоқ бўлиб топширмоқ ақди дуруст эмас, ул жанобнинг наздларида, музораъа ақди ҳам ушбудек дуруст эмас эди. Ва Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳ наздларида, дурустдир ва фатво Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳ қавларига берилур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ تَقَعُ عَلَى أَوَّلِ ثَمَرٍ يَخْرُجُ

Ва дарахтни парвариш қилмоққа топширмоқ ақди ул йилда меванинг аввали етилиб чиққан вақтдадир. Бас, муддатнинг аввали меваи маълумнинг амал вақтидир ва охири мазкур меванинг пишмоғидир.

وَ إِدْرَاكُ بِذْرِ الرُّطْبَةِ كَإِدْرَاكِ الثَّمَرِ

Ва йўнучқа (беда) тухумининг пишмоғи ва етилмоғи, масалан, узум ва нок тухумини экиб, катта қилмоқ учун парвариш қилмоққа ўхшашдир, яъни, ҳукмлари бирдир.

وَ ذِكْرُ مُدَّةٍ لاَ يَخْرُجُ الثَّمَرُ فِيهَا يُفْسِدُهَا

Ва мева кўкармайдиган вақтни баён қилмоқ, масалан, қиш кунини тайинлаб, дарахтзорни боғбонга топширмоқ мусоқот ақдини фосид қилгай, яъни, дарахтни парвариш қилмоққа боғбонга топширмоқ ақдини бузгай. Зероки, дарахтларни боқмоқдин мақсуд мевага шерик бўлмоқ эди, бу мақсуд ул муддатда ҳосил бўлмагай. Чунончи, «Дурару-л-Ҳукком»да мазкурдир.

بِخِلاَفِ مُدَّةٍ قَدْ يَخْرُجُ وَ قَدْ لاَ يَخْرُجُ

Гоҳо мева чиқар ва гоҳо мева чиқмас муддатнинг хилофи биланки, агар бу муддатда мева ҳосил бўлса, ул мева ақд қилинган замондаги шартга қараб амал қилинур.

فَإِنْ لَمْ يَخْرُجْ فِيهَا فَلِلْعَامِلِ أَجْرُ الْمِثْلِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар ул муддатда мева чиқмаса, мусоқот ақди фосид бўлиб, хизмат қилган боғбонга қилган иши учун ажри мисл вожиб бўлгай.

وَ لاَ تَصِحُّ إِنْ أَدْرَكَ الثَّمَرُ وَقْتَ الْعَقْدِ كَالْمُزَارَعَةِ

Ва агар ақдни қилур вақтда мева етишган бўлса, шериклик экин экмоқ ақдини экин пишганда ва етилганда боғламоқ дуруст бўлмаганга ўхшаш дарахтларни парвариш қилмоққа топширмоқ ақди дуруст бўлмагай. Масалан, бир одам деққоннинг экини етилганда ўрмоққа, янчмоққа ва совурмоққа бир одамга шерикликка берса, дуруст эмас. Ва Имом Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳдан дуруст деган бир ривойат бор. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир. Ва асли шулки, модомики мева ва экин ўсмоқда ва зиёда бўлмоқда бўлса, экинни корандага бермоқ, мевазорни боғбонга бермоқ дуруст бўлгай ва агар бундай бўлмаса, дуруст эмас. Чунончи, «Назм» китобида мазкурдир.

فَإِنْ مَاتَ أَحَدُهُمَا وَ الثَّمَرُ لِيَ يَقُومُ الْعَامِلُ عَلَيْهِ أَوْ وَارِثُهُ

Бас, агар мулк эгаси билан боғбоннинг иккаласидан бири ўлса ва мева пишмаган бўлса, агар боғ эгаси ўлган бўлса ва агарчандики мулк эгасининг ворислари боғбоннинг боғда хизмат қилиб турмоғини нохуш кўрсалар ҳам, боғбон илгари хизмат қилиб турганидай мева пишгунча хизмат қилиб тургай ё боғбон ўлган бўлса, агарчандики дарахтларнинг эгаси унинг вориси хизмат қилмоғини нохуш кўриб, қабул қилмаса ҳам, унинг вориси ул хизматда тургай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ لاَ تُفْسَخُ إِلاَّ بِعُذْرٍ

Ва дарахтни парвариш қилмоқ учун боғбонга топширмоқ ақдини беузр шаръий бузмоқ дуруст эмас.

وَ كَوْنُ الْعَامِلِ مَرِيضًا لاَ يَقْدِرُ عَلَى الْعَمَلِ

Ва ул хизмат қилгувчининг, яъни, боғбоннинг бетоб бўлиб, дарахтларни парвариш қилмоқдан ожиз бўлмоғи,

www.ziyouz.com kutubxonasi

أَوْ سَارِقًا يُخَافُ عَلَى سَعَفِهِ أَوْ ثَمَرِهِ عُذْرٌ

ёки хизмат қиладиган киши ўғри ва хиёнатгар бўлиб, дарахтларнинг шохларини ё меваларини ўғирламоғидан қўрқмоқ, – мазкурлар узрдир ва булар сабабидан дарахтни тарбия қилмоққа топширмоқ ақди бузилгай.

وَ دَفْعُ فِضَاءٍ لِيَغْرِسَ وَ تَكُونَ الْأَرْضُ وَ الشَّجَرُ بَيْنَهُمَا لاَ يَصِحُّ

Ва бир киши бир одамга бир кенг бўш ерини токи ул одам ул ерга дарахт ўтқазиб, обод қилгай, деб берса ва ер обод бўлгандан кейин ер ва дарахт икковлари ўртасида шериклик бўлса, бу дуруст эмас. Зероки, бунда хизмат қиладиган боғбон хизмати бўлмаган нарсада шерик бўлурки, бундай бўлмоғи дуруст эмас. Чунончи, «Дурару-л-Ҳукком», «Шарҳи Виқоя» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

فَلِلْعَامِلِ قِيمَةُ غَرْسِهِ وَأَجْرُ عَمَلِهِ

Бас, дарахтни парвариш қилмоқ учун боғбонга топширилган ақди узр шаръий бузилган сувратда дарахтларни ўтқазган кишига дарахтларни тиккан ва ўтқазган кунидаги қиймати ва ҳамда қилган хизматининг ҳақи вожиб бўлгай, ул кўкариб турган дарахтлар ер эгасига қолгай. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ إِحْيَاءُ الْمَوَاتِ

ХАРОБ ЕРЛАРНИ ОБОД ҚИЛМОҚ КИТОБИ

هِيَ اَرْضٌ بِلاَ نَفْعٍ لِانْقِطَاعِ مَائِهَا وَ نَحْوِهِ لاَ يُعْرَفُ مَالِكُهَا بَعِيدَةٌ عَنِ الْعَامِرِ لاَ يُسْمَعُ صَوْتٌ مِنْ أَقْصَاهُ

Бу китобда хароб ва нообод ерларни тиргизмоқнинг, яъни, обод қилмоқнинг ҳукмлари баёни. Ул эгаси йўқ ер суви тўхтаб қолгани жиҳатидан ё шунга ўхшаган зарар етказадиган нарса жиҳатидан хароб ердир. Масалан, сел ёки қум, ё тош босгани, ё заҳкашликка айлангани, ё шўрхок бўлгани, ё булардан бошқа нарса жиҳатидан хароб бўлиб, унинг эгаси ким эканлиги асло маълум бўлмагай, у ерда хоҳ иморатнинг нишони бўлсин, хоҳ бўлмасин, ул хароб ер ободон ерлардан, яъни, шаҳардан ва қишлоқдан узоқ бўлгай, узоқлиги шул миқдор бўлгайки, обод бўлган жойнинг четидан овоз қилганда эшитилмагай, шундай ер шариатда «мавос» дейилур, яъни, фойдаланмоққа салоҳиятсиз ўлик ер дейилур. Ва агар овоз қилганда эшитилса, уни хароб ер дейилмагай. Зеро, ободон жой, яъни, қишлоқ ё шаҳар атрофидир, обод жойнинг одамлари ундан нафъ олгайлар, чунки молларини ўтлатмоққа ул жойга муҳтож бўлгайлар ва ўрган экинларини ташламоққа, хирмон жойи қилмоққа даркор бўлгай, зоҳирон ул ердан нафъ олмоқлари узилмагай, бас, шундай ер мавос дейилмагай. Чунончи, «Зайлаъий»да мазкурдир.

وَ مَنْ أَحْيَاهُ مَلَكَهُ إِنْ أَذِنَ لَهُ الإِمَامُ

Кимики ул мавосни, яъни, хароб ерни тиргузса, яъни, фойдаланмоққа салоҳиятсиз ерни салоҳиятли қилса, масалан, ариқ кавламоқ ва сув бермоқ билан, бино ангаки, ривойат қилинди Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдан, ёки обод қилса ҳайда-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқ ва суғормоқ билан, бино ангаки, ривойат қилинди Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳдан, ё бу иккининг бири билан обод қилса, ё дарахт экмоқ билан обод қилса, Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳдан қилинган ривойатга (кўра), бино қилинганда ёки хароб ерни иморат қилмоқ билан ё экин экмоқ билан обод қилса ё бошқа нарса билан обод қилса, башарти подшоҳ обод қилмоққа жавоб берса, ул хароб ер обод қилган кишининг мулки бўлгай. Чунончи, «Ҳидоя»да ва бошқа китобларда мазкурдир. Бас, агар подшоҳ изн бермаса, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, ул ерга эга бўлолмагай. Ва Имом Абу Юсуф билан Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳ наздларида, эга бўлгай. Ва аввалги масъала мухтордир, яъни, ихтиёрлангандир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Хароб ерни обод қилгувчи мусулмон бўлмоғи керак, агар зиммий бўлса, подшоҳдан берухсат эга бўлолмагай. Бу масъалага уламолар орасида хилоф йўқдир. Ва агар омонлик талаб қилиб турган ғайридин бўлса, асло эга бўлолмагай, бу масъала уламоларнинг иттифоқлари билан. Чунончи, «Назм» китобида ва «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир.

وَ مَنْ حَجَّرَ أَرْضًا وَ لَمْ يُعَمِّرْهَا ثَلَثَ حَجَجٍ دَفَعَهَا الإِمَامُ إِلَى غَيْرِهِ

Ва бир одам бир хароб ерни ўз забтига олиб, ер атрофига тошларни ё бошқа (нарсаларни) нишона қилиб айлантириб олса ва ул майта ерни уч йилгача салоҳиятли қилмаса, подшоҳ ул ерни бошқа кишига бергай. Зероки, аввалгига хароб ерни обод қилмоққа бермоқ ушр ва хирож тўғрисида мусулмонларга манфаат ҳосил бўлмоғи учун эди, ҳар вақтики, нафъ ҳосил бўлмаса, мақсудни ҳосил қилмоқ учун подшоҳ ерни бошқа одамга бергай. Чунончи, «Ҳидоя»да ҳам мазкурдир.

وَ مَنْ حَفَرَ بِئْرًا فِي مَوَاتٍ بِالإِذْنِ فَلَهُ حَرِيْمُهَا لِلْعَطَنِ

Ва кишиким, майта ерда, яъни, фойдаланмоққа салоҳият пайдо қилмаган ерда подшоҳ ва ё ҳокимнинг жавоби билан қудуқ кавласа, ул қудуқнинг атрофи туяларни чўкирмоқ учун ул кишиники бўлгай, яъни, теваларни ва қўйларни унинг атрофига келтириб, қўл билан сув тортиб олиб суғориладиган қудуқнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳар тарафидан қирқ газдан (ер) қудуқ кавлаган одамники бўлгай. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак қавллари жиҳатиданки,

مَنْ حَفَرَ بِئْرًا فَلَهُ مِمَّا حَوْلَهَا أَرْبَعُونَ ذِرَاعًا عَطَنًا لِمَاشِيَتِهِ

яъни: «Кимики қудуқ кавласа, чорполарининг оромгоҳи учун ҳар тарафидан қирқ газдан қудуқни кавлаганники бўлгай». Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ النَّاضِحِ أَرْبَعُونَ ذِرَاعًا مِنْ كُلِّ جَانِبٍ فِي الْأَصَحِّ

Ва яна асаҳ ривойатда, яъни, дурустроқ ривойатда тева билан ё бошқа ҳайвонлар билан, масалан, ҳўкиз қўшиб сув чиқариладиган қудуқ учун тўрт тарафидан қирқ газдан ер қудуқ кавлаган кишига бўлгай.

وَ لِلْعَيْنِ خَمْسَمِائَةٍ كَذَلِكَ

Ва майта ердан, яъни, фойдаланмоққа салоҳиятсиз хароб ердан кавлаб чиқарилган чашма учун, яъни, булоқ учун тўрт тарафидан беш юз газдан чашма кавлаганники бўлгай.

وَ مَنْعُ غَيْرِهِ مِنَ الْحَفْرِ فِيهِ

Ва кишиким, майта ердан қудуқ кавлабдир ё булоқ чиқазибдир, унинг атрофининг ичидан бошқа одамга кавлатмасга қудрати етгай. Зероки, қудуқ ва чашма атрофи ўз мулкидир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

فَإِنْ حَفَرَ فِي مُنْتَهَاهُ فَلَهُ الْحَرِيمُ مِنْ ثَلَاثِ جَوَانِبَ

Бас, агар бошқа одам аввалги киши қудуғи ё булоғи атрофининг етган еридан қудуқ кавласа ё чашма чиқарса, кейинги қудуқ эгасига уч тарафидан қирқ газдан ер ва чашма эгасига уч тарафидан беш юз газдан ер бўлгай.

وَ لِلْقَنَاتِ حَرِيمٌ بِقَدْرِ مَا يُصْلِحُهَا

Ва кориз учун унинг атрофини тузатмоқликка лойиқ қанча ер керак бўлса, ул бўлгай, бу қавл Имом Аъзам раҳтамуллоҳи алайҳ қавлларидир. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кориз деб шуни айтурларки, беркитилган сув ернинг таги билан бир жойдан бир жойга боргай. Чунончи, «Шарҳи нисоб»да мазкурдир. Кориз деб, оқиб турган сувни айтурларки, ер тагидан кавлаб бориб равон қилгайлар. Чунончи, «Бурҳони Қотиъ»да ҳам мазкурдир.

وَ لاَ حَرِيمَ لِلنَّهْرِ

Ва катта ариқ учун атроф бўлмагай, бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Ва Имом Абу Юсуф билан Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳ наздларида, катта ариқнинг иккала тарафида юриладиган ва лой ташланадиган миқдори атрофи бўлгай. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

БУ ФАСЛДА НАВБАТ БИЛАН СУВ ОЛМОҚНИНГ БАЁНИ

Ширб лафзи аввалги ҳарфини «зер» ўқимоқ билан луғатда оқиб турган сувдан, хоҳ музлаган сувдан жонли нарса учун ё жамод (жонсиз нарса) учун қадри ҳисса маъносидадир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

اَلشِّرْبُ نَصِيبُ الْمَاءِ

Шариатда – сувдан экин суғормоқ учун ё ҳайвонлар учун навбат билан фойдаланмоқ маъносидадир.

وَ الشَّفَةُ شِرْبُ بَنِي آدَمَ وَ الْبَهَائِمِ

Ва **шафа** деб, одамизоднинг ва ҳайвонларнинг сувдан истеъмол қилмоғи ва насиба олмоғи айтилур, масалан, ташналикни дафъ қилмоқ, ё таом пиширмоқ учун, ё таҳорат, ғусл қилмоқ учун, кийим ювмоқ, ё бошқа нарсаларга истеъмол қилмоқ учун. Чунончи, «Мабсут»да мазкурдир.

وَ لِكُلِّ حَقُّهَا وَ حَقُّ سَقْيِ الدَّوَابِّ إِنْ لَمْ يُخَفْ تَخْرِيبُ النَّهْرِ فِي كُلِّ مَاءٍ لَمْ يُحْرَزْ بِاِنَاءٍ

Ва ҳар кишининг шафа ҳақи, яъни, сувдан кераклигича ис-

www.ziyouz.com kutubxonasi

теъмол қилмоқ ҳақи бордир. Ва ҳайвонларнинг суғормоқ ҳақи бордир, агар сув ариқнинг бузилур хавфи бўлмаса, идишга солиб сақлаб қўйилмаган ҳар сувда одамларнинг ва ҳайвонларнинг ҳақи бордир.

وَ حَقُّ الشِّرْبِ وَ نَصْبُ الرَّحى

Ва яна одамлардан ҳар бирининг жамиъи анҳорда экин суғормоқ ва тегирмон қурмоқ ва чиғириқ қўйиб, сув торттирмоқ ҳақлари бордир.

إِلاَّ إِذَا اَضَرَّ بِالْعَامَّةِ

Магар бу тариқа сувдан ҳақни олмоқ одамларга зарар берса, масалан, экинларга, боғчаларга ариқ кавлаб сув келтирмоқ, тегирмон қилмоқ ва чиғириқ билан сув чиқармоқ билан халойиққа зиён келтирса, масалан, ариқ кавлаб сув келтирган сувратда одамларнинг экин ерларини ё қишлоқларини сув ғарқ қиладиган бўлса, сув олмоқ ҳақи соқит бўлгай.

أَوْ خُصَّ النَّهْرُ بِغَيْرِهِ أَيْ دَخَلَ فِي الْمَقَاسِمِ

Ё ул ариқ бошқа кишига хос қилинган бўлса, яъни, ул ариқнинг суви бир одамни, мамлуки бўлмоқ билан ё бир жамоанинг ўрталарида бўлиб, тақсим топмоқ билан эгалик бўлса, аммо бу одам ул кишиларнинг жумласидан бўлмаса, сувдан насийа ҳақи йўқдир ва ҳамда тегирмон ва бошқа нарсалар қилмоқ ҳақи соқит бўлгай.

وَ كَرَىُ نَهْرٍ لَمْ يُمْلَكْ مِنْ بَيْتِ الْمَالِ

Ва ҳеч кимнинг мулки бўлмаган ариқни кавламоқ, тозаламоқ ва тузатмоқ мусулмонларга махсус байтул-мол молидандир, яъни, хирож ва жизйага ўхшаш молдан сарф қилинур. Аммо ушр ва садақалардан сарф қилинмагай. Зероки, алар бечоралар учундир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

فَاِنْ لَمْ يَكُنْ فِيهِ شَيْءٌ فَعَلَى الْعَامَّةِ

Бас, агар байтул-молда ариқ кавламоқ ва тозаламоқнинг сарф ва харажатига ҳеч нарса бўлмаса, ул вақтда кавламоққа

www.ziyouz.com kutubxonasi

қудрати етадиганлар кавлагайлар, кавламоққа кучи етмайдиган ғанийлардан аларга хизмат ҳақи олиб берилгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ كَرْيُ نَهْرِ مُلِكَ عَلَى أَهْلِه مِنْ أَعْلاَهُ

Ва мулк бўлган ариқни кавламоқ ва покиза қилмоқ ул ариққа тегишли одамларга лозимдир, ул ариқни кавламоқни юқорисидан бошлагайлар.

وَ مَنْ جَاوَزَ مِنْ أَرْضِهِ بُرِئَ

Ва ҳар кишининг ўз еридан ариқ кавламоқ ўтса, ул киши ариқ кавламоқдан қутулгай, бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Ва аммо Имом Абу Юсуф билан Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳ наздларида, ул ариқдан фойдаланадиган одамларнинг ҳаммалари ариқни бошидан охиригача бирга кавлашмоқлари лозимдир. Лекин сувдан қадри ҳисса даражасича ва ернинг миқдорича ариқ кавламоққа Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ қавлларига фатво берилур. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да ва «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ صَحَّ دَعْوَى الشِّرْبِ بِلاَ أَرْضٍ

Ва ерсиз сувдан қадри ҳиссасини даъво қилмоқ дурустдир. Зероки, гоҳо мерос тўғрисидан ва васиййат тўғрисидан ерсиз сув мамлук бўлиб қолгай. Ва гоҳо ерни сотгай, сувнинг тегишлиги қолгай ва ул сув манфаат олинадиган марғуб бўлгай, бас, у сувга даъво қилмоқ дуруст бўлгай. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ إِنْ اخْتَصَمَ قَوْمٌ فِي شِرْبٍ بَيْنَهُمْ قُسِّمَ بِقَدْرِ أَرَاضِيهِمْ

Ва агар бир жамоа одамлар ўзларининг ўрталаридаги шериклик ариқнинг сувидаги қадри ҳиссаларида жанжал ва даъво қилишсалар, бизларнинг уламоларимиз наздларида, сувдаги ҳиссалари ўз ерларининг миқдорича тақсим қилинур. Зероки, ширбдан, яъни, навбат билан сув олмоқдан мақсуд ерни суғормоқдир, қавмнинг сувга муҳтожлиги ернинг озлиги ва кўплиги миқдоричадир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ва «Ҳидоя»-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да мазкурдир. Аммо ҳовлига ва уйларга тегишли йўлга даъво қилинса, йўлдан мақсуд йўл топмоқдир, ҳовлининг кенглиги ва торлиги йўлга бирдир, катта ва кичиклигини эътибор қилинмагай. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ مُنِعَ الأَعْلَى مِنْ سَكْرِ النَّهْرِ وَ إِنْ لَمْ يُشْرَبْ بِدُونِهِ

Ва ариқ юқорисидаги одамларни ариқ сувини боғламоқларидан манъ қилгайлар, яъни, сув этагидаги одамлар юқоридаги одамларни сувни боғлаб тўхтатмоқдан манъ қилгайлар ва агарчандики баланддаги одамларнинг ерларига сувни боғламай суғормоқнинг иложи бўлмаса ҳам.

إِلاَّ بِرِضَاهُمْ

Магар сув этагидаги одамларнинг ризоликлари билан ўзининг қадри ҳисса сувини суғормоқ учун боғламоқ дурустдир.

وَ كُلٌّ مِنْهُمْ مِنْ نَصْبِ الرَّحَى وَ نَحْوِهِ

Ва сув оқадиган ариққа шериклиги бор одамларнинг ҳар қайси бири бошқа шерикларидан бежавоб ул ариққа тегирмон қилмоқдан ва шунга ўхшаганлардан манъ қилинур.

إِلاَّ فِي مِلْكِهِ بِحَيْثُ لاَ يَضُرُّ بِالنَّهْرِ وَ لاَ بِالْمَاءِ

Магар тегирмонни ва шунга ўхшаш нарсани ўз мулкига қилса, шериклик сувга ва ариққа зарар етмаса, шериклар манъ қилмагайлар.

وَ مِنَ التَّغْيِيرِ مِمَّا كَانَ قَدِيمًا

Ва яна шерикларнинг ҳар бири бежавоб ариқни тағйир бермоқдан манъ қилинур, масалан, бир ариқда кўп шерик бўлиб, уларнинг бири ўз фойдаси учун шерик ариқнинг оғзини кенг қилмоқни хоҳласа, унинг кенг қилмоғи ул кишига фойда бўлса ҳам, бошқа шерикларга зарар бўладиган бўлса, манъ қилинур.

وَ الشِّرْبُ يُورَثُ وَ يُوصَى بِالاِنْتِفَاعِ بِهِ

Ва сувни навбат билан олмоқ ҳиссаси мерос бўлгай ва у билан фойдаланмоққа васиййат қилмоқ дуруст бўлгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ لاَ يُبَاعُ بِلا اَرْضٍ

Ва лекин сувни ерсиз сотиб бўлмагай.

إِلاَّ عِنْدَ مَشايِخِ بَلْخٍ

Магар Балх номли шаҳар олимларининг наздларида, Балх аҳлларининг муомалалари ва ҳожатлари анга тушгани жиҳатидан сотмоқ дурустдир.

وَ كَذَا الإِجَارَةُ وَ الْهِبَةُ

Ва сувдаги қадри ҳиссанинг танҳо ўзини сотмоқ дуруст бўлмаганига ўхшаш ерсиз сувни ижарага бермоқ ва садақа қилмоқ ва яхшиламоқ дуруст эмас. Ва орийатга, гаровга бермоқ, қарз бермоқ, маҳр учун бермоқ, хулънинг бадалига, яъни, молнинг бадалига хотинни талоқ қўймоқ учун қадри ҳисса ерсиз сувни бермоқ ва сулҳ учун мазкур сувни бермоқ дуруст эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ مَنْ سَقَى مِنْ شِرْبِ غَيْرِهِ يَضْمَنُ

Ва кишиким, ўзининг ерини бўлак одамнинг навбат суви билан суғорса, товон тўлагай, андоғким, қарагайлар, агар ул сувнинг сотилмоғи жойиз бўлганда, қанча сотилур эди, ул баҳони тўлагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир. Ва кимники ўз ерини ё экинини бир одамнинг қадри ҳисса навбатлик сувидан бежавоб суғорса, ривойат аслда товон тўламагай, ва фатво ушбугадир. Чунончи, «Дурру-л-Мухтор»да ҳам мазкурдир.

لاَ مَنْ سَقَى أَرْضَهُ فَنَزَّتْ اَرْضُ جَارِهِ

Имом Исмоил Зоҳиднинг қавлларига қараганда, кимики ўз навбатида ерини суғорса, ул сув ҳамсойасининг ерига сизиб ўтиб, заҳлатса ё (ер) ғарқ бўлса, яъни, сув босиб кетса ва унинг экинини хароб ва нобуд қилса ва бу ҳар вақтики, ўз навбатида, қадри ҳисса сувини олиб суғорса, товон тўламагай. Ва аммо ҳар вақтики, навбатсиз бошқа кишининг навбат сувини олиб суғорса, товон тўлагай. Чунончи, «Захийра»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْوَقْفِ

ВАҚФ КИТОБИ

Бу китобда вақф қилмоқнинг баёни. **Вақф** луғатда - ҳабс қилмоқ, яъни, банд қилмоқ ва ундан ҳосил бўлган манфаатни садақа қилмоқ ва сақлаб турмоқ маъносидадир. Чунончи, «Ахтари кабир»да мазкурдир.

هُوَ حَبْسُ الْعَيْنِ عَلَى مِلْكِ الْوَاقِفِ وَ التَّصَدُّقِ بِالْمَنْفَعَةِ كَالْعَارِيَةِ

Шариатда ул вақф бир мол бўлган нарса зотини вақф қилган киши мулкида ва ул ўлгандан кейин ворислари мулкида доимий қолмоғига ва андин ҳосил бўлган фойдани садақа қилмоққа сақлаб турмоқдир, орийатга берилган молга ўхшашдурки, фойдасини садақа қилур, ул молнинг ўзини бермагай.

وَ عِنْدَهُمَا هُوَ حَبْسٌ عَلَى مِلْكِ اللهِ تَعَالَى

Ва Имом Абу Юсуф билан Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳнинг наздларида, вақф ул мол бўлган нарсани вақф қилган киши мулкидан чиқмоғи билан Худойи таборак ва таолонинг мулкида сақлаб қўймоқдир, яъни, Аллоҳ таолонинг мулки бўлиб, эгасининг мулки бўлмоқдан чиққай, ул молни банд қилиб қўйиб, ундан ҳосил бўлган фойдани бандаларига садақа қилмоқдир.

فَلَا يَزُولُ مِلْكُ الْمَالِكِ عِنْدَ أَبِي حَنِيفَةَ رَحِمَهُ اللهُ

Бас, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, ул вақф қилинган мол вақф қилган киши мулкидан чиқмагай. Агарчандики қавли саҳиҳга биноан вақф қилмоқни ўлмоғига таълиқ қилса ҳам, масалан, агар ўлсам, албатта ҳовлимни бир нарсага, масалан, мадрасага ё масжидга ё булардан бошқа нарсаларга вақф қилдим, демоғи билан. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

إِلَّا أَنْ يَحْكُمَ بِهِ حَاكِمٌ

Магар шариат ҳокими ул молнинг вақфлигига ҳукм қилса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

вақф қилган киши мулкидан чиққай, ул сувратда вақф қилинган мол ҳеч кимнинг мулки бўлмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва ул ҳукм қилгувчи хилоф маҳалини билса, ул вақтда хилофиййа масъала иттифоқига айлангай.

وَ إِلاَّ فِي مَسْجِدٍ بَنَى وَأَفْرَزَهُ بِطَرِيقِهِ وَ إِنْ أَذِنَ لِلنَّاسِ بِالصَّلَوٰةِ فِيهِ وَ صَلَّى وَاحِدٌ

Ва лекин масжид қилган сувратда, уни вақф қиладиган киши масжиднинг иморатини тайёрлаб, кирадиган йўли билан ўз мулкидан жудо қилса ва яна одамларга ул масжидда ҳар намозни ўқимоққа жавоб берса, ҳар киши ул масжиднинг ичида намоз ўқиса, агарчандики беазон ва беиқомат бўлса ҳам, хоҳ ул намоз ўқиган киши бани масжид, хоҳ бошқа одам бўлсин, агар жамоат билан намоз ўқиса ё азон ва икомат билан намоз ўқиса, бехилоф, вақф қилгувчининг мулкидан чиқиб, масжидликка айлангай. Чунончи, «Захийра» китобида мазкурдир. «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазбурдир.

وَ عِنْدَ مُحَمَّدٍ رَحِمَهُ اللهُ تَسْلِيمُهُ إِلَى الْمُتَوَلِّي وَقَبْضُهُ شَرْطٌ

Ва Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, вақф қилинган нарса вақф қилган киши, мужаррад вақф қилдим, демоғи билан унинг мулкидан чиқмагай, балки вақф қилинган нарсани мутаваллийга топширмоғи, ул мутаваллий ҳам ул нарсани қабзига олмоғи шартдир.

وَ عِنْدَ أَبِي يُوسُفَ رَحِمَهُ اللهُ يَزُولُ بِنَفْسِ الْقَوْلِ

Ва Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, бу нарсани вақф қилдим, демоғи билан вақф қилган одамнинг вақф қилган жойи унга мулк бўлмоқдан чиққай.

فَصَحَّ عِنْدَهُ وَقْفُ الْمُشَاعِ

Бас, андоғ бўлса, Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, бўлинмаган шериклик нарсанинг бир ҳиссасини вақф қилмоқ дуруст бўлди ва ушбу қавлга фатво берилур. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ جَعْلُ الْغَلَّة وَ الْوَلَايَة لِنَفْسِه

Ва яна вақф қилган кишининг вақф қилган молидан ҳосил бўлган фойдаларнинг ҳаммаси ё баъзиси тириклик вақтида ўзига сарф қилинмоғини ва ўлган вақтида бечораларга сарф қилинмоғини шарт қилмоғи, яна ул вақфга мутаваллий ва тасарруф қилгувчи бўлмоғини шарт қилмоғи дуруст бўлди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ شَرْطُ أَنْ يَسْتَبْدِلَ بِه أَرْضًا أُخْرَى اِذَاشَاءَ

Ва яна вақф қилган киши вақф қилган ерни хоҳлаган вақтида бошқа ерга алиштирмоқни шарт қилмоғи, Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, дуруст бўлди. Лекин вақф ерни бошқа ерга алиштирмоқнинг дурустлигида уламолар орасида ҳар хил қавллар воқеъ бўлган. Баъзи уламолар вақф қилинган ер заиф ва беқувват, экин битмайдиган бўлиб қолса, алиштирмоқ лозим дебдурлар. Ва баъзилари мутлақан алиштирмоққа фатво бермасмиз ва батаҳқиқ, бу фатводан беадад, беҳисоб фасодлик, бузуқлик зоҳир ва ошкор бўлганини кўрдик, бешак ва бегумон баъзи қозилар золими, яъни, баъзи золим қозилар вақфларни алиштирмоқнинг дурустлигини баҳона қилиб, ҳийла билан мусулмонларнинг кўп вақфларини йўқ қилиб юбордилар. Золим қозилар қилганларича қилдилар, дебдурлар ва ул воқеа мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ замонларида (бўлган) ва ул ниҳоятда яхши замондир, ваҳоланки, ул жаноб ўша замондаги қозилардан шикоят қилибдурлар. Ва аммо бизларнинг замонимизда вақфдан асар ва нишона ҳам қолмаганким, уни алиштирсалар ва вақф қиладиган киши ҳам йўққи, заиф бўлган ерни бақувват ерга табдил қилса, вақф тўғрисида низо қилишмоққа ва фатво бермоққа мақом ҳам тамом бўлган, бовужуд бу воқеа вақф фаслини батамом китобат қилмай ўтиб бўлмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ تَرْكُ ذِكْرِ مَصْرِفٍ مُؤَبَّدٍ

Ва яна вақфдан ҳосил бўлган фойданинг вақф қилинган жойга ҳамиша сарф қилинмоғини айтмасдан, вақф қилмоқ дуруст

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлди. Масалан, ушбу қилинган вақфдан ҳосил бўлган фойда фарзандларимга сарф қилинсин, деган сўзни айтса, доим сарф қилинсин, демаса ҳам, ул сўз ҳожат бўлмай, ул фарзандлар бор муддатда ҳамиша аларга сарф қилинур.

فَإِذَا انْقَطَعَ صُرِفَ إِلَى الْفُقَرَاءِ

Бас, ҳар вақтики, вақфдан ҳосил бўлган фойданинг сарф қилинадиган жойи кесилса, масалан, тайинланган фарзандлари тамом бўлсалар, ул ҳосилот мусулмонларнинг бечораларига сарф қилинур. Зероки, вақфдан мақсуд Худойи таборак ва таолога яқин бўлмоқни талаб қилмоқдир, андоқ бўлса, бечораларга сарф қилмоқ билан ҳосилдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ صَحَّ عِنْدَ مُحَمَّدٍ رَحِمَهُ اللهُ وَقْفُ مَنْقُولٍ فِيهِ تَعَامُلٌ كَالْمُصْحَفِ وَنَحْوِهِ

Ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳ наздларида, бир жойдан бир жойга кўчириладиган нарсани вақф қилмоқ дурустдир, одамларнинг таомили ангадир, – Қуръони шарифни ва унга ўхшаш китобларни ва яна одамлар фойдаланадиган буларга ўхшаш нарсаларни, масалан, болта, арра, кетмон, теша, жом, тобут ва тобутга ёпадиган кийим, қозон, мис қозон, ва силоҳ, от, эшак ва қуллар – мазкурларни вақф қилганга ўхшаш. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир ва «Жомиъу-р-румуз»да ҳам зиёда баён қилингандир.

وَ عَلَيْهِ الْفَتْوَى

Ва одамларнинг ҳожатлари анга бўлгани жиҳатидан Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳнинг бу қавлларига фатво берилур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва баъзи уламолар Қуръони шарифни ва китобларни масжидга, мадрасага ва анга ўхшаган нарсага вақф қилмоқ дуруст эмас, дебдурлар, фатво ушбугадир. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир ва аввалги қавл саҳиҳ қавлдир. Чунончи, «Қозихон»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ لاَ يُمَلَّكُ الْوَقْفُ وَ لاَ يُتَمَلَّكُ

Вақф бўлган нарса ҳеч бир тариқ билан мулк қилинмагай ва ҳеч бир тариқ билан эгалантирилмагай ва ҳам мулк қилмоққа бериб бўлмагай.

وَ لَكِنْ يَجُوزُ قِسْمَةُ الْمُشَاعِ عِنْدَ أَبِي يُوسُفَ رَحِمَهُ اللهُ

Лекин икки киши ўртасида шериклик мол бўлиб, масалан, тўрт таноб ер шериклик бўлиб, уларнинг бири ўз қадри ҳиссасини вақф қилган бўлса, Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, уни бўлишиб олмоқ дурустдир.

وَ يُبْدَأُ مِنْ ارْتِفَاعِ الْوَقْفِ بِعِمَارَتِهِ

Ва агарчандики вақф иморатини вақф ҳосилидан тузатмоқни вақф қилган киши шарт қилмаган бўлса ҳам, қойймага, яъни, мутасадди бўлган одамга вақфдан ҳосил бўлган фойдани аввал вақф иморатлари аввалдаги ҳолига етгунча вақф иморатига сарф қилмоқ вожиб бўлур, аввалги ҳолидан ошиқча қилмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

إِنْ وَقَفَ عَلَى الْفُقَرَاءِ

Агар ул мол бечораларга вақф қилинган бўлса, бас, агар вақф иморатдан ошиб қолса, ул вақф қилган кишининг бечора болаларига сарф қилинур, ундан кейин унинг яқин қариндошига, ундан кейин озод бўлган қулларига, ундан кейин қўшниларига, кейин вақф қилган кишининг манзилига яқинроқ аҳли шаҳрига сарф қилинур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ إِنْ وَقَفَ عَلَى مُعَيَّنٍ وَ آخِرُهُ لِلْفُقَرَاءِ فَهِيَ فِي مَالِهِ

Ва агар бир одам бир тайин кишига вақф қилса, масалан, Зайд бир мударрисга вақф қилса, ул мударрис вафот топганларидан кейин бечораларга бўлсин деса, агар вақфнинг ҳусули бўлмаса, ул вақф иморатини тузатмоқ мазкур мударрис молларидан бўлгай.

فَإِنْ امْتَنَعَ أَوْ كَانَ فَقِيرًا آجَرَهُ الْحَاكِمُ وَ عَمَّرَهُ بِأُجْرَتِهِ ثُمَّ رَدَّهُ إِلَى مَصْرِفِهِ

Бас, агар мазкур тайин қилинган мударрис вақфнинг бузил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган жойларини тузатмоққа қабул қилмаса ё бечора бўлиб тузатмоққа қудрати етмаса, қози ё мутасадди бўлган одам ул вақфни ижарага қўйгай ва ижара ҳақи билан иморат қилдиргай, яъни, бузилган жойларини тузатгай, ундан кейин вақфдан ҳосил бўлган фойдадан ортиб қолганини мазкур муаййан масрифга бергай, масалан, мазкур мударрисга қайтаргай.

وَ نَقْضُهُ يُصْرَفُ إِلَى عِمَارَتِهِ أَوْ يُدَخَّرُ لِوَقْتِ الْحَاجَةِ إِلَيْهَا

Ва вақф қилинган нарсанинг бузилган жойидан чиққан ғишт, ёғоч, тошлар вақф иморатини тузатмоққа сарф қилинур ё ул нарсалар вақф иморатига керак бўладиган вақтигача сақлаб қўйилур.

وَ إِنْ تَعَذَّرَ صَرْفُهُ إِلَيْهَا بِيعَ وَصُرِفَ ثَمَنُهُ إِلَيْهَا

Ва агар ул вақфнинг бузилган жойидан чиққан нарсаларни ул вақф иморатига ишлатмоқнинг иложи бўлмаса, сотилур ва пули вақф иморатига ишлатилур.

وَ لَا يُقْسَمُ بَيْنَ مَصَارِفِهِ

Ва ул вақфдан чиққан нарсалар вақф сарф қилинадиган одамга бўлиб берилмагай. Зероки, ул нарсалар вақфдан жузъдир, вақф сарф қилинадиган одамларнинг ҳақлари вақф ҳусулидандир. Ушбу вақфнинг бузилган жойидан чиққан нарсалар ҳақида бўлган ҳукмларнинг ҳаммаси ҳар вақтики, вақфнинг асли боқий бўлса ва аммо агар вақф иморатлари вайрон бўлса ё ул нарсалардан мустағний бўлса, бас, ул сувратда агар вақф қилган кишининг тириклиги маълум бўлса, унга қайтгай, яъни, ул нарсалар унга берилур ё агар вақф қилган киши ўлган бўлса, ворисларига берилур. Ва агар вақф қилган одам маълум бўлмаса, «луқота» ҳукмида бўлиб, бечораларга сарф қилинур. Луқота деб йўлдан ё бошқа жойдан топиб олинган мол айтилур, эгаси маълум бўлганда, унга топширилур, ўз мақомида зиёда баён қилинур, иншааллоҳу Роббул оламийн. Ва вақфнинг бузилган жойидан чиққан нарсаларни қозининг амри билан ҳовуз кавламоққа ва шунга ўхшаш нарсага сарф қилмоқ жоиздир ва бу қавл Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ наздларида ва фат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

во ушбугадир. Чунончи, «Қозихон»да мазкурдир ва «Жомиъур-румуз»да мазбурдир. Ва аммо Имом Аъзам билан Имом Абу Юсуф раҳимаҳумуллоҳ наздларида, албатта вақфнинг бузилган жойидан чиққан нарса ўшал вақфнинг жинсига яқинроқ нарсага сарф қилинур, масалан, работдан чиққан нарсалар работга ва қудуқдан чиққан нарсалар қудуққа ё ҳовузга ва буларга ўхшаш нарсага сарф қилинур ва Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳнинг бу қавлларига кўп машойихлар фатво бериб дурлар. Чунончи, «Зоҳидий»да мазкурдир ва «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир. **Работ** деб карвонсаройни ва такйани айтилурки, алар мусофирлар учун бино қилинур. Чунончи, луғатларда мазкурдир. Валлоҳу аълам биссавоб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْكَرَاهِيَة

КАРОҲИЙАТ КИТОБИ

مَا كُرِهَ حرام عِنْدَ مُحَمَّدٍ رَحِمَهُ اللهُ

Бу китобда макруҳ бўлган нарсалар баёни. **Кароҳийат** – луғатда хурсанд бўлмоқ ва хоҳламоқнинг зиддидир. **Макруҳ** деб кўнгил қабул қилмаган ва табиат нафрат қилиб, жирканадиган нарсани айтилур, макруҳ бўлган нарса, яъни, макруҳи таҳримий бўлган нарса, Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, ҳаромдир, яъни, дўзах ўти билан азоб қилмоқда ҳаромга ўхшашдир. Чунончи, «Дурру-л-Мухтор»да мазкурдир.

وَ لَمْ يَلْفِظْ بِهِ لِعَدَمِ الْقَاطِعِ

Ва Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ **макруҳи таҳримий** аталган нарсани ҳаром билан баробар кўрсалар ҳам, ҳаромлигига далили қатъий ва жармий йўқлиги жиҳатидан ҳаром лафзи билан атамадилар, ҳар вақтики, Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ китобларида кароҳийат лафзини истеъмол қилган бўлсалар, ул лафз билан ҳаромни ирода қилганлар. Чунончи, «Дурру-л-ҳукком»нинг шарҳи «Ғурару-л-ҳукком»да ҳам мазкурдир. Бас, ҳаром шундай нарсадирки, манъ қилинган ул ҳаромдан далили қатъий билан ва шароб ичмоқни тарк қилмоқ фарз бўлганга ўхшаш уни тарк қилмоқ фарздир ва макруҳ шундай нарсадирки, уни қилмоқ-дан далили зонний билан манъ қилинган. Ва макруҳни тарк қилмоқ вожибдир, сусмор гўштини емоққа ва шатранж ўйнамоққа ўхшашки, буларни тарк қилмоқ вожибдир. Чунончи, «Кашф» китобида мазкурдир ва «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир. Сусмор деб эчкумарни айтилур. Ва бидъат макруҳи таҳримийга муродифдир, яъни, макруҳга пайдар-пайдир. Чунончи, «Уммон» китобида мазкурдир ва «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир. Билгил, ҳар вақтики, сун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нати муаккадалардан бир суннатни тарк қилса, макруҳ дейилибдир, ёмон беодоблик қилибдир. Ҳар вақтики, суннати заволидлардан бирини тарк қилса, зарари йўқ дейилибдир. Ва ҳар вақтики, вожибни тарк қилса, қайтиб адо қилгай дейилибдир. Чунончи, «Кашфу-л-минор»да мазкурдир ва «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир.

وَ عِنْدَهُمَا إِلَى الْحرام اَقْرَبُ

Ва Имом Аъзам билан Имом Абу Юсуф раҳимаҳумуллоҳ наздларида, макруҳ ул нарсадирки, агар уни манъ қиладиган далил бўлмаса, ҳалолдан узоқ, ҳаромга яқинроқдир. Ва макруҳи таҳримийни қилгувчи азоб қилинур ва бу қавл мухтор қавлдир. Чунончи, «Хулоса», «Музмарот», «Кубро», «Тажнис»да ва булардан бошқа китобларда ҳам мазкурдир ва бу қавл саҳиҳ қавлдир. Чунончи, «Жавоҳир» китобида мазкурдир. Ва уч Имомнинг наздларида, яъни, Имом Аъзам, Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳ наздларида, макруҳи танзиҳий шундай нарсадирки, уни манъ қиладиган далил асло бўлмагай, лекин Имом Аъзам ва Имом Абу Юсуф раҳимаҳумуллоҳ наздларида, макруҳи танзиҳий ҳалолга яқинроқ бўлган нарса, уни тарк қилган киши оз савоб топгай. Бас, Имом Аъзам ва Имом Абу Юсуф раҳимаҳумуллоҳ наздларида, макруҳи таҳримий ва макруҳи танзиҳий бўлган нарсалар Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳ наздларида, макруҳи танзиҳийдир. Ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳ наздларида, макруҳи таҳримий бўлган нарса Имом Аъзам ва Абу Юсуф раҳимаҳумуллоҳ наздларида, ҳаромдан бир навдирки, ундан далили зонний манъ қилур. Чунончи, «Талвиҳ» китобида шундай баён қилинибдур.

اَلْأَكْلُ فَرْضٌ إِنْ دَفَعَ بِهِ هَلَاكَهُ

Ва емоқ қивоми бадан (қуввати) учун ва ичмоқ ташналик учун ва агарчандики ҳаромдан бўлса ҳам, шул миқдор емоқ ва ичмоқ фарздурки, унинг сабаби билан ўзини нобуд бўлмоқдан қутқаргай. Емоқ фарздир, деб мутлақ баён қилингандан ишоратдирки, очликдан нобуд бўладиган вақтда ҳалок бўлмоқдин ўзини қутқармоқ учун ва агарчандики кишининг молига товон

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўласа ҳам, ўзи ўлиб қолган ҳайвонни емоқ ва кишининг молини емоқ фарздир. Шундай ҳалок ва нобуд бўлмоқдан ўзини халос қилганига савобли бўлгай. Ушбу жиҳатдан «Китобу-л-Ихтиёр»да ривойат қилибдурларки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Албатта, Худойи таоло ҳар нарсада савоб бергай, ҳаттоки банда бир луқма таомни оғзига олиб борганда ҳам савоб бергай». Бас, агар емай ва ичмай ўлса, албатта, Худойи таборак ва таолога осий бўлибдир. Зероки, бунда ўзини нобуд бўлишга ташламоқдир, ўзини ҳалок қилмоқдан Каломи шарифда Худойи таборак ва таоло наҳий қилибдир. Чунончи, «Ғунияйату завил-аҳком»да мазкурдир.

وَ مَأْجُورٌ عَلَيْهِ إِنْ مَكَّنَهُ مِنْ صَلَوتِه قَائِمًا وَ صَوْمِه

«Ушбу фарз миқдори еб ва ичиб, тик туриб намоз ўқимоққа ва рўза тутмоққа қувватим етса», деб ниййат қилса, Худойи таоло наздида савоблик бўлур, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қавллари жиҳатиданки: «Бақувват мўъмин дурустроқдир Аллоҳ таолога бекувват мўъминдан». Ва далили дийгар шулки, тоатга қувват бўладиган нарсага машғул бўлмоқ тоатдир.

Абу Зар розийаллоҳу анҳу амалларнинг афзалини сўрадилар, ул жаноб дедилар: «Намоз ўқимоқ ва нон емоқдир». Бу бизнинг деганимизга ишоратдир. Ушбудек «Китобул-Ихтиёр»да мазкурдир, «Ғунияйату завил-аҳком»да мазбурдир.

وَ مُبَاحٌ إِلَى الشِّبَعِ لِيَزِيدَ قُوَّتَهُ

Ва қуввати зиёда бўлмоқ учун тўйгунча таом емоқ мубоҳдир. Мунда огоҳ қилмоқ шунгаки, Ибн Мақотилнинг қавлларига қараганда, агар семирмоқ учун таом еса, макруҳдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ حرامٌ فَوْقَهُ

Ва тўйгандан кейин ортиқ емоқ ҳаромдир. Чунончи, «Муҳит»да мазкурдир. Зеро, мунда молни нобуд қилмоқ ва баданга бетоблик келтирмоқ бордир. Чунончи, «Раддул-Мухтор»да ҳам мазкурдир. Тўйгандан ошиқча емоқ макруҳ. Чунончи, «Қозихон»да мазкурдир. «**Фавқу шибаъ**» деб, яъни, тўйгандан

www.ziyouz.com kutubxonasi

кейин ошиқча таом емоқ деб ани айтилурки, меъдани бузадур, деган гумон ғолиб бўлса ва ичмоқда ҳам ушбудек. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

إِلاَّ لِقَصْدِ قُوَّةِ صَوْمِ الْغَدِ

Магар эртага рўза тутмоқни ниййат қилиб тўйгандан кейин яна таом емоқ мубоҳдир, ҳаром эмас. Ушбудек тўйгандан ошиқча емоқнинг зарари йўқдир, токи ул таомларни қусгай. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу ҳар хил таомлардан ер эрдилар, ундан кейин қусар эрдилар. Ул жанобга қусмоқ наф қилар эди. Ушбудек «Баззазиййа» ва «Қозихон»да ҳам мазкурдир ва «Ғуниййату зави-л-аҳком»да мазбурдир.

أَوْ لِئَلاَّ يَسْتَحْيِ ضَيْفُهُ

Ёки меҳмон уялмасин ва хижолат тортмасин, деб ошиқча таом емоқ ҳаром эмас, мубоҳдир. Ёки шунга ўхшаган нарсалар тўғрисидан зиёда емоқ, қусаман деб, ҳожатдан ошиқча таом емоқ мубоҳдир. Чунончи, баён қилинди. Таомни оз емоқ билан риёзат қилмоқ дуруст эмас, токи ибодатни адо қилмоқда беқувват бўлгай. Ва ҳар хил мевалардан емоқнинг зарари йўқ ва тарк қилмоқ афзалдир. Ҳар хил таомларни тайёрламоқ, шунингдек, керагидан ортиқча нон қўймоқ исрофдир. Чунончи, «Дуррул-Мухтор»да мазкурдир. Магар ҳар вақтики, тоатга қувват бўлмоғини ниййат қилса ё бир жамоа меҳмон келиб, ундан кейин яна бир жамоа меҳмон келиб турадиган бўлса, дуруст, исроф эмасдир. Чунончи, «Қуҳустоний»да мазкурдир.

Таом емоқнинг суннати аввал «Бисмиллаҳ»ни айтмоқ, охирида «Алҳамдулиллаҳ» демоқ, икки қўлни таомдан илгари ва кейин ювмоқдир. Қўл ювмоқ таом емасдан аввал ёшлардан, таомни еб бўлгандан кейин катталардан бошлангай, ҳадис жиҳатиданки: «Ким кичикларни иззат, ҳурмат қилмаса, биздан эмас». Ва бу қўлни илгари ювмоқ иззат ва ҳурматдандир. Чунончи, «Татимма»да мазкурдир, «Раддул-Мухтор»да мазбурдир. Қўлидан тушган таомни олмаслик исрофдандир, балки аввал тушган таомни олиб егай. Чунончи, «Жийзлил-кардарий»да мазкурдир. Ва лойиқ шулки, идишдан сувни қўлига ўзи қуй-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гай ва бошқа кишига қуйдирмагай. Ва, албатта, баъзи машойих раҳимаҳумуллоҳларимиздан ҳикоят қилинди, ул жаноб қўл ювмоқ таҳоратга ўхшаш дедилар ва бизлар таҳоратимизга ўзимиздан бошқадан ёрдам талаб қилмаймиз, ушбудек «Муҳит» китобида мазкурдир. Таомни туз билан бошламоқ, охирида туз яламоқ суннатдандир. Ушбудек «Хулоса»да мазкурдир.

وَ حَلَّ اِسْتِعْمَالُ الْمُفَضَّضِ مُتَّقِيًا مَوْضِعَ الْفِضَّةِ

Ва кумушли асбобларни ишлатмоқ бекароҳийат ҳалолдир, масалан, кўза, пичоқ, тахт, курси, ойнанинг атрофи, мушк ва бошқа нарсаларни, тутатадиган идишки, уни **мажмард** дейилур. Ва шурдан, узангги, юганлар кумушланган бўлса, истеъмол қилмоқ дурустдир, ул ҳолдаки, парҳез қиладиган бўлса, яъни, идишларда қўл ушлар ва оғиз тегар жойида кумуш бўлмаса ва эгар, узангига ўхшаш нарсаларда ўтирар ва оёқ қўяр жойи кумуш бўлмаса, истеъмол қилмоқ дурустдир.

وَالْأَحْجَارِ

Яна ҳар хил тошларни ишлатмоқ ҳалолдир, ақиқ ё мазкурлардан бошқаларни идиш қилмоқ, масалан, улар билан бир нав манфаат олмоқ ҳалолдир. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир. Ва «Муфсид» китобида ва «Ширъа»да баён қилинибдурки, мис ва хулада таом емоқ макруҳдир. Баъдазон қалай билан оқламаган бўлса, мис идишда таом емоқнинг макруҳлиги тақйид (қайд) қилинди. Ва ушбу китобга битган баъзи уламолар ушбу тариқа дедилар, яъни, оқламасдан илгари таом емоқ макруҳ. Зеро, таомга занг дохил бўлгай, ундан кейин ул таомни еган одамга зарар етгай. Ва аммо мисни оқлагандан кейин зарар етишмагай. Чунончи, «Дуррул-Мухтор»да мазкурдир ва «Китобу-л-Ихтиёр»да шулки, саполдан қилинган идиш афзал ва яхшироқдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Уйнинг идишини кимки саполдан қилса, уни фаришталар зиёрат қилгайлар». Чунончи, «Жомиъу-р-румуз», «Дуррул-Мухтор» ва «Раддул-Мухтор»да мазкурдир.

لاَ الذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ لِلرِّجَالِ إِلاَّ خَاتَمٍ وَ مِنْطَقَةٍ وَ حُلْيَةِ سَيْفٍ مِنْهَا

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тилла ва кумушдан қилинган нарсаларни эркаклар истеъмол қилмоқлари ҳалол эмас, ҳаромдир. Магар узук, кумуш камар ва зерланган қилич дурустдир. Ва «Китобу-л-Ихтиёр»да шулки, узукнинг бир мисқол ё ундан кам бўлмоғи суннатдир ва узукнинг кўзини кумушдан ё ақиқдан, фирузадан, ёқутдан, зумраддан, ё бошқа тошлардан қилмоқ жоиздир. «Тажнис» китобида шулки, одамнинг, парранданинг ё ҳавомнинг сувратини узукка нақшламагай. Ва ўзининг номини, отасининг номини ё Худойи таолонинг номларидан бирини нақш қилгай. Ва «Бўстон» китобида шулки, узукка «Муҳаммад Расулуллоҳ» қилмагай (исмини ёзмагай), ва ул Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам узукларининг нақши эди, уч хат билан ҳар бир калима бир хатга битилган эди. Ва Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу таоло анҳунинг узукларига:

نِعْمَ الْقَادِرُ اللهُ

ва Умар розийаллоҳу таоло анҳунинг узукларига:

كَفَى بِالْمَوْتِ وَعِظًا

ёзув битилганди ва Усмон розийаллоҳу таоло анҳу узукларининг нақши:

لَتَصْبِرَنَّ أَوْ لَتَنْدَمَنَّ

ва Алий розийаллоҳу таоло анҳу узукларининг нақши:

أَلْمُلْكُ لله

ва Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ узукларининг нақши:

قُلِ الْخَيْرَ وَإِلاَّ فَاسْكُتْ

ва Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ узукларининг нақши:

مَنْ عَمِلَ بِرَأْيِهِ فَقَدْ نَدِمَ

ва Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ узукларининг нақши:

مَنْ صَبَرَ ظَفَرَ

Агар узукка Худойи таоло ё Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг номларини нақш қилса, мустаҳаб шулки, халога

www.ziyouz.com kutubxonasi

кирганда узукнинг кўзини енгига киргизгай ва истинжо қилурда ўнг қўлига олгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва «Муҳит» китобида шулки, узукни ўнг қўлига солмоқ ҳам жоиздир, лекин равофизнинг, яъни, қизилбошларнинг шиъоридир, яъни, аломати ва нишонасидир. Ва «Ҳидоя»да шулки, хотинларнинг хилофи билан узукнинг кўзини кафтининг ичига қилгай. Зеро, узук хотинларга зийнатдир. «Китобу-л-Ихтиё-р»да шулки, узук тақмоқ суннатдир, кимки анга муҳтож бўлса, подшоҳ ва қозига ўхшаш ва булардан бошқаларга узук тақмаслик афзалдир.

«Кирмоний» китобида шулки, Ҳулвоний баъзи шогирдларини узук тақмоқдан манъ қилдилар ва дедилар: «Қачон қози бўлсанг, узук таққил».

Ва «Бўстони Абул-Лайс»да баъзи тобеъиндан ривойат қилинибдир, уч хил одамдан бошқа киши узук тақмагай: ё подшоҳ, ё котиб, ё аҳмоқ.

وَ مِسْمَارُ ذَهَبٍ فِي الْخَاتَمِ

Ва узукда тилла мих бўлса, тақмоқ дурустдир, масалан, узукнинг кўзи тилла билан беркитилган бўлса, дурустдир.

وَ لَا يَتَخَتَّمُ بِحَدِيدٍ وَصِفْرٍ وَحَجَرٍ

Темирдан, ҳавлодан ва тошдан қилинган узукни тақмагай, яъни, тақмоқ ҳалол эмасдир, эркак ва хотинларга ҳаромдир. Темир узук тақмоқ ҳаромлиги шуки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир одамнинг қўлида темир узукни кўриб: «Сенда аҳли дўзахнинг зерини кўрдим», дедилар. «Ташлагил», деб амр қилдилар, ул киши қўлидан узукни олиб ташлади. Ҳавло узук тақмоқнинг ҳаромлиги шуки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир одамда ҳавло узукни кўрдилар, бас, унга дедилар: «Сендан бутнинг иси бор». Шундай демоқлари билан ҳаром бўлмоғини билдирдилар ва ул одам узукни ташлаб юборди. Чунончи, «Дурру-л-ҳукком»да ва «Ғунийятту завил-аҳком-»да мазкурдир. Ва биллур, фируза, ёқут, яшм ва булардан бошқа тош жинснинг узугини тақмоқ ҳаромдир. Ва баъзилар айтибдурлар, яшм тош эмас, ундан узук тақмоқнинг зарари йўқдир

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва бу асаҳ қавлдир. Чунончи, «Хулоса»да мазкурдир. Яшм деб сабзаранг тошни айтилурки, барқ ва раъднинг афти учун одамлар ундан узук қилиб қўлларига таққайлар. Чунончи, «Кашфул-луғат»да мазкурдир. Ва тошлардан ақиқ чиқарилур. Зероки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки ақиқ узук тақса, албатта, ул киши баракатда ва шодликда бўлгай», дедилар. Чунончи, «Зоҳидий»да мазкурдир, «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир.

وَ لاَ يَلْبَسُ رَجُلٌ حَرِيرًا

Эркак кишига арқоқ ва ўриши ипакдан тўқилган кийим киймоқ ҳаромдир.

إِلاَّ قَدْرُ أَرْبَعَةِ أَصَابِعَ

Магар тўрт бармоқ миқдори эни бўлса, истеъмол қилмоқ дуруст, узуни эмасдир, албатта узундан озгина нарса маъфуддир. Чунончи, «Зоҳидий»да мазкурдир.

وَ يَتَوَسَّدُهُ وَ يَفْرُشُهُ

Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, ипак ёстиқ ва тўшак қилса дурустдир. Ва Имом Абу Юсуф билан Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳ наздларида, макруҳдир. Ва бу Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ қавлларини кўпроқ машойихлар олибдурлар. Чунончи, «Кирмоний»да мазкурдир, «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир. Ва ипак ёстиқнинг ҳалол бўлгани Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривойат қилингани жиҳатиданки, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам ипак ёстиқ устига ўтирдилар. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумо бисотларининг устида ипак ёстиқ бор эди. Ва яна ривойат қилинди, Анас розийаллоҳу анҳу валийма ҳозир қилдилар, бас, ипак ёстиқ устига ўтирдилар. Чунончи, «Раддул-Мухтор»да мазкурдир. **Валийма** деб никоҳ тўйининг таоми айтилур. Ва хатна учун қилинган таом ва бошқа шодликдаги таом ҳам айтилур. Лекин никоҳ тўйи учун қилинган таомни «валийма» демоқлари равшанроқдир. Валийманинг жамъи валойим келгай, зероки, араблар ўртасида никоҳ тўйи «валийма» ва хатна тўйи «аъзар» ва янги туғилган бола учун қилинган зиёфат «ақиқа» ва узоқ са-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фардан келган одам учун қилинган зиёфат «нақийъа» ва янги иморат учун қилинган зиёфат «вакийра» ва аза вақтида бўлган чақириқ «вазийма» ва ул таомки, бесабаб бўлса, номи «моъдаба» дейилур. Чунончи, луғатларда мазкурдир. Ва ушбу ихтилоф деворларга ва эшикларга ул ипаклик нарсаларни парда қилиб қўймоқдадир. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир. Ва мунда ишорат бордирки, ипак бисотнинг устида ўтирмоқнинг зарари йўқдир. Чунончи, «Хизона»да мазкурдир.

وَ يَلْبَسُ مَا سَدَاهُ اِبْرِيسَمٌ وَ لُحْمَتُهُ غَيْرُهُ

Ва эркак киши ўриши ипак ва арқоғи бошқа нарсадан тўқилган нарсани кийгай, би-л-ижмоъ, кароҳийатсиздир.

وَ عَكْسُهُ فِي حَرْبٍ فَقَطْ

Ва аммо ўриши бошқа нарсадан ва арқоғи ипакдан тўқилган бўлса, уни фақат жанг вақтида киймоқ ҳалолдир, би-л-ижмоъ, яъни, уламоларнинг иттифоқлари билан. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва фиқҳ уламолари бу масъалани мўъминлар ёдларига олиб, байт келтирибдирлар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

Байт:

Арқоғи бўлса бўлакдан, ўриш бўлса ипак,
Мардга киймоқ дурустдир, йўқ хилофу ҳеч шак.
Гар бунинг акси бўлурса, жанг вақтида дуруст,
Арқоғи бўлса ипакдан, киймас илло ҳизлик.

وَ كُرِهَ إِلْبَاسُ الصَّبِيِّ ذَهَبًا أَوْ حَرِيرًا

Ва ёш болага тиллали ва ипакли кийим кийдирмоқ макруҳдир, токи бундай кийимларни киймоққа одат қилмагай. Ва гуноҳ ёш болага қилиб кийгизган одамга бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва бу баён қилинган масъалаларда огоҳ қилмоқ шунгаки, ҳар либосики, хилофи суннат бўлса, макруҳ бўлгай. Ва мустаҳаб шулки, кийим пахтадан ё юнгдан, ё канофдан бўлгай, суннатга мувофиқ андоғким, кўйнагининг этаги лисоқининг ярмигача, енгининг учи панжаларининг учи билан баробар ва енгининг оғзи бир қарич миқдори

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлгай. Чунончи, «Натф» китобида мазкурдир. Рангларнинг яхшироғи оқ кийим, сабз кийим киймоқ суннат. Чунончи, «Ширъа»да мазкурдир. Ва қора кийим киймоқ мустаҳабдир. Чунончи, «Хулоса»да мазкурдир. Ва қизил кийим киймоқнинг зарари йўқдир. Чунончи, «Зоҳидий»да мазкурдир. Мустаҳаб қора киймоқдир ва салланинг пешини кифтининг ўртасидан орқанинг ўртасига ташламоқ ва ушбудек «Канз»да мазкурдир. Ва ҳар вақтики, саллани янгидан ўрамоқни хоҳласа, аввал қандоқ ўраган бўлса, андоғ бузгай, бирдан саллани ерга ташламагай. Ушбудек «Хизона»да мазкурдир. Ва оқ кийим киймоқ мустаҳабдир ва ушбудек қора киймоқ ҳам мустаҳабдир, зеро, Банил-Аббоснинг нишонасидир. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларида қора тўффи билан Маккаи Муаззамага кирганлар. Чунончи, «Раддул-Мухтор»да мазкурдир.

وَ يَنْظُرُ الرَّجُلُ مِنَ الرَّجُلِ وَالْمَرْأَةُ مِنَ الْمَرْأَةِ وَ الرَّجُلِ سِوَى مَا بَيْنَ السُّرَّةِ إِلَى الرُّكْبَةِ

Эркак эркакка, хотин хотинга киндик билан тизза орасида бўлган аъзоларидан бошқа баданига назар қилмоғи дуруст.

وَ مِنْ مَحْرَمِه

Ўзининг маҳрамига, яъни, никоҳи ҳаром заифа қариндошига қарамоғи дурустдир. Ул маҳрам бўлган қиз ва ё хотиннинг маҳрамлиги насаб тўғрисидан ё эмишгани тўғрисидан, мусоҳара тўғрисидан бўлгай ва асаҳ қавлга биноан, ушбудек мусоҳара бўлмоғи зино билан бўлгай. Чунончи, «Темиртоший»да мазкурдир. Мусоҳара деб бировга хотин бермоқ ё хотин қилмоқ билан хеш бўлмоқни айтилур. Чунончи, «Мунтахаб»да мазкурдир.

وأَمَةِ غَيْرِه إِلَى مَا وَرَاءَ الظَّهْرِ وَالْبَطْنِ وَالْفَخْذ

Ул баён қилинган маҳрамларнинг ва бошқа киши чўрисининг орқаси, қорни ва сонидан бошқа аззаларига қарамоқ жоиз.

وَ مِنَ الأَجْنَبِيَّة وَالسَّيِّدَة إِلَى الْوَجْه وَالْكَفَّيْنِ

Яна озод ҳур хотиннинг, қул хожаси заифасининг юзига ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

иккала кафтига қарамоғи дуруст ва бу масъала ул жанобларнинг замонларида собитдир. Аммо бизларнинг замонларимизда ёш хотинни эркак кўрмоғи манъдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва бегона хотиннинг юзига қарамоқ макруҳдир. Ва бу қарамоқнинг макруҳлиги ҳар вақтики, эркак соҳиби шаҳватдан бўлмаса ва агар шаҳват билан назар қиладиган бўлса, ҳаромдир. Чунончи, «Нодиру-л-фатовий»да мазкурдир. Ва агар гумон ғолиби кўнгли иштаҳа ва орзу қиладиган бўлса, бегона хотинга қарамоқ ҳаромдир. Ушбудек, «Йанобиъ»да мазкурдир. Ва ҳар вақтики, эшик олдида тўхтаса ва эшик берк бўлса, эшикнинг ёруғидан ичкарига қарамагай. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривойат қилинди, Расул соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ким бировнинг уйига беизн назар қилса, уйнинг эгасига ул пойлаб қараган одамнинг кўзини уриб кўр қилмоқ ҳалолдир». Чунончи, «Тафсири Хозин»да мазкурдир.

Ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан, ул жаноб дедиларки: «Худойи таборак ва таолонинг наздида гуноҳнинг каттароғи одамлар наздидаги гуноҳнинг кичикроғидир. Ва гуноҳнинг кичикроғи Худойи таборак ва таолонинг наздида одамлар наздидаги гуноҳнинг каттароғидир.

Фақиҳ Абул-Лайс раҳимаҳуллоҳ дедилар, яъни, гуноҳкор қилган гуноҳини Худойи таборак ва таолодан қўрқиб, каттароқ фаҳмласа, Аллоҳ таолонинг наздида, ул гуноҳ кичикроқдир ва аммо гуноҳ қилган одамнинг кўзида кичик бўлса, яъни, қўрқмаса, ул гуноҳ Худойи таолонинг наздида каттароқдир. Зероки, гуноҳларнинг каттароғи доимий қилинган гуноҳдир. Ва бу баъзи саҳоба розийаллоҳу анҳумдан қилинган ривойатга ўхшаганки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Доимий қилмоқ билан гуноҳи сағийра кичик гуноҳ эмас, балки доимий қилинса, гуноҳи кабира бўлгай. Ва тавба ва истиғфор қилмоқ билан гуноҳи кабира катта гуноҳ эмас, балки тавба билан йўқ бўлиб кетгай». Чунончи, «Танбиҳул-ғофилин»да мазкурдир.

وَ شُرِطَ الْأَمْنُ عَنِ الشَّهْوَةِ

Ва шарт қилинибдир хотин киши ва эркакнинг бир-бирла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рининг юзига қарамоқ жоизлигига шаҳватдан омон ва саломат бўлмоғи, яъни, нафснинг хотинга яқин бўлмоққа мойил ё эркакка яқин бўлмоқдан омон бўлмоғи шарт қилинибдир.

إِلاَّ عِنْدَ الضَّرُورَةِ

Магар шаҳватдан омон бўлмоқ шарт эмас, ҳожат ва зарурат бўлган вақтда эркак хотиннинг юзига қарагай.

كَالْقَضَاءِ وَ الشَّهَادَةِ وَ إِرَادَةِ النِّكَاحِ

Хотин киши фойдасига ё зарарига ҳукм қиладиган қозининг қарамоғига ва яна гувоҳлик бермоқ учун шоҳиднинг қарамоғига ва яна бир хотинни никоҳига олмоқ муроди билан қарамоққа ўхшаш. Ва агар бир хотинни олмоқни хоҳласа, агарчи нафси тақозо қилса ҳам, уни кўрмоқнинг зарари йўқдир. Ушбудек «Табйин» китобида мазкурдир ва «Раддул-Мухтор»да мазбурдир.

وَ الشِّرَاءِ وَ الْمُدَاوَاةِ

Ва чўрини сотиб олмоқни хоҳлаб қарамоққа ўхшаш ва яна касал хотинга дори қилмоқни қасд қилиб қарамоққа ўхшаш. Орзуйи нафснинг хавфи бўлса ҳам, зарур бўлган жиҳатидан бу тўрт жамоага қарамоқ ҳалолдир. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир. Ва солиҳа хотинга фожира хотиннинг, яъни, гуноҳ қиладиган хотиннинг қарамоғи лойиқ эмас, яъни, фожира хотинга кўринмагай. Зероки, ул ёмон хотин уни эркакларга тавсиф қилгай, ул фосиқанинг олдида фаранжисини ва юзини ёпадиган рўмолини бошидан олмагай. Ва мўъмина хотин мушрика ва китобиййа олдида авратини очмоғи ҳалол эмас, яъни, юзи ва иккала кафтидан бошқа жойини кўрсатмоғи ҳаромдир, магар мазкурлардан канизаги бўлса, уни кўрмоғи ҳаром эмас. Ушбудек, «Сирожу-л-Ваҳҳож»да мазкурдир.

وَ يَنْظُرُ إِلَى مَوْضِعِ الْمَرَضِ بِقَدْرِ الضَّرُورَةِ

Табиб бетоб хотиннинг бошқа аъзоларини беркитмоқ билан касал мавзеъига зарурат миқдори қарамоғи дуруст. Ё табиб кўзини юммоқ билан дори қўйгай. Ва лойиқ шулки, табиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзига тегишли хотинга дори қўймоқни таълим бергай. Зеро, хотиннинг назари фитнадан узоқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ الْخَصِيُّ وَ نَحْوُهُ كَالْفَحْلِ

Ва ахта қилинган одам ва унга ўхшаш одамларки, олати кесилган киши ва ҳезалак, хунасаки, хотинларнинг зийнатлари билан ясанур ва феъли ва қавли хотинларга ўхшашдир, мазкурларнинг ҳар қайси бири жимоъ қилмоққа қодир кишиларга ўхшашдирлар, хотинларга, яъни, номаҳрамга қарамоқдан манъ қилинур. Зероки, ахта бўлган киши ҳам гоҳо жимоъ қилур. Ва баъзи айтибдурки, ул ахта жимоъ қилмоққа ашад бўлгай ва олати кесилган киши суркаб маний келтургай ва ҳезалак фосиқ эркакдир ва мунда огоҳ қилмоқ бордирки, мазкур одамларни аралашмоқдан манъ қилмоққа. Ва «Кубро» китобида бордир, кимики мазкурларнинг аралашмоғини жоиз кўрибдир тажрибалари ва диёнатлари камлиги жиҳатидандур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ إِلَى كُلِّ أَعْضَاءِ مَنْ يَحِلُّ بَيْنَهُمَا الْوَطْيءُ

Ва ораларида жимоъ ҳалол бўлган эр ва хотин ҳар қайси бирлари иккинчиларининг тамом аъзоларига қарамоқлари ҳалолдир ва агарчи қарамоқлари шаҳват билан бўлса ҳам. Зеро, қарамоқ жимоъ қилмоқдан кам мартабадир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва мунда ишорат шунгаки, ҳар кимнинг андомига қарамоғи жоиздир, аммо авло ва яхшироқғи қарамаслик. Ҳазрати Алий розийаллоҳу анҳу дедилар: «Кимики ўз авратига кўп қараса, фаромушхотир қилмоқ билан азоб қилинур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу анҳу ўз авратларига асло қарамаган эканлар. Чунончи, «Кирмоний»да мазкурдир.

Ва Ибн Умар розийаллоҳу анҳу айтур эдилар: «Авло шулки, жимоъ қилур вақтида ўз жуфтининг андомига қарагай, токи лаззатини ҳосил қилмоқ комилроқ бўлгай». Ушбудек «Табйин» китобида мазкур, «Фатовойи Оламгирийя»да мазбурдир.

Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ дедилар: «Имом Аъзам

www.ziyouz.com kutubxonasi

раҳматуллоҳи алайҳдан сўрадим: «Бир одам жонибиданки, олати ҳаракатга келсин деб хотинининг андомини ушласа, зарар бўлурми?» Ҳазрати Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ дедилар: «Зарари йўқ ва умид қилурман, савоб берилур деб». Ушбудек «Хулоса»да мазкурдир.

وَ مَا حَلَّ نَظَرُهُ حَلَّ مَسُّهُ

Ва ораларида жимоъ ҳалол бўлган ҳар аъзони ушламоқ ҳам ҳалолдир.

وَ إِذَا حَدَثَ مُلْكُ أَمَةٍ وَ لَوْ بِكْرًا أَوْ مَشْرِيَّةً مِمَّنْ لاَ يَطَأُ حَرُمَ وَطْؤُهَا وَدَوَاعِيْهُ

Вақтики, бир одамга канизакка эга бўлмоқ пайдо бўлса, масалан, ҳиба билан ёки сотиб олмоқ билан, ёки ўзи ҳиба қилган канизакни қайтиб олмоқ билан, ё канизакка эга бўлса хулъ билан, ё садақа, ё васиййат билан, ё эга бўлса, меърос тегмоқ билан, ё асир қилиб олмоқ билан, ё булардан бошқа нарсаларнинг сабаби билан ва агарчандики ул канизак мулкига кирганда қиз бўлса ҳам, ё аслан жимоъ қилолмайдиган кишидан сотиб олинса ҳам, эга бўлган одамга ул канизакни жимоъ қилмоқ ҳаромдир ва жимоъ қилмоққа қиз ёқтирадиган ишлар қилмоқ ҳам ҳаромдир, масалан, ўпмоқ, қучоқламоқ, андомига шаҳват билан қарамоқ ва булардан бошқа ҳар нарса, қиз ёқтирадиган бўлса, ҳаромдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

حَتَّى تَسْتَبْرِئَ بِحَيْضَةٍ بَعْدَ الْقَبْضِ فِيمَنْ تَحِيضُ

Ва ул канизакни қўлига олгандан кейин бир бутун ҳайз кўриб, бачадонининг боладан поклигини талаб қилганича, яъни, бачадонида боланинг йўқлигини билгунча ул канизакка, агар ҳайз кўрадиган бўлса, яқинлашмоғи ҳаромдир.

وَ بِشَهْرٍ فِي ذَاتِ شَهْرٍ

Ёшлик (боис) ё ҳайздан қолган бўлса, бир ой муддати идда ўтирганидан кейин жимоъ қилмоқ ҳалолдир.

وَ بِوَضْعِ الْحَمْلِ فِي الْحَامِلِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва бўғоз канизак бўлса, пок бўлмоқ туғмоқ билан бўлгай, андин кейин жимоъ қилмоқ ҳалол бўлур.

وَ رُخِّصَ حِيْلَةُ إِسْقَاطِه إِنْ عُلِمَ عَدَمُ وَطْئِ بَائِعِهَا فِي هَذَا الطُّهْرِ

Ва канизакнинг бачадони боладан пок ва холилиги маълум бўлгунча жимоъ қилмоқдан ва жимоъга рағбат қиладиган нарсалардан ўзини тортмоқни ушбу келадиган масъалада баён қилинганига соқит қилмоққа рухсат берилди, агар бу канизакка эга бўлган киши уни сотган одам ушбу ҳайздан поклик вақтида жимоъ қилмаганини зоҳир билса. Ва мундин огоҳ қилмоқ бордир, ҳийла қилмоқни тарк қилмоқ азийматдир. Ва ушбу жиҳатдан Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ ҳийлани мутлақан макруҳ дедилар. Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳга хилофдир. Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳнинг қавллари олинибдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ هِيَ إِنْ لَمْ تَكُنْ تَحْتَهُ حُرَّةٌ أَنْ يَنْكِحَهَا ثُمَّ يَشْتَرِيْهَا

Ва ул покликни талаб қилмоқнинг ҳийласи ушбудир, агар ул канизакка эга бўлган кишининг никоҳида озод хотини бўлмаса, ул канизакни никоҳлаб олгай, ундин кейин ул канизакни яна ўзи сотиб олгай, бу сувратда идда сақламоқ лозим эмас, дебдурлар.

وَ إِنْ كَانَتْ أَنْ يَنْكِحَهَا الآخَرُ ثُمَّ يَشْتَرِيَ وَ يَقْبِضَ ثُمَّ يُطَلِّقَ

Ва агар канизакка эга бўлган кишининг никоҳида озод хотини бўлса, ҳийласи шулки, ул канизакни сотиб олмасдан илгари уни бир одамга никоҳлантиргай, агар никоҳлантирмоғи байъдан илгари бўлса, ундин кейин сотиб олгай. Ва агар савдодан кейин бўлган бўлса, сотиб олган одам канизакни қўлига олгай, ундин кейин ул никоҳига олган киши талоқ қилгай, сўнгра пок бўлмоқни талаб қилмай ҳам, олган киши жимоъ қилса бўлгай.

وَ مَنْ فَعَلَ بِشَهْوَةٍ إِحْدَى دَوَاعِي الْوَطْءِ بِأَمَتَيْهِ لاَ تَجْتَمِعَانِ نِكَاحًا حَرُمَ عَلَيْهِ وَطْؤُهُمَا

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва кишиким, иккаласини бир одамнинг никоҳига жамъ қилмоқ ҳаром бўлгай, масалан, иккиси бир туғишган опа ва ука ўзининг канизакларига жимоъ қилмоққа хоҳиш қилдирадиган ишларнинг бирини қилса, масалан, ўпса ё қучоқласа, ул канизакларни жимоъ қилмоқ ва жимоъ қилмоққа қиз ёқтирадиган ишларни қилмоқ ҳаромдир, то бирини ўзига ҳаром қилгунча бирини мулкидан чиқармоқ биланки, озод қилмоқ ва сотмоққа ўхшаш, ул вақтда қолганини жимоъ қилмоқ ҳалолдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да зиёда мазкурдир.

وَ كُرِهَ تَقْبِيلُ الرَّجُلِ

Ва бир эркак кишининг бир эркак кишини ўпмоғи макруҳдир, яъни, таҳримийдир ва бу Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ билан Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ қавлларидир. Ва Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ дедилар: «Бир эркакнинг бир эркакни ўпмоғининг зарари йўқдир». Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир. Ва Таҳовий ҳам шул тариқа баён қилибдурлар. Чунончи, «Раддул-Мухтор»да зиёда баён қилинур. Ва бу масъалага дохил бўлган табаъиййат билан, яъни, тобеъ бўлмоқ билан бир-бирини кўрганда ва бир-биридан видолашганда хотин хотиннинг оғзидан ва юзидан ўпмоғи. Чунончи, «Мунйа» ва «Қунйа»да мазкурдир. Ва ушбу макруҳ бўлмоқ ҳар вақтики, шаҳват билан бўлса. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва аммо яхшилик қилмоқ важҳидан бўлса, бас, ҳамма уламолар наздида, жоиздир. Чунончи, «Хонийя»да мазкурдир, «Дуррул-Мухтор»да мазбурдир. Ва баъзи машойихдан шулки, ҳар вақтики, шаҳват хавфи бўлмай, яхшилик қилмоқни қасд қилиб ўпса, зарари йўқдир. Чунончи, «Китобул-Ихтиёр»да мазкурдир, фақиҳ ва олимнинг юзларидан ўпмоққа ўхшаш. Чунончи, «Дуррул-Мухтор»да мазкурдир. Агар фақиҳни ё олимни, ё зоҳидни диннинг эъзози учун бўлса, юзларидан ўпмоқнинг зарари йўқдир. Подшоҳ мўъмин одилни адли жиҳатидан ва бошқа мўъминларнинг Исломини ва ўзини ҳурмат қилиб, қўлларидан ўпмоғига ўхшаш. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Бас, агар бойнинг қўлини дунё топмоқ учун ўпса, макруҳдир, ўз қўлини ўпганга ўхшаш, ул ҳам макруҳ эди. Чунончи, «Му-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳит» китобида мазкурдир. Ва Садруш-шаҳид раҳматуллоҳи алайҳ айтибдирлар, мухтор қавлларга қараганда, кишининг қўлини ўпмоққа рухсат берилмагай. Чунончи, «Кирмоний» китобида мазкурдир. Ва Шарафул-аимма дедилар: «Бир одам олимдан ё зоҳиддан қадамингизни беринг, ўпай, деб талаб қилса, жавоб бермагай». Ва баъзилар жавоб бергай, дебдурлар. Чунончи, «Мунйа»да мазкурдир. Зероки, саҳобалар ризвонуллоҳи таоло алайҳим ажмаъин Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг атрофларини ўпар эдилар. Чунончи, «Ихтиёр» китобида мазкурдир. Ва Шайх Имом Шамсул-аимма Сарахсий ва баъзи мутааххирин уламолар табарруклик тўғрисида олимнинг ё парҳезкорнинг қўлларини ўпмоққа рухсат берибдирлар. Чунончи, «Дурарул-Ҳукком»да ҳам мазкурдир. Ва «Муҳит» китобида айтилибдурки, подшоҳга ва бошқа одамга эгилмоқ ва икки букилмоқ макруҳдир.

وَ عِنَاقُهُ فِي إِزَارٍ وَاحِدٍ

Ва яна бир эркак билан бир эркакнинг танҳо бир изорлик ҳолида қучоқлашиб сўрашмоғи макруҳдир, агар иштон ё кўйлак, ё бошқа кийим билан бўлса, макруҳ эмасдир. Ва қучоқлаб сўрашмоқдан манъ қилмоқда ва унинг дурустлиги тўғрисида ҳадислар келибдир. Аммо Шайх Абу Мансур Мотуридий ул ҳадисларни татбиқ қилиб айтибдурларки, қучоқлашиб сўрашмоқ шаҳват билан бўлса, макруҳ бўлгай. Ва аммо иззат ва ҳурмат важҳидан бўлса, жоиздир. Чунончи, «Кофий» китобида ва «Раддул-Мухтор»да ва «Дурарруул-Ҳукком»да ҳам мазкурдир. Ва «Ҳақойиқ» китобида шулки, агар ўпмоқ бешаҳват яхшилик қилмоқ тўғрисидан бўлса, бил-ижмоъ жоиздир, мусофаҳага, яъни, қўл ушлашиб сўрашмоққа ўхшаш жоиз. Зеро, қўл ушлашиб сўрашмоқ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қавллари жиҳатидан суннати мутавотирдир.

مَنْ صَافَحَ أَخَاهُ الْمُسْلِمَ وحَرَّكَ يَدَهُ تَنَاثَرَتْ ذُنُوبُهُ

дедилар. Яъни: «Ким мусулмон биродари билан қўл ушлашиб сўрашса ва ул сўрашувда қўлларини қимирлатсалар, гуноҳлари тўкилур». Чунончи, «Дуррул-Мухтор», «Жомиъу-р-румуз»,

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Ҳидоя» ва «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир. Ва ул мусофаҳа кафтни кафтига ёпиштирмоқдир ва юзни юзга муқобил қилмоқдир. Бас, панжаларини ушламоқ мусофаҳа эмасдир, шийъаларнинг хилофи биланки, улар шундай сўрашурлар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва сўрашмоқда суннат икки қўл биландир. Чунончи, «Мунйа»да мазкурдир. Ва орада кийимдан ё бошқа нарсадан парда бўлмагай. Чунончи, «Хизона»да мазкурдир. Ва ул сўрашмоқ кўрганда салом бергандан кейин бўлгай. Чунончи, «Ширъа»да ҳам мазкурдир. Ва сўрашмоқда бош бармоқни ушлашиб сўрашмоқ суннатдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

إِذَا صَافَحْتُمْ فَخُذُوا الإِبْهَامَ فَإِنَّ فِيهِ عِرْقًا يَنْشَعِبُ مِنْهُ الْمُحَبَّةُ

Яъни: «Ҳар вақтики, кўришсангизлар, бош бармоқни ушланглар, чунки унда бир томир бордир, уни ушлаганда муҳаббат ёйилгай, яъни, кўкаргай ва пайдо бўлгай», дедилар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

Яна бир одамни ҳурматлаб, ўрнидан турмоқ макруҳ эмаслигига бу масъалада ишорат бор, балки ўзи бир одамнинг турмоғини яхши кўрмоғи макруҳ. Чунончи, «Мушкули осор»да мазкурдир. Масжидда ҳеч ким учун турилмагай, албатта, Расул соллаллоҳу алайҳи ва саллам манъ қилдилар ва дедилар:

لا تُعَظِّمُونِي فِي بَيْتِ رَبِّي

Яъни: «Таъзим қилманглар менга Парвардигоримнинг байтида», дедилар. Чунончи, «Канзул-ибод»да мазкурдир. Ва ушбу жиҳатдан салафлар, яъни, ўтган уламолар масжидда дарс айтган вақтларида турманглар, деб шогирдларини манъ қилдилар. Ва бунда бизнинг замонимизда урф бўлган масжиддан бошқа жойда дарсни тамом қилганда устозни ҳурмат қилиб, тик турмоқнинг жоизлигига ишорат бордир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва «Мултақит» китобида Аллоҳ таолодан бошқага тавозеъ қилмоқ ҳаромдир. Ва «Ваҳонийя» китобида сафардан келган кишига тавозеъ қилмоқ таъзим учун жоиздир, ҳаром эмасдир, балки мустаҳабдир, агар таъзим қилмоққа лойиқ бўлса. Чунончи, «Дуррул-Мухтор»да ва «Раддu-

www.ziyouz.com kutubxonasi

л-Мухтор»да мазкурдир. Ва Худойи таолодан бошқага тавозеъ қилмоқ ҳаромдир, яъни, дунё топмоқ учун ўз нафсини хор қилмоқ ҳаромдир ва илло ўзидан пастга тавозеъ қилмоққа Саййиди Аном алайҳиссолату вассалом амр қилгандирлар. Далолат қилур анга Байҳақийни ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривойат қилганлариким:

مَنْ خَضَعَ لِغَنِيٍّ و وَضَعَ لَهُ نَفْسَهُ إِعْظَامًا لَهُ وَطَمَعًا فِيمَا قِبَلَهُ ذَهَبَ ثُلُثا مُرُوَّتِه وَ شَطْرِ دِينِه

яъни: «Ким бойга тавозеъ этса ва бойнинг таъзими учун ўзини хор қилса ва унинг олдидаги нарсаларни тамаъ қилмоқ учун ўзини хор қилса, мурувват ва динининг учдан икки ҳиссаси кетгай». Чунончи, «Раддул-Мухтор»да мазкурдир. Ва Шайх Ҳаким Абул-Қосимдан шулки, ҳар вақтики, бойларнинг бири олдиларига кирса, унга турар эдилар ва таъзим қилур эдилар ва бечоралар кирсалар, турмас эдилар. Бас, ул жанобдан: «Нима сабабдан бундай қилурсиз?» – деб савол қилинди. Дедилар: «Зероки, бойлар мендан таъзим қилмоқни умид қилурлар, агар бойларга таъзимни тарк қилсам, албатта, менга зарар етказурлар. Ва бечоралар ва толиби илмлар мендан таъзим қилмоқни тамаъ қилмайдурлар ва булар мендан жавоб саломни, илм ва монанди илм тўғрисида сўзлашмоқни тамаъ қилурлар, аларга турмоқни тарк қилган билан зарар етказмайдурлар». Чунончи, «Дуррул-Мухтор»да мазкурдир. «Зоҳирийя» китобида қорининг таъзими учун турмоғи дуруст эмас, магар олимга, ё отасига, ё илм ўргатган устозига турмоғи дурустдир.

Ва Ибн Ҳаббон дедилар: «Мен айтурман, бизларнинг асримизда иззат-ҳурмат қилиб, ўрнидан турмоқ мустаҳаб бўлмоғи лойиқ ва сазовордир ул жиҳатданки, ҳурмат қилиб, ўрнидан турмоқ тарк қилинса, катта ва буғз, адоват пайдо бўлгай». Хусусан, таъзим учун турмоқ одат қилинган жойда (уни) тарк қилмоқ гинани ва буғз ва адоватни, яъни, душманлик қилмоқнинг пайидан бўлмоқни пайдо қилгай. Чунончи, «Раддул-Мухтор»да мазкурдир.

وَ كُرِهَ بَيْعُ الْعَذِرَةِ خَالِصَةً

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва одамнинг кундасини (аҳлатини) бир нарсага, масалан, туфроққа ё қумга аралаштирмай, холис ўзини сотмоқ макруҳдир. Ва ушбуга ўхшаш байъи ботил ва макруҳдир, яъни, макруҳи таҳримийдир ва бекор бўлур одамдан жудо бўлган мўй ва тирноқни сотмоқ, албатта, булар одамизоднинг жузъидир, ушбу жиҳатдан одамизоддан жудо бўлган нарсаларни кўммоқ вожибдир. Чунончи «Темиртоший»да мазкурдир.

وَ صَحَّ مَخْلُوطَةً وَالِانْتِفَاعُ بِهَا

Ва одамнинг кундасига кул ё туфроқ, ё қум аралаштирилган бўлса, сотмоқ дурустдир. Ва ул аралаштирилган кунда билан фойдаланмоқ ва наф олмоқ дурустдир. Чунончи, «Ниҳоя»да мазкурдир.

وَ بَيْعُ السِّرْقِينِ

Ва ҳайвоннинг тезагини сотмоқ дурустдир. Зероки, уни ерга солмоқ билан ҳосил кўп бўлгани жиҳатидан қилинур. Ва агарчандики нажас бўлса ҳам, яъни, серқувватли бўлиб, ҳосил кўп бўлур. Ва шунга ўхшаш ҳайвонлардан жудо бўлган нарсаларни сотмоқ дурустдир. Чунончи, «Кифоя»да мазкурдир.

وَ حِصَاءُ الْبَهَايِمِ

Ва ҳайвонларни бичмоқ, яъни, ахта қилмоқ ва хуфйасини олмоқ дурустдир.

لَا الْأَدَمِيِّ

Ва одамни бичмоқ дуруст эмас, ҳаромдир, би-л-иттифоқ. Зероки, насл йўқ бўлмоққа сабаб бўлгай, ахта қилмоқнинг ҳеч фойдаси йўқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ҳайвонларга доғ солмоқнинг зарари йўқдир. Ва қизларнинг қулоғини тешмоқнинг зарари йўқдир. Зероки, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида қизларнинг қулоқларини беангар тешар эдилар. Ва изо берадиган мушук, яъни, зарар еткизадиган мушук урилмагай ва унинг қулоғи уқаланмагай, балки ўткир пичоқ билан сўйилиб юборилгай. Чунончи, «Раддул-Мухтор»да мазкурдир.

Ва қизлик ҳолида бўғоз бўлган бокиранинг бокиралик пардаси туғадиган вақтида тухум билан ё танга билан изола қили-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нур. Ва агар бўғоз хотин ўлиб, қорнидаги бола тирик бўлса, чап қовурғасидан ёриб олинур ва агар қорнидаги бола ўлик бўлиб, туғилмай қолса, узв-узв қилиб кесиб олинур. Ва болага жон киradиган вақт ўтганидан кейин, яъни, юз йигирма кун ўтганидан кейин болани туширмоқ жоиз эмас. Аммо юз йигирма кун ўтмасдан илгари туширмоқни баъзи машойих макруҳ кўрибдилар ва баъзи машойих дуруст дебдилар. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир ва «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир.

وَإِنْزَاءُ اَلْحَمِيرِ عَلَى الْخَيْلِ

Ва эркак эшакни байталга чоптирмоқ дурустдир.

وَ سَفَرُ الْأَمَةِ وَأُمِّ الْوَلَدِ بِلاَ مَحْرَمٍ

Ва холис канизакнинг ва хожасидан бола туққан канизакнинг сафарга бемаҳрам бормоқлари дурустдир ва бизнинг замонамизда мазкурларнинг бемаҳрам сафар қилмоқлари фосиднинг ғолиб бўлмоғи сабабидан макруҳдир ва фатво ушбудир. Чунончи, «Сирожиййа»да мазкурдир. Ва бунда ишорат шунгаки, озод хотин бемаҳрам муддати сафарга бормоғи дуруст эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ بَيْعُ الْعَصِيرِ مِنْ مُتَّخِذِهِ خَمْرًا

Хамр қиладиган кишига, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, узумдан сиқиб чиқарилган ширани сотмоқ дуруст. Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ ва Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, хамр қиладиганга сотмоқ жоиз эмас. Ва айтилибдир, хамр қиладиганга ширани сотмоқ дуруст, башартики, зиммийга сотса, ул зиммий ўша ширани мусулмонларга шароб қилиб сотмаса. Ва агар зиммий шароб қилиб мусулмонларга сотса, уламоларнинг иттифоқлари билан, макруҳи таҳримийдир. Чунончи, «Хонийя» китобида ва бошқа китобда ҳам мазкурдир, зероки, шароб қилиб мусулмонга сотиладурган ширани сотмоқ маъсийатга иъонат қилмоқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва узумни шароб қиладиганга сотмоқ макруҳ. Чунончи, «Хизона»да мазкурдир.

وَ كُرِهَ اِسْتِخْدَامُ الْخَصِيِّ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва бичилган кишиким, ўн беш ёшга етган бўлса, уни ҳарамга киргизмоқ ва хизмат қилдирмоқ макруҳи таҳримийдир, яъни, аҳли аёллар олдига кириб хизмат қилмоғи макруҳи таҳримийдир. Аммо ўн беш ёшдан илгари зарари йўқдир. Чунончи, «Кирмоний»да мазкурдир ва «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир. Зероки, одамларни ахта қилиб, уйларида хизмат қилдириб юрмоққа роғиб қилмоқ бордир. Ва далили дийгар шуки, ул ахта эркак хотинларга аралаш бўлмоқдан холи бўлгай, бу макруҳи таҳримийдир. Чунончи, «Дурару-л-Ҳукком»да мазкурдир. Ривойат Ибн Умар розийаллоҳу анҳумодан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ҳаммангиз чўпондирсизлар ва ҳаммангиз раъиййаларингиз, яъни, сақлаган нарсаларингиз тўғрисидан сўралурсиз. Подшоҳлар одамларга чўпондир ва нигоҳбондир, ул подшоҳ раъиййаси тўғрисидан савол қилинур. Эркак киши аҳли оиласига чўпондир ва ул улар тўғрисидан сўралгай, яъни, намоз, рўза, иймон ва бошқа нарсаларки, аҳли иймонга лозимдир, уларни таълим бердими ё бермадими ва уларни номаҳрамдан эҳтиёт қилдими ё қилмадими ва ушбуларга ўхшаш нарсаларки, гуноҳ пайдо бўладигандир, уларни ул нарсалардан огоҳ қилдими ё қилмадими, деб ҳаммасидан сўралгай. Ва қул нигоҳбондир хожасининг молига, ул қул ундан савол қилинур. Хотин киши эрининг уйига нигоҳбон ва чўпондир ва ул хотин сақлаган нарсасидан савол қилинур. Огоҳ бўлинглар, ҳаммаларингиз чўпондирсизлар, қиёматда ҳаммаларингиз раъиййаларингиздан, яъни, сақлаган нарсаларингиздан сўралурсизлар», дедилар. Чунончи, «Танбиҳул-ғофилин»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

وَ إِقْرَاضُ بَقَّالٍ شَيْئًا يَأْخُذُ مِنْهُ مَا شَاءَ

Ва баққолга бир нарсани қарз бермоқ шундай шарт биланки, ул баққолга қарз берган нарса миқдорича хоҳлаган ҳожат нарсасини бўлиб-бўлиб олиб, адо қилгай. Масалан, бир одам баққолга пулим баробарига дўконингдаги молларингдан хоҳлаганимни бўлиб-бўлиб олиб юриб, берган пулимни адо қилурман деб, беш тилла қарз берса, бу макруҳдир. Зероки, ул қарздир, қарз берган одамга рибога монанд фойда бўлиб турибдир,

www.ziyouz.com kutubxonasi

шубҳа бўлгани тўғрисидан макруҳдир. Агар омонат қўйиб, ундан кейин бир нарсани олса, макруҳ бўлмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ جَعْلُ الْغُلِّ فِي عُنُقِ عَبْدِه

Ва ўз қулининг бўйнига ғул солмоқ макруҳдир. Зероки, ғул солмоқ аҳли дўзахни азоб қилмоқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

بِخِلَافِ التَّقْيِيد

Қулни банд қилиб қўймоқнинг хилофи биланки, ул банд қилиб қўймоқ макруҳ эмас. Зероки, гарданкашларни банд қилиб қўймоқ мусулмонларнинг суннатидир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَاحْتِكَارُ قُوتِ الْبَشَرِ وَ الْبَهَائِمِ فِي بَلَدٍ يَضُرُّ بِأَهْلِه

Ва одамнинг озиғи буғдой, арпа, тариқ, гуруч, қўноқ ва мевага ўхшаш ва чорполарнинг озиғи сомон, беда ва фаҳолга ўхшаш (буларни) сотиб олиб, қиммат бўлган вақтда сотмоқ учун сақламоқ макруҳдир, ул шаҳарда анинг аҳлига ул кишининг озиқ сақламоғи билан зарар етадиган бўлса, андоқким, шаҳар кичик бўлса. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қавллари:

أَلْمُحْتَكِرُ مَلْعُونٌ

Яъни: «Ғалла сақлаган малъундир». Бунинг маъноси – ғалла сақлаган одам аброр ва некукорлар даражасидан узоқ деганларидир. Лаънатнинг иккинчи маъноси ирода қилинмайдир ва ул иккинчи маъноси Худойи таолонинг раҳматидан узоқ бўлмоқдир. Зероки, лаънат куффор ҳақидадир. Чунки гуноҳи кабира қилгани билан банда иймондан хориж бўлмайдир. Чунончи, «Кирмоний»да мазкурдир. Бас, аҳли шаҳарга зарар етказмаса, макруҳ эмас. Чунончи, «Дуррул-Мухтор»да мазкурдир. Бас, агар нарх арзон бўлганда сотса, одамларга зарар тегмаса, кичик шаҳарда ҳам макруҳ эмас. Чунончи, «Темиртоший»да мазкурдир. Бас, агар шаҳар катта бўлса, одамларнинг озиқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

олиб, сақламоғи аҳли шаҳарга зарар бермаса, макруҳ эмас. Зероки, ўз молини сақламоқ макруҳ эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

لاَ غَلَّةَ أَرْضِهِ وَمَجْلُوبَةً مِنْ بَلَدٍ آخَرَ

Аммо ўз еридан экиб олган ҳосилини сотмай, сақлаб қўймоқ макруҳ эмас. Ва яна бошқа шаҳардан ўзининг йиғиб олиб келган ғалласини сақламоқ макруҳ эмасдир.

وَ تَسْعِيرُ الْحَاكِمِ إِلاَّ إِذَا تَعَدَّى الأَرْبَابُ عَنِ الْقِيْمَةِ فَاحِشًا

Ва озуқаларга ҳокимнинг нарх кесиб қўймоғи макруҳдир, магар ғалланинг эгалари ҳаддин зиёда нарх қўйсалар, масалан, ботмон буғдойни эллик тангага олиб, юз тангага сотсалар. Бас, бундай бўлганда, донишли одамлар маслаҳатлари билан ҳоким ё қози баҳо қўймоғининг зарари йўқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ قُبِلَ قَوْلُ فَرْدٍ كَيْفَ مَا كَانَ فِي الْمُعَامَلاَتِ فَإِنْ قَالَ كَافِرٌ إِشْتَرَيْتُ اللَّحْمَ مِنْ مُسْلِمٍ أَوْ كِتَابِيٍّ حَلَّ أَكْلُهُ

Ва муомалаларда бир одамнинг сўзи қабул қилинур, ул одам ҳар қандай одам бўлса ҳам, озод киши бўлсин ё қул бўлсин, ё эркак, ё хотин бўлсин, ё мусулмон, ё кофир бўлсин, одил ё фосиқ бўлсин. Бас, агар кофир бу гўштни мусулмондан ё китобийдан сотиб олдим деса, ул гўштни емоқ ҳалолдир.

وَ مِنْ مَجُوسِيٍّ حَرُمَ

Ва ул гўштни олиб келган кофир бу гўштни оташпарастдан олдим деса, уни емоқ ҳаромдир.

وَشُرِطَ الْعَدْلُ فِي الدِّيَانَاتِ

Ва хабар берадиган кишининг диёнатларда одил бўлмоғи шарт қилинди. Диёноот диёнатнинг жамъидир, луғатда динли бўлмоқни айтилур. Урфда Худойи таолонинг ҳақи бўлган ишдир. Ул икки қисмдир, бири ибодати хамсаки, намоз, рўза, закот, ҳаж ва жиҳоддир. Иккинчиси – мазожири хамса-ки, маз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

жараи қатли-н-нафси, яъни, бировни ўлдирмоқдан тортилмоқ. Ва мазжараи ахзул-маали, яъни, бир одамнинг молини биғайри ҳақ олмоққа қўл узатмоқдан тортилмоқ ва мазжараи ҳашкис-сатри, яъни, кишининг пардасини йиртмоқдан ва фосид ишлардан тортилмоқ ва мазжараи салбил-арзи, яъни, кишининг ҳақини йўқ ва барбод қилмоқдан тортилмоқ ва мазжараи хулъул-байъати, яъни, подшоҳ аҳли Исломга байъат қилмоқдан юз ўгирмаслик мазкур бўлган афъол ҳиштгонани, яъни, диндорликда тафтиш қилинадиган бу саккиз нарсани бажо келтирадиган бўлса, ундай одамни одил дейилур, бажо келтиролмаса, одил дейилмайдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Зероки, фосиқ муттаҳамдир. Ва бедин бўлса, ҳукми шариатни гарданига олмабдир. Бас, ўз гарданига ҳукми шариатни олмаган киши мусулмонга бир нарсани баён қилиб, лозим қилолмагай. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир ва «Раддул-Мухтор»да мазбурдир. Ва диёнатда хабар берадиган одамнинг хабарини қабул қилмоққа унинг одил бўлмоғининг мисоли.

كَالْخَبَرِ عَنْ نَجَاسَةِ الْمَاءِ

Агар одил бўлса, сувнинг ҳаромлигидан хабар берганга ўхшаш, агарчандики қул ё хотин бўлса ҳам, сўзи қабул қилинур, ул сувни ичмагай ва ул сувга таҳорат қилинмагай, балки тайаммум қилингай. Ҳалолдан ва ҳаромдан хабар берганга ўхшаш ва моҳи шариф Рамазондан хабар берганга ўхшаш, – мазкурларнинг ҳаммасида адолат шартдир. Фатво бермоқ ва ҳадис ривойат қилмоққа ва шариат масъалаларидан баён қилмоққа ўхшаш. Чунончи, «Зоҳидий»да мазкурдир ва «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир.

وَفِي الْفَاسِقِ وَالْمَسْتُورِ تَحَرٍّ

Ва диёнатда фосиқ киши ва ё одиллиги маълум бўлмаган одам сувнинг ҳаромлигидан хабар берса, фикр ва тааммул қилгай, яъни, гумон ғолиби билан амал қилгай, кўнгли қайси тараф қарорланса, унга амал қилгай. Агар гумон ғолиби хабар берган одам сўзининг ростлигига бўлса, тайаммум қилгай, ул сувга таҳорат қилмагай, сувни тўккандан кейин тайаммум қилмоғи эҳтиётроқдир. Аммо хабар берган одамнинг ёлғонлигида раъйи ғолиб бўлса, ул

www.ziyouz.com kutubxonasi

сув билан таҳорат қилгай, тайаммум қилмагай. Лекин эҳтиётан тайаммум қилмоғи яхшироқдир. Чунончи, «Жавҳара» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Соҳиби «Ҳидоя»нинг баёнларига қараганда, муъомалотда ҳар қандай одам бўлса ҳам, бир одамнинг берган хабари олинур. Диёнатда одил сўзи олинур. Муъомалотда ҳар қандай одамнинг хабари қабул қилинганининг боиси шулки, муъомалотнинг кўп воқеъ бўлмоғи сабабидандир. Аммо диёнатнинг воқеъ бўлмоғи муъомалотга ўхшаш эмас, ушбу жиҳатдан бир шарт зиёда қилинибдир, яъни, одиллик шарт қилинибдир. Диёнатда одил мусулмоннинг сўзи қабул қилинур. Муъомалотда одиллик шарт қилинса, кўп ҳарж бўлур. Бас, агар ҳар мазҳабдан мубоҳини олса, фосиқи комил бўлгай. Чунончи, «Шарҳи Таҳовий ли-л-фақиҳ Саъид ибн Масъуд»да мазкурдир. Бас, мазҳабда салобатли, яъни, рост эътиқодли бўлмоқ вожибдир. Чунончи, «Жавоҳир» китобида мазкурдир. Ва бизнинг машойихларимиз дедилар, албатта, бизнинг мазҳабимиз дурустдир, хатонинг эҳтимоли бор ва биздан бошқаларнинг мазҳаблари хатодир, дурустнинг эҳтимоли бор. Чунончи, «Мусаффо» китобида мазкурдир. Фарзни барпо қилмоқ миқдори муҳтож бўлинган масъалани ўрганмоқ фарздир ва суннатларга ўхшаш нарсани ўрганмоқ мустаҳабдир, масалан, азонни ўрганмоқ мустаҳабдир. Илмни фахр қилмоқ учун ўрганмоқ макруҳ. Илми каломни зарур миқдоридан ортиқ ўрганмоқ андиндир, яъни, макруҳдиндир. Чунончи, «Хизонатул-муфтийн»да мазкурдир. Ва «Уммон» китобида баён қилинибдир: «Кимики анга машғул бўлса, яъни, илми каломга машғул бўлса, аҳли бидъатга нисбат берилур».

«Қутул-қулуб» китобида айтилибдир: «Нодонлар асҳоби мантиқни уламо дебдурлар».

«Жавоҳир» китобида шулки, «Илми жадал»га машғул бўлмоқ умрни зоеъ ва нобуд қилмоқдир».

«Бўстон» китобида шулки, «Арабийни ўрганмоқ ва ўргатмоқ савобдир».

«Туҳфатул-Мустаршидин»да шулки: «Ҳар илмики суннатнинг зидди бўлса, уни ўргатмоқ ва ўрганмоқ, эшитмоқ ва битмоқ жоиз эмасдир. Ва «Заҳириййа» китобида шулки: «Муътазиланинг, яъни, қизилбошнинг китобига қарамоқ ҳаромдир ва ушламоқ ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаромдир. Ва ҳар вақтики, Қуръони шариф фойдаланмоқдан чиқса, покиза жойга кўмилгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва Қуръондан фол очмоқ макруҳдир. Чунончи, «Туҳфа»да мазкурдир. «Хизона»да айтилибдурки, агар толиби илм ота ва онасидан берухсат илмни талаб қилмоқ учун чиқса, оқ бўлмагай. Ва «Туҳфа» китобида, динда мухолиф бўлган кишиларнинг кийимларига ўхшаш жомаларни киймоқ макруҳ. Меҳмонга чақирилган жойга бормоқ мустаҳабдир, агар чақирган одамнинг уйида ё унинг йўлида шариатга мухолиф иш бўлмаса, ё молида ҳаром нарса бўлмаса, ё мезбоннинг қасди риё бўлмаса.

Ва «Зоҳидий» китобида шулки: «Ҳар ҳафтада тирноқларни олгай ва ҳар ҳафтада мўйлабларини дукорд билан олгай ва ҳар ҳафтада зиринофини олгай устара билан ва ҳар ҳафтада баданини покиза қилгай. Ва жумъа куни олмоқ афзалдир ва кўп муддати ўн беш кундир ва қирқ кундан ўтганда киши гуноҳкор бўлгай. Ва «Масъудиййа» китобида шулки: «Тирноқ олганда ўнг қўлининг шаҳодат бармоғидан ибтидо қилгай ва ани бош бармоғи билан тамом қилгай, яъни, аввал шаҳодат бармоғини, ундан кейин ўртанчани, ундан кейин тўртинчини, ундан кейин чимчилоқни олгай. Мазкур тўрт панжани олгандан кейин чап қўлининг чимчилоғидан бошлаб, бош бармоғигача олиб бўлгандан кейин ўнг қўлининг бош бармоғини олгай. Ўнг оёғини чимчилоғидан бошлаб тартиб билан олиб, чап оёғининг чимчилоғида тамом қилгай. «Таҳзиб» китобида шулки: «Мўйлабни олганда баланд лабининг четларини баробар қилиб кесгай. «Сирожиййа» китобида шулки, «Ҳар қачонки, соқол узун бўлса, атрофларини олмоқнинг зарари йўқдир». «Мусибат учун масжидда уч кун ё кам ўтирмоқ макруҳ. Аммо мусибатдан бошқа нарса учун ўтирмоқ эркакларга рухсат. Касал одамга табиби ҳозиқ, сенинг касалинг дафъ бўлмайдир, илло кирпитиканни ё илон ёки илон қўшиб қилинган дорини емоқ билан касалинг дафъ бўлур деса, мазкурларни емоқ ҳалол эмас. Ушбудек, «Қунйа»да мазкурдир. Ва эркак киши хотиннинг сутини бурнидан ич тарафига тортмоғининг ва даво учун ичмоғининг зарари йўқдир. Ва балоғатга етган йигит зарурат хотиннинг сутини ичмоғида уламои мутааххириннинг хилофлари бордир. Ушбу ҳам «Қунйа»да мазкурдир, «Фатовойи Оламгириййа»да мазбурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الذَّبَايِحِ

ЗАБОИҲ КИТОБИ

حَرُمَ ذَبِيحَةٌ لَمْ تُذَكَّ

Бу китобда сўйилмоқлик, унинг шаънида бўлган жонлиқлар ва уларнинг ҳалол ҳамда ҳаромлигининг баёни келади. Бўғизланган ҳайвон, шариатга мувофиқ сўйилмаса, ҳаромдир. Яъни, ҳаром қонини оқизмоқ учун шариат фармойишича сўйилмаган ҳайвон ҳаром. Бас, хориж бўлди сўйиладиган ҳайвонлардан тўрт оёқли молнинг йиртадигани, учадиган паррандаларнинг йиртадигани ва булардан бошқалари. Шунингдек, хориж бўлди балиқларнинг навлари, чигиртканинг навлари, чунончи, бундан зиёдаси «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

Худойи таборак ва таоло «Моида» сурасида фармон қилди:

﴿حُرِّمَتْ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةُ وَالدَّمُ وَلَحْمُ الْخِنْزِيرِ وَ مَا أُهِلَّ لِغَيْرِ اللهِ بِهِ وَالْمُنْخَنِقَةُ وَالْمَوْقُوذَةُ وَالْمُتَرَدِّيَةُ وَالنَّطِيحَةُ وَمَآ أَكَلَ السَّبُعُ إِلاَّ مَا ذَكَّيْتُمْ...﴾ المائدة/٣

Яъни: «Ҳаром қилинди сизларга мурда (ўлик), қон, хук (тўнғиз) гўшти ва ҳар бир ҳайвонки, уни сўяётган вақтда Худойи таоло номидан бошқа ёд қилинган бўлса...». Араблар жоҳилиййатда асном(санам)ларнинг номини айтиб, жонлиқ сўяр эдилар, Аллоҳ таоло ушбу оят билан уни ҳаром қилди. Чунончи, «Хозин» тафсирида мазкурдир. «...Бўғилган...», яъни, бўғилиб ўлган ҳайвонни ҳаром қилди, Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумо дедилар: «Аҳли жоҳилиййат қўйни ўлгунча бўғиб турар эдилар, бўғилиб ўлгандан кейин уни ер эдилар. Худойи таборак ва таоло бўғилиб ўлган ҳайвонни ҳаром қилди».

Бўғилиб ўлган ҳайвон ўзи ўлган ҳайвоң жинсидандир. Зероки, ҳайвон бўғилиб ўлса, қони сайлон қилмагай (яъни, оқма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гай). Ўзи ўлиб қолган ҳайвон билан бўғилиб ўлган ҳайвон ўртасидаги фарқ шуки, худмурда (ўзи ўлган) ҳайвон ўлимига ҳеч ким сабабчи бўлмай ўлгай, бўғилиб ўлган ҳайвон бўғиш сабаб бўлиб ўлгай. Чунончи, «Хозин» тафсирида мазкурдир.

«... катта ёғоч ёки тош билан уриб ўлдирилган ҳайвон ҳам ҳаромдир». Араблар жоҳилиййат даврида қўйни асо (ҳасса) билан ўлдириб, гўштини ер эдилар. Бундай усулда ўлдиришни ҳам Худойи таборак ва таоло ҳаром қилди.

«...баланд жойдан йиқилиб ўлган ҳайвоннинг гўшти ҳам ҳаром қилинди. Сузиб ўлдирилган ҳайвоннинг гўшти ҳам ҳаром қилинди». Араблар жоҳилиййат даврида буни ер эдилар. Аллоҳ таоло уни ҳам ҳаром қилди. Чунки сузиб ўлдирилган ҳайвон ҳам ўзи ўлиб қолган ҳайвон ҳукмидадир. Чунончи, «Хозин» тафсирида мазкурдир.

«...дарранда жароҳатли қилиб ўлдирган ҳайвоннинг гўшти ҳам ҳаром қилинди». Қитода розийаллоҳу анҳу дедилар: «Жоҳилиййатда қачонки дарранда бир ҳайвонни жароҳатли қилиб ўлдирса ё еса, ундан қолганини ер эдилар. Бас, уни емоқни Худойи таборак ва таоло ҳаром қилди».

«Илла ма заккайтум...», яъни, шариат бўйруғича сўйилиб, ҳаром қони оқизилган ҳайвон гўшти ҳалолдир.

وَ ذَكَوةُ الضَّرُورَةِ جَرْحٌ اَيْنَ كَانَ منَ الْبَدَنِ

Ва заруратда сўймоқ ярадор қилмоқдир, яъни, ҳайвонни томоғидан сўймоқ фурсати ва иложи бўлмайдиган музтарлик вақтда ул ҳайвон баданининг қайси жойи тўғри келса, жароҳат қилмоқдир.

وَالإِخْتِيَارِ ذَبْحٌ بَيْنَ الْحَلْقِ واللَّبَّة

Ихтиёр билан сўймоқда забҳ қилмоқ (сўймоқ)нинг жойи кекирдак билан кўкрак бошининг орасидир, яъни, кекирдакнинг тугуни бошланган жойдандирки, буни араблар «уқда» дейдилар, мабдан садргачаки, буни туркийда кўкракнинг бошланган жойи, кекирдакнинг этаги дейилур.

وَعُرُوقُهُ الْحُلْقُومُ والمَرِئُ والوَدَجَانُ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳайвонни сўймоқда кесиладиган томирлари тўрттадир: биринчиси кекирдак, ундан нафас кириб-чиқиб тургай, бошқа нарса кирмагай. Чунончи, «Жавҳарату-н-наййира» ва «Жомиъур-румуз»да ҳам мазкурдир. Иккинчиси – қизилўнгачки, ичмоқ ва емоқнинг йўлидир, унинг асли меъдага муттасил(уланган)-дирки, ул меъда кекирдакка ёпишгандир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да ҳам мазкурдир. Томирларнинг учинчи ва тўртинчиси - кекирдакнинг иккала тарафидаги икки йўғон томирдурки, булар қоннинг йўлидир. Чунончи, «Жавҳарату-н-наййира»-да мазкурдир. Бу икки томирни арабларда «вадажон», форсийда «шоҳрак» дейилади. Чунончи, «Гўрмирий»да мазкурдир.

وَحَلَّ بِقَطْعِ اَيِّ ثَلَاثٍ مِنْهَا

Бу баён қилинган тўрт томирдан учтасини хоҳлаб кесмоқ билан сўйилган ҳайвон гўшти, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, ҳалолдир. Чунки кўп ҳукмларда аксари куллунинг мақомидадир. Чунончи, «Жавҳарату-н-наййира»да мазкурдир. Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, кекирдак билан қизилўнгачни кесмоқ ва иккала тарафидаги йўғон томирлардан бирини кесмоқ билан сўйилган ҳайвон ҳалолдир. Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, мазкур томирларнинг ҳаммасининг яримдан кўпини кесмоқ билан сўйилган ҳайвон ҳалолдир. Бас, агар мазкур томирларнинг ҳар қайсининг ярми кесилса, Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, макруҳи таҳримийдир. Чунончи, «Хонийя»да ва бошқа китобларда, «Жавҳарату-н-наййира» ва «Лубоб ли-л-Майдоний»да мазкурдир. Аввалги сўз тўғрироқдир. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир. Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, кекирдак билан қизилўнгачни кесмоқ ва иккала тарафидаги йўғон томирнинг нисфидан кўпроғини кесмоқ билан сўйилган ҳайвон ҳалол бўлур. Бу қавл бизнинг машойихларимиз қавлларига биноан асаҳҳдир. Чунончи, «Муҳит» китобида ҳам мазкурдир.

فَلَمْ يَجُزْ فَوْقَ الْعُقْدَةِ وَقِيلَ يَجُوزُ

Бас, бўйнидаги уқда (тугун)нинг баландидан сўймоқ дуруст эмас. Ва уқдадан юқоридан ҳайвонни сўймоқ дуруст, деб ай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилди, яъни, бу қавлни томирларнинг аксари кесилгани учун Имом Растағфаний айтдилар. Ва ушбу қавлга устод Сиғноқий амал қилибдирлар. Ул жаноб айтдилар: «Албатта, Растағфаний қавлда ва амалда ишончли имомдурлар. Бас, ушбу масъалага амал қилгани сабабидан Рўзи қиёматда саволга тутилсак ҳам, бу масъалани ушладик». Чунончи, «Ниҳоя»да мазкурдир. Бунда шу нарсадан огоҳлантириш борки, башарти Растағфаний мужтаҳид бўлсалар, бу масъалани хато айтганига савоб берилур, шунингдек, ул жанобнинг тобиъларига ҳам савоб берилур. Агар мужтаҳид бўлмасалар, бунга амал қилмоқ жоиз эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ بِكُلِّ مَا فِيهِ حِدَّةٌ

Ҳар қандай ўткир нарса билан ҳайвонни сўймоқ дуруст, темирдан бўлмоғи шарт эмас. Масалан, қамиш, тилло, хула, ўткир тош, нафис сопол, ўткир ёғоч ва шуларга ўхшаш.

اَلاَّسِنَّا وَظُفْرًا قَائِمَيْنِ

Магар тиш ва тирноққим, бадандан жудо бўлмаган бўлса, булар билан сўйилган ҳайвон ҳалол эмас. Бас, агар тиш ёки тирноқ ўринларидан тортиб олинган бўлса, иккаласи ҳам пичоқнинг ишини қиладиган бўлса, улар билан сўйилган ҳайвон, бизнинг мазҳабимизда, агарчандики, макруҳ бўлса ҳам, ҳалолдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَكُرِهَ النَّخْعُ

Ҳайвоннинг ҳаром мағзига етқизиб сўймоқ макруҳдир, чунки ҳайвонга бефойда азоб бермоқдир, томирларини кесгандан кейин мақсад ҳосилдир.

وَالسَّلْخُ قَبْلَ اَنْ يَبْرَدَ

Ҳайвонни сўйгандан кейин, совимасдан илгари ва ҳаёт асари тамом бўлмасдан аввал терисини шилиб олмоқ макруҳдир. Яъни, токи изтироб қилмоқдан тўхтагай, шундан сўнг ҳаром мағзигача кесмоқ ва терисини шилиб олмоқ макруҳ бўлмас. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَكُلُّ تَعْذِيبٍ بِلاَ فَائِدَةٍ

Ва барча фойдасиз азоб макруҳдир, масалан, ҳайвонни сўядиган жойга судраб олиб бормоқ, гарданидан сўймоқ, бирдан бошини кесиб олмоқ, ҳайвонни ётқизгандан кейин олдида пичоқ қайрамоқ. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَشُرِطَ كَوْنُ الذَّابِحِ مُسْلِمًا اَوْ كِتَابِيًّا وَلَوْ حَرْبِيًّا

Ҳайвонни сўядиган кишининг мусулмон бўлмоғи ёки китобий бўлмоғи шарт қилинди, борди-ю, ул китобий киши ҳарбий бўлса ҳам. Ҳарбий деб душман жангига айтилур, чунончи, луғатларда мазкурдир. Бас, зиммийнинг сўйгани, барас (пес)нинг сўйганига ўхшаб бекароҳат ҳалолдир. Масалан, нон ёпмоғи, таом пиширмоғи бекароҳат дурустдир, ваҳоланки, ундан бошқа одамнинг қилмоғи авло (яхши) бўлса ҳам. Чунончи, «Мунйа» китобида мазкурдир.

Ушбу масъалада бир тақдир улки, Тошканд шаҳрида турган жамоаи жуҳудларнинг саллох (қассоб)лари аҳли Исломнинг куштхона (кушхона)сига мадхали тамом топиб, бовужуди ҳайвонларни забҳ қилмоқ (сўймоқ) амрида шартлари бирла олим ва биладиган бўлган аҳли Исломнинг саллохлари кўп бўлиб туриб ва мусулмонлар жуҳудларнинг саллохларига муҳтож бўлмай туриб, мусулмонларнинг ейдиган ҳайвонларини сўймоққа мутасадди бўладиган бўлиб, таарруз қиладиган бўлса, шариат ушбу ҳолда ҳарчанд жуҳуд тоифаси саллохининг сўймоғи раво ва жоиз бўлса ҳам, мусулмонларнинг жуҳудларнинг саллохига муҳтож ва зарурлиги йўқлиги жиҳатидан уларнинг саллохлари ҳайвонларни шариатга мувофиқ сўймоқларига эътимод ва ишонч бўлмагани сабабидан мусулмонлар ўзлари ейдиган ҳайвонларини жуҳуд саллохларига сўйдирмоғи лозим эмас. Ва яна мусулмонларга жуҳуд саллохлари сўйган ҳайвонларнинг гўштини сотиб олмоқ зарур эмас. Ва яна жуҳудлар сўйганларини мусулмонларнинг емоқларининг жоизлиги кароҳатни йўқ қиладиган эмас.

Ва баъзи мусулмонларнинг емасликлари уларнинг сўйганлари ҳаром бўлмоқлигини ифода қиладиган эмас, балки

www.ziyouz.com kutubxonasi

эҳтиёт жумласидан бўлгай. Жаноби аҳли Ислом қозиларига, ҳукком (ҳокимлар) ва зиви-л-иҳтишом(улуғ)ларига тегишлики, мазкур тоифа саллохларини мазкур важга мадҳал (дахл) ва тарруз қилмоқдан манъ қилиб, мазкур куштхонани аҳли Ислом саллохларига тафвиз қилгай (топширгай)лар ва маъжур ва машоб индал-маликил-Ваҳҳоб бўлгайлар башароит.

اَوْ امْرَأَةً اَوْ مَجْنُونًا اَوْ صَبِيًّا يَعْقِلُ وَيَضْبِطُ

Ёки ул хотин бўлса ҳам, ҳоҳ ул хотин ҳайзлик ва нифослик бўлса ҳам, ё у жинни бўлса ҳам, ё ёш бола бўлса ҳам, ҳайвонни сўймоқ илмларини биладиган бўлса, яъни, «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» демоқни билса ёки «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» демоқ билан сўйилган нарсанинг ҳалол бўлмоғини билса, чунончи, «Кирмоний»да мазкурдир, ёки ҳайвоннинг томирларини кесмоқ билан ҳалол бўлмоғини билса, чунончи, «Муҳит»да мазкурдир, яна томирларини кесмоққа қудрати етадиган бўлса, сўйган ҳайвонларининг гўшти ҳалолдир. Ҳатто агар ёш бола ё жинни (одам) ҳайвоннинг «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» билан ҳалол бўлмоғини билмаса ва томирларини кесмоққа қудрати етмаса, иккаласининг сўймоғи ҳам ҳалол эмас. Чунончи, «Шарҳи Виқоя» ва «Ҳидоя»да мазкурдир.

اَوْ اَقْلَفَ اَوْ اَخْرَسَ

Ё ҳайвонни сўядиган одам хатна қилинмаган бўлса ё гунг, яъни, тилсиз бўлса, сўйгани ҳалолдир. Чунки ул тилсиз «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар»ни тарк қилмоқда узрлидир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Бу жойда хатна қилинмаганликнинг мисоли келтирилишига сабаб Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан, хатна қилинмаган одамнинг сўйгани дуруст эмас, деб ривойат қилинган сўзнинг асли йўқлигини билдирмоқ учундир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Мусанниф, яъни, Қудурий раҳматуллоҳи алайҳнинг: «Ва забиҳату-л-муслими ва-л-китобиййи ҳалалун», деб мутлақ баён қилганларидан ирода қилинур, ҳар вақтики, ҳайвонни сўядиган одам «Бисмиллаҳи Аллаҳу акбар» деб сўймоқ бирла ҳайвоннинг ҳалол бўлмоғини билса ва яна томирларини кесмоққа кучи

www.ziyouz.com kutubxonasi

етадиган бўлса, хоҳ у сўядиган эркак киши, хоҳ хотин киши бўлсин, хоҳ сағир бўлсин, хоҳ катта одам бўлсин, ҳалолдир. Агар ҳайвонни сўймоққа қудрати етмайдиган бўлса ва «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар»ни эҳтиётлаб айтолмаса, унинг сўйгани ўзи ўлиб қолган мурдор кабидир, гўштини еб бўлмайди. Ва жонлиқ сўймоқни фаҳмламайдиган бола, фаҳмламайдиган жинни ва ақли кетган мастнинг сўйганини еб бўлмайди. Чунончи, «Жавҳарату-н-наййира»да мазкурдир.

لاَ مَنْ لاَ كِتَابَ لَهُ

Худойи таборак ва таоло нозил қилган китоблардан асло бир китоби бўлмаган одам, яъни, ҳеч қайси бирига тасдиқ қилмаса ва ишонмаса, ундай одамнинг сўйгани ҳаромдир. Бу бутпарастларга ва оташпарастларга ўхшашки, уларнинг сўйганлари ҳаромдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَمُرْتَدًّا

Ва ҳақ диндан ботил динга ўтган кишининг сўйган ҳайвони ҳаромдир, чунки муртаднинг ҳеч бир динда қарори йўқдир. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир. Зероки, муртад бўлган одамнинг миллати йўқдир. Васаний ҳам шунга ўхшашдир. Чунончи, «Жавҳарату-н-наййира»да мазкурдир. Зероки, васанийлар миллатга эътиқод қилмайдилар. Чунончи «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَتَارِكَ التَّسْمِيَّةِ عَمْدًا

Ва яна ҳайвонни сўядиган вақтда «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» демоқни қасддан тарк қилган одамнинг сўйган ҳайвони ҳаромдир. Бунда шу нарсадан огоҳлантириш борки, Худойи таолонинг номларидан бир номини ёд қилмоқ сўйилган ҳайвоннинг ҳалоллигига шартдир. Бас, Акбаруллоҳни ё Худойи таолонинг бошқа номини ҳайвонни сўймоқ учун қасд қилиб айтса, жоиздир. Чунончи, «Мунйа»да мазкурдир. Ва «Бисмиллаҳ» демоқ яхшироқдир ва Имом Баққолий наздларида, «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» демоқ мустаҳабдир. Ва, шунингдек, «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» демоқ, Ҳалвоий раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, мустаҳабдир, лекин «вов» билан айтмоқ макруҳ дейилди. Чунончи, «Муҳит»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَاِنْ نَسِيَ صَحَّ وَحَرُمَ اِنْ عَطَفَ عَلَى اِسْمِ اللهِ غَيْرَهُ

نَحْوُ بِسْمِ اللهِ وَاسْمِ فُلَانٍ

Агар ҳайвонни сўярда «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар»ни эсидан чиқариб, сўйиб қўйса, ҳалолдир, Зероки, узрлидир. Агар Аллоҳ таоло номига бошқа номни қўшиб айтса, сўйилган ҳайвон ҳаромдир. Масалан, «Бисмиллаҳи ва фалон одамнинг номи била» деганга ўхшаш, зеро, ҳайвонни сўйганда Аллоҳу таоло номини танҳо айтмоқ фарз. Чунончи, «Мунйа»да мазкурдир.

وَكُرِهَ اِنْ وَصَلَ وَلَمْ يَعْطِفْ نَحْوُ بِسْمِ اللهِ اللّٰهُمَّ تَقَبَّلْ مِنْ فُلَانٍ

Аллоҳ таоло номига қўшмай, туташ қилиб айтса, макруҳдир, масалан, «Бисмиллаҳи Аллоҳумма тақаббал мин фулонин» деганга ўхшаш, яъни, забҳ қилурман бу ҳайвонни Аллоҳ таоло номи билан, Эй Худоё, бу жонлиқни Абдуллоҳдан қабул қилгил, деганга ўхшаш. Бундай деб сўймоқ макруҳдир.

وَحَلَّ اِنْ فَصَلَ صُورَةً وَمَعْنًى كَالدُّعَاءِ قَبْلَ الاِضْجَاعِ وَالتَّسْمِيَةِ

Дуони ёки бошқани «Бисмиллаҳ»дан зоҳирда ва маънида агар айириб ва жудо қилиб айтса, забҳ қилмоқ ҳалолдир, масалан, ҳайвонни сўймоққа ётқизмасдан аввал, «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар»ни айтмасдан илгари дуо қилмоққа ўхшаш ёки иккаласидан кейин дуо қилганга ўхшаш, масалан, «Аллоҳумма тақаббал минни», яъни, «Эй бор Худоё, бу жонлиқни мендан қабул қил», деганга ўхшаш. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Шундан сўнг, ҳайвонни ётқизиб сўйгай. Бу Пайғамбар алайҳиссаломдан ривойат қилингани сабаблики, Пайғамбар алайҳиссалом икки семиз қўчқорни қурбонлиқ қилдилар, бирини ўзлари учун ва бирини умматлари учун. Бас, қурбонлиқни сўядиган вақтда қиблага рўбару бўлиб:

﴿إِنِّي وَجَّهْتُ وَجْهِيَ لِلَّذِي فَطَرَ السَّمٰوَاتِ وَالْأَرْضَ حَنِيفًا وَمَا أَنَا مِنَ الْمُشْرِكِينَ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلّٰهِ رَبِّ الْعَلَمِينَ لَا شَرِيكَ لَهُ وَبِذٰلِكَ أُمِرْتُ وَأَنَا أَوَّلُ الْمُسْلِمِينَ﴾ الانعام/ ١٦٢،٧٩، ١٦٣

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Мен тўғри йўлни танлаган ҳолимда юзимни осмонлар ва Ерни ихтиро этган Зотга қаратдим. Мен мушриклардан эмасман. Албатта, намозим, ибодатим ва ҳаёту мамотим оламлар Рабби Аллоҳ учундир. Унинг шериги йўқдир. Мана шу (ақида)га буюрилганман ва мен (Аллоҳнинг буйруқларига) таслим этувчиларнинг аввалиман», дедилар, шундан сўнг сўйдилар. Ва сўядиган вақтда «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар», дедилар. Чунончи, «Дурарул-Ҳуккам»да мазкурдир. Ёки сўйиб бўлгандан кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривойат қилингани жиҳатидан, дуо қилгайки, ул жаноб ҳайвонни сўйгандан кейин:

اَللّٰهُمَّ تَقَبَّلْ هٰذِهِ عَنْ اُمَّةِ مُحَمَّدٍ مِمَّنْ شَهِدَ لَكَ بِالْوَحْدَا نِيَّةِ

وَلِيَ بِالْبَلَاغِ

яъни: «Эй бор Худоё, қабул қил ушбу қурбонлиқни Муҳаммад умматидан, кимики Сенинг борлигингга ва яна кимики мени ҳақ динни халққа еткурадиган ва билдирадиган бўлмоғимга шаҳодат берса». Чунончи, «Ҳидоя» ва «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир.

وَنُدِبَ نَحْرُ الْاِبِلِ

Туяни бўйнининг пастроғи, кўкрагининг яқинидан сўймоқ мустаҳабдир, зероки, туяни наҳр қилмоқ (сўймоқ)нинг жойи кўкрагининг яқинроғидандир, ул жойда гўшт бўлмагай, бу ердан бошқа кекирдагининг ҳаммасида ғализ гўшт бордир. Бас, мазкур жойдан сўймоқ томоғининг тагидан сўймоқдан осонроқдир. Чунончи, «Мабсут» китобида мазкурдир.

وَكُرِهَ ذَبْحُهَا

Туянинг томоғи тагидан сўймоқ суннатга мухолиф бўлгани учун макруҳдир. Чунончи, «Ҳидоя» ва «Лубоб ли-л-Майдоний»да мазкурдир. Бу қоидаи куллий (умумий қоида) макруҳни билмоққа зарурийдир, буни таълим олиб, ёд олгил. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ فِي الْبَقَرِ وَالْغَنَمِ عَكْسُهُ

Қорамол ва қўйни сўймоқ туянинг аксидир, яъни, мустаҳаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва суннат буларнинг томоғининг тагидан сўймоқдир. Қорамол ва қўйни сўймоқда забҳ қилмоқ мустаҳабдир, чунки Худойи таборак ва таоло:

﴿...إِنَّ اللهَ يَأْمُرُكُمْ اَنْ تَذْبَحُوا بَقَرَةً...﴾ اَلْبَقَرَة/٦٧

деди. Яъни: «...Аллоҳ сизларга сигир сўйишликни буюрди».

Ва қўйда:

﴿وَفَدَيْنٰهُ بِذِبْحٍ عَظِيمٍ﴾ الصَّافَّات/١٠٧

деди. Яъни: «Биз (Исмоилнинг) ўрнига катта бир (қўчқор) сўйишни эваз қилиб бердик».

Ва туяни наҳр қилмоқ, яъни, кўкрагинининг бошидан сўймоқ мустаҳабдир, бу Худойи таоло қавлининг тўғрисиданки:

﴿فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَانْحَرْ﴾ اَلْكَوْثَر/٢

деди. Яъни: «Бас, Раббингиз учун намоз ўқинг ва (туя) сўйиб қурбонлик қилинг!» Чунончи, «Жавҳарату-н-найийра»да мазкурдир.

Қорамол ва қўйни кўкрагининг тепасидан сўймоқ макруҳдир, албатта, кекирдакнинг таги ва баланди - гўштли бўлмоқда иккаласи ҳам баробардир, буларни томоғининг уқдаси (тугуни) ёнидан сўймоқ осонроқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. «Музмарот» китобида ёзилишча, суннат шулки, туяни тик турган ҳолида наҳр қилгай ва қўйни ётқизиб сўйгай. Чунончи, «Хулоса»да мазкурдир.

«Натф» китобида ёзилишича, ҳайвонни забҳ қилмоқда мустаҳаб шулки, мулойимлик бирла чап тарафга ётқизгай ва ҳайвоннинг юзини қиблага қилгай ва бир оёғини бўш қўйиб, уч оёғини боғлагай ва ўнг қўли билан сўйгай. Пичоқни ўткир қилгай ва шитоб билан сўйгай, яъни, тезроқ пичоқ тотгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَكَفَى الْجُرْحُ فِي نَعَمٍ تَوَحَّشَ

Ёввойи бўлиб кетган аҳлий ва хонаки ҳайвонни ушлаб сўймоқ мумкин бўлмаса, ул ҳайвонни жароҳатли қилмоқ билан гўштини емоқ ҳалолдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

اَوْسَقَطَ فِي بِئْرٍ وَلَمْ يُمْكِنْ ذَبْحُهُ

Ё ҳайвон қудуққа тушиб, уни сўймоқ ёки қудуқдан чиқармоқнинг иложи бўлмаса, уни яродор қилмоқ кифоядир. Бунда шу нарсадан огоҳлантириш борки, тутмоқнинг иложи бўлмаган қочган туя, агар сўймоқ ниййати билан ўлдирилса, уни бунга ҳамл қилинур, яъни, ҳалолдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва «Ширабланий»да «Мунийатул-муфтий»дан (шулки), бир туя ё қорамол шаҳарда қочиб, тутқич бермаса, агар унинг эгаси ва кўп одам жамъ бўлиб тутолмаса, тутмоққа ўзининг қодир эмаслигини билса, бас, ул кишига туяни отмоқ тегишлидир, узр шарт эмас, балки машаққат чекмоқ шартдир. Чунончи, «Раддул-Мухтор»да мазкурдир. Шунингдек, ҳар вақт товуқ дарахтга чиқса ва унинг йўқ бўлмоғидан хавф қилса, унинг забҳи ҳам яродор қилмоқдир. Чунончи, «Зайламий»да мазкурдир.

﴿...فَإِذَا وَجَبَتْ جُنُوبُهَا فَكُلُوا مِنْهَا...﴾ الحج/٣٦

Яъни: «...ҳар вақтики, туя сўйилгандан кейин ерга ёни билан йиқилиб тушса, уни жони чиққандан кейин енглар». Жони чиқмасдан аввал ҳайвоннинг гўштини емоқ дуруст эмас, магар жони чиққандан кейин емоқ дурустдир. Чунончи, «Жавҳаратун-найийра»да мазкурдир.

لاَ فِي صَيْدٍ اِسْتَأْنَسَ

Аммо ваҳший ҳайвонларни ва одамдан қочмайдиган бўлиб, ювош бўлиб қолганини яра қилмоқ билан ўлдириб, гўштини емоқ ҳалол эмас, уни сўймоқ керак. Зероки, уни жароҳатли қилмоқ ҳожат эмас, магар одамга ушлатмайдиган бўлиб қочса (мумкиндир). Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ يَحِلُّ جَنِينٌ مَيِّتٌ وُجِدَ فِي بَطْنِ اُمِّهِ

Ва онасини сўйганда қорнидан ўлик топилган боласи ҳаромдир, еб бўлмайди, мўй чиқарган бўлсин ё мўй чиқармаган бўлсин, барибир. Ва бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ қавлларидир. Ва бу қавл Имом Зуфар ва Ҳасан ибн Зиёд ра-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳимаҳумаллоҳ қавлларидир. Чунончи, «Ҳидоя»да далиллари билан мазкурдир. Ҳайвоннинг қорнидаги боласи онасини сўймоқ билан ҳалол бўлмайди, хоҳ мўй чиқарган бўлсин, хоҳ чиқармаган бўлсин. Чунончи, «Мултақий»да мазкурдир. Яъни, кимики туяни ё қўйни, ё қорамолни сўйса, унинг қорнидан ўлик боласини топса, емоқ ҳаромдир. Чунончи, «Синавосий»да мазкурдир.

Мушук товуқнинг бошини узса, албатта, уни сўймоқ билан ҳалол бўлмас, агарчандики қимирлаб турса ҳам. Ушбудек «Мултақий» китобида мазкурдир.

Ҳайвонни забҳ қилмоққа ярайдиган асбоб икки хилдир: бири кесадиган, иккинчиси бузадиган. Кесадиган ҳам икки хилдир: ўткир ё ўтмас. Бас, ўткир билан ҳайвонни сўймоқ бекароҳат жоиздир, хоҳ ул ўткир темир бўлсин, хоҳ темирдан бошқа нарса бўлсин, ўткир қамиш билан ё чақмоқтош билан, ё асо билан сўйганга ўхшаш. Ўтмас билан ҳам сўймоқ макруҳлик билан жоиздир. Чунончи, «Фатовойи Оламгирийя»да мазкурдир. Агар ҳайвонни олинган тиш ёки тирноқ билан сўйса, ҳалол, аммо макруҳ бўлур. Ушбудек «Муҳити Сарахсий»да мазкурдир.

Аммо бузадиган асбоблар олинмаган ва тушмай турган тирноқ ва тишлардир, улар билан сўймоқ, би-л-ижмоъ, жоиз эмас. Агар улар билан ҳайвон сўйса, майта, яъни, ўзи ўлиб қолган мурда (ўлик) бўлгай. Ушбудек «Бадойиъ»да мазкурдир.

Агар бир қўйни ётқизиб ва пичоқни қўлга олиб, «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» деса, шундан сўнг ул қўйни қўйиб, бошқа қўйни сўйса, ул қўйга қасддан «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар»ни тарк қилса, ҳалол бўлмайди. Ушбудек «Хулоса»да мазкурдир. Агар қўйни сўймоқ учун ётқизиб ва қўлига пичоқни олиб, «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» деб, шундан сўнг ул пичоқни ташлаб, бошқа пичоқни олиб сўйса, ҳалолдир. Агар қўлига тирни олса, «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» деса, шундан сўнг ул тирни ерга қўйиб, бошқа тирни олиб отса, ул «бисмиллаҳ» билан ҳалол эмас. Ушбудек «Жавоҳирул-ихлатий»да мазкурдир.

Агар ҳайвонки, сўядиган одам «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» деса, шундан сўнг емоқ ва ичмоққа машғул бўлса, кейин ҳайвонни сўйса, агар узоқ муддат ўтса, ҳаром бўлгай. Агар узоқ муддат ўтмаса, ҳаром бўлмагай. Муддат узоқлиги чегараси ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

меъёри қараб турган одам «узоқ муддат ўтди», деган ҳаёлга келишидир. Чунончи, «Дурру-л-Мухтор»да мазкурдир.

Ҳар вақтики, пичоқни ўткир қилса, дарҳол сўйгай. Чунончи, «Баззозиййа»да мазкурдир.

Мавлоно Фахруддин «Навозил»дан нақл қилибдурларки, яқин муддатда туғадиган қўйни сўймоқ макруҳдир. Зероки, унинг қорнидаги жондорни бефойда зоеъ қилмоқдир. Бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ қавлларига мувофиқдир. Чунончи, «Гўрмирий»да ҳам мазкурдир.

«Навозил» китобида ёзилишича, агар бир одам бир қўйни ё қорамолни сўйса, сўйганда қимирласа ва қон сапчиб чиқса, ҳалол бўлур. Шунингдек, агар қимирласа ва қон чиқса ёки қон чиқса ва қимирламаса, ҳалолдир. Агар қимирламаса ва қон чиқмаса, ҳалол бўлмайди. Бу тирик эканлиги билинмаган вақтдаги ҳолдир. Агар тирик эканлиги маълум бўлса, қимирламаса ҳам ҳалолдир. Чунончи, «Лисону-л-ҳукком»да мазкурдир.

Қоннинг чиқмоғи ҳайвоннинг тирик эканлигига далолат қилмайди, магар ҳар вақтики, қон тирик ҳайвондан чиққан каби чиққан бўлса, тириклигига далолат қилгай. Бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларидадир. Ва бу қавл зоҳирур-ривойатдир. Чунончи, «Таҳовий» шарҳида мазкурдир.

Бир одам касал қўйни сўйса, унинг оғзидан бошқа бирор аъзоси қимирламаса, Муҳаммад ибн Салама дедиларки, агар ул қўй оғзини очса, гўштини еб бўлмайди. Агар оғзини юмса, гўштини еб бўлгай. Кўзи ҳам шунга ўхшашдир: агар кўзини очса, еб бўлмагай, кўзини юмса, гўштини еб бўлгай. Оёғи тўғрисидаким, агар оёғини йиғса, еб бўлгай, оёғини узатса, еб бўлмагай. Агар мўйи ётса, еб бўлгай, агар мўйи тик турса, еб бўлмагай. Бу (синов) ҳар вақтики, сўйган вақтда тириклиги маълум бўлмаса, қон чиқмаса ва қимирламаса. Аммо қачонки қоннинг чиқиши мавжуд бўлса, ҳаракат мавжуд бўлса, бунинг ҳукмини биз юқорида албатта баён қилиб ўтдик. Чунончи, «Лисонул-ҳукком»да мазкурдир.

Бир киши қўйнинг қорнини ёриб, боласини олса, ул болани сўйса, сўнг қўйнинг ўзини сўйса, агар қўйнинг қорнини ёргани сабабли ул қўй тирик турмаган бўлса, ҳалол бўлмайди. Агар тирик қоладиган бўлса, ҳалол бўлгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар қассоб қоронғи кечада қўйни сўйса, бас, ул қўйни ҳалқумидан баланд ёки пастидан сўйса, ҳаром бўлгай. Чунончи, «Лисонул-ҳукком»да мазкурдир.

Агар бир одам қўйларга қараб, «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» деб, шундан сўнг қўйларнинг бирини ушлаб олиб, ётқизиб, «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар»ни қасддан айтмай сўйса ва ўша «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» кифоя қилгай, деб гумон қилса, ул қўйнинг гўштини еб бўлмагай. Ушбудек «Бадойиъ» китобида мазкурдир.

Агар қассоб қасддан «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар»ни айтмадим деса, ҳалол эмас ва ул сўйган ҳайвоннинг товонини бергай. Ушбудек «Хизонатул-муфтин»да мазкурдир.

Агар «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар»ни айтгандан кейин қўй бўшалиб, ётган жойидан туриб кетса, сўнг ул қўйни жойига яна ётқизса, бас, батаҳқиқ, такбир мунқатиъ бўлди, яъни, «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» дегани узилди ва бекор бўлди. Ушбудек «Бадойиъ» китобида мазкурдир.

Агар сўйгучи «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» демоқни қасддан тарк этса, бас, ул сўйилган ҳайвон ўзи ўлган мурдор ҳайвондир, уни емоқ ҳалол эмас. Агар «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар»ни фаромуш қилса, еб бўлгай. Чунончи, «Қудурий»да мазкурдир.

Сўймоққа қудрати етадиган ва «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» демоқ билан сўйилган ҳайвоннинг ҳалол бўлмоғини биладиган одамнинг сўйгани ҳалолдир, борди-ю, деган киши хотин, гўдак ва кесилмаган, яъни, хатна қилинмаган, андоми кесилган, бичилган, хунаса ё ҳезалак (бўлсин), мазкур одамларнинг сўйганлари ҳалолдир, буни юқорида ҳам баён қилган эдик. Чунончи, «Жавҳарату-н-наййира»да мазкурдир.

Ҳар вақт битта ҳайвонни сўядиган икки киши бўлса, уларнинг бири «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар»деса, иккинчиси қасддан тарк этса, уни емоқ ҳаром бўлгай. Чунончи, «Тоторхонийя»да мазкурдир.

Гарданидан сўймоқ макруҳдир. Агар томирлари кесилгунча тирик турса, ҳалолдир. Агар томирлари кесилмасдан илгари ўлса, ҳаром бўлгай. Чунончи, «Мултақийул-анҳар»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ لا ذُوناَبٍ اَوْ مِخْلَبٍ مِنْ سَبُعٍ اَوْ طَيْرٍ

Ва яна тиш бирла ё тирноқ бирла шикор қиладиган ҳайвонларки, дарранда, яъни, ёрадиганлардир, ҳалол эмас: йўлбарс, бўри, йуз, ит ва ёлдор бўрига ўхшаш ва фил, мушук, хонаки мушук, уни туркийда эчкемар дейилур, хук ва мазкурларга ўхшаш. Ва синжобки, унинг терисидан пўстин қилинур ва самурки, унинг терисидан подшоҳларга пўстин қилинур ва фанакки, форсийда уни дала дейилур, унинг терисидан пўстин қилинур ва ундан қилинадиган пўстин пўстинларнинг яхшироғи бўлгай ва барча мижозларда мўътадил бўлгай, чунончи, «Мунтахаб»да мазкурдир. Ва далққи, унинг терисидан пустин қилгайлар. Ва қирд, яъни, маймун, ярбуъким, уни форсийда муши даштий, туркийда калонмуш (каламуш) дейилур ва ибни ирсга ўхшашки, уни форсийда росу, туркийда ос ва базкўзина ва келинчак дейилур, чунончи, Мулла Неъматуллоҳнинг «Луғат»ларида мазкурдир. Яна ибни овога ўхшашларким, мазкурларнинг ҳаммаси ҳаромдир.

Чангаллик паррандалардан ҳаромдир: уқоб (бургут) каркас, сақр, бози, бошиқ (сайд қиладиган қуш), шоҳин ва ҳидоат, яъни, мушгир, заған ва бағосга ўхшаш; бағос шикор қилмайдиган паррандаи мурдордир. Чунончи, «Кашф»да мазкурдир. Ва мазкур бўлганларнинг ҳаммаси «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

Барча тиш билан йиртадиган даррандаларнинг ва барча чангал билан йиртадиган паррандаларнинг гўшти ҳаромдир. Зероки, Пайғамбар алайҳиссалом мазкурларни емоқдан наҳий ва манъ қилдилар. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

Чангалсиз қушларнинг гўштини емоқнинг боки (зарари) йўқдир, (булар) абобил, қумри, судони, зурзур, асофир ва фохтага ўхшашлардир. Чунончи, «Қозихон»да мазкурдир. Бир ривойатда мусича ва кўршапалакнинг гўштини емоқнинг боки йўқдир. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир. Ақъақни, яъни, ҳаккани емоқнинг боки йўқдир. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир. Бир ривойатда бум, яъни, бойўғлини емоқнинг боки йўқдир. Бу ривойат Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳдандир, чунончи, «Итобий»да мазкурдир. Ҳудҳуд, яъни, сассиқпо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

пишакни, лайлакни ва товус гўштини емоқнинг боки йўқдир. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир. Наъама, яъни, туяқушнинг гўштини емоқнинг боки йўқдир, чунончи, «Муғний» китобида мазкурдир. Яна «Назм» китобида баён қилинибдирки, уқоб, лайлак ва мусичанинг гўшти макруҳдир. Имом Қозихон «Фатовий»ида ёзилишича, кўршапалакнинг гўштини еб бўлмайди, чунки у зу-нобдир, яъни, тиши билан сайд қилувчидир. Барча тишли даррандаларнинг, яъни, йиртадиган чорпо ҳайвонларнинг ва барча чангалли паррандаларнинг гўштларини емоқ жоиз эмас. Тишли дейишдан мурод тиши билан ов қиладиган ҳайвонлардир. Чангалли дейишдан мурод (чангали билан) ов қиладиган паррандалардир, лекин кабутар ва туя (қушнинг) ҳам чангали бордир, бироқ таъсири йўқдир. Чунончи, «Жавҳарату-н-найийра»да мазкурдир.

وَ لا الْحَشَرَاتُ

Ерни кавлаб, уй қиладиган кичик ҳайвонлар ҳаромдир. Чунончи, сичқон, вазға, яъни, чаён, сомабрас, яъни, калтакесак, қунфуз, яъни, типратикон, ҳаййа, яъни, илон, зифдаъ, яъни, қурбақа, занбур, яъни, ари, бурғус, яъни, бурга, зубоб, яъни, чивин, қумал, яъни, бит, баъуз, яъни, пашша, қарод, яъни, кана, - мазкурларнинг ҳаммаси ҳаромдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир. Ва билгилки, ерда сукунат қиладиган жониворларким, уларни арабда ҳашарот дейилур, бизнинг мазҳабимизда ҳаром қилингандир, бизникидан бошқа мазҳабларда ҳалолдир. Чунончи, «Натф» китобида мазкурдир, «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир.

وَالْحُمُرُ الاَهْلِيَّةُ

Хонаки эшаклар ҳаромдир.

وَالْبَغْلُ

Хачир ҳам Имом Аъзам, Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳу таоло наздларида, ҳаромдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَالْخَيْلُ عِنْدَ اَبِي حَنِيفَةَ رَحِمَهُ اللهُ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, отнинг гўштини емоқ ҳаромдир. Айтишларича, ул жаноб вафотларидан уч кун илгари отнинг гўштини ҳаром деганларидан қайтдилар. Ва фатво шу қавлгадир. Чунончи, «Кифояту-л-Байҳақий»да мазкурдир. Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ отни ҳаром деганларидан қайтганидан кейин, ул жанобнинг наздларида, макруҳи танзиҳийдир, яъни, покликка яқин макруҳдир. Бу қавл Фахрул-Ислом ва бошқаларнинг қавлларига биноан саҳиҳ қавлдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Имом Абу Юсуф, Имом Муҳаммад ва Имом Шофеъий раҳимаҳумуллоҳ наздларида, от гўштини емоқнинг боки йўқдир. Бу Жобир розийаллоҳунинг ҳадиси сабабиданки, ул Жобир дедилар: «Расули Худо соллаллоҳу алайҳи ва саллам Явми Хайбарда эшакнинг гўштини ейишдан наҳий қилдилар ва отнинг гўштини емоққа жавоб бердилар». Бошқа далил шуки, отнинг сарқити покдир, отнинг сийдиги ва гўшти ейиладиган ҳайвонларнинг сийдиги ва гўшти кабидир. Бас, от сарқитининг пок бўлмоғи ва сийдиги ейиладиган ҳайвонлар сийдигига ўхшамоғи шунга далолат қилурки, унинг гўшти ейиладиган ҳайвонларга ўхшашдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

«Мажмаъу-л-баҳрайн»да Имом Исбижобийнинг қавли шуки, отнинг гўшти макруҳи танзиҳийдир. Маҳмуд ибн Илёс «Ниқоя»нинг шарҳида дедилар, бу қавл зоҳиру-р-ривойадир. Чунончи, «Сиқоя ли-атшони-л-Ҳидоя»да мазкурдир.

Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида, от гўшти ҳалолдир. Айтилибдики, отнинг макруҳлиги Имом Аъзам раҳматуллаҳи алайҳ наздларида, макруҳи танзиҳий, чунки отнинг макруҳ бўлмоғи иззат ва шарофат маъносида, токи отни емоқ мубоҳдир. Бу суннат бўлгани жиҳатидан, жиҳоднинг асбоби кам бўлмаслиги учун. Шу жиҳатдан отнинг сарқити пок ва тоҳир бўлгай. Ва бу қавл зоҳиру-р-ривоядир. Бу қавл саҳиҳ қавлдир. Чунончи, «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир.

Баъзилар айтибдуларки, от гўшти макруҳи таҳримий.

Абдураҳим ал-Кирмоний раҳматуллоҳи алайҳдан ҳикоя қилинди, ул жаноб айтдилар: «Бу масъалада мен мутаррадид

www.ziyouz.com kutubxonasi

(иккиланишда) эдим, тушимда Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳни кўрдим. Менга дедилар: «Ё Абдарраҳим, отнинг гўшти макруҳи таҳримийдир», «Ҳидоя» соҳиби ҳам шунга мойил бўлибдир, бу ҳам «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир.

Ҳасан Имом Аъзамдан ривойат қилдиларки, от сарқитининг макруҳ бўлмоғи сутининг макруҳ бўлмоғига ўхшашдир. Айтилибдурки, сутини ичмоқнинг зарари йўқдир, зероки, сутини ичиш билан жиҳод воситаси кам бўлмайди. Ушбудек «Кофий» китобида ва «Ҳидоя»да мазкурдир. Баъзилар айтибдуларки, бу макруҳдан мурод макруҳи танзиҳийдир, Зероки, отни мубоҳ қилмоқда ғазот асбобини кам қилмоқдир. Шу жиҳатдан, яъни, макруҳи танзиҳий бўлгани жиҳатидан унинг сарқити покдир ва сути ҳам покдир. Чунончи, «Гўрмирий»да мазкурдир.

وَالاَبْقَعُ الَّذِي يَأْكُلُ الجِيفَ

Ўлдор бўри ва юмронқозиққим, уни форсийда муши дашти дерлар, ҳаромдир.

وَالضَّبُعُ وَاليَرْبُوعُ

Яна олақарға, қорақарға ва қузғунки, мурдорхўр, яъни, ўзи ўлиб қолган ҳайвонни ейдурлар, ҳаромдир. Мусанниф раҳматуллоҳи алайҳнинг иборатларида шу нарсадан огоҳлантириш борки, мазкур уч ҳил қарға жийфани ва донни есалар, ҳалолдир, макруҳ эмас. Имом Абу Юсуф билан Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ, макруҳ бўлгай, дедилар. Аввалги қавл тўғри қавлдир. Чунончи, «Хизона»да мазкурдир. Бунга иктифо (тўхтам) қилганларидан ишорат шунгаки, нажосатхўр туяни, нажоасатхўр қорамол ва қўйни, нажосатхўр хонаки товуқ гўштини емоқ ҳалолдир, лекин макруҳи танзиҳийдир. Бунга ишорат қилинди «Натф» китобида. Бас, нажосатхўр туяни қирқ кун, қорамолни ўттиз кун, қўйни етти кун, нажосатхўр товуқни бир кун боғлаб боқилгай. Чунончи, «Китобу-н-назм»да мазкурдир. Мухтор қавлда нажосатхўр туяни ва қорамолни ўн кун, қўйни тўрт кун, товуқни уч кун боғлаб боқилур. Чунончи, «Китоби Кубрай»да мазкурдир. Асаҳ (тўғрироқ) қавл шулки, ганда (ахлати)дан бадбўй бўлганлиги зойил бўлгунча боқилур. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шунингдек, гўштдан, жигардан ва буйракдан чиққан қон ҳалолдир, ҳайвонни сўйганда чиққан қон оят билан қатъий ҳаромдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да макруҳдир.

Қўй итнинг суратида бола туғса, унинг амри мушкул бўлса, агар итга ўхшаб овоз қилса, еб бўлмагай, агар қўйга ўхшаб овоз қилса, еб бўлгай. Агар иккаласига ўхшаб овоз қилса, олдига сув қўйилгай, агар тили билан ичса, еб бўлмагай, зероки, у итдир. Агар оғзи билан ичса, еб бўлгай, у қўйдир. Агар оғзи ҳамда тили билан ичса, унинг олдига сомон ва гўшт қўйилгай, агар сомонни еса, еб бўлгай, чунки қўйдир. Агар гўштни еса, еб бўлмагай. Агар сомонни ҳам, гўштни ҳам еса, ул ҳайвон сўйилгай, агар ичидан ичаклар чиқса, еб бўлмагай, агар ичидан қорин чиқса, еб бўлгай. Ушбудек «Жавоҳиру-л-ихлотий»да мазкурдир.

Ҳайвоннинг ейиш ҳаром бўлган ажзоси еттитадир: хуни мафсух, яъни, сўйганда чиққан қон, закар (олат), хусйа (мояк), қубл, без, қовуқ ва ўт. Ушбудек, «Бадойиъ»да мазкурдир.

وَ لا حَيْوَانٌ مَائِيٌّ سِوىَ سَمَكٍ لَمْ يُطَفْ

Бесабаб ва беофат ўлиб, сувнинг устига қалқиб чиқмаган балиқдан бошқа сувдаги барча обий жониворлар ҳаромдир. Аммо бесабаб сув устига қалқиб чиқиб, қорни осмонга бўлиб ўлса, ул ҳам ҳалол эмас, ҳаромдир. Аммо сабаб ва офат билан ўлиб, сув устига қалқиб чиқса, уни емоқ ҳалолдир. Чунончи, жойи танг ва торликдан кўп балиқ бир жойга тўпланиб қолгани сабабли ё илон чаққани жиҳатидан, ё темир теккани сабабли, ё сувга ташланган дорини егани учун ўлган бўлса, емоқ ҳалолдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَحَلَّ الْجَرَادُ

Чигирткалар барча турлари билан ҳалолдир, борди-ю, ўзи ўлиб қолган бўлса ҳам. Чигиртканинг асли баҳрий бўлгай, яъни, дарёий бўлгай, тириклиги қуруқликда бўлгай. Айтишларича, балиқ тухумининг устидан сув кетиб, очилиб қолса, чигиртка бўлгай. Чунончи, «Мабсут» китобида мазкурдир.

وَأَنْوَاعُ السَّمَكِ بِلاَ ذَكَوةٍ

Балиқнинг барча турлари сўйилмасдан ҳалолдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ غُرَابُ الزَّرْعِ وَالْعَقْعَقُ وَالاَرْنَبُ مَعَهَا

Экиннинг қарғаси, яъни, зироатда юрадиган зағча номли қарға ҳалолдир, ҳакка ҳам ҳалолдир. Забҳ қилмоқ билан қуён ҳам ҳалолдир. Чунки Пайғамбар алайҳиссалом қуённинг гўштини едилар. Қовурилган қуён гўшти Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳадйа қилиб келтирилганда, саҳобалар ризвонуллоҳи таоло алайҳи ажмаъинга пиширилган бу қуён гўштини емоққа амр қилдилар. Бошқа далил шуки, қуён даррандадан эмас, ўлимтик ейдиганлардан ҳам эмас, бас, қуён кийикка ўхшашдир. Чунончи «Ҳидоя»да мазкурдир.

Оташпараст овлаб олган балиқни емоқнинг боки йўқ. Зеро, балиққа «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» айтилмаса ҳам, у ҳалолдир. Агар мусулмон одам балиқни ушлаган вақтида «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар»ни қасддан тарк қилса ҳам, у ҳалолдир. «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» айтилмаса ҳам, ҳалол бўладиган нарса борасида оташпараст билан ғайри оташпараст баробардир. Чунончи, «Ниҳоя»да мазкурдир.

Агар оташпараст чигиртка ё балиқни сайд қилса ё мусулмон «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» демоқни қасддан тарк қилса ҳам, ҳалолдир. Чунончи, «Муҳит» ва бошқа китобларда мазкурдир.

Сазан балиғи насх бўлган одамлардандир, деган сўз ботил ва беҳудадир. Зероки, насх бўлган одамнинг насли йўқдир. Чунки насх бўлганлар уч кундан кейин қолган эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الأُضْحِيَة

ҚУРБОНЛИҚ КИТОБИ

Бу китобда қурбонлиқ қилмоқнинг баёни келади. Қурбонлиқ деб шариатда ёши тайин қилинган ҳайвонга айтилурки, уни тайин қилинган кунда Худойи таборак ва таолога яқин бўлмоқни ва вожибни гарданларидан соқит қилмоқни ниййат қилиб, қурбонлиқ сабаблари ва шартлари мавжуд бўлганда сўйгайлар. Ушбудек «Табйин» китобида мазкурдир.

Аммо қурбонлиқнинг рукни – қурбонлиқнинг ниййати бирла қурбонликка сўймоғи жоиз бўлган нарсани сўймоқ. Аммо қурбонлиқни қилмоқ сифати, бас, қурбонлиқ қилмоқ икки қисмдир: бири вожиб ва иккинчиси нафлдир. Вожиб неча навдир? Унинг баъзиси – қурбонлиқ қилмоқ бойга ва бечорага вожибдир. Яна унинг баъзиси – қурбонлиқ қилмоқ фақирга вожибдир, ғаний (бой)га эмас. Унинг баъзиси – қурбонлиқ қилмоқ ғанийга вожибдир, фақирга вожиб эмас.

Аммо ул қурбонлиқки, бойга ва бечорага баробар вожибдир, жонлиқ сўймоққа назр қилингандир, ушбу тариқаким:

لله عَلَيَّ أَنْ أُضَحِّيَ شَاةً أَوْ بُدْنَةً

яъни, Худойи таоло учун бир қўй ёки туя сўймоқ менга вожибдир, деб. Аммо ул қурбонлиқки, бечорага вожибдир, бойга эмас, фақир одам қурбонлиқ қилмоқ учун ниййат қилиб, бир қўйни сотиб олса. Ғаний одам сотиб олар вақтида ниййат қилмоғи бирла вожиб бўлмагай. Аммо ул қурбонлиқки, бойга вожиб бўлур, бечорага лозим эмас, бойга назр қилмасдан ва қурбонлиқ учун сотиб олмасдан туриб, қурбонлиқ қилмоқ вожибдир, балки бойга ўлмай, тирик юрмоқ неъматининг шукри учун ва Иброҳим алайҳис солату вассаломдан қолган меросни иҳё қилмоқ (тирилтирмоқ) учунки, ул жанобга Худойи таборак ва таоло қўчқорни қурбонлиқ қилинадиган кунларда амр қилган эди. Чунончи, «Бадойиъ» китобида мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо қурбонлиқ қилмоқ вожибларнинг шартларидан бири ғаний (бой) бўлмоқдир. Ва бу бойлик садақаи фитр бермоқ вожиб бўлмоғига тааллуқ топган нарсадир. Чунончи, икки юз тангага қудрати етган одамга садақаи фитр бермоқ вожиб бўлур, гарчанд ул пул ўсиб турмаса ҳам. Ва икки юз танга миқдори молга қудрати етгани сабабли садақа, закот, ушр ва садақаи фитр олмоқ ҳаром бўлур. Бунинг сабаби билан қурбонлиқ қилмоқ вожиб бўлур, деб «Китоби Солат»да баён қилинган эди.

Аммо балоғатга етмоқ ва ақлли бўлмоқ шарт эмас, ҳаттоки ёш боланинг моли бўлса, унинг томонидан отаси, агар отаси бўлмаса, васийи қурбонлиқ қилгай.

Қурбонлиқ вожибларидан бири Исломдир. Бас, қурбонлиқ қилмоқ бойга вожиб эмас ва жамиъи вақтда мусулмон бўлмоқ шарт қилинган эмас, яъни, қурбонлиқнинг аввалги вақтидан охирги вақтигача мусулмонлик шарт эмас. Ҳаттоки бир одам қурбонлиқ кунининг аввалги вақтида диндан қайтгандан кейин охир вақтида, яъни, Ийди Қурбоннинг учинчи куни аср намозига яқин мусулмон бўлса, ул кишига қурбонлиқ қилмоқ вожиб.

Қурбонлиқ қилмоқ вожиб бўлмоғининг шартларидан баъзиси ҳур бўлмоқдир. Бас, қулга қурбонлиқ қилмоқ вожиб эмас, ҳаттоки савдогарликка ё мукотабликка жавоб берилган бўлса ҳам. Ва қурбонлиқ вақтининг аввал вақтидан озод бўлмоқ шарт қилинган эмас, балки қурбонлиқ қилинадиган куннинг охиридан андак вақт қолганда озод бўлса, кифоя қилур, ҳаттоки охир вақтида озод қилинса ва икки юз тангага молик бўлса, қурбонлиқ қилмоқ ул кишига вожиб бўлгай.

Ва қурбонлиқ қилинадиган вақтнинг жамиъи вақтида муқим бўлиб турмоқ шарт қилинган эмас, ҳаттоки агар вақтнинг аввалида мусофир бўлса, ундан кейин охир вақтда муқим бўлса, унга қурбонлиқ қилмоқ вожиб бўлгай.

Аммо ул қурбонлиқнинг ҳукми дунёда вожибнинг ўҳдасидан чиқмоқдир ва охиратда Худойи таборак ва таолонинг фазли ва карами бирла савобга етишмоқдир. Ушбудек «Ғиёсийя» китобида мазкурдир.

Қурбонлиқнинг хотинларга вожиб бўлишида маҳрни эътибор қилинмайди. Айтилибдики, бу ихтилоф уламоларнинг ора-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларида маҳри муажжалгаки, уни форсийда дастпаймон дейилурки, бу қўлига нақд олган маҳрдир. Аммо маҳри муажжалки, уни форсийда кобин дейилур, яъни, насийага муқаррар қилиб, дайн қилиб қўйилган маҳрдир, бу насийа маҳрлик хотинни, уламоларнинг иттифоқлари билан, бой хотин дейилмайди. Чунончи, «Фатовойи Оламгириййа»да мазкурдир.

هِيَ شَاةٌ مِنْ فَرْدٍ

Қурбонлиқ қилмоқ бир одам учун бир қўйдир. Қўй исми жинсдир. Қўйнинг ва эчкининг эркак ва урғочисига шомилдир. Мазкурларнинг ахта қилинган эркакларини қурбонлиқ қилмоқ афзалдир. Зероки, ахта қилинган қўй ва эчкиларнинг гўштлари хушбўйроқ ва манфаатлироқдир.

Камбағал одам қурбонлиқ қилувчиларга ўхшаб товуқ ва хўроз сўймоғи макруҳдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

Агар етти одам етти қўйни сотиб олиб, ҳар қайсилари бир қўйни қурбонлиқ қилсалар жоиздир, яъни, мана бу қўй меники демай, қайси бирини сўйсалар ҳам жоиздир. Бу қавл бехилофдир. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир. Баъзиларнинг бир қўй етти кишига кифоя қилур деганларига амал қилинмайдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

Агар нонвойнинг олдида икки юз тангалик буғдой бўлса, бу буғдой билан савдогарлик қилиб турган бўлса ёки икки юз тангага баҳоси етадиган тузи бўлса, ё қассобнинг олдида икки юз тангага қиймати етадиган совун ё ишқор бўлса, бас, ул кишига қурбонлиқ қилмоқ вожибдир. Ушбудек «Муҳит» китобида мазкурдир.

Агар бир одамда баҳоси икки юз тангага етадиган Каломуллоҳ (бўлса) ва ул одамнинг ўзи яхшилаб ўқиб оладиган кишилардан бўлса, хоҳ ул Қуръондан ўқисин, хоҳ сустлик қилиб, ўқимасин, қурбонлиқ лозим эмас. Агар Қуръонни яхшилаб ўқий олмаса, ул кишига қурбонлиқ қилмоқ вожибдир. Агар ёш боласи бўлса, уни устозга топширгунча Қуръонни сақлаб турса, бас, ул одамга қурбонлиқ қилмоқ лозимдир. Чунончи, «Фатовойи Оламгириййа»да мазкурдир. Фиқх илмининг китоблари,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳадисга оид китоблар ҳам мазкур ҳукмда Қуръонга ўхшашдир. Ушбудек «Заҳириййа»да мазкурдир. Муллаларнинг китоблари бўлгани билан улар ғаний (бой) ҳисобланмайдилар, бироқ ҳар хил китобдан иккитадан бўлса, (бой) ҳисобланади. Бир ривойатда икки шайхдан, масалан, Абу Ҳафс ва Абу Сулаймон ривойатларига ўхшаш. Имом Муҳаммад раҳматуллаҳи алайҳдан шундай (ривойат)ки, ҳадис китобларининг ва тафсир китобларининг эгаларига қурбонлиқ вожиб эмас ва улар ғанийга ҳисобланмайдилар, борди-ю, ҳар хил китобдан иккитадан бўлса ҳам, тиб, нужум ва адаб китобларининг эгалари ғаний ҳисобланади, борди-ю, уларнинг қиймати икки юз тангага етса. Ушбудек «Важиз лил-карварит»да мазкурдир.

صَاحِبُ الْكَرِيمِ غَنِيٌّ إِذْ سَاوَى مِائَتَيْ دِرْهَمٍ

яъни, токли боғнинг эгаси ғанийдир, шундай шарт биланки, агар боғнинг қиймати икки юз тангага баробар келса. Ушбудек «Хулоса»да мазкурдир.

وَبَقَرَةٌ اَوْ بَعِيرٌ مِنْهُ اِلَى سَبْعَةٍ اِنْ لَمْ يَكُنْ لِفَرْدٍ اَقَلَّ مِنْ سَبْعٍ

Ва яна қурбонлиқ бир киши учун бир қорамолдир ё бир туядир, бундан етти кишигача дурустдир, яъни, икки юз танга миқдори молга қудрати етган одамдан етти одамгача, яъни, ё икки, ё уч, ё тўрт, ё беш, ё олти, ё етти одамгача бир сигир ё бир туя қурбонлиқ қилмоқ жоиздир. Агар ҳар бир одамнинг қадри ҳиссаси етти тақсимнинг бир тақсимидан камроқ бўлмаса, ҳаттоки агар бирининг қадри ҳиссаси еттидан бирдан камроқ бўлса, жоиз эмас. Масалан, бир сигир ё бир туянинг қиммати етти тилло бўлса ва унга етти одам шерик бўлса, ҳар бирининг қадри ҳиссаси бир тиллодан бўлса, лекин мазкур шериклардан бири бир тиллодан камроқ берса, дуруст эмас, ҳеч бирларидан қурбонлиқ ҳисоб бўлмайди. Чунончи, «Гўрмирий»да мазкурдир. Ҳаттоки бир одам ўлса ва ундан икки ўғил, бир хотин ва бир сигир қолса ва ул сигирни қурбонлиқ қилсалар, ҳаммаларидан жоиз эмас. Зеро, хотиннинг насибаси саккиздан бир эди. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

Сигирнинг бир хили жомусдир, уни туркийда қўтос дейи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лур. Қўтос ҳам, мухтор қавлга биноан, етти одамдан жоиздир. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир. Қорамолнинг эркак ва урғочиси жоиздир, урғочиси афзал ва яхшироқдир. Чунончи, «Хизона» китобида мазкурдир.

Туянинг хоҳ эркаги, хоҳ урғочиси баробардир, лекин урғочиси афзалдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

Қурбонлиқ қилмоққа афзал туядир, ундан кейин қорамол афзалдир, ундан кейин қўй афзалдир, ундан кейин эчки афзалдир. Ундан кейин мазкурларнинг йўғони, семизроғи ва ёши каттароғи афзалдир. Ҳар ҳайвонки, кўпроқ пуллик бўлса, ул афзалдир. Саҳронишин кишиларга туя сўймоқ афзал, қишлоқиларга қорамол сўймоқ афзал, шаҳарликларга эркак қўй сўймоқ афзалдир. Чунончи, «Назм» китобида мазкурдир, «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир.

Баъзилар айтибдики, бир қўй қурбонлиқ қилмоқ қорамолнинг еттидан биридан кўра афзалдир. Бир қорамолдан эса етти қўйни қурбонлиқ қилмоқ афзалдир. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир.

Агар ўн тўрт киши икки қорамолни шериклик олиб, қурбонлиқ қилсалар, жоиз. Чунончи, «Мунйа» китобида мазкурдир.

وَ يُقْسَمُ اللَّحْمُ وَزْنًا لا جَزَافًا

Бир неча одамлар шерик бўлиб, сигир ё туя олишиб сўйишган қурбонлиқнинг гўшти шерикларнинг ҳар бирига тарозу билан баробар тортиб, бўлиб берилгай. Тарозу билан тортмай, тахмин ва мўлжал билан тақсим қилмоқ дуруст эмас.

اِلاَّ اِذَا ضُمَّ مَعَهُ مِنْ اَكَارِعِه اَوْ جِلْدِه

Магар гўшт билан оёқлари, калласи ё терисини қўшиб, тақсим қилинса, дурустдир. Бас, агар етти киши бўлсалар, гўштни етти бўлгайлар ва каллани бир одамнинг тақсимига қўшгайлар. Ва пойгаларни тўрт одам бўлиб олган гўштига қўшгайлар. Терисини икки одамга бергайлар. Шундай бўлиб олмоқ жоиздир. Чунончи, «Заҳирийя» китобида мазкурдир. Бўлиб олганларидан сўнг бир-биридан рози бўлмоқ шарт қилинди. Чунончи, «Қозихон»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَصَحَّ اشْتِرَاكُ سِتَّةٍ فِي بَقَرَةٍ مَشْرِيَّةٍ لِأُضْحِيَّةٍ

Одамларнинг ҳожати бўлгани сабабидан қурбонлиқ учун олинган сигирга олти кишининг шерик бўлмоғи зоҳир ривойатда дурустдир, яъни, бир одам бир сигирни ўзи қурбонлиқ қилмоқ учун сотиб олгандан кейин ул одамга яна беш кишининг шерик бўлмоғи зоҳир ривойатда саҳиҳ ва дурустдир. Улар хоҳ ғаний, хоҳ фақир бўлсинлар, хоҳ бирдан шерик бўлсинлар, хоҳ бўлак-бўлак келиб шерик бўлсинлар, бари бирдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Қиёсда жоиз эмас ва бу қиёс қавли Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдандир. Ва бу Имом Зуфар раҳматуллоҳ қавлларидир. Зероки, ул сигирни ўзи қурбонлиқ қилмоқ учун сотиб олган киши қурбат ниййати билан тайёрлабдир. Бас, ул одамга бундан бир нарсани сотмоқ раво эмас. Зеро, ул қурбатни ниййат қилиб сотиб олгандир.

Бир нарса бериб қурбонликка шерик бўлмоқ – бу баъзисига эга бўлмоқ ва сотмоқдир. Бизларнинг далилимиз шундайки, одамлар у билан сотиб олмасдан илгари шерик бўлсалар, андоғким, ҳаммалари бирдан қурбонлиқни сотиб олсалар, жоиздир. Шунингдек, сотиб олгандан кейин, сўймасдан илгари шерик бўлсалар ҳам, жоиздир. Бу қандай? Зероки, мусулмонлар гоҳо шунга муҳтож бўлгайлар, чунки гоҳо семиз сигир топгай ва сотиб олар вақтида шерик қилмоқ учун ҳеч кимни кўрмагай, сотиб олгандан кейин шерик бўладиганларни талаб қилгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

Агар бир киши ўзи қурбонлиқ қилмоқ учун бир сигирни сотиб олса, сўнг олти одам шерик бўлса, бекароҳат (макруҳлик билан) жоиздир. Зероки, ҳукман баманзалаи етти қўйдир. Лекин сигирни сотиб олаётган вақтда уларни шерик қилмоқни ирода қилса, макруҳ бўлмайди. Агар сотиб олишдан аввал шерик бўлсалар, яхшироқ бўлгай. Бу шундай шарт биланки, сотиб олувчи ғаний бўлса, яъни, икки юз тангага қудрати етадиган бой бўлса. Агар бечора ва фақир бўлса, албатта, ўзи учун қурбонлиқ қилмоққа сотиб олиш билан қурбонлиқни ўзига вожиб қилибди. Бас, бировни шерик қилмоқ унга жоиз эмас. Чунончи, «Фатовойи Оламгириййа»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир одам тўқсон тангалик қўйни қурбонлиқ қилса ва бир киши етмиш тангалик сигирни қурбонлиқ қилса ва яна бир одам юз тангани садақа қилса, бас, қўй эгасининг қурбонлиғи сигир эгасининг қурбонлиғидан аълодир. Зероки, қўйнинг қиймати ва баҳоси кўпроқдир. Сигир қурбонлиқ қилган одамнинг савоби юз танга садақа қилган одамнинг савобидан катта ва улуғроқдир. Чунончи, «Оламгирийя»да мазкурдир. Ўн тангага қурбонлиқ сотиб олмоқ минг танга садақа қилгандан афзалдир. Ушбудек «Фатовойи Оламгирийя»да мазкурдир.

وَ ذَا قَبْلَ الشِّرَاءِ اَحَبُّ

Қурбонлиқни сотиб олмасдан илгари шерик бўлмоқ мустаҳабдир, зероки, бунда хилофи масъалада сақланмоқ ва эҳтиёт бўлмоқ бордир. Сотиб олган бечора бўлса, кейин шерик бўлмоқ дуруст эмас, дейилди. Бундан зиёдаси «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдан (ривойат) шулки, қурбонлиқни сотиб олгандан кейин (шерик бўлмоқ) макруҳдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Китобул-Ихтиёр»да мазкурдир.

وَ يُضَحِّي الاَبُ اَو الوَصِيُّ مِنْ مَالِ طِفْلٍ غَنِيٍّ

Ёш боланинг қурбонлиқ қилмоққа вожиб бўладиган моли бўлса, отаси ё васий бўлган киши унинг молидан қурбонлиқ қилгай. Бу Имом Аъзам ва Имом Абу Юсуф раҳимаҳумаллоҳ назрларида. Имом Муҳаммад, Имом Зуфар ва Имом Шофеъий раҳимаҳумуллоҳ айтдиларки, ёш ғаний болага қурбонлиқ қилмоқ вожиб эмас. Ушбудек «Кофий» китобида мазкурдир. Зероки, агар мақсад молни нобуд қилмоқ бўлса, бас, ота боласининг молига молик (эга) бўла олмагай, бу ўғлининг қулини озод қила олмаганга ўхшашдир. Агар мақсад қон тўккандан кейин гўшт садақа қилмоқ бўлса, бас, бу нафлдир ва ёш боланинг моли садақаи нафлни қабул қилмайди. Чунончи, «Шарҳи Илёс», «Ҳидоя», «Мабсут»да мазкурдир.

فَيَأْكُلُ الطِّفْلُ

Ҳар вақтики, ота ё васий бой боланинг молидан қурбоник

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилса, бас, ул ёш бола ўз молидан қилинган қурбонлиқнинг гўштидан егай.

وَ مَا بَقِيَ يُبَدَّلُ بِمَا يُنْتَفَعُ بِعَيْنِهِ

Қолгани ўзи фойдаланадиган нарсага алиштирилгай. Масалан, жома, кафш, этик ва маҳсига ўхшаш нарсага. Йўқ ва нобуд бўладиган нарсага алиштирилмагай, масалан, нон ва нонга ўхшаган нарсаларга. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَاَوَّلُ وَقْتِهَا بَعْدَ صَلٰوةِ الْعِيْدِ اِنْ ذُبِحَ فِي مِصْرٍ

Қурбонлиқ сўймоқнинг аввал вақти, агар шаҳарда бўлса, Ийди Қурбон намозини ўқигандан кейиндир, яъни, намози жумъа ва намози ийд ўқиладиган жойда сўйилса, зероки, Ийди Қурбон ул шаҳар аҳлига вожибдир. Агар қурбонлиқ намоздан илгари сўйилса, унга машғул бўлиб қолиб, намоздан қолмоқ эҳтимоли бордир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Бас, шаҳарликларнинг то Намози ийдни ўқимасдан илгари қурбонлиқни сўймоқлари жоиз эмас. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ بَعْدَ طُلُوعِ الْفَجْرِ يَوْمَ النَّحْرِ اِنْ ذُبِحَ فِي غَيْرِهِ

Қурбонлиқ сўймоқнинг аввал вақти, агар шаҳардан бошқа жойда сўйилса, яъни, намози жумъа ва Намози ийд ўқиладиган жойда сўйилса, Қурбон ойининг ўнинчи куни тонг оттандан кейиндир. Бас, аҳли савод, яъни, саҳродаги жамоаки, уларнинг жойларида намози жумъа ва Намози ийд ўқилмайди, Намози бомдоддан кейин қурбонлиқни сўйгайлар. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир. Бас, ҳар вақтики, шаҳарлик одам шошиб, қурбонлиқ қилмоқни ирода қилса, мусофирга қаср ўқимоқ мубоҳ бўладиган мавзеъга қурбонлиқни шаҳардан олиб чиқиб, сўйиб келмоққа фармойиш қилгай, бас, бомдод вақти ёриганда сўйгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ آخِرُهُ قَبْلَ غُرُوبِ الْيَوْمِ الثَّالِثِ

Қурбонлиқ сўймоқнинг оҳир вақти Қурбон ойининг ўн ик-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кинчи куни, кун ботмасдан андак илгаридир, бу ҳадис ворид бўлгани сабаблидир. Лекин ўнинчи кун қурбонлиқ қилмоқ афзалдир. Ундан кейин ўн биринчи кун, ундан кейин ўн иккинчи кун яхшироқдир. Чунончи, «Сирожиййа»да мазкурдир.

وَ اُعْتُبِرَ الْاَخِرُ لِلْفَقْرِ وَضِدِّهِ وَالْوِلَادَةِ وَالْمَوْتِ

Қурбонлиқ қилмоқ вожиб бўлмоққа бечоралик ва бойлик учун, туғилмоқ ва ўлмоқ учун вақтнинг охирига эътибор қилинади. Масалан, бир одам қурбонлиқ қилмоққа қудрати етадиган бой бўлса, ойнинг ўн иккинчи куни, намози асрнинг охирги вақтида фақир бўлиб қолса, ул кишидан қурбонлиқ қилмоқ вожиблиги соқит бўлгай. Ёки бир одам бечора бўлса, мазкур охир вақтда ғаний бўлиб қолса, ул одамга қурбонлиқ қилмоқ вожиб бўлгай. Ё бир ғаний кишининг хотини мазкур ўн иккинчи кунда намози асрнинг охир вақтида бола туғса, ул бола учун қурбонлиқ сўймоқ вожибдир. Ёки қурбонлиқ қилинадиган куннинг охир вақтида қурбонлиқ қилмоққа қудрати етадиган одам ўлса, ул кишидан қурбонлиқ қилмоқ соқит бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

Агар қурбонлиқ қилинадиган жонлиқни шаҳарда муқим сотиб олгандан кейин бошқа шаҳарга сафар қилса, уни сотмоқ жоиздир. Зероки, мусофирга қурбонлиқ қилмоқ вожиб эмас. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир.

Агар кофир охир вақтда мусулмон бўлса ё ёш бола балоғатга етса, ё мусофир муқим бўлса, мазкурларга қурбонлиқ қилмоқ вожиб бўлгай. Чунончи, «Мунйа» китобида мазкурдир.

Агар мусофир бир шаҳарда ўн беш кун муқим бўлмоқни қасд қилса, ул кишига қурбонлиқ қилмоқ, намози ийдайн (икки ийд намози)ни ва намози жумъани ўқимоқ лозим бўлур. Чунончи, «Баҳрул-Муҳит»да мазкурдир.

وَكُرِهَ الذَّبْحُ فِي اللَّيْلِ

Қурбонлиқ қилинадиган жонлиқни кечаси, яъни, ушбу уч куннинг ўртасидаги икки кечада қурбонлиқни сўймоқ макруҳи танзиҳийдир. Забҳ қилмоқ шарти йўқ бўлур эҳтимоли ҳамда бундан бошқанинг ҳам йўқ бўлур эҳтимоли бўлгани сабабли-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ки, тайин қилинган жойидан суймоқ ва покиза қилмоқ йўқ бўлмоғи эҳтимоли бўлгани сабабли. Бас, қурбонлиқни кундузи сўймоқ мустаҳабдир. Чунончи, «Ниҳоя»да мазкурдир.

وَ يَقْضِى النَّاذِرُ

Қурбонлиқ қилмоқни назр қилган киши қурбонлиқ қиладиган вақтда сўймаса ва айёми наҳр (сўйиладиган кунлар) ўтиб кетса, қазо қилгай, яъни, ул назр қилинган қўйни тириклигича садақа қилмоқ билан назрини гарданидан соқит қилгай. Масалан, бир одам, ушбу жонлиқни қурбонлиқ қилмоқ менга лозим бўлсин, деса ёки «лиллаҳи алаййа ан тазҳиййата шотин» деса, яъни, Худойи таоло учун менга бир қўйни қурбонлиқ қилмоқ лозимдир, деса ва қурбонлиқнинг вақтлари ўтса, қийматини садақа қилмоқ, назр қилган жонлиғини тирик садақа қилмоқ вожиб бўлур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَفَقِيرٌ شَرَى لِلأُضْحِيَّةِ بِتَصَدُّقِهَا حَيَّةً

Ва икки юз тангага қудрати етмайдиган бечора одам қурбонлиқ қилмоқ учун сотиб олган жонлиғини қурбонлиқ қиладиган вақти ўтса, ул жонлиқни тириклигича садақа қилмоқ вожиб бўлур.

وَالْغَنِيُّ بِتَصَدُّقِ قِيْمَتِهَا شَرَى اَوْلا

Икки юз танга миқдорига қудрати етадиган ғаний одамдан қурбонлиқ қиладиган вақти ўтса, қурбонлиқ қилмоққа салоҳияти бор ҳайвоннинг қийматини садақа қилмоқ бирла қазосини бажо келтиргай. Чунончи, «Хулоса»да баён қилинди. Ё ўртача баҳоли қўйнинг қийматини садақа қилгай. Чунончи, «Зоҳидий»да, «Назм» китобида ва бошқаларда баён қилинди. Ул ғаний қурбонлиқ қилинадиган ҳайвонни сотиб олган бўлсин ё олмаган бўлсин, қийматини садақа қилгай.

وَ صَحَّ الجَذْعُ مِنَ الضَّأْنِ

Олти ойга тўлган қўйни қурбонлиқ қилмоқ дурустдир. Жазъ деб шариатда, уламоларнинг кўпроқлари наздларида, йилнинг кўпроғига кирган қўйга айтилур. Ушбудек «Кофий» китобида

www.ziyouz.com kutubxonasi

мазкурдир. «Муҳит»да йилнинг кўпроғи дейилгани саккиз ойга дохил бўлган (кирган) қўй деб баён қилинур, «Хизона» китобида олти ойдан чизи (бирор муддат) зиёда бўлган қўй деб баён қилинибди. Аммо бул баён қилинган қўйни қурбонлиқ қилмоқ жоиз бўлур, борди-ю, жуссаси катта ва йўғон бўлса. Агар кичик бўлса, жоиз эмас. Магар икки ёшга дохил бўлса, қурбонликка сўймоқ дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. «Муҳит»да «олти ойга тўлганнинг жуссаси катта бўлса», демоқнинг маъноси шуки, ҳар вақт уни кўрган одам бир ёшга тўлгандир, деб гумон қилса, агар бундоқ гумон қилмаса, уни қурбонлиқ қилмоқ дуруст эмас. «Зоҳидий» китобида (ёзилишича), бу «жазъ» фақиҳлар наздида, шундай қўйки, унга олти ой тўлиқ бўлган бўлса. Мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ «миназ-заъни» деб хос қилдилар, чунки эчкининг боласиким, уни туркийда ўғлоқ дерлар, бир ёшга тўлмаганини қурбонлиқ қилмоқ дуруст эмас. Бошқани ҳам, яъни, думбали ҳайвондан бошқанинг бир йилга тўлмаганини бехилоф қурбонлиқ қилмоқ дуруст эмас. Чунончи, «Мабсут» китобида ҳам мазкурдир. Заън деб думбали ҳайвонга айтилур. Чунончи, «Раддул-Мухтор»да мазкурдир.

وَالثَّنِيُّ فَصَاعِدًا مِنْ غَيْرِهِ وَهُوَ ابْنُ حَوْلٍ مِنَ الضَّأْنِ وَالْمَعْزِ وَحَوْلَيْنِ مِنَ الْبَقَرِ وَخَمْسٍ مِنَ الإِبِلِ

Қурбонлиқ қилмоққа қўйдан, эчкидан ва бошқалардан санний ва ундан зиёдали дурустдир, яъни, санний деб қўй ва эчкининг бир ёшга тўлганига айтилади, қорамолнинг икки ёшга тўлганига айтилади, туянинг беш ёшга тўлганига айтилади. Ҳосили маъно шуки, эчки ва қўйнинг бир ёшга етганини ва бир йилдан зиёдасини қурбонлиқ қилмоқ жоиздир. Қорамолнинг икки йил ва икки йилдан ортиқ бўлганини қурбонлиқ қилмоқ жоиздир, туянинг беш ёшга етганини ва ундан зиёдасини қурбонлиқ қилмоқ жоиздир. Аммо олти ойликни қурбонлиқ қилмоқнинг дурустлиги қўйдадир, қўйдан бошқада эмас. Чунончи, «Гўрмирий»да ҳам мазкурдир. Бунда шу нарсадан огоҳлантириш борки, жадй, яъни, эчкининг боласиким, уни ўғлоқ дер-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар, ҳамл, яъни, қўзи, ижл, яъни, бузоқ, фасил, яъни, туянинг сутдан айирган боласи, мазкурларни қурбонлиқ учун сўйиб бўлмайди. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир.

وَيُذْبَحُ الثَّوْلَاءُ

Жинни бўлган ҳайвонни қурбонлиқ учун сўймоқ дурустдир. Айтилибдики, жинни ҳайвонни қурбонлиқ қилмоқ жоиздир, ҳар вақтики, ўт еса, аммо (ўзича) ўтламаса, қурбонлиқ учун сўймоқ жоиз эмас. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

Жинни бўлган ҳайвонни қурбонлиқ қилмоқ жоиз бўлганга ўхшаш қирчанғини, яъни, қўтир ҳайвонни қурбонлиқ қилмоқ дурустдир, булар башарти семиз бўлсалар, сўйилур. Чунончи, «Кофий» китобида ҳам мазкурдир.

وَالْجَمَّاءُ

Шохсиз ҳайвонни ва шунга ўхшаш синмоқ бирла ё бошқа сабаб билан шохнинг баъзиси кетган ҳайвонни қурбонлиққа сўймоқ дурустдир. Бас, агар шохи тагидан синган бўлса, уни қурбонлиқ қилмоқ жоиз эмас. Тиши йўқ, ўтлайдиган ҳайвонни қурбонлиқ қилмоқ дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Тили кесик, ўтлайдиган қўйни қурбонлиқ қилмоқ дурустдир. Зарбаҳрий айтибдурки, тили йўқ қўйни қурбонлиқ қилмоқ дуруст эмас. Зероки, қорамол ўтни тили билан олур, қўй тиши билан олур. Чунончи, «Мунйа»да мазкурдир.

وَالْخَصِيُّ

Бичилган ҳайвонни қурбонлиқ қилмоқ дурустдир. Бас, жимоъ қилмоқдан ожиз бўлиб қолган ҳайвонни, хусйаси кичик ҳайвонни ва яна доғ солинган ҳайвонни, йўтал ҳайвонни қурбонлиқ қилмоқ дурустдир. Чунончи, «Назм» китобида ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

Билгилки, бу баён қилинганларнинг ҳаммаси айбдан холий эмасдир ва қурбонлиқ қиладиганларга мустаҳаб шулки, қурбонлиқ қилинадиган ҳайвонлар айби зоҳирлардан саломат бўлгай. Бас, бул мақомда жоиз дейилган ҳайвонлар макруҳлик билан жоиздир. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

لَا عَجْفَاءُ

Ориқликдан суягида мағзи йўқ ҳайвон қурбонликка сўйилмагай. Чунончи, «Назм» китобида мазкурдир. Ориқ ҳайвонни қурбонлик қилмоқни боки йўқдир, баъзи чарвиси бор ҳайвонни қурбонлик қилмоққа ўхшаш. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир. «Ҳидоя» соҳиби айтибдурларки, ҳар вақт қўй ё қорамолнинг мўйи тўкилмайдиган вақтда мўйлари тўкилса ва уларнинг суякларида мағзи бўлса, (қурбонликка) дурустдир.

وَ عَرْجَاءُ لَا تَمْشِي اِلَى الْمَنْسَكِ

Оқсоқ ҳайвонки, сўядиган жойга ўз оёғи билан боролмаса, дуруст эмас. Бас, агар уч оёғи билан юриб, тўртинчи оёғини ерга андак енгил қўйса ва юрмоғига ул оёғи билан озроқ кўмак берса, уни қурбонлик учун сўймоқ дурустдир. Буни Шайху-л-Ислом баён қилибдурлар. Чунончи, «Кирмоний»да мазкурдир.

Билгилки, икки эмчагидан бири бўлмаган қўйни қурбонликка сўйиб бўлмайди. Ё офат билан бир эмчаги кетган қўйни ҳам сўйиб бўлмайди. Аммо туяда бир эмчагининг йўқ бўлмоғи қурбонликка сўймоқдан манъ қилмайди, магар иккала эмчаги нобуд бўлиб кетган бўлса, қурбонликка сўйиб бўлмайди. Чунончи, «Хулоса»да мазкурдир.

Мурдор нарсадан бошқани емайдиган ҳайвон қурбонлик қилмоққа ярамайди. Чунончи, «Заҳириййа»да мазкурдир.

وَمَا ذَهَبَ اَكْثَرُ مِنْ ثُلُثِ اُذُنِهَا اَوْ ذَنَبِهَا اَوْ عَيْنِهَا اَوْ اَلْيَتِهَا

Қулоғи ё думининг, ё кўзи, ё думбасининг уч ҳиссасидан бир ҳиссасининг кўпроғи кетса, яъни, нобуд бўлса, қурбонликка сўймоқ дуруст эмас. Ва асли шуки, айби кўпроқ бўлса, монеъдир ва оз бўлса, монеъ эмас, яъни, қурбонликка айби оз ҳайвонни сўйиб бўлгай. Зероки, кўпинча ҳайвон айбдан холий бўлмайди, бас, бундан эҳтироз қилмоқ мумкин эмас.

Ҳайвон айбининг андозаси тўғрисида Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдан тўрт ривойат бордир. Бас, ул жанобдан зоҳир ривойатда уч ҳиссадан бир ҳиссасининг ошиқроғи монеъдир, ҳаттоки агар нобуд бўлгани учдан бирдан кўпроқ бўлса, уни қурбонлик қилмоқ жоиз эмас. Ва агар нобуд бўлгани учдан бир ёки

www.ziyouz.com kutubxonasi

учдан бирдан озроқ бўлса, жоиздир. Ва ушбу тариқа ривойат қилдилар Хушом Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳдан. Бир ривойатда учдан бири нобуд бўлганда жоиз эмаслигига ишорат қилинур, ҳаттоки агар нобуд бўлгани учдан бирдан камроқ бўлса, қурбонликка сўймоқ дуруст бўлгай, агар учдан бири нобуд бўлиб кетган бўлса, жоиз эмас. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкрудир. Аввалги ривойат зоҳиру-р-ривойатдир. Ва тасҳиҳ қилибдурлар уни «Китобул-хонийя»да ва айтибдурлар: саҳиҳ қавл шулки, учдан бири ва ундан ками оздир, яъни, оз айбдир. Ва учдан бирдан кўпроғи кўп айбдир. Ва фатво ушбугадир. «Мухтасар» соҳиби ва «Ислоҳ» соҳиби ҳам шунга борибдурлар. Чунончи, «Раддул-Мухтор»да ҳам мазкурдир.

Кўздан бошқа аъзоларнинг кўпроқ ё озроқ айбининг миқдорини билмоқ тариқаси зоҳир ва ошкордир. Аммо кўзда айб борлигини билмоқ учун, албатта, айтибдурларки, ул ҳайвонга бир кун ё икки кун ўт берилмагай. Сўнг иллатли кўзи бир нарса билан боғлангай, шундан сўнг унинг яқинига ўтни оз-оздан ташлагай. Ҳар вақт ўтни кўрсатиб, билдирилган мавзеъдан ул ўтни кўрса, ундан сўнг ўтни кўрган жойни тайинлаб қўйиб, ҳайвоннинг соғ кўзини боғлагай ва унга ўтни кўрсатгай. Ул соғ кўзи билан кўрган мавзеънинг тафовути шулки, соғ кўзи кўрган жойнинг учдан бирини кўрса, иллатли кўзнинг нобуд бўлгани учдан биридир. Агар ярмини кўрса, иллатли кўзнинг ярми нобуд бўлгандир. Ва бунга қиёс қилинур, чунончи, «Зоҳидий»да мазкурдир ва «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир.

Бурни кесик ҳайвон қурбонликка кифоя қилмайди. Ушбудек «Заҳирийя»да мазкурдир.

Ғилай ҳайвонни қурбонлиқ қилмоқ дурустдир. Шунингдек, юнги олинган ҳайвонни қурбонлиқ қилмоқ дурустдир. Чунончи, «Фатовойи Қозихон»да мазкурдир.

«Хизона»да (ёзилишича), тўрт оёғидан бири кесилган ҳайвонни қурбонлиқ қилмоқ дуруст эмас. Ушбудек «Тоторхонийя»да ҳам мазкурдир. Хунаса қўйни қурбонлиқ қилмоқ жоиз эмас. Зероки, хунаса қўйнинг гўшти пишмайди. Чунончи, «Шарҳи Ваҳбонийя» ва «Оламгирийя»да мазкурдир. «Дуррул-Мухтор»да ҳам мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Икки эмчагининг биридан сут келмайдиган бўлиб қолган қўй қурбонликка кифоя қилмайди. Икки эмчагидан сут келмайдиган бўлиб қолган туя билан сигир қурбонликка кифоя қилмайди. Зероки, туя билан сигирнинг ҳар бирида тўрт эмчак бордир. Ушбудек «Тоторхонийя»да мазкурдир. Бизлар баён қилган ул айблар ҳар вақт сотиб олганда мавжуд бўлса. Ва агар аъзолари саломат ҳайвонни сотиб олгандан кейин қурбонликдан манъ қиладиган айбнок бўлса, агар ғаний (одам) бўлса, бошқа жонлиқ олиб, қурбонлиқ қилгай. Агар бечора бўлса, ул айбдор ҳайвон кифоя қилгай. Зероки, бойга қурбонлиқнинг вожиб бўлмоғи шариат билан аввалдандир, сотиб олган билан вожиб бўлган эмас. Бас, ғанийга сотиб олмоқ билан қўй муаййан бўлди. Ва фақирга қурбонлиқ қилмоқ ниййати билан сотиб олмоқнинг сабаби бирла вожибдир. Бас, ул қурбонлиқ учун сотиб олинган қўй муаййан бўлди. Ул фақирга айбдор ҳайвоннинг нуқсонини тўламоқ вожиб эмас. Нисобга етган моли камайганда, камини мол соҳиби тўламаганга ўхшаш, яъни, ҳалок ва нобуд бўлган молнинг миқдори вожиб соқит бўлганга ўхшаш. Чунончи, «Ҳидоя»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир. Ушбу жиҳатдан фақиҳлар айтибдурларки, ҳар вақт қурбонлиқ учун сотиб олинган ҳайвон ўлса, бой унинг ўрнига бошқани олгай, фақирга ҳеч нарса вожиб эмас. Агар қурбонликка олинган ҳайвон йўқолса ё ўғирланса, қурбонлиқ учун яна бошқани олса, қурбонлиқ қилинадиган кунларда аввалги жонлиқ топилса, биттасини сўймоқ ғанийга вожибдир, иккаласини сўймоқ бечорага вожибдир. Чунончи, «Шамний»да ва «Ҳидоя»да мазкурдир. Зероки, фақирга жонлиқни сотиб олмоқ қурбонлиқ ниййати сабабли вожибдир. Албатта, жонлиқ бир неча бўлса, вожиб ҳам бир нечта бўлгай. Бойга шарънинг вожиб қилмоғи билан лозим бўлур ва шариатда ғанийга бир жонлиқ қурбонлиқ қилмоқдан бошқа вожиб қилмабдир. Ушбудек «Фатовойи Заҳирийя»да ва «Ниҳоя»да мазкурдир.

Агар ғаний қурбонлиқни сотиб олса ва ул жонлиқнинг иккала кўзи соғ бўлса, ундан кейин ўзининг олдида кўр бўлса ё қулоғининг ҳаммаси кесилса, ёки думбаси, ё думи кесилса, ё оёғи синиб, юролмаса, у кифоя қилмагай, ўрнига бошқани олмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

вожибдир. Бечорага бошқани олмоқ вожиб эмас. Чунончи, «Фатовойи Оламгирийя»да мазкурдир.

Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳдан қилинган ривойат шундайки, ул жаноб айтдиларки, қурбонлиқни сўймоққа илож қилганда, оёғини синдирса ё кўр қилса, ундан кейин ўша куни ё эртаси сўйса, албатта, ул айбнок ҳайвон кифоя қилур. Ушбудек «Бадойиъ»да мазкурдир.

Ўн одам бир кишидан ўн қўйни бирдан сотиб олсалар, сотган киши, бул ўн қўйнинг ҳар бирини ўн тангадан сизларга сотдим, деса, улар эса бизлар сотиб олдик десалар, бас, мазкур ўн қўй ул кишилар ўрталарида шериклик бўлди. Уларнинг ҳар қайси бирлари бир қўйни олиб, ўзлари учун қурбонлиқ қилсалар, дурустдир. Бас, агар ул ўн қўйдан бирининг кўрлиги зоҳир бўлса, шерикларнинг ҳеч қайси бирлари ул кўр қўйга эга бўлмоқни қабул қилмасалар, ҳаммаларининг қурбонликлари жоиз эмас. Зероки, ўн нафар одамдан тўққизи жоиз бўлмайди. Ушбу тариқа «Фатовойи Қозихон»да мазкурдир.

Ахта ҳайвон ахта қилинмаган ҳайвондан афзал ва яхшироқдир. Зероки, гўшти покизароқдир. Ушбудек «Муҳит» китобида мазкурдир. Қулоғи кичик ҳайвон ва қулоғида тешиги бор ё қулоғи баландидан пастигача ёрилган ҳайвон дурустдир. Бас, агар қулоқсиз туғилган бўлса, уни қурбонлиқ қилмоқ дуруст эмас. Ушбудек бир қулоғи йўқ ҳайвонни қурбонлиқ қилмоқ дуруст эмас. Чунончи, «Муъинул-ҳукком»да мазкурдир. Имом Саффорнинг «Усулу-т-тавҳир» китобларида шундайки, қурбонлиқ кунларида қурбонлиқ қилмоққа камбағаллик жиҳатидан қурбонлиғи йўқ одам қурбонлиқ қиладиганларга ўхшамоқ учун хўрозни ва товуқни қурбонлиқ қилмоғи макруҳдир. Зероки, хўроз ва товуқни қурбонлиқ учун сўймоқ оташпарастларнинг одатидир. Ушбудек «Хулоса»да мазкурдир.

Олати кесилган ҳайвонким, жимоъдан ожиздир ва ул ҳайвонки, йўтали бордир, ул ҳайвонки, қаригани сабабли бола туғмоқдан ожиздир, ҳайвонки, унинг бўйнига доғ солингандир, ул ҳайвонки, беиллат сути келмайдир, ул ҳайвонки, унинг боласи бордир, – мазкурларнинг ҳаммасини қурбонлиқ қилмоқ жоиздир. Чунончи, «Муъинул-ҳукком»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Китобул-ажноний»да шундайки, агар қўйнинг думбаси кичик бўлса ва у шундай пайдо қилинган бўлса, уни қурбонлиқ қилмоқ жоиздир. Агар қўйнинг думбаси пайдо бўлмаган бўлса, ушбудек жоиздир. Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ, жоиз эмас, дедилар.

Агар қурбонлиқ учун олинган ҳайвонни ётқизгандан кейин питирлаб оёғи синса, уни сўйса, бизнинг мазҳабимизда, истиҳсон тўғрисидан жоиздир. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ اِنْ مَاتَ اَحَدُ سَبْعَةٍ وَقَالَ وَرَثَتُهُ اذْبَحُوهَا عَنْهُ وَعَنْكُمْ صَحَّ

Бир қорамол ё бир туяга етти киши шерик бўлганлардан бири қурбонлиқни сўймасдан илгари ўлса, ул ўлган одамнинг ворислари балоғатга етган бўлиб: «Ул қурбонлиқни ўлган одам томонидан ва ўзларингизнинг томонингиздан сўйинглар» деса, мазкур қурбонлиқ вафот топган одамдан ва ҳам қолган шериклардан дурустдир.

كَبَقَرَةٍ عَنْ اُضْحِيَّةٍ وَمُتْعَةٍ وَقِرَانٍ

Масалан, бир сигирни уч киши сўйгайлар, бирлари қурбонлиқ учун, бирлари мутъа учун ва бирлари қирон учун, бунда уч хил ибодат бир сигирни сўймоқ билан адо қилинур, бул дурустдир. Зероки, уларнинг ҳар бирида Худойи таборак ва таолога яқин бўлмоқ ниййати ва Унинг ризолигини талаб қилмоқ бордир. Хоҳ бу уч хил ибодатдан уч киши сўйсин, хоҳ етти киши сўйсин. Масалан, бириси вожиб бўлган қурбонлиқдан, иккинчиси ҳаждан манъ қилингани жиҳатидан, учинчиси эҳромлик одам сайдни ўлдирганлиги жиҳатидан, тўртинчиси эҳромда сочини олдиргани жиҳатидан, бешинчиси фарз тавофни бетаҳорат қилгани жиҳатидан, олтинчиси вожиб тавофни жунубликда адо қилгани жиҳатидан, еттинчиси нафл сифатида қурбонлиқ сўйса, – мазкурларнинг ҳаммаси дурустдир. Чунончи, «Китоби Ҳақл»да баён қилинган эди.

وَاِنْ كَانَ اَحَدُهُمْ كَافِرًا اَوْ مُرِيدَ اللَّحْمِ لاَ

Агар шерикларнинг бири кофир бўлса ё мусулмон бўлса ҳам, шерик бўлиб, сўймоқдан муроди гўшти керак бўлганидан бўлса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

унда қурбонлиқ қилиш ниййати бўлмаса, – мазкурларнинг ҳаммаларидан қурбонлиқ дуруст бўлмагай. Зероки, уларнинг баъзилари Худойи таолога яқин бўлмоқ ниййатида эмасдилар. Чунончи, «Гўрмирий», «Шарҳи Илёс», «Жомиъу-р-румуз», «Ҳидоя»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

وَ يَأْكُلُ مِنْهَا وَيُؤْكِلُ وَيَهِبُ مَنْ يَشَاءُ

Қурбонлиқ қилган одам қурбонлиқдан ўзи ҳам егай ва одамларга ҳам едиргай, хоҳлаган одамига ҳиба ва садақа қилгай, бу вожиб ва суннат қурбонлиқда баробардир, башарти назр қилгани сабабидан вожиб бўлган бўлмаса. Агар назр қилгани жиҳатидан вожиб бўлган бўлса, назр қурбонлиқни ўзи емоғи ва бой кишига едирмоғи дуруст эмас, хоҳ назр қилган киши бой бўлсин, хоҳ фақир бўлсин. Зероки, назрнинг йўли бечораларга садақа қилмоқдир ва назрни садақа қилган одамнинг ўзига емоқ йўқдир, агар еса, еганининг қийматини садақа қилмоқ вожибдир. Чунончи, «Захийра» ва «Зайламий»да мазкурдир, «Раддул-Мухтор» ва «Шарҳи Илёс»да мазбурдир.

وَنُدِبَ التَّصَدُّقُ بِثُلُثِهَا

Қурбонлиқнинг учдан бирини бечораларга садақа қилмоқ мустаҳабдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. «Бадойиъ» китобида айтиладурки, афзали – учдан бирини садақа қилгай ва учдан бирини хешу ақробаларини, ёру биродарларини зиёфат қилмоқ учун олиб қолгай ва учдан бирини сақлаб қўйгай. Мустаҳаб шулки, ўзи ҳам егай. Агар ҳаммасини ўзи учун сақлаб қўйса ҳам, жоиздир, зероки, қурбат қурбонлиқнинг қонини тўкмоқдир. Ва гўштини садақа қилмоқ мустаҳабдир. Чунончи, «Раддул-Мухтор»да мазкурдир. Учдан бирини бечораларга садақа қилмоқ ва учдан бирини қариндошлари ва яқинлари учун олиб қолмоқ ва учдан бирини, масалан, думбасини ва чарвисини аёли учун сақламоқ, – бул баён қилинганлар суннатдир, миёнаравлар, яъни, шариат йўлида ўртача юрадиганлар даражасидир. Аммо собиқинларнинг даражалари, агар қурбонлиқдан есалар, оғиз очар миқдори еб, қолганининг ҳаммасини садақа қилгайлар. Ҳаммасини емоқ ва ҳаммасини аҳли аёли учун

www.ziyouz.com kutubxonasi

сақлаб қўймоқ мубоҳ қилинди. Бу авому-н-носнинг даражасидир. Чунончи, Шаъбий «Кифоя»сида мазкурдир.

وَتَرْكُهُ لِذِى عِيَالٍ تَوْسِعَةً عَلَيْهِمْ

Аёлманд одамга мустаҳаб шуки, қурбонлиқни одамларга садақа қилмай, аҳли аёлларига кенглик қилмоқ учун олиб қолмоқдир. Бунда шу нарсадан огоҳлантириш борки, агар бир кишининг нафақаси унга вожиб бўлса, ҳаммасини олиб қолмоқ мустаҳаб эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَالذَّبْحُ بِيَدِه اِنْ اَحْسَنَ

Қурбонлиқни эгаси ўз қўли билан сўймоғи мустаҳабдир, борди-ю, қурбонлиқ сўймоқни яхши қилса, яъни, забҳ қилмоқнинг шартларини билса ва ҳайвонни сўймоққа қодир бўлса. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ اِلاَّ اَمَرَ غَيْرَهُ

Агар ўзи қурбонлиқни сўймоққа қудрати етмаса ва шартларини билмаса, бошқа кишига амр қилгай. Ва лекин сўядиган жойда ўзи ҳозир бўлгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

Агар сўймоқни билмаса, сўядиган жойда ўзи ҳозир бўлгай ва бир одамни сўймоққа фармойиш бергай, токи ўзи сўйиб, худмурда (ўзи ўлиб қолган) қилиб қўймагай. Чунончи, «Дурру-л-Мухтор»да мазкурдир.

Ҳар вақтики, бошқа одамга сўйдирса, лойиқ шуки, сўядиган жойда ўзи ҳозир бўлгай.

لِقَوْلِه عَلَيْهِ السَّلاَمُ لِفَاطِمَةَ رَضِىَ اللهُ عَنْهَا قُومِى فَاشْهَدِىْ اُضْحِيَّتَكِ فَاِنَّهُ يُغْفَرُ لَكِ بِاَوَّلِ قَطْرَةٍ مِنْ دَمِهَا كُلُّ ذَنْبٍ

Яъни, Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак сўзлари жиҳатиданки, Фотима розийаллоҳу анҳога (дедилар): «Туринг, қурбонлиғингизга ҳозир бўлинг, албатта, сизнинг учун мағфират қилинур жамиъи гуноҳ қурбонлиқнинг аввалги бир қатра қони томмоғи билан». Чунончи, «Ҳидоя»да ва «Раддул-Мухтор»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Расул алайҳиссалом дедилар: «Эй Фотима, бу дуони ўқи:

﴿إِنَّ صَلاَتِي وَ نُسُكِي وَ مَحْيَايَ وَ مَمَاتِي لله رَبِّ الْعَالَمِينَ لاَ شَرِيكَ لَهُ...﴾ الانعام/ ١٦٢–١٦٣

Яъни, «Албатта, намозим, ибодатим ва ҳаёту мамотим оламлар Роббби Аллоҳ учундир. Унинг шериги йўқдир».

Чунончи, «Раддул-Мухтор», «Жавҳарату-н-найийра» ва «Ғуниййату завил-аҳком»да мазкурдир.

(Яна Расул соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар): «Қиёмат кунида қилинган қурбонлиқ гўшти ва қони билан, эй Фотима, сенинг тарозунгга қўйилур, ваҳоланки, ул гўшт билан қон етмиш ҳисса бўлгай». Бас, Абу Саъид Худрий розийаллоҳу анҳу дедилар: «Ё Расулаллоҳ, бу баён қилинганлар оли Муҳаммадга хосми ёки уларга ва жамиъи мусулмонларга баробарми?» Расул соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Оли Муҳаммадга хоссатан ва жамиъи мусулмонларга омматандир». Ушбудек «Бадойиъ», «Жавҳар» ва «Ғуниййату завил-аҳком»да мазкурдир.

وَكُرِهَ ذَبْحُ كِتَابِيٍّ

Китобий номусулмоннинг қурбонлиқ сўймоғи макруҳдир, яъни, унга амр қилиб сўйдирмоқ макруҳдир. Зероки, қурбонлиқ (Аллоҳга) қурбат ва яқин бўлмоқдир. Ва лойиқ эмаски, номусулмондан дин амрларида иъонат (ёрдам) талаб қилинса. Чунончи, «Радду-л-Мухтор»да мазкурдир. Аммо оташпараст қурбонлиқни сўйса, бас, ҳаром бўлгай. Зероки, оташпараст аҳли забҳ эмас. Чунончи, «Дурар»да ва бошқа нусхада ҳам мазкурдир. «Раддул-Мухтор»да мазбурдир.

وَ يَتَصَدَّقُ بِجِلْدِهَا

Қурбонлиқнинг терисини садақа қилгай, Зероки, қурбонлиқ қилинган ҳайвоннинг жузъи (қисми)дир. Чунончи, «Ҳидоя», «Жомиъу-р-румуз», «Шарҳи Илёс», «Жавҳар» ва «Лубоб лил-Майдоний»да мазкурдир. Аммо қурбонлиқ терисининг ва юнгининг ҳукми шуки, бас, уни сотмоқ жоиз эмас. Лекин уни асбоб қилмоқ ила фойда олинур ё садақа қилинур. Зероки,

www.ziyouz.com kutubxonasi

رُوِيَ عَنْ رَسُولِ اللهِ عَلَيْهِ السَّلَامُ اَنَّهُ قَالَ: مَنْ بَاعَ جِلْدَ الْاُضْحِيَّةِ فَلَا اُضْحِيَّةَ لَهُ

яъни, ривойат қилинди Расул алайҳиссаломдан, ул жаноб айтдилар: «Кимки қурбонлиқнинг терисини сотса, бас, ул кишига қурбонлиқ йўқдир». Чунончи, «Мажолису-ш-шуҳур»да мазкурдир.

اَوْ يَعْمَلُهُ آلَةً

Ёки ул қурбонлиқнинг териси манфаатланадиган асбоб қилингай, масалан, қоп, элак, ғалвир, кирчик, пўстин, кийим, муза (этик), пўстак ёки бошқа асбоб қилингай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Бас, агар қурбонлиқнинг терисини қоп қилиб, уни ижарага қўйса, жоиз эмас. Ижара ҳақини садақа қилмоқ ул кишига лозимдир. Чунончи, «Заҳирийя»да мазкурдир.

اَوْ يُبَدِّلُهُ بِمَا يُنْتَفَعُ بِهِ بَاقِيًا

Ё ул қурбонлиқнинг терисини шундай нарсага ишлатурки, узоқроқ фойдаланмоққа ярагай. Масалан, кийиладиган либосга ёки таом пишириладиган қозонга. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Баъзилар айтибдурларки, қурбонлиқнинг терисини кийимга сотмоқ жоиз эмас. Чунончи, «Қозихон»да мазкурдир.

فَاِنْ بِيعَ بِغَيْرِ ذٰلِكَ يَتَصَدَّقُ بِثَمَنِهِ

Мазкур баён қилинган нарсалардан бошқа нарсаларга сотилса, баҳосини садақа қилгай. Масалан, йўқолмасдан туриб, нафъ олиб бўлмайдиган нарсаларга сотилса, тангалар ва таомларга ўхшашки, буларнинг зоти йўқ ва нобуд бўлгандагина киши нафъ олади. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

Билгилки, қурбонлиқ қилинадиган ҳайвоннинг юнгини қирқиб олмоқ ҳалол эмас. Сутини олмоқ ҳам ҳалол эмас. Агар шундоқ қилган бўлса, уни садақа қилгай. Қурбонлиқнинг терисини ва калласини қассобнинг музди (иш ҳақи)га бермагай. Ва қурбонлиқ қилинадиган ҳайвонга қурбонлиқ қиладиган ки-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шининг минмоғи ҳалол эмас. Ва унга юк ортмагай, бас, агар бу ишларни қилса ва ул ҳайвонга нуқс этса, унинг қам бўлгани баробарида садақа қилгай. Шунингдек, қурбонлиқ қилинадиган ҳайвонни ижарага қўймоқ ҳалол эмас. Чунончи, «Сирожиййа»да мазкурдир, «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир.

وَلَوْ غَلَطَ اثْنَانِ وَذَبَحَ كُلُّ شَاةَ صَاحِبِهِ صَحَّ بِلاَ غَرْمٍ

Қурбонлиқ қиладиган икки киши қурбонлиқ қилинадиган ҳайвонларини бирга қўшиб, янглишиб, танимасдан, бир-бирининг жонлиғини сўйсалар, бетовон дурустдир. Бас, агар иккаласи еганларидан кейин билсалар, бир-бирлари билан ризолашгайлар. Агар рози бўлишмай, жанжал қилишсалар, ҳар бири бир-бирига қўйнинг қимматини тўлагайлар. Агар қурбонлиқ қилинадиган кунлар ўтса, ҳар қайсилари ул қийматни садақа қилгайлар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَصَحَّ التُّضْحِيَّةُ بِشَاةِ الْغَصْبِ

Ғасб қилиб олган қўйни, яъни, жабру зулм билан бировдан тортиб олган қўйни ўзи учун ва ёш боласи учун ёки катта ўғли учун ёки ижозат берилган қарзга ботган қули учун қурбонлиқ қилмоқ дурустдир. Зероки, қўйни тортиб олмоқ билан товон тўламоқ вожиб бўлгани сабабидан мулк собит бўлибди. Бинобарин, қурбонлиғи дурустдир. Чунончи, бунинг тўлиғи «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

لا الوَدِيعَة

Омонат қўйилган қўйни қурбонлиқ қилмоқ дуруст эмас. Орийатга, дастмойага, фойда шерикка олинган қўйни ё сақлаб турмоққа берилган қўйни қурбонлиқ қилмоқ дуруст эмас. Эрнинг қўйини хотини, хотиннинг қўйини эри бежавоб қурбонлиқ қилмоғи дуруст эмас. Чунончи, «Радду-л-Мухтор»да мазкурдир. Гаровга олинган қўйни ва сотмоққа вакил берилган қўйни ё сақлаб турмоққа берган қўйни қурбонлиқ қилмоқ дуруст эмас. Чунончи «Назм» китобида мазкурдир. Зероки, бошқанинг мулкини қурбонлиқ қилмоқ учун сўйибдир, албатта, ул эга бўлмайди. Магар қўйни сўйгандан кейин эга бўлур, бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўйгандан (кейин) эга бўлмоқ дуруст эмас. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَضَمَنُهُمَا

Тортиб олинган қўйни ва омонат қўйилган қўйни сўйган одамлар товонини тўлагайлар. «Бадойиъ» китобида шулки, ҳар жавобики, омонатда билдинг, орийат ва ижарада ҳам ул жавобдир, андоғким, бир одам бир урғочи туяни, ё бир ҳўкизни, ё бир туяни орийатга ё ижарага олса, шундан сўнг уни қурбонлиқ қилса, ул қурбонликдан кифоя қилмайди, хоҳ уни эгаси олсин ё қийматини тўласин. Зероки, ул мол унинг қўлида омонатдир ва албатта, унинг товонини сўймоқ бирла тўлагай. Бас, орийат ҳам омонатга ўхшаш бўлди. Чунончи, «Радду-л-Мухтор»да ҳам мазкурдир. Валлоҳу аълам.

БУ ФАСЛДА ҚУРБОНЛИҚ ҚИЛМОҚ САВОБИНИНГ ВА ЛОЗИМ БЎЛИБ ТУРИБ ҚИЛМАГАН ОДАМ АЗОБИНИНГ БАЁНИ

Зайд ибн Арқамнинг ривойатлари бирлаким, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрайдиларки, ё Расулаллоҳ, бу қурбонликлар нимадир? Ул жаноб айтдиларки, сизларнинг оталарингиз Иброҳим алайҳиссаломнинг миллатларидир. Соҳиба ризвонуллоҳи таоло алайҳим айтдилар: «Қурбонлиқ қилмоқдан бизларга нима фойда бордир?» Пайғамбар алайҳиссолату вассалом дедилар: «Қурбонлиқ қилинган ҳайвоннинг ҳар бир мўйига унинг номаи аъмолига бир савоб битгайлар». Улар дедилар: «Юнгига нима ҳукмдир?» Пайғамбар алайҳиссалом дедилар: «Ҳар бир юнгига бир савоб битгайлар». Чунончи, «Риёзу-н-носиҳийн»да мазкурдир.

قَالَ النَّبِيُّ عَلَيْهِ السَّلَامُ: سَمِّنُوا ضَحَايَاكُمْ. و فِي رِوَايَةٍ: عَظِّمُوا ضَحَايَاكُمْ فَإِنَّهَا عَلَى الصِّرَاطِ مَطَايَاكُمْ

яъни, Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Семиз қилинглар қурбонликларингизни». Бир ривойатда: «Катта қилинглар қурбонликларингизни, албатта, ул қурбонликларингиз Сиротнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

устида маркаб(улов)ларингиздир» (дейилади). Чунончи, «Анису-л-воизин», «Риёзу-н-носиҳийн» ва «Дуррату-н-носиҳийн»да мазкурдир.

Ваҳб ибн Мунаббаҳданки, ул жаноб айтдилар: «Довуд алайҳиссалом айтдиларки, эй бор Худоё, Муҳаммад алайҳиссалом умматларидан қурбонлиқ қилган одамнинг савоби нимадир?» Худойи таборак ва таоло айтди: «Унинг савоби шуки, (қурбонлиқнинг) баданидаги ҳар бир мўйига ўн яхшилик берурман, ул кишидан ҳар бир мўйига ўн ёмонлиқни йўқ қилурман ва ҳар бир мўйига ўн даража кўтарурман ва ҳар бир мўйига жаннатда бир қўшк ва ҳар бир мўйига ҳуру-л-ийндан канизак ва қаноатли маркаб берурман, унинг ҳар бир қадами, кўзи етадиган жойга уни миниб, аҳли жаннат бирла учиб, хоҳлаган жойига боргай». Худойи таборак ва таоло айтди: «Эй Довуд, билурмиз, қурбонликлар Рўзи қиёматда уларнинг маркаблари бўлади ва улар Қиёмат кунларида балоларни кўтарадилар. Чунончи, «Зуҳрату-р-риёз»да мазкурдир.

Шундан сўнг, билгилки, қилган қурбонлиғинг Рўзи қиёматда Сиротнинг устида минадиган маркабнинг бўлгай. Бас, лойиқ ва муносиб шулки, семиз ва яхшироғини қурбонлиқ қилмоқ ва қийматбаҳосини қурбонлиқ қилмоқ (керак). Зеро, Расул соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Семиз ҳайвонни қурбонлиқ қилинганлар, бас, албатта у сизларнинг Сиротда минадиган маркабларингиздир», дедилар. Чунончи, юқорида баён қилинди. Ушбудек «Мажолису-ш-шуҳур»да мазкурдир.

Ривойат қилиндики, Ийди Қурбон кунида бир одам бир ориқ қўйни қурбонлиқ қилди. Ўша кеча Қиёмат қойим бўлганини аниқ кўрди. Барча аввалу кейин ўтган халойиқлар Сиротнинг устида йиғилибдурлар, улар ўз қилган қурбонликларига минибдурлар. Уларнинг баъзилари Сиротдан ўтмоқ иложини топибдилар, баъзилари тополмай турибдилар. Бу одам Сиротга яқин борган вақтида ўтмоқнинг иложини топмади. Иккинчи куни яна бир ориқ қўйни қурбонлиқ қилди. Яна тушида Қиёмат қойим бўлганини кўрди ва аввалги кунги воқеа такрорланди. Бас, учинчи куни семиз қўйни қурбонлиқ қилди. Яна тушида Қиёмат қойим бўлганини ва барча халойиқ йиғилиб тургани-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни кўрди. Баъзилари Сиротдан ўтган, баъзилари ўтмоқ иложини тополмай турибди. Фаришталар ўтган кечадагидек уни қайтармоққа қасд қилдилар. Шу пайт: «Ул одамни ўтказинглар, албатта, ул киши маркабини маҳкам қилди», деган овоз келди. Чунончи, «Кифойату-ш-Шаъбий»да мазкурдир.

Оишаи сиддиқа розийаллоҳу анҳо Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривойат қилган бу ҳадислари кўп фиққ китобларида келур. Расули Худо соллаллаҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Худойи таборак ва таолонинг наздида, одам фарзандининг қилган ҳеч яхши амали қурбонлиқнинг қонини тўқмоқдан дўстроқ эмасдир». Чунончи, «Тарғиби Ҳамидий»да мазкурдир.

Ҳикоят. Имомул-аимма Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Хузайма раҳматуллоҳи алайҳ айтдилар: «Менинг биродарим Аҳмад ибн Исҳоқ Марди обид эди. Дунёнинг молидан ҳеч нарсаси йўқ эди, парҳезкор эди. Тонгдаст (камбағал) бўлмоққа такаллуф (ҳаракат) қилар эди. Ҳар йили қурбонлиқни бажо келтирар эди. Ҳар қандай ранжу машаққат келса ҳам, бу ибодатни тарк қилмас эди. Бу биродарим, яъни, отамнинг ўғли дунёдан сафар қилди. Уни тушимда шундай кўрдимки, Қиёмат қойим бўлганмиш. Барча махлуқот Арасотда ҳозир эмиш. Ногоҳ биродаримни кўрдим, у бир арғумоққа миниб олибдики, ҳаргиз унинг монандини кўрган эмасман. Бундан бошқа яна кўпгина маркаблар ҳам унинг олдида кетиб борарди. Мен биродаримга дедим: «Эй биродар, Ҳақ таоло сизга нима қилди?» Деди: «Худойи таоло мени мағфират қилди». Мен дедим: «Нима сабабдан мағфират қилди?» Деди: «Бир куни жомеъ масжидида намоз ўқир эдим, ҳамёнимда бир танга бор эди. Бир қари киши келди, масжид устунининг олдида туриб: «Худованд менга бир танга берган одамни раҳмат қилгайки, менинг бир танга қарзим бор, қистаб турибди», деди. Мен намозни таъжил (тезлик) билан ўқиб тамом қилдим ва бир тангани унга бердим. Мени гўрга қўйиб қайтган вақтларида бир нидо эшитдимки, айтди: «Эй Аҳмад ибн Исҳоқ, бечора одамга раҳм қилдинг, Мен ҳам сенга раҳм қилдим, ҳар нимаки қилган эдинг, сендан ўтдим ва афу қилдим, сени шойистаи жаннат ва дийдоримга лойиқ қилдим». «Мен дедим: «Эй биродар, бу олдингдаги маркаблар нимадир?»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Деди: «Булар менинг дунёда қилган қурбонликларимдир ва бу минганим аввал қурбонлиқ қилганимдир». Айтдим: «Алҳол, (ҳозир) қаён борурсиз?» Деди: «Биҳиштга борурман». Ушбуни баён қилиб, назаримдан ғойиб бўлди. Билгилки, Ҳақ субҳонаҳу таолога ибодат қилиб, ҳеч кимга зиён қилмагай. Чунончи, «Риёзу-н-носиҳийн»да мазкурдир.

Аммо, ҳар вақтики, мўъминларнинг қурбонликдан маркаблари бўлмаса, уларга амали солиҳлари маркаб бўлгай, Худойи таоло уларнинг амали солиҳларидан бир туя пайдо қилгай. Ҳар вақт гўрдан чиқса, уни миниб, Парвардигори тарафига боргай. Чунончи, «Синонийя»да мазкурдир.

Анас ва Алий розийаллоҳу анҳумодан ривойатдурки, иккови айтдилар: «Пайғамбар алайҳиссалом айтдиларки, ҳар вақт мўъминлар гўрларидан тиргизулсалар, Худойи таоло айтгай: «Эй фаришталарим, менинг бандаларимни пиёда юргазманглар, балки туяларига миндиринглар. Албатта, мўъминлар дунёда минмоқни одат қилган эдилар. Аввалда оталарининг сулби (бели) маркаблари эди, ундан кейин оналарининг қорни маркаблари бўлди. Оналари туққандан кейин канор (қучоқ)лари то сутдан айиргунларигача маркаблари бўлди. Ундан кейин оталарининг бўйни маркаблари бўлди. Ундан кейин от ва хачирлари қуруқликда маркаблари бўлди, кема ва қайиқ дарёда маркаблари бўлди. Ўлган замонларида ёру биродарларининг гарданлари маркаблари бўлди. Мўъминлар қабрларидан турган вақтларида уларни пиёда юргазманглар. Албатта, мўъминлар сувора бўлиб юрмоққа одат қилиб қолганлар, уларнинг туяларини олиб келинглар. Бу туялар уларнинг дунёда қилган қурбонликларидир».

Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Кимки қурбонлиқ қилса, фардойи қиёмат қурбонлиқнинг гўшти, пўсти, устихони, юнги, саргини (гўнги) ва бавл (сийдик)ларини тарозуга солгайлар. Худойи таоло ул қўйнинг ҳар бир аъзосига жаннатда бир кўшк ва ҳар бир қўзига бир чашма, ҳар бир юнгига бир ҳур ато қилур. Ҳар қатра қонига бир жўй (ариқ), ҳар бир шохига бир мушки азфардан тоғ ва ҳар бир мўйига бир тоғ ато қилгай».

Ва яна Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Кимки бир қўй

www.ziyouz.com kutubxonasi

қурбонлиқ қилса, андоғким, ўзини оташи дўзахдан озод қилибди. Қурбонлиқнинг туғилган вақтидан то сўйилгунича барча бавлу саргинларини тарозуга солгайлар, унинг ҳар қумалоғини Худойи таоло Уҳуд тоғидан оғирроқ қилгай».

Яна Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Қурбонлиқ қилинган ҳайвон Рўзи Қиёматда эгасини ҳидлаб танигай ва уни Пулсиротдан ўтказгай».

Яна Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Бахилларнинг баттари (ёмонроғи) ул одамки, қурбонлиқни ўзи учун қилиб, Қиёматда минадиган маркабликка юбормагай». Чунончи, «Анису-л-воизин»да мазкурдир.

Ривойат қилинди Пайғамбар алайҳиссаломдан, ул жаноб айтдилар: «Кимики қурбонлиқ қилса, қабрдан турган вақтда унинг бул дунёда қилган қурбонлиғи қабрининг тепасида тургай, унинг тиллодан эгари бўлгай, икки кўзи жаннатнинг ёқутларидан, икки шохи тиллодан бўлгай. Ул одам: «Сен кимсан ва нимадурсан, мен сендан яхшироқ нарсани кўрмадим», дегай. Ул айтгай: «Мен сенинг дунёда қилган қурбонлиғингдурман». Шундан сўнг: «Менинг орқамга мингил», дегай. Ул киши уни мингай ва уни осмон билан ер ўртасидаги Аршнинг соясига олиб боргай. Чунончи, «Ражабиййа»да мазкурдир.

Шундан сўнг, билгил, эй биродар, бизнинг шариатмизда ўзининг қилган қурбонлиғидан емакка рухсатдир. Аммо аввалги ўтган умматларда ҳам қурбонлиқ вожиб эди, лекин қилган қурбонликларидан емоқ ҳалол эмас эди, балки қурбонлиқ қиладиганларнинг ҳаммалари саҳрога чиқар эдилар ва Худойи таолога ибодат қилур эдилар ва Худойи таолога нола ва тазарру қилур эдилар. Шундан сўнг осмондан ўт келиб, ул қурбонлиқни ер эди. Бас, қурбонлиқ қабул бўлганининг аломати шу бўлур эди. Агар унинг қурбонлиғини ўт емаса, албатта, бу рад бўлганининг аломати эди. Бунинг асли Ҳобил ва Қобилнинг ҳабаридир. Бас, Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг баракатлари билан Худойи таборак ва таоло ул жанобнинг умматларидан бул ҳукмни кўтарди ва уларга пушида қилди. Зероки, агар қурбонлиқнинг қабул бўлган-бўлмаганини пушида (яширин) қилмаса эди, албатта, Муҳаммад алайҳ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

иссаломнинг кўп умматларининг пардалари йиртилар эди. Чунки аввалги пайғамбарларнинг умматларида қачонки бир одам гуноҳ қилса, кўпинча тонг отганда унинг эшигига ва пешонасига битилар эди, уларнинг кўпларига ўлимдан бошқа тавба манфаат бермас эди. Чунончи, Худойи таборак ва таоло Мусо алайҳиссаломнинг тўғриларида айтди:

﴿...فَتُوبُوا إِلَىٰ بَارِئِكُمْ فَاقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ...﴾ البَقَرَة / ٥٤

Яъни: «Энди ўзингизни ўлдириш билан Яратувчингизга тавба қилингиз».

Бас, Худойи таоло буни Муҳаммад алайҳиссалом умматларидан кўтарди, уларнинг айбу гуноҳларини дунёда яширинди. Бизлар Ҳақ субҳонаҳу ва таолодан умид қилурмизки, лутфу марҳамати билан охиратда Муҳаммад алайҳиссалом умматларининг гуноҳларини ёпгай. Омин, ба ҳурмати саййидил-мурсалийн. Чунончи, «Мажолису-ш-шуҳур»да мазкурдир.

Бас, Аллоҳ таоло бизнинг шариатимизда қурбонлиқнинг ҳукмини бизларга ҳалол қилди ва шариат фармойишига ундан манфаатланмоқни ҳалол қилди. Чунончи, «Кифояи Шаъбий»да мазкудир.

Ҳикоят. Салафларнинг бузругларидан бири қурбонлиқ кунларида бечораларга бир қўйнинг баҳоси садақа берар эдилар. Айтар эрдиларки, қурбонлиқ менга вожиб бўлмаган бўлса, не учун ҳайвонни бежон қилурман? Ул жаноб тушларида Қиёмат қойим бўлганини кўрдилар. Одамлар маркабларга миниб турибди. Фаришталар уларни жаннатга олиб кетаётган эмишлар. Ул бузруг эса пиёда қолибдилар. Бу ҳолдан савол қилдилар, фаришталар айтдилар: «Бу маркаблар одамларнинг дунёда қилган қурбонликларидир». Ул киши деди: «Мен ҳам қурбонлиқнинг баҳосини садақа қилиб берганман». Фаришталар айтдилар: «Билмасмидингизки, қурбонлиқнинг қийматини бермоқ қурбонлиқни олиб сўймоқ билан баробар бўлмайди». Ул азиз тирик эдилар, қурбонлиқни сўядиган бўлдилар.

Бас, қурбонлиқ қилмоқда кўп фойдалар бордир. Мўъминларга лойиқ ва муносибдур, бу ибодатни қўлдан қайтармагайлар. Иброҳим халиллуллоҳ саловоту-р-раҳмон алайҳ Хақ

www.ziyouz.com kutubxonasi

таоло хушнудлиги йўлида фарзанди дилбандларининг муборак бошларидан кечдилар, яъни, забҳ қимоққа қасд қилдилар. Сиз энди бир қўйнинг бошидан ўтинг. Илоҳо, бизларнинг ҳаммамизга бул хайрнинг тавфиқини ато қилгайсан. Омин.

Савол. Ҳикмат нимадирки, имом Ийди Қурбон кунида намозни ўқиб бўлгандан кейин таом емоқ мустаҳабдир? Бунга аҳли илмлар икки хил жавоб берибдилар. Бири шуки, бандалар ушбу кунга ўхшаган кунларда Худойи таолонинг меҳмонидир ва қурбонлиқ гўшти Худойи таолонинг меҳмондорлигидир. Бас, ул Худойи таолонинг зиёфатидан емагунча таом емагайлар. Бу жавоб «Тарғибу-с-салом»да мазкурдир. Аммо «Зудо-л-муттақин»да ёзилишича, ул қўчқорки, Исмоил алайҳиссаломга келди ва Халил алайҳиссаломга келди ва Халил алайҳиссалом уни забҳ қилдилар, аввал унинг жигарини кабоб қилдилар. Дедиларки, ўшал куни ул вақтгача ҳеч нарса емадилар. Аввал қурбонлиқнинг жигарини егайлар ё гўштидан егайларки, бу суннат бўлди. Бу иккинчи жавоб бўлиб, чунончи, «Риёзу-н-носиҳийн»да ҳам мазкурдир.

Яна «Дурару-л-мухоли фи фазоили-л-айём ва-л-лайаали» номли китобда дейилибдурки, Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Кимики қурбонлиқ қилса, ҳар қачон ул одам қабрдан чиқса, қабрнинг тепасида бир тик тургувчини кўргай. Унинг мўйлари тиллодан, кўзи ёқутдан, икки шохлари тиллодан бўлади. Гўрдан чиққан одам айтади: «Сен кимдурсан, сендан яхшироқ нарсани кўрмадим?» Ул тик турувчи айтгай: «Мен сенинг ул дунёдаги қурбонлиғингдурман, менинг орқамга мингил». Шундан сўнг у қурбонлиқнинг орқасига мингай ва уни осмон билан ер орасидан ўткариб, Аршнинг соясига етқизгай. Чунончи, «Нузҳату-л-мажолис»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الصَّيْدِ

САЙД КИТОБИ

Бу китобда ов қилмоқ ҳукмларининг баёни келади. Сайд қилмоқ масъаласи қурбонликдан кейин келтирилди. Зероки, қурбонлиқ қилмоқ вожиб, ов мубоҳдир. Магар ҳар вақт ов овламоқни ўйин учун қилса, бас, макруҳ бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Эҳромсиз кишига Ҳарамдан бошқа жойда ов овламоқ феъли мубоҳдир, Худойи таборак ва таолонинг мана бу қавли шарифи тўғрисидаки:

﴿...وَ اِذَا حَلَلْتُمْ فَاصْطَادُوا...﴾ اَلْمَائِدَةُ/ ٢

Яъни: «Ҳалол (қилинган ҳолат)га чиққанларингда эса, ов қилаверингиз».

Ва яна Худойи азза ва жалла қавли жиҳатиданки:

﴿...حُرِّمَ عَلَيْكُمْ صَيْدُ الْبَرِّ مَا دُمْتُمْ حُرُمًا...﴾ اَلْمَائِدَةُ/ ٩٦

Яъни: «...модомики, эҳромда экансизлар, сизларга қуруқлик ови ҳаром қилинди».

Яна Пайғамбар алайҳиссаломнинг Адий ибн Ҳотам Тоий розийаллоҳу анҳуга деганлари жиҳатиданки ов қилмоқ мубоҳдир:

اِذَا اَرْسَلْتَ كَلْبَكَ الْمُعَلَّمَ وَذَكَرْتَ اسْمَ اللهِ عَلَيْهِ فَكُلْ وَاِنْ اَكَلَ مِنْهُ فَلَا تَأْكُلْ لِاَنَّهُ اِنَّمَا اَمْسَكَهُ عَلَى نَفْسِهِ وَاِنْ شَارَكَ كَلْبَكَ كَلْبٌ اٰخَرُ فَلَا تَأْكُلْ فَاِنَّكَ اِنَّمَا سَمَّيْتَ عَلَى كَلْبِكَ وَ لَمْ تُسَمِّ عَلَى كَلْبِ غَيْرِكَ

Яъни, «Ҳар вақт ўрганган итингни «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» деб овга юборсанг, бас, уни (овни) егил ва ундан итинг еса, сен емагил, албатта, у ўзи учун ушлабдир. Агар итинг бошқа итга шерик бўлиб тутса, ул овни емагил, албатта, сен ўз итингга тасмийа («Бисмиллаҳи») айтгансан, нарига итга тасмийа айтмагансан».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яна ов овламоқнинг мубоҳлигига ижмоъи уммат мунъа-қиддир, яъни, боғлангандир. Бошқа далил шуки, ов касб қилмоқнинг бир навъидир. Манфаат олмоқ учун яратилган нарсадан нафъ олмоқ навъидир. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

Шикор, яъни, ов қилмоқ икки хил нарса билан бўлгай: бири ҳайвон, иккинчиси ўқ отмоқ билан. Мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ ҳайвон билан ов қилмоққа ишорат қилиб айтди:

يَحِلُّ صَيْدُ كُلِّ ذِى نَابٍ ومِخْلَبٍ بِشَرْطِ عِلْمِهِمَا وجَرْحِهِما

Ҳар бир тишли ҳайвон ва чангалли қушларнинг сайд қилиб олгани ҳалол бўлгай. Булар ит, бургут ва қарчиғай кабилар бўлиб, улар таълим берилган, ўргатилган бўлмоқлари шартдир, яна жароҳат қилмоғи ҳам шартдир.

وَ اِرْسَالُ مُسْلِمٍ اَوْ كِتَابِيٍّ مُسَمِّيًا عَلَى مُمْتَنِعٍ مُتَوَحِّشٍ يُؤْكَلُ
وَاَنْ لا يُشَارِكَ الْمُعَلَّمَ مَالاَ يَحِلُّ صَيْدُهُ

Яна бир шарти шуки, забҳ қилмоқни ва «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» демоқни биладиган мусулмон ё китобий Худойи таборак ва таолонинг номини ёд қилиб, тишли ёки чангалли ҳайвонни овга юборади. Ҳатто балоғатга етмаган бола ва жинни киши сўймоқни ва тасмийа айтмоқни билмасалар, овларини еб бўлмайди. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

Тўрт оёқ билан ёки икки қанот билан одамга мунис бўлмай, қочадиган сайдга юбормоқ шарти биланким, ул овланган овнинг гўшти ейиладиган бўлса. Ва яна сайд ҳалол бўлмоғининг бир шарти шуки, таълим берилган тишли ва чангаллиларга шикори ҳалол бўлмаган жониворлар сайд қилмоққа шерик бўлмагай. Овлагани ҳалол бўлмайдиган жониворлар шулки, сайд қилмоқ таълим берилмаган бўлгай ё ўргатилган бўлса ҳам мусулмон ё китобий «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» деб юбормаган бўлгай. Ёки «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар»ни қасддан тарк қилиб юборган бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لا يَطُولَ وَقْفَتُهُ بَعْدَ الاِرْسَالِ

Яна сайд ҳалол бўлмоғнинг бир шарти шулки, масалан, итни

www.ziyouz.com kutubxonasi

овга юборгандан кейин сайёд (овчи) узоқ вақт тўхтаб турмагай. Агар қоплонни сайдга юборганда сайёд яшириниб, тутиб олгунча турса, қоплон ул сайдни ўлдирса, ҳалолдир. Ва итда ҳам шунга ўхшаш қилса, ҳалолдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Агар сайёд ов қиладиган қушини ё итини сайдни ушламоққа юборганидан кейин нон еса ё бавл (пешоб) қилса, ул сайдни еб бўлмайди. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир, «Жомиъу-р-румуз»да мазбурдир. Бас, авло (яхшиси) шулки, қушни сайдга юборгандан кейин орқасидан излаб боргай, бошқа ишга машғул бўлмагай. Чунончи, «Назм» китобида ва бошқа китобда ҳам мазкурдир. Асос шунгаки, узоқ муддат тўхтамаслигининг қоидаси йўқдир. Масъаланинг ҳосили шуки, бу ярадор қиладиганга беш шарт бордир. Биринчи шарти – сайд қиладиган жониворнинг таълим берилган бўлмоғи. Иккинчи шарти – ярадор қилмоқ. Учинчи шарти – сайёд итни ё қушни сайдни ушламоқ учун юбормоғи. Тўртинчи шарти – жароҳат қилмоққа сайди ҳалол бўлмаган нарса шерик бўлмаслиги. Бешинчи шарти – сайд қиладиган жониворни сайдга юборгандан кейин сайёд уни излаши, бошқа ишга машғул бўлмаслиги. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَيُعْلَمُ الْمُعَلَّمُ بِتَرْكِ اَكْلِ الْكَلْبِ ثَلٰثَ مَرَّاتٍ

Ов қилмоққа ўргатилган итнинг пайдар-пай уч мартаба овлаган сайдини емай, ушлаб турмоқлиги бирла ўрганганлиги билинур. Зероки, кўп ҳукмларда уч мўътабардир ва ками эътибор қилинмайдир. Ушлаган сайдини емаганлиги тўқлиги сабабли ё калтак емоқдан қўрққанлиги жиҳатиданлиги эҳтимоли йўқ эмас. Бас, тўртинчисида ушлаган сайди ҳалол бўлгай. Ва бу Имом Абу Юсуф билан Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳдан зоҳир ривойатдир. Бир ривойат Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдан дейилган. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ رُجُوعِ الْبَازِى بِدُعَائِه

Қарчиғай ва шунга ўхшаш соҳиб чангал қушларни ўргатилган сайдга юборгандан кейин чақирганда қайтганидан маълум бўлгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

فَانْ اَكَلَ بَعْدَ تَرْكِه ثَلاثًا تَبَيَّنَ جَهْلُهُ فَلاَ يُوكَلُ مَا قَدْ صَادَ وَ بَقِيَ فِي مِلْكِه

Агар уч марта сайдни емай ушлаб берганидан кейин, тўртинчи марта сайд қилган пайтда овнинг гўштидан озгина еса, ўрганмаганлиги зоҳиру маълум бўлгай. Ул ов қиладиган нарсани еган сайднинг эгаси мулкида қолганини емоқ ҳалол бўлмагай.

وَلاَ مَا يَصِيدُهُ حَتَّى يَتَعَلَّمَ

Ўрганиб, тайёр бўлмаган итнинг бундан кейин овлаган сайдини еб бўлмагай то ўргангунча ва уч марта емоқни тарк қилмагунча. Қарчиғайни эгаси чақирганда қайтмаса, ўрганмаганини билдиради. Илгариги ов қилганлари бўлса, ташлангай. Ўрганиб, қайтадиган бўлмагунча, яъни, чақирганда қуш қайтиб келадиган бўлгунча овлаган ови ейилмагай.

وَ شَرْطُ الْحِلِّ بِالرَّمْيِ التَّسْمِيَةُ وَالْجَرْحُ

Ўқ билан отилган овнинг ҳалол бўлмоғининг шарти – ўқни отганда «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» дейишдир. Яна бир шарти – жароҳат қилишдир. Бас, ўқ отмоққа забҳнинг, яъни, ҳайвонларни бўғизламоқнинг шартлари ҳам шарт қилингай.

Агар ёш бола ё жинни одам, ақли йўқлар ё оташпараст «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар»ни айтиб, ўқ отса ва сайдни ўлдирса, гўштини еб бўлмайди. Бас, агар уриб, ярадор бўлмай ўлса, еб бўлмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ اَنْ لا يَقْعُدَ مِنْ طَلَبِه اِنْ غَابَ مُتَحَامِلاً سَهْمُهُ

Яна отилган сайд ҳалол бўлмоғининг бир шарти – отган киши ё сайдни изламоққа амр қилинган киши сайдни қидиришни узоққа чўзиб, тинч ва фароғат билан ўтирмаслигидир. Агар ўқ еган сайд ўқни кўтариб, ғойиб бўлса, сайёд излаб топгандан кейин уни ўлик кўрса, ҳалолдир. Зероки, закоти изтирарий бўлгай. Агар ҳар вақт сайдни қидирмай, кейинроқ овни ўлик ҳолда топса, ҳалол эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ва «Гўрмирий»да ҳам мазкурдир.

فَاِنْ اَدْرَكَهُ الْمُرْسِلُ اَوِ الرَّمِي حَيًّا ذَكَّاهُ فَاِنْ تَرَكَهَا عَمْدًا حَرُمَ

Бас, агар итни овга юборгувчи ё ўқ отувчи сайдни излаб бо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риб, тирик ҳолда топса, уни «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» деб сўйгай. Агар забҳ қилмоқни қасддан тарк этса, сайд ҳаром бўлгай.

كَمَا اِذَا قَتَلَهُ مِعْرَاضٌ بِعَرْضِهِ اَوْ بُنْدُقَةٌ ثَقِيلَةٌ ذَاتُ حِدَّةٍ

Ҳар вақтики, тири бепарким, уни форсийда газ, туркийда қанотсиз ўқ дейилур, ул тир ёни билан тегиб ўлдирса ёки лойдан ясаган оғир ғўлакки, тезлиги ва ўткирлиги бор бўлиб, тегиб ўлдирса, ҳаром бўлганга ўхшашдир, борди-ю, овни жароҳатли қилса ҳам, чунки мазкурлар ўз оғирлиги билан ўлдирганининг эҳтимоли бордир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ҳосили масъала шуки, агар сайднинг ўлмоғи жароҳат туфайли экани аниқ билинса, ҳалолдир. Агар ўлмоғи теккан нарсанинг оғирлиги сабабли бўлса, ҳалол эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз», «Шарҳи Илёс» ва «Гўрмирий»да мазкурдир.

اَوْ رَمَى فَوَقَعَ فِي مَاءٍ اَوْ عَلَى سَطْحٍ ثُمَّ عَلَى الْاَرْضِ

Қуруқда ё дарёда бўладиган сайдни отиб, ярадор қилгандан кейин сувга тушиб ўлса, ё томнинг устига тушиб, сўнг ерга тушиб ўлса, ҳаром бўлгай. Зероки, бунда сайднинг ўлмоғи отмоқ билан баён қилинган нарсаларга урилмоқ ўртасида мутараддий (иккиланиш) ҳукмидадир. Худойи таборак ва таоло уни ҳаромлар жумласида баён қилибдир. Бошқа далил шуки, ул сайднинг ўқдан бошқа нарса билан ўлмоғининг эҳтимоли бордир, Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Бас, агар сайд ҳаводан томга, ерга ё ғиштли жойга тушиб ўлса, ҳалолдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَيُعْتَبَرُ الزَّجْرُ فِيمَا لَمْ يُرْسَلْ

Итни сайдга юбормай туриб, ўзи сайдни кўриб, қувган суратда итни қизиқтирмоқни эътибор қилинур. Масалан, ит сайдни ўз ихтиёри билан қувиб кетса, бир одам итни «ол-ол» ё «бос-бос» деб қизиқтирса, итга қувват бермоқ учун овоз қилса, ит овоздан қувватланиб, сайдни ушлаб ўлдирса, итга қувват берган кишини эътибор қилинур. Ул қизиқтирган одам мусулмон ё китобий бўлиб, агар «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» деб қизиқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тирган бўлса, ҳалолдир. Агар оташпараст бўлса, ҳаромдир. Қизиқтирмоқни ит қабул қилмаганда, сайд ҳаром бўлганга ўхшашдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لَوْ اِجْتَمَعَا مِنْ مُسْلِمٍ وَمَجُوسِيٍّ يُعْتَبَرُ الاِرْسَالُ

Агар бир итни сайдга юбормоқ ҳамда қизиқтириб, қувватлантирмоқ мусулмон билан оташпарастдан содир бўлса, яъни, бири итни сайдга юборса ва бири қизиқтирса, итни сайдга юборганнинг эътибор тарафи эътибор қилинур. Агар юборган киши мусулмон бўлса, ҳалолдир, оташпараст бўлса, ҳаромдир. Бутпараст, диндан қайтган ё эҳромдаги киши, «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар»ни айтмай, итни сайдга юборган киши, – мазкурларнинг ҳукмлари ҳаромликда оташпарастнинг ҳукмидадир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ اِنْ اَخَذَ مَا اُرْسِلَ اِلَيْهِ حَلَّ

Агар юборилган қуш ё ит тайинлаб юборилган сайдидан бошқани олса, масалан, ўрдакка солганда ғозни олса, ҳалолдир. Зероки, тайин қилинганни олмоқни таълим бермоқ мумкин эмас. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Бунда шу нарсадан огоҳлантириш борки, агар ўқ отган сайдидан бошқага тегса, ҳалолдир. Чунончи, «Қозихон»да мазкрудир. Бу ушбу жиҳатданки, тегиб, ундан ўтиб, учинчига тегиб, агар сайдни отса, ўқ ундан ўтиб, иккинчи сайдга тегиб, ундан ўтиб, тўртинчига тегса, ҳаммаси ҳалолдир. Чунончи, «Назм» китобида мазкурдир.

كَصَيْدٍ رُمِيَ فَقُطِعَ عُضْوٌ مِنْهُ

Ўқ тегиб, бир аъзоси узилиб тушиб ўлган сайднинг ҳалол бўлмоғига ўхшаш.

لا العُضْوُ

Лекин ул кесилиб тушган аъзоси ҳалол эмас, Зероки, Расул алайҳиссалом айтдилар:

مَا اَبِيْنَ مِنَ الْحَيِّ فَهُوَ مَيِّتٌ

Яъни, тирикдан бир аъзо жудо бўлса, бас, ул айрилган бадан (аъзоси) худмурда (ўзи ўлган) ҳукмидадир. Ва бу қачонки,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ул жониворнинг аъзоси бўлмаса-да, тирик қолса, одатда, қўл ва оёғи узилиб тушганда ўлмаганга ўхшаш. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Бу ерда шу нарсадан огоҳлантириш борки, агар балиққа ўқ отилса, ундан узилгани ҳам ҳалолдир. Зероки, балиқнинг ўлгани ҳам ҳалолдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

فَاِنْ قُطِعَ اَثْلاَثًا وَاَكْثَرُهُ مَعَ عَجزِه

Бас, агар сайд отилгандан кейин уч ҳиссадан бир ҳиссаси кесилса ва унинг кўпроғи, яъни, икки ҳиссаси ёнбоши билан бўлса ё бошининг ярми ё кўпроғи кесилса.

اَوْ قُطِعَ نِصْفُ رَأْسِه اَوْ اَكْثَرُهُ اَوْ قُدَّ بِنِصْفَيْنِ اُكِلَ كُلُّهُ

Ё боши узунига икки бўлак бўлиб ёрилса, бу баён қилинган масъалаларда сайднинг ҳамма аъзолари ейилур. Зероки, сайд мундоқ бўлганда тирик қолмайди. Бунда шу нарсадан огоҳлантириш борки, агар нисфи (ярми)дан кесилса, батариқи авло ҳалолдир, Зероки, гарданнинг томирлари дил (юрак)дан димоғ (мия)га етгандир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ اِنْ رَمَى صَيْدًا فَرَمَاهُ آخَرُ فَقَتَلَهُ فَهُوَ لِلاَوَّلِ وَ حَرُمَ

Агар бир сайёд сайдни отса, ул сайдни иккинчи сайёд отиб ўлдирса, бас, ул сайд аввал отган сайёдники бўлгай. Иккинчи сайёд отмоғи билан ўлмоқ эҳтимоли борлиги жиҳатидан ул сайдни емоқ ҳаром бўлгай. Ваҳоланки, иккинчи отмоқ закот эмас эди, яъни, бўғизламоқ эмас эди, сайднинг қочарга қудрати қолмагани жиҳатидан сайд қолмагандир. Бас, закоти изтирорий билан ҳалол бўлмағай, яъни, сўймоқ ва бўғизламоқ закоти ихтиёрийга қодир бўлгани сабабли ночорлик билан ҳалол бўлмагай.

وَ ضَمِنَ الثَّانِى لَهُ قِيْمَتَهُ مَجْرُوحًا اِنْ كَانَ الاَوَّلُ اَثْخَنَهُ

Иккинчи сайёд ул сайднинг яродор бўлган ҳолидаги қийматини аввал отган сайёдга тўлагай, башарти аввалги отилган ўқ ул сайдни қочолмайдиган қилиб, яродор қилган бўлса.

وَاِلاَّ فَلِلثَّانِى وَ حَلَّ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар аввалги теккан ўқ макруҳ қилмаса, ул сайд кейинги отган сайёднинг мулки бўлгай ва уни емоқ ҳалолдир. Гўштини еб бўладиган ҳайвон ва гўштини еб бўлмайдиган ҳайвон сайд қилинур, яъни, ҳалол ва ҳаром ҳайвонни овламоқ жоиздир, зероки, сайд қилмоққа терисини, мўйини ё парини фойда қилмоқдир ёки унинг зарарини одамлардан дафъ қилмоқдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Ҳидоя»да мазкурдир.

Агар итни бир сайдга «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» деб юборса, бу юборишда ит кўп сайдларни кетма-кет ушласа, ҳаммаси ҳалолдир. Чунончи, «Оламгирийя»да мазкурдир. Агар сайёд сайдни тирик топса, сайёдга ул сайдни «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» деб сўймоқ вожибдир. Бас, агар сўймаса, ҳаттоки ул сайд ўлса, еб бўлмайди, зероки, ул сайдни сўймоққа қодир бўлса ҳам, сўймабди. Бас, ул сайд худмурда (ўзи ўлган)га ўхшабди. Бу ҳол ҳар вақт сўймоққа қодир бўлгандаги ҳолдир. Аммо ҳар вақт сўймоққа қодир бўлмаса, масалан, асбобнинг йўқлиги жиҳатидан ё вақтнинг зиқлиги жиҳатидан ва ул сайдда тирикликдан сўйиладиган муддатдан зиёда бўлса, зоҳиру-р-ривойатда еб бўлмайди. Чунончи, «Жавҳарату-н-найийра»да ва «Лубоб лил-Майдоний»да мазкурдир.

Оташпарастнинг, муртаднинг ва васанийнинг ва (тасмийа айтиб сайд қиладиган аҳли китобдан бошқа) бединларнинг овлаган сайдини еб бўлмайди, зероки, мазкурлар пок қилиб бўғизлайдиганлардан эмасдир. Буни «Забойиҳ» китобида баён қилиб эдик. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

Агар сайёд қушни тўнғиз ё бўрига юборсаю у кийикни олса, емоқ ҳалолдир. Ушбудек «Йанобиъ»да мазкурдир. Агар сайёд қушни кийикка солса ва ул қуш кийикни сайд қилмай, бир сайдни топса, уни еб бўлмайди. Ушбу «Таҳзиб» ва «Фатовойи Оламгирийя»да мазкурдир. Валлоҳу аълам ва аҳкам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ اللَّقِيطِ وَاللُّقْطَةِ والآبِقِ

ТОПИБ ОЛИНГАН БОЛА, НАРСА ВА ҚОЧОҚ ҚУЛ КИТОБИ

رَفْعُهُ اَحَبُّ

Бу китобда янги туғилган ва кўчага ёки катта йўлга ташлаб кетилган, ота-онаси номаълум боланинг, йўлдан топилган молнинг ва қочувчи қулнинг баёни келур. Ташланган болани топган одам уни кўтариб олмоғи яхшироқ ва афзал. Бу кўтариб олиш ёки болага нисбатан шафқат изҳори бўлиши жиҳатидандир. Ёш болаларга шафқат ва меҳрибонлик қилмоқ амалларнинг афзалидир. Худойи таборак ва таоло айтди:

قَالَ اللهُ تَعَالَى: ﴿...وَ مَنْ اَحْيَاهَا فَكَاَنَّمَا اَحْيَا النَّاسَ جَمِيعًا﴾ المَائِدَةُ/٣٢

Яъни, «Ким бир одамнинг тирик қолганига сабаб бўлса, гўёки одамларнинг ҳаммасини тирик қилибдур». Чунончи, мавлоно Ҳусайн (китоби)да мазкурдир.

وَ اِنْ خِيفَ هَلَاكُهُ يَجِبُ كَاللُّقْطَةِ

Агар топилган болани дарҳол кўтариб олмаган суратда нобуд бўлмоғидан қўрқилса, андоғким, ул болани сувда топса, ё дарранданинг олдида топса, ё биёбон ёхуд саҳрода топса, ёки ул боланинг ҳалок бўлмоғига гумони ғолиб бўлса, олмоқ вожибдир. Бу тушиб қолган молга ўхшашки, агар зоеъ ва нобуд бўлмоғидан хавф бўлмаса, уни олмоқ яхшироқдир. Агар зоеъ бўлмоқ хавфи бўлса, олмоқ вожибдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

Масалан, бир одам йўлда тушиб қолган эгасиз молга учраса, уни олмоқ мубоҳдир, аммо дарҳол олмаган суратда ул молнинг зоеъ ва нобуд бўлмоғининг эҳтимоли мавжуд бўлса, олмоқ фарз ва бу қавл бехилофдир. Чунончи, «Захийра»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундан сўнг, зоҳири ривойат шулки, олмай кетгандан олмоқ афзалдир. Айтилибдурки, олгандан олмай кетган афзалдир. Яна айтилибдурки, хиёнат қилмайдиган одил кишининг олмоғи афзалдир. «Машориъ» китобида айтилибдурки, ҳайвонда олмоқ афзалдир, ҳайвондан бошқада олмаган афзалдир. Айтилибдурки, қўйда олмоқ, туя ва қорамолда олмаслик афзалдир. «Музмарот» китобида аввалги қавл тўғрироқдир. «Фатовойи Қозихон»да ҳам аввалги қавл саҳиҳдир, хусусан, бизнинг замонамизда, яъни, нобуд ва ҳалок бўлмоқдан қўрқинч бўлмаганда олмоқ яхшироқдир, зоеъ бўлмоқдан хавф қилганда эса, хусусан, бизнинг замонамизда вожибдир.

Тушиб қолган нарса икки қисмдир. Биринчи қисми шундай нарсаки, уни эгаси талаб қилмайди (масалан), хурмонинг данаги, анорнинг пўсти, бўғдой ва арпага ўхшаган ўриб олгандан кейин ерда қолганиким, уни туркийда машоқ дейилур, мазкурларни олувчи, мухтор қавлга биноан, эга бўлгай. Чунончи, «Кароҳати Зоҳидий»да мазкурдир. Эгаси қидирадиган нарсани олиш ёки олмасликнинг баёни минбаъд (бундан кейин) билдирилгай.

وَ هُوَ حُرٌّ

Ул топиб олинган бола озоддир, барча аҳволда озоднинг ҳукми юргай. Масалан, гувоҳлик бермоққа, никоҳда, озод қилмоқда, жароҳатда, ҳад урмоқда. Ва бул баён қилинган нарсаларга ўхшашдир. Зероки, асли бани одам озод бўлмоғидир ва шаҳар – шаҳри Исломдир ва бу шаҳри Ислом озодларнинг шаҳридир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир, яна «Жавҳарату-н-наййира»да ҳам мазкурдир.

اِلاَّ بِحُجَّةِ رِقِّه

Агар ул топиб олинган боланинг қул эканлиги ҳужжат ва далил билан қойим қилинса, қул бўлгай ва ул боланинг балоғатга етгандан кейин гувоҳлик бермоғи, башарти одил бўлса, жоиздир. Ва ундан қул озод қилмоқ, мудаббар қилмоқ, яъни, ўзим ўлгандан кейин озодсан деб, қулига аҳд қилмоқ ва мукотаб қилмоқ, яъни, қулига, масалан, ўн тиллонинг баробарига озодасан, демоқ (ҳужжат бермоқ), озодларга бериладиган жи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ноятга ўхшаш, жиноят олмоқ ва тўламоқ. Ва ул мусулмонликка ҳукм қилинур. Зеро, мусулмонлар орасидан топилгандир. Бас, ул топиб олинган бола мусулмонлар авлодидан экан.

Ривойат қилиндики, бир одам ташланган болани олиб, ҳазрати Алий розийаллоҳу анҳунинг олдиларига келтирди. Бас, ҳазрати Алий қаррамаллоҳу важҳаҳу дедилар: «Ул бола ҳурдир, яъни, озоддир». Чунончи «Жавҳарату-н-наййира»да мазкурдир.

وَ نَفَقَتُهُ وجِنَايَتُهُ فِي بَيْتِ الْمَالِ وَارِثُهُ لَهُ وَ لاَ يُؤْخَذُ مِنْ آخِذِه

Ул топиб олинган боланинг нафақаси ва унинг жинояти сабабидан лозим бўлган товон тўламоқ байтул-молдадир. Ул топиб олинган бола ўлгандан кейин ундан қолган мол ҳам байтул-молгадир. Бу топиб олинган болани топиб олган одамдан тортиб олинмагай. Зеро, ул кишининг қўли болага илгари етибди. Бас, болани сақламоққа лойиқ ва муносибдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Болани топиб олган киши бировга ўз ихтиёри билан бермоққа қудрати етгай. Агар болани бировга берса, ундан қайтиб ололмагай, зероки, ўз ихтиёри билан ўз ҳақини ботил қилди. Чунончи, «Қозихон»да мазкурдир.

وَ نَسَبُهُ مِمَّنْ يَدَّعِيه وَ لَوْ رَجُلَيْنِ

Ул топиб олинган боланинг насаби, менинг болам, деб даъво қилган одамдан собитдир, агарчи икки озод одам ё икки қул билан даъво қилсалар ҳам, хоҳ гувоҳ ўткарсин, хоҳ ўткармасин, хоҳ иккала даъво қилувчи топиб олинган боланинг аломатини баён қилсин, хоҳ баён қилмасин, боланинг насаби иккала даъво қилган кишидан собит бўлгай, яъни, бола иккаласига бўлгай, улар ўлсалар, бола мерос олгай. Агар бола ўлса, улар мерос олгайлар. Бир-биридан авлоликлари йўқлиги жиҳатидан. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

اَوْ مِمَّنْ يَصِفُ مِنْهُمَا عَلاَمَةً بِه

Ёки «Менинг болам», деб даъво қилган икки кишининг қайси бири ул топиб олинган боланинг баданидаги нишонани баён қилса, бола насаби ўша кишидан собит бўлгай. Масалан, ме-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг боламнинг фалон жойида холи бор эди деса, ҳақиқатан айтган ерида холи бўлса, ул кишидан насаб собит бўлгай.

اَوْ عَبْدًا وَ كَانَ حُرًّا

Ёки топиб олинган бола менинг болам, деб даъво қилган киши қул бўлса ҳам, насаби собит бўлгай ва топиб олинган бола озод бўлгай, зероки, уни озод хотин туққанлигининг эҳтимоли бор. Бас, ҳуррияти зоҳира шак билан ботил бўлмайди. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

اَوْ ذِمِّيًّا وَكَانَ مُسْلِمًا اِنْ لَمْ يَكُنْ فِي مَقَرِّهِمْ

Зиммий топилган болани, менинг болам, деб даъво қилса ҳам, ул зиммийдан насаб собит бўлгай, лекин бола мусулмонликка ҳукм қилинур, борди-ю, бола зиммийлар яшаб турган жойдан топилмаган бўлса, масалан, зиммийларнинг шаҳарларидан ё қишлоқларидан, ё канисаларидан топилмаган бўлса. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз», «Жавҳарату-н-найийра» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Бийға жуҳуднинг ва каниса насоронинг маъбадидир, чунончи, луғатларда мазкурдир.

وَ مَا شُدَّ عَلَيْهِ لَهُ صُرِفَ اِلَيْهِ

Ул топиб олинган болага боғланган мол, масалан, болани ташлаган киши тилло, кумуш ё бошқа мол билан ташлаб кетган бўлса, ул бола билан ташланган мол унинг керак ва зарур нарсаларига сарф қилинур.

وَ لِلْمُلْتَقِطِ قَبْضُ هِبَةٍ

Ул топиб олинган болага атаб бахшиш ва садақа қилинса, уни олмоқ болани топиб олган кишига жоиздир.

وَ تَسْلِيمُهُ فِي حِرْفَةٍ

Ул болани касб ўрганмоққа шогирд қилиб бермоқ ҳам уни топиб олган одамга тегишлидир.

لَا اِنْكَاحُهُ وَ تَصَرُّفُ مَالِهِ وَ لَا اِجَارَتُهُ

Аммо болани никоҳлантирмоқ, топиб олган кишига тегишли эмас. Ва ул боланинг молини тасарруф қилмоқ, яъни, би-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ровга қарз бермоқ, унинг моли билан савдогарлик қилмоқ дуруст эмас. Ул болани хизмат қилиш учун ижарага бермоқ дуруст эмас, зеро, бу нав тасарруфлар вилоят ҳокимига тегишлидир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз», «Раддул-Мухтор», «Шарҳи Илёс», «Жавҳар» ва бошқа китобларда мазкурдир.

Шундан сўнг муаллиф раҳматуллоҳи алайҳ китобнинг иккинчи мабҳаси (баҳси)га шуруъ қилдилар, бас айтдилар:

وَاللُّقْطَةُ اَمَانَةٌ اِنْ اَشْهَدَ عَلَى اَخْذِهِ لِيَرُدَّ عَلَى رَبِّهَا

Топиб олинган мол топиб олган кишининг қўлида омонат ҳукмида тургай, агар топиб олганлигига ва эгасига топширгунча сақлаб турмоғига икки кишини гувоҳ қилса, масалан, молни топиб олган ерда одамлар бўлса, мен бу нарсани топдим, эгаси чиққанда топшираман, деб икки одамни гувоҳ қилгай. Бас, агар топиб олганда йўлда ё бошқа жойда ҳеч ким бўлмаса, одам учраганда гувоҳлантиргай. Ҳар вақт одам учраганда гувоҳлантирмаса, агар нобуд бўлса, товон тўлагай. Бироқ золимдан қўрққани сабабли гувоҳлантирмаса, нобуд бўлса, товон тўламагай. Чунончи, «Қозихон»да мазкурдир.

Гувоҳ қилмоқнинг кайфияти шуки, нарсани топиб олган одам: «Иккалангиз гувоҳ бўлинглар, мен тушиб қолган молни эгасига қайтармоқ учун олдим», дегай. Ёки бундоқ дегай: «Сизлар менинг мол топиб олганимни эшиттинглар, кимки бир нарса қидирса ёки тушиб қолган молни қидирса, ул мол йўқотган одамни менга далолат қилинглар». Ёки бундоқ дегай: «Менда топиб олинган мол бор, ким талаб қилса, менга юборинглар». Чунончи, «Зоҳидий» ва бошқа китобларда мазкурдир.

وَ اِلَّا ضَمِنَ اِنْ جَحَدَ الْمَالِكُ اَخْذَهَا لِلرَّدِّ

Агар топиб олган киши гувоҳлантириб қўймаса, унинг қўлида мол нобуд бўлса, товон тўлагай, борди-ю, молнинг эгаси топиб олган одамнинг қайтариб бермоқ учун олмоғини қабул қилмаса, яъни, топиб олган одамнинг: «Мен ул тушиб қолган молни сенга қайтармоқ ва топширмоқ учун олган эдим», деганини мол эгаси қабул қилмаса. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَعُرِّفَتْ فِي مَكَانٍ وُجِدَتْ

Ул топиб олинган нарсани топилган жойда таъриф қилмоқ вожибдир, борди-ю, боқий қоладиган ва нобуд бўлмайдиган, тилло ва тиллога ўхшаган бўлса. Чунончи, мусанниф раҳматуллаҳи алайҳ буни шу тариқа баён қилдиларки, ҳар жумъа кунида баланд овоз билан нидо қилгай: «Кимнинг нарсаси зоеъ бўлган бўлса, менинг олдимга келиб, талаб қилсин». Чунончи, ушбудек демоқ «Захийра» китобида баён қилинибди. Бас, топиб олинган нарсанинг ранги ундоқ, ўзи бундоқ, деб баён қилмоқ ҳожат эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ فِي الْمَجَامِعِ

Ва яна одамлар тўпланадиган жойда эълон қилинур, масжидларнинг эшикларига ва бозорларга ўхшаш жойларда хабар берилур. Мундоқ жойларда эълом қилмоқ хабар етишмоғига яқинроқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

مُدَّةً لَا يَطْلُبُ بَعْدَهَا

Ул муддатгача эълом қилинур ва хабар бериб турилгайки, ул молнинг эгаси шундан сўнг талаб қилмайди ва қидирмайди, деб гумон қилинмагай. Бу мухтор қавлдир, яъни, хоҳланган ва ихтиёр қилинган қавлдир. Чунончи, «Ихтиёр» китобида ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир. Бу саҳиҳ қавлдир. Чунончи, мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ айтдиларки, фатво ушбу қавлгадир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

Зоҳиру-р-ривойатда шундайки, топиб олинган нарса, хоҳ қимматбаҳо, хоҳ арзон бўлсин, бир йилгача эълон қилингай. Асҳобларимиз фикрича шундайки, топиб олинган нарса икки юз танга ва ундан кўпроқ бўлса, бир йил хабар берилгай. Икки юз тангадан кам бўлса, то ўн тангагача бўлса, бир ой хабар қилгай. Ва ўн тангадан кам бўлса, уч тангагача бўлса, ўн кун хабар қилгай. Ва уч тангадан кам бўлса, то дониққача уч кун хабар бергай. Ва бир дониқ бўлса, бир кун хабар бергай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

Бир танганинг вазни олти дониқдир ва бир дониқ икки қийрот бўлгай. Бир қийрот икки тассут бўлгай, бир тассут икки

www.ziyouz.com kutubxonasi

дона ўртача арпа бўлгай. Ул тангайи шаръий етти мисқол бўлгай. Чунончи, «Мунтаҳаб»да мазкурдир. Бизнинг замонимизда бир дониқ уч тийину бир пул бўлур. Имом Сарахсийдан (ривойат) шулки, тангадан кам бўлса, бир кун, чақа ва фулусга ўхшаган бўлса, чақа эгасини ўнг ва сўлга боқиб қидиргай, ундан кейин уни бечора кишига бергай. Чунончи, «Кирмоний»да мазкурдир. Хурмога ўхшаган нарсани топганда топган жойида садақа қилгай ё емоққа муҳтож бўлса, уни егай. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир. Топиб олинган нарса узум ё шунга ўхшаш мева бўлса, топган замони егай, борди-ю, бой бўлса ҳам. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

(Матнда) «уррифат» сўзи мажҳул лафз билан келтирилганидан шу нарсага огоҳлантириш борки, топиб олган киши ҳар вақт хабар бермоқдан ожиз келса, агар унинг фармойиши билан бошқа одам «мол йўқотган одам бўлса, келиб топиб олсин», деб эълон қилса, жоиздир. Чунончи, «Захийра» китобида мазкурдир. Уни аминга бермоқ жоиздир ва яна ўзи уни қайтариб олмоққа ҳам қудрати етгай. Агар омонат топширилган одамнинг қўлида нобуд бўлса, амин товон тўламагай. Чунончи, «Мунйа» китобида мазкурдир.

وَ مَا لاَ يَبْقَى اِلَى اَنْ يُخَافَ فَسَادَهُ

Ул топиб олинган нарса турмайдиган нарса бўлса, масалан, сутга, гўштга ўхшаш ёки чиришдиган нарса бўлса, масалан, ҳўл мева ва шуларга ўхшаш, буларнинг нобуд ва зоеъ бўлмоқ хавфи мавжуддир, бу ҳақда муддатгача хабар бергай.

Шаҳардаги дарахтларнинг тагига тўкилган мевалар ейилмагай. Мухтор қавл шуки, ҳар вақт чириб ё сасиб қоладиган бўлса, емоқ жоиздир. Дарахтнинг тагига тушган мевани қишлоқларда ва саҳроларда бўлса, емоқнинг жоиз ва дурустлигига хилоф йўқдир. Аммо тагига тушмай, дарахтнинг устида турган мевадан олинмагай. Оқиб турган сувдан келган олмадан, нок ва олмурутдан нафъ олмоқнинг боки йўқдир. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир. Аммо «Назм» китобида ёзилишича, турса нобуд бўладиган нарса бўлса, қозининг амри билан сотиб, пулини сақлаб тургай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ثُمَّ يَتَصَدَّقُ

Мазкур баён қилинган муддатлардан кейин топиб олган киши (топилмани) бечора одамларга садақа қилгай.

فَاِنْ جَاءَ رَبُّهَا اَجَازَ اَوْ ضَمَّنَ الآخِذَ

Агар топиб олинган нарсани садақа қилингандан кейин эгаси келса, садақа қилганига ижозат бергай ёки топиб олган кишидан баҳосини тўлатиб олгай.

وَ مَا اَنْفَقَ عَلَيْهَا بِلاَ اِذْنِ حَاكِمٍ تَبَرُّعٌ

Ҳоким ё қозидан бежавоб топиб олган молга харажат қилса, масалан, ҳайвонга ўт олиб берса, табарруъ, яъни, бахшишдирки, уни молнинг эгасидан олмоқ лозим бўлмайди.

وَ بِاِذْنِهِ دَيْنٌ عَلَى رَبِّهَا

Қозининг жавоби билан, масалан, топиб олинган отни боқса, унинг эгасига ул қилинган харажатлар қарз бўлгай.

وَ اَجَرَ الْقَاضِى مَا لَهُ مَنْفَعَةٌ وَاَنْفَقَ عَلَيْهَا

Қози ул топиб олинган молда манфаат бўлса, уни ижарага бергай, масалан, чорпога ўхшаш. Ундан ҳосил бўлган ижарани ул топиб олинган молнинг ўзига сарф қилгай. Ул ҳайвонни тирик сақламоқ ва эгасининг ҳолига қарамоқ учун, токи эгасига ҳайвонга қилинган харажатни тўламоқ лозим бўлмагай.

كَالآبِقِ

Қочган қулга ўхшашки, қулни топиб олганда эгаси келгунча ижарага бериб, унинг ижара ҳақидан қози ўлмас овқатга сарф қилгай.

وَ مَا لاَ مَنْفَعَةَ لَهُ اَذِنَ بِالاِنْفَاقِ اِنْ كَانَ اَصْلَحَ

Топиб олинган молнинг манфаати ва ижарага салоҳияти бўлса, қози топиб олган кишига харж қилмоққа ижозат бергай, борди-ю, бу харж қилмоқ молнинг эгасига фойдали бўлса.

وَاِلاَّ بَاعَ

Агар фойда бўлмаса, молни сотиб, пулини эгасига сақлагай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ لِلْمُنْفِقِ حَبْسُهَا لِأَخْذِ النَّفَقَةِ

Топиб олинган молга нафақа берган одамнинг харажатни олмоқ учун ул молни тутиб турмоққа қудрати етгай.

فَإِنْ هَلَكَتْ بَعْدَ الْحَبْسِ سَقَطَتْ

Агар ул топиб олинган нарсани эгасига бермай, қилган харажатини чиқариб олмоқ учун сақлаб тургандан кейин зоеъ ва нобуд бўлса, қилган харажати соқит бўлгай. Бас, ул мол банд қилмасдан илгари нобуд бўлса, соқит бўлмайди. Зероки, топиб олинган мол омонат ҳукмидадир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»-да мазкурдир. Иккала тараф ҳам ҳеч нарса даъво қила олмагайлар, борди-ю, мол топиб олган одам, тушиб ёки адашиб қолган молни топиб олдим ёки менинг олдимда топиб олинган мол бор, эшитганлар мол йўқотган одам қидириб келса, мени дараклаб юборинглар, деб гувоҳлантириб қўйса, шундан кейин молнинг эгаси келса, мол нобуд бўлди, деса, ул ростгўйдир, товон тўламагай. Чунончи, «Оламгирийя»да мазкурдир.

فَإِنْ بَيَّنَ مُدَّعِيهَا عَلَامَتَهَا حَلَّ الدَّفْعُ

Агар топиб олинган молни меники, деб даъво қилган киши ул молнинг аломат ва нишоналарини баён қилса, унга бермоқ ҳалолдир. Масалан, бир одам тангаларни топиб олса, иккинчи одам, менинг пулим, деб даъво қилса, унинг вазнини, адад (сони)ни, ҳамёнини ва ипини, мундоқ эди, деб баён қилса, топиб олган одам даъво қилган одамга топширмоғи ҳалолдир. Агар ишонмаса, унда кафил олиб бергай. Бунда, яъни, вожиб демай, «ҳалла» деганларидан шу нарса учун огоҳлантириш борки, бермоққа зўрлик қилмагай, яъни, бергил, деб жабр билан олинмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لَا يَجِبُ بِلَا حُجَّةٍ

Аммо аломатлари билан баён қилса ҳам, гувоҳлар билан исбот қилмагунча бермай турмоққа қудрати етгай. Чунончи, «Гўрмирий»да мазкурдир.

وَ يَنْتَفِعُ بِهَا فَقِيرًا

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тушиб қолган молни топиб олган киши бечора киши бўлса, тегишли жойларга эълон ва хабар қилгандан кейин унинг бирла нафъ олиб тургай.

وَاِلاَّ تَصَدَّقَ وَلَوْ عَلَى اَصْلِه وَفَرْعِه وَعِرْسِه

Агар топиб олган одам фақир бўлмаса, уни садақа қилгай, бу садақа ҳатто ота ва оналарига, болаларига ва заифаларига бўлса ҳам. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَنُدِبَ اَخْذُ الآبِقِ لِمَنْ قَوِىَ عَلَيْه

Қочган қулни ушламоқ мустаҳабдир, тутиб олиб, то эгасига топширгунча қудрати етса.

وَتَرْكُ الضَّالِّ قِيلَ اَحَبُّ

Йўлдан адашган қулни тутмай, ўз ҳолига қўймоқ яхшироқ дейилибди, яъни, баъзи машойих афзал дебдилар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لِرَادِّه مِنْ مُدَّةِ سَفَرٍ اَرْبَعُونَ دِرْهَمًا وَاِنْ لَمْ يَعْدِلْهَا اِنْ اَشْهَدَ اَنَّهُ اَخَذَهُ لِلرَّدِّ

Қулни муддати сафардан, яъни, уч кунлик йўлдан ушлаб, қайтариб олиб келиб берган одамга қирқ танга суюнчи бермоқ вожиб бўлгай, ҳаттоки қулнинг қиймати қирқ тангага баробар келмаса ҳам. Бунда қулни қайтарган киши уни эгасига қайтармоқ учун ушлаганига гувоҳлантирган бўлиши керак.

وَمِنْ اَقَلَّ مِنْهَا بِقِسْطِه

Сафар муддатидан камроқ йўлдан қулни тутиб, хожасига қайтариб, элтиб берган ҳолда уч кунлик йўлга қирқ танга берилганига қараб ҳисоблаб берилур. Масалан, бир ярим кунлик йўл бўлса, йигирма танга, бир кунлик йўл бўлса, ўн уч тангадан андак зиёда берилур.

فَاِنْ اَبَقَ مِنْهُ لَمْ يَضْمَنْ

Агар ул қочган қул тутиб олиб эгасига қайтариб бермоқчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган одамнинг қўлидан қочса ёки унинг қўлида ўлса, товон тўламагай, бунда қулни хожасига топширмоқ учун ушлаганлигига гувоҳлантирган бўлиши керак. Зероки, ул қул омонатдир. Башарти уни ўз ҳожати учун ишлатган бўлмаса. Агар ишлатган бўлса, товон тўлагай. Чунончи, «Қунйа»да мазкурдир.

فَانْ لَمْ يُشْهِدْ فَلاَ شَيْءَ لَهُ وَضَمِنَ انْ اَبَقَ مِنْهُ

Бас, агар қулни хожасига қайтармоқ учун тутганлигига гувоҳлантирмаган бўлса, ҳеч қандай суюнчи йўқдир. Агар ул қул у кишининг қўлидан қочса, Имом Аъзам ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида, товон тўлагай. Зероки, ғосиб ҳукмида бўлур, яъни, зўрлик билан тортиб олган одамнинг ҳукмидадир. Қочган қулни топган одам ҳар вақт ушлаб олмоққа қудрати етса, ушламоғи авло ва афзалдир. Ушбудек «Сирожиййа»да мазкурдир. Ушлаб олгандан кейин ихтиёр ўзидадир, агар хоҳласа, ул қулни ўзи сақлагай, башарти сақламоққа қодир бўлса. Агар хоҳласа, подшоҳга топширгай. Ҳар вақт ул қулни подшоҳга топширса, подшоҳ ундан ўша қулни олмоқни қабул қилмагай, бироқ қулнинг қочганига ушлаб олган одам гувоҳ ўткарсагина қабул қилгай. Сўнг подшоҳ ул қулнинг таъзири учун қамаб қўйгай. Унга байтул-молдан нафақа бергай. Ушбудек «Табйин» ва «Фатовойи Оламгириййа»да мазкурдир.

Агар бу қочган қулни ушлаб олган одам уни подшоҳга олиб келмаса ё ўзи уни сақласа, нафақасини ўз молидан берса, ихтиёр ўзидадир. Чунончи, бизнинг машойихларимизнинг баъзилари айтибдурлар. Ўз молидан ул қулга нафақа берса, ул қулнинг эгаси ҳозир бўлганда эгасидан олгай, башарти қулни тутиб олган одам қозининг кўрсатмаси билан ул қулга нафақа берган бўлса. Агар қозидан бежавоб нафақа берган бўлса, эгасидан ҳеч нарса ололмагай. Ва бу мухтор қавлдир. Ушбудек «Ғиёсиййа»да ҳамда «Фатовойи Оламгириййа»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْمَفْقُود

МАФҚУД КИТОБИ

هُوَ غَائِبٌ لَمْ يُدْرَ اَثَرُهُ

Бу китобда ғойиб бўлиб кетган одамнинг баёни келур. Шариатда ғойиб бўлган одам шундай одамки, йўқолиб кетган бўлгай, унинг қайси тарафга ва қайси шаҳарга бориб турганлиги, ўлик ёки тириклигидан ному нишон бўлмагай.

حَتَّى فِي نَفْسِه فَلاَ تُنْكَحُ عِرْسُهُ وَ لاَ يُقْسَمُ مَالُهُ وَ لاَ يُفْسَخُ اِجَارَتُهُ

Йўқолган киши ўзига тегишли бўлган ҳақларда тирик одам ҳукмидадир: хотини бировга никоҳланмагай, моли меросхўрлари орасида тақсимланмайди, қилган ижараси бузилмайди.

وَ يَقِيمُ الْقَاضِي مَنْ يَقْبِضُ حَقَّهُ وَيَحْفَظُ مَالَهُ وَيَبِيعُ مَا يُخَافُ فَسَادُهُ

وَ يُنْفِقُ عَلَى وَلَدِه وَاَبَوَيْه

Унинг вакили бўлмаса, қози унинг ҳақини одамлардан олмоқ учун вакил тайин қилгай ва унинг молини сақлагай ва эҳтиёт қилгай. Нобуд бўлиши гумон қилинадиган моли бўлса, қози соттириб, ундан фарзандларига, ота-онасига ва хотинига сарф қилгай. Аммо ҳукмсиз нафақаси вожиб бўлмайдиган одамларга, масалан, ака ва ука, опасингил, тоға ва бошқа нафақага лойиқ бўлмаган қариндошларига унинг молидан нафақа берилмагай. «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَعِرْسِه مَيِّتٌ فِي حَقِّ غَيْرِه فَلاَ يَرِثُ اَىْ يُوقَفُ قِسْطُه مِنْ مَالِ

مُوِرثه اِلَى تِسْعِينَ سنة

Йўқолган киши ўлган одам ҳукмидадир. Бас, йўқолиб кетган киши бошқа одамдан мерос ололмагай, яъни, бир киши йўқолиб кетганидан кейин унга мерос еткурадиган одам ўлса, ундан теккан қадри ҳиссаси бир одил одам қўлига топширилур, бу туғилган вақтидан тўқсон йилгачадир, масалан, бир одам ўлиб, унинг икки қизи, бир йўқолган

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўғли қолса, қолган молнинг ярми икки қизига берилур, қолгани йўқолиб кетган ўғли учун бир одил кишининг қўлида тўқсон йилгача тўхтатиб қўйилур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

فَانْ ظَهَرَ حَيًّا فَلَهُ ذَلِكَ

Бас, ул йўқолиб кетган одамнинг тирик юрганлиги маълум бўлса, сақлаб қўйилган ҳисса унга бўлгай.

وَ بَعْدَهَا يُحْكَمُ بِمَوْتِه فِي مَالِه يَوْمَ تَمَّت الْمُدَّةُ

Ва тўқсон йил ўтганидан кейин муддат тамом бўлган кунда унинг моли тўғрисида ўлганлигига ҳукм қилинур.

فَتَعْتَدُّ عِرْسُهُ لِلْمَوْتِ

Ғойибликда ўлганига ҳукм қилинган одамнинг хотини ўлган одамга идда ўтиргандек идда ўтиргай, идда озод хотинга тўрт ойу ўн кун, канизакка икки ойу беш кундир.

وَيُقْسَمُ مَالُهُ بَيْنَ مَنْ يَرِثُ الآنَ

Ғойибнинг моли ҳукм қилинаётганда кимки меросгир бўлса, бўлиб берилгай. Бас, ҳукм қилинаётган муддатдан илгари ўлган одам мерос ололмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз», «Шарҳи Илёс», «Шарҳи Виқоя» ва «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَفِي مَالِ غَيْرِهِ مِنْ حِينِ فُقْدِهِ فَيُرَدُّ مَا وُقِفَ لَهُ اِلَى مَنْ يَرِثُ الْغَيْرُ عِنْدَ مَوْتِه

Ғойибдан бошқанинг молида ғойибнинг ўлганига йўқ бўлган замондан бошлаб ҳукм қилинур. Бас, бошқа кишининг молидан ғойибнинг фойдаси учун сақлаб қўйилган мол ўшал бошқа кишининг ўлган вақтидаги ғойибнинг меросгирларига қайтарилгай. Бу масъаланинг маъноси шуки, бир одамнинг икки ўғли бор эди, ул икки ўғлининг биттаси ғойиб бўлди. Ундан сўнг отаси ўлди. Унинг моли бу икки ўғилга тенг тақсим қилинибди. Ул ғойиб ўғилнинг қадри ҳиссаси сақлаб қўйилди. Шундан кейин мазкур ғойиб бўлган ўғилнинг ўлганлигига ҳукм қилинди. Ул сақлаб қўйилган ҳисса ул тирик қолган биродариники бўлгай, ғойибнинг меросгирларига бўлмагай. Чунончи, «Гўрмирий»да ҳам мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْقَضَاءِ

ҲУКМЛАР КИТОБИ

Бу китобда ҳукм қилмоқнинг баёни келур. Қазо – луғатда ҳукм қилмоқ, шариатда даъволашганларнинг жанжалларини ҳукм билан айирмоқ, низоларини қўйдирмоқ, шариатга биноан тегишли ҳақларини олиб бермоқ маъносидадир. Қозилик уламонинг иттифоқлари билан фарзи кифоядир. Агар ҳамма одам қозиликка қабул қилмай, тўхтаб турсалар, гуноҳкор бўлгайлар. Батаҳқиқ, Худойи таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳукм қилмоқни қуйидаги қавли билан амр этди:

﴿وَ أَنِ احْكُم بَيْنَهُمْ بِمَآ أَنْزَلَ اللهُ ...﴾ المائدة/ ٤٩

Яъни: «Улар ўртасида Аллоҳ нозил этган нарса (оятлар) билан ҳукм қилинг».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳазрати Алий розийаллоҳу анҳуни Йаманга қози қилиб юбордилар ва Муъоз розийаллоҳу анҳуни ҳам юбордилар. Ва бунга ижмоъул-муслимийн собитдир.

Икки хасмнинг ўртасида ҳақ ва ростлик билан ҳукм айламоқ фарзларнинг қавий(кучли)роғидир ва ибодатларнинг афзалидир. Чунончи, «Мултақийи анзар»да ҳам мазкурдир. Аммо қозиликка муносиб ва салоҳийатли киши ғойибдир, топиб бўлмайди. Ушбу жиҳатдан айтилибди, бегумон ул салоҳийатли киши киброти аҳмор ва зумурради ахзар камёброқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

اَهْلُهُ اَهْلُ الشَّهَادَةِ

Қозиликнинг аҳли шаҳодат аҳлидир, яъни, гувоҳлик бермоққа муносиб бўлғувчи мусулмон бўлмоқ, доно, оқил, балоғатга етган бўлмоқ қозиликка муносиб бўлғувчидир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ يَصِحَّانِ مِنَ الْفَاسِقِ

Гувоҳлик бермоқ ва қозилик қилмоқ иккаласи ҳам фосиқдан дурустдир, яъни, фосиқнинг қилган ҳукми нофиз (ўтувчи) ва берган гувоҳлигини қабул қилмоқ дурустдир. «Китобу-н-наводир»да ёзилишича, бизнинг асҳобларимиздан (ривойат) шулки, фосиқ қозининг ҳукми дуруст эмас. Чунончи, «Ихтиёр» китобида ҳам мазкурдир.

لَكِنْ لَا يُقَلَّدُ

Лекин вожиб шулки, фосиқ одамга қозиликни топшириб, ҳукм қилмоққа тайин қилинмагай. Бу ерда шу нарсадан огоҳлантириш борки, фосиқни қози қилганда шаҳар волийи гуноҳкор бўлгай. Чунончи, мусанниф «Шарҳи Виқоя»да баён қилдилар. Ушбудек «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ لَا تُقْبَلُ شَهَادَتُهُ

Фосиқнинг гувоҳлиги қабул қилинмагай. Ва мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ фосиқнинг гувоҳлигини қабул қилмоқ билан гуноҳкор бўлгай, деб баён қилдилар. Албатта, гувоҳликда одиллик шартдир, қабул қилмоқнинг лозим бўлмоғига қабулнинг дуруст бўлмоғи шарт эмас. Ва бунда шу нарсага ишорат борки, заиф ривойат билан ҳукм қилувчи, яъни, қози ва муфтий, гуноҳкордирлар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لَوْ فُسِقَ الْعَدْلُ يُعْزَلُ

Агар одил қози пора олмоқ, шароб ичмоқ, зино қилмоқ ёки бошқа гуноҳ қилмоқ билан фосиққа айланса, ул фосиқни қозиликдан чиқармоқ шаҳар волийсига вожиб бўлгай. Бас, фосиқ қози фосиқлик сабабли ўз-ўзидан қозиликдан тушиб қолмайди. Чунончи, «Заҳирийя»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир. «Ҳидоя»да шундай баён қилинибди, маъноси шуки, фосиқ қози қозиликдан маъзул бўлмоққа (тушурилмоққа) лойиқ ва муносиб бўлгай, яъни, фосиқ қозининг қозиликдан тушмоғи яхши бўлгай. Чунончи, баён қилибдурлар алломату-л-Кардарий алама фи-н-Ниҳоя ва бу зоҳир ривойатдир. Ва бизларнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

машойихларимиз шу масъалага амал қилурлар. Бу саҳиҳ қавл, фатво шунгадир. Чунончи, «Воқиъот»да мазкурдир.

Бунда шу нарсадан огоҳлантириш борки, фосиқ қозининг фисқдан кейин қилган ҳукми нофиз (ўтувчи)дир, чунончи, Баздавий айтдилар. Хассоф баён қилдиларки, пора олганда, қозининг ҳукми ботил ва вайрон бўлур, порадан бошқада эмас. Ва бу қавлни Ҳалвоний ва Сарахсий олибдилар. Чунончи, «Ғаммодий»да мазкурдир.

وَ قِيلَ يَنْعَزِلُ

Ва айтилибдурки, қози фосиққа айланганда, ўзидан ўзи қозилиқдан тушиб қолур. Бу қавл уч имомдан, яъни, Имом Аъзам, Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳдан ривойат қилингандир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ مَنْ اَخَذَهُ بِالرِّشْوَةِ لاَ يَصِيرُ قَاضِيًا

Ва кимки қозиликни ришва билан олса, яъни, пора бериб қозиликни олса, қози бўлолмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз», «Дурарул-Ҳукком», «Шарҳи Илёс», «Муъинул-ҳукком» ва «Хулоса»да мазкурдир. Агар қози пора билан қози қилинса ё порани фуқаролар олса, унинг ўзи бунинг поралигини билиб туриб, ул одамни қози қилмоқ жоиз эмаски, қозининг пора олиб, ҳукм қилганига ўхшаш. Чунончи, «Муъинул-ҳукком»да мазкурдир.

Қозиликни султонга ё ўз фуқароларига ришва бериб олса ва бунинг ришва эканлигини билиб туриб ёки қозиликни талаб ва хоҳиш қилиб олса, ё қози пора олса, ёки қозининг аъвон ва ёронлари қозининг ўзи билиб туриб, пора бериб, қозиликни олса ва ҳукм қилса, нуфуз қилмайди. Чунончи, «Раддул-Мухтор», «Жомиъу-р-румуз», «Фатовойи Ибни Нажм», «Шаранбалонийя» ва «Жомиъу-л-фусулайн»да мазкурдир.

Ҳар вақт қозиликни пора билан олса, қози бўлмайди, яъни, қозилик ҳисоб эмас. Чунончи, «Канз»да мазкурдир. «Баҳру-р-роиқ»да айтилишича, бу қавл саҳиҳдир. Агар ҳукм қилса, ҳукми ўтмайди. Бу қавлга фатво берилган. Чунончи, «Радду-л-Мухтор»да мазкурдир. Бундай масъала «Китобу-д-дурар»да, «Имодиййа»дан олиниб баён қилинибди. «Хонийя» китобида ёзи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лишича, уламолар иттифоқ қилдиларки, қози ҳар вақт ришва олса ва бу олган нарса асосида ҳукм қилса, ҳукми ҳисоб эмас.

وَالاجْتِهَادُ شَرْطٌ لِلأَوْلَوِيَّة

Қозининг мужтаҳид бўлмоғи авло ва яқинроқ бўлмоғи шартдир. Лекин вожиб шуки, масъалага олим, фақиҳ ва эътамид (ишонч)ли бўлгай. Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳнинг айтгани шуки, мутаварриъ ва парҳезкор (қози) менга мужтаҳиддан кўра яхшироқдир, ул (қози) Худодан қўрқадиган, парҳезкор, фарзларга олим бўлса, кифоя қилур. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир. Ижтиҳод деб луғатда машаққатни кўтармоққа айтилур, шариатда эса фақиҳ ва олим киши яна кўпроқ илмни таҳсил қилмоққа ўзининг тамом ва комил қувватини сарф қилмоқ, андоғким, бундан ортиқ илм ҳосил қилмоққа ўз нафсидан ожизлигини сезгай ва фаҳмлагай. Яна мужтаҳид бўлмоқнинг шарти шуки, ҳукмларда ҳожат ва зарур бўладиган беш юз оят ва уч минг ҳадиси шарифни маънолари билан ёд олган бўлгай. Оят ва ҳадисларнинг қисмларига олим бўлгай. Мужтаҳид луғат (тил) тўғрисида шундайки, муфрадот ва мураккаботни, уларнинг фойдада ҳожатларини билгай. Мужтаҳид бўлмоққа луғат, сарфу наҳв, маъоний ва баён илмларини билмоқ шарт. Чунончи, зиёда баёни «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ يَطْلُبُ الْقَضَاءَ

Қозиликни талаб қилмагай, чунки ҳеч ким хоҳиши билан қози бўлмоққа мойил бўлмагай. Кўнгли билан қози бўлмоққа мойил бўлмагай деб наҳий ва манъ қилганларидан шу нарсага огоҳлантириш борки, батариқи авло тили билан «қози бўламан», деб мойил бўлмоқ лойиқ ва муносиб эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

«Ғоятул-баён»да ёзилишича, дил билан қозиликни талаб қилмоқ ва тил билан қозиликни сўрамоқ макруҳдир. «Музмарот» китобида ёзилишича, подшоҳдан қозиликни талаб қилмоқ ва одамлардан сўрамоқнинг иккаласи ҳам макруҳдир. Ушбу тариқаки, қози бўлмоғига ўртага воситаларни қўймоққа майл этмоқ ҳаромдир, ҳалол эмас. Чунончи, «Хулоса»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

قَالَ ابْنُ عُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا: اِنِّي اَعُوذُ بِاللهِ اَنْ يَجْعَلَنِي قَاضِيًا

яъни, ҳазрати Умар розийаллоҳу анҳунинг ўғиллари айтадилар: «Албатта, мени қози қилмаслиги учун Худойи таолога сиғинаман ва паноҳ талаб қиламан». Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Пайғамбар алайҳиссаломнинг қавллари тўғрисидан, қози бўлмоқни дил билан талаб қилмагай ва тил билан сўрамагайки, ул жаноб айтдилар:

مَنْ سَأَلَ الْقَضَاءَ وُكِّلَ اِلَى نَفْسِهِ وَ مَنْ اُجْبِرَ عَلَيْهِ نَزَلَ عَلَيْهِ الْمَلَكُ يُسَدِّدُهُ اَىْ يُلْهِمُهُ الرُّشْدَ وَيُوَفِّقُهُ لِلصَّوَابِ

Яъни: «Кимики қозиликни талаб қилса, уни унга қўя берилгай. Агар уни таклиф ва зўрлик билан қози қилсалар, унга бир фаришта тушиб, ростни илҳом қилгай ва дилига солгай, уни савоб (тўғри йўл)га иъонат (ёрдам) қилгай». Ушбудек «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир.

Лойиқ шулки, қози иътамид (ишонч)ли ва ҳеч нарсадан хавф қилмайдиган далир (ботир) бўлгай. Дурушт (қўпол) сўзламасдан, мулойим сўзли бўлгай. Суст ва натавон бўлмаслиги лозим, зероки, қозилар мусулмонлар ишларининг зарурроғидандир. Бас, ҳар кишики, биладиганроқ, шиносороқ (танийдиган)роқ, қодирроқ, обрўйлироқ, ҳайбатлироқ, одамлардан етган нарсага сабрлироқ бўлса, ул киши яхшироқ ва авлороқ бўлгай.

Султонга муносиб шулки, тафаҳҳус қилиб (текшириб), хўп қарагай, кимики авло бўлса, қози қилгай. Бу Пайғамбар алайҳиссолату вассаломнинг муборак қавллари жиҳатидан:

مَنْ قَلَّدَ اِنْسَانًا عَمَلاً وفِي رَعِيَّتِهِ مَنْ هُوَ اَوْلَى فَقَدْ خَانَ اللهَ و رُسُولَهُ وجَمَاعَةَ الْمُسْلِمِينْ

Яъни: «Кимики бир одамни бир ишга мутасадди қилса, ваҳоланки, унинг фуқаролари ичида ундан кўра авлороқ одам бўлса, бас, батаҳқиқ, Худойи таолога, Пайғамбарига ва жамоайи муслиминга хиёнат қилибди». Ушбудек «Раддул-Мухтор» «Дурарул-Ҳукком» ва «Ҳидоя»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ اَمَّا قَوْلُهُ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وسَلَّمَ: اَلْقُضَاةُ ثَلاَثَةٌ قَاضِيَانِ فِي النَّارِ وقَاضٍ فِي الْجَنَّةِ عَمِلَ بِالْحَقِّ فِي قَضَائِهِ فَهُوَ فِي الْجَنَّةِ و قَاضٍ عَلِمَ الْحَقَّ فَجَارَ مُتَعَدِّيًا فَذَلِكَ فِي النَّارِ و قَاضٍ قَضَى بِغَيْرِ عِلْمٍ واسْتَحْيَا اَنْ يَقُولَ لا اَعْلَمُ فَهُوَ فِي النَّارِ فَصَحَّ اَنَّ ذَلِكَ فِي الْجَاهِرِ والْجَاهِلِ الَّذِى لَمْ يُؤْذَنْ لَهُ فِي الدُّخُولِ فِي الْقَضَاءِ

яъни, Пайғамбар соллалоҳу алайҳи ва саллам қавлариким: «Қози уч хил бўлади: икки хил қози дўзахга ва бир хил қози жаннатга киргай. Қозиким, ҳукм қилмоқда ҳаққа амал қилса, бас, жаннатга киргай. Қозиким, ҳақ ишни билатуриб, эгри ўтиб кетса, ул қози дўзахга киргай. Ва қозиким беилм ҳукм қилса ва билмайман демоққа уялса, ундай қози дўзахга киргай». Бас, тўғриси шуки, ҳақдан тажовуз қиладиганга ва илми шариатни билмайдиган нодонга қозилик амалига минмоққа жавоб берилмагай. Ушбудек «Муъину-л-ҳукком»да мазкурдир.

Бас, батаҳқиқ, мазҳабнинг баъзи уламолари айтдилар: «Қози бўлмоқ меҳнатдир, кимики қозиликка кирса, меҳнати азимга мубтало бўлибди. Зеро, ўзини нобуд бўлмоққа арз қилибди. Чунки қозиликка мубтало бўлган кишига холис бўлмоқ ва қочмоқ машаққатдир. Ва ушбу жиҳатдан Пайғамбар соллаллаҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким ҳукм қилмоққа валий бўлса, бас, бепичоқ сўйилибди». Ушбудек «Муъинул-ҳукком»да мазкурдир.

«Ҳидоя»да айтилибдики, қози бўлмоқни бепичоқ сўйилмоққа ташбиҳ қилмоқнинг сабаби шуки, пичоқ зоҳирда ва ботинда ҳаммасига жар қилгай. Ва бепичоқ сўймоқ бу бўғмоқ тариқи билан бўлур, гўёки бўғмоқ бепичоқ сўймоқдир. Албатта, бундай сўймоқ ботинга таъсир қилур. Бас, шунга ўхшаш қозилик зоҳирга таъсир қилмайди, бас, албатта қозининг зоҳирида қадру манзалат бордир, ботинида эса ҳалоллик ва нобудлик мавжуддир. Шамсу-л-аимма Ҳалвоий айтар эдилар: «Ушбу ҳадиси шарифни ҳақир ва хор тутмоқ ҳеч кимга лойиқ эмас, токи ул ҳадисни хор тутган қозига етган офат унга етмагай».

Ҳикоят. Бир қозига ушбу хадиси шариф ривойат қилинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бас, таҳқир қилди, яъни, хор кўрди. Бас, қози айтди: «Қози бўлган киши нечук бепичоқ сўйилур экан?» «Шундан сўнг мажлисдаги соч оладиган одамни чақирди. Бас, сартарош қозининг томоғидаги баъзи мўйларни олар эди. Ногаҳон қози атса уриб юборди. Томоғига устара ботиб, қозининг бошини узиб, олдига ташлади. Ушбудек «Ғаввосул-баҳрайн», «Кофий» ва «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир.

وَاعْلَمْ اَنَّ طَلَبَ الْقَضَاءِ وَالْحِرْصَ عَلَيْهِ حَسْرَةٌ نَدَامَةٌ فِي عَرَصَاتِ الْقِيَامَةِ

Яъни, билгилки, қозиликни талаб қилмоқ ва қозиликни орзу қилмоқ Арасоти қиёматда ҳасрат ва надоматдир. Ушбудек «Муъину-л-ҳукком»да мазкурдир.

وَاِنَّمَا يَدْخُلُ فِيهِ مَنْ يَثِقُ عَدْلَهُ

Қозиликка ўзининг одиллигига эътимоди (ишончи) бор одам киргай. Қозиликни эплай олмасликдан хавф қилган ҳолда, яъни, шариати ғарога мувофиқ қозилик қила олмасликдан хавф қилган ҳолда қозиликка кирмоқ макруҳдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Бу ерда шу нарсага ишорат борки, фосиқ одам қозиликка кирмагай. Ва шунга ўхшаш адолат қилишига ишончи бўлмаган одил киши қозиликка кирмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ مَنْ قُلِّدَ سَئَلَ دِيْوَانَ قَاضٍ قَبْلَهُ وَلاَ يَعْمَلُ فِي الْمَحْبُوسِ بِقَوْلِ الْمَعْزُولِ

Ва кимики қози қилинса, ўзидан илгариги бўлиб ўтган қозини дафтарларини сўрагайки, ул дафтарларда ҳужжатлар, хатлар ва бошқа зарур ёзилган нарсалар бўлгай.

Ва ул янги қўйилган қози қамалган одамлар тўғрисида ишдан олинган қозининг сўзи билан амал қилмагай. Масалан, янги қози қамоқдаги одамларнинг ҳолларини ё улардан бошқа ишларни тафтиш ва таҳқиқ қилиб, ўз тасарруфига олгай ва туширилган қозининг: «Бу зиндондаги одам айбдан холий, зиндондан халос қилмоқ лозим», деган сўзига амал қилмагай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَكَذَا فِي غَلَّةِ الوَقْفِ والوَدِيعَةِ

Шунингдек, яъни, қози вақф молидан ҳосил бўлган нарсаларда ва омонатни сақламоқда ишдан бўшаган қозининг сўзи билан амал қилмагай. Масалан, фалон вақфдан келган ҳосилни фалон маҳалланинг имомига бердим деса, ул имом, олганим йўқ деса, имомнинг сўзига амал қилиниб, қозидан талаб қилинур. Шунга ўхшаш бир кишининг ишдан тушган қози қўлида омонат қўйган моли бўлса, маъзул (ишдан тушган) қозининг, эгасига топширганман, деган сўзига амал қилинмагай ва янги қози унинг сўзига амал қилмагай. Чунончи, бунинг мазмуни «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

اِلاَّ اِذَا اَقَرَّ ذُو الْيَد بِالتَّسْلِيمِ مِنْهُ

Ҳар вақт қўлида омонат бор киши, ул омонат молни маъзул бўлган (ишдан кетган) қози менга топширди, деб иқрор қилсагина, янги қози маъзул қозининг сўзи билан амал қилгай.

وَيَقْرِضُ مَالَ اليَتِيمِ

Қози етимнинг молини қарзга бергай, борди-ю, қарз олувчининг муомаласи яхши бўлса, ҳужжат хат битгай ва уни дафтарга эҳтиёт қилгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَالْجَامِعُ اَوْلَى لِجُلُوسِهِ الظَّاهِرِ

Халқ орасида зоҳиран ва ошкора ҳукм қилмоғи учун қозининг намози жумъа ўқиладиган жомиъда ўтиргани авло ва яхшироқдир. Зероки, қози ўтирадиган жойининг яхшиси ва муносиби шуки, яширин бўлмағай ва масжиди жомиъ жойларнинг машҳурроғидир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Ҳар вақт қози халойиқнинг арзини сўрамоқ учун масжидга кирса, мустаҳаб шулки, икки ракаат «Таҳиййати масжид» (намози) ўқигай, тўрт ракаат ўқиса ҳам афзалдир, сўнг Аллоҳ таолодан ҳаққа мувофиқ қилмоқни талаб қилгай, дуо қилиб, сўнг қиблага қараб ўтиргай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَلاَ يَقْبَلُ هَدِيَّةً

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қози олиб келинган ҳадйани асло қабул қилмагай. Ривойат қилиндики, волийнинг раъоё (халқ)дан қабул қилган ҳадйаси ришва (пора)дир ва бу ришва ҳаромдир. Чунончи, «Ҳидоя»да ва «Ғаввос»да мазкурдир.

اِلاَّ مِنْ ذِى رِحمٍ مَحْرَمٍ

Бироқ никоҳи ўзига ҳаром бўлган қариндошларидан ҳадйани қабул қилгай.

اَوْ مِمَّنْ اعْتَادَ مُهَادَاتَهُ قَدْرًا عُهِدَ

Қози бўлмасидан илгари ўзига ҳадйа беришга одати бўлган кишидангина қози ҳадйани қабул қилгай. Бас, агар қози бўлгандан кейин ҳадйани кўпроқ олиб келса, қабул қилмагай. Бироқ у кишининг моли кўпайса, бой бўлгани учун кўп ҳадйа берса, қабул қилгай. Чунончи, «Муғний» китобида мазкурдир.

اِذَا لَمْ يَكُنْ لَهُمَا خُصُومَةٌ

Башарти бу икки хил одамнинг бу қозида ҳукм қилинадиган жанжаллари бўлмаса. Агар бу қозида ҳукм қилинадиган жанжаллари бўлса, ҳадйаларини қабул қилмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَلاَ يَحْضُرُ دَعْوَةً اِلاَّ عَامَّةً

Қози зиёфатга чақирилса, бормагай, борди-ю, чақирган қариндоши бўлса ҳам, унинг уйига зиёфатга боришга одатланган бўлса ҳам. Бироқ кўп одамни зиёфатга чақирган бўлса, боргай. Зероки, бу зиёфат қози учун тайёрланмайди. Чунки айтган жойга бормоқ суннатда, башарти туҳмат етмаса. Чунончи «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

يُسَوِّى بَيْنَ الْخَصْمَيْنِ جُلُوسًا وَاِقْبَالاً

Қози икки хасмни, яъни, иккала даъвогарни ўтирғизишда ва юзма-юз туришда тенг кўргай, яъни, иккала хасм қозининг рўбарусида баробар ўтиргай. Демак, мусулмон билан жуҳудни ўтирғизишда бетақдим ва бетаъхир баробар ўтирғизгай. Шунингдек, подшоҳ билан бир одам хасм бўлиб қозига келса, хасм

www.ziyouz.com kutubxonasi

ерга ўтирса, подшоҳни ҳам баробар ўтирғизгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ يَسَارُّ اَحَدَهُمَا

Подшо иккала хасмнинг бири билан яширин ва оҳиста сўзлашмагай. Зероки, биринниг дили шикаст егай. Бу ерда шу нарсага ишорат борки, қози иккала хасм олдида баробар гапиргай. Чунончи, «Сирожиййа»да мазкурдир. Қози биринчи хасмга овозини кўтармаса, иккинчи хасмга ҳам кўтармагай. Зероки, қозининг овозидан даҳшат тортиб қолгай, кўпинча бундан ихтиёр бергай ва ҳақини тарк этгай. Чунончи, «Жавҳар»да мазкурдир.

وَ لاَ يُضِيفُهُ

Икки хасмдан бирини зиёфат қилмагай. Икковини бирдан зиёфат қилса, зарари йўқ. Икковини зиёфат қилганда бирига кўпроқ майл қилмоқ йўқ. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ يَضْحَكُ

Иккала хасмдан кулиб қарамагай, зероки, қози хасмнинг бирига қараб кулганда, иккинчи хасмни далир ва ботир қилган бўлгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Бу ерда шу нарсага ишорат борки, қози асло қаҳ-қаҳ уриб кулмагай. Бас, албатта қаҳқаҳа билан кулмоқ бошқа одамга ҳам макруҳдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ يَمْزَحُ مَعَهُ

Яна қози икки хасмнинг бири билан ҳазил ва мутойиба қилмагай, зероки, ҳазил қилмоқ қозиликнинг ҳайбатини кеткизади. Чунончи, «Лубоб лил-Майдоний»да мазкурдир.

وَ لاَ يُشِيرُ اِلَيْه

Яна қози даъвогарларнинг бирига ишорат қилмагай бош бирла ё кўзу қош бирла, чунки туҳматга ҳужжат бўлгай. Чунончи, «Ҳидоя» ва «Дурару-л-Ҳукком»да мазкурдир.

وَ لاَ يُلَقِّنُهُ حُجَّةً

Яна қози икки даъвогарнинг бирига ҳужжат ва далил ўргат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

магай, яъни, сенга фойдали жавоб бу сўздир, демагай. Зероки, ҳужжат талқин қилиш унга ёрдам ва иъонат (кўмак) бермоқ бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ يُلَقِّنُ بِقَوْلِه اَتَشْهَدَ بِكَذَا

Қози гувоҳга: «Шундоқ гувоҳлик берурмисан?» деб талқин қилмагайки, бу макруҳдир. Зероки, хасмнинг бирига иъонат берган бўлгай. «Одобул-қози» китобининг шарҳида шундай ёзилганки, қозининг «Қандай гувоҳлик берурсан?» демоғи жоиз эмас. Зеро, бундоқ демоқ талқинга ўхшашдир. Балки «Нимага гувоҳлик берурсан?» дегай.

وَاسْتَحْسَنَهُ اَبُو يُوسُفَ رَحِمَهُ اللهُ فِيمَا لا تُهْمَةَ فِيه

Қози ёрдам берди, деб туҳмат бўлмаганда, гувоҳга талқин қилмоқни Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ яхши дебди. Зеро, гувоҳлик бераётган киши мажлиснинг ҳайбати босиб, гоҳида гапиролмасдан қолгай. Бас, қозининг талқини ҳақни юзага чиқармоқ учун баманзалайи хасмни ҳозир қилмоқ учун одам юбормоққа, икки хасмнинг биридан кафил олмоққа ўхшашдир. Чунончи, «Ҳидоя» ва «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир. Бунда шу нарсага ишорат борки, икки шоҳид (гувоҳ)нинг бирига талқин қилмоқ би-л-ижмоъ макруҳ эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

Билгил, «Китобул-ихтиёр»да ва бошқа китобларда шундай ёзилганки, қози (ўзида) андуҳ, пинак, яъни, мудроқ, ғазаб, очлик, ташналик ё бир одамнинг ҳожати пайдо бўлган ҳолларда ҳукм қилмагай ва даъвони сўрамагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Зеро, ҳар вақтики, қози мазкур ҳолатларда бўлса, дили машғул бўлиб, хасмларнинг сўзларини фаҳмламагай. Чунончи, «Жавҳара»да мазкурдир.

Қози ўзидан аъвон ва ёронларини узоқ қилгай, андоғким, қози билан иккала хасм орасидаги сўзни эшитмагайлар. Сулҳ ва ярашмоқ умиди учун даъвогарларни икки мартаба қайтариб чиқармоқ жоиз. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَيَحْبِسُ الْخَصْمَ مُدَّةً رَاَهَا مَصْلَحَةً

Қози хасмни, яъни, жазога мустаҳиқ қилинган одамни ўзи

www.ziyouz.com kutubxonasi

маслаҳат кўрган муддатгача қамаб қўйгай, яъни, қамаб қўймоқ муддати қозининг ихтиёрига топширилгай.

بِطَلَبِ وَلِيِّ الحَقِّ اِنِ امْتَنَعَ الْمُقِرُّ عَنِ الاِيْفَاءِ اَوْ ثَبَتَ الحَقُّ بِالْبَيِّنَةِ

Эгасининг талаб қилмоғи билан, агар мазкур даъво қилинган одамда даъво қилган кишининг ҳақи бор (бўлиб) ва лозиму-л-адолиғига ўзи иқрор қилиб туриб, бериб адо қилмоққа қабул қилмаса ёки иқрор қилмаса ҳам, унинг ҳақи борлиги гувоҳи билан исбот ва муқаррар бўлса, масалан, қози ул қарздор одамни бериб, адо қилмоққа амр қилса, қудрати етиб туриб адо қилмаса, агар қози унинг бой эканини билса, ул хасислик қилмоғи ва бепарволик қилиб, қарзини адо қилмагани сабабли уни қамамоқ вожиб. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

فِيمَا لَزِمَهُ بِعَقْدٍ كَالْكَفَالَةِ وَالْمَهْرِ

Қози муддаъий алайҳни, яъни, даъво қилинган одамни қамамоғи шундай ҳолатда бўлурки, ул тўланадиган ҳақ ақд билан, яъни, ўз розилиги билан гарданига олган ва илтизом қилган сувратдаги ҳақ бўлгай, масалан, бир киши кафиллик билан бермоқ лозим бўлган ҳаққа ўхшаш ҳамда маҳри муажжалларга ўхшашларда. Масалан, бир киши бир одам учун мол тўламоққа кафил бўлиб, тўлай олмаганидан кейин кафилликдан ушланиб, талаб қилганда мазкур молни тўламоққа қабул қилмаса, ҳибс қилинур, яъни, қамаб қўйилур. Маҳри муажжални бермоқдан ибо қилса, яъни, қабул қилмаса ҳам, қамаб қўйилур. Аммо маҳри муважжал учун қамалмагай. **Муажжал** деб нақдга, **муважжал** деб насийага айтилур.

اَوْ بَدَلَ مَالٍ حَصَلَ لَهُ

Муддаъий алайҳга, яъни, даъво қилинган одамга ҳосил бўлган молнинг баҳосини бермагани, яъни, даъво қилувчининг молини олиб, пулини бермагани жиҳатидан қози уни ҳибсга олгай ва қарз олган нарсасининг пулини бермагани сабабли ҳам қамагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ فِي نَفَقَةِ عِرْسِهِ وَوَلَدِهِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хотинининг ва балоғатга етмаган боласининг нафақаси учун қози қамоққа олгай.

لاَ فِي دَيْنِه

Аммо болаларининг нафақалари учун ота ва оналари ҳибс қилинмагай. Ушбудек набираларининг нафақалари учун бобо ва момолари қамалмагай. Ва бу зоҳири ривойатдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ушбу баён қилинган уч сувратда ҳибс қилинур, яъни, қамаб қўйилур.

وَ فِي غَيْرِهَا لا

Булардан бошқа сувратларда, масалан, зоеъ ва нобуд бўлган молнинг товони ва жиноятларнинг товони ва шериклик олинган канизакларни озод қилган(лик) товониким, ўз қадри ҳиссасини озод қилганда, шеригининг ҳиссасини тўламоқ лозим бўлар эди ва мукотаб китобатининг бадали учун, насийа қилинган маҳрни адо қилмагани учун, хотин ва болаларидан бошқа қариндошларининг нафақалари учун қамалмагай. Агар ул даъво қилинган киши ўзининг фақиру бечоралигини даъво қилса, андоғким, мен бечораман, ҳеч нарсам йўқ, деб аҳволини баён қилса (қамалмагай), Зероки, асли одамда фақирликдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

اِلاَّ اِذَا قَامَتْ بِيِّنَةٌ

Ҳар вақт даъво қилинган одамнинг бойлигига гувоҳ қойим ва барпо бўлса, ул ҳолда қози уни маълум муддатгача, агар моли бўлса, шу муддатгача ошкор қилур эрди, деган гумони ғолиб ҳосил бўлгунча қамаб тургай. Бас, агар мол зоҳир ва маълум бўлмаса, қўйиб юборилур, бу бечоралигини исбот қилганда халос бўлганга ўхшаш, чунончи, «Китобул-ихтиёр» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ اِذَا شَهِدُوا عَلَىَ حَاضِرٍ حَكَمَ وَ كَتَبَ بِه

Ҳар вақт гувоҳлар ҳозир бўлиб турган хасмнинг зарарига гувоҳлик берсалар, масалан, бу Бакр номли одамнинг Зайдга берадиган қарзи бор, деб гувоҳлик берсалар, уларнинг гувоҳ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ликлари билан қози Зайднинг фойдасига ҳукм қилгай, яъни, махсус лафз билан гапиргай ва ул махсус лафз: «Ҳукм қилдим фалон одамнинг зарарига, фалон кишининг фойдасига шунча пулга» ё «менинг олдимда ушбу собит бўлди», ё «унинг ҳақи борлиги менинг олдимда зоҳир ва маълум бўлди», деб хат битгай.

وَ هُوَ السِّجِلُّ

Ва бу ҳукм қилинган китобат сижилдир ва бу ёзилган хатни урфда ҳам сижил дейилур.

و عَلىَ غَائِبٍ لاَ

Аммо ғойибнинг зарарига гувоҳлар қозининг ҳузурида гувоҳлик берсалар, қози ҳукм қилолмагай. Масалан, Холиднинг бу Зайдга берадиган минг танга қарзи бор эди, деб шаҳидлар гувоҳлик берсалар, ул Холид ғойибда бўлса, қози унинг зарарига ҳукм қилолмагай. Зероки, ғойибнинг зарарига ҳукм қилмоқ дуруст эмас. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ва «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

بَلْ يَكْتُبُ كِتَابًا حُكْمِيًّا لِيَحْكُمَ الْمَكْتُوبُ اِلَيْهِ

Балки қози китобат хатини битгай, бу китобат ҳукми бир қозининг иккинчи қозига ёзган хатидир, токи ул қози ҳукм қилгай. Масалан, қози: «Менинг олдимда Зайдга минг танга берадиган қарзи борлигига икки гувоҳ шоҳидлик қилдилар», деб беҳукм иккинчи қозига хат ёзгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

اِلاَّ فِي حَدٍّ و قَوَدٍ

Бироқ ҳад уришда, қасос олишда даъво қилинган кишининг ғойиблигида гувоҳлар зарарига гувоҳлик берсалар ҳам, бошқа қозига ҳукм қилдирмоқ учун ул қози китобат ҳукмини битолмагай. Агар ул қози хат ҳукмини битиб, иккинчи қозига юборса, хасмнинг олдида, яъни, муддаъий алайҳнинг олдида шоҳидлар гувоҳлик бермагунча ҳукм қилолмайди.

فَيَقْرَأُ عَلَى الشُّهُودِ وَ يَخْتِمُ عِنْدَهُمْ و يُسَلِّمُ اِلَيْهِمْ و عِنْدَ ابِي يُوسُفَ رَحِمَهُ اللهُ يَكْفِي اَنْ يَشْهَدَهُمْ اَنَّ هَذَا كِتَابُهُ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қози ғойиб муддаъий алайҳнинг зарарига гувоҳлар гувоҳлик берганда, иккинчи қозига ул муддаъий алайҳни олдириб келиб, ҳукм қилдирмоқ учун битилган китобат номли хатни олиб борадиган гувоҳлар ҳузурида ўқигай ва уларнинг олдида ул хатга ўрагандан кейин муҳр босгай. Ул хатни гувоҳларга топширгай. Лойиқ шуки, ул хатдан нусха битиб олиб, даъвогарга топширгай. Чунончи, «Ниҳоя»да мазкурдир. Токи хотири жам бўлгай. Зероки, ундан нусха битиб олмоқ барча гувоҳликларда шартдир. Албатта, гувоҳларнинг ёдларида вақти таҳаммулдан то адогача турмайди. Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, ҳамма шаҳодат (гувоҳлик)да нусха олмоқ шартдир. Чунончи, «Муғний» китобида мазкурдир. Ва бу замонда нусха олинган хатни «копия» дейилур.

وَ عِنْدَ ابِي يُوسُفَ رَحِمَهُ اللّٰهُ يَكْفِي اَنْ يُشْهِدَهُمْ اَنَّ هٰذَا كِتَابُهُ وَ خَتْمُهُ

Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, қозига бу гувоҳларни, албатта, бу фалон қозининг хатлари ва муҳр ҳам ул қозининг муҳрлари, демоққа гувоҳлантирмоқлари кифоя қилгай. Бас, гувоҳларга китобат ҳукмини кўрсатмоқ ва гувоҳлар олдида муҳр босмоқ ва ул хатни гувоҳларга топширмоқ шарт қилинган эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ عَنْهُ اَنَّ الْخَتْمَ لَيْسَ بِشَرْطٍ

Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳдан ривойат бордирки, муҳр босмоқ шарт эмас. Бас, қози шоҳидларни, бу хат қозининг хати, демоққа гувоҳлантирса, кифоя қилгай. Бу қавл васиъроқдир, гарчи Имом Аъзам билан Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳларнинг қавллари эҳтиёт бўлса ҳам. Чунончи, «Захийра»да мазкурдир. «Шарҳи Виқоя»нинг шориҳи (шарҳловчиси) раҳматуллоҳи алайҳ айтибдурларки, мен айтаман, ҳар вақт қози битган хат даъвогарнинг қўлида бўлса, муҳр босмоқ шартдир, деб фатво берилур. Агар гувоҳларнинг қўлида бўлса, муҳр босмоқ шарт эмас, деб фатво берилур. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

ثُمَّ الْمَكْتُوبُ اِلَيْهِ لاَ يَقْبَلُهُ اِلاَّ بِحُضُورِ الْخَصْمِ وَالْبَيِّنَةِ عَلَى اَنَّهُ كِتَابُ فُلاَنٍ قَرَأَهُ عَلَيْنَا وَخَتَمَهُ وَسَلَّمَهُ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ундан кейин хат олиб борилган қози ул хатни қабул қилмагай, фақат хасм ва гувоҳлар ҳозир бўлганда қабул қилгай, андоғким, улар гувоҳлик бергайлар, албатта, бу хат фалон қозининг хатларидир, бизларга бу хатни ўқиб ва муҳрлаб топширдилар, деб.

فَيَفْتَحُهُ وَ يَقْرَؤُهُ عَلَى الْخَصْمِ وَ يُلْزِمُهُ مَا فِيهِ اِنْ بَقِيَ الْكَاتِبُ قَاضِيًا

Бас, шоҳидлар гувоҳлик берганларидан кейин ул китобат ҳукми олиб борилган қози хасмнинг олдида мактубни очиб ва хасмга ўқиб бергай. Ул хатда бўлган нарсани хасмга, яъни, даъвогарга лозим қилгай, агар ул хатни битган қозиликда турган бўлса, бас, агар ул хатни битган қози ўлса ё хат битган замонда ўриндан қолса, ул хат қабул қилинмагай. Зероки, қози ёлғиз гувоҳлик берувчи одамга ўхшашдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لَا يَعْمَلُ بِهِ غَيْرُهُ اِلَّا اِذَا كَتَبَ بَعْدَ اِسْمِهِ وَ اِلَى كُلِّ مَنْ يَصِلُ اِلَيْهِ مِنْ قُضَاةِ الْمُسْلِمِينَ

Ул китобат юборилган қозидан бошқа қози ул хатга амал қилмагай, фақат ул хат юборилган қозининг номини битгандан кейин қуйидагича ёзса, бошқа қозилар ҳам амал қилгай, яъни: «Бул хат мусулмонларнинг қозиларидан ҳар қайсиларига етса», деб битилган ҳолда ҳар қайси қози бўлса ҳам, муддаъий алайҳни олдига олдириб келиб ҳукм қилгай.

وَ عِنْدَ اَبِي يُوسُفَ رَحِمَهُ اللّٰهُ اِنْ كَتَبَ هٰذَا اِبْتِدَاءً يُقْبَلُ

Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, аввалда «фалон қозига» деб тайин қилмай, «бу хат мусулмонларнинг ҳар қайси қозиларига етса», деб битилса, қабул қилингай, яъни, қайси қозига ул китобат ҳукми номли хат борса, ҳукм қилмоққа қудрати етгай. Одамларга осон қилмоқ учун қозиларнинг амаллари ушбу кунда бу масъалагадир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ اِنْ مَاتَ الْخَصْمُ يُنَفَّذُ عَلَى وَارِثِهِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар даъво қилинган одам ўлса, қози ҳукмни меросгирларга ижро қилгай.

وَ الْمَرْأَةُ تَقْضِي اِلاَّ فِي حَدٍّ وَ قَوَدٍ

Хотин киши барча ҳақларда қози бўлиб ҳукм қилгай, фақат ҳад уришда ва қасосда ҳукм қилмоғи дуруст эмас (зоҳири ривойатда). Бу эса хотин кишининг гувоҳлиги ҳад уришда ва қасос олишда дуруст эмаслигига эътибор қилингани сабаблидир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ул хотин киши ҳад ва қасосдан бошқа нарсаларда гувоҳлик бермоққа аҳлдир. Бас, хотин киши иккаласидан бошқа нарсаларда қози бўлиб ҳукм қилмоққа аҳлдир. Чунончи, «Иноя»да ҳам мазкурдир.

وَ لاَ يَسْتَخْلِفُ قَاضٍ

Қози ҳеч кимни ўз ўрнига халифа ва қоим мақом қилмагай ва халифасининг ҳукми нуфуз қилмагай, борди-ю, қози касал бўлса ҳам.

وَ لاَ يُوَكِّلُ وَكِيلٌ

Вакил ҳам ўз ўрнига бировни вакил қилолмагай. Ва бунга иктифо қилганларидан шу нарсадан огоҳлантириш борки, васий бўлган одамни ва масжиди жомиънинг имомини, яъни, намози жумъанинг имомини ўз ўрнига ноиб ва қоим мақом қилмоққа қудратлари етгай. Чунончи, «Кофий»да мазкурдир.

اِلاَّ مَنْ فُوِّضَ اِلَيْهِ ذَلِكَ

Фақат қозига ўз ўрнига кимни ноиб қўймоқ ихтиёри подшоҳдан топширилган бўлса, дурустдир. Вакилга ҳам, кимни хоҳласанг, вакил қил, деб топширилган бўлса, дурустдир.

فَفِي الْمُفَوَّضِ نَائِبُهُ لاَ يَنْعَزِلُ بِعَزْلِهِ

Бас, қозига ва вакилга ўз ўринларига бир одамни ноиб қилмоқ ихтиёри топширилган ҳолда қози бир одамни халифа қилиб, вакил ҳам бир одамни ўз ўрнига вакил қилиб қўйса, қози ва вакили аввалги ўринларидан маъзул бўлмоқлари билан уларнинг ўринларига ноиб бўлган одамлар маъзул бўлмайдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ مَوْتِه مُوَكِّلاً بَلْ هُوَ نَائِبُ الاَصْلِ

Ва яна ушбу рухсат билан насб қилинган (қўйилган) қозининг ўлмоғи билан ўз ўрнига қўйган ноиби маъзул бўлмайди. Яна биринчи вакил ўз ўрнига бир одамни вакил қилгандан кейин ўлмоғи билан иккинчи вакил маъзул бўлмайди, зероки, бу ҳақиқатда унинг ноиби эмас, балки ҳақиқатда бу ноиб подшоҳнинг ноибидир. Вакил бўлса, аввалда ўлган вакилнинг қилган вакилидир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ فِي غَيْرِهِ اِنْ فَعَلَ نَائِبُهُ عِنْدَهُ اَوْ اَجَازَ هُوَ اَوْ كَانَ قَدَّرَ الثَّمَنَ فِي الوَكَالَةِ صَحَّ

Халифа қўймоқ ихтиёри топширилмаган қози ва ўзга кишини вакил қилмоққа ихтиёр берилмаган вакил бир одамни ўринларига ноиб ва вакил қилсалар, ҳар қайсиларининг ноиблари ўзларининг олдиларида буюрилган ишларини қилсалар ё ноиблари қозининг ва вакилининг йўқликларида ишини бажо келтирса, ул ижозат берганда ё вакил қилганда, масалан, бир отни сотиб олмоққа вакил қилганда пулининг миқдорини тайин қилса, мазкур ноибнинг қилган иши дурустдир.

وَ اعْمَلْ بِرَأْيِكَ يُوَكِّلُ

Бир киши бир одамни вакил қилганда: «Ўз раъйинг билан иш қил» деса, ул вакил бошқа одамни ўз ўрнига вакил қилгай, яъни, вакил қилмоққа қудрати етгай.

وَالْقَضَاءُ عَلَى خِلاَفِ مَذْهَبِه نَاسِيًا اَوْ عَامِدًا لاَ يَنْفُذُ

Қози қасддан ё билмасдан ўз мазҳабининг хилофига ҳукм қилмоғи дуруст эмас, Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида, ҳукми нуфуз қилмагай. Фатво шу қавлгадир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз» ва «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَعَلَى وِفَاقِه يُجْعَلُ الْمُخْتَلَفُ فِيه مُجْمَعًا عَلَيْه

Қози ўз мазҳабининг мувофиқига ҳукм қилса, ихтилофлик масъала иттифоқига айлангай, ул ҳукмни мусулмон қозиларидан ҳеч қайси бирлари қайтара олмагайлар, бу барча мужта-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳидларнинг наздларидадир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

فَإِنْ عُرِضَ عَلَى آخَرِ يَمْضِيهِ

Бас, агар қозининг ихтилофлик масъаласига қилган ҳукмидан бошқа қозига арз қилинса, ул қозининг ҳукмини нофиз (ўтувчи) ва жорий ва лозим қилгай. Ихтилофли масъалани ҳукм қилмоқ билан таржиҳ ва афзун бўлгани жиҳатидан бундай қилмоқ ул қозидан вожибдир. Бас, ул қозини рад қилмоққа қудрати етмагай. Бас, агар қайтарса, учинчи қозига олиб боргай, аввалги қозининг ҳукмини жорий қилгай, кейинги қозининг ҳукмини рад қилгай. Чунончи, «Муғний»да ва бошқа китобларда мазкурдир.

إِلاَّ فِيمَا خَالَفَ الْكِتَابَ أَوْ السُّنَّةَ الْمَشْهُورَةَ أَوِ الإِجْمَاعَ

Фақат ул ҳукмда Қуръони шарифга хилоф ҳукм қилганлиги маълум бўлса, масалан, жонлиқ сўйганда «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар»ни тарк қилмоқ, албатта, бу Худойи таборак ва таолонинг қавмига мухолифдирки:

﴿وَلاَ تَأْكُلُوا مِمَّا لَمْ يُذْكَرِ اسْمُ اللهِ عَلَيْهِ...﴾ الانعام/ ١٢١

деб наҳий қилди. Яъни: «Ҳайвонни сўяётган вақтда унга Худойи таолонинг номи шарифи ёд қилинмаса, ул ҳайвонни емагайлар». Чунончи, зиёдаси тафсирларда мазкурдир. Ёки суннати машҳурага мухолиф ҳукм қилганлиги маълум бўлса, масалан, уч талоқ қилинган хотинни кейинги эрнинг бежимоъ никоҳлаб олмоғи бирла аввалги эрга ҳалол деб ҳукм қилмоқ. Саид ибн Мусаййибнинг мазҳабларида, албатта, бу қавл суннати машҳурага мухолифдир. Ул суннати машҳура будир:

قَوْلُهُ عَلَيْهِ الصَّلاَةُ وَالسَّلاَمُ: لاَ يَحِلُّ حَتَّى تَذُوقِي مِنْ عُسَيْلَتِه

Яъни, Расули акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўша эр билан жимоъ қилмагунингча никоҳ ҳалол бўлмайди», дедилар.

Ё қилган ҳукми ижмоъи умматга мухолиф бўлса, масалан, никоҳи мутъани ҳалол деб ҳукм қилмоқ, зероки, саҳобалар жамъ бўлиб, никоҳи мутъанинг бузуқлигига иттифоқ қилдилар. Чу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир. Бу баён қилинган ҳолатларда ҳукм қилган қозининг ҳукмини иккинчи қози рад ва бекорлигига ҳукм қилгай.

وَ إِنْ كَانَ نَفْسُ الْقَضَاءِ مُخْتَلَفًا فِيهِ يَصِيرُ مُجْمَعًا عَلَيْهِ بِإِمْضَاءِ آخَرَ

Агар қози қилган ҳукм фақиҳларнинг ўрталарида ихтилофли масъала бўлса, яъни, ул қози қилган ҳукмининг хилофи дурустлигига ривойат бўлса, иккинчи қозини қабул қилиб, ул ҳукмини юргизмоғи билан ул масъала иттифоқиййа бўлгай, ул ҳукм ихтилоф мартабасидан чиққай. Бас, ул ҳукмни ҳеч ким бузолмагай. Агар иккинчи қози бузса, уни ҳеч қайси қози юргизолмагай.

وَالْقَضَاءُ بِحُرْمَةٍ أَوْ حِلٍّ يَنْفُذُ ظَاهِرًا وَبَاطِنًا وَ لَوْ بِشَهَادَةِ زُورٍ إِذَا ادَّعَاهُ بِسَبَبٍ مُعَيَّنٍ

Бир нарсанинг ҳалол ёки ҳаромлиги билан ҳукм қилмоқ нофиз ва асар қилгувчидир зоҳир ва ботинда, яъни, индаш-шаръи ва индаллоҳи ҳалол дейилур, агарчандики ул ҳукм ёлғон гувоҳ сабаби билан бўлса ҳам. Шарт шуки, ул нарсани бир тайин сабаб билан даъво қилса, масалан, бир хотин: «Менинг эрим уч талоқ қўйди», деб даъво қилса ва бунга ёлғон гувоҳларни ўткарса ва қози эру хотинни бир-бирларидан жудо қилмоққа ҳукм қилса ва ул эрдан айрилган хотин иддаси ўтгандан кейин бир эрга тегса, бас, бу Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ қавлларида. Ва бу қавл Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ қавлларидир: аввалги эрга ҳалол бўлмайди зоҳир ва ботинда ва кейинги теккан эрига ҳалол бўлгай зоҳир ва ботинда. Хоҳ кейинги эр ҳақиқати ҳолни билсин, андоғким, аввалги эр талоқ қилмабди. Ушбу тариқаким, кейинги эр ёлғон гувоҳларни берибди. Хоҳ ҳақиқати ҳолни билмасин, ушбу тариқаки, кейинги эр ажнабий ва бегонадир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да баён қилинган.

وَ لاَ يَقْضِي عَلَى غَائِبٍ إِلاَّ بِحَضْرَةِ نَائِبِهِ حَقِيقَةً أَوْ شَرْعًا كَوَصِيِّ الْقَاضِي أَوْ حُكْمًا بِأَنْ كَانَ مَا يُدَّعَى عَلَى الْغَائِبِ سَبَبًا لِمَا يُدَّعَى عَلَى الْحَاضِرِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Магар ғойиб одамнинг ҳақиқатан ноиби бўлса, яъни, ўз ўрнига қўйиб кетган вакили бўлса, унинг ҳузурида ҳукм қилгай ё шаръан ноиби бўлса, қози насб қилган (белгилаган) васийга ўхшаш ёки ҳукман ноиб бўлсаки, ғойиб кишининг зарарига даъво қилмоққа сабаб бўлган нарса ҳозир турган одамнинг ҳам зарарига даъво қилмоққа сабаб бўлса, қози ғойиб кишининг зарарига ҳукм қилгай. Масалан, Зайд ҳар вақт бир одамнинг қўлидаги ҳовлини «Менинг ҳовлим, сафарга кетган Бакрдан сотиб олиб эдим», деб даъво қилса. Аммо буни ҳовлининг эгаси Амру инкор қилса, Зайд гувоҳ ўткариб, даъвосини исбот қилса, Зайднинг исботи қабул қилингай, Зайднинг фойдасига ҳукм қилингай. Бу ҳукм ҳозир турган Амру билан сафардаги ғойиб Бакрнинг зарарларига бўлгай, ҳаттоки агар ғойиб Бакр келиб қолса ва инкор қилса, илтифот қилинмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

لَا إِنْ كَانَ شَرْطًا

Агар ғойиб одамнинг зарарига даъво қилинган нарса ҳозирдаги даъво қилинган нарсага шарт бўлса, қози ғойиб одамнинг зарарига ҳукм қилмагай ва ул шартдан ғойиб одамга зарар етадиган бўлса, бунда ҳозирдаги одамга ва ҳам ғойибдаги одамга ҳукм қилмоқ дуруст эмас. Суврати масъала шуки, бир киши хотинига: «Зайд хотинини талоқ қилса, сен талоқсан», дегай. Шундан сўнг ул хотин аҳд қилган эрига даъво қилса: «Зайд хотинини талоқ қилди», деб ва ул Зайд ғойиб бўлса ва ул хотин гувоҳларни ўткарса, қабул қилинмагай ва ул хотинда талоқ юз берганлигига ҳукм қилинмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

وَ صَحَّ تَحْكِيمُ الْخَصْمَيْنِ مَنْ صَلُحَ قَاضِيًا فِي غَيْرِ حَدٍّ وَقَوَدٍ

Икки жанжалли одам қозиликка салоҳияти бор одамни ўзларига ҳукм қилмоққа қози қилмоқлари ҳад ва қасосдан бошқа жанжалда дурустдир. Ҳар вақт жанжалли одамлар иттифоқ билан салоҳиятли одамни ўзларига ҳукм қилдирмоқлари саҳиҳ бўлса, барча ҳукмларда унга фатво берилмагай. Зероки, авомуннос ўз ораларида бир одамни қози фараз қилиб олиб, ҳукм

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилдирмоққа журъатли ва далир бўлиб кетгайлар. Бас, қозига эҳтиёж кам бўлгай, қозиларнинг равнақлари қолмагай, маҳкамада ҳам жамол ва зийнат қолмагай. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»-да мазкурдир.

وَلَزِمَهُمَا حُكْمُهُ

Ул икки даъвогарга ул қози фаразини қилган ҳукм лозим бўлгай, борди-ю, даъво қилувчининг гувоҳларни ўткармоғи билан ҳукм қилса. Ё даъво қилинган одамнинг иқрори билан ё қасамдан нукул қилмоғи билан ҳукм қилса. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

وَ أَخْبَارُهُ بِإِقْرَارِ أَحَدِهِمَا

Қози иккала хасмнинг бири гарданида қарз борлиги бирла иқрор қилди деб, яъни, қарздорман, деб иқрор қилди, деб хабар бермоғи дуруст бўлгай. Ушбу сабабдан ул иқрорга қараб ҳукм қилгай.

وَبَعْدَ آلَةِ شَاهِدِ حَالَ وَلاَ يَتِه

Ва яна гувоҳларнинг одил бўмоғи билан хабар бермоғи дуруст бўлгай, масалан, даъвогарларнинг бирига айтгай: «Сен менинг олдимда иқрор бўлдинг ва гувоҳлар одиллик билан унга менинг олдимда гувоҳлик бердилар. Албатта, мен ўшал онда ул жиҳатдан сенинг зарарингга ҳукм қилдим». Бас, муддаъий алайҳ иқрор қилганига ва гувоҳ ўткарганига мункир бўлса ҳам, ўзлари қози қилган одамнинг қилган ҳукми нуфуз қилгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ул қози фаразни хабар бермоғи дуруст бўлгай ул одамларнинг ораларида ҳукм қилмоққа вилойати бор ҳолида.

وَلِكُلٍّ مِنْهُمَا أَنْ يَرْجِعَ قَبْلَ حُكْمِه

Ул икки даъвогарнинг ҳар қайсилари ўзлари қилган қози ҳукм қилмасидан илгари қайтмоққа қудратлари етгай. «Муғний» китобида кўрсатилишича, агар муҳким ҳукмдан хабар берса, ҳукм қилинган киши мункир бўлса, ҳукм юргай. Зероки, ўзлари жанжалларини биткармоққа қилган қози валийга ўхшашдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

فَإِنْ رُفِعَ حُكْمُهُ إِلَى قَاضٍ أَمْضَاهُ إِنْ وَافَقَ مَذْهَبَه

Бас, агар муддаъий билан муддаъий алайҳнинг розиликлари билан бир одамнинг муҳким бўлиб қилган ҳукмини подшоҳ ё валий қўйган қозига олиб бориб арз қилинса, қози ул ҳукмни борди-ю, ул қозининг мазҳабига ул қилинган ҳукм мувофиқ бўлса, нофиз қилиб, имзо қилгай, яъни, ул ҳукмни юргизгай, бас, агар мазҳабига мухолиф бўлса, ул ҳукмни бузиб юборгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَلاَ يَصِحُّ الْقَضَاءُ وَالشَّهَادَةُ لِمَنْ بَيْنَهُمَا وِلاَدٌ أَوْ زَوْجِيَّةٌ

Агар ҳукм қилгувчи билан ҳукм қилинган одамнинг ва гувоҳ билан гувоҳлик берилган одамнинг ораларида туғишмоқ бўлса, яъни, ота ва оналик, ўғиллик, қизлик бўлса ёки жуфтлик бўлса, яъни, эру хотинлик бўлса, ҳукм қилмоқ ва гувоҳлик бермоқ дуруст эмас. Мазкурларнинг фойдаларига ҳукм қилмоқ ва гувоҳлик бермоқ, туҳмат бўлмоқдан эҳтироз (сақланиш) учун дуруст эмас. Аммо мазкурларнинг зарарига ҳукм қилса ё гувоҳлик берса, дурустдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Шундан сўнг мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ пароканда ва сочилган масъалаларга шуруъ қилдилар (бошладилар), бас айтдилар:

وَ صَحَّ الاِيْصَاءُ بِلاَ عِلْمِ الْوَصِيِّ

Бир одам ўзи ўлгандан кейин матрукаларга қарамоғи ва тадбир қилмоғи учун бир одамни васий қилмоғи дуруст, унинг васий қилганини васий бўлган одам билмаса ҳам, ҳатто васий бўлган киши таракадан бир нарсани сотса, дурустдир. Ва бу қавл заҳиру-р-ривойадир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

لاَ التَّوْكِيلُ

Аммо бир одам бир кишини вакил қилса, унинг вакил қилганини вакил қилинган одам билмаса, дуруст эмас. Агар бир одамни фуруш қилмоққа вакил қилса, ул вакил (молни) сотса, дуруст эмас. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ شُرِطَ خَبَرُ عَدْلٍ أَوْ مُسْتُورَيْنِ بِعَزْلِ الْوَكِيلِ

Вакилни азл қилмоққа бир одил кишининг хабари ё икки

www.ziyouz.com kutubxonasi

аҳволи пушида одамнинг, яъни, фисқи билинмаган икки одамнинг хабар бермоқлари шарт қилинди. Ва икки фосиқнинг берган хабарлари қабул қилинмагай, зероки, фосиқнинг берган хабарига таваққуф қилмоқ ва қулоқ солмай, тўхтаб турмоқ вожибдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ عِلْمُ السَّيِّد بِجِنَايَةِ عَبْده

Хожа ўз қулининг хиёнатини билмоққа бир одил кишини ё икки мастурул-ҳол, яъни, фосиқлиги номаълум одамни хабар бермоғи шарт қилинди.

وَالشَّفِيعِ بِالْبَيْعِ

Яна шафиъ шафиълик даъвосини қилмоққа бир одил киши ё икки сирри номаълум одамнинг хабар бермоғи шарт қилинди, яъни, бир одил одам ёки иккита ҳоли номаълум одам бир жойда шафиъ ўтирганда «фалон одамнинг ҳовлиси сотилди», деб хабар бергандан кейин, дарҳол ул шафиъ ул сотилган ҳовлига шафиълик даъвосини қиламан, деб хабар бермаса, шуъфат даъвоси бекор бўлгай. Бас, бир одил эмас одам ҳовлининг сотилганини хабар берса ва ул шафиъ сукут қилса, шафиълик даъвоси, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, ботил бўлмагай.

وَالْبِكْرِ بِالنِّكَاحِ

Яна балоғатга етган қиз никоҳланмоғини билмоққа бир одил киши ё иккита фосиқлиги номаълум одамнинг хабар бермоғи шарт қилинди. Масалан, бир балоғатга етган қизга бир одил киши: «Сени отанг ё амакинг фалон одамга никоҳлаб берди», деб хабар берганидан кейин ул қиз сукут қилса, никоҳланганига хурсанд ва ризолик бўлгай. Шундан кейин: «Мен фалон одамга берганига рози эмасман», деганига амал қилинмагай. Аммо мазкур воқеани фосиқ келиб хабар берганидан кейин сукут қилса, сўнг: «Мен рози бўлганимдан сукут қилганим йўқ, балки хабар берган кишининг фосиқлиги жиҳатидан унинг берган хабарига ишонмадим» деса, унинг сўзига амал қилинур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. «Шарҳи Илёс»да ҳам ишорат қилинибдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَمُسْلِمٍ لَمْ يُهَاجِرْ بِالشَّرَايِعِ

Ва яна дори ҳарбдан дори Исломга ҳижрат қилмаган ва кўчиб кетмаган мусулмон одам шариат ҳукмларини билмоғига, масалан, намозу рўза ва закоту ҳаж ва бошқа заруриёти диннни билмоғига бир одил ёки икки мастурул-ҳол одамнинг, яъни, аҳволи пушида, фосиқлиги маълум бўлмаган икки одамнинг хабар бермоғи шарт қилинди. Бас, агар одил киши ёки икки мастуру-л-ҳол одам намоз ва бошқа ибодатлардан хабар берса, баён қилинган ибодатлар ул мусулмонга лозим бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Масалан, дори ҳарбдаги мусулмон одамга бир одил киши ё иккита аҳволи пушида (номаълум) одам мусулмон кишига «Намозу рўза ва закоту ҳаж ва фалон ҳукмларни қилмоқ фарздир, сенга мазкур ибодатларни қилмоқ зарурдир», деб хабар берса, ул мусулмонга мазкур ибодатларни қилмоқ фарз бўлгай.

Яна мусулмон бўлган вақтидан бошлаб қазо бўлган ибодатларни қилмоқ фарз бўлгай. Чунончи, «Гўрмирий»да мазкурдир. Чунончи, фосиқ хабар берганда ишонса, мазкур ибодатларни қилмоқ фарз бўлур эрди. Аммо хабар берган одамни ёлғончи фаҳмласа, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, лозим бўлмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

لاَ لِصِحَّةِ التَّوْكِيلِ

Аммо вакил қилмоқнинг дурустлигига мазкурларнинг хабар бермоқлиги шарт қилинган эмас. Бас, агар фосиқ бир одамга «Сизни фалон одам ўз томонидан байъ қилмоққа вакил қилди», деб хабар берса, ул киши фосиқнинг берган хабари билан байъ қилса, жоиз бўлгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَقُبِلَ قَوْلُ قَاضٍ عَالِمٍ عَدْلٍ قَضَيْتُ بِهَذَا

Олим ва одил қозининг сўзи қабул қилинур, масалан, фалон ерни Зайднинг фойдасига ҳукм қилдим, деса. Бу эса бундоқ қозида туҳмат йўқлиги сабаблидир. Ва бу зоҳиру-р-ривойатдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдан қавл шуки, ул жаноб бу қавлдан қайтдилар ва ай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тибдурларки, қозининг сўзини олмагил, то ҳужжат муойана бўлмаса, яъни, шаҳодат (гувоҳлик) сенинг ҳузурингда бўлмаса. Зероки, қозининг сўзи ғалат ва хато бўлса ҳам эҳтимоли бор ва топмоғу қулга келтирмоқ мумкин эмасдир. Бул Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ ривойатларига қараганда, қозининг битган хати ҳам қабул қилинмайди. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир. Лекин қозининг хатига хожат бўлгани сабабли бу ривойатни олмай, зоҳири ривойатни олибдилар. Чунончи, «Айний»да мазкурдир.

Имом Муҳаммаднинг қавлларини кўп машойихлар олибдилар ва ул машойихлар айтибдурларки, бизларнинг замонимизда бу ривойат ажаб яхши ривойатдир. Албатта, қозилар бизларнинг замонамизни, батаҳқиқ, буздилар. Чунончи, «Кофий» китобида ва бошқа китобда ҳам мазкурдир. Бу масъалага қараганда, қозининг мактуби қозига бир нарсада қабул қилинмайди. Чунончи, «Кирмоний»да мазкурдир.

وَجَاهِلِ عَدْلٍ إِنْ بَيَّنَ سَبَبُهُ

Нодон, аҳкоми шариатни билмайдиган, жоҳил, аммо адл билан сўрайдиган қозининг қавли қабул қилинур, агар қилган ҳукмининг сабабини ул нодон қози баён қилса. Масалан, зинога ҳад урмоқда мен сўрадим, чунончи, сўрамоқлик маъруф ва машҳурдир, ул иқрор қилгандан кейин уни тошбўрон қилмоққа ҳукм қилдим деса, қабул қилинур. Бас, агар жоҳил қози ҳукм қилганининг сабабини баён қилмаса, сўзи қабул қилинмагай. Зероки, нодон қози кўпинча нодонлиги сабабли далилни эмас, нарсани далил деб гумон қилгай. Аммо одил ва олим қози қавлининг сабабини баён қилмаса ҳам қабул қилинур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

لَا غَيْرُ

Бу баён қилинган икки хил қозилардан бошқа қозиларнинг сўзлари қабул қилинмагай, яъни, олиму фосиқ ёки жоҳилу фосиқ қозиларнинг сўзлари қабул қилинмагай, хато ва хиёнат бор деб гумон қилингани сабабли. Қилган ҳукмининг сабаби муойана ва ошкор бўлса, фақат сўзи қабул қилинур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Валлоҳу аълам ва аҳкам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الشَّهَادَةِ

ШАҲОДАТ КИТОБИ

Бу китобда гувоҳлик бермоқнинг баёни келур. Билгилки, **шаҳодат** – луғатда бир нарсанинг дурустлигидан хабар бермоқдир. Шаҳодат лафзи мушоҳададан олингандир. Баъзилар айтибдурларки, шаҳодат шуҳуддан олинган, яъни, ҳозир бўлмоқ демоқдир. Чунки гувоҳ ҳукм қилинадиган мажлисда гувоҳлик бермоқ учун ҳозир бўлгай. Ва ҳозир бўлувчини **шоҳид** дейилур, гувоҳнинг адо қиладиганини шаҳодат дейилур.

هِيَ إِخْبَارٌ بِحَقٍّ لِلْغَيْرِ عَلَى آخَرَ

Шариатда шаҳодат шундай нарсаки, бу ҳақда мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ ҳам айтибдурлар, чунончи, «Гўрмирий»да мазкурдир, шариатда шаҳодат бир одамнинг фойдасига, бошқасининг зарарига ҳақ билан гувоҳлик бериб, хабар бермоқдир.

وَتَجِبُ بِطَلَبِ الْمُدَّعِي

Даъвогарнинг талаб қилмоғи билан гувоҳлик бермоқ вожибдир. Бас, беузр шаръий гувоҳлик бермоқдан ўзини тортса, гуноҳкор бўлгай. Гувоҳлик бермоқ фарздир, гувоҳларга лозим бўлур. Шоҳидларнинг гувоҳликни пинҳон қилмоқлари шариатга сиғмайди, башарти гувоҳларни талаб қилса, бу Худойи таолонинг қавли жиҳатиданки:

﴿...وَ لاَ يَأْبَ الشُّهَدَآءُ إِذَا مَا دُعُوا...﴾ البَقَرَةُ/٢٨٢

Яъни: «Гувоҳлар чақирилганда, (келиб гувоҳлик беришдан) бош тортмасинлар!» Ва яна Аллоҳ таоло деди:

﴿...وَ لاَ تَكْتُمُوا الشَّهَادَةَ وَ مَن يَكْتُمْهَا فَإِنَّهُ ءَاثِمٌ قَلْبُهُ...﴾

البَقَرَةُ/٢٨٣

Яъни: «Гувоҳларни яширмангиз! Ким уни яширса, бас, унинг қалби осий (гуноҳкор)дир».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушбудек «Ҳидоя»да ва «Лубоб ли-л-Майдоний» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

Аммо гувоҳлик берганда ўзига билгандан ё бошқадан зарар етмоқдан хавф қилса, ушбуга ўхшаш, ҳар вақт олдида нафсул-амр ботил нарсага иқрор бўлганини билса, ушбуга ўхшаш ҳар вақт қозининг одил эмаслигини билса, Халаф ибн Айюбнинг айтганлари бунга асосдир, ёки қози унинг гувоҳлигини қабул қилмаслигини билса, чунончи, «Ниҳоя»да мазкурдир, бу Абу Бакр Искофнинг айтганига асосан, – мазкурларга ўхшаш нарсаларда гувоҳлик бермоқдан ўзини тортмоқ билан гуноҳкор бўлмайди. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир. Бу ерда шул нарсадан огоҳлантириш борки, гувоҳликни узрсиз адо қилмоқдан ўзини тортса, гуноҳкор бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَسَتْرُها فِي الْحُدُودِ اَفْضَلُ

Гувоҳлик бермоқни ҳад уриладиган нарсаларда беркитмоқ ва айтмай, айбни яширмоқ мустаҳаб ва афзалдир. Бу Пайғамбар алайҳиссаломнинг олдиларида зинога гувоҳлик берган одамга айтган муборак қавллари сабабли, ул жаноб айтдилар:

لَوْ سَتَرْتَهُ بِثَوْبِكَ لَكَانَ خَيْرًا لَكَ

Яъни: «Агар унинг айбини либосинг билан ёпсанг эрди, албатта, сенга яхши бўлур эди. Чунончи, «Ҳидоя», «Шарҳи Илёс» ва «Лубоб лил-Майдоний»да мазкурдир.

Гувоҳлик бермоқни ҳад уриладиганларда яширмоқ Пайғамбар алайҳиссаломнинг айтганлари жиҳатидан афзалдирки, ул жаноб дедилар:

مَنْ سَتَرَ عَلَى مُسْلِمٍ سَتَرَهُ اللهُ فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ

Яъни: «Кимики бир мусулмоннинг айбини ёпса, ул кишининг айбини Аллоҳ таоло дунёда ва охиратда ёпгай». Чунончи, «Жавҳара», «Ҳидоя» ва «Лубоб ли-л-Майдоний»да мазкурдир.

Далили дийгар (бошқа далил) шуки, изҳор қилмоқ ҳақ-қуллоҳдир (Аллоҳнинг иши), Аллоҳ таоло унинг изҳор қилмоғига муҳтож эмас. Банданинг айбини ёпмоқ унинг сирини очмасликдир, одам ўз айбининг бекилмоғига муҳтождир. Бас,

www.ziyouz.com kutubxonasi

шундай бўлгандан кейин, айбни яширмоқ авлодур. Чунончи, «Жавҳара»да мазкурдир.

وَيَقُولُ فِي السَّرِقَةِ اَخَذَ لاَ سَرَقَ

Ўғирликда гувоҳ гувоҳлик бераётганда: «Гувоҳлик берурман, у фалон нарсани олди», дегай, «ўғирлади», демагай. Агар «ўғирлади» деб гувоҳлик берса, ўғирлаган одамнинг, албатта, қўлини кесмоқ вожиб бўлгай. Мол тўлатмоқ қўл кесмоққа жамъ бўлмайди, яъни, ҳам қўл кесилиб, ҳам молни тўлатиб олинмайди. Бас, иҳёйи ҳақ ҳосил бўлмагай, яъни, ҳаққу-л-абд (банда ҳақи) зоеъ бўлгай. Чунончи, «Ҳидоя», «Жомиъу-р-румуз», «Шарҳи Илёс» ва «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

Барча воқеаларда ва ҳар қандай ишларда гувоҳларнинг гувоҳлик бермоқлари тўрт хилдир.

وَنِصَابُهَا لِلزِّنَى أَرْبَعَةُ رِجَالٍ

Ва унинг биринчиси – зинони исбот қилмоқ учун гувоҳларнинг нисоби тўрт эркакдир.

وَ لِلْقَوَدِ وَ بَاقِي الْحُدُودِ رَجُلاَنِ

Иккинчиси – қасос учун ва зинодан бошқа ҳад уриладиганлар учун, яъни, ўғирлик учун ва «зиночисан» деб ҳақорат қилгани учун ва «боланг мендан бўлган эмас», деб қазф бўлгани учун ва шароб ичгани учун гувоҳларнинг нисоби икки эркакдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَلِلْبَكَارَةِ وَالْوِلاَدَةِ وَعُيُوبِ النِّسَاءِ فِيمَا لاَ يَطَّلِعُ الرِّجَالُ امْرَأَةٌ

Учинчиси – бикрнинг қизлиги борлигига ва йўқлигига, бола туғмоғига, хотинларнинг айбларигаким, эркаклар огоҳ ва хабардор бўлмагайлар, ҳаттоки ҳамсоя бўлсалар ҳам, бунда гувоҳнинг нисоби бир хотиндир. Эҳтиётроғи шуки, икки хотиндир. Уч хотин бўлса, яна яхшироқдир. Масъалани хилофдан чиқарадиган тўрт хотиндир. Чунончи, «Китобу-л-ихтиёр»да мазкурдир.

وَلِغَيْرِهَا رَجُلاَنِ أَوْ رَجُلٌ وَ إِمْرَأَتَانِ

Тўртинчиси – булардан бошқа ҳақларда гувоҳларнинг ни-

www.ziyouz.com kutubxonasi

соби, масалан, никоҳда, бола эмизмоқда, талоқ қилмоқда, қул озод қилмоқда, байъу шаро (олди-сотди) қилмоқда, вакилликда, васиййат қилмоқда ва булардан бошқа ҳақларда икки эркакдир ёки бир эркак ва икки хотиндир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَشُرِطَ لِلْكُلِّ الْعَدَالَةُ

Шаҳодатнинг, яъни, бул баён қилинганларнинг ҳаммасида гувоҳлик бермоқнинг мақбул бўлмоғига одиллик шарт қилинди. Одиллик луғатда истиқомат қилмоқ ва тўғри бўлмоқдир. Шариатда эса динда ҳаром бўлган нарсалардан ўзини тортмоқ ва тўхтатмоқдир. Тез орада бунинг баёни келгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَلَفْظُ الشَّهَادَةِ

Ва яна гувоҳларнинг ҳар бирлари лафзи шаҳодатни айтмоқлари шарт қилинди, яъни, масалан, фалон воқеага гувоҳлик бераман, демоқ шарт қилинди. Бас, агар: «Мен биламан, бегумон биламан», деса, унинг гувоҳлиги қабул қилинмайди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ يَسْأَلُ الْقَاضِي عَنْ حَالِ الشَّاهِدِ عِنْدَهُمَا مُطْلَقًا

Қози гувоҳларнинг ҳолидан, яъни, одилликдан тафтиш ва таҳқиқ билан махфий ва ошкора сўрагай, яъни, гувоҳларнинг одил ёки фосиқлигини фаҳмламоқ учун, агар дўкондор бўлса, аҳли бозордан ва ул кишининг ҳолидан хабардор бўлган ҳамсоялари ва аҳли маҳалладан, бетамаъ ва фақир бўлмаган одамлардан сўрагай. Бундай таҳқиқлаб сўрамоқ, Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида, мутлақо, яъни, даъвогар ул гувоҳни одил эмас, деб таъна қилсин, хоҳ таъна қилмасинки, тафтиш қилиб, одиллигини билгай.

وَبِهِ يُفْتَى

Имомайннинг бу қавлларига, бу замонда фасодлик жиҳатидан фатво берилур, Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَكَفَى سِرًّا وَالاثْنَانِ أَحْوَطُ فِي التَّزْكِيَةِ

Гувоҳларнинг одиллигини сўрамоқда қозининг пинҳон ва махфий сўрамоғи кифоя қилгай ва бу гувоҳлар фосиқ одам эмас, одил одамдир, демоқда бир киши кифоя қилгай, икки кишидан сўрамоқ покламоқда эҳтиётроқдир.

وَتَرْجَمَةُ الشَّاهِدِ وَالرِّسَالَةِ إِلَى الْمُزَكِّي

Яна гувоҳ бошқа тилда бўлиб, унинг тилини қози билмаганда таржима қиладиган кишининг икки одам бўлмоғи эҳтиётлироқдир. Ва яна қози томонидан гувоҳнинг ҳолини ҳақиқатлаб билиб келмоққа юборилган музаккий бир одам бўлса ҳам дурустдир. Икки одам бўлмоғи эҳтиётроқдир. **Музаккий** деб гувоҳни покликка чақирадиган одамни айтилур.

وَ لاَ يَشْتَرِطُ الإِشْهَادُ

Гувоҳликнинг дурустлиги учун ўзининг гувоҳлигини гувоҳлантириб қўймоқ шарт қилинган эмас, ўзининг ҳар эшитгани, ҳар кўргани ва билганидан гувоҳлик бермоғи дурустдир. Масалан, байъ қилмоқ, иқрор қилмоқ, талоқ қилмоқ, тортиб олмоқ ва «зинокорсан» деб ҳақорат қилмоқ ва ўлдирмоқ, – мазкурларга ўхшаш нарсаларга қози ҳукм қилмасдан собит бўлгайлар, мазкурларда гувоҳга гувоҳлик бермоқни юклатмоқ шарт қилинган эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

إِلاَّ فِي الشَّهَادَةِ عَلَى الشَّهَادَةِ

Фақат гувоҳлик бермоқнинг устига бўлган гувоҳликда гувоҳлантириб қўймоқ шарт қилинди. Чунончи, баёни келур.

وَلاَ يَشْهَدُ مَنْ رَأَي خَطَّهُ وَ لَمْ يَذْكُرْ شَهَادَتَهُ

Ўзининг хатини кўрган киши бирор воқеадан гувоҳлик берганлиги ёдига келмаса, мужаррад (ёлғиз) хатини кўрганлиги билан гувоҳлик бермагай, шу жиҳатданки, унинг хати бўлмаслигининг эҳтимоли бор. Зероки, хат хатга ўхшайди. Бас, кимнинг хати эканлигига илм ҳосил бўлмайди. Бу қавл ҳазрати Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг қавлларидир. Чунончи,

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Ҳидоя» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Масалан, бу муҳр Зайднинг муҳри, деб берган гувоҳлиги қабул қилинмайди, Зероки, хат хатга ўхшайди, башарти ул одамнинг битганини кўргани ёдига тушмаса, яъни, Зайд бу хатни битганини ўз кўзим билан кўрдим, дея олмаса, гувоҳлиги қабул қилинмайди.

وَلاَ بِالتَّسَامُعِ إِلاَّ فِي النَّسَبِ وَالْمَوْتِ

Кўрмасдан, одамлардан эшитмоқ билан гувоҳлик берилмагай, фақат насабда ва ўлмоқда ул эшитмоқ билан гувоҳлик берилса, дурустдир, масалан, Бакрнинг ўғлидир, деб бир гуруҳ одамдан эшитган бўлса, гувоҳлик берса, дурустдир. Бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Ё икки одил кишидан эшитган бўлса, гувоҳлик берса, дурустдир. Бу Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَالنِّكَاحِ وَالدُّخُولِ وَ وِلاَيَةِ الْقَاضِي

Никоҳда ва хотинини жимоъ қилмоққа кирмоқда, қозининг қози бўлиб турмоғида,

وَ أَنَّ هَذَا وَقْفٌ عَلَى كَذَا

Албатта, ушбу нарса фалон жойга вақфдир, деб мазкур бўлганларни эшитганича гувоҳлик берганда гувоҳлиги қабул қилинур.

لاَ عَلَى شَرَائِطِه

Ва вақфга қилинган шартларига эшитмоқ (билан) гувоҳлик бермоқ дуруст эмас. Тасвири масъала шуки, масалан, бир киши, бу Зайд фалон одамнинг ўғли деб, эшитганини хабар берса ёки Зайд ўлди, деб, ёки Бакр Зайнабни никоҳлаб олди, деб, ёки Амру Зайнабнинг қўйнига кирди, деб, ёки Латиф Самарқандда, масалан, ўн йилгача қози бўлди, деб, ёки ҳовли фалон маҳалланинг масжидига вақф қилинган, деб гувоҳлик берса, гувоҳлиги қабул қилинур.

إِذَا أَخْبَرَهُ رَجُلاَنِ أَوْ رَجُلٌ وَامْرَأَتَانِ

Башарти бу гувоҳлик берган кишига ақалли мартаба икки

www.ziyouz.com kutubxonasi

эркак ёки бир эркагу икки хотин киши мазкур воқеаларни хабар берган бўлсалар.

وَيَشْهَدُ رَآئِي جَالِسٍ مَجْلِسَ الْقَضَاءِ يَدْخُلُ عَلَيْهِ الْخُصُومُ أَنَّهُ قَاضٍ

Ва ул кишиким, бир одам қози ўрнига ўтирганини кўрадиган бўлса ва даъвогарлар ул одамга кириб турган бўлса, албатта, ул қози деб гувоҳлик бергай, яъни, мазкур ҳолда бир одамни кўрган киши шул ўтирган одам ушбу қишлоқнинг қозиси, деб гувоҳлик берса, бўлур. Агарчандики, ул одамнинг қози бўлганини одамлардан эшитмаган бўлса ҳам.

وَ رَجُلٌ وَامْرَأَةٌ يَسْكُنَانِ بَيْتًا وَ بَيْنَهُمَا الْبِسَاطُ الْأَزْوَاجِ أَنَّهَا عِرْسُهُ

Бир эркак ва хотин бир уйда ўтирсалар, уларнинг ораларида эру хотинлик муомаласи бўлса, буларни кўрган киши бу суратда зоҳирга амал қилиб, ул хотин ул эркакнинг хотини, деб гувоҳлик бергай. Масалан, эру хотиннинг муомаласи – қучоқлаб ва ўпиб турганга ўхшаш. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَشَيْءٍ سِوَى الرَّفِيقِ فِي يَدِ مُتَصَرِّفٍ كَالْمُلَّاكِ أَنَّهُ مِلْكُهُ

Бир одамнинг қўлида қулдан бошқа нарсани эгасидек тасарруф қилганини кўрган одам гувоҳлик бергай, албатта, ул нарса тасарруф қилиб турган одамнинг мулкидир, деб.

لَكِنْ إِنْ قَالَ إِنَّ شَهَادَتِي بِالتَّسَامِعِ أَوْ بِحُكْمِ الْيَدِ بَطَلَتْ

Лекин, агар гувоҳлик берадиган одам қозининг олдида, менинг гувоҳлик бермоғим одамлардан эшитмоғим билан, деса ёки фалон нарсани Зайднинг моли деб гувоҳлик бермоғим Зайднинг қўлида ул нарсани ўз молидек тасарруф қилганини кўрганим сабабидан деса, гувоҳлиги ботил бўлгай.

وَ مَنْ شَهِدَ إِنَّهُ حَضَرَ دَفْنَ زَيْدٍ أَوْ صَلَّى عَلَيْهِ قُبِلَتْ

Кимики, ул киши Зайдни кўмган вақтда ҳозир эди ёки мен Зайднинг жанозасини ўқидим, деб гувоҳлик берса, Зайднинг ўлганлигига ҳукм қилинур. Бас, агар бир киши, Зайд ўлди, деб гувоҳлик берса ва унинг ўлганини қозига баён қилса, унинг гувоҳлиги

www.ziyouz.com kutubxonasi

қабул қилинур. Бу гувоҳлик батариқи аён ва мушоҳададир. Зероки, ўлимнинг ошкора бўлмоғи бир одамдан ё икки одамдан бошқада бўлмагай. Бас, кўммоққа ҳозир бўлмоқ ё намози жаноза ўқимоқ баманзалайи муойана ва мушоҳададир. Ушбу тариқа ишларда одатда макру фириб ва талбис юрмайди. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

БУ ФАСЛДА ГУВОҲЛИГИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН ВА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИГАН ОДАМЛАРНИНГ БАЁНИ

وَتُقْبَلُ الشَّهَادَةُ مِنْ أَهْلِ الأَهْوَاءِ

Эътиқодда бизларга мухолиф бўлиб, нафс орзу қилган ва хоҳлаган нарсаларига майл қилиб, аҳли суннат ва жамоат йўлларидан бошқа йўлга мойил бўлган аҳли бидъат ва залолатлар аҳли қибладан бўлсалар, уларнинг гувоҳликлари қабул қилинур. Ва бу аҳли бидъат ва залолатларни «Мавоқиф» китобида олти гуруҳ дейилибди. Уларнинг бир жамоаси муътазила ва бу йигирма синфдир Бир жамоаси шиъа ва бу йигирма икки синфдир. Яна бир жамоаси хавориждир ва у ҳам йигирма синфдир. Бир жамоаси муржиййадир, у беш синфдир. Бир жамоаси нажжориййадир, у уч синфдир. Бир жамоаси ҳабриййадир. Бир жамоаси мушаббиҳадир. Бас, мазкур аҳли ҳаво, аҳли бидъат ва залолатлар фирқаларининг ҳаммаси етмиш икки фирқадир. Чунки Пайғамбар алайҳиссолату вассаломдан қуйидаги ҳадиси шариф ворид бўлибди:

سَتَفْتَرِقُ أُمَّتِي ثَلاَثًا وَسَبْعِيْنَ فِرْقَةً كُلُّهَا فِي النَّارِ إِلاَّ وَاحِدَةً

Яъни: «Яқиндурки, менинг умматим етмиш уч фирқа бўлгайлар, уларнинг ҳаммалари дўзах ўтида бўлгайлар, фақат бир фирқа бўлмас. Уни аҳли ножийа дейилур, ул етмиш учинчи фирқадир. Ҳақ таолонинг ғазабидан ва азобидан халос бўладиган фирқадирки, Пайғамбар алайҳиссолату вассалом ва асҳоби киром рузвоналлоҳи алайҳим ила йавми-л-ҳашр ва-л-қиём бўлган йўлдадир. Ул йўл бизнинг рост ва ҳақ бўлган шариатимиздир. Чунончи, эътиқодот китобларида батафсил мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

إِلاَّ الخَطَّابِيَّةَ

Фақат рофизиййа жамоасидан, яъни, қизилбош фирқасидан хаттобиййа номли гуруҳнинг гувоҳликлари олинмагай. Уларнинг сардорларининг номи Абул-Хаттоб Муҳаммад ибнул-Ваҳбдир. Уни Исо ибн Мусо Куфа шаҳрида дорга осиб юборди. Зероки, ул албатта, Алий илоҳул-акбар ва Жаъфар илоҳул-асғар (Алий улуғ илоҳ ва Жаъфар кичик илоҳ) дейди. Бас, албатта, бундоқ деган фирқанинг гувоҳликлари қабул қилинмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَالذِّمِي عَلَى مِثْلِه وَ إِنْ خَالَفَا مِلَّةً

Мусулмон шаҳрида жизйа бермоқни қабул қилган номусулмоннинг ўзига ўхшаш номусулмон зарарига гувоҳлиги қабул қилинур, агарчандики дини ботилаларида бир-бирларига мухолиф бўлсалар ҳам. Масалан, бири мажусий, иккинчиси яҳудий бўлса ҳам. Бас, ул номусулмонларнинг гувоҳлиги мусулмоннинг зарарига қабул қилинмагай. Ва уларнинг ёлғончиларининг гувоҳлиги ҳам ҳеч кимнинг зарарига қабул қилинмагай. Зероки, ёлғон гапирмоқ барча дини ботилаларда ҳам ҳаромдир. Чунончи, «Ҳидоя» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَعَلَى الْمُسْتَأْمِنِ وَالْمُسْتَأْمِنِ عَلَى مِثْلِه إِنْ كَانَا مِنْ دَارٍ

Ислом шаҳрига омонлик талаб қилиб, рухсат олиб кирган номусулмон одамнинг ўзига ўхшаш омонлик тилаб кирган номусулмон одамнинг зарарига берган гувоҳлиги қабул қилинур, башарти иккаласи бир шаҳардан бўлса. Бас, агар иккаласи икки шаҳардан бўлса, масалан, бирининг шаҳри Рум ва бирининг юрти Турк ё Ҳинд бўлса, қабул қилинмайди; бу Ислом шаҳрига омонлик талаб қилиб юрган номусулмоннинг жизйа бермоқни қабул қилиб турган номусулмон зарарига берган гувоҳлиги қабул қилинмаганига ўхшаш. Чунончи, «Кофий» китобида мазкурдир.

وَعَدُوٌّ بِسَبَبِ الدِّيْنِ

Дин сабабидан бир-бирига душманлиги бўлган одамлар бирбирининг зарарига гувоҳлик берганида уларнинг гувоҳлиги

www.ziyouz.com kutubxonasi

қабул қилинур. Агар дунё тўғрисидан бир нарсада ўрталарида адоват бўлса, гувоҳликлари қабул қилинмайди. Чунончи, «Ғаввосу-л-баҳрайн» ва «Радду-л-Мухтор»да мазкурдир.

وَ مَنْ اجْتَنَبَ الْكَبَائِرَ وَ لَمْ يُصِرَّ عَلَى الصَّغَائِرِ وَ غَلَبَ صَوَابُهُ

Кимики гуноҳи кабиралардан, яъни, катта гуноҳлардан қочиб, ўзини тортса ва гуноҳи сағираларни ҳамиша қилмаса ва унинг қилган дурустлиги, яъни, савоби гуноҳи сағираларига қараганда ғолиб ва кўпроқ бўлса, ундоқ одамнинг гувоҳлиги қабул қилинур. Гуноҳи кабирада уламолар ихтилоф қилдилар ва асаҳ қавл шуки, гуноҳи кабира мусулмонларнинг ўрталарида ул нарсадирки, зишт, қабоҳат ва ёмон бўлса ва уни қилганда дин ва шариатнинг ҳурматини йиртмоқ бўлса, масалан, маъсиятга ва гуноҳга кўмак ва ёрдам бермоқ, сурнайларни чалмоқ, танбурларни чертмоққа ўхшаш. Чунончи, «Хулоса», «Муҳит», «Захийра», «Кофий», «Музмарот», «Кифоя»да ва булардан бошқа мўътабар китобларда ҳам мазкурдир.

وَ الْأَقْلَف

Суннат қилинмаган кишининг гувоҳлиги қабул қилинур, яъни, ул кишиким, хатна қилинмабди, қарилик узри билан ва нобуд бўлмоқ хавфи билан хатна қилинмаган бўлса. Албатта, хатна қилмоқ етти кунликдан ўн ёшгача суннатдир, таъна қилинмайди, бироқ хатнани арзимас фаҳмлаб, тарк қилса, гувоҳлиги қабул қилинмайди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَالْخَصِيّ

Ахта қилинган (бичилган) одамнинг гувоҳлиги мақбулдир.

وَ وَلَدِ الزِّنَى

Зинодан бўлган одамнинг гувоҳлиги мақбулдир, зероки, валадизинонинг отаси фосиқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Чунки ота ва онанинг фосиқлиги боланинг фосиқлигини лозим тутмайди. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَالْعُمَّالِ

Подшоҳ томонидан закот, ушр, хирож ва жизйа олмоқ учун

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйилган одамларнинг гувоҳлиги мақбулдир. Уламолар айтибдурларки, албатта, бизларнинг замонимизда уларнинг гувоҳликлари қабул қилинмайди, бу зулмнинг ғолиб бўлгани жиҳатидандир. Ушбудек «Кофий» китобида мазкурдир. Саҳиҳ қавл шуки, агар одил бўлса, қабул қилинур, агар одил бўлмаса, қабул қилинмайди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Садру-ш-Шариъа баён қилдиларки, раиснинг ва гузарда зулм қиладиган оқсоқолнинг, бозорда зулм қиладиган оқсоқолнинг ва саррофнинг гувоҳликлари қабул қилинмайди. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир. Вақфнинг ҳосилини йиғадиган ммолниким, уни мутаваллий дейилур, унинг ҳам гувоҳлиги, саҳиҳ қавлга қараганда, қабул қилинмайди. Чунончи, «Жавоҳиру-л-фатово»да мазкурдир.

لاَ مِنْ أَعْمَى أَوْ مَمْلُوكٍ

Кўр кишининг ва қулнинг гувоҳлиги мақбул эмас.

وَمَحْدُودٍ فِي قَذْفٍ وَ إِنْ تَابَ

«Зинокорсан» деб ҳақорат қилгани учун ҳад урилган кишининг гувоҳлиги қабул қилинмайди, борди-ю, тавба қилган бўлса ҳам. Ҳад урилган одам тавба қилса ҳам, гувоҳлиги қабул қилинмайди, деб махсус айтилишидан шу нарсага ишорат борки, фосиқ тавба қилгандан кейин гувоҳлиги қабул қилинганга ўхшаш ҳад урилган; шаробхўр ва бошқа гуноҳкорлар тавба қилганларидан кейин гувоҳликлари қабул қилинур. Баъзилар айтибдурларки, фосиқнинг гувоҳлиги тавбасидан олти ой ўтганидан кейин қабул қилинур. Баъзиларнинг айтишича, бир йилдан кейин қабул қилинур. Саҳиҳ қавл шуки, одиллик қилувчининг ёки қозининг раъйига топширилгай. Чунончи, «Китоби Кубро», «Фатовойи Мансурийя» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

إِلاَّ مَنْ حُدَّ فِي كُفْرِهِ فَأَسْلَمَ

Фақат бир кишига кофирлик ҳолида ҳад урилса, ундан кейин мусулмон бўлса, гувоҳлиги қабул қилинур, Зероки, мусулмон бўлмоқ билан одиллик ҳосил бўлди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَعَدُوٌّ بِسَبَبِ الدُّنْيَا

Дунё моли сабабли душман бўлган кишининг душман бўлган одам зарарига берган гувоҳлиги фосиқлиги зоҳир бўлгани жиҳатидан қабул қилинмайди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَسَيِّدٍ لِعَبْدِهِ وَمُكَاتَبِهِ

Қул, мукотаб бўлган қул, чўри ва умми валаднинг фойдасига хожасининг гувоҳлик бермоғи дуруст эмас. Зероки, хожа ўзи учун гувоҳлик берибди. Бас, мазкурларнинг зарарига хожанинг гувоҳлиги қабул қилинур. Чуноночи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Мукотаб деб, масалан, йигирма тилло баробарига озод қилинган қулни айтилур. Умми валад деб, хожасидан бола туққан канизакни айтилур.

وَشَرِيكٍ فِيمَا يَشْتَرِ كَانَهُ

Шериклик молда шерикнинг фойдасига бир шерикнинг гувоҳлиги қабул қилинмайди.

وَ مُخَنَّثٍ يَفْعَلُ الرَّدِّئَ

Ёмон иш қиладиган муханнас, уни туркийда ҳезалак дейилур, унинг гувоҳлиги қабул қилинмайди.

وَنَائِحَةٍ وَمُغَنِّيَةٍ

Ўлик чиққан жойга келиб, айтиб йиғлаб, хотинларни йиғлатадиган хотиннинг ва ашула қиладиган, оҳанг билан ғазал ўқийдиган хотинларнинг гувоҳликлари қабул қилинмайди, мазкурлар фосиқадурлар. Зероки, иккалалари ҳам гуноҳи кабирага шуруъ қилибдилар. Овоз билан йиғлайдигандан мурод одамларнинг азасига келиб йиғлайдиган хотиндир, ўз азасида йиғлайдиган хотин назарда тутилган эмас. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

وَمُدْمِنِ الشُّرْبِ عَلَى اللَّهْوِ

Лаҳву лаъаб учун, яъни, беҳудалик ва ўйин учун шаробдан бошқа, яъни, хамрдан бошқа маст қиладиган нарсани ичади-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган одамнинг гувоҳлиги қабул қилинмайди. Аммо хамрни, яъни, шаробни ичмоқ билан одилликдан тушгай, яъни, фосиқ бўлгай, агарчандики шаробни ўйин ниййати билан ичмаса ҳам. «Ҳамиша ичадиган бўлса» демоқнинг маъноси шуки, уни ичгандан кейин яна қачон топса, ичадиган ниййати бўлган одамдир. Бу ерда доим ичмоқ ниййати бўлишлиги шарт қилинди, токи ул кишидан шароб ичганлиги зоҳир бўлгай. Аммо, кимики шароб ичди, деб туҳмат қилинган бўлса ва ул кишидан шароб ичмоқ зоҳир ва маълум бўлмаса, одилликдан чиқмагай. Шунингдек, ким фожир, осий ва шароб ичадиганларнинг мажлисида ўтирса, гувоҳлиги қабул қилинмагай, гарчи ичмаса ҳам. Чунончи, «Жавҳарату-н-найийра»да мазкурдир.

Билгилки, фожирларнинг мажлисида ўтирувчи доим шароб ичадиганга ўхшашдир. Чунончи, «Хизона»да мазкурдир.

Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳнинг қавлики, фосиқ ҳар вақт халойиқ ичида обрўли бўлса ва мурувватли бўлса, унинг гувоҳлиги қабул қилинур. Асаҳ қавл шуки, мурувватли фосиқнинг гувоҳлиги қабул қилинмагай. Чунончи, «Фатовойи Оламгирийя»да мазкурдир. Ҳаромхўрликда машҳур бўлиб, беҳуда юрган одамнинг гувоҳлиги қабул қилинмагай. Ушбудек «Фатҳул-қадир»да мазкурдир.

وَ مَنْ يَلْعَبُ بِالطُّيُورِ

Кимики парранданн ўйнаса, яъни, кабутарларни учирганга ўхшаш учириб ўйнаса, гувоҳлиги қабул қилинмагай, зеро, ўйин ҳаромдир. Бас, кимики учирмай сақласа, одилдир, яъни, гувоҳлиги қабул қилинур. Чунончи, «Кирмоний»да мазкурдир. Ушбудек, кабутарни ўз ҳолига қўйиб юбориб боқмоқ билан фосиқ бўлмайди. Шайхул-ислом айтдиларки, кабутарни ўз ҳолича учиб кетиб, яна қайтиб келиб юрмоғини одат қилдирилганлик одиллик эмас, зероки, ул вақтда бошқа одамнинг кабутарига аралашиб, уни ҳам олиб келгай, ул киши бошқа одамнинг ҳақини ҳам тасарруф қилгай. Ушбудек «Захийра»да ҳам мазкурдир. Парранданн учирмоқда ғафлат ворис бўлгай. Гоҳо томга чиқиб, кабутарни учирганда ажнабий хотинларга қарагай ва бул иш фисқдир. Чунончи, «Мабсут» ва «Жавҳара»да ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

мазкурдир. Лойиқ шулки, шунга ўхшаш булбулни боққан одамнинг гувоҳлиги қабул қилинмагай. «Қунйа» китобида ёзилишича, булбулни қафасда банд қилмоқ ва унинг ичида дон бермоқ жоиз эмас. Чунончи, «Буржандий»да мазкурдир. Раққоснинг, яъни, рақс қиладиган сўфийларнинг гувоҳлиги қабул қилинмагай. Мушаъвизнинг, яъни, найрангбознинг гувоҳлиги қабул қилинмайди. Ушбудек «Ҳидоя»нинг шарҳи «Айний»да мазкурдир.

Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг «Маноқиб»ларида шундайки, бахил одамнинг гувоҳлиги қабул қилинмайди. Ушбудек «Муҳит»да мазкурдир. Имом Кархий раҳматуллоҳи алайҳ айтдиларки, кўчада ёлғиз иштон билан юрадиган одамнинг гувоҳлиги қабул қилинмайди. Ушбудек «Ниҳоя»да мазкурдир.

Бир одам ҳар вақт сувратли либос сотса ё тўқиса, унинг гувоҳлиги қабул қилинмайди. Чунончи, «Фатовойи Оламгирийя»да мазкурдир.

Ҳамширасининг фойдасига гувоҳлик бермоқ жоиздир. Ушбудек «Қозихон»да мазкурдир. Оға-ини, яъни, ака ва ука бировининг фойдасига ҳамда биродарининг, яъни, ака ёки укасининг авлодлари фойдасига гувоҳлик бермоқ жоиздир. Амакилар, уларнинг болалари, тоғалар, холалар ва аммалар ҳам шунга ўхшашдир. Ушбудек «Фатовойи Оламгирийя»да мазкурдир.

أَوْ يَرْتَكِبُ مَا يُحَدُّ بِهِ

Ё ҳад урмоқ лозим бўлган ишларни қилса, масалан, зино, ўғирлик ва ливота қилмоққа ўхшаш, мазкур феълларнинг ҳаммаси фосиқликдир, буларни қилган одамнинг гувоҳлиги қабул қилинмайди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

أَوْ يَدْخُلُ الْحَمَّامَ بِلاَ إِزَارٍ

Ё ҳаммомга иштонсиз кирса, зеро, авратини очмоқ ҳаромдир.

أَوْ يَأْكُلُ الرِّبوَا أَوْ يُقَامِرُ بِالنَّرْدِ أَوْ الشَّطْرَنْجِ أَوْ يَفُوْتُهُ الصَّلَوةَ بِهِمَا

Ё рибо еса, ё қарта ўйнаса, ё шатранж билан қимор ўйнаса. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ёки шатранж ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

қарта ўйнагани сабабли намоз қазо бўлса, гувоҳлиги қабул қилинмагай. Зероки, гуноҳи кабирадир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Беқимор қарта ўйнайдиган одамнинг гувоҳлиги ҳам бехилоф қабул қилинмайди. Аммо беқимор шатранж ўйнайдиган одамнинг гувоҳлиги қабул қилинур, башарти намоз вақтидан ўтмаса, қимор қилмаса ва қасам ичмаса. Чунончи, «Лубоб лил-Майдоний»да мазкурдир. Зеро, шатранж ўйнамоққа ижтиҳодда жоизлик бордир. Чунончи, «Ҳидоя», «Шарҳи Илёс», «Жомиъу-р-румуз», «Шарҳи Виқоя» ва «Дурару-л-Ҳукком»да мазкурдир.

أَوْ يَبُولُ عَلَى الطَّرِيقِ أَوْ يَأْكُلُ فِيهِ

Ё йўлда, одамларнинг олдида бавл қилса (сийса) ёки йўлда, яъни, бозордан бошқа жойда таом еса, ушбуга ўхшаш, булардан бошқа мубоҳлардан мурувватда сарзаниш ва таъна етадиган бўлса, масалан, хору забун ва паст одамлар билан ҳамсуҳбат бўлмоққа ўхшаш ва ҳаддан зиёда ҳазил ва мазаҳ қилмоқ, паст ва ўсал гап қилмоқ, кийим, кўнчилик ва бофандалик қилмоқ ва беузр қон оладиган бўлмоқ, – мазкурларнинг ҳам гувоҳликлари қабул қилинмагай. Чунончи, «Кашф» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

أَوْ يُظْهِرُ سَبَّ السَّلَفِ

Ё саҳоба розийаллоҳу анҳумдан бирларини, ё уламойи тобиъиндан бирларини, ё Имамани мужтаҳидиндан бирларини ҳақорат қилмоқ ва сўкмоқни изҳор ва маълум қилса, фосиқлиги зоҳир бўлгани сабабидан гувоҳлиги қабул қилинмагай. Чунончи, «Ҳидоя» ва «Жавҳарату-н-найийра»да мазкурдир. Кимики ўз аҳли ва авлодларини, хизматкорларини ҳар куни ва ҳар соат ҳақорат қилса, гувоҳлиги қабул қилинмайди. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир.

Агар ҳанафий мазҳабли одам шофеъий мазҳабга ўтса, гувоҳлиги қабул қилинмагай, агарчандики олим бўлса ҳам. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ تُقْبَلُ الشَّهَادَةُ عَلَى جَرْحِ مُجَرَّدٍ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Даъво қилган одамнинг фойдасига гувоҳлик берадиган кишини даъво қилинган одам, булар гувоҳлик бермоққа ярамайдилар, деб мужаррад одил эмасликларига таъна қилмоғи билан даъво қилинган одамнинг гувоҳлиги қабул қилинмагай.

وَهُوَ مَا يُفَسِّقُ الشَّاهِدَ وَ لَمْ يُوجِبْ حَقًّا لِلشَّرْعِ أَوْ لِلْعَبْدِ

Ул таъна қилмоқ гувоҳнинг фосиқлигига нисбат бермоқдир ва ул фосиқликка нисбат бермоқ шариатни ёки банданинг ҳақини вожиб қилмас бўлса, масалан, гувоҳни даъво қилинган одам фосиқ деб, ҳаққуллоҳни зоеъ қилганлигига, масалан, ҳад урмоқ вожиб бўлганга ўхшаш ёки банданинг ҳақини нобуд қилганлигига мол бермоқ вожиб бўлганга ўхшаш, – буларга исбот қилолмаса, даъвогарнинг гувоҳлари берган гувоҳлик қабул қилинур. Даъво қилинган одамни мужарради таъна қилгани билан гувоҳлиги қабул қилинмагай. Агар гувоҳ ўткариб лозим қилса, муддаъий алайҳнинг гувоҳлиги қабул қилинур. Чунончи, баёни келгай.

مِثْلُ هُوَ فَاسِقٌ أَوْ آكِلُ الرِّبَوا أَوْ أَنَّهُ اسْتَأْجَرَهُمْ

Масалан, даъвогарнинг гувоҳни муддаъий алайҳ ул гувоҳ фосиқ ё рибохўр, яъни, судхўр ёки ул даъвогар гувоҳларни гувоҳликка ижарага олиб келди, деганига ўхшаш, бул тариқа деб таъна қилгани билан гувоҳ ўткариб, исбот қилолмаса, мақбул эмас. Агар исбот қилса, қабул қилинур.

وَ تُقْبَلُ عَلَىَ إِقْرَارِ الْمُدَّعِي بِفِسْقِهِمْ

Даъвогарнинг ўзи гувоҳларини фосиқликларига иқрор қилса, қабул қилинур, агар даъво қилинган киши даъвогарни иқрор қилганига далил исбот қилса.

وَ عَلَى أَنَّهُ عَبِيدٌ أَوْ شَارِبُوا خَمْرٍ أَوْ قَذَفَةٌ أَوْ شُرَكَاءُ الْمُدَّعِي أَوْ أَعْطَاهُمْ
الْأُجْرَةَ لَهَا مِنْ مَالِي أَوْ دَفَعْتُ إِلَيْهِمْ كَذَا لِئَلاَّ يَشْهَدُوا عَلَيَّ

Ва, албатта, гувоҳлар қуйидагилар бўлса, гувоҳлиги қабул қилинур: қуллардир, ёки ул гувоҳлар, албатта, шароб кўрдирлар, ёки ул гувоҳлар, албатта, зино лафзи билан фалон одамни

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақорат қилгандурлар, ёки ул гувоҳлар даъвогарнинг шерикларидурлар, ёки даъвогар гувоҳларга, менинг зараримга гувоҳлик бермоқлари учун ўзимнинг молимдан хизмат ҳақи бердим, ёки мен мунча молни даъвогарнинг гувоҳларига бердим, токи ушбу ботил ишда менинг зараримга гувоҳлик бермагайлар деб, шундоқ бўлса ҳам, менинг зараримга гувоҳлик бердилар деса, мазкур воқеаларни муддаъий алайҳ гувоҳ билан исбот қилса, гувоҳлиги қабул қилинур.

وَ شُرِطَ مُوَافَقَةُ الشَّهَادَةِ الدَّعْوَى

Гувоҳнинг қози олдида гувоҳлик бермоғи учун даъвогарнинг даъвосига гувоҳлик берган сўзининг мувофиқ бўлмоғи шарт қилинди. Масалан, бир одам, бу китоб меники, деб даъво қилса, икки гувоҳ, нафсул-амр ушбу отни бул одам сотиб олган эди, деб берсалар, маънода мувофиқ бўлгани жиҳатидан ул одамнинг фойдасига ҳукм қилинур.

كَاتِّفَاقِ الشَّاهِدَيْنِ لَفْظًا وَمَعْنًى عِنْدَ أَبِي حَنِيفَةَ رَحِمَهُ اللهُ

Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, икки гувоҳнинг гувоҳлик бермоқлари лафзда ва ҳам маънода мувофиқ бўлмоқлари шарт қилинганига ўхшаш даъвода ҳам гувоҳлик бермоқнинг лафзда ва ҳам маънода мувофиқ бўлмоғи шарт қилинди.

فَتُرَدُّ فِي أَلْفٍ وَأَلْفَيْنِ

Гувоҳларнинг бири минг тангага гувоҳлик бериб, бошқаси икки минг тангага гувоҳлик берса, бас, гувоҳлиги рад қилинур, яъни, уларнинг гувоҳликлари қабул қилинмагай, бу лафзлари бошқа бўлгани жиҳатидандир.

وَيَثْبُتُ فِي أَلْفٍ وَأَلْفٍ وَ مِائَةِ الأَقَلُّ عِنْدَ دَعْوَى الأَكْثَرُ إِنْ قَصَدَ الْمَالَ لاَ الْعَقْدُ

Гувоҳларнинг бири минг тангага гувоҳлик бериб, бошқаси бир минг бир юз тангага гувоҳлик берса, бир минг бир юз тангадан озроғиким, минг тангадир, ул муқаррар бўлур. Агар муддаъий, яъни, даъвогар кўпроғини даъво қилса ва даъво қилмоқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан молни қасд қилган бўлса, ақд бўлмаса, масалан, даъвогар даъво қилдики, бу қулни минг бир юз тангага сотиб олдим деб, икки гувоҳнинг бири эса минг тангага сотиб олди деса, иккинчи гувоҳ бир минг бир юз тангага сотиб олди деса, буларнинг гувоҳлиги мақбул эмас. Чунончи, «Гўрмирий»да мазкурдир.

فَتُقْبَلُ فِي عِتْقٍ بِمَالٍ وَصُلْحٍ عَنْ قَوَدٍ وَرَهْنٍ وَ خُلْعٍ إِنْ ادَّعَى مَنْ لَهُ الْمَالُ

Бас, бу тафовутда бўлган гувоҳлик, яъни, гувоҳнинг бири минг, бири бир минг бир юз, деб гувоҳлик берганда, мол баробарига озод қилинганда, қабул қилингай. Ва яна қасос мол баробарига сулҳ қилинганда қабул қилингай ва молни гаровга қўйганда ва хотинни хулъ қилганда, яъни, мол баробарига талоқ қилганда, башарти бу ҳолатларда ўз фойдасига мол бўлган одам даъво қилса, қабул қилингай. Аммо ўз фойдасига мол бўлмаган киши даъво қилса, унга гувоҳлик берсалар, қабул қилинмайди. Бунда ишорат шунгаки, агар қул озод қилди, деб даъво қилса ё ўлдирган киши, сулҳ қилди, деб даъво қилса, ё гаров қўйган гаровни даъво қилса, ё хотин киши хулъни даъво қилса ва икки гувоҳ гувоҳлик берсалар, қабул қилинмагай ва ҳеч нарса собит бўлмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَالإِجَارَةُ بَيْعٌ فِي أَوَّلِ الْمُدَّةِ

Ижарага бермоқ ва олмоқнинг даъвоси байънинг даъвосига ўхшашдир, борди-ю, ижаранинг даъвоси муддатнинг аввалида бўлса. Бас, агар ижарага қўйган ва ижарага олган одамнинг бири ижарага қўйилган муддатнинг бошида, бир минг бир юз танга эди, деб даъво қилсаки, қабул қилинмайди. Зероки, ақдни қасд қилибди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَمَالٌ بَعْدَهَا

Муддат ўтгандан кейин ижара молдир. Бас, агар ижарага қўйган киши, бир минг бир юз танга эди, деб даъво қилса, гувоҳларнинг бири, бир минг танга, иккинчи гувоҳ, бир минг бир юз танга, деб гувоҳлик берсалар, қабул қилинур. Ва камроғи, яъни, минг танга собит бўлур. Зероки, ижаранинг муддати ўтгандан кейин мол бўлганлиги собит бўлур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَيَثْبُتُ النِّكَاحُ بِأَلْفٍ خِلَافًا لَهُمَا

Никоҳ бир минг танга маҳр баробарига собит бўлгай, борди-ю, эру хотин никоҳни бир минг бир юз танга ёки бир минг танга маҳр баробарига қилинганини даъво қилсалар. Масалан, икки гувоҳнинг бири бир минг бир юз тангага ақди никоҳ қилинди, деб гувоҳлик берса ва иккинчи гувоҳ бир минг танга маҳр баробарига ақди никоҳ қилинди, деб гувоҳлик берса, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, никоҳ минг танга баробарига муқаррар бўлгай, хоҳ даъво эрдан бўлсин, хоҳ хотиндан бўлсин, хоҳ даъвогар минг танга, деб даъво қилган бўлсин, хоҳ бир минг бир юз танга, деб даъво қилган бўлсин. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

وَ لَزِمَ الْجَرُّ فِي الْإِرْثِ بِقَوْلِهِ مَاتَ وَ تَرَكَهُ مِيرَاثًا لَهُ أَوْ مَاتَ وَ ذَا مِلْكُهُ أَوْ فِي يَدِهِ

Гувоҳ бўлган киши бир одамнинг фойдасига мерос тўғрисида гувоҳлик берганда, ул молни ворисга тортмоқ лозимдир, ушбу сўзи биланким: «Зайд ўлди ва бу молни ул даъво қилган одамга мерос қолдирди». Ёки гувоҳ ушбу сўзи билан меросни даъвогарга тортгай: «Зайд ўлди ва бу мол ул Зайднинг мулкидир». Ёки ушбу сўзи билан меросни даъвогарга тортгай: «Бу мол то Зайд ўлгунча унинг тасарруфида эди».

فَإِنْ قَالَ كَانَ لِأَبِيهِ أَوْ دَعَهُ أَوْ أَعَارَهُ مَنْ فِي يَدِهِ جَازَ بِلَا جَرٍّ

Бас, агар бир одам, бу мол меники, деб даъво қилганда гувоҳ: «Бу мол ушбу даъвогарнинг отасининг моли эди, у молни бу тасарруф қилиб турган кишига омонат бериб эди ё орийатга бериб эди», деб гувоҳлик берса, бу гувоҳлиги меросни тортмасдан ҳам қабул қилинур, яъни: «Зайд ўлди, бу молни ўғлига қолдирди» ёки: «У мол Зайднинг мулкидир» ёки: «Ул мол ўлгунча Зайднинг қўлида эди», деб гувоҳлик бермасдан: «Отасининг моли эди» ёки: «Унга омонат топшириб қўйган эди» ёки: «Ул тасарруф қилиб юрган одамга орийатга бериб қўйган эди» деса, қабул қилингай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ تُقْبَلُ الشَّهادَةُ عَلىَ الشَّهَادَة

Гувоҳликка гувоҳлик қабул қилинур, масалан, Зайд менга гувоҳлик берди, Амрнинг Бакрда минг танга оладиган ҳақи бордир, деб Абдуллоҳнинг гувоҳлик бермоғи дурустдир, бундай гувоҳлик бермоқ қабул қилинур.

إِلاَّ فِي حَدٍّ وَقَوَدٍ

Бироқ ҳад урмоқ билан қасосда бу тариқа гувоҳлик қабул қилинмагай. Бас, албатта, ҳад ва қасосда бундоқ шаҳодат тилдан-тилга ўтиб зиёда ва кам бўлмоқ шубҳаси бўлгани жиҳатидан қабул қилинмайди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ شُرِطَ لَهَا تَعَذُّرُ حُضُورِ الأَصْلِ بِمَوْتٍ أَوْ مَرَضٍ أَوْ سَفَرٍ

Ҳад урмоқдан ва қасоси шаръий Аллоҳдан бошқа воқеаларда гувоҳнинг ўрнига гувоҳлик бермоқ қабул қилмоқнинг жоизлиги учун асл гувоҳнинг ўлганлиги, ё касаллиги, ё сафарга кетганлиги сабабли кела олмаслиги шарт қилинди, яъни, асл гувоҳким, дафъатан гувоҳ бўлган эди, агар ўлган бўлса, унинг ўрнига гувоҳлик берса ё касал бўлгани, ё сафари шаръийга кетиб қолгани сабабидан узрли бўлиб, ҳозир бўлолмагани жиҳатидан гувоҳга гувоҳ бўлган одамнинг гувоҳлиги қабул қилинур. Хулоса шуки, аввалги гувоҳким, уни асл гувоҳ дейилур, ул асл гувоҳнинг зиммасида уч нарсанинг бири бўлмаса, фаръ (асл гувоҳ ўрнига қўйилган иккинчи даражали) гувоҳким, гувоҳга гувоҳдир, ул фарънинг гувоҳлиги қабул қилинмайди.

وَ شَهَادَةُ عَدَدٍ عَنْ كُلِّ اَصْلٍ

Гувоҳи фаръийнинг гувоҳлиги дуруст бўлмоғининг бир шарти – ҳар бир асл гувоҳдан икки эркак ё бир эркагу икки хотиннинг гувоҳлик бермоғидир.

لاَ تُغَايِرُ فَرْعَى هَذَا وَ ذَاكَ

Аммо асл гувоҳнинг икки фаръ гувоҳидан яна бир асл гувоҳнинг икки фаръ гувоҳи бошқа бўлмагай. Бас, икки аслнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

бири учун икки эркак гувоҳлик бергай, яна қолган бир асл гувоҳ учун ҳам ул икки эркак гувоҳлик берсалар, жоиздир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ يَقُولُ الأَصْلُ اَشْهِدْ عَلَى شَهَادَتِي إِنِّي اَشْهَدُ بِكَذَا

Асл гувоҳ фаръ гувоҳларга айтгай: «Сен менинг гувоҳ бўлганлигимга гувоҳлик бергилки, мен, ушбу тариқа гувоҳлик бераман, яъни, Зайд Шарифнинг ўғли, Латифнинг набирасидир, менинг олдимда Каримдан минг танга қарзим бор, деб иқрор қилди». Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَالفَرْعُ اَشْهَدُ أَنَّ فُلاَنًا اَشْهَدَنِي عَلَى شَهَادَتِه بِكَذَا وَ قَالَ لِي اَشْهِدْ عَلَى شَهَادَتِي بِكَذَا

Фаръ гувоҳ айтгай: «Қозининг олдида мен гувоҳлик бераманки, фалон киши, масалан, Зайд ўзининг фалон хусусдаги гувоҳлигига мени гувоҳ қилди ва менга айтди ва амр қилдики, сен менинг фалон хусусдаги гувоҳлигимга гувоҳлик бергил».

وَ صَحَّ تَعْدِيلُ الفَرْعِ الأَصْلَ وَاَحَدِ الشَّاهِدَيْنِ الأَخَرَ

Гувоҳи фаръ гувоҳи аслни одилдир, деб мақтамоғи ва покламоғи дурустдир. Ва икки гувоҳнинг бири иккинчисини пок ва одил деб мақтамоғи дурустдир. Зероки, улар аҳли тазкийа (поклаш аҳли)дирлар. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَإِنْكَارُ الأَصْلِ يُبْطِلُ شَهَادَةَ الفَرْعِ

Асл гувоҳнинг фаръ гувоҳга инкор қилмоғи фаръ гувоҳнинг гувоҳлигини ботил қилгай. Масалан, асл гувоҳ фалон воқеа тўғрисида гувоҳлик бермоққа: «Менга буюрди ва мен унинг фалон воқеа тўғрисидаги гувоҳлигидан гувоҳлик берурман» деб, фаръ гувоҳ гувоҳлик бериб, қози ҳукм қилгандан кейин бўлса ҳам, асл гувоҳнинг: «Гувоҳлигимни унга берган эмасман», деб инкор қилмоғи фаръий гувоҳнинг гувоҳлигини бекор қилгай.

وَ مَنْ أَقَرَّ أَنَّهُ شَهِدَ زُورًا شُهِّرَ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кимики қозининг олдида гувоҳлик бергандан кейин ёлғон гувоҳлик берганига иқрор қилса, бу нарса одамларга машҳур қилинур, яъни, қози бир одамни ёлғон гувоҳлик берган одам билан қўшиб, чоштгоҳ вақтида, яъни, бозор қизиган пайтда аҳли бозорига юборгай. Ул одам бозор одамларини жамъ қилгай. Агар ул каззоб аҳли бозор бўлмаса, уни ўз маҳалласига аср вақтида олиб бориб, барча одамларни йиғгай. Қозининг юборган амрини айтгай: «Қози сизларга салом айтиб юбордилар ва айтдиларки, бизлар бу ёлғон гувоҳлик берадиган одамни топдик, сизлар ундан қочинглар, эҳтиёт ва огоҳ бўлинглар, одамларни ҳам бундан огоҳ қилинглар», деб эълон қилгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لَمْ يُعَزَّرْ

Бундан бошқа унга таъзир берилмагай, урилмагай ва қамалмагай. Ва бу Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларидадир. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида, ул ёлғон гувоҳлик берган одамни урилгай, шундан кейин юқорида баён қилингандек эълон қилингай. Фатво Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ қавлларига берилур. Имом Абу Юсуф билан Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ айтдилар: «Ёлғон гувоҳни кўп оғритиб урилгай, адаб бермоқ учун қамалгай, лекин юзига қора суртилмагай, бу уламоларнинг иттифоқлари билан». Чунончи, «Сирожиййа»да мазкурдир.

Ҳоким Абу Муҳаммад ал-Котиб айтдилар: «Агар ёлғон гувоҳ бермоқликдан қайтиб, тавба қилса, бехилоф таъзир берилмагай ва доим ёлғон гувоҳлик берса, бехилоф урмоқ билан таъзир берилгай». Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

Ёлғон гувоҳдан бошқани урмоқ билан шаҳар ва бозордан айлантириб, таъзир бермоқ жоиз эмас. Лекин Қози ал-Имомий «Умда»дан нақл қилдиларки, қасддан намоз ўқимаган одамни шаҳар айлантириб ва бозор айлантириб уриб, эълон қилдирмоққа ўхшаш бошқаларга ҳам мазкур жазоларни бермоқ жоиздир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУ ФАСЛДА ШОҲИДНИНГ БЕРГАН ГУВОҲЛИГИДАН ҚАЙТМОҒИНИНГ БАЁНИ

لَا رُجُوعَ عَنْهَا إِلَّا عِنْدَ قَاضٍ

Гувоҳлик бергандан кейин ундан қайтмоқлик йўқдир, фақат қозининг ҳузурида қайтмоқ дурустдир.

Билгилки, гувоҳликдан қайтмоқ гувоҳнинг: «Мен берган гувоҳлигимдан қайтдим», демоғидир. Ёки: «Мен ушбу гувоҳликни ёлғондан берган эдим», демоғидир.

Гувоҳликдан қайтмоқнинг дурустлик шарти шуки, мен гувоҳликдан қайтдим, ёлғон гувоҳлик берган эдим, демоқ қозининг олдида бўлгай. Зероки, бу гувоҳликни бузмоқдир. Бас, гувоҳлик бермоққа ўхшаш бу ҳам қозининг мажлисига махсусдир. Гувоҳлик бериб қайтганнинг ҳукми таъзир вожиб бўлишидир. Ёлғондан гувоҳлик бергандан кейин таъзир беришни юқорида баён қилган эдик. Ҳам таъзир бериш ва ҳам товон тўлашнинг ҳукми энди келади. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

فَإِنْ رَجَعَا عَنْهَا قَبْلَ الْحُكْمِ سَقَطَتْ

Бас, агар гувоҳлар қози ҳукм қилмасдан илгари берган гувоҳликларидан қайтсалар, шаҳодатлари соқит бўлгай, қози ул гувоҳлик билан ҳукм қилмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»-да мазкурдир.

وَلَمْ يَضْمَنَا

Муддаъий билан муддаъий алайҳнинг қайси бирларига шоҳидлар гувоҳлик бермаган жиҳатидан ҳақлари йўқ бўлиб кетса, гувоҳлар зомин бўлмагайлар, яъни, товон тўламагайлар.

وَبَعْدَهُ لَمْ يُفْسَخْ وَضَمِنَا مَا أَتْلَفَاهُ بِهَا إِذَا قَبَضَ مُدَّعَاهُ

Гувоҳлар қози ҳукм қилгандан кейин гувоҳликдан қайтсалар, қилинган ҳукм бузилмайди. Гувоҳлар гувоҳлик бергани сабабидан зоеъ қилган нарсани тўлагайлар, яъни, башарти даъво қилинган нарсани олган бўлсалар, уларнинг сабаблари билан даъвогар ё муддаъий алайҳга етган зарарни тўлагайлар, агар олмаган бўлсалар, тўламагайлар, яъни, товон тўламоқ во-

www.ziyouz.com kutubxonasi

жиб эмас. Балки товон тўламоқ қабз қилмоққа тавақкуф қилгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَالعِبْرَةُ لِلْبَاقِي لاَ لِلرَّاجِعِ

Шоҳидлар, масалан, тўрт киши бўлиб, ҳаммаси гувоҳлик бериб, қози ҳукм қилгандан кейин икки гувоҳ гувоҳликдан қайтса, эътибор қолган икки гувоҳга бўлиб, ҳукм ўз ҳолида қолгай, гувоҳликдан қайтганга эътибор йўқдир. Бас, агар икки гувоҳ бўлиб, унинг бири гувоҳликдан қайтса, эътибор қолган икки гувоҳга бўлиб, ҳукм ўз ҳолида қолгай, гувоҳликдан қайтганга эътибор йўқдир. Бас, агар икки гувоҳ бўлиб, унинг бири гувоҳликдан қайтса, ул гувоҳликдан қайтган ярим зарарни тўлагай. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

فَإِنْ رَجَعَ أَحَدُ ثَلاَثَةٍ لَمْ يَضْمَنْ

Бас, агар гувоҳлик берган уч одамнинг бири гувоҳликдан қайтса, яъни, мен ёлғондан гувоҳлик берган эдим, деб хабар берса, товон тўламагай. Зероки, бунда ҳақнинг ҳаммаси муқаррар бўлмоққа икки гувоҳ қолди. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

فَإِنْ رَجَعَ آخَرُ ضَمِنَا نِصْفًا

Бас, агар уч гувоҳнинг бири гувоҳликдан қайтгандан кейин яна бири гувоҳликдан қайтса, иккала қайтган гувоҳлар зоеъ бўлган молнинг ярмини тўлагайлар. Чунки нисфи шаҳодат боқий қолди. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَإِنْ شَهِدَ رَجُلٌ وَ عَشْرُ نِسْوَةٍ ثُمَّ رَجَعُوا فَعَلَى الرَّجُلِ سُدْسٌ عِنْدَ أَبِي حَنِيفَةَ رَحِمَهُ اللهُ وَنِصْفٌ عِنْدَهُمَا

Агар бир эркак, ўн хотин бир ҳукмда гувоҳлик берганларидан кейин ҳаммалари гувоҳликдан қайтсалар, даъволашганларнинг бирига бул сабабдан етган зарарнинг олтидан бирини тўламоқ эркакка ва қолган ярмини тўламоқ хотинларга вожибдир. Бу Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Ярмини тўламоқ эркакка ва нисфини тўламоқ хотинларга вожибдир ва бу Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларидадир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَإِنْ رَجَعْنَ فَقَطْ فَعَلَيْهِنَّ نِصْفٌ

Агар бир эркак, ўн хотин гувоҳликка ўтганларидан кейин ўн хотиннинг ҳаммалари гувоҳлик берганларидан қайтсалар, етган зарарнинг ярмини тўлагайлар. Бу масъала уламоларнинг иттифоқлари бирладир. Зеро, қолган бир эркакка ярми қолди, деб эътибор қилинур. Бу масъала, масалан, олти эркак гувоҳлик бериб, шундан сўнг беш эркак гувоҳликдан қайтганга ўхшашдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

وَضَمِنَ الْفَرْعُ إِنْ رَجَعَ هُوَ وَالْأَصْلُ

Ўз ўрнига қилиб қўйган гувоҳни **фаръ** дейилур, гувоҳнинг ўзини **асл** дейилур, иккаласи ҳам гувоҳликларидан қайтсалар, Имом Аъзам билан Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида, бўлган зарарни фаръ гувоҳ тўлагай. Зеро, ҳукм фаръ гувоҳларнинг гувоҳлик берганлари сабабли воқеъ бўлди. Бунда шу нарсага ишорат борки, агар фаръий гувоҳ гувоҳлик бергандан кейин қайтса, яъни, ёлғондан гувоҳлик берган эдим, деб ёлғиз ўзи иқрор қилса, товон тўламайди, уни асл гувоҳ тўлагай. Бундан шу нарсага ишорат борки, агар гувоҳлик бергандан кейин асл гувоҳнинг ёлғиз ўзи гувоҳликдан қайтса, ҳеч қайсиси тўламайди. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир.

وَالْمُزَكِّي

Гувоҳни одил деб, қозининг олдида поклайдиган киши қавлидан қайтса, агар гувоҳнинг гувоҳлиги сабабидан даъвогарларнинг бири зарар кўрса, товон тўлагай. Бас, агар гувоҳни одил деб поклагувчи зинодаги гувоҳларни, албатта, «бу гувоҳлар ҳурдурлар» деб, сангсор қилингандан кейин «ул гувоҳлар қул эдилар» деса, у сангсор бўлган одамнинг хун баҳосини тўлагай. Имом Абу Юсуф билан Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ айтдиларки, хун баҳоси байтул-молдан берилур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

لَا شَاهِدُ الْإِحْصَانِ

«Бир киши зино қилди», деб гувоҳлар гувоҳлик берсалар, «зино қилмоқдан пок», деб бошқа гувоҳлар унинг поклигига

www.ziyouz.com kutubxonasi

гувоҳлик берсалар, уни тошбўрон қилгандан кейин поклаган гувоҳлар сўзларидан қайтсалар, зомин бўлмаслар. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ شَاهِدُ الْيَمِينِ لاَ الشَّرْطِ إِذَا رَجَعُوا

Қасамга гувоҳлик берган киши товон тўлагай. Башарти ҳаммалари берган гувоҳликларидан қайтсалар, шартни воқеъ бўлди, деб гувоҳлик берган киши товон тўламагай. Масалан, икки гувоҳ ҳар вақт гувоҳлик берсалар: «Зайд қулига, агар сен уйга кирсанг, озодсан, деб шарт қилди» деб ва яна икки гувоҳ: «Зайднинг қули уйга кирди», деб гувоҳлик берсалар ва ул қулнинг озод бўлганлигига ҳукм қилинса, шундан кейин гувоҳларнинг ҳаммалари деган сўзларидан қайтсалар, «Зайд қулини уйга кирсанг, озодсан, деб шарт қилди», деб гувоҳлик берган гувоҳлар қулнинг қийматини тўлагайлар. «Шарт мавжуд бўлди», деб гувоҳлик берган гувоҳлар тўламагайлар. Зероки, ҳукм шартга гувоҳлик бергувчи сабаби бирла воқеъ бўлди. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الإِقْرَارِ

ИҚРОР КИТОБИ

هُوَ إِخْبَارٌ بِحَقٍّ لآخَرَ عَلَيْهِ

Бу китобда иқрор бўлмоқнинг баёни келади. **Иқрор** деб, луғатда бир нарсани тил ё дил, ёки дилу тилнинг иккаласи билан исбот қилмоқ ва иқрор бермоққа айтилур, бу мункир бўлмоқнинг (инкор қилмоқнинг) зиддидир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Шариатда иқрор бир одамнинг фойдасига ва ўзининг зарарига гарданида ҳақи борлигини ўз тили билан иқрор қилиб, хабар бермоқ ва маълум қилмоқдир. Бас, менинг гарданимда фалон одамнинг шунча ҳақи бор, деб ёзса ё тили билан ишорат қилса, ё ҳеч нарса демаса, иқрор бўлмайди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ғойибдаги одамга, менда унинг шунча ҳақи бор, деб битса, иқрор бўлгай. Ғойибга хат битмоқ шаръан тил билан иқрор қилиб гапирмоққа ўхшашдир. Чунончи, «Китобу-с-суғро»да мазкурдир.

وَحُكْمُهُ ظُهُورُ الْمُقَرِّ بِهِ لاَ إِنْشَاؤُهُ

Ва бу иқрор бўлмоқнинг ҳукми бир одамнинг фойдасига иқрор қилинган молнинг борлиги маълум ва ошкора бўлмоғи ул иқрор қилинган молни иқрор вақтида пайдо этмоқ билан ҳукм қилмоқ эмас.

فَصَحَّ الإِقْرَارُ بِالْخَمْرِ لِلْمُسْلِمِ

Бас, шундоқ бўлса, яъни, иқрор бўлмоқнинг ҳукми аввалдаги бор ҳақнинг борлиги маълум бўлмоғи ва билинмоғи бўлса, иқрор қилинган замонда ул молни пайдо қилмоқ бўлмаса, мусулмон учун хамр билан иқрор қилмоқ дурустдир. Зероки, иқрор қилмоқ мусулмонни хамрга эга қилмоқ эмас. Бас, хамрни ул мусулмонга топширмоққа амр қилинур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

لاَ بِطَلاَقٍ أَوْ عَتْقٍ مُكْرَهًا

Талоқни ва озод қилмоқни зўрлик билан иқрор қилса, қилган иқрори саҳиҳ ва собит бўлмайди, Зероки, ул иқрор иншо эмас, яъни, янги ҳукмни исбот қилмоқ эмас. Агар янги ҳукмнинг исботи бўлса, бас, батаҳқиқ, иқрори дуруст бўлгай, агарчандики зўрланганлигидан талоқ қилган бўлса ҳам. Бунда шу нарсадан огоҳ қилмоқ борки, агар талоққа ва озод қилмоққа зўрланмай, ҳазил қиладиган ва ёлғон гапирадиган бўлган ҳолда иқрор қилса, албатта, ул иқрор дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

فَلَو أَقَرَّ حُرٌّ مُكَلَّفٌ بِحَقٍّ صَحَّ وَلَوْ مَجْهُولاً

Агар ақлли ва балоғатга етган одам бир ҳаққа, яъни, гарданида бир одамнинг ҳақи борлигига иқрор қилса, дурустдир, агарчандики ул ҳақ номаълум бўлса ҳам. Албатта, жинни одамнинг ва ёш боланинг иқрори дуруст эмас, бироқ ижозат берилган бўлса, дуруст. Ва маст одамнинг иқрори дуруст, баёни келур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

و لَزِمَهُ بَيَانُهُ بِمَالَهُ قِيمَةٌ

Иқрор қилган кишига ул номаълум ҳақни баён қилмоқ лозимдир бир нарса биланки, унинг баҳосидир. Зероки, иқрор қилган одам ўзининг гарданига ул ҳақни лозимлик бирла баён қилди. Ва ул нарсаки, унинг қиймати ва баҳоси бўлмаса, гарданига вожиблик билан баён қилинмайди. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَالقَوْلُ لَهُ إِنْ ادَّعَى المُقَرُّ لَهُ أَكْثَرَ مِنْهُ

Қачонки: «Менинг гарданимда Зайднинг шунча ҳақи бор», деб иқрор қилгандан кейин мол эгаси Зайд ул иқрор қилган молдан кўпроғини даъво қилса, қасам билан иқрор қилувчининг сўзи қабул қилинур. Зероки, иқрор қилувчи мункирдир, мункирга қасам берилур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَلاَ يُصَدَّقُ فِي أَقَلَّ مِنْ دِرْهَمٍ فِي عَلَيَّ مَالٌ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва, сенинг ҳақинг менинг гарданимда бор, деб иқрор қилган одамнинг сўзига тасдиқ қилинмагай, борди-ю, ул номаълум ҳақни бир тангадан кам эди, деб баён қилса. Зероки, одатда, бир тангадан кам майда пул мол деб аталмайди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ مِنَ النِّصَابِ فِي مَالٍ عَظِيمٍ مِنْ ذَهَبٍ أَوْ فِضَّةٍ

Нисобдан кам бўлса, иқрор қилувчининг сўзига тасдиқ қилинмагай. «Зайддан менинг катта мол қарзим бор, ул қарзим тиллодан» деса, йигирма тиллодан камга сўзи қабул қилинмайди. Ё кумушдан деса, икки юз тангадан камда тасдиқ қилинмайди. Зеро, одамлар наздида, нисобга етган пул катта молдир, ҳаттоки нисобга эга бўлган киши бой бўлгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Бу замонда йигирма тилло қирқ сўмга тўғри келур.

وَ مِنْ خَمْسٍ وَعِشْرِينَ فِي الإِبِلِ

Иқрор қилувчи: «Менинг гарданимда Зайднинг туядан катта (кўп) моли бор», деб иқрор қилганда, йигирма беш туядан камда сўзига ишонилмагай. Зероки, йигирма беш туядан закот бермоқ вожиб бўлган нисобнинг адно (паст) даражасидир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Бунга қараганда, лойиқ шуки, қўйдан қирқ, қорамолдан ўттиздан камда тасдиқ қилинмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ مِنْ قَدْرِ النِّصَابِ قِيْمَةً فِي غَيْرِ مَالِ الزَّكَوةِ

Ва яна иқрор қилувчи, менинг гарданимда Зайднинг закот бериладиган молдан бошқада буғдойдан ё мисдан, ё булардан бошқа нарсадан катта моли бор, деб иқрор қилганда, баҳо тўғрисида нисобу закот миқдоридан камда сўзи қабул қилинмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Агар, менинг гарданимда Зайднинг фойдасига қийматбаҳоли мол ё гаронмоя мол, ё жалилу-л-қадр мол бор, деб иқрор қилса, унга икки юз танга бермоқ лозим бўлур. Чунончи, «Кифоя»да мазкурдир.

وَدَرَاهِمُ ثَلاَثَةٌ

«Менинг гарданимда Зайднинг тангалари бор», деб иқрор

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилса, камида уч тангага ҳамл қилинур (йўйилур). Ундан камда сўзига тасдиқ қилинмайди. Зеро, энг кам жамъ учдир.

وَدَرَاهِمُ كَثِيرَةٌ عَشْرَةٌ

«Менда Зайднинг кўп тангалари бор», деб иқрор қилган ҳолда ўн тангадан камда сўзига тасдиқ қилинмайди.

وَكَذَا دِرْهَمًا دِرْهَمٌ

«Менда Зайднинг андоқ тангаси бор», деб иқрор қилса, бир тангадан камга сўзига ишонилмайди. Зероки, бу номаълум ишорат бир тангага тафсир қилинур. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَكَذَا كَذَا أَحَدَ عَشَرَ

Менда Зайднинг казо ва казо тангаси бор, деб иқрор қилганда, ўн бир тангадан камда ишонилмайди.

وَكَذَا وَكَذَا أَحَدٌ وَعِشْرُونَ

Казо ва казо деб «ва» билан айтса, йигирма бир танга бермоқ вожиб бўлгай.

وَ لَوْ ثَلَّثَ بِلاَ وَاوٍ فَأَحَدَ عَشَرَ

Ва агар казо лафзини уч марта «ва»сиз айтиб иқрор қилса, яъни, Зайднинг менда шундоқ, шундоқ, шундоқ тангалари бор, деб иқрор қилса, ўн бир тангадан камда қабул қилинмайди.

وَمَعَ وَاوٍ فَمِائَةٌ وَاحِدٌ وَعِشْرُونَ

Агар казо лафзини «ва» билан уч мартаба айтса, яъни, менда Зайднинг шундоқ, шундоқ ва шундоқ тангалари бор, деб «ва»ни қўшиб иқрор қилса, бир юз йигирма бир танга бермоқ лозим бўлгай.

وَ إِنْ رَبَّعَ زِيْدَ أَلْفٌ

Агар казо лафзини «ва» билан тўрт марта айтса, бир юз йигирма бир танганинг устига минг танга зиёда қилинур, яъни, агар бир киши, менда Зайднинг шундоқ ва шундоқ ва шундоқ ва шундоқ тангалари бор, деб тўрт марта айтса, бир юз йигирма бир танга устига минг танга қўшиб бермоқ вожиб бўлгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَعَلَيَّ وقِبَلِي إِقْرَارٌ بِدَيْنٍ

Зайднинг фойдасига ва менинг зараримга бор ва менинг наздимда бор, демоқ фарзга иқрор бўлмоқдир.

وَصُدِّقَ إِنْ وَصَلَ بِهِ هُوَ وَدِيعَةٌ

Агар ўша сўзига ёпиштириб: «Ул менинг гарданимда бор нарса омонатдир» деса, сўзига тасдиқ қилинур.

وَ إِنْ فَصَلَ لاَ

Агар бу сўзидан омонат лафзини жудо қилиб айтса, ишонилмайди, чунки жудо қилиб айтмоқ иқрордан қайтмоқдир, унга эътибор қилинмайди.

وَعِنْدِي أَوْ مَعِي وَنَحْوُهُ أَمَانَةٌ

Агар, менинг олдимда ё менинг билан Зайднинг тангалари бор, деса ёки буларга ўхшаган лафзлар биланки, менинг киссамда ё сандиғимда ёки уйимда фалон одамнинг тангалари бор деса, буларнинг ҳаммасида омонат борлигига иқрорликдир.

وَقَوْلُهُ لِمُدَّعِي الأَلْفِ الَّتِي لَهَا أَوْ قَضَيْتُكَهَا وَنَحْوُهُمَا إِقْرَارٌ

Даъво қилинган одамким, уни муддаъий алайҳ дейилур, мингни даъво қилувчига: «Ул мингни ўлчаб ва тортиб ол» демоғи ёки: «Ул мингни сенга бериб адо қилдим» ва буларга ўхшаган лафзларни айтмоғи, масалан: «Мингни нақд ол» ёки: «Ўтир гил, шундан сўнг ол» ёки: «Мени мингдан қутултирдинг» ёки: «Ул мингни менга садақа қилдинг» демоғи, мазкурларнинг ҳаммаси иқрордир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَمِائَةٌ وَدِرْهَمٌ أَوْ ثَلاَثَةُ أَثْوَابٍ دَرَاهِمُ وَثِيَابٌ

Агар: «Зайднинг ҳақи менда юз бор ва яна бир танга бор» деса, ҳаммаси танга бўлур, яъни, «юз»дан тангани ирода қилинур. Ёки: «Зайднинг ҳақи менда юз бор ва уч кийим бор» деса, ҳаммаси кийим бўлгай, яъни, бир юз уч кийим бермоқ вожиб бўлгай. Зероки, икки номаълум саноқдан кейин бир баён қиладиган калима айтилдиким, ул калима «кийим»дир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ فِي مِائَةٌ وَثَوْبٌ أَوْ ثَوْبَانِ تُفَسَّرُ الْمِائَةُ

«Зайднинг ҳақи менда юз бор ва бир тўн», ёки: «Юз бору икки тўн» деса, баён қилганини бермоқ лозим, яъни, аввалги сувратда бир тўн ва кейинги сувратда икки тўн бермоқ вожиб.

وَالإِقْرَارُ بِدَابَّةٍ فِي إِصْطَبْلٍ يُلْزِمُهَا فَقَطْ

«Ахтахонадаги тўрт ҳайвон Зайдники», деб иқрор қилса, отнинг ўзини бермоқ вожиб, ахтахонани бермоқ вожиб эмас.

وَسَيْفٍ جَفْنَهُ وَحَمَائِلَهُ

Ва: «Менда Зайднинг қиличи бор», деб иқрор қилганда, қиличнинг ғилофи ва ҳамойили билан бермоқ вожиб бўлгай.

وَصَحَّ إِقْرَارُهُ بِالْحَمْلِ وَلَهُ إِنْ بَيَّنَ سَبَبًا صَالِحًا

Қўйни ва чўрининг қорнидаги болани фалон одамники, деб иқрор қилмоқ дурустдир. Ва яна қорнидаги боланинг фойдасига, ўзининг зарарига иқрор қилмоқ дурустдир, борди-ю, салоҳиятли сабабни баён қилса. Масалан: «Зайнабнинг қорнидаги болага мендан минг танга тегадиган ҳақ бор, мен унинг отасидан қарздор эдим, отаси ўлди, менда қарзи қолди» ёки: «Бошқа киши мендаги минг танга пулни ул болага бергил, деб васиййат қилди, мен уни нобуд қилиб юбордим» деса, дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Бас, агар ғайри солиҳ сабабни баён қилса, яъни, салоҳиятсиз сабабни баён қилса, масалан: «Зайнабнинг қорнидаги бола бу ҳовлини менга фалон пулга сотди, ул пулни топширган эмасман», деса ёки, менга қарз берди ёки, инъом қилди деса, дуруст эмас, ҳеч нарса берилмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

فَإِنْ وَلَدَتْ لأَقَلَّ مِنْ نِصْفِ حَوْلٍ فَلَهُ مَا أَقَرَّ بِهِ

Бас, агар ул қорнидаги боланинг онаси иқрор қилган вақтидан бошлаб олти ойдан камда туғса, иқрор қилинган мол ул туғилган болага бўлгай. Агар ул туғилган икки ўғил бўлса, баробар олгай. Агар бир ўғил, бир қиз бўлса, ул мол уч бўлиниб, икки ҳиссаси ўғилга, бир ҳиссаси қизга берилур. Агар ўлик туғ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

са, васиййат қилган одамнинг ворисларига ё мерос қолдирган одамнинг ўзига қайтгай, яъни, ул мол мерос оладиганлар ўртасида тақсим қилинур.

وَإِنْ أَقَرَّ بِشَرْطِ الْخِيَارِ صَحَّ وَبَطَلَ شَرْطُهُ

Агар Зайд Бакрнинг фойдасига бир миқдор мол қарз ё омонат, ё орийат қўйган, ё нобуд бўлган берадиганим бор, деб иқрор қилса, масалан, юз танга қарзим бор ёки Бакрнинг бир нарсасини тортиб олиб эдим, деса ёки менда Бакрнинг омонат моли бор эди, нобуд бўлди, аммо уч кунгача менда ихтиёр бўлмоғи шарт қилинган эди деса, иқрори дурустдир, хиёр шарти ботилдир, молни эгасига топширмоқ лозим бўлгай. Зероки, хиёр шарти савдони бузмоқ учундир ва иқрор қилмоқда савдони бузмоқ йўқдир.

وَإِسْتِثْنَاءُ كَيْلِيٍّ أَوْ وَزْنِيٍّ مِنْ دَرَاهِمَ صَحَّ قِيْمَةً

Ва бир киши ўлчов билан ё тарозу билан тортиладиган нарсани тангалардан, яъни, гарданидаги қарз тангалардан чиқарса, баҳо юзасидан дурустдир. Масалан, Зайд айтсаки, менда Бакрнинг қирқ тилло пули бор, магар бир тилло қайтарилур ёки ботмон буғдой қайтарилур деса, Зайдга лафзи магар билан қайтарилган нарса қолдирилгай.

لاَ إِسْتِثْنَاءُ التَّابِعِ كَالْبِنَاءِ وَالْقَصِّ وَالنَّخْلِ

Аммо иқрор қилинган нарсага тобеъ бўлган нарсани ул иқрор қилингандан қайтармоғи дуруст эмас, масалан, иморат, узукнинг қоши ва хурмо дарахтига ўхшаш, масалан, ушбу ҳовли Бакрники, магар иморати деса, ёки ушбу узук Амруники, магар қоши деса, ёки ушбу бўстон Шарифники, магар дарахтлари деса, мазкурлар дуруст эмас. Зероки, иморат, узук қоши ва дарахт тобеъдирлар. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Тобеъни чиқармоқ ва қайтармоқ дуруст эмас. Бу гўё қуйидагига ўхшашки, бу канизак Зайдники, магар боши ва оёғи уники эмас, деган каби. Чунончи, «Гўрмирий»да мазкурдир.

وَدَيْنُ صِحَّتِهِ مُطْلَقًا وَدَيْنُ مَرَضِهِ بِسَبَبٍ فِيهِ وَ عُلِمَ بِلاَ إِقْرَارٍ سَوَاءٌ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зайднинг тансиҳатликдаги қарзи мутлақо, яъни, қарзининг борлиги маълум сабаб билан билинсин, хоҳ иқрор билан билинсин ва касал вақтидаги қарзи бор сабаб билан маълум бўлса, андоғким, касал киши фалон одамдан қарзим бор, деб иқрор қилмаса ҳам маълум бўлиб турадиган бўлгай. Қози ё гувоҳлар, ё одамлар бир нарсани олганда кўргандирлар. Ё бир нарсани қарз олганда, ё хотинга маҳри мисл солганда кўргандирлар. Бу икки хил қарзларни бериб адо қилмоқда баробардир.

وَقُدِّمَا عَلَىٰ مَا أَقَرَّ بِهِ فِي مَرَضِهِ

Бу икки хил қарз касал ўтгандан кейин касал вақтида сабаби маълум бўлмай иқрор қилган қарзидан илгари бериб адо қилинур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَالْكُلُّ عَلَىٰ الإِرْثِ وَ إِنْ شَمَلَ مَالَهُ

Ушбу уч хил қарз, яъни, тансиҳатликдаги қарз, сабаби маълум қарз ва касалликдаги иқрор билан қилинган қарз меросдан муқаддамдир, яъни, қолган моллар меросгирларга тақсим қилиб берилмасдан илгари мазкур уч хил қарзлар бериб адо қилинур, агарчандики унинг молининг ҳаммасига қарзлар шомил бўлса ҳам, яъни, мазкур қарзларни адо қилганда меросгирларга ҳеч нарса қолмаса ҳам.

وَلاَ يَصِحُّ أَنْ يَخُصَّ غَرِيمًا بِقَضَاءِ دَيْنِهِ

Ўлим касалида ётган киши қарз берган одамлар орасидан бирининг ҳақини адо қилмоққа хос қилмоғи дуруст эмас. Масалан, касал киши, аввал Зайднинг ҳақини беринглар, ундан кейин Бакрнинг ҳақини беринглар деса, дуруст эмас. Чунончи, «Гўрмирий»да мазкурдир. Зероки, қарз берувчиларнинг ҳаммаларининг ҳақлари қарздор молига тааллуқ топмоқда баробардир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَلاَ إِقْرَارُهُ لِوَارِثِهِ إِلاَّ أَنْ يُصَدِّقَهُ الْبَقِيَّةُ

Ва касални фалон нарсам Зайд меросгиримники, деб иқрор қилмоғи дуруст эмас. Магар, қолган ҳақ оладиганлар ул тахсисга рози бўлсалар. Ва қолган меросгирлар унга ишонсалар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

дурустдир, ул касал иқрор қилган миқдор тайин қилган одамига берилгай. Масалан, ўлим касалидаги одам ўзининг меросгирларидан бирига ўн тилла берадиган қарзим бор, деганда, қолган ворислари бетоб деб сўзини қабул қилсалар, ўлганидан кейин қабул қилмасалар, дурустдир. Бетобнинг олдида дили оғримасин деб, сўзини қайтармаган эдик, дегайлар. Аммо маҳр учун бу хотинимдан мунча танга қарздорман, деб иқрор қилса, дурустдир, агарчандики бошқа меърос оладиганлар унинг сўзини қилмасалар ҳам.

فَيَبْطُلُ إِنْ ادَّعَى بُنُوَّتَهُ بَعْدَهُ

Бас, ул касал киши: «Зайддан фалон танга қарзим бор», - деб иқрор қилганидан кейин ул касал: «Зайд ўзимни ўғлим эди», - деб даъво қилса, ул Зайд: «Унинг ўғлидурман, рост айтди», - деса, унинг қарздорлигига ворислари ишонмаган сувратда иқрори ботил ва беҳудадир.

لَا إِنْ نَكَحَ

Ва лекин касал киши бир бегона хотиндан мунча қарзим бор, деб иқрор қилгандан кейин уни никоҳлаб олса, иқрори ботил бўлмайдур. Зероки, иқрор вақтида ул хотиннинг ворислиги йўқ эди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَلَوْ أَقَرَّ بِبُنُوَّةِ غُلَامٍ جُهِلَ نَسَبُهُ وَيُولَدُ مِثْلُهُ لِمِثْلِهِ

Ва агар бир одам насаби номаълум болани менинг болам, деб иқрор қилса ва ул болага ўхшаган бола бул одамга ўхшаган одамдан туғиларлик чамаси ва эҳтимоли бўлса, яъни, менинг болам, деб иқрор қилган кишидан ақалли мартаба ўн икки ярим ёш катта бўлса ва хотин бўлса, ақалли мартаба тўққиз ярим ёш катта бўлса. Чунончи «Музмарот»да мазкурдир. Ва агар бундай бўлмаса, уни ёлғончи қилинур.

وَصَدَّقَهُ الْغُلَامُ ثَبَتَ نَسَبُهُ

Ва ул менинг фарзандим, деб иқрор қилгувчининг сўзига бола тасдиқ қилса, яъни, ишонса ва рост деса, унинг насаби ул кишидан собит ва муқаррар бўлгай. Бас, ул бола ҳам меросгирлардан бўлгай. Меросгирларни инкор қилганлари ул болага

www.ziyouz.com kutubxonasi

асар қилмагай, яъни, зарар бермагай. Чунончи, «Жамиъу-р-румуз»да мазкурдир.

Ва ҳар вақтики эрсиз хотин менинг болам деб қарор қилса, ул хотиннинг сўзи билан ўша боланинг насаби шу хотиндан собит бўлур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَشُرِطَ تَصْدِيقُ الزَّوْجِ أَوْ شَهَادَةُ قَابِلَةٍ فِي إِقْرَارِهَا بِالْوَلَدِ

Агар эри бор хотин бўлса, эрининг ишонмоғи шарт қилинди. Ёки доя хотин ёки бошқа киши: «Бу болани ушбу хотин туққан эди», деб гувоҳлик бермоғи шарт қилинди хотинни ул болага қарор қилмоқлигида.

وَلَوْ أَقَرَّ بِنَسَبٍ مِنْ غَيْرِ وِلَادٍ لَا يَصِحُّ

Агар бир киши туғишмоқдан бошқа насаб билан иқрор қилса, масалан, бу киши менинг укам, ё амаким, ё бобом, ё набирам, деб иқрор қилса, дуруст эмас, агарчандики, унинг иқрори нафақа бермоқни ва тарбия қилмоқни лозим қилса ҳам. Ва насабнинг собит бўлмоғига ҳужжат ва далили лобудда (муқаррар) зарурдир. Чунончи, «Туҳфа» китобида мазкурдир. Бунда шу нарсадан огоҳлантириш борки, менинг отам ва онамдурлар, деб иқрор қилмоғи дуруст бўлур. Бунда юқорида баён қилинган уч шартни шарт қилинибди. Чунончи, «Кофий» ва «Ҳидоя»да мазкурдир. Лекин «Ниҳоя» китобида, «Хулоса»да ва булардан бошқа мутадовил китобларда, яъни, қўлма-қўл юрадиган китобларда шундайки, онанинг насаби иқрор билан собит бўлмайди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَيَرِثُ

Ул одамнинг насаби иқрор қилган кишидан собит бўлмаса ҳам мерос олгай, агарчандики насаб иқрори тўғрисида бошқа одамга насабни лозим қилмоқ ботил бўлса ҳам. Лекин мерос олмоқ тўғрисида саҳиҳдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

إِلَّا مَعَ وَارِثٍ

Магар иқрор қилган кишининг бошқа маълум ва тайинли қарибу яқин ё узоқ меросгири бўлса, унинг билан мерос олол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

магай, албатта, тайинли меросгири иқрор қилинган кишидан лойиқроқдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ва «Жомиъ-р-румуз»-да мазкурдир.

وَمَنْ أَقَرَّ بِأَخٍ وَأَبُوهُ مَيِّتٌ شَارَكَهُ فِي الإِرْثِ بِلاَ نَسَبٍ

Кишиким, бир одамни акам ёки укам, деб иқрор қилса, ваҳоланки ул иқрор қилган кишининг отаси ўлган бўлса, ул киши иқрор қилган одамга меросда шерик бўлгай, хоҳ унинг билан бўлак мерос оладиганлар бўлсин, хоҳ бўлмасин. Зероки, ул киши меросни ул одамни акам, деб иқрор қилган сабаби билан олур. Бас, иқрор қилинган киши бошқа ворисларга зарар етқурмай иқрор қилгувчи таракадан олган нарсанинг нисфи (ярми)ни олгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَلَوْ أَقَرَّ أَحَدُ ابْنَيْ مَيِّتٍ لَهُ عَلَى آخَرَ دَيْنٌ بِقَبْضِ أَبِيهِ نِصْفَهُ فَلاَ شَيْءَ لَهُ وَالنِّصْفُ لِلآخَرِ

Агар ўлган одамнинг икки ўғлидан бири отасининг бир кишига қарз берган пулини, отам нисфини олган эди, деб иқрор қилса, ул иқрор қилган ўғилга отаси қарз бериб қўйган пулдан ҳеч нарса тегмайди. Қарздорда қолган нисфи иқрор қилмаган ўғилга теккай. Зероки, иқрор қилган ўғилнинг иқрори ўзининг қадри ҳиссасига нуфуз қилур, бошқа одамнинг қадри ҳиссасига нуфуз қилмайди. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الدَّعْوَى

ДАЪВО КИТОБИ

Бу китобда даъво қилмоқнинг баёни келур. **Даъво** деб, луғатда талаб қилмоққа айтилур. Масалан, Зайд Шарифдан мол талаб қилса, Зайдни муддаъий дейилур, яъни, даъвогар дейилур. Шарифни муддаъо алайҳ дейилур, яъни, унинг зарарига даъво қилинган дейилур. Молни муддаъо дейилур, яъни, даъво қилинган дейилур.

هِيَ إِخْبَارٌ بِحَقٍّ لَهُ عَلَى غَيْرِهِ

Шариатда даъво ўз фойдаси учун бошқа одамдаги ҳақни олмоққа қозига ё ҳокимга хабар бермоқдир. Муддаъо алайҳ билан мурофиъа қилиб (даъволашиб), ҳақини олмоққа ҳукм қилдирмоқ учундир.

وَالْمُدَّعِي مَنْ لاَ يُجْبَرُ عَلَى الْخُصُومَةِ

Ва муддаъий ул кишидурки, агар даъвони тарк қилса, даъво қилмоққа зўрланмайди.

وَالْمُدَّعَى عَلَيْهِ مَنْ يُجْبَرُ

Муддаъо алайҳ ул кишидурки, даъвогарнинг даъвосига жавоб бермоққа зўрланур.

وَ هِيَ إِنَّمَا تَصِحُّ بِذِكْرِ شَيْءٍ عُلِمَ جِنْسُهُ وَ قَدْرُهُ وَأَنَّهُ فِي يَدِ الْمُدَّعَى عَلَيْهِ

Бир нарсани баён қилмоқ биланки, ул нарсанинг жинси ва миқдори бўлса, ўша нарса билан даъво қилмоқ дурустдир. Масалан, ўн тилло ҳақим бор ёки ўн ботмон буғдойим бор, деганга ўхшаш. Ва яна, ул даъво қилинган нарса муддаъо алайҳнинг қўлида, демоқ билан дуруст бўлгай. Бунда шу нарсага ишорат борки, муддаъий суврати даъвони тақрир қилмоқдан, яъни, баён

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилмоқдан ожизлиги йўқ бўлиб туриб, битиб, қозига кўрсатса, даъвоси эшитилмайди. Чунончи, бунга «Хизона» китобида ишорат қилингандир.

وَفِي الْمَنْقُول يَزِيدُ بِغَيْرِ حَقٍّ

Бир жойдан иккинчи жойга кўчадиган нарсани даъво қилганда, вожиб шуки, ул нарсага «менинг фалон молимни ноҳақ тутиб турибди» ёки «ноҳақ босиб олиб турибди», деган калимани зиёда қилгай. Бу даъво қилинган киши даъвогарнинг молини банд қилиб, бермай турмоғи пулнинг баробарига бўлмоқ эҳтимоли борлиги жиҳатидан бўлиб, шунга асосан айтибдилар. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَفِي الْعَقَارِ لاَ يَثْبُتُ الْيَدُ إِلاَّ بِحُجَّةٍ أَوْ عِلْمِ الْقَاضِي

Ва яна **ақарда**, яъни, кўчмайдиган молни даъво қилганда, масалан, ер ва саройга ўхшаш, менинг молим ушбу муддаъо алайҳнинг қўлида ва тасарруфида, демоғи билан собит бўлмайди. Магар комил гувоҳ ўткармоқ билан собит бўлгай ёки унинг ҳақи бор эканлигини қозининг билганлиги билан собит бўлгай. Масалан, Зайднинг ерга ўхшаган кўчмайдиган молини Шариф олмоққа даъво қилса, гувоҳларни ўткармоқ билан қилинур ёки қозининг билмоғи билан ҳукм қилинур.

وَالْمُطَالَبَة بِه

Ва яна даъво дуруст бўлмоғи учун даъвогарнинг даъво қилинган кишидан, яъни, ҳукм қиладиган одам ҳузурида талаб қилмоғи шарт қилинди.

وَ إِحْضَارِه إِنْ أَمْكَنَ

Ва яна ҳукм қилинадиган мажлисга, яъни, қозининг олдига даъво қилинган нарсани ҳозир қилдирмоқ, агар ҳозир қилмоқ мумкин бўлса, андоғким, унга оғирлик ва машаққатли бўлмаса, шарт қилинди. Масалан, мушк ва заъфаронга ўхшаш. Бас, агар енгил бўлмаса, қозининг олдига ужра билан кўтартириб олиб бориладиган бўлса ёки бир қўл билан олиб бормоқнинг иложи бўлмаса, ё қозининг олдига олиб борилганда нархи ту-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шиб, арзон баҳоли бўлиб қоладиган бўлса, ул даъво қилинган молни қозининг мажлисига ҳозир қилмоққа мажбур қилинмагай. Бас, агар ул даъво қилинган нарса хирмон ёки бир қўра қўй ё туя, ё қорамол, ё тегирмон бўлса, қозининг ўзи боргай. Ё бир амин (ишончли) одамни юборгай, даъвони ва гувоҳни эшитиб, ул жойда ҳукм қилгай. Агар шаҳардан ташқарида бўлса, ул жойда имзо қилгай, яъни, ҳукмни ўткаргай ва равон қилгай. Чунончи, «Имодий»да мазкурдир.

لِيُشِيرَ إِلَيْهِ الْمُدَّعِي وَالشَّاهِدُ وَالْحَالِفُ

Токи даъвогар даъво вақтида, гувоҳлик берган вақтида, қасамёд қиладиган одам қасам вақтида ул даъво қилинган нарсага ишорат қилгайлар. Зероки, ишорат қилмоқ даъвода муҳтож ва зарур бўладиган нарсаларнинг заруррогидир.

وَذِكْرِ قِيْمَتِهِ إِنْ تَعَذَّرَ

Ва яна даъво қилинган нарсани қозихонага ҳозир қилмоқнинг иложи бўлмаганда, баҳосини баён қилмоқ шарт қилинди.

وَالْحُدُودِ الْأَرْبَعَةِ أَوِ الثَّالِثَةِ فِي الْعَقَارِ

Мулк, ер ва саройга ўхшаш кўчмайдиган нарсаларни даъво қилганда, тўрт атрофини ё уч тарафини баён қилмоқ шарт қилинди. Зероки, мулкнинг бошқа одамларнинг жойидан айрилмоғи мазкурлар биландир.

وَ أَسْمَاءِ أَصْحَابِهَا وَ نَسَبِهِمْ إِلَى الْجَدِّ

Ва яна ул ернинг атрофларидаги одамларнинг номларини, ота-боболарининг номларигача баён қилмоқ шарт қилинди.

وَ إِذَا صَحَّتْ سَأَلَ الْقَاضِي الْخَصْمَ عَنْهَا

Ҳар қачон ушбуларни баён қилмоқ билан даъво дуруст ва собит бўлса, яъни, даъвогар тарафидан даъво дуруст мурофиъа қилинса, қози даъво қилинган кишидан ул даъвонинг ҳақиқатини сўрагай.

فَإِنْ أَقَرَّ أَوْ أَنْكَرَ سَأَلَ الْمُدَّعِي بَيِّنَةً

Бас, агар даъво қилинган киши, даъвогарнинг даъвоси рост,

www.ziyouz.com kutubxonasi

деб иқрор қилса ё бу одамнинг менда асло ҳақи йўқ, деб инкор қилса, қози муддаъийдан гувоҳ талаб қилгай.

فَإِنْ أَقَامَ قَضَى عَلَيْهِ

Бас, агар даъвогар гувоҳларни ўтқариб ёки ҳужжат кўрсатиб исбот қилса, бу баён қилинган икки суврати масъалада қози даъвогар фойдасига ва даъво қилинган одам зарарига ҳукм қилгай. Бу сўз шу нарсага ишорат қилувчики, агар даъво қилинган киши сукут қилса, бас, даъвогар гувоҳ барпо қилса, даъво қилинган одамнинг зарарига ҳукм қилинмайди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Бир ривойатда «ҳукм қилинур» (дейилган). Чунончи, «Мунйа»да мазкурдир.

وَ إِنْ لَمْ يَقُمْ حَلَّفَهُ إِنْ طَلَبَهُ خَصْمُهُ

Агар қози исбот сўрагандан кейин даъвогар гувоҳ ўткаролмаса, «менинг гувоҳим йўқ» ёки «гувоҳларим ғойибдир» ёки «гувоҳларим бетобдирлар» деса, чунончи, бу «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир, қози даъво қилинган одамга қасамёд қилдиргай, башартики даъвогар даъво қилинган одамга қасам бермоқни талаб қилса.

فَإِنْ نَكَلَ مَرَّةً أَوْ سَكَتَ بِلاَ آفَةٍ

Агар қози даъво қилинган одамга қасамёд қилмоққа амр қилгандан кейин нукул қилса, яъни, қасамёд қилмоқдан ўзини тортса ёки қасамёд қилмоққа монеъ бўладиган офат етмай, сукут қилса, масалан, гунг ва карга ўхшаш.

وَ قَضَى بِالنُّكُولِ صَحَّ

Қози қасамдан бош тортган ва туриб қолган одамнинг зарарига ҳукм қилса, дурустдир ва нофиздир, яъни, ул ҳукм машойихларнинг кўпчилиги наздида, ўтадигандир. Бу қавл саҳиҳдир, зероки, бу нукул қилмоқ ё беузр сукут иқрорга ўхшашдир. Бас, агар ҳукм қилингандан кейин қасамёд қиламан деса, унга илтифот қилинмайди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ عَرْضُ الْيَمِينِ ثَلاَثًا ثُمَّ الْقَضَاءُ أَحْوَطُ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қози даъво қилинган кишига қасамёд қилмоққа амр қилганда, ул киши қасамдан нукул ё сукут қилганда, қасамни уч мартабагача арз қилмоқ, ундан кейин ҳукм қилмоқ эҳтиётроқдир. Муддаъо алайҳга қози айтгай: «Албатта, мен сенга қасамни уч марта арз қилурман, агар қасамёд қилсанг, муддаъийнинг даъво қилган нарсасига сенинг зарарингга ҳукм қилурман, дегай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ تُرَدُّ الْيَمِينُ عَلَى الْمُدَّعِى وَ انْ نَكَلَ خَصْمُهُ

Даъвогарга қасам қайтарилгай, яъни, қасам даъво қилинган одамга бериладиган бўлса, ундан қайтариб даъвогарга берилмайди, агар даъво қилинган киши қасамдан нукул қилса ҳам. Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар:

اَلْبَيِّنَةُ عَلَى الْمُدَّعِى وَالْيَمْنِ عَلَى مَنْ اَنْكَرَ

Бу машҳур ҳадис шаръий ҳукмни исбот қилишда ҳадиси мутавотирга ўхшашдир, яъни, қилган даъвосини исбот қилмоқ учун гувоҳ ўткармоқ даъвогарга хосдир ва қасам мункир бўлган кишига хосдир. Чунончи, «Ҳидоя», «Жомиъу-р-румуз», «Лубоб лил-Майдоний» ва «Дурарул-Ҳукком»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

وَ لاَ يُحَلَّفُ فِي نِكَاحٍ

Даъво қилинган одамга никоҳда инкор қилганда қасам берилмайди. Масалан, бир киши, бул хотин менинг никоҳимда, деб даъво қилса, ул хотин инкор қилса ёки бунинг акси бўлганда, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, қасам берилмагай, балки гувоҳ топмагунча боғланиб тургай.

وَ رَجْعَةٍ

Талоқ қилинган хотиннинг эри: «Мен иддасининг ичида бул хотинга ружуъ қилганман», деб даъво қилганда ё бунинг акси бўлганда, инкор қилса ҳам қасам берилмагай.

وَفِي فَيْئِ إِيْلاَءٍ

Эр: «Тўрт ойгача хотинимга яқинлик қилмайман», деб аҳд қилганда, «Тўрт ойгача ийломдан, яъни, қилган аҳдимдан қай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тдим», деб даъво қилганда, хотин инкор қилса ё бунинг акси бўлганда, инкор қилганга қасам берилмайди.

وِ اِسْتِيْلَادٍ

Канизак: «Мен хожамдан бола туғдим, бу бола менинг болам», деганда, хожаси: «Бу мендан эмас», деб инкор қилганда, қасам берилмайди. Бунинг акси жорий бўлмайди, Зероки, ҳар қачон хожа, канизакнинг боласи мендан бўлган, деб даъво қилса, ул канизак умму валад бўлгай, яъни, боланинг онаси бўлиб, сотмоқнинг иложи бўлмай қолгай. Ва ул чўри инкорининг эътибори йўқдир. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

وَ رِقٍّ

Бир тайинлик киши насаби номаълум одамни, бу қулим, деб даъво қилса, ул мажҳулун-насаб инкор қилганда ё бунинг акси бўлганда, мункирга қасам берилмайди.

وَ نَسَبٍ

Бир мажҳул насабли: «Мен Зайднинг ўғлиман», деб даъво қилганда Зайд инкор қилса ёки бунинг акси бўлганда, мункирга қасам берилмайди.

وَ وَلَاءٍ

Ва хожаликни даъво қилганда, яъни, бу киши менинг озодкарда қулим эди, деб даъво қилганда, инкор қилганда, қасам берилмайди. Бу баён қилинган етти масъаладаги ҳукмлар Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларидадир. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида, мазкур ишларнинг ҳаммасида ҳам қасам берилур. Фатво Имомайннинг қавлларигадир. Чунончи, «Кофий», «Мунтақий» ва «Жомиъус-сағир»да мазкурдир. «Ниҳоя»да баён қилинишича, мутааххирин (кейинги) уламолар айтдиларки, ҳар вақт даъвогар мутааннит бўлса, яъни, хасмнинг хор бўлмоғини талаб қиладиган бўлса, яъни, жабр қиладиган бўлса, қози Имом Абу Юсуф билан Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳнинг қавлларини олгай, яъни, муддаъо алайҳга қасам бергай. Ҳар вақт даъвогар мазлум бўлса, яъни, зулму ситам кўрган бўлса, қози Имом Аъзам

www.ziyouz.com kutubxonasi

раҳматуллоҳи алайҳ қавлларини олгай, яъни, даъво қилинган одамга қасам бергай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ حَدٌّ

Ва яна ҳад уришда муддаъо алайҳга қасам берилмагай, ул ҳад холис ҳаққуллоҳдир. Масалан, зинога ҳад урмоққа, ўғирлик ёки Аллоҳ таолонинг ҳақига ғолиблик қилувчига ҳад урмоққа ўхшаш. Албатта, бунда банданинг ҳақи мағлубдир. Агар Зайд даъво қилсаки, Бакр уни зино лафзи билан ҳақорат қилибди, Бакр инкор қилса, уламоларнинг иттифоқлари билан, унга қасам берилмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لِعَانٍ

Ва лиъонда ҳам муддаъо алайҳга қасам берилмайди. Масалан, бир хотин: «Менинг эрим зинокорсан, деб ҳақорат қилди», деб даъво қилса, эри инкор қилса, уламоларнинг иттифоқлари билан, қасам берилмагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Яъни, ушбу баён қилинганларнинг ҳеч қайси бирларига бирор вақтда мункир бўлганларида қасам берилмайди.

إِلاَّ إِذَا اُدُّعِيَ فِي النِّكَاحِ وَالنَّسَبِ مَالٌ كَمَهْرٍ وَنَفَقَةٍ وَ اِرْثٍ

Бироқ мазкурларнинг даъвосида молни қўшиб даъво қилинса, масалан, никоҳ даъвосида ва ражъат даъвосида ва ийлода ва насаб даъвосида мол қўшиб даъво қилса, инкор қилганга қасам берилур. Масалан, Зайнаб: «Мен Зайдга никоҳланган эдим, менга икки юз танга нақд маҳр бермоқчи эди», деб даъво қилса, Зайд инкор қилса (Зайдга қасам берилур). Ва Бакр насабда мерос олмоқни талаб қилса, Шариф инкор қилса, инкор қилганга қасам берилур.

وَحُلِّفَ السَّارِقُ وَضُمِّنَ إِنْ نَكَلَ وَ لَمْ يُقْطَعْ

Ва ўғрининг ўғирлик қилганига гувоҳ бўлмаса, қасам берилур, агар нукул қилса, ўғирланган мол тўлатилгай. Ва лекин қўли кесилмагай. Зероки, нукул молни лозим қилур, кесмоқни лозим қилмайди. Чунончи, «Гўрмирий»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ الزَّوْجُ إِذَا ادَّعَتْ طَلَاقًا فَيَثْبُتُ إِنْ نَكَلَ نِصْفُ الْمَهْرِ أَوْ كُلُّهُ

Хотин ҳар вақт: «Мени талоқ қилди», деб даъво қилса, эрга қасам берилур ва унинг гувоҳи бўлмаса, бас, ярим маҳр собит бўлур. Агар эр хилвати саҳиҳадан илгари қасамдан нукул қилса, ярим маҳр собит бўлур. Агар талоқ хилвати саҳиҳадан кейин бўлса, маҳрнинг ҳаммасини бермоқ муқаррар бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَكَذَا مُنْكِرُ الْقَوَدِ

Ундбуга ўхшаш, қасосга мункир бўлганга ҳам, уламоларнинг иттифоқлари бўйича, қасам берилгай.

فَإِنْ نَكَلَ فِي النَّفْسِ حُبِسَ حَتَّى يُقِرَّ أَوْ يَحْلِفَ

Агар одам ўлдирганда, қасамдан нукул қилса, иқрор қиладиган вақтгача ё қасам ичгунча қамаб қўйилур. Агар ўлдирганига иқрор қилмаса ё қасам ичмаса, қамаб қўйилур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَفِي مَا دُونَهَا يُقْتَصُّ

Ўлдириб, қасос лозим бўладигандан бошқа, яъни, аъзони нобуд қилганда қасамдан нукул қилмоқ билан даъво қилинган одамдан қасос олингай. Зероки, одамнинг аъзоси баданни сақлашда молга ўхшашдир. Хусуматни қатъ қилмоқнинг (узиш, бартараф қилишнинг) фойдаси учун молда бахшиш жорий бўлур. Бас, аъзода хусуматни қатъ қилмоқ учун нобуд бўлган аъзонинг ўрнига кесиб олинса, қатъи хусумат жорий бўлур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ إِنْ قَالَ لِي بَيِّنَةٌ حَاضِرَةٌ وَ طَلَبَ حَلْفَ الْخَصْمِ لَا يُحَلَّفُ

Агар даъвогар менинг бу даъвоимнинг дурустлигига гувоҳларим шаҳарда ё фалон мажлисда ҳозирдир деса, ўзининг хасмининг қасам ичмоғини талаб қилса, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳининг наздларида, хасмга қасам берилмагай. Агар муддаъий менинг гувоҳим йўқ, деса, гувоҳим ғойиб, деса, муддаъий алайҳга қасам берилгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ يُكَفَّلُ بِنَفْسِهِ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ

Ва даъво қилинган кишидан даъвогар гувоҳларини қозининг олдига йиғиб олиб келгунча кафил олингай, яъни, даъво қилинган одамга уч кунгача ўзингга кафил бергил, дегайлар, токи йўқ бўлиб кетиб, даъвогарнинг ҳақи зое ва нобуд бўлмагай. Вожиб шуки, кафил бўладиган киши эътимодлик (ишончлик) ва ҳовлиси маълум бўлгай, токи кафил қилмоқнинг фойдаси ҳосил бўлгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

فَإِنْ أَبَىٰ لَازَمَهُ

Бас, агар муддаъо алайҳ (даъво қилинган олам) кафил бермоққа қабул қилмаса, даъвогар ё амин бўлган киши мулозимат қилгай, яъни, ул қайси жойга борса, муддаъо алайҳдан айрилмагай, даъвогар ё амин ҳам бўлса, ул жойга бирга боргай. Уч кунгача қайси жойга борса, бирга боргай. Лекин қачон уйга кирса, ул эшикда ўтиргай. Уни таҳорат ва ғусл қилмоқдан, эртакеч таом емоқ ва иш қилмоқдан ман этмагай. Магар ҳар вақтики муддаъо алайҳ даъвогарга заҳмат етказса, болалари ва жамоалари билан айрилмай пойламоқ унга тегишлидир. Албатта, саҳиҳ қавлда рай даъво қилган кишидадур. Чунончи, «Қозихон»да мазкурдир. Ва бундан мустаснодур, яъни, қарздор хотин чиқарилгандур, албатта, эркак киши қарздор хотинга эргашиб юрмагай. Магар бир омонатдор хотин мулозима бўлгай. Чунончи «Ҳидоя»да мазкурдир. Ва мутааххириннинг қозиларидан баъзилари хасмни, яъни, муддаъо алайҳни қамамоқни лозим қилдилар. Зероки, даъвогар гувоҳларни ва бошқани талаб қилмоққа муҳтож бўлгай. Чунончи, «Захийра»да мазкурдир. Ва бу масаланинг тамоми «Кифоя»да мазкурдир.

وَ الْغَرِيبُ قَدْرَ مَجْلِسِ الْحُكْمِ

Ва даъво қилинган киши мусофир бўлса, даъвогар қозихонага боргунча мулозим бўлгай, яъни, айрилмай, пайидан бўлиб юргай. Қозихонага борганда, агар муддаъий гувоҳларни ҳозир қилса, унинг фойдасига гувоҳлик берсалар, муддаъийнинг фойдасига ҳукм қилинур. Ва агар гувоҳларни ҳозир қилол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

маса, то гувоҳлар унинг фойдасига турмасалар, даъво қилинган кишига қасам берилур, ё билкуллиййа қўйиб юборилгай. Зероки, мусофирга мулозим қўймоқ зиёда зарар етқизмоқдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ يُكَلَّفُ إِلاَّ إِلَى آخِرِ الْمَجْلِسِ

Ва муддаъо алайҳ мусофирдан, яъни, даъво қилинган мусофирдан кафил олинмайди, магар қози мажлиснинг охиригача кафил олинур. Зероки, ундан зиёдаси мусофирга зарардур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ الْحَلْفُ بِاللهِ لاَ بِالطَّلاَقِ وَالْعَتَاقِ

Қасамёд қилмоқ «Биллаҳи» биландир, хотиннинг талоғи ва қул озодлиги билан эмас. Шуларга ўхшаш сўзлар билан ҳам қасамёд қилмоқ ҳаромдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Бу нарса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак қавллари жиҳатиданки, ул жаноб айтдилар: «Ота ва боболарингиз билан ва бутлар билан қасамёд қилманглар. Сизлардан кимки қасам ичадиган бўлса, «Биллаҳи» лафзи билан қасамёд қилгай ёки қўйгай». Чунончи, «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир. Аммо саҳиҳ қавл шуки, Аллоҳ лафзидан бошқа билан қасам этмоқ ўтган замонга қўшиб айтмоқ билан макруҳ бўлгай. Аммо келадиган замонга қўшиб, шарт тариқи билан айтилса, макруҳ эмасдир. Чунончи, «Қунйа»да мазкурдир.

فَإِنْ اَلَحَّ الْخَصْمُ قِيْلَ صَحَّ بِهِمَا فِي زَمَانِنَا

Бас, агар даъвогар муддаъо алайҳни талоқ қилмоқ билан ё озод қилмоқ билан қасам бермоққа қозига илтижо қилиб ёлборса, бу иккиси билан қасам айттирмоқни дуруст қилибдир. Бу бизларнинг замонимизда «Биллаҳи» билан қасамёд қилмоқдан қайрилмоқ ва ўзини тортмоқ кам бўлгани жиҳатидандир. Чунончи, «Дурарул-Ҳукком»да ҳам мазкурдир.

وَ يُغَلَّظُ بِصِفَاتِهِ

Қасам берилганда, Аллоҳ таолонинг сифатлари билан оғир қасам берилур. Мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ муғаллаза

www.ziyouz.com kutubxonasi

қасамнинг мисолини қуйидагича баён қилибдилар, гўёки қози қасам ичадиган одамга шундай дейди: «Айтгилки, қасамёд қилурман Аллоҳ таолонинг номи биланки, ундан бошқа ҳеч Худо йўқдир, ул «Роҳманир-роҳийм, олимул-ғайби ваш-шаҳодаҳ»дирки, барча ошкору пинҳонни билгувчидир, Зайднинг менда, мисол учун, минг тангаси йўқдир». Айтилибдурки, аҳли салоҳ машҳур одамга оғир қасам берилмагай ва аҳли салоҳ эмас кишига муғаллаз қасам берилур. Яна айтилибдурки, кўп баҳоли молда оғир қасам берилур, оз баҳоли молда оғир қасам берилмайди. Чунончи, «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир.

Қозига лойиқ ва муносиб шуки, қасамнинг ҳурматини, улуғлигини ва катталигини аввал баён қилгай ва таҳдид қилгай, яъни, қўрқитгай. Қасамёд қиладиган одамга «Оли Имрон» сурасидаги қасам тўғрисида нозил бўлган оятни ўқиб, маъносини баён қилмоқ лозимдир. Оят будир:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَشْتَرُونَ بِعَهْدِ اللهِ وَأَيْمَـٰنِهِمْ ثَمَنًا قَلِيلاً أُولَـٰئِكَ لاَ خَلَـٰقَ لَهُمْ فِي الأَخِرَةِ وَ لاَ يُكَلِّمُهُمُ اللهُ وَ لاَ يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ يَوْمَ الْقِيَـٰمَةِ وَ لاَ يُزَكِّيهِمْ وَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ﴾ آل عِمْرَان/٧٧

Яъни: «Андоқ одамларики, алишгайлар ва табдил қилгайлар Худойи таолога қўйган ваъдаларининг баробарига, яъни, иймонларини сотгайлар ва қасамларининг баробарига оз пулни сотиб олгайлар, ул одамларга Рўзи қиёматда асло савоб ва насиб йўқдир ва уларга Худойи таборак ва таоло гапирмагай ва улар ҳам узру тазарруъларини сўзлай олмагайлар. Ва яна уларга Жаббори азим Рўзи қиёматда раҳмат назари билан қарамагай ва уларни гуноҳларидан пок қилмагай ва ул одамларга Рўзи қиёматда қаттиқ аламлик азоб бордир». Чунончи, «Мадорику-т-танзил» ва «Тафсири Хозин»да мазкурдир.

لاَ بِالزَّمَانِ وَ الْمَكَانِ

Аммо шариф замонда, жумаънинг аввали ва охири, Қадр кечасига ўхшаш ва шариф маконда, Рукн билан Мақом ва Равза орасида, Масжиди жомеъ билан минбар орасида ва масжид-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да мазкур замонларга ва жойларга ўхшашларда қасам бермоқ билан қасам оғир қилинмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва бу қавл ҳазрати Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ радларидир. Ул жанобнинг наздларида, лиъонда ва яна кўпроқ молда Маккаи муаззамадаги одамга рукн билан мақом орасида, Мадинаи мунаввардаги одамга Пайғамбар алайҳиссаломнинг наздларида, бошқа шаҳарларда намози жумъа ўқиладиган масжидда, жумъа куни намози асрни ўқигандан кейин қасам бермоқ керак, дейдилар. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ حُلِّفَ الْيَهُودِيُّ بِاللهِ الَّذِي اَنْزَلَ التَّوْرَاةَ عَلَى مُوسَى

Жуҳудга қуйидагича қасам берилур: «Қасамёд қилурман ул Аллоҳгаки, Тавротни Ул Мусо алайҳиссолату вассаломга нозил қилди».

وَ النَّصْرَانِيُّ بِاللهِ الَّذِي اَنْزَلَ الإِنْجِيلَ عَلَى عِيسَى

Ва насронийга қуйидагича қасам берилур: «Қасамёд қилурман Ул Аллоҳ таологаки, Ийсо алайҳиссаломга Инжилни нозил қилди».

وَ الْمَجُوسِيُّ بِاللهِ الَّذِي خَلَقَ النَّارَ

Оташпарастга қуйидагича қасам берилур: «Қасамёд қилурман Ул Аллоҳ таологаки, ўтни пайдо қилибдур».

وَ الْوَثَنِيُّ بِاللهِ

Бутпарастга ва бошқа мушрикларга «Биллаҳи» демоқ билан қасам берилур. Зероки, ул мушриклар ўз заъмлари билан, бизларнинг бутга ибодат қилмоғимиз бутлар бизларни Худойи таоло тарафига яқин қилмоқлари учун, дейдилар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Бошқа далил шуки, жамиъи иймонсизлар ботил мазҳаблари бошқа-бошқа бўлса ҳам, Худойи таборак ва таолога иқрор бўлурлар. Худойи таборак ва таоло айтди:

﴿وَلَئِن سَأَلْتَهُم مَّنْ خَلَقَ السَّمَـــوَاتِ وَالأَرْضَ لَيَقُولُنَّ اللهُ...﴾ اَلزُّمَرُ/٣٨

Яъни: «Қасамки, агар Сиз улардан: «Осмонлар ва Ерни ким яратган», деб сўрасангиз, албатта: «Аллоҳ», дерлар». Чунончи, «Кофий», «Дурарул-Ҳукком» ва «Ҳидоя»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ لاَ يُحَلِّفُ فِي مَعَابِدِهِمْ

Ва бу тўрт тоифанинг ибодати ботила қиладиган жойларида таъзим қилмоқдан наҳий ворид бўлгани жиҳатидан қасам берилмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ يُحَلِّفُ عَلَى الْحَاصِلِ نَحْوَ بِاللهِ مَا بَيْنَكُمَا بَيْعٌ قَائِمٌ أَوْ نِكَاحٌ قَائِمٌ فِي الْحَالِ

Қасам бериш сабабидан ҳосил бўлганга, яъни, ушбу замонда борлиги ва йўқлиги номаълум нарсага қасам берилур, масалан, бир кишининг моли йўқолиб, бир одамнинг қўлида топилса, ул молни даъво қилганда, буни сотиб олдим, деб бермаса, молнинг эгаси сотиб олгани йўқ, деб инкор қилса, молнинг эгасига қасам берилур. Бундоқ воқеада қози қасамни бу тариқада бергай: «Биллаҳи, ҳозир шу ҳолда иккалангизнинг ўрталарингизда байъ йўқ» ёки никоҳда инкор қилса: «Биллаҳи, иккалангизнинг ўрталарингизда алҳол, яъни, шу вақтда турган никоҳ йўқ», деб қасамёд қиладиган киши ушбу талқинга мувофиқ қасамёд қилгай.

لاَ عَلَى السَّبَبِ

Аммо сабаб кўтарилиб кетадиган феъл бўлса, у билан қасам берилмагай.

نَحْوَ بِاللهِ مَا بِعْتُهُ وَ نَحْوُهُ

Масалан, «Биллаҳи, мен ул молни сотганим йўқ», деганга ўхшаш ва шунга ўхшаган нарсаларга: «Биллаҳи, мен ул қизга никоҳланмадим» ва «Биллаҳи, ул хотинни талоқ қилмадим» ва «Биллаҳи, ул молни тортиб олмадим», деганга ўхшаш, чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир. Зероки, гоҳо унга иқола қилмоқ ориз бўлур, яъни, эҳтимоли бордирким, сотиб олиб, яна қайтган бўлур ва никоҳи хулъ ва талоқи бойинга никоҳ қилган бўлгай. Мазкур шубҳалар бўлгани сабабидан уларга қасам берилмай, мазкурларнинг ҳосилига қасам берилур.

إِلاَّ أَنْ يَتَضَرَّرَ الْمُدَّعِي فَيُحَلَّفُ عَلَى السَّبَبِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Магар ҳосилга қасам берилганда, даъвогарга зарар етса, ҳосилга қасам берилмагай. Ул вақтда сабабга қасам берилур.

كَدَعْوَى شُفْعَةٍ بِالْجِوَارِ

Ҳамсоя жойини сотганда шафиълик даъво қилганга ўхшаш, масалан, бир киши ҳамсоясининг сотган жойига шафиълик даъво қилса, даъво қилинган одам сабабига қасам берилур. Масалан, бир уйни сотиб олмаганлигига қасам берилур, шуфъат вожиб бўлмоғиким, сабабдан бўлган ҳосил эди, ул ҳосилнинг йўқлигига, яъни, шафиъликнинг йўқлигига қасам берилмагай.

فَإِنَّهُ رُبَّمَا يَحْلِفُ عَلَى مَذْهَبِ الشَّافِعِي رَحِمَهُ اللهُ لاَ تَجِبُ الشُّفْعَةُ

Бас, албатта, кўпинча муддаъо алайҳ, яъни, шуфъат даъво қилинган одам Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ мазҳабларида бўлиб, бу даъвогарга шуфъат вожиб эмас, деб қасам ичгай, ул қасамни ростга ичган бўлгай, бундан даъвогарга зарар етгай. Бу ҳолда шуфъат даъво қиладиган Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ мазҳабларидаги одам бўлса, қозига: «Фалон Шофеъий мазҳаб киши менинг ҳамсоямдан ҳовли сотиб олди, мен ҳамсоялик сабабидан шафиълик талаб қиламан», деб арз қилганда, мазкур тариқада қасам берилганда даъвогарга зиён етади. Бинобарин, қози: «Биллаҳи, мен ул ҳовлини сотиб олганим йўқ», дегизиб қасам бергай.

وَ كَذَا فِي سَبَبٍ لاَ يَتَكَرَّرُ كَعَبْدٍ مُسْلِمٍ يَدَّعِي عِتْقَهُ

Ушбуга ўхшаш сабабда қасам берилгайки, ул сабаб қайта-қайта бўлмагай, қулга ўхшашки, ул қул: «Хожам мени озод қилди», деб даъво қилса, хожаси: «Мен бу қулимни озод қилганим йўқ», деб инкор қилса, «Биллаҳи, озод қилганим йўқ», деб қасам ичирилур. Аммо «Биллаҳи, ҳозир бу қул мендан озод эмас», деб қасам берилмагай. Зероки, мусулмон қул бир мартаба озод қилингандан кейин қулликка авд қилмоқ жоиз эмас, яъни, яна қайтиб қул бўлмайди. Аммо канизакнинг ва беиймон қулнинг неча марта чўри ва қул бўлмоқлари ва неча мартаба озод қилинмоқлари жоиздир. Чунончи, «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ فِي الْأَمَةِ وَ الْعَبْدِ الْكَافِرِ عَلَى الْحَاصِلِ

Чўри, гарчи муслима бўлса ҳам ва кофир қул, ҳар вақтики озод бўлганликларини даъво қилсалар, иккаласининг хожасига ҳам, зоҳир ривойатда, ҳосилга қасам берилур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Сабабга қасам берилмайди, яъни, «Биллаҳи, қулни ё канизакни озод қилганим йўқ», деб қасам берилмайди, ҳосилга қасам берилур, яъни, «Биллаҳи, алҳол бу чўри ёки бу қул мендан озод бўлган эмас», деб қасам берилур. Зероки, унга чўрилик қайта-қайта бўлгай, бу эса диндан қайтмоқ сабабидан ва дорул-ҳарбга қўшилгани сабабидан ва асир бўлиб тушгани сабабидан. Ва аҳдни синдиргани сабабидан ва дору-л-ҳарбга қўшилгани сабабидан, асир бўлиб тушгани сабабидан қулга қуллик қайтадан бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ يُحَلَّفُ عَلَى الْعِلْمِ مَنْ وَرِثَ شَيْئًا فَادَّعَاهُ آخَرُ

Бир нарсага ворис бўлган кишига қасам берилурки, ул кишига мерос етган молни бир одам, менинг молим, деб даъво қилса, ул мерос молнинг эгаси инкор қилса. Масалан, «Биллаҳи, бу мол бу даъвогарнинг моли эканини билмайман», дегай. Зероки, мерос олган киши мерос қўйган кишининг қандоқ иш қилганлигини билмайди.

وَ عَلَى الْبَتَاتِ إِنْ وُهِبَ لَهُ أَوْ اشْتَرَاهُ

Ва кесиб қасам берилур, агар бир одам инъом қилинган нарсани ё сотиб олинган нарсани бир киши, менинг молим, деб даъво қилса, мол эгаси, сенинг молинг эмас, деб инкор қилса, яъни, мол эгасига «Биллаҳи, албатта, бу мол даъвогарнинг моли эмас», деб қасам берилур.

وَصَحَّ فِدَاءُ الْحَلْفِ وَ الصُّلْحِ عَنْهُ

Қасам ичмоқ баробарига ҳақ бериб, қасам ичмоқдан қолмоқ дурустдир ва қасамдан сулҳ қилмоқ ҳам дурустдир. Масалан, бир киши, бир баққолда юз танга ҳақим бор, деб даъво қилса, ул баққол инкор қилса, унга қасамёд қилмоқ зарур бўлиб, қасам ичмоққа хоҳиши бўлмай, қасами учун даъвогарга маз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кур бир юз танга ё ундан кам фидо берса, дурустдир. Ҳар қандоқ даъвода қасамёд қилмоқ лойиқ бўлганда ушбуга ўхшашдир.

Батаҳқиқ, ҳазрати Усмон розийаллоҳу таоло анҳудан ривойат қилиндиким, ул жанобга қирқ танга даъво қилиб, бир миқдор нарса бериб, қасам ичмадилар. Ул зотга: «Ростлик сиз томонда экан, нима сабабдан қасам ичмадингиз?» - деганларида, ул жаноб айтдилар: «Хавф қиламан, ичган қасамим тақдирдаги ишга мувофиқ келиб, одамлар бу иш Усмон розийаллоҳу анҳуга ёлғон қасам ичганларидан пайдо бўлди, деб айтурлар». Чунончи, «Ғунийятu завйи-л-аҳком»да мазкурдир.

БУ ФАСЛДА САВДОГАРЛАРНИНГ САВДОДА ИХТИЛОФ ҚИЛИШМОҚЛАРИНИНГ БАЁНИ

وَ لَوْ اخْتَلَفَا فِي قَدْرِ الثَّمَنِ أَوْ الْمَبِيعِ حَكَمَ لِمَنْ بَرْهَنَ

Агар мол сотган билан олган одам икковлари пулнинг миқдори ҳақида ё сотилган мол миқдори ҳақида бир-бирларига ихтилоф қилишсалар, масалан, сотиб олган киши, ўн тиллога олдим, деса ва сотган одам, ўн икки тиллога сотдим деса, ё сотган киши, ўн ботмон сотдим, деса ва сотиб олган одам, ўн беш ботмон деса, қайси бири қилган даъвосига мувофиқ гувоҳ ўткарса, қози унинг фойдасига ҳукм қилур. Зероки, унинг қилган даъвоси ҳужжат билан равшан бўлди. Иккинчиси томонда ёлғиз даъво қолди, ёлғиз даъводан гувоҳ бақувватроқдир. Чунки гувоҳ ўткармоқ қозига ҳукм қилмоқни лозим қилур ва қуруқ даъвонинг ўзи ҳукм қилмоқни лозим қилмайди. Чунончи, «Дурарул-Ҳуккам»да мазкурдир.

وَ إِنْ بَرْهَنَا حَكَمَ لِمُثْبِتِ الزِّيَادَةِ

Агар икковлари даъволарига мувофиқ гувоҳлар ўткарсалар, қайсилари кўпроғини исбот қилса, қози унинг фойдасига ҳукм қилгай. Масалан, буғдой сотган киши, ўн ботмон сотган эдим, деса ва олган киши, ўн беш ботмон сотиб олган эдим, деб даъво қилса, иккаласи ҳам гувоҳ билан ёки бошқа далил билан исбот қилганда, қози ўн беш ботмонлигига гувоҳ ўткарган одамнинг фойдасига ҳукм қилгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ إِنْ اخْتَلَفَا فِيهِمَا فَحُجَّةُ الْبَائِعِ فِي الثَّمَنِ

Агар сотган киши билан олган одам пулнинг миқдорида ва ҳам сотилган молнинг миқдорида ихтилоф қилишсалар ва ҳар қайсилари баҳо тўғрисида қилган даъволарига мувофиқ далил исбот қилсалар, мол сотган кишининг далили авло ва яхшироқдир. Зероки, далил зиёдани исбот қилгувчидир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ حُجَّةُ الْمُشْتَرِي فِي الْمَبِيعِ أَوْلَى

Сотилган мол тўғрисида сотиб олган одамнинг далили авлодир. Масалан, ҳар вақт сотгувчи, бу бир қулни икки минг тангага сотдим, деса ва олгувчи, йўқ, балки, минг тангага сотдинг деса, пулда сотгувчининг, сотилган нарсада олгувчининг далили авлодир. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

وَ إِنْ عَجَزَا رَضِيَ كُلٌّ بِزِيَادَةِ يَدَّعِيهَا الْآخَرُ

Агар мол сотган киши билан олган одам пулнинг ё молнинг бирида ё иккаласида ихтилоф қилишиб, қилган даъволарини исбот қилмоқда ва ҳужжат кўрсатмоқда ожиз бўлсалар, ҳар қайсиларидан зиёдаси бор бўлса, иккалалари даъво қилганларига рози бўлгайлар.

وَ إِلَّا تَحَالَفَا

Агар рози бўлишмасалар, иккалаларининг инкор қилган нарсаларига қози қасам бергай.

وَ حُلِّفَ الْمُشْتَرِي أَوَّلًا

Ва бу ҳолатда, яъни, сотган киши билан олган киши мазкур даъвони исбот қилмоқдан ожиз бўлиб, даъвогари талаб қилган зиёда молни бермоққа даъво қилингани рози бўлмаган вақтда иккаласига ҳам қасам бермоқ лойиқ бўлганда, аввал сотиб олган кишига қасам берилур, ундан кейин молни сотган кишига қасам берилур.

وَ فَسَخَ الْقَاضِي الْبَيْعَ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва иккаласи қасам ичгандан кейин, бирининг савдони бузмоқ талаби билан улар ораларидаги даъвони адо қилмоқ учун қози ул савдони бузгай, уларнинг ҳар қайсиларига ўз мартабаларини қайтариб олиб бергай. Агар ҳеч қайси бирлари савдони бузмоқни талаб қилмасалар, уларни ўз ҳолларига қўйгай, токи бир нарсага сулҳ қилишгайлар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ مَنْ نَكَلَ لَزِمَهُ دَعْوَى الآخَرِ

Ва бу баён қилинган масъалада кимики қасам ичмоқдан нукул қилса, яъни, бош тортса ва қабул қилмаса, унга хасмининг даъвоси лозим бўлур. Зероки, қасамдан нукул қилмоқ молнинг даъвосида ҳужжату далилдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ تُحَالِفُ فِي الأَجَلِ وَ شَرْطِ الخِيَارِ وَقَبْضِ بَعْضِ الثَّمَنِ

Пул бермоқ ё мол бермоқ муддати зиёда ва кам деб ихтилоф қилишганларида иккаласига ҳам қасам берилмайди. Хиёр шартнинг борлиги ва йўқлигида, яъни, бу молни уч кунгача кўраман, агар ёқмаса, қайтариб бермоқ ихтиёри менда, деб шарт қилишган эдик, деб бири даъво қилганда, иккинчиси инкор қилса, иккалаларига ҳам қасам берилмайди.

وَ حُلِّفَ المُنْكِرُ

Ва бу баён қилинган уч масъалада инкор қилган кишига қасам берилур.

وَ لاَ بَعْدَ هَلاَكِ المَبِيعِ

Сотиб олинган мол сотиб олган одам қўлида нобуд бўл-гандан кейин олган билан сотган кишилар ул молнинг ба-ҳосида ихтилоф қилишсалар, иккалаларига (ҳам) қасам берилмайди.

وَ حُلِّفَ المُشْتَرِي

Ва сотиб олган одамнинг сўзини, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ ва Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, қасам билан олинур. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ لاَ بَعْدَ هَلاَكِ بَعْضِهِ إِلاَّ أَنْ يَرْضَى الْبَائِعُ بِتَرْكِ حِصَّةِ الْهَلاَكِ

Ва сотилган молнинг баъзиси сотиб олган одам қўлида нобуд бўлгандан кейин иккаласига қасам берилмагай. Бу масъалада ҳам сотиб олган одамнинг сўзи қасам билан олинур. Бордию, мол сотган одам нобуд бўлган молнинг баҳосини олмайдиган бўлиб, рози бўлса, иккаласига қасам берилгай. Зероки, бу ҳолатда сотилган молдан қолганининг баҳосида жанжал қилдилар.

وَ لَوْ اخْتَلَفَا فِي بَدَلِ الإِجَارَةِ أَوِ الْمَنْفَعَةِ تُحَالِفَا

Агар ижарага қўйган одам билан ижара олган киши манфаатни қабз қилмасдан илгари ижара тўғрисида жанжал қилишсалар, масалан, ижарага қўйган одам, қирқ тангага қўйдим, деса ва ижарага олган одам, йигирма тангага ижарага олдим, деса. Ёки ижарага олинган нарса манфаатида жанжал қилишсалар, масалан, ижарага қўйган одам, икки ойга қўйдим, деса ва ижарага олган одам, бир ойга, деса. Ёки иккаласида жанжал қилишсалар, масалан, ижарага берган одам, мен ҳовлимни сенга бир ойга икки тангага ижарага қўйдим, деса ва ижарага олган киши, икки ойга ижарага олдим деса, агар гувоҳ ўткаролмаса иккаласига қасам берилгай. Ундан кейин қози иккаласининг миёнасидаги (ўртасидаги) ижарани бузгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

كَمَا فِي الْبَيْعِ

Сотган ва олганда ихтилоф қилишганларида бир-бирига қасам берганга ўхшаш қасам берилур.

وَ الْمَنْفَعَةُ كَالْمَبِيعِ وَ الْبَدَلُ كَالثَّمَنِ

Ижарадан фойдаланмоқ савдода сотилган молга ўхшаш-дир. Ва ул молнинг баробарига берилган ижара ҳақи сотиб олганда берилган пулга ўхшашдир. Масалан, бир ҳовлини ижарага олганда, сотиб олинган молдек ул ҳовлида ўтириб фойдалангай. Агар фойдада жанжал қилишсалар, масалан, ижарага қўйган одам, бир ойга берган эдим, деса ва ижарага олган киши, икки ойга олган эдим, деб жанжал қилишсалар, ижарага олган одам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га қасам берилур. Ва агар ижара ҳақида жанжал қилишсалар, аввал ижарага қўйган одамга қасам берилур.

وَ بَعْدَ قَبْضِهَا لاَ

Агар фойдани олиб, тамом қилгандан кейин жанжал қилишсалар, қасам ичишмагайлар. Бу Имомларнинг иттифоқлари биландир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ بَعْدَ قَبْضِ بَعْضِهَا تَحَالَفَا

Ижара ҳақининг баъзисини олгандан кейин жанжал қилишсалар, қолган ижара ҳақида иккаласига қасам берилур, масалан, бир ҳовлида ўн кун ўтиргандан кейин ижара ҳақини фойдаланмоқнинг миқдорида жанжал қилишсалар, иккалалари ҳам қасам ичгайлар.

وَ فَسَخَتْ فِيمَا بَقِيَ

Ва қолган фойдада ижара бузилгай ва бекор бўлгай.

وَ القَوْلُ لِلْمُسْتَأْجِرِ فِيمَا مَضَى

Ва ўтиб кетган муддатнинг ижараси ҳақида, хоҳ муддатнинг баъзиси, хоҳ ҳаммаси ўтган бўлсин, ижарага олган одамнинг сўзи қасам билан қабул қилинур. Чунки ул ижарага олган киши зиёдасига инкор қилибди.

وَ إِنِ اخْتَلَفَ الزَّوْجَانِ فِي مَتَاعِ الْبَيْتِ فَلَهَا مَا صَلُحَ لَهَا

Агар эр билан хотин уйининг рўзғор асбоблари ҳақида жанжал қилишсалар, бас, урфда хотинга лойиқ ва салоҳияти бор нарса қасам билан хотинга бўлгай, хоҳ ораларида никоҳ турган бўлсин, хоҳ бўлмасин. Масалан, билакузук, кўйлак, луччак ва ёпинадиган чодирга ўхшаш нарсалар, бироқ эри заргар бўлса, ё олиб сотадиган бўлса, эриники бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لَهُ مَا صَلُحَ لَهُ

Эркак одамга салоҳияти бор нарсалар эрга тегишли бўлгай. Масалан, салла, дўппи, эркак киядиган кўйлак, қилич ва китобга ўхшаш нарсалар, бироқ хотин мол олиб сотадиган бўлса, хотинники бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

أَوْ لَهُمَا

Ёки иккаласига муносиб мол бўлса, ул мол ҳам эрининг моли бўлгай. Масалан, нақд моллар, идишлар, тўшаклар, чорва ҳайвонлари, манзиллар, боғлар ва экиндор ерларга ўхшаш нарсалар. Зероки, моллар ҳақиқатда эрнинг қўлидадир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз», «Дурарул-Ҳукком» ва «Ғуниййату завйил-аҳком»да ҳам мазкурдир.

وَ إِنْ مَاتَ أَحَدُهُمَا فَالْمُشْكِلُ لِلْحَيِّ

Агар эр-хотиннинг бири ўлса, ундан кейин ворислари тирик қолган тегишли одамлари билан рўзғор асбоблари ҳақида жанжал қилишсалар, эр-хотинга лойиқлиги баробар моллар қасам билан тирик қолганига бўлгай, яъни, агар эр ўлса, хотинига бўлгай. Агар хотини ўлса, эрига бўлгай ва бу Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларидадир. Чунончи, «Шарҳи Виқоя» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ إِنْ كَانَ أَحَدُهُمَا عَبْدًا فَالْكُلُّ لِلْحُرِّ فِي الْحَيوةِ

Агар эр-хотиннинг бири мамлук бўлса, яъни, эри қул бўлиб, хотини озод бўлса ёки хотини чўри бўлиб, эри озод бўлса, иккалалари тириклик вақтларида иккалаларига муносиб тақсим қилмоқ мушкул рўзғор асбоби тўғрисида жанжал қилишсалар, мазкур матоъларининг ҳаммаси озодники бўлур.

وَ لِلْحَيِّ بَعْدَ الْمَوْتِ

Иккаласининг бири ўлгандан кейин ворислар тирик қолгани билан жанжал қилишсалар, ҳаммаси тирик қолганига бўлур. Чунончи, «Ҳидоя», «Жомиъу-с-сағир» ва «Ғуниййату завйил-аҳком»да мазкурдир.

وَسَقَطَ دَعْوَى الْمِلْكِ الْمُطْلَقِ

Ва ҳеч нарса жиҳатдан ўзининг мулки эканлигини баён қилмай, масалан, бу мол менинг молим эди, бу одам мендан тортиб олди, деб арз қилмай, бу мол меники, деб даъво қилмоқ соқит бўлур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

إِنْ بَرْهَنَ ذُو الْيَدِ أَنَّ الْمُدَّعَى وَدِيعَةٌ أَوْ عَارِيَةٌ أَوْ رَهْنٌ أَوْ مُؤْجَرٌ أَوْ مَغْصُوبٌ مِنْ زَيْدٍ

Агар қўлида ул мол турган киши гувоҳ ўткарса, масалан, даъво қилинган одам айтсаки, бу даъво қилинган мол менда омонатдир ёки менда орийатдир ёки менда гаровдир, ёки менга ижара қилингандир, ёки Зайддан тортиб олингандир деса, - бу баён қилинган беш суратда даъво қилган одамнинг даъвоси соқит бўлур.

وَحُجَّةُ الْخَارِجِ فِي الْمِلْكِ الْمُطْلَقِ اَحَقُّ مِنْ حُجَّةِ ذِي الْيَدِ وَ إِنْ وَقَّتَ أَحَدُهُمَا فَقَطْ

Ва ташқари одамнинг гувоҳи мулки мутлақнинг даъвосида, яъни, бу мол меники, деб қаердан олинганини асло баён қилмай, ўз мулки эканлигига гувоҳ ўткармоғи мол қўлида турган кишининг, ўзимники, деб гувоҳ ўткармоғидан лойиқроқ ва муносиброқдир, унинг фойдасига ҳукм қилингай, борди-ю, даъвогар билан муддаъо алайҳнинг бири ўзининг эга ва соҳиб бўлган вақтини баён қилса ҳам.

وَ اِنْ بَرْهَنَ خَارِجَانِ قُضِيَ لَهُمَا

Икки хориж киши бир одамнинг қўлидаги молини меники деб даъво қилиб, иккаласи ҳам ўзининг моли эканлигига алоҳида гувоҳлар ўтказиб исбот қилса, қози иккала хориж киши бўлишиб олмоқлари билан ҳукм қилгай, яъни, мазкур даъво қилинган молни баробар бўлиб олгайлар.

وَ فِي نِكَاحٍ سَقَطَا

Ва икки хориж киши, яъни, асло тегишлиги йўқ кишилар, бу хотин менинг никоҳимда, дейишиб, иккаласи ҳам гувоҳ ўтказиб, исбот қилсалар, қилган даъволари соқит, ҳеч қайсиларининг фойдаларига қози ҳукм қилмайди.

وَ هِيَ لِمَنْ صَدَّقَتْهُ

Ул хотин икки даъвогардан қайси бирининг сўзини ростлаб, унинг никоҳида эканлиги иқрор қилса, ул эркакнинг хотинидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ إِنْ أَرَّخَا فَالسَّابِقُ أَحَقُّ

Ва агар иккала даъвогар никоҳлаб олган вақтлари тарихини баён қилсалар, қайсиларининг никоҳланган вақтлари илгари бўлса, ул киши ул хотиннинг эри бўлмоққа лойиқроқдир.

وَ إِنْ أَقَرَّتْ لِمَنْ لاَ حُجَّةَ لَهُ فَهِيَ لَهُ

Ва икки одам бир хотинни, менинг никоҳимда, деб даъво қилишиб, бирининг гувоҳи бўлмаса, иккинчиси гувоҳни ўткармасдан илгари ул хотин гувоҳи йўқ одамнинг сўзини рост деб иқрор қилса, бас, ул хотин ўшал эркакка бўлгай.

فَإِنْ بَرْهَنَ الآخَرُ قُضِيَ لَهُ

Бас, агар хотин иқрор қилгандан кейин иккинчи даъвогар ўзининг хотини эканлигига гувоҳ ўткарса, гувоҳ иқрордан кучли бўлгани учун ул хотин унга ҳукм қилинур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ إِنْ بَرْهَنَ أَحَدُهُمَا وَ قُضِيَ لَهُ ثُمَّ بَرْهَنَ الآخَرُ لَمْ يُقْضَ لَهُ

Агар «эриман», деб даъво қилган одамларнинг бири гувоҳ ўткарса ва унинг фойдасига ҳукм қилинса, кейин иккинчи даъвогар ҳам гувоҳ ўткарса, унинг фойдасига ҳукм қилинмайди.

إِلاَّ إِذَا أَثْبَتَ سَبْقَهُ

Бироқ, ҳар вақт кейин гувоҳ ўткарган даъвогар эр аввал никоҳлаб олганлигини гувоҳ билан исбот қилса, хотин унга ҳукм қилинур. Бу эса аввалги ҳукмнинг хато эканлиги сабаблидир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

كَمَا لَمْ يُقْضَ بِحُجَّةِ الخَارِجِ عَلَى ذِي يَدٍ ظَهَرَ نِكَاحُهُ

Бир одамнинг қўлида бир хотиннинг никоҳи зоҳир ва маълум бўлса, ташқари одам, яъни, бир бегона одам, менинг никоҳимдаги хотиним, деб далил билан исбот қилса, унинг фойдасига ҳукм қилмаганга ўхшашдир.

إِلاَّ إِذَا أَثْبَتَ سَبْقَهُ

Бироқ, ҳар вақтики, ул хориж одам ул хотинини никоҳлаб олганлигини исбот қилса, унинг фойдасига ҳукм қилинур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ إِنْ بَرْهَنَا عَلَى شِرَاءِ شَيْءٍ مِنْ ذِي يَدٍ فَلِكُلٍّ نِصْفُهُ بِنِصْفِ الثَّمَنِ أَوْ تَرْكُهُ

Агар икки хориж одамнинг ҳар бири бир одамнинг қўлидаги молини, мен сотиб олдим, деб даъво қилиб, гувоҳ ўткариб исбот қилсалар, қози иккаласига баробар пул тўлатиб, молни баробар бўлиб олмоққа ҳукм қилгай. Бас, ул даъво қилувчи иккаласининг ихтиёрида, хоҳласалар, ҳар қайсиси ул мол ярим баҳосининг ярмини бериб олгайлар ёки олмасдан қўярлар. Масалан, мазкур молнинг ҳаммаси қирқ тангали бўлса, ҳар бири йигирма тангадан бериб, молнинг ярмини олгайлар.

وَ لَوْ تَرَكَ أَحَدُهُمَا بَعْدَ مَا قَضَى لَهُ لَمْ يَأْخُذِ الآخَرُ كُلَّهُ

Агар икки кишининг бири ҳукм қилгандан кейин молнинг ярмини олмоқни хоҳламай ёки бошқа тўғридан олмас бўлиб қолса, иккинчиси ул молнинг ҳаммасини ололмайди, ўзига тегишли ҳиссани олгай. Аммо молнинг эгаси ҳаммасини икки кишидан бирининг олмоғига рози бўлса, тамом баҳосини бериб олгай.

وَ الشِّرَاءُ أَحَقُّ مِنْ هِبَةٍ وَصَدَقَةٍ وَرَهْنٍ مَعَ قَبْضٍ

Ва бир киши, бир молни сотиб олдим, деб даъво қилса, яна бир одам, ўшал молни менга Зайд ҳиба қилди ё садақа қилди, ёки ул молни менга гаровга қўйди, мен қабул қилиб олдим, деб даъво қилса, иккалалари ҳам даъволарига мувофиқ гувоҳ ўткарсалар, молни сотиб олган одамнинг гувоҳлари билан унинг фойдасига ҳукм қилмоқ лойиқроқдир. Зероки, сотиб олмоқ молни қўлга олмоққа муҳтож эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ الشِّرَاءُ وَالْمَهْرُ سَوَاءٌ

Ва бир молни бир одам, мен сотиб олдим, деб даъво қилса ва бир хотин, бу мол менинг эримнинг моли, менинг маҳримга берган эди, деб даъво қилса, даъволари баробар бўлиб, мазкур молни иккаласи бўлиб олгай. Ушбу қавл Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳнитки. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَكَذَا الْغَصْبُ وَ الْوَدِيعَةُ

Ушбуга ўхшаш бир одам бир одамнинг қўлидаги молни, бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

киши мендан тортиб олди, деб, яна бир киши, мен омонат қўйган эдим, деб даъво қилса, иккалалари баробар бўлиб олгайлар.

وَ لاَ يُرَجَّحُ بِكَثْرَةِ الشُّهُودِ

Гувоҳларнинг кўплиги сабабидан биттасининг даъвоси таржиҳ қилинмайди. Икки гувоҳли одам уч ё ундан зиёда гувоҳли одамга баробардир. Бас, албатта, таржиҳ, бизларнинг имомларимиз раҳимаҳумаллоҳнинг наздларида, далилнинг кучи биландир, кўплиги билан эмас. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

وَ لَوْ ادَّعَى أَحَدُ خَارِجَيْنِ نِصْفَ دَارٍ وَ الآخَرُ كُلَّهَا فَالرُّبْعُ لِلأَوَّلِ

Агар икки хориж одамдан бири, бир одамнинг ҳовлисининг ярми меники, деб, иккинчиси, ҳаммаси ўзимники, деб даъво қилса, иккаласи ҳам гувоҳ ўткариб исбот қилса, ярим ҳовлини даъво қилган аввалги одамга ҳовлининг тўртдан бири берилур. Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ мазҳабларига қараганда, даъволашмоқни эътибор қилмоқ учун, албатта, ҳовлининг ярмидан бошқада жанжал йўқдир. Бас, ҳовлининг ярми иккала даъвогарнинг ўртасида тақсим қилинур, шунда, тўртдан бири аввалги ярмни даъво қилган одамга, қолгани иккинчи даъво қилган одамгадир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَقَالاَ الثُّلُثُ وَ الْبَاقِي لِلثَّانِي

Имом Абу Юсуф билан Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ айтдиларки, учдан бири аввалги нисфда даъво қилган одамгадир ва қолганининг ҳаммаси, ҳовлининг ҳаммаси меники, деб даъво қилгангадир, яъни, шу тариқа ҳукм қилинур.

وَ إِنْ كَانَتْ مَعَهُمَا فَهِيَ لِلثَّانِي نِصْفٌ بِالْقَضَاءِ وَ نِصْفٌ لابِه

Агар ул ҳовли икки даъвогарнинг қўлларида бўлса, яъни, тасарруфларида бўлса, бас, ул ҳовлининг ҳаммаси иккинчи даъвогарга, яъни, ҳовлининг ҳаммаси ўзимники, деб даъво қилган одамга ярми ҳукмий бўлур ва ярми ҳукмсиз бўлур.

وَ لَوْ بَرْهَنَ خَارِجَانِ عَلَى نِتَاجِ دَابَّةٍ وَ أَرَّخَا قُضِيَ لِمَنْ وَافَقَ تَارِيخُهُ سِنَّهَا

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва агар икки хориж кишининг ҳар қайси бири бир ҳайвоннинг боласини ўзимники, деб гувоҳ ўткариб, исбот қилсалар ва иккалалари ҳам, шунча ёшга чиқди, деб йилини баён қилсалар, қайси бирининг баён қилган тарихи (йили) унинг ёшига мувофиқ келса, унинг фойдасига ҳукм қилинур.

وَ إِنْ أَشْكَلَ فَلَهُمَا

Агар ёшини билмоқ мушкул бўлса, иккаласига баробар ҳукм қилинур. Бунда шу нарсага ишорат борки, агар ёши иккала тарихга тўғри ва мувофиқ келса, иккаласига баробар ҳукм қилинур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ ذُو الْيَدِ الْمُسْتَعْمِلِ كَمَنْ لَبَّنَ

Қўлида бўлиб, тасарруф қилиб, истеъмол қилиб турган одам бир ернинг ичида иморат қилмоқ учун ғишт қўйганга ўхшаш, ул тасарруф қилиб турган киши, ўзимнинг жойим, деб даъво қилмоққа ва ҳам ул жойга эга бўлмоққа лойиқроқдир. Масалан, бир киши бир ерга даъво бўлган сувратда ул киши бошқа кишидан эга бўлмоққа лойиқроқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَاللاَبِسُ لاَ آخِذُ الْكُمِّ

Кийим кийгувчи ул кийимнинг эгасидир, енгидан ва бошқа тарафидан ушлаб турган киши эгаси эмас.

وَ الرَّاكِبُ لاَ آخِذُ اللِّجَامِ

Отни минган киши эгасидир, юганидан ушлаб турган киши эмас.

وَ مَنْ فِي السَّرْجِ لاَ رَدِيفُهُ

Ва отнинг эгаси эгарга минган кишидир, орқасига мингашган киши эгаси эмас. Агар икки киши эгарга мингашган бўлсалар, ул ҳайвонни баробар олгайлар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ ذُو الْحَمْلِ لاَ مَنْ عَلَّقَ كُوزَهُ

Ҳайвонга юк ортган киши эга бўлмоққа авлодир, ул ҳайвонга кўзасини осган эга эмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ مَنْ اتَّصَلَ الحَايِطَ بِبِنَائِه اتِّصَالَ تَرْبِيعٍ

Даъво қилинган девор бир одамнинг деворига муттасил (ёпишган) бўлса, тўрт тарафлик деворининг бирига ёпишган жойигача ул одамга бўлгай.

أَوْ وَضَعَ عَلَيْه الجُذُوعَ

Ё даъво қилинган деворнинг устига ёғочларни қўйган бўлса, эга бўлмоққа ул авлодир.

وَ لاَ اعْتِبَارَ لِوَضْعِ خَشَبَاتٍ عَلَيْه

Даъво деворда бўлган сувратда уч ё кўпроқ кичик ёғочлар ва қамишлардан девор устига қўймоқнинг эътибори йўқдир, яъни, мазкурларни деворнинг устига қўйган киши эга бўлмоққа муносиброқ эмас, иккинчи даъвогар билан баробардир, бор-ди-ю, бошқа ҳужжати ва далили бўлмаса.

وَجَالِسُ البِسَاطِ وَالْمُتَعَلِّقُ بِه سَوَاءٌ

Бисоти, яъни, гилам, намат ва шунга ўхшаган нарсаларнинг устида ўтирган киши ва ул палосга ёпишиб ва осилиб турган кишининг иккалалари ҳам, бу палос меники, деб даъво қилишиб, ҳар қайсилари ўзлариники эканлигини исбот қилсалар, иккалаларига баробар ҳукм қилинур.

وَكَذَا مَنْ مَعَهُ ثَوْبٌ وَطَرَفُهُ مَعَ آخَرَ

Ва шунга ўхшаш бир одамнинг қўлида бир чапон бўлса, бир киши ул чапоннинг бир томонидан ушлаб турган бўлса, ҳукмда баробардир.

وَ ذُو بَيْتٍ مِنْ دَارٍ كَذِى بُيُوتٍ مِنْهَا فِي حَقِّ سَاحَتِهَا

Бир ҳовлида бир уйи бор одам ул ҳовлида кўп уйи бор кишига ўхшашдир, ул ҳовлининг саҳнидан ўтиб юрмоқ, рўзғор асбобларини қўймоқ, таҳорат сувини тутмоқ, ўтин ёрмоқ, синдирмоқ ва бошқа нарсаларда кўп уйли билан баробардир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУ ФАСЛДА НАСАБ ДАЪВО ҚИЛМОҚНИНГ БАЁНИ

مَبِيعَةٌ وَلَدَتْ لِأَقَلَّ مِنْ نِصْفِ حَوْلٍ مُنْذُ بِيعَتْ فَادَّعَي الْبَائِعُ الْوَلَدَ يَثْبُتُ نَسَبُهُ مِنْهُ وَ أُمِّيَّتُهَا

Сотиб олинган чўри сотиб олган хожанинг қўлида сотиб олган вақтидан бошлаб ярим йилдан камроқда туғса, ундан кейин ул чўрини сотган одам, бола сендан бўлган, деб даъво қилса, ул боланинг насаби ул чўрини сотган одамдан собит бўлур ва ул канизак унинг умму валади, яъни, боласининг онаси бўлур.

وَ يُفْسَخُ الْبَيْعُ

Ва байъ бузилур, чўрининг баҳосини сотиб олган одамга қайтариб бергай.

وَ لَوْ ادَّعَاهُ بَعْدَ عِتْقِهَا ثَبَتَ نَسَبُهُ

Агар ул чўрини сотиб олган киши озод қилгандан кейин сотган одам, бола мендан бўлган, деб даъво қилса, боланинг насаби ундан собит бўлур.

وَ يُرَدُّ حِصَّتُهُ مِنَ الثَّمَنِ

Канизакнинг боласи мендан бўлган экан, деган одам боланинг қадри ҳиссасига етадиган пулни чўрини сотиб олган кишига қайтариб бергай ва чўрининг қадри ҳиссасини қайтармагай.

وَ لَا يُعْتَبَرُ دَعْوَةُ الْمُشْتَرِي

Канизакни сотиб олган вақтдан бошлаб ҳисоб қилинганда, олти ойдан кам бўлса, туғилган болани, мендан бўлган, деб сотиб олган одамнинг даъво қилмоғи эътибор эмас.

وَ لَا دَعْوَةُ الْبَائِعِ بَعْدَ مَوْتِ الْوَلَدِ أَوْ عِتْقِهِ

Чўрининг туққан боласи ўлгандан кейин ёки чўрини сотиб олган киши боласини озод қилгандан кейин сотувчининг, бола мендан бўлган, деб насаб даъво қилмоғига эътибор қилинмайди, яъни, ундан насаб собит бўлмайди ва ҳам чўри умму валад

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлмайди, чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир ва агар сотиб олган киши унинг сўзини қабул қилмаса. Чунончи, «Мабсут»да ва бошқа китобларда мазкурдир. Бас, агар олган киши сотган одамнинг сўзига унинг даъвосида тасдиқ қилса, озод қилгандан кейин ҳам сотган одамнинг даъвоси эътибор. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَكَذَا لَوْ وَلَدَتْ لأَكْثَرِ مِنْ نِصْفِ حَوْلٍ وَ اَقَلَّ مِنْ سَنَتَيْنِ
إِلاَّ إِذَا صَدَّقَهُ الْمُشْتَرِي

Ушбуга ўхшаш, борди-ю, чўри ярим йилдан кўпроқда ва икки йилдан камроқда туғса, чўрини сотган одам, унинг боласи мендан бўлган, деб даъво қилмоғининг эътибори йўқдир. Зероки, ҳулуқ сотган одамнинг мулкида бўлмаслик эҳтимоли бордир, магар сотиб олган одам сотган одамнинг даъвосини ростликка тутса, чўри боласининг насаби сотган одамдан собит бўлур ҳамда чўрининг умму валад бўлмоғи собит бўлур ва байълари бузилур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ سَنَتَيْنِ أَوْ أَكْثَرَ هِيَ أُمُّ وَلَدِه نِكَاحًا إِنْ صَدَّقَهُ الْمُشْتَرِي

Ул сотилган чўри икки йилда ёки кўпроқда бола туғса, ул чўрини сотган одам, боласи мендан бўлган, деб даъво қилса, ул чўри никоҳ тўғрисидан умму валад бўлгай, яъни, боланинг онаси бўлгай. Ва яна ул боланинг насаби ул чўрини сотган одамдан никоҳ билан собит бўлур, борди-ю, сотиб олган одам унинг сўзига тасдиқ қилса. Валлоҳу аълам ва аҳкам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الصُّلْحِ

СУЛҲ КИТОБИ

Бу китобда сулҳнинг баёни келур. Сулҳ деб, луғатда мусолаҳа қилмоқни, яъни, бир-бири билан ярашмоқни айтилур. Мусолаҳа мухосаманинг, яъни, бир-бири билан жангу жадал, хусумат қилмоқ ва даъволашмоқнинг зиддидир.

هُوَ عَقْدٌ يَرْفَعُ النِّزَاعَ

Шариатда сулҳ бир ақддурки, даъволашадиганларнинг ораларидаги даъвони ва жанжални кўтаргай ва муддаъий билан муддаъо алайҳни йўқ қилгай, яъни, даъвогар билан даъво қилинган одамнинг розиликлари билан.

وَ صَحَّ بِإِقْرَارٍ .

Икки даъволашган одамга тайинланган молу мулк иқрор билан, яъни, тил билан гапириб, иқрор қилмоқ билан дуруст бўлур. Масалан, Абдулғанида юз танга ҳақим бор, деб Абдулқодир даъво қилганда, Абдулғани, дуруст, менда юз танга ҳақи бор, деб иқрор қилса. Ундан кейин бир маълуму-л-миқдор мол бериб, сулҳ қилсалар, дурустдир.

وَسُكُوتٍ

Ва яна сулҳ, яъни, ярашмоқ сукут билан ҳам собит бўлур. Масалан, Абдулғанида юз танга ҳақим бор, деб Абдулқодир даъво қилганда, Абдулғани асло жавоб бермаса ва мункир ҳам бўлмаса, ундан кейин бир қанча тайинли мол бериб, сулҳ қилишсалар, саҳиҳ ва дурустдир.

وَ إِنْكَارٍ

Ва яна ярашмоқ мункир бўлмоқ билан ҳам собит бўлур. Масалан, Абдулғанида эллик танга ҳақим бор, деб Абдулқодир даъво қилганда, Абдулғани мункир бўлса, ундан кейин даъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вогарнинг даъвосини йўқ қилмоқ учун бир миқдор пул бериб ярашсалар, дурустдир, ундан кейин даъвогар асло даъво қила олмайди, яъни, даъвосига ҳеч ким қулоқ солмайди.

فَالأَوَّلُ كَبَيْعٍ إِنْ وَقَعَ عَنْ مَالٍ بِمَالٍ

Аввалги ярашмоқким, иқрор билан бўлгай, байъга, яъни, савдо қилмоққа ўхшашдир, борди-ю, молдан молнинг бадалига ва баробарига ярашмоқ юз берса.

فَفِيهِ الشُّفْعَةُ

Бу сулҳда, яъни, ярашувда мол баробарига жанжалдан сулҳ бўлган сувратда, агар икки тарафдан бадал учун қабул қилишган нарсасининг бири, масалан, ҳовли бўлса, шафиълик даъвоси тегар. Масалан, даъвогарнинг даъво қилгани Абдуллоҳ тортиб олган ҳовли бўлса, шафиълик қилмоқ бор. Масалан, Абдуллоҳ, мен Абдулкаримнинг ҳовлисини тортиб олиб эдим, деб иқрор қилгандан кейин Абдуллоҳ ул ҳовлини йигирма тилло баробарига сулҳ қилса, Абдулкаримнинг ҳамсояси билан Абдулазиз шафиълик даъвосини қилмоққа қудрати етгай, мазкур йигирма тиллони Абдулазиз Абдулкаримга бериб, мазкур ҳовлини олгай.

وَ الخِيَارَاتُ

Ва яна хиёри шарт мазкур сулҳ бўлганда бордир. **Хиёри шарт** деб, бир молни, масалан, олиб бориб уч кунгача кўрарман, агар маъқул бўлса, оларман, агар маъқул бўлмаса, қайтариб берарман, деб шарт билан савдо қилинган байъга айтилур. Хиёри шартнинг мисоли, масалан, Абдуллоҳ мазкур ҳовлига ўттиз тилло бермоқчи бўлиб, Абдулкарим қабул қилиб, сулҳ қилишганларидан кейин уч кунгача берур. Абдулкаримнинг бермасликни ўйламоғига ва Абдуллоҳнинг ҳам олиш-олмасликни ўйламоғига шарт қилишлари дурустдир.

Ва яна мазкур сулҳ бўлганда хиёри руъйат ҳам бордир. Масалан, мазкур сулҳ ўн ботмон буғдой баробарига бўлиб, Абдулкарим буғдойни кўрмасдан илгари қабул қилиб олмоққа, Абдуллоҳ бермоққа ярашган бўлсалар ҳам, Абдулкарим ул буғдойни кўргандан кейин ихтиёр ўзида, хоҳласа, олгай, хоҳламаса, олмагай. Ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

яна мазкур сулҳ бўлганда хиёри айб бордир. Масалан, Абдуллоҳнинг бадали сулҳ учун бир ботмон берган буғдойидан айб зоҳир бўлса, масалан, мита тушган бўлса ё бадбўй бўлган бўлса, қайтариб бергай, уни олмасликка ихтиёри бордир.

وَ يُفْسِدُهُ جَهَالَةُ الْبَدَلِ

Ярашмоқ баробарига берилган нарсанинг номаълумлиги сулҳни бузгай.

وَ مَا اُسْتُحِقَّ مِنَ الْمُدَّعَى رَدَّ الْمُدَّعِى حِصَّتَهُ مِنَ الْعِوَضِ

Ва даъво қилинган нарсанинг баъзисига муддаъо алайҳ ҳақ исбот қилса, яъни, бир мунчаси ўзимнинг ҳақим эди, деб даъво қилинган одам гувоҳ ўткариб, исбот қилса, даъвогар сулҳ билан олган нарсасидан унинг қадри ҳиссасини қайтаргай.

وَ مَا اُسْتُحِقَّ مِنْهُ رَجَعَ بِحِصَّتِهِ مِنَ الْمُدَّعِى

Ва ярашмоқ учун берилган молнинг ҳаммасига ё баъзисига даъво қилинган одам ҳақ исбот қилса, масалан, йигирма тиллога сулҳ қилинганда, уни даъвогарга берган бўлса, ул йигирма тиллонинг нисфи (ярми)ни ўзимнинг ҳақим эди, деб исбот қилса, ўшал ўз ҳақи бўлган ўн тиллони қайтариб олмоққа муддаъо алайҳнинг қудрати етгай.

وَكَإِجَارَةٍ إِنْ وَقَعَ عَنْ مَالٍ بِمَنْفَعَةٍ

Ва сулҳ қилмоқ, яъни, ярашмоқ иқрор билан бўлганда, ижарага ўхшаш бўлгай, агар талаб қилган ҳақи бир нарсадан фойдаланмоқ баробарига сулҳ қилинса, масалан, Абдуллоҳнинг Абдулкаримдан қирқ тилло оладиган ҳақи бўлса, уни даъво қилганда, Абдулкарим иқрор бўлиб, ул қирқ тилло қарзи учун, масалан, Абдуллоҳга бир неча ботмон ерини экин экиб, тўрт йилгача фойдаланмоққа берса, дурустдир.

فَشُرِطَ التَّوْقِيتُ فِيهِ

Бас, сулҳ бир нарсадан фойдаланмоқ баробарига бўлса, унга вақтни тайин қилмоқни шарт қилинди. Масалан, бир одам бир ҳовлини, менинг ҳовлим, деб даъво қилса, унга даъво қилинган

www.ziyouz.com kutubxonasi

кишининг қулини бир йил хизмат қилмоққа, ё отини бир йил минмоққа, ё унинг уйида бир йил ўтирмоққа, ё унинг жомасини бир йил киймоққа, ё унинг ерини бир йил экин экмоққа сулҳ қилсалар, ижаранинг ақди мазкур нарсаларга жоиз бўлгани жиҳатидан дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ يَبْطُلُ بِمَوْتِ أَحَدِهِمَا فِي الْمُدَّةِ

Тайин қилинган муддатнинг ичида сулҳ қилишган икки кишидан бирининг ўлмоғи бирла сулҳ ботил ва бекор бўлгай.

وَ الْأَخَرَانِ مُعَاوَضَةٌ فِي حَقِّ الْمُدَّعِي

Сулҳнинг кейинги икки қисмиким, бири сукут билан сулҳ қилмоқ ва иккинчиси инкор қилмоқ билан сулҳ қилмоқдир, бу сувратларда бўлган сулҳ даъвогарнинг ҳақида муъоваздир, яъни, гарданидаги ҳақининг ўрнига бир нарсани бермоқдир. Зероки, даъвогарнинг гумони шулки, ўз ҳақининг эвазини оладигандир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ فِدَاءُ يَمِينٍ وَقَطْعُ نِزَاعٍ فِي حَقِّ الْآخَرِ

Муддаъо алайҳнинг ҳақида бу икки хил сулҳ мол бериб, қасамдан ўзини айириб олмоқ, жанжални кесмоқ ва адо қилмоқдир.

فَلَا شُفْعَةَ فِي صُلْحٍ عَنْ دَارٍ

Бас, бу икки хил сулҳ ҳовлининг даъвосида бўлса, яъни, Абдуллоҳ Абдулазизнинг ҳовлисини, менинг ҳовлим, деб даъво қилган сувратда сукут ё инкор қилмоқ билан бермоқ лозим бўлгани жиҳатидан Абдулазиз, масалан, ўн тилло баробарига яраштганда, шафиълик даъвоси тегадиган одамга шуфъат даъвоси йўқдир. Зеро, даъво қилинган киши заъм қилурки (ишонтирурки), ўзимнинг асл ҳақим ва менинг мол бермоғим унинг жанжалини дафъ қилмоқ учун, деб. Ва даъво қилувчининг заъми ҳужжат бўлмайди, чунки одамлар ушланмайди, бироқ ўз заъми билан ушланур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

بَلْ فِي صُلْحٍ عَلَى دَارٍ

Балки сулҳ қилишганда, ҳовли бериб ярашса, шафиълик даъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

воси теккай, яъни, ҳамсояси хоҳласа, шафиълик олгай, хоҳ ҳовли бўлсин, хоҳ ҳовлидан бошқа нарса бўлсин. Зероки, бу сулҳ даъвогарнинг заъмида муъоваздир, муъоваза сотмоқнинг ҳукмидадир, гарчи даъвогарни даъво қилинган одам ёлғончи қилса ҳам. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ مَا اُسْتُحِقَّ مِنَ الْمُدَّعَى فَكَمَا مَرَّ

Бу икки хил сулҳда даъво қилинган нарсага муддаъо алайҳ ҳақ исбот қилса, яъни, менинг бу даъвогарда, масалан, қирқ танга ҳақим бор, деб исбот қилса, бас, аввалги хил сулҳда баён қилиниб, ўтган ҳукмга ўхшашдир, би-л-фараз, юз танга баробарига сулҳ қилинган бўлса, олтмиш танга бергай. Агар юз танга ҳақи борлигини исбот қилса, бадали сулҳнинг ҳаммасини, яъни, юз танганинг ҳаммасини олиб қолгай, бунинг мазмуни «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ مَا اُسْتُحِقَّ مِنَ الْعِوَضِ رَجَعَ إِلَى الدَّعْوَى

Бадали сулҳнинг баъзиси даъво қилган одамга тегмоғи маълум бўлса, боз даъвосига қайтиб, ўша баъзисини даъво қилиб олгай.

وَ لَوْ صَالَحَ عَلَى بَعْضِ دَارٍ يَدَّعِيهَا لَمْ يَصِحَّ

Ва агар бир одам бир кишига, ушбу ҳовлингнинг ҳаммаси меники, деб даъво қилганда ўшал ҳовлининг баъзисини олиб, сулҳ қилишса, дуруст эмас.

وَ حِيلَتُهُ أَنْ يَزِيدَ فِي الْبَدَلِ شَيْئًا

Ва бу дуруст бўлмаган сулҳ дуруст бўлмоғининг ҳийласи шуки, даъво қилинган киши сулҳ бадалига берган ҳовлисининг баъзиси устига бир оз бошқа нарсани қўшиб бергай, токи ул қўшиб берган моли қолган ҳовлисининг баъзисидан эваз бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

أَوْ يُبْرِئَ عَنْ دَعْوَى الْبَاقِي

Ё даъво қилган одам ҳовлининг баъзиси даъвосидан ўтса ва ибро қилса, дурустдир. Зероки, бу бир одамнинг даъво қилмоқдан ибро қилмоғидир, унинг айнидан ибро қилмоғи эмасдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чунончи, ҳар вақтики, бир одам ўлса ва ундан мерос қолса, ул одамнинг меросгирларидан бири ўз қадри ҳиссасига тегадиган меросдан кечиб, ибро қилса, дуруст эмас. Зероки, бу кечмоқ айнлардан кечмоқдир. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

وَ صَحَّ الصُّلْحُ عَنْ دَعْوَى الْمَالِ وَالْمَنْفَعَةِ

Молнинг даъвосидан ва фойданинг даъвосидан сулҳ қилмоқ дурустдир, ул мол хоҳ тортиб олинган бўлсин, хоҳ омонат бўлсин, хоҳ орийат, хоҳ гаров бўлсин ёки буларга ўхшаган нарса бўлсин, масалан, Абдуллоҳ ўлар вақтида Абдулкаримга, менинг ҳовлимда ижара ҳақи бермай, ўтиравергил, деб васиййат қилса. Аммо Абдуллоҳ ўлганидан кейин ворислари Абдулкаримга васиййат қилинган ҳовлида уни тургизмасалар, ундан кейин ул Абдулкарим даъво қилганда ворислар уни даъво қилмасин деб, унга бирмунча мол бериб, сулҳ қилишсалар, дуруст бўлур.

وَ الْجِنَايَةِ فِي النَّفْسِ وَ مَا دُونَهَا عَمْدًا أَوْ خَطَاءً

Бир одамни ўлдиргани тўғрисидан ўзининг ўлдирилмаслиги учун мол бериб, ярашмоқ ва сулҳ қилмоқ дурустдир. Ва яна бундан кам жиноятда, масалан, бир одамни уриб, бошини ёргани жиҳатидан ва ё қўлини синдиргани жиҳатидан бирмунча маълум мол бериб, сулҳ қилишмоқ дурустдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ул жонга ё баданга еткурилган зарар хоҳ қасддан еткурилган бўлсин, хоҳ хато билан еткурилган бўлсин. Фақат қасддан ўлдирганда, агар дийят миқдоридан, яъни, тўлайдиган товон миқдоридан кўпроққа сулҳ қилишса, жоиздир. Хато билан ўлдирганда, яъни, унга қасд қилишмай, бошқа нарсадан, масалан, ўқ отиб, унга тегиб кетиб ўлганда, дийятдан зиёда дуруст эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ الرِّقِّ

Қулликни даъво қилганда, сулҳ қилишмоқ дуруст. Масалан, ҳар вақт бир одам бир мажҳулун-насаб, яъни, насаби номаълум кишига, сен менинг қулимсан, деб даъво қилса, ундан кейин бир тайинли нарса бериб, сулҳ қилишиб, ярашсалар, дурустдир. Чунончи, «Кирмоний»да ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ دَعْوَى الزَّوْجِ

Бир одам бир хотинга, эрингман, деб даъво қилганда ҳам, сулҳ қилмоқ дурустдир, яъни, бир миқдор маълум мол бериб, сулҳ қилиб, халос топмоқ дурустдир. Кейин даъво қила олмагай.

وَكَانَ عِتْقًا بِمَالٍ أَوْ خُلْعًا

Ва бир одамга қулим, деб даъво қилганда, мол баробарига сулҳ қилишмоқ озод қилмоқнинг ҳукмида бўлгай ва менинг никоҳимда, деб даъво қилганда сулҳ қилмоқ хулънинг ҳукмида бўлгай. Ул хотинга эса идда ўтирмоқ лозим бўлгай.

وَ لَمْ يَجُزْ عَنْ دَعْوَيهَا النِّكَاحَ

Ва хотин киши, масалан, «мен Абдулкаримнинг никоҳидаман», деб даъво қилганда, сулҳ қилишмоқ дуруст эмас.

وَ لاَ عَنْ دَعْوَى حَدٍّ

Ҳад урмоқ лозим бўлган даъвода сулҳ қилмоқ дуруст эмас. Бас, агар зинокорни ё ўғрини, ё шаробхўрни, ё мастни ушласа ва уни ҳукм қилувчига олиб бормоқни қасд қилса, бир мол баробарига сулҳ қилишсалар, сулҳ ботил ва бекордир, олган мол қайтарилгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ بَدَلُ صُلْحٍ هُوَ كَبَيْعٍ عَلَى الْوَكِيلِ

Сулҳнинг бадали савдога вакил бўлганнинг ҳукмидадир, бу иқрор билан молдан молга сулҳ қилганга ўхшаш.

وَ مَا لَيْسَ كَبَيْعٍ كَالصُّلْحِ عَنْ دَمٍ عَمْدًا أَوْ عَلَى بَعْضِ دَيْنٍ يَدَّعِيهِ عَلَى الْمُوَكِّلِ

Ул сулҳки, байъга ўхшаш бўлмаса, қасддан қон тўкканга ўхшаш бўлса, ул сулҳнинг бадали ё қарз берилган нарсалардан баъзисининг даъвосидаги сулҳнинг бадали вакил қилган одамгадир. Зероки, бу сувратда вакил никоҳдаги вакилга ўхшаш элчидир. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ إِنْ صَالَحَ فُضُولِيٌّ وَ ضَمِنَ الْبَدَلَ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар фузулий одам, яъни, даъво қилинган одам тарафидан ярашмоққа ва сулҳ қилмоққа ижозат берилмаган одам даъвогар билан даъво қилинган одам учун сулҳ қилишса ва сулҳ бадалини бермоққа кафил бўлса,

أَوْ أَضَافَ إِلَى مَالِه

ёки сулҳни ўзининг молига изофа қилса, масалан, Абдулазиз, ўзимнинг молимдан минг танга берурман, ярашгил, деса,

أَوْ أَشَارَ إِلَى نَقْدٍ أَوْ عَرْضٍ

ёки Зайд билан сулҳ қил ва ярашгил, ушбу тиллони ё тангани берурман, деб ишорат қилса ёки бир матоъга ишорат қилса, масалан, агар даъво қилмай ярашсанг, ушбу жомани берурман, деб ишорат қилса,

أَوْ أَطْلَقَ وَ نَقَدَ صَحَّ

ёки сулҳни изофа ва ишорат қилмай, мутлақ баён этса, масалан, Абдулкарим билан сулҳ қилсанг, минг танга берурман, деса ва мутлақ баён этилган бадални даъво қилинган одамдан беизн нақд берса, ушбу баён қилинган беш сувратда сулҳ дуруст, ҳаммасида ҳам даъво қилинган кишига ружуъ қилмасдан, фузулий одамга тўламоқ лозим. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ إِنْ لَمْ يَنْقُدْ إِنْ اَجَازَهُ الْمُدَّعَى عَلَيْهِ لَزِمَ الْبَدَلُ

Агар бир миқдор мол бермоқ бўлиб, сулҳ қилинган фузулий киши, яъни, сулҳ қилмоққа ихтиёр берилмаган ул даъводан ташқари киши сулҳнинг бадалини нақд бермаса, даъво қилинган одам фузулийнинг қилган сулҳини эшитгандан кейин ижозат берса, ул сулҳ дуруст бўлиб, унинг бадали муддаъо алайҳга лозим бўлур.

وَ إِلاَّ رُدَّ

Агар даъво қилинган одам фузулийнинг қилган сулҳини жоиз кўрмаса, ул сулҳ қайтарилур, яъни, мардуддир.

وَصُلْحُهُ عَلَى جِنْسِ مَا لَهُ عَلَيْهِ أَخْذٌ لِبَعْضِ حَقِّه وَحَطٌّ لِبَاقِيه لاَ مُعَاوَضَةٌ

Ва даъвогарнинг ўзи учун даъво қилинган одам гарданида

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган ҳақининг жинсидан баъзисини олиб, сулҳ қилмоғи қолган баъзи ҳақини соқит қилмоқ ва ибро қилмоқдир, муъоваза эмас.

فَصَحَّ عَنْ أَلْفٍ حَالٍّ عَلَى مِائَةٍ حَالَّةٍ أَوْ عَلَى أَلْفٍ مُؤَجَّلٍ

Бас, сулҳ қилмоқ нақд бир минг танга пулнинг даъвосидан нақд бир юз танга баробарига ёки нақд минг танганинг даъвосидан нақд минг танга баробарига дурустдир.

وَعَنْ أَلْفٍ جَيَّادٍ عَلَى مِائَةٍ زُيُوفٍ

Ва яна минг сара танга даъвосидан минг носара танганинг баробарига сулҳ қилишмоқ дурустдир.

وَلَمْ يَصِحَّ عَنْ دَرَاهِمَ عَلَى دَنَانِيرَ مُؤَجَّلَةٍ

Нақд тангаларнинг даъвосидан насийа тиллоларга сулҳ қилишмоқ дуруст эмас, зероки, нақд тангаларни насийа тилло-ларга сотмоқдир, ул дуруст эмас.

وَ عَنْ أَلْفٍ مُؤَجَّلٍ عَلَى نِصْفِهِ حَالاً أَوْ عَنْ أَلْفٍ سُودٍ عَلَى نِصْفِهِ بَيْضًا

Ёки минг қора танганинг даъвосида, яъни, қўшилган нарса-си ўзидан ғолиб ва зиёда бўлган муҳр урилган минг танганинг даъвосида беш юз оқ танга бериб, сулҳ қилмоқ дуруст эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир. Бас, агар минг оқ тангадан беш юз қора тангага сулҳ қилишса, дуруст. Зеро, даъвогар олган нарса, ҳар вақтики, ўз ҳақидан кам ва паст бўлса, баъзи ҳақини олиб, қолганини соқит қилган бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ҳар вақтики, олинган нарса-нинг миқдори зиёда ё сифат борасидан ошиқча бўлса, ул муъо-вазадирки, ул рибо бўлур. Чунончи, «Ниҳоя»да мазкурдир.

وَمَنْ أُمِرَ بِأَدَاءِ نِصْفِ دَيْنٍ عَلَيْهِ غَدًا عَلَى أَنَّهُ بَرِئَ مِمَّا زَادَ إِنْ قَبِلَ بَرِئَ

Қарздор одамга гарданидаги қарзнинг нисфини эртага бе-риб адо қилғил, боқимонда зиёдасидан қутуларсан, деб амр қилинса, агар ул қарздор одам нисфини бермоққа қабул қилса, дарҳол қолган ярмидан барий бўлгай, яъни, қутулгай. Бас, агар эртасига ваъдасига вафо қилиб, мазкур қарзининг ярмини адо

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилса, ниҳоятда яхши бўлгай, яъни, ул одамдан қутулгай, асло қарзи бўлмагай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ إِنْ لَمْ يَفِ عَادَ دَيْنُهُ

Агар қарздор киши ваъдасига вафо қилмаса, қарзи аввалги ҳолига қайтгай, бу Имом Аъзам ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳнинг наздларида. Зеро, бу шартга қайд қилинган ибродир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لَوْ عَلَّقَ صَرِيحًا كَانْ اَدَّيْت إِلَى كَذَا فَأَنْتَ بَرِيئٌ مِنَ الْبَاقِي لاَ يَصِحُّ

Агар қарздор одам қарзни тўламоғини равшан ва очиқ шартга таълиқ қилса, агар сен қарзнинг нисфини менга бериб адо қилсанг, қолганидан қутуларсан, деганга ўхшаш, бу эса дуруст эмас, гарчи бериб адо қилса ҳам.

وَ لَوْ صَالَحَ أَحَدُ رَبِّيْ دَيْنٍ عَنْ نِصْفِه عَلَى ثَوْبٍ اتَّبَعَ شَرِيكُهُ غَرِيمَهُ بِنِصْفِه أَوْ أَخَذَ نِصْفَ الثَّوْبِ مِنْ شَرِيكِه

Агар бир одам икки шериклик кишидан қарздор бўлса, масалан, иккаласидан ўн тилло қарздор бўлса, иккаласидан бири ўз қадри ҳисса ҳақини, масалан, беш тилло баробарига бир жома олиб, минбаъд ҳақим бор, деб талаб қилмасликка сулҳ қилишса, иккинчи шериги, агар хоҳласа, ўз қадри ҳисса ҳақини, масалан, беш тиллони қарздор кишидан даъво қилгай. Ёки хоҳласа, мазкур жоманинг ярмини ўзининг шеригидан олгай. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْحُدُودِ

ЖАЗОЛАР КИТОБИ

Бу китобда ҳад уриладиган, кесиладиган, сангсор, яъни, тошбўрон қилинадиганлар баёни келади. Ҳад деб, гуноҳ қилган одам бошқа гуноҳ қилмасин, адабли бўлсин, бошқаларга ибрат бўлсин, деб берилган жазога айтилур.

اَلْحَدُّ عُقُوبَةٌ مُقَدَّرَةٌ

Ҳад шариатда тайин қилинган бир жазодирки, урмоқ билан, қўли ё оёғини кесмоқ билан, ё сангсор қилмоқ билан, яъни, тош билан отиб ўлдирмоқ ё қатл қилмоқ, яъни, ўлдирмоқ билан бўлур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

تَجِبُ حَقًّا لِلّٰهِ تَعَالَى

Гуноҳ қилган одамга ул жазони жорий қилмоқ ва жойига келтирмоқ Худойи таборак ва таолонинг ҳақи бўлиб, вожиб бўлгай, яъни, Аллоҳ таолонинг ҳақи шуки, буюрган амрига таъзими учун фармонбардор бўлмоқдир. Ва унинг ризолигини талаб қилмоқдир. Ва одамнинг ҳақи шуки, одамга нафъ қиладиган ё одамдан зарарни дафъ қиладиган бўлгай. Чунончи, «Кирмоний»да мазкурдир. «Усул»да баён қилинибдики, Худойи таборак ва таолонинг ҳақи ул нарсадирки, унга оз одамнинг фойдаси мутаалликъ ва тегишли бўлган ҳукм бўлгай. Масалан, зинонинг ҳаромлигига ўхшаш, албатта, ҳаромлигига одамнинг саломатлиги ва фирошини сақламоқ ва булардан бошқа ҳожатларнинг ҳам тааллуқи ва тегишлиги бордир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Яъни, мазкур ёмонларга жазо бермоқ ҳаққуллоҳдир, ҳамма одамларга ниҳоятда фойдадир. Бу ҳаққуллоҳга Худойи таолонинг холис ҳақи бўлган нарса дохил бўлгай, масалан, зинога ҳад урмоқ, шароб ичганга ҳад урмоқ ва қароқчига ҳад урмоққа ўхшаш нарсалар дохил бўлгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва яна бандaнинг ҳақи аралашиб, унда Худойи таолонинг ҳақи ғолиб бўлган нарса бўлса ҳам дохил бўлгай, зинокорсан, деб ҳақорат қилганга ҳад урганга ўхшаш. Албатта, бу тариқа сўкканга ҳад урмоқ, жазо бермоқнинг фойдаси ъоммдир, яъни, ҳамма одамга фойдаси баробардир. Ва ҳад урмоқнинг шарти -подшоҳ ёки подшоҳ ноиби ҳадни барпо қилмоқда иқомат этмоғидир. Ҳад урмоқнинг шарти – ҳад уриладиган одамнинг ақли саҳиҳ, дуруст ва салиму-л-бадан, яъни, тани соғ бўлмоғи ва эътиборли одамнинг аҳлидан бўлмоғи ва аҳли интизордан, яъни, қўрқадиганлардан бўлмоғидир, ҳаттоки жинни, маст, касал ва заъиф хилқат одамга (ҳад) урилмайди. Фақат касал киши яхши бўлганидан, жинни ва маст ҳушига келгандан кейин ҳад урилгай. Ушбудек «Муҳити Сарахсий»да мазкурдир.

Ҳад урмоқнинг асл ҳукми бандалар унинг билан зарар топадиган нарсадан зажр ва сиёсат қилмоқ, фасоддан мусулмон шаҳрини эҳтиёт қилмоқдир. Ҳад урилгани жиҳатидан гуноҳдан пок бўлмоқ ҳукми аслий эмас. Зеро, гуноҳдан тавба билан покланулур, ҳадни барпо қилмоқ билан эмас. Ушбу сабабдан кофирга ҳад урилур, ваҳоланки, унга ҳад урмоқ билан гуноҳдан пок бўлмоқ йўқдир. Ушбудек «Табйин» китобида ҳам мазкурдир.

فَلاَ تَعْزِيزٌ وَ قِصَاصٌ حَدٌّ

Бас, бу таърифга қараганда, таъзир бермоқ ва қасос олмоқ ҳад эмасдир. Аммо таъзир ҳад эмаслигининг сабаби – ул тайинланмаган жазо. Ҳад – тайин ва муқаррарланган жазо. Қасос бўлса, бандaнинг ҳақидир, Худойи таолонинг ҳақи бўлгани учун жазо вожиб бўлган эмас, ҳаққул-абд ғолиб бўлгани жиҳатидан ва ушбу жиҳатдан қасос олмоқда товон талаб қилмоқ ва афв қилмоқ ҳам жорийдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

اَلزِّنَ وَطْيٌ فِي قُبُلٍ خَالٍ عَنِ الْمِلْكِ وَ شُبْهَتِه

Зино шариатда шундайки, никоҳида бўлмаган ва чўриси бўлмаган ва ўз мулки бўлмоғига гумони бўлмаган урғочи одамнинг олди тарафидаги андомига эркак киши андоми махсусининг ҳашафасини ёки кўпроғини ғойиб қилмоғидир. Ўз мулким деб гумон қилганнинг мисоли, масалан, талоқи бойиннинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

иддасида ўтирган хотин ёки отасининг, ё ўғлининг чўриси бўлган канизакдир, яна бу ўз жойида келгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Бас, агар ҳашафа дохил бўлмаса, ҳад урилмайди. Зероки, ул муломасадир, яъни, ёпишмоқдир, жимоъ эмасдир. Ушбуга ўхшаш қилган ва қилинган ҳам ҳад урилмайди, агар ёш бола ё жинни ажнабий хотинни жимоъ қилса, ғайри мукаллаф бўлгани сабабидан. Чунончи, «Заҳириййа»да ҳам мазкурдир. Аммо балоғатга етган одам балоғатга етмаган қизни ватий қилса, ҳад урилур, қиз болага ҳад урилмайди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ يَثْبُتُ بِشَهَادَةِ اَرْبَعَةٍ بِالزِّنَ

Тўрт одил кишининг ҳукм қилувчи олдида, «бу зино қилди», деб гувоҳлик бермоқлари билан зино қилингани собит ва муқаррар бўлгай. Агар бир киши ёки икки киши, ё уч киши гувоҳлик берсалар, қабул қилинмайди. Уларга «зинокорсан», деб ҳақорат қилганда уриладиган ҳад урилур, гувоҳларнинг ҳар бири бир мажлисда гувоҳлик берганларида ҳад урилганга ўхшаш. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. «Ватий қилди» ё «жимоъ қилди» деб, ё бошқа лафз билан гувоҳлик берганга ва гувоҳлик берилганга ҳад урилмайди. Чунончи, «Ниҳоя»да мазкурдир.

فَيَسْأَلُهُمُ الاِمَامُ مَا هُوَ وَ كَيْفَ هُوَ وَ اَيْنَ زَنَ وَ مَتَى زَنَ وَ بِمَنْ زَنَ

Гувоҳлар, «зино қилди», деб гувоҳлик берганларидан кейин султон ё унинг ноиби, ёки қози гувоҳлардан, зино қандай нарсадир, зино нечук бўлур, қайда зино қилди, қачон зино қилди, ким билан зино қилди, деб сўрагай.

فَإِنْ بَيَّنُوا وَقَالُوا رَأَيْنَا كَالْمِيلِ فِي الْمُكْحُلَةِ

Бас, агар султон ё қози ушбу баён қилинган беш нарсадан сўрагандан кейин гувоҳларнинг ҳаммалари ҳаммасини жойига келтириб баён қилсалар ва айтсаларки, бизлар кўрдик, сурмадонда сурма қўядиган милни (сурма чўпни) кўргандек, деб.

وَ عَدَّلُوا سِرًّا

Гувоҳларнинг одилликларини одамлар махфий ва ошкора хабар берсалар, чунончи, «Музмарот»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ عَلَيْهِ حَكَمَ بِهِ

Қози (шунда) зинога ўриладиган ҳадни урмоққа ҳукм қилгай. Ул ҳад хотинлик кишига тошбўрон қилмоқ, уйланмаган одамга юз дарра урмоқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَبِاِقْرَارِهِ اَرْبَعَةً فِي اَرْبَعَةِ مَجَالِسَ

Ва яна зино қилган одамнинг ўзи тўрт мартаба тўрт мажлисда «Мен зино қилдим», деб иқрор қилмоғи билан зино қилганлиги собит ва муқаррар бўлгай.

رَدَّهُ كُلَّ مَرَّةٍ

Подшоҳ ё қози ҳар гал уни қайтаргай, сенинг касалинг борми, жиннилигинг борми ё бошқа иллатинг борми, деб. Ул одам подшоҳнинг кўзидан ғойиб бўлиб, яна келгай ва иқрор қилгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Тўртинчи маротаба султон ё қози уни қайтармагай, балки қабул қилгай. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

فَيَسْأَلُهُ كَمَا مَرَّ

Шундан сўнг бу иқрор қилган одамдан беш ишдан сўралгай, яъни, зино қандай нарса, зино қандай бўлади, қаерда зино қилдинг, қачон зино қилдинг, ким билан зино қилдинг, деб сўралгай. Чунончи, баёни ўтган эди.

فَإِنْ بَيَّنَ حُبِّبَ تَلْقِينُهُ رُجُوعَهُ

Агар ул одамнинг ўзи зино қилганлигини подшоҳ ё қози сўраганда тўрт мажлисда ҳар гал чиқиб кетиб, соҳиби ҳукумат кўзидан ғойиб бўлиб, яна келиб, мазкур беш хил аҳволдан баён қилса, соҳиби ҳукуматни иқрор қилган кишига «зино қилдим», деганидан қайтмоғини талқин қилмоғи мустаҳабдир.

بِلَعَلَّكَ لَمَسْتَ وَ نَحْوُهُ كُلَّ مَرَّةٍ

Шоядки ул хотинни ушлаган бўлгайсан, деб ва шунга ўхшаган сўзлар биланки, ўпгандирсан, қарагандирсан, ё никоҳлаб, жимоъ қилгандирсан, ё ўз тасарруфимдаги жуфтим, деб гумон

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан жимоъ қилгандирсан ё маст эдингми, ё жинни эдингми, деб мазкур сўзларга ўхшашлар билан ҳар бор иқрор қилганда подшоҳ ё қози талқин қилгай.

فَإِنْ رَجَعَ قَبْلَ حَدِّهِ اَوْ فِي وَسَطِهِ خُلِّيَ

Бас, агар «зино қилдим», деб иқрор қилгандан кейин ҳад урмоқ даражасига етганда, яъни, ҳад уришга ҳукм қилмасдан илгари ёхуд кейин, ҳад урмасдан илгари иқроридан қайтса ё ҳад уриб турганнинг ўртасида иқроридан қайтса, қўйиб юборилур, бу ростгўй эканлигининг эҳтимоли бор жиҳатидан. Чунончи, «Туҳфа» китобида мазкурдир.

وَ إِلاَّ حُدَّ

Агар «зино қилдим», деб иқрор қилиб, ул иқрор қилганидан қайтмаса, ҳад тўлиқ урилгай.

وَ هُوَ لِلْمُحْصَنِ اَيْ لِحُرٍّ مُكَلَّفٍ مُسْلِمٍ وَطِئَ بِنِكَاحٍ صَحِيحٍ وَ هُمَا بِصِفَةِ الاِحْصَانِ

Ва бу ҳад урмоқ икки қисмдир: бири сангсор қилмоқ ва бири юз дарра урмоқ. Ҳад урмоқ муҳсангадир, яъни, озод ва балоғатга етган мусулмон одам бўлиб, умрида ул зинога мубтало бўлган вақтигача никоҳи шаръий билан хотин олиб, жимоъ қилган бўлса. Ва эру хотиннинг иккиси ҳам мазкур сифатларда бўлсалар.

رَجْمُهُ فِي فَضَاءٍ حَتَّى يَمُوتَ

Зинокорни то ўлгунча сангсор қилмоқ кенг жойда бўлгай.

يَبْدَأُ بِهِ شُهُودُهُ

Тош отмоқни гувоҳлар бошлагайлар, Зероки, улар ҳадни адо қилмоққа журъат ва иқдом қилгайлар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

فَإِنْ اَبَوْا أَوْ غَابُوا أَوْ مَاتُوا سَقَطَ

Агар гувоҳларнинг ҳаммаси ё баъзиси тош отмоқни қабул қилмасалар, ё тош отар вақтда ғойиб бўлсалар, ё ўлсалар, ё

www.ziyouz.com kutubxonasi

жинни бўлсалар, ё фосиқ бўлиб қолсалар, ё покиза хотинни «зинокорсан», деб ҳақорат қилсалар, ё кўр бўлиб қолсалар, ё гунг бўлиб қолсалар, ё диндан қайтсалар, ул кишидан сангсор қилмоқ соқит бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

ثُمَّ الإِمَامُ ثُمَّ النَّاسُ

Гувоҳлар тош отмоқни бошлаганларидан кейин подшоҳ ё қози тош отгай. Ундан кейин гувоҳликни адо қилганларини муойана билган мусулмон одамлар ёки қози тош отмоққа ижозат берган мўъмин одамлар тош отгайлар.

وَ فِي الْمُقِرِّ يَبْدَأُ الإِمَامُ ثُمَّ النَّاسُ

Зино қилганлигига ўзи иқрор қилганда, иқрор қилувчини тошбўрон қилурда аввал подшоҳ ё қози бошлаб отгай, ундан кейин қози ижозат берган одамлар отгайлар.

وَغُسِلَ وَكُفِّنَ وَصُلِّيَ عَلَيْهِ

Ўлгандан кейин ювилгай ва кафан қилингай ва намози жаноза ўқилгай.

وَ لِغَيْرِ الْمُحْصَنِ جَلْدُهُ مِائَةً وَسَطًا بِسَوْطٍ لاَ ثَمْرَةَ لَهُ

Муҳсандан бошқа одамга, яъни, мазкур муҳсанлик шартлари топилмаган зино қилувчига юз дарра урмоқдирки, ул урмоқ миёна (ўртача) бўлгай, учида тугуни йўқ дарра билан ўлдирадиган қилиб урмай, хўб алам қилиб, оғрийдиган қилиб ургай ва яродор қилмай ургай. Зероки, ҳад урмоқдан мақсад зажру сиёсат қилмоқ ва уни зинодан манъ қилмоқдир. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир.

يُنْزَعُ ثِيَابُهُ

Либослари ечилиб, яланғоч қилинур, токи дарра алами зиёда топгай. Ундан кейин қўрқиб, ўзини зинодан тортгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

إِلاَّ الإِزَارُ

Фақат иштони ечилмагайки, кашфи аврат бўлмагай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ يُفْرَقُ عَلَى بَدَنِه

Юз мартаба урмоқда бир жойга урилмагай, ҳамма баданига бўлиб-бўлиб урмоқдан қадри ҳисса бергай. Зероки, бадан лаззат ва ҳузурни топгувчидир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

إِلاَّ رَأْسَهُ وَ وَجْهَهُ وَ فَرْجَهُ

Фақат бошига, юзига ва шармгоҳига урилмагай. Бу Пай-ғамбар алайҳиссаломнинг қавллари жиҳатиданки, бир одамни ҳад уришга буюрганларида, юзга ва шармгоҳга эҳтиёт бўл, дедилар. Чунончи, «Дурару-л-Ҳукком»да мазкурдир. Бошқа далил шуки, фарж, яъни, шармгоҳ жойи қатл, яъни, ўлдириладиган ўриндир, ҳавос (сезгилар)нинг йиғиладиган жойидир. Ушбуга ўхшаш юз ҳам маҳосиннинг жамъ бўладиган жойидир, яъни, чиройли кўринадиган нарсаларнинг йиғилган жойидир. Бас, мазкур аъзоларга урмоқ маънан нобуд қилмоққа етқизмоқдир. Чунончи, «Ғунияту завйи-л-аҳком»да ҳам мазкурдир.

قَائِمًا فِي كُلِّ حَدٍّ بِلاَ مَدٍّ

Ҳад урадиган киши ҳад уришнинг ҳаммасида тик турган ҳолида ургай. Зероки, дарра урадиган киши тик туриб, дарра урса, баданининг ҳар қайси жойига бўлиб-бўлиб урмоққа қодир бўлгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ургандан кейин аъзодан даррани судраб тортиб олмай ургай. Ёки урадиган киши қўлини бошидан қўлтиқ кўрингунча баланд кўтармай ургай. Ёки уриладиган одамни ерга ётқизиб ва оёқларини узаттириб қўйиб урмагай. Мазкурларнинг ҳаммаси дарра уриладиган одамга ошиқча азоб бермоқдир, бас, ундоқ қилинмагай. Машойихларнинг ихтилофларига қараганда, албатта, буларнинг ҳаммаси жоиз эмас. Чунончи, «Муҳит», «Дурарул-Ҳукком», «Шарҳи Виқоя» ва «Алиййу-л-Қорий»да мазкурдир.

وَ لِلْعَبْدِ نِصْفُهَا

Қулга мазкур ҳаднинг ярмидир, яъни, эллик дарра урилур.

وَ لاَ يَحُدُّ سَيِّدٌ بِلاَ اِذْنِ الاِمَامِ

Хожа қулга ва чўрига подшоҳдан ё ноибидан бежавоб ҳад

www.ziyouz.com kutubxonasi

урмагай. Зероки, ҳад Худойи таолонинг ҳақидир. Чунки ҳад урмоқдан мақсад фасоддан оламни холий қилмоқдир. Ушбу жиҳатдан банда ҳадни соқит қилгани билан ҳад соқит бўлмайди. Ҳаднинг жойига шариат жойи бўлган подшоҳ ё унинг ноиби келтургай. Таъзир ҳаднинг хилофидадир, зероки, ҳаққу-л-абддир. Ушбу жиҳатдан ёш болага таъзир берилур ва ундан ҳаққуш-шаръ соқитдир. Чунончи, «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир.

وَ لاَ يَنْزَعُ ثِيَابُهَا

Хотин кишига ҳад урилганда, кийимлари ечтирилмагай, зероки, хотинининг тамом аъзоси авратдир, яланғоч қилинганда, кашфи аврат бўлгай. Чунончи, «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир.

إِلاَّ الفَرْوُ وَ الْحَشْوُ

Бироқ пахтали жома, юнг солинган либос ва пўстин бўлса, ечиб олингай, булар уриладиган кишига алам етмоқни манъ қилгай. Бу ҳам «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир. Агар мазкур кийимдан бошқа кийими бўлмаса, ечиб олинмагай.

وَ تُحَدُّ جَالِسَةً

Хотин кишини ўтқазиб қўйиб, ҳад урилур. Зероки, хотинга ўлтирмоқ пўшишроқдир.

وَ جَازَ الحَفْرُ لَهَا

Хотин кишини сангсор қилишда ерни кавлаб, киндиккача ё кўкраккача кўммоқ жоиздир, Зероки, Пайғамбар алайҳиссалом Ғомидиййа номли заифага, ҳазрати Алий розийаллоҳу анҳу Шароҳа номли хотинга чуқур кавлатдилар. Агар чуқурга кўммай, тошбўрон қилинса, зарари йўқдир. Зероки, ул жаноб соллаллоҳу алайҳи ва саллам чуқур кавлаб, хотин кишини ярмидан кўмиб, сангсор қилмоққа амр қилмадилар. Хотин киши кийимлари билан ўралинган бўлгай. Чунончи, «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир.

لاَ لَهُ

Аммо эркак кишини сангсор қилурда чуқурга солмоқ дуруст эмас, зероки, эркак кишини чуқурга солмоқ машҳур қилмоқни

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўқ қилур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Моъизни сангсор қилурда чуқур кавлатмадилар. Чунончи, «Дурарул-Ҳукком»-да мазкурдир.

وَ لاَ جَمْعَ بَيْنَ جَلْدٍ وَ رَجْمٍ

Зино қилганлиги муқаррар бўлган муҳсанга жазо беришда ҳам дарра урмоқни ва ҳам сангсор қилмоқни жамъ қилмоқ йўқдир.

وَ لاَ جَلْدٍ و نَفْيٍ

Муҳсандан бошқада дарра урмоқни ва шаҳардан ҳайдаб чиқармоқни жамъ қилмоқ йўқдир. Шаҳардан ҳайдаб чиқармоқ бир ойдан бир йилгачадир. Чунончи, «Гўрмирий»да мазкурдир.

إِلاَّ سِيَاسَةً

Бироқ сиёсат учун ва мусулмонларга фойдали маслаҳат учун ва шаҳарларни унинг шарридан эҳтиёт қилмоқ учун ва сақламоқ учун шаҳардан ҳайдаб чиқармоқ дурустдир.

وَ يُرْجَمُ الْمَرِيضُ

Зино қилган муҳсан касал киши касаллик ҳолида сангсор қилинур, зероки, ул ўлмоққа лойиқдир. Касал бўлгани сабабидан тошбўрон қилмоқдан қайтарилмайди. Чунончи, «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир.

وَ لاَ يُجْلَدُ إِلاَّ بَعْدَ الْبُرْءِ

Ва зино қилган ғайри муҳсан касал кишига дарра урилмагай, бироқ тансиҳат бўлиб, яхши бўлгандан кейин дарра урилур. Албатта, ул касал яхши бўлгунча қамаб қўйилур, шундан сўнг дарра урилур, бироқ яхши бўлмоғидан умид узилса, касаллик ҳолида ҳад барпо қилинур. Чунончи, «Муҳит»да мазкурдир.

وَ تُرْجَمُ الحَامِلُ بَعْدَ الْوَضْعِ

Сангсор қилмоққа лойиқ бўлган бўғоз хотин туққандан кейин тошбўрон қилинур, нифоси тамом бўлмоғига қаралмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар болани тарбия қиладиган (одам) бўлса (сангсор қилинур), агар бўлмаса, болани парвариш қилмоқдан қутулганидан кейин сангсор қилинур, бу болани нобуд бўлмоқдан эҳтиёт қилмоқ учундир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ تُجْلَدُ بَعْدَ النِّفَاسِ

Юз дарра урмоққа лойиқ бўлган бўғоз хотин болани туғиб, нифоси ўтгандан кейин урилур.

وَ يُدْرَأُ بِالشُّبْهَةِ فِي الْفِعْلِ اَيْ ظَنِّ غَيْرِ الدَّلِيلِ دَلِيلاً

Феълда шубҳа қилмоқ билан жимоъ қилгани сабабидан исбот қилинган ҳад манъ қилинур, яъни, жимоъ қилинган хотин ўзига жимоъ қилмоқ ҳалоллигига далил эмас нарсани далил деб гумон қилмоғи.

كَامَةِ اَبَوَيْهِ وَ زَوْجَتِهِ

Отасининг, онасининг ва хотинининг чўрисини, менга жимоъ қилмоқ ҳалол, деб яқинлик қилганга ўхшаш.

فَلاَ يُحَدُّ إِنْ ظَنَّ أَنَّمَا تَحِلُّ

Бас, мазкурларда жимоъ қилган киши мазкур канизакни ҳалол деб гумон қилган бўлса, ҳад урилмайди.

وَ فِي الْمُحِلِّ أَيْ بِقِيَامِ دَلِيلٍ نَافٍ لِلْحُرْمَةِ ذَاتًا كَامَةِ إِبْنِهِ

Яна жимоъ қилган сабабидан исбот қилинган ҳад урмоқ соқит бўлур жимоъ қилинган канизакда шубҳа бўлгани жиҳатидан, яъни, бир далил барпо қилмоқ биланки, ул далил зотига қараганда, унинг ҳаромлигини йўқ қилиб, ҳалоллигини кўрсатадигандир, ўз ўғлининг чўрисини, жимоъ қилмоғим ҳалол, деб гумон қилганга ўхшаш. Зероки, бунда далилдан шубҳа пайдо бўлур. Ул далил Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак қавллари, яъни, сўзларидирки:

أَنْتَ وَ مَالُكَ لاَبِيكَ

яъни: «Ўзинг ва молинг отангникидир». Бу ҳадиси шариф ҳақиқатан ўғлининг моли отага мулк бўлмоғини исбот қилма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

са ҳам, мулкда шубҳани исбот қилур, бақадри имкон ҳарфи «лом»га амал қилингани учун. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ مُعْتَدَّة الْكِنَايَات

Киноя лафзлари билан талоқ бўлган хотинни иддада ўтирганида жимоъ қилганга ўхшаш. Албатта, далил бунда саҳобалар ризвонуллоҳи таоло алайҳимнинг баъзиларининг қавлларидадирки, киноя лафзлари ражъийдир. Чунончи, «Дурару-л-Ҳукком»да мазкурдир.

وَ الْمَبِيعَة قَبْلَ التَّسْلِيم

Сотилган чўрини сотиб олган кишига топширмасдан илгари сотган одам жимоъ қилганга ўхшаш. Зероки, сотган кишининг ул чўридан мулки йўқ бўлган бўлса ҳам мулк шубҳаси бордирки, ул шубҳа канизакдан кейин қолмоғи ва агар топширмасдан илгари нобуд ва ҳалок бўлса, байъининг бузилмоғидир. Чунончи, «Дурару-л-Ҳукком», «Шарҳи Виқоя»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

فَلاَ يُحَدُّ وَ إِنْ اَقَرَّ بِالْحُرْمَة

Бас, бу баён қилинган сувратларда, яъни, ҳалол, деб шубҳа билан жимоъ қилинган сувратларда ватий қилган кишига ҳад урилмайди, гарчи ҳаромлигига иқрор қилса ҳам, зотига қараганда, ҳаром бўлмоғини йўқ қиладиган далил борлиги жиҳатидан, яъни, бундоқ канизакларнинг менга ҳаромлигини билур эдим, аммо далилга қараганда, уларнинг менга ҳалол бўлмоғи дуруст ва лойиқ эди деса, унга ҳад урилмайди.

وَ حُدَّ بِوَطْئِ اَمَة اَخِيه

Бир туғишган ака ё укасининг чўрисини ватий қилмоғи билан ҳад урилур. Ё амакининг, ё никоҳи ҳаром бўлган қариндошининг канизагини жимоъ қилгани сабабли ҳад урилур, хоҳ уни жимоъ қилмоқни ҳалол деб гумон қилсин, хоҳ ҳаром деб гумон қилсин, зотига қараганда, ҳаромлигини йўқ қиладиган далил қойим бўлмагани жиҳатидан (ҳад урилур). Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ اَجْنَبِيَّةٍ وَجَدَهَا فِي فِرَاشِهِ وَ إِنْ هُوَ اَعْمَى

Бегона хотинни тўшагида топиб, жимоъ қилгани сабабидан ҳад урилур, гарчи жимоъ қилган киши кўр бўлса ҳам. Гарчи кечаси ниҳоятда қоронғи бўлса ҳам. Чунончи, «Хонийя»да мазкурдир.

لاَ إِنْ زُفَّتْ وَ قُلْنَ هِيَ زَوْجَتُكَ وَ لاَ يُحَدُّ الْخَلِيفَةُ

Аммо қуйидаги одамга ҳад урилмайдур: янги олган хотинини келин қилиб хотинлар олиб келиб, унга топширишда бошқа хотинни, бу сенинг никоҳланган хотининг, деб топширурлар, ундан кейин ул хотинни жимоъ қилур. Зероки ул куёв хотинларнинг берган хабарларига ишонибдур. Чунончи «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

Ва Султонга, яъни, тепасида подшоҳ йўқ подшоҳга ҳад урилмайдур. Зероки, ҳад урмоқ Худойи таолонинг ҳақидир, уни жорий қилмоқ султонга махсусдир. Ул ўзига ўзи ҳад урмоқни барпо қилмоғи мумкин эмас. Чунончи, «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир.

وَ يُقْتَصُّ

Қасос қилинур, яъни, бир одамни султон ноҳақ ўлдирса, ўзи ўлдирилур ва қандоқ жароҳатнок қилган бўлса, шундоқ қилинур. Зероки, ҳақ оладиган меросгирдир ё моликдир, баҳар-нав ҳаққу-л-абддир. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир. «Дурарул-Ҳукком»да ва бошқа китобларда ҳам мавжуддир.

وَ يُؤْخَذُ بِالْمَالِ

Султон бир одамнинг молини тортиб олган бўлса ё нобуд қилган бўлса, ушлаб олинур, зероки, банданинг ҳақидир. Чунончи, «Гўрмирий»да мазкурдир. Агар бир одам бир хотинни дубурига ватий қилса ё бир ўғил болани ватий қилса, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, ҳад урилмайди, таъзир берилади ва тавба қилгунча зиндонга солиб қамаб қўйилур. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳнинг наздларида, зинога уриладиган ҳад баробари ҳад урилур. Агар муҳсан бўлмаса, юз дарра урилур, агар муҳсан бўлса, тошбў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рон қилинур. Саҳобалар ризвонуллоҳи таоло алайҳим ливотанинг зино эмаслигига иттифоқ бўлдилар. Ливота қилғувчига жазо лозим бўлурига ихтилоф қилишдилар.

Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу таоло анҳуданки, ливота қилувчи ва ливота қилдирган ўтда куйдирилгай. Алийу-л-Муртазо розийаллоҳу таоло анҳуданки, иккаласига юз даррадан урилгай ва иккаласи тошбўрон қилингай. Ибни Аббос розийаллоҳу таоло анҳуданки, иккаласи баланд жойдан ташлаб юборилгай ва орқаларидан тош отилгай. Зубайр розийаллоҳу таоло анҳуданки, бадбўй ва сассиқ мавзиъларга қамаб қўйилгай, токи иккаласи ул сассиқ жойда сасиб, бадбўй бўлиб ўлгай. Баъзи саҳобалар ризвонуллоҳи таоло алайҳимданки, иккаласи, яъни, ливота қилувчи ва қилдирувчи деворнинг тагига қўйилиб, устига йиқитилгай. Чунончи, «Ҳамидий»да мазкурдир. Ва бу ривойат қилинганлар сиёсатга маҳмулдир. Ва Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ таъзир бермоқни вожиб қилдилар ва сиёсатни подшоҳга тафвиз қилдилар, ихтиёр подшоҳдадир. Агар ливота қилувчи ва ливота қилдиргувчини ўлдиришга одат қилган бўлса, ўлдиргай. Саҳобалар розийаллоҳу таоло анҳумнинг ихтилоф қилишганлари сиёсатга ҳамл қилингандир, яъни, адабни яхшилаб бермоққа ҳамл қилингандир, ҳукмга ҳамл қилинган эмас.

Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ айтдиларки, саҳобалар розийаллоҳу анҳум ливота қилувчини ва ливота қилдирганни асли ўлдирмоқда ихтилофлари иттифоқдир, яъни, азоб билан ўлдирмоқда, ундоқ ўлдирилсин, бундоқ ўлдирилсин, деб ихтилоф қилишдилар. Бас, бизларнинг саҳобалар розийаллоҳу анҳумга пайравлик қилмоғимиз ва иттифоқ қилган нарсаларига эргашмоғимиз вожибдир. Ва бу иттифоқлари ливота қилувчи билан ливота қилдиргувчини ўлдирмоқдир. Бошқа далил шуки, ливота қилувчига ҳад урмоққа жамъ бўлдилар, яъни, иттифоқ қилдилар. Ва ҳаднинг вожиб бўлмоғига ихтилоф қилишдилар. Чунончи, «Кофий»да мазкурдир.

Чорпо ҳайвонни ватий қилганга ҳад урилмайди, балки таъзир берилур. Ва ул ватий қилинган ҳайвон сўйилгай, сўнг у куйдирилгай. Ул ҳайвондан тириклигида ва ўлганида нафъ олмоқ макруҳдир. Чунончи, «Китоби мужтабо»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

يُعْرَضُ عَلَيَّ أَعْمَالُ بَنِي آدَمَ فِي كُلِّ جُمْعَةٍ مَرَّتَيْنِ يَكُونَ شِدَّةُ غَضَبِ اللهِ تَعَالَى عَلَى الزَّانِي

Яъни, Пайғамбар алайҳиссалом дедилар: «Ҳар жумъада менга одам ўғлининг амаллари икки мартаба кўрсатилур. Худойи таолонинг уқубати ва азоби қаттиқроғининг асарини зино қилувчида кўраман».

Ва яна ҳадисда келибдурки, зино умрни қисқа, ризқни танг, юзни бенур қилур. Ва яна ҳадисда келибдурки, ҳар ким бир гўдакни шаҳват билан ўпса, Хақ таоло уни оташи дўзахда минг йил азоб қилур. Ва кимки ёш болани феъли бад қилса, то тавба қилмаса, жаннатнинг бўйини топмайди. Хадисда келибдики:

اَلنَّظَرُ اِلَى الْحَرَمِ سَهْمٌ مَسْمُوْمٌ مِنْ سِهَامِ اِبْلِيسَ

Яъни: «Ҳаром нарса тарафига қарамоқ шайтоннинг заҳарли ўқидан бир ўқдир». Чунончи, мазкур масъала «Солати Масъудий»да ҳам мазкурдир.

«Мажолисул-ъуйун» номли китобда кўрдимки, шундай ривойат қилинибди:

لَوْ إِغْتَسَلَ اللوطي بِمَاءِ البِحَارِ لَمْ يَجِئْ يَوْمَ القِيَامَةِ إِلاَّ جُنُبًا

яъни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар ливота қилувчи дарёлар сувига чўмилса ҳам, Қиёмат кунида жунублигича ҳашргоҳга келгай». Ва яна ул жаноб соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ҳар вақт эркак эркак одамнинг устига чиқса, Арш титрагай ва қимирлагай, осмонлар айтгайки, эй Парвардигоро, бизларга ижозат бергил, уларни тош билан урайлик. Ер айтгайки, эй Парвардигоро, менга фармон қилгил, уларни ютайин. Худойи таоло айтгай: «Уларни қўйинглар, албатта, уларнинг йўли Қиёматда менинг олдимга бориб, тўхтаб турмоқдир». Чунончи, «Нузҳатул-мажолис»да мазкурдир.

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу айтдилар: «Ҳар вақт эркак эркакнинг устига минса, шайтон уларга нозил бўладиган лаънатдан қўрқиб қочгайки, унга (менга) ҳам лаънатдан етмагай (деб)». Ва яна ул жаноб розийаллоҳу анҳумодан: «Худойи таборак ва таоло ливота қиладиган одамнинг сувратини қабрида

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўнғиз сувратида қилгай. Ул ливота қиладиган одамнинг дўзах оташи ҳар кунда етмиш марта бурнидан кириб, дубуридан чиқиб тургай. Чунончи, «Мунтахабу-н-нафоис»да ҳам мазкурдир.

Содиқ розийаллоҳу анҳудан ривойат қилинди, ул жаноб айтдилар: «Худойи таборак ва таоло жаннатни истаброқийда, яъни, «дебо» номли кийимда ўлтирмоқни ливотани талаб қилиб берадиган одамга ҳаром қилибдур».

Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Кимики бир болани шаҳват билан ўпса, Худойи таборак ва таоло уни оташи дўзах билан юганлагай». Содиқ розийаллоҳу анҳу айтдилар: «Албатта, Худойи таоло мўъмин одамни шаҳватининг сулбида халқ қилиб, унинг орқа устихонида пайдо қилибди. Кофирнинг шаҳватини унинг дубурида пайдо қилибди». Чунончи, «Макоримул-ахлоқ»да мазкурдир.

Қазвиний раҳматуллоҳи алайҳнинг «Муфидул-улум ва мубидул-ҳумум» номли китобида кўрдимки, эшак ва тўнғиз ливота қиладигандурлар. Валийуллоҳ Тақийуддин ал-Ҳизнийнинг «Танбиҳус-солик» номли китобларида кўрдимки, баъзи уламодан нақл қилмишки, ҳазрати Лут алайҳиссалом-нинг қавмлари тўнғиз ва эшакнинг ливота қилганларини кўриб, иккаласидан ливота қилмоқни ўргандилар.

Ибн Аббос розийаллоҳу таоло анҳумодан ривойатки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Лут қавмининг амалини қиладиган одамни топсангизлар, қилганни ҳам, қилдирганни ҳам ўлдиринглар». Ва яна айтдилар: «Кимки чорва ҳайвонига ётса, уни ўлдиринглар ва ул қилинган ҳайвонни ҳам қилган одам билан қўшиб ўлдиринглар».

Жобир бин Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривойатки, ул жаноб айтдилар: «Расули Худо соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки, умматимнинг зарарига мен қўрқадиган нарсанинг хавфлироғи Лут қавмининг амалидир, яъни, эркак одамни ватий қилмоқдир». Чунончи, «Масобаҳ»да мазкурдир.

Қулини ливота қилганда ва бегона одамни ливота қилганда, ва бегона хотинни ливота қилганда, ул иккаласида қаттиқроқ таъзир берилгай, иккаласида таъзир бермоқнинг ихтиёри подшоҳдадир, агар хоҳласа, борди-ю, ўлдирмоқни одат қил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган бўлса, ўлдиргай, агар хоҳласа, ургай ва қамаб қўйгай. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ айтдиларки, ҳад урмоқ лозимдир. Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу анҳу айтдиларки, ўтга ташлаб куйдирилгай. Шаъбий раҳматуллоҳи алайҳ айтдиларки, жамиъи аҳволда тошбўрон қилинур. Чунончи, «Муъинул-ҳукком»да ҳам мазкурдир.

Ва яна Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламданки, кимики Лут қавмининг амалини қилса, ўлганида қабрида бир соатдан зиёда турмайди, Худойи таборак ва таоло бир фаришгани хаттофнинг, яъни, абобилнинг сувратига ўхшаш қилиб, унинг қабрига юборгай. Ул фаришта ул ливота қилувчини икки оёғи билан чангаллаб олиб бориб, Лут қавмининг шаҳрига ташлагай. Ундан кейин ул ливота қилувчининг пешонасига «Худойи таолонинг раҳматидан навмид бўлувчидир», деб битилгай.

Яна ул жаноб соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Рўзи қиёматда боши йўқ ёш болалар келтирилгай, Худойи таборак ва таоло айтгай: «Сизлар кимдурсизлар?» Ул бошлари йўқ ёш болалар айтгайлар: «Бизлар зулм қилинганлармиз». Худойи таборак ва таоло айтгай: «Сизларга ким зулм қилди?» Улар айтгайлар: «Оталаримиз зулм қилди, дунёда эркакларни ливота қилиб, бизларни дубурларнинг ичига ташладилар». Шундан сўнг Худойи таборак ва таоло: «Ливотачиларни дўзахга ҳайданглар», деб фаришталарга фармон қилгай: «Ул ливотачиларнинг юзларига Худойи таборак ва таолонинг раҳматидан ноумид бўлғувчилардир, деб битинглар». Чунончи, «Нузҳатул-мажолис» ва «Мунтахабу-н-нафоис»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

БУ ФАСЛ МУҲСАН КИШИ ВА МУҲСАНА ХОТИННИ ЗИНО ЛАФЗИ БИЛАН ҲАҚОРАТ ҚИЛГАНГА БЕРИЛАДИГАН ЖАЗО ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ БАЁНИ

مَنْ قَذَفَ مُحْصَنًا اَيْ حُرًّا مُكَلَّفًا مُسْلِمًا عَفِيفًا عَنِ الزِّنَى بِصَرِيحِهِ

Бир одам муҳсан одамни ё муҳсана хотинни, яъни, озод балоғатга етган мусулмон, оқил, зинодан пок одамни зоҳир ва сариҳ зино лафзи билан ҳақорат қилса, масалан, «сен, хотин зино қилдинг» ёки «сен – зино қилувчисан», ёки «эй, зино қиладиган эркак», деса, чунончи,

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир, ҳақорат қилган одамга ҳад урилур, қайси тил билан ҳақорат қилса ҳам, хоҳ арабий бўлсин, хоҳ форсий бўлсин, хоҳ булардан бошқа тил билан ҳақорат қилган бўлсин. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир. Агар, «эй ливотачи» деса, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, ҳад урилмайди. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида, урилур. Чунончи, «Қозихон»да мазкурдир.

أَوْ بِلَسْتَ لِأَبِيكَ أَوْ لَسْتَ بِابْنِ فُلَانٍ وَ هُوَ أَبُوهُ حُدَّ ثَمَانِينَ سَوْطًا كَحَدِّ الشُّرْبِ

Ё бир одамни ғазаб ҳолатида, «сен ўз отангдан эмассан», деса ёки «сен фалон одамнинг, масалан, Зайднинг ўғли эмассан» деса, ваҳоланки, ул Зайд бу кишининг отаси бўлса, ул зино лафзи билан ҳақорат қилган кишига саксон дарра урилур, бу маст қиладиган нарсани ичган кишига ўхшаш. Зероки, отасидан нисбатни йўқ қилмоқ гўёки, сен албатта зинодан туғилгансан, демоқ бўлур. Бас, унинг онасини ҳақорат қилган бўлур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир. Агар аччиғи чиқмай ва ғазаби келмай турган ҳолда айтса, ҳад урилмайди, итоб қилиб айтмоқ эҳтимоли борлиги жиҳатиданки, сен ҳусни хулқда отангга ўхшамассан, деган маъно бўлур. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

Ҳақорат қилган одамнинг ақлли ва балоғатга етганлиги шарт қилинибди, бас, ҳақорат қилган киши жинни ёш бола бўлса, ҳад урилмайди. Зероки, улар азоб-уқубат бериладиганлар аҳлидан эмаслар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ الطَّلَبُ بِقَذْفِ الْمَيِّتِ لِلْوَالِدِ وَ الْوَلَدِ وَ وَلَدِهِ وَ لَوْ مَحْرُومًا

Ўлиб кетган одамни, «зино қилувчи», деб ҳақорат қилгани сабаб ҳақорат қилган одамга ҳад урдирмоқни талаб қилиб, даъво қилмоқ отасига, онасига, отасининг отасига ва онасининг онасига тегишлидир, агар ҳар қанча баланд кетса ҳам. Боланинг боласига тегишлидир, агар ҳар қанча паст кетса ҳам, яъни, набиранинг набирасининг набираси бўлса ҳам. Гарчи улар меросдан маҳрум бўлсалар ҳам, зеро уларга ор жузъиййат сабабидан лоҳиқ бўлур. Бас, уларга маънан ҳақорат шомил бўлур. Чунончи, «Дурарул-Ҳуккам»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Меросдан маҳрум бўлганлик эса ўзининг отасини ўлдирганлик сабабидан, ё отаси ўғлини ўлдирганлик сабабидан, ё ҳақорат талаб қиладиган толиби кофир бўлганлик сабабидан, ё қул бўлганлик сабабидан бўлур. Бовужуди ҳамиййат қилиб, зино билан ҳақорат қилган кишини қозига чақириб, мурофаа қилса, ҳад урдирмоқ валойати бордир.

وَ لاَ يُطَالِبُ اَحَدٌ سَيِّدَهُ وَاَبَاهُ بِقَذْفِ أُمِّه

Қулдан ва ўғилдан ҳеч қайси бири хожа ва отаси зино билан онасини ҳақорат қилгани сабабларидан уларга ҳад урмоқни талаб қилолмайди. Зероки, хожага қул сабабидан ва отага ўғил сабабидан азоб қилинмайди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз», «Дурарул-Ҳукком», «Баҳр» ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

وَ لَيْسَ فِيهِ اِرْثٌ وَ عَفْوٌ وَ عِوَضٌ

Ва зино бирла ҳақорат қилган киши ўлса, ҳақорат қилган одамга ҳад урмоқда ворисларга мерос йўқдир, яъни, ҳақорат қилинган киши вафот топгандан кейин меросгирларга ҳад урдирмоқни даъво қилиб, урдира олмайдилар ва ҳақорат қилинган киши қозига арз қилгандан кейин ҳақорат қилган одамни афв қилмоғи ва кечмоғи ва гуноҳидан ўтмоғи йўқдир. Ва ҳақорат қилинган киши ҳақорат қилган одамдан қилган ҳақорати эвазига мол олмоғи йўқдир, масалан, Зайд Бакрни ҳақорат қилди, деб қозига арз қилгандан кейин иккаласи бир мол баробарига сулҳ қилишса, қози ул молни қайтариб бердириб, ҳақорат қилган одамга ҳад урадир.

وَ فِي يَازَانِي فَقَالَ بَلْ اَنْتَ حُدَّا

Бир кишига «эй зино қиладиган», деганда, ул киши «мен зино қиладиган эмасман, балки сен зино қиладигансан» деса, иккаласига ҳад урилур. Зероки, иккалалари бир-бирларини ҳақорат қилдилар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ لِعِرْسِه حُدَّتْ وَ لاَ لِعَانَ

Бир киши хотинига «эй зино қиладиган», деганда, хотини «мен зиночи эмасман, балки сен зино қилувчисан» деса, хотинига ҳад урилгай. Зероки, хотин эркакни зино лафзи билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақорат қилди. Ва эр ҳақорат қилгани билан лиъон йўқдир, зероки, ҳақорат қилган сабабдан ҳад урилганда, унда аҳли шаҳодатлик қолмади ва шаҳодатга аҳл бўлмоқ лиъоннинг шарти эди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир. Лиъон деб, шариатда шаҳодат билан беркитилган тўрт қасамга айтилурки, эрига тўрт мартаба ва хотинига тўрт мартаба ёд қилдирилур, баёни «Китобу-т-талоқ»да ўтган эди.

وَ إِنْ قَالَتْ زَنَيْتُ بِكَ هَدَرًا

Агар эр ўзининг хотинига «эй зино қилувчи», деб ҳақорат қилганида, хотин эрининг жавобида «сенинг билан зино қилдим» деса, ҳад билан лиъоннинг иккаласи ҳам соқит бўлур. Зероки, эрнинг сўзини ростламоққа хотиннинг сўзининг эҳтимоли бор, яъни, «никоҳдан илгари сен билан зино қилган эдим, рост айтдинг», демоғининг эҳтимоли бордир, бунда лиъон соқит бўлур. Ва рад бўлмоқнинг ҳам эҳтимоли бор, яъни, «агар сенда зино топилса, ул сени ўзимга яқинлик қилмоғингга қодир қилмоғимдан бошқа нарса эмас, зероки, мен сендан бошқани ихтиёрли қилганим йўқдир ва сени менга қодир қилмоғим зино эмас». Ушбу маънонинг эътибори билан эрнинг сўзи мардуд бўлиб, хотинга ҳад урилмоқ соқит бўлур. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да ҳам мазкурдир.

وَ مَنْ أُخِذَ بِرِيحِ الْخَمْرِ أَوْ سَكْرَانَ زَائِلَ الْعَقْلِ بِنَبِيذٍ وَ أَقَرَّ بِهِ مَرَّةً صَاحِيًا أَوْ شَهِدَ بِهِ رَجُلَانِ وَ عُلِمَ شُرْبُهُ طَوْعًا يُحَدُّ صَاحِيًا

Бир одамнинг оғзидан хамр (ароқ) иси келгани сабабли уни ушлаб олсалар ё ширадан ақл зойил бўлиб, маст бўлгани сабабли ушлаб олсалар, унинг ўзи шароб ичганига ё шира ичиб, маст бўлганига ҳушёр бўлгани ҳолида иқрор қилса, ёки унинг шароб ичганлигига ё шира ичганлигига икки киши гувоҳлик берса, мазкур хамрни ё ширани ўз ихтиёри билан ичганлиги маълум бўлса, ҳушёр ҳолида ҳад урилур.

Ибни Аббос розийаллоҳу анҳумоданки, ул жаноб айтдилар: «Ким маст ҳолида кечаси ётса, шайтонларга келин бўлиб ётгай, ул мастга тонг отганда ғусл қилмоқ лозимдир». Бу шу

www.ziyouz.com kutubxonasi

нарсага ишорат қилувчидирки, маст ҳеч нарсани фаҳмламагай ва идрок қила олмагай. Чунончи, «Заҳириййа»да мазкурдир.

لاَ بِمُجَرَّدِ الرِّيحِ أَوِ التَّقَيُّءِ أَوِ السُّكْرِ

Аммо мужарради оғзидан хамрнинг, яъни, шаробнинг иси келмоқ билан ўзи иқрор қилмай ё гувоҳлар шароб ичганлигига гувоҳлик бермай, ҳад урилмайди. Албатта, кимики беҳини ва олмани кўп еса, ундан хамрнинг иси келур ё шаробни қайт қилмоқ билан ҳад урилмайди. Чунки гоҳо зўрлик билан ичтирилур, ё мужарради маст бўлмоқ билан ҳад урилмайди, гоҳо мубоҳ нарсадан ҳам маст бўлинур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ إِنْ رَجَعَ عَنِ الإِقْرَارِ

Шароб ичганига қилган иқроридан қайтса, ҳад урилмайди.

مَنْ شَهِدَ بِحَدٍّ مُتَقَادِمٍ قَرِيبًا مِنْ إِمَامِهِ رُدَّ

Кимики ҳад урмоқни вожиб қиладиган нарсага гувоҳлик берсаки, ул нарса мавжуд бўлганига кўп замон ўтган бўлса, гувоҳлик берган киши подшоҳга ё қозига яқин жойда туриб, орада монеъ бўлмай, шаҳодатни таъхир қилган бўлса, ул гувоҳ рад қилинур, яъни, қабул қилинмайди.

إِلاَّ فِي قَذْفٍ

Бироқ, «зино қилувчисан», деб ҳақорат қилганда, гувоҳлик рад қилинмайди. Зероки, даъво қилмасдан илгари гувоҳлик бермоққа қудрати етмайди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ ضَمِنَ السَّرِقَةَ

Ўғирлаган одам ўғирланган нарсага товон тўлагай, қадимда (илгари) ўғирлаганига гувоҳлар гувоҳлик берсалар, яна товон тўламоққа ҳукм қилинур. Чунончи, «Алиййу-л-Қорий»да мазкурдир. Зероки, таъхири зарар бермайди, чунки ҳаққу-л-абддир. Лекин қўлини кесмоққа ҳукм қилинмайди. Чунончи, «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир.

وَ إِنْ أَقَرَّ بِهِ حُدَّ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар бир одам кўп вақт ўтгач, ҳад урмоқ вожиб бўладиган иш қилганига ўзи иқрор қилса, масалан, «етти йил бўлди, мен зино қилган эдим» деса, ҳад урилур.

وَ هُوَ لِلشُّرْبِ بِزَوَالِ الرِّيحِ

Ул қадим бўлмоқ маст қиладиган нарсани ичган киши тўғрисида шаробнинг бадбўйлиги ва сассиқлиги зойил бўлмоғидир. Бу Имом Аъзам ва Имом Абу Юсуф раҳимаҳумаллоҳ наздларида. Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, бир ойдир, бу бошқа ҳадларга бир ойнинг эътибор қилингани жиҳатидандир. Чунончи, «Музмарот» китобида мазкурдир. «Қозихон» китобида шундайки, шароб ичган вақтидан бир ой ўтганда, зоҳир ривойатда, «қадим» дейилур.

وَ لِغَيْرِهِ بِمَضِيِّ شَهْرٍ

Шаробдан бошқа ҳад урадиган ишларда, масалан, зино қилмоқ, ҳақорат қилмоқ ва ўғирлик қилмоққа ўхшаш нарсаларда қадим бўлмоғи, яъни, ўтиб кетган вақт бўлмоғи бир ой ўтмоғидир.

وَ إِنْ شَهِدَ بِزِنًا وَ هِيَ غَائِبَةٌ حُدَّ

Агар бир одамнинг зино қилганлигига тўрт шоҳид гувоҳлик берса ва ул зино қилинган хотин ғойиба бўлса, зинокорга ҳад урилур, зонийа хотиннинг ҳозир бўлмоғига мунтазир бўлинмайди. Зинокор одам ғойиб бўлганда, ул топилгунча мунтазир бўлмай, зонийа хотинга ҳад урилганга ўхшаш, бу эса зинонинг собит ва муқаррар бўлмоғига даъво шарт бўлмагани жиҳатидандир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Бунда шу нарсага ишорат борки, агар бир одамнинг ўзи зино қилганига иқрор бўлса, ваҳоланки зонийа хотин ғойиб бўлса, зонийга ҳад урилур. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир.

وَ بِسَرِقَةِ مِنْ غَائِبٍ لَا

Агар ғойибдаги одамнинг молини бир киши ўғирлаганига гувоҳлик берсалар, ул ўғрига ҳад урилмайди, яъни, қўли кесилмайди то ўғирланган молнинг эгаси кетган жойидан қайтиб, ҳозир бўлмагунча.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ نُصِّفَ حَدُّ الْعَبْدِ

Қулнинг ва канизакнинг ҳадди озод кишининг ҳаддига нисф қилинур, яъни, озод кишига бериладиган ҳаднинг, яъни, жазонинг ярми берилур, масалан, зино учун, ҳақорат учун ва шароб ичгани учун ҳад уриладиган бўлса. Аммо жазонинг нисфини бермоқнинг иложи бўлмаса, нисф қилинмайди. Ўғирлик, қатъи тариқ (йўлтўсар)лик – буларда жазо бутун берилур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ كَفَى حَدٌّ لِجِنَايَاتٍ اتَّحَدَ جِنْسُهَا

Кўп жиноятда бир ҳад урмоқ кифоя қилурки, ул жиноятларнинг жинси бир бўлса, масалан, ҳар вақт неча мартаба зино қилса, бир ҳад кифоя қилур ёки неча мартаба шароб ичса, бир ҳад кифоя қилур, ёки неча мартаба ўғирлик қилса, бир ҳад кифоя қилур, ёки неча мартаба бир одамни ҳақорат қилса, бир ҳад кифоя қилур, ёки бир ҳақорат калима билан такроран сўкса, ул кишига бир ҳад кифоя қилур, – бу эса жиноятдан одамни манъ ва зажр қилмоқ ҳосил бўлгани жиҳатидандир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Аммо бир жиноятни қилганига ҳад урилгандан кейин яна ўшал жиноят жинсидан иккинчи маротаба қилса, ҳад урмоқ вожиб бўлгай. Чунончи, «Фатовойи Қозихон»да мазкурдир.

Бас, ҳар вақтики, жиноятнинг жинси мухталиф бўлса, масалан, ҳар вақт бир киши зино қилса ва яна ҳақорат қилса, шароб ичса, ўғирлик қилса, – ҳар қайси бирининг ўзига ўз ҳадди вожиб бўлгай, яъни, ул кишига ҳаммаси учун бериладиган жазо берилгай. Агар мазкур жиноятларнинг жазоси бир кишига ўлдирмоқ билан жамъ бўлса, ҳақоратнинг ҳаддидан бошлангай, ундан кейин ўлдирилгай, қолган жазолар соқит бўлгай. Чунончи, «Китобул-ихтиёр»да мазкурдир.

وَ اَكْثَرُ التَّعْزِيرِ تِسْعَةٌ وَثَلَاثُونَ سَوْطًا

Таъзирнинг кўпроғи Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг наздларида, ўттиз тўққиз савтдир. Зероки, лойиқ шулки, таъзир ақалли ҳадга етмагай ва ҳаднинг ақалли (камроғи) қирқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дир ва бу қирқ дарра урмоқ қул ҳақорат қилганда ва шароб ичганда урмоқдир. Чунончи, «Шарҳи Виқоя» ва «Дурару л-Ҳуккам»да ҳам мазкурдир.

وَ اَقَلُّهُ ثَلاَثَةٌ

Таъзирнинг камроғи уч дарра урмоқдир. Зероки, бир-икки дарра урмоқ таҳдид ва сиёсатдир, таъзир эмасдир. Ва асло шуки, ҳад урмоқ вожиб бўлган бўлса, кўп урмоқ ва агар кўп ҳад урмоқ лозим бўлмаса, қозининг раъйига муфаввазdир. Чунончи, «Қозихон»да мазкурдир. Ва савт деб урадиган олатга айтилур. Ул олат билан жиноят қилган одам урилур, ҳар қандай нарсадан бўлса бўлсин. Чунончи, баъзи луғатларда мазкурдир.

وَ صَحَّ حَبْسُهُ مَعَ الضَّرْبِ

Таъзир бермоққа лойиқ бўлган одамни қамамоқ ва ҳам урмоқ дурустдир, яъни, урдириб, хўп зарбу лат бергандан кейин ҳибс қилмоқ дурустдир. Бунда шу нарсадан танбеҳ борки, таъзир бермоқда ихтиёр соҳиби ҳукуматдадир. Урмай, масалан, шапалоқламоқ ва дурушт (қўпол) гапирмоқ ва зино лафзи билан ҳақорат қилмай сўкмоқ ва хўмрайиб қарамоқ ва юз ўгирганга ўхшаш. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Ва «Мушкули осор» китобида шундайки, таъзир бермоқнинг ўрнига жазойи нақдийга олмоқ, яъни, жарима олмоқ мансух бўлгандир. Айтишибдурки, олимларга ва саййидларга таъзир бермоқ эълом қилмоқ бирладир, андоғки, соҳиби ҳукумат айтгайки, сен мундоқ қилибсан, менга хабар етти. Умаронинг ва зиҳақонларнинг таъзирлари ҳам мазкур эъломдек эълом қилмоқ ва ҳам қозининг эшигига тортиб олиб бормоқ, бозори одамларнинг ва уларга ўхшаганларнинг таъзирлари ҳам эълом қилмоқ ва ҳам қозининг эшигига тортиб олиб бормоқ ва ҳам ҳибс қилмоқ паст одамларнинг таъзири, – мазкурларнинг ҳаммаси билан ва ҳам урмоқ биландир. Чунончи, «Зоҳидий», «Шофий», «Шарҳи Таҳовий»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

وَ ضَرْبُهُ اَشَدُّ ثُمَّ لِلزِّنَ

Таъзир бермоқ учун урмоқ ҳад учун урмоқдан қаттиқ-роқдир, ундан кейин зино учун уриладиган ҳад бошқалардан қат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тиқроқдир. Зероки, зинонинг жинояти бошқалардан аъзам ва улуғроқдир, ҳаромлиги таъкидлангандир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир. Чунки зинога уриладиган ҳад Қуръони шариф билан собит ва муқаррардир. Чунончи, «Дурарул-Ҳуккам»да ҳам мазкурдир.

ثُمَّ لِلشُّرْبِ

Зинодан кейин маст қиладиган нарсани ичганга уриладиган ҳад бошқалардан қаттиқроқдир. Зероки, шароб ичган одамга ҳад урмоқ саҳобалар розийаллоҳу анҳумнинг ижмоълари ва иттифоқлари билан собитдир. Ушбу жиҳатданки, ҳазрати Алий розийаллоҳу анҳу айтдилар: «Ҳар вақт бир одам шароб ичса, маст бўлур, ҳар вақт маст бўлса, беҳудагўй бўлур, ҳар вақт беҳудагўй бўлса, бўҳтон қилгай, бўҳтон қиладиган кишига саксон дарра урилгай». Ва бу қавлга ижмоъи саҳобадир ризвонуллоҳи таоло алайҳим ажмаъин. Чунончи, «Дурару-л-Ҳукком»да мазкурдир.

ثُمَّ لِلْقَذْفِ

Ундан кейин зино лафзи билан ҳақорат қилгани учун уриладиган ҳад қаттиқроқдир. Зероки, шаробнинг жинояти тайин ва муқаррар қилиниб қўйилгандир ва ҳақоратнинг жинояти «ундоқ эмас, зинокорсан», деб қилган ҳақоратда содиқ ва ростгўй бўлмоқнинг эҳтимоли бор бўлиб, деган ҳақоратида содиқ эканлигига гувоҳ ўткармоқдан ожиз бўлмоқ эҳтимоли бор жиҳатидан, гувоҳларнинг ғойиб бўлгани жиҳатидан, ёки гувоҳлик бермоққа қабул қилмагани жиҳатидан бу ҳақорат қилган одамнинг ёлғончилигига далолат қилмайди. Чунончи, «Дурарур-л-ҳукком»да мазкурдир.

وَ هُوَ بِقَذْفِ مَمْلُوكٍ أَوْ كَافِرٍ بِزِنًى

Бу таъзир бермоқ вожиб бўлур озод бўлмаган эгалик қулни ва канизакни ё кофирни зино лафзи билан ҳақорат қилгани сабабидан. Аммо ҳур ва озод одамни ҳақорат қилмоқ билан таъзир вожиб бўлмайди, балки ҳад урмоқ вожиб бўлур. Озод ва муҳсан ва мукаллаф одамни зино лафзи билан ҳақорат қилганда ҳад урмоқнинг баёни ушбу фаслнинг аввалида ўтган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ مُسْلِمٍ بِيَا فَاسِقُ يَا كَافِرُ يَا سَارِقُ يَا مُخَنَّثُ أَوْ اَمْثَالُهُ

Солиҳ мусулмон одамни «ё фосиқ», деб дашном қилмоқ сабабидан «ё кофир», «ё ўғри», «ё ҳезалак», «ё фосиқнинг ўғли», «ё гуноҳкор», «ё шаробхўр», «ё чақимчи», деб сўккани сабабидан ё мазкур беҳуда лафзларга ўхшаш лафзлар билан сўккани жиҳатидан таъзир вожиб бўлур.

لاَ بِيَا حِمَارُ

Аммо солиҳ кишини «ё эшак», демоқ билан таъзир вожиб бўлмайди. Агар мурувватли солиҳ одамни «ё ўғри», «ё мушрик», «ё кофир» деса, таъзир берилур. Ушбудек «Ғоятў-л-баён»да мазкурдир. Агар «ё палид» деса, таъзир берилур. Ушбудек «Китоби воқиъот»да мазкурдир. Агар «ё суфла» деса, таъзир берилур. Ушбудек «Жавҳара»да мазкурдир. Агар бир солиҳ кишига «эй бенамоз» деса, таъзир берилур. Ушбудек «Сирожиййа»да мазкурдир. Агар солиҳ одамга «эй бехирад» деса, таъзир берилур. Ушбудек «Темиртоший»да мазкурдир. Бир одам бир солиҳ кишига «ё маъфуж» ёки «ё дайюс ўғли» деса, Нотифий раҳматуллоҳи алайҳ сўзларича, таъзир бермоқ вожиб бўлур. **Маъфуж** деб мазрубу-д-дубурга айтилур, уни туркийда кўтига калтак урилган дейилур. Чунончи, «Фатовойи Оламгириййа»да мазкурдир. Садру-ш-Шаҳид айтдилар: «Эй қиморбоз» деса, таъзир вожиб бўлур». Ушбудек «Хулоса»да мазкурдир. Агар солиҳ кишини «эй тезак» деса, таъзир бермоқ вожиб бўлур. Ушбудек «Фатовойи Кубро»да мазкурдир.

وَ قِيلَ اِلاَّ لِعَالِمٍ

Айтилибдики, мазкур дашномларни ва ё эшак демоқни шариат илмини биладиган муллага деса, ундоқ одамга таъзир бермоқ вожиб бўлгай. Ҳар вақт шариат илмларини биладиган олимга ҳазил ва мазоҳ билан «эй эшак» деса, албатта, таъзир берилур. Бас, агар батариқи ҳақорат «эшак» деса, кофир бўлур. Зероки, аҳли илмни иҳонат қилмоқ куфрдир, бу мухтор қавлга қараганда, чунончи, олим кишини, эй аблаҳ, эй нодон, эй нокас, деганда кофир бўлганга ўхшаш. Чунончи, «Фатовойи Бадииййа»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

أَوْ لِعَلَوِيٍّ

Ёки ҳазрати Алий розийаллоҳу анҳунинг наслларидан бўлган саййидга мазкур лафзи қабиҳаларни айтса, таъзир бермоқ вожиб бўлур.

مَنْ شَتَمَ إِمْرَاءً مِنْ أَهْلِ الْعِلْمِ بِكَلِمَةِ الْجِمَاعِ يَكْفُرُ وَتَطْلُقُ إِمْرَأَتُهُ طَلَاقًا بَائِنًا

Яъни, «Кавоший» китобида айтиладики, кимки аҳли илмдан бир кишини жимоъ калимаси билан ҳақорат қилса, кофир бўлур ва унинг хотини талоқи бойин бўлур, бу Имом Муҳаммад ва фақиҳларнинг наздларидадир.

مَنْ إِسْتَخَفَّ بِالْعَالِمِ يَكْفُرُ وَتَطْلَقُ إِمْرَأَتُهُ بَائِنًا

Яъни, «Фатовойи Бадиъу-д-дин»да Садру-ш-Шаҳиднинг айтишларича, кимики олим кишини хору ҳақир тутса, кофир бўлур ва хотини талоқи бойин бўлур.

عِلْمُ الْفِقْهِ فَائِقٌ مِنْ سَائِرِ الْعُلُومِ وَالتَّقَدُّمُ لِلْمُتَفَقِّهِ فِي الْمَجْلِسِ وَالْكَلَامِ وَتَحْقِيرُهُ كُفْرٌ وَقِيلَ لِفِقْهِهِ تَحْقِيرُهُ يَكْفُرُ

Яъни, фиқҳ масъаласини билмоқ бошқа илмлардан афзун ва зиёдадир ва масъалага олим бўлган мулладан мажлисда илгари ўтирмоқ, яъни, баланд ўтирмоқ хорламоқ, куфрдир.

Ва олимларнинг баъзилари айтибдурларки, уни хорламоқ масъалага олим бўлгани учун бўлса, куфрдир. Ушбудек «Жомиъу-л-фатово»да мазкурдир.

مَنْ رَفَعَ صَوْتَهُ عَلَى صَوْتِ أَهْلِ الْعِلْمِ بِوَجْهِ الْإِسْتِخْفَافِ طَلُقَتْ إِمْرَأَتُهُ وَلَوْ كَانَ عَلَى وَجْهِ الْحَقَارَةِ يَكْفُرُ وَلَوْ كَانَ عَلَى وَجْهِ الْمَزَاحِ يُعَزَّرُ إِجْمَاعًا

Яъни, илмсиз киши аҳли илм одамга овозини баланд чиқарса, андак одам фаҳмламоқ важҳи билан ва хорламоқ важҳи билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ул жоҳил кишининг хотини талоқ бўлгай. Агар аҳли илм одамга беилм кишининг қаттиқ гапирмоғи ҳақорат важҳи билан бўлса, кофир бўлур. Агар баланд овоз билан гапирмоғи ҳазил ва мазах важҳи билан бўлса, таъзир берилур. Бу қавл уламоларнинг иттифоқлари билан. Ушбудек «Наводиру-л-фатово»-да мазкурдир.

قَالُوا مَنْ شَتَمَ عَالِمًا بِمَا لاَ يَلِيقُ بِهِ العَالِمُ اَوْ فَعَلَ فِعْلاً لِيَلْزَمَ الاِسْتِخْفَافُ اَوْ شَتَمَ اَزْوَاجَهُ وَاَوْلاَدَهُ اَوْ خُدَّمَهُ اَوْ تَلاَمِيذَهُ تَحْقِيرًا لَهُ اَوْ نَظَرَ اِلَى وَجْهِ العَالِمِ بِالْحِدَّةِ اَو الغَضَبِ اَوْ رَفَعَ صَوْتَهُ بِالجَهْرِ عَلَى العَالِمِ فَقَدْ كَفَرَ نَعُوذُ بِاللهِ جَزَائُهُ اَنْ يُقْتَلَ اَوْ يُلْقِيَ اِلَى الْبَحْرِ اَوْ يَقْطَعَ لِسَانُهُ

Айтибдурларки, ҳар ким олим одамни унга муносиб ва лойиқ бўлмаган сўз билан сўкса ёки илмсиз киши олим одамга бир феълини қилсаки, олимни хорламоқ лозим бўлгай ёки омий киши мулла одамнинг хотини ва болаларини сўкса, ёки илмсиз киши олим одамнинг хизматкорини ёки болаларини, ё шогирдларини муллани таҳқир қилмоқ ва хорламоқ учун сўкса, ёки беилм киши мулла одамнинг юзига тезлик ва ўткирлик билан ё ғазаб билан қараса, ёки нодон киши олим одамга гапирмоқда қаттиқ овоз қилмоқ билан овозини кўтарса, бас, батаҳқиқ, яъни, бешак кофир бўлур, наъувзу биллаҳи. Бас, ул нодон кишининг жазоси шуки, у ўлдирилгай ёки у дарёга ташлангай, ёки ул забондорлик қилган омий кишининг тили кесилгай. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир.

Имом Зандусий айтибдурларки, беилм кишига мулла одамнинг ҳақи устознинг ҳақи шогирдга лозим бўлганига ўхшашдир. Илмсиз киши илмли одамдан илгари гапирмагай. Олим одамнинг ўрнига омий киши ўтирмагай, агарчи йўқ бўлса ҳам. Омий киши мулла одамнинг сўзини ўзи гапирмагай. Мулла одам билан омий бирга юрганда ҳам олимдан илгари юрмагай. Ушбудек баёнлар масъала китобларида кўпдир, зикр қилинса, тавил (узун) бўлгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо истихфофул-илми вал-уламо, яъни, илмни ва уламони андак фаҳмлаб ва саҳл билиб, хорламоқ куфрдир.

Кимики Пайғамбарни ё пайғамбарлардан бирини андак билса ва саҳл фаҳмлаб, хор тутса, кофир бўлур. Ушбуга ўхшаш мулла одамларни андак фаҳмлаб, хору ҳақир кўрса, дини Исломдан чиқиб қолгай. Чунончи, «Фатовойи Хайриййа»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

اِذَا جَاءَ العَالِمُ وَلاَ يَقُومُ النَّاسَ وَكَأَنَّمَا هَدَمَ الْكَعْبَةَ سَبْعَةَ مَرَّاتٍ وَلَيْسَ لَهُ شَفَاعَةٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلاَ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ

Яъни, ҳар вақт бир олим одам келса, одамлар ўринларидан турмасалар, ул турмаганликнинг гуноҳи гўёки хонаи Каъбани етти маротаба бузибдир. Ул муллага турмаган кишига Рўзи қиёматда шафоат йўқдир ва жаннатга ҳам кирмайди. Ушбудек «Фатовойи жомиъу-с-сағир»да мазкурдир.

مَنْ تَعَلَّمَ بَابًا مِنَ الْعِلْمِ لِيُعَلِّمَ النَّاسَ أُعْطِيَ لَهُ ثَوَابُ سَبْعِينَ نَبِيًّا
مَنْ جَلَسَ عِنْدَ الْعَالِمِ سَاعَتَيْنِ اَوْ اَكَلَ مَعَهُ لُقْمَتَيْنِ اَوْ سَمِعَ مِنْهُ كَلِمَتَيْنِ
أَوْ مَشَى مَعَهُ خطْوَتَيْنِ إِعْطَاهُ اللهُ تَعَالَى جَنَّتَيْنِ كُلُّ جَنَّةٍ مِثْلُ الدُّنْيَا مَرَّتَيْنِ

Яъни, Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Кимики одамларга таълим берурман, деб илмдан бир боб таълим олса, ул кишига етмиш пайғамбарнинг савобини бергай». Ва яна Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Кимики мулла кишининг олдиларида икки соат ўтирса, яъни, бир оз муддат ўтирса ёки олим киши билан икки луқма таом еса, ёки мулла кишидан икки калима сўз эшитса, ёки олим киши билан икки қадам юрса, ул кишига Худойи таоло икки жаннат бергай. Ҳар бир жаннат дунёга ўхшаш икки баробар бўлгай. Ушбудек «Мишкотул-анвор»да мазкурдир.

قَالَ سَئَلْتُ جِبْرِيلَ عَنْ صَاحِبِ الْعِلْمِ فَقَالَ هُمْ سِرَاجُ أُمَّتِكَ فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ طُوبَى لِمَنْ عَرَفَهُمْ وَالْوَيْلُ لِمَنْ أَنْكَرَهُمْ وَأَبْغَضَهُمْ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яъни, ҳазрати Алий каррамаллоҳу важҳаҳуданки, Пайғамбар алайҳиссаломдан ривойат қилдилар, ул жаноб айтдилар: «Жаброил алайҳиссаломдан илмлик одамлар ҳақида сўрадим. Жаброил алайҳиссалом айтдилар: «Олимлар дунёда ва охиратда умматингизнинг чирағидирлар, уламоларнинг қадрларини билган одамга хушлик ва хўблик бўлгай. Сахтлик ва азоб олимларни инкор қилган одамларга бўлгай ва муллани душман тутган кишиларга бўлгай». Чунончи, «Кавоший»да мазкурдир.

عَنْ إِبْنِ عَبَّاس رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا اَنَّهُ قَالَ لِلْعُلَمَاءِ دَرَجَاتٌ فَوْقَ دَرَجَاتِ الْمُؤْمِنِينَ سَبْعَمِئَةِ دَرَجَةٍ مَا بَيْنَ الدَّرَجَتَيْنِ خَمْسَمِئَةُ عَامٍ

Яъни, Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумо айтдилар: «Уламоларнинг мартабалари авом мўъминларнинг мартабаларидан етти юз даража баланддир. Ҳар даражанинг ўртаси беш юз йиллик йўлдир». Чунончи, «Дурратун-носиҳин»да мазкурдир.

قَالَ عَلَيْهِ السَّلَامُ إِن اللهَ خَلَقَ تَحْتَ العَرْشَ مَدِينَةً مَكْتُوبًا عَلَى بَابِهَا مَنْ زَارَ العُلَمَاءَ كَأَنَّمَا زَارَ الأَنْبِيَاءَ وَلِذَا قَالَ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جُلُوسُ سَاعَةً عِنْدَ العُلَمَاءِ اَحَبُّ اِلَيَّ مِنْ عِبَادَةِ أَلْفِ سَنَةٍ

Яъни, Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Албатта, Аллоҳ таоло Аршнинг тагида бир шаҳар пайдо қилди. Ул шаҳарнинг эшигига битиклидир: «Кимики уламони зиёрат қилса, гўёки Пайғамбарни зиёрат қилибди». Ушбу жиҳатдан Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Муллаларнинг олдида андак замон ўтирмоқ Худойи таолога минг йиллик ибодатдан дурустроқдир».

Кимики ҳад урилиб ё таъзир берилиб турганда, ё кейин ўлса, унинг қони бекор бўлиб, қасос олмоқ ва товон тўламоқ лозим бўлмайди. Зероки, уни шариатнинг фармойи билан урилгандир, саломат қолмоғига тақйид қилинган эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ إِنْ عَزَّرَ زَوْجٌ عِرْسَهُ لاَ

Агар эр ўзининг хотинини намоз ўқимагани жиҳатидан ёки жанобатдан ғусл қилмагани жиҳатидан ёки тўшагимга кел деганида қабул қилмагани жиҳатидан, ёки ясаниб ўтир, ифлос бўлма, деганида тарки зийнат қилгани жиҳатидан, ёки бежавоб ҳовлисидан бегона жойга чиққани жиҳатидан ёки мазкурлардан бошқа шариатга мувофиқ нарсаларга коҳила бўлгани жиҳатидан таъзир берса, хотини бундан ўлса, қони бекор кетмайди. Зероки, эрга хотинини беадаблик қилганида урмоқ мубоҳдир, уни урмоққа амр қилинган эмас. Бас, мубоҳ бўлгандан кейин саломатлик шарти билан муқаййад бўлур, йўлдан ўтмоққа ўхшаш. Чунончи, «Ҳидоя»да ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

Агар таълим берадиган домла ўқийдиган шогирдни уриб ўлдирса, товон тўлагай, қони бекор кетмайди, бироқ боланинг отаси уч ё камроқ уришга рухсат берса, устод шогирдни ёғоч билан ва чўп билан урмагай, гарчи отаси урмоққа ижозат берса ҳам. Ва бола ўн ёшга етганида намоз ўқимаса, қўли билан урмоқ отасига лозимдир, чўп билан эмас. Чунончи, «Мултақит»да мазкурдир. Ҳар вақт муаллим шогирд болани қаттиқ урса, ул мактабдорга таъзир берилур. Ушбудек «Мажмаъу-л-фатово»да мазкурдир. Валлоҳу аълам ва аҳкам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ السِّرْقَةِ

ЎҒИРЛИК ҲАҚИДА КИТОБ

Бу китобда ўғирламоқнинг ҳукмлари баёни. **Сирқат** деб, луғатда бошқа кишининг нарсасини, у қандоқ нарса бўлса ҳам, яшириб ва бекитиб олмоққа айтилур. Чунончи, «Дурару-л-Ҳукком»да ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

هِيَ اَخْذُ مُكَلَّفٍ خُفْيَةً قَدْرَ عَشَرَةِ دَرَاهِمَ مَضْرُوبَةً مَمْلُوكًا مُحْرَزًا بِلاَ شُبْهَةٍ بِمَكَانٍ

Шариатда эса бу ўғирламоқ ақлли ва балоғатга етган одамнинг ўн танга муҳр урилган, эгалик бир жойда эҳтиётланган ва сақланган бешубҳа молини зулм билан олмоғидир. Бас, ёш боланинг ва жиннининг қўли кесилмайди, бошқанинг ҳам қўли кесилмайди, ҳар вақтики, ёш боланинг ва жиннининг бири ўғирлашда бирга бўлса. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Молларни эҳтиёт қилмоқ учун тайёрланган маконнинг сабаби билан бошқа кишининг дасти номубораги етмоқдан манъ қилинган бўлгай, масалан, ҳовлилар ва дўконлар, чодирлар ва сандиқларга ўхшаш. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

أَوْ حَافِظٍ

Ёки сақлаб турадиган одамнинг сабабидан шубҳа ва гумон бўлмагай, ўтадиган йўл устидаги сақлаб турган одамнингг ўз моли деб жазм қилинур.

فَإِنْ اَقَرَّ بِهَا مَرَّةً أَوْ شَهِدَ رَجُلاَنِ

Бас, ушбу баён қилинган шарт билан эҳтиётланган ва сақланган эгалик молни ўғирлаб олгандан кейин ул ақлли ва балоғатга етган одам ўғирладим, деб бир марта иқрор қилса ёки бу киши ўғирлади, деб икки одил одам гувоҳлик берса. Бас, бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

хотиннинг гувоҳлиги қабул қилинмайди. Мол тўғрисида бир эркак, икки хотиннинг гувоҳлиги қабул қилинур. Чунончи, «Муҳит» китобида ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

وَ سَأَلَهُمَا الإِمَامُ مَا هِيَ وَ كَيْفَ هِيَ

Подшоҳга ёноибига вожибдирки, гувоҳлардан ва иқрор қилувчидан, ўзим ўғирладим, деб иқрор қилганда ёки икки одил киши гувоҳлик берганда, ўғирлик нимадир ва ўғирламоқ қандоқ бўлур, деб сўрагай. Зероки, гоҳо қўл кесилмайдиган ўғирлик ҳам бўлур, бу уйга қўлини киргизиб, матони чиқариб олганга ўхшаш.

وَ مَتَى هِيَ

Ва қайси замонда ўғирлади, деб сўрагай, зероки, ўғирликда узоқ замон ўтгани қўлнинг кесилмоғини манъ қилгувчидир, башарти гувоҳлар билан ўғирланганига исбот қилса, ўзи иқрор қилса, албатта, қўли кесилур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ أَيْنَ هِيَ

Ва қайси маконда ўғирладинг, дегай. Гувоҳлардан сўраса, қайси жойда ўғирлади, дегай. Албатта дорул-ҳарбда боғийлар шаҳрида ўғирлаган билан қўл кесилмайди.

وَ كَمْ سَرَقَ وَ مِمَّنْ سَرَقَ

Ва қанча нарса ўғирлади: агар ўзидан сўраса, қанча нарса ўғирладинг, дегай. Ва кимдан ўғирлабди: ўғрининг ўзидан сўраса, кимдан ўғирладинг, дегай. То билгайки, ўз хешу ақраболаридан ўғирлаганми ёки бошқа одамнинг молидан ўғирлаганми. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

وَ بَيَّنَاهَا قُطِعَ

Мол олган ўғри ва гувоҳ подшоҳ ёки ноиби, масалан, қози савол қилган нарсаларнинг ҳаммасини баён қилсалар, гувоҳлар гувоҳлик бергандан кейин, хоҳ унинг ўзи иқрор қилсин, хоҳ иқрор қилмасин, қилган ўғрилигининг жазоси учун ўғрининг қўли кесилур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Бас, агар ўзи иқрор қилгандан кейин дарҳол қочса, орқасидан қувил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

магай, бу иқрордан қайтмоқ дуруст эканлиги жиҳатидан. Агар гувоҳлар ўғирлаганига гувоҳлик берганидан кейин қочса, дарҳол орқасидан қувилур. Агар икки киши бир юз танга ўғирлаганларига иқрор қилса, ундан кейин бири, ул юз танга менда эмас деса, ҳеч қайси бирининг қўли кесилмайди. Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир.

وَ إِنْ شَارَكَ جَمْعٌ وَ اَصَابَ كُلاًّ قَدْرُ نِصَابٍ قُطِعُوا وَ إِنْ اَخَذَ بَعْضُهُمْ

Агар кўп одам ўғирлаб олмоқда шерик бўлсалар ва ул ўғирлаб олинган мол тақсим қилинганда ҳаммаларига баробар ўн тангадан тегса, ҳаммаларининг қўллари кесилур ва гарчи молни ўғирлаб олганда баъзилари олган бўлсалар ҳам. Зероки, олган ўғрилар бирга борганларнинг кўмаги билан ўша молни олгандурлар. Чунки ўғрилар орасидаги одат шуки, баъзилари ўғирлаб олмоққа мутасадди бўлгай, қолганлари дафъ қилмоққа мутасадди бўлгай. Бас, бунга ўхшаганларга жазо берилмаса, кўп ўғриларда қўл кесмоқ мамнуъ бўлгай. Бас, бундоқ қилмоқ фасоднинг эшигини очмоққа сабаб бўлгай. Чунончи, «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир. Бас, агар тақсим қилганда ҳар қайси бирларига ўн тангадан камроқ тегса, ҳаммаларининг қўллари кесилмайди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Бунда шу нарсага ишорат борки, агар бир одам ўн кишининг бир ерда сақлаб қўйган молларининг ҳаммасидан бир тангадан ўн тангалик молни ўғирлаб олса, қўли кесилгай, чунки ўғрининг ҳақига нисоб ўн танга эрди, бу ҳолда у комил бўлгандир. Чунончи, «Заҳириййа»да мазкурдир.

لاَ بِتَافَةٍ يُوجَدُ مُبَاحًا فِي دَارِنَا كَخَشَبٍ وَ حَشِيشٍ وَ سَمَكٍ وَ صَيْدٍ

Одамларнинг кўзларига ҳақир ва бебаҳо кўриниб, бизларнинг шаҳримизда олмоғи мубоҳ фаҳмланадиган нарсалар мавжуд бўлиб, уни ўғирлаб олмоқ билан қўл кесилмайди, масалан, ишлатилмаган ёғоч, қуруқ хашак, ўтин, ҳўл хашак, тоза ва яраланган балиқ, ов қилинадиган паррандалар, хоҳ обий (сувда юрадиган) бўлсин, хоҳ чўлий (чўлда юрадиган) бўлсин, хоҳ учадиган бўлсин, хоҳ учмайдиган бўлсин, товуқ ва ўрдакка ўхшаш. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳдан сўз шулки, тупроқдан ва лойдан бошқа нарсаларнинг ҳаммасида қўл кесилур. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

أَوْ بِمَا يَفْسُدُ سَرِيعًا كَلَبَنٍ وَ لَحْمٍ وَ فَاكِهَةٍ رَطْبَةٍ وَ ثَمَرَةٍ عَلَى شَجَرَةٍ
وَ بِطِّيخٍ وَ زَرْعٍ لَمْ يُحْصَدْ وَاشْرِبَةٍ مُطْرِبَةٍ

Ё бир нарсаки, тез нобуд бўладиган эрса, ундоқ нарсани ўғирламоқ билан қўл кесилмайди, сут ва гўшт, янги пишган мева, дарахт устидаги мева ва қовунга ўхшаш, ўрилмаган экинга ўхшаш ва хурсанд қиладиган шаробларни ўғирлаганга ўхшаш, – мазкурларни ўғирламоқ билан қўл кесилмайди. Шароб бўлса, шариатда барча маст қиладиганларининг қадри ва қиймати йўқдир. Чунончи, баёни такроран ўтди.

وَ آلَاتِ لَهْوٍ

Ўйин асбобларим, чирманда ва сурнай, танбур, қарта, шатранж ва ўйинга чалинадиган ноғора, ғазотда чалинадиган ноғора, албатта, мазкурларни ўғирлаган билан, мухтор қавлда, қўли кесилмайди. Чунончи, «Воқиъот» китобида мазкурдир.

وَ صَلِيبٍ مِنْ ذَهَبٍ

Тилла ва кумушдан бўлган салибни ўғирламоқ билан қўл кесилмайди, у хоҳ насорлар маъбадида бўлсин, хоҳ уйида бўлсин. Ва бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ ва Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ наздларидадир. Бунда шу нарсага ишорат борки, санамни олмоқ билан қўл кесилмайди, бордию, тилла ва кумушдан бўлса ҳам. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»-да мазкурдир.

وَ بَابِ مَسْجِدٍ وَ مُصْحَفٍ وَ صَبِيٍّ حُرٍّ وَ لَوْ مُحَلَّيْنِ

Ва яна масжиднинг эшигини ўғирламоқ билан ва Қуръони шарифни ва озод ёш болани ўғирламоқ билан қўл кесилмайди, борди-ю, Қуръони карим ўн танга миқдори тилла, кумуш ва бошқа қимматбаҳо нарсалар билан зийнатланган бўлса ҳам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ عَبْدٍ إِلاَّ الصَّغِيرِ

Ва яна қулни ўғирламоқ билан қўл кесилмайди, бироқ қул гапиролмайдиган кичик бола бўлса, қўл кесилур, бу ўғирлик мутаҳаққиқ бўлгани жиҳатидан, катта қулнинг хилофи биланки, уни ўғирламоқ тортиб олмоқдир ё фириб қилиб бузмоқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ دَفْتَرٍ إِلاَّ دَفْتَرِ الْحِسَابِ

Ва яна дафтарни ўғирламоқ билан қўл кесилмайди, бироқ ҳисоб дафтарини ўғирламоқ билан қўл кесилур, ҳисоб дафтарини ўғирламоқдан мақсад молдир. Ва ул ўғри мол бўлмаган нарсани фойдаси учун ўғирламайди. Бошқа далил шуки, дафтар йўқолса, мол йўқолур.

وَ لاَ فِي كَلْبٍ وَ فَهْدٍ وَ خِيَانَةٍ

Итни ва қоплонни ўғирлаганда қўл кесмоқ йўқдир ва омонат қўйилган молга хиёнат қилганда ҳам қўл кесилмайди.

وَ نَهْبٍ وَ نَبْشٍ وَ مَالِ عَامَّةٍ

Молни эгасининг қўлидан талаб олмоқ билан ва гўрни очиб, кафан олмоқ билан қўл кесилмайди. Ва байту-л-молдан ўғирлаб олмоқ билан қўл кесилмайди.

وَ مَالٍ لَهُ فِيهِ شِرْكَةٌ

Ул ўғирланган молким, унда ўғирлаган одамнинг шериклиги бўлса, қўл кесилмайди, зероки, шериклик шубҳани пайдо қилурки, ўз молини олганмикин, деб.

وَ مِثْلِ حَقِّهِ حَالاً أَوْ مُؤَجَّلاً وَ لَوْ بِمَزِيدٍ

Ва яна бир одамдаги ўз ҳақининг баробарига унинг молидан ўғирлаб олмоғи билан қўли кесилмайди, хоҳ у оладиган ҳақи дарҳол нақд олинадиган бўлсин, хоҳ кейинроқ олинадиган бўлсин, ҳаттоки ўз ҳақидан ошиқча ўғирлаган бўлса ҳам.

وَ مَا قُطِعَ فِيهِ وَ هُوَ بِحَالِهِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва бир одам бир нарсани ўғирлаганда қўли кесилса ва ул ўғирланган мол эгасига топширилса, ул қўли кесилган ўғри ул молни яна ўғирлаб тутилса, ул мол аввалги ҳолида бўлса, яъни, тағйир (ўзгариш) топмаган бўлса, қўли кесилмайди.

وَ مَالِ ذِي رَحْمٍ مَحْرَمٍ مِنْ بَيْتِهِ

Маҳрам қариндошининг уйидан молини ўғирламоқ билан қўли кесилмайди, акалар, укалар, амакиларга ўхшаш, зероки, улардан молни эҳтиёт қилинмабдир. Бас, агар маҳрам қариндошининг молини бегона одамнинг уйидан ўғирласа, қўли кесилур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ مِنْ زَوْجٍ وَ عِرْسٍ وَ سَيِّدٍ وَ زَوْجِ سَيِّدَتِهِ وَ مُكَاتَبِهِ
وَ مُضِيفِهِ وَمُغَنَّمٍ

Эру хотиннинг бирларининг молини набиралари ўғирламоқлари билан қўллари кесилмайди. Ва қул ўз хожасининг молини ва ҳам хожасининг хотинининг молини ўғирламоғи билан қўл кесилмайди. Ва қул саййидасининг эрининг молидан ўғирласа ҳам қўли кесилмайди. Ўз мукотабининг молини ва уйига келган меҳмоннинг молини ўғирламоғи билан қўл кесилмайди. Чунки меҳмонга уйга кирмоққа ижозат бергани жиҳатидан ўз аҳлига ўхшашдир, молини олмоғи ўғирлик эмас, хиёнатдир.

وَ حَمَّامٍ وَ بَيْتٍ أُذِنَ فِي دُخُولِهِ

Ғанимат молдан ўғирламоқ билан ва ҳаммомдан мол ўғирламоқ билан ва кирмоққа ижозат берилган уйдан ўғирламоқ билан қўл кесилмайди.

وَ لاَ إِنْ لَمْ يُخْرِجْهُ مِنَ الدَّارِ

Эҳтиётланган молни ўғирлаб олган одам ҳовлидан чиқармаса, яъни, ўғирлаган жойдан чиқармаса, қўли кесилмайди, зероки, ул вақтда мол эгасининг қўлида турибди.

أَوْ نَاوَلَ مَنْ هُوَ خَارِجٌ أَوْ أَدْخَلَ يَدَهُ فِي بَيْتٍ وَ أَخَذَ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ё ўғри ичкарида туриб, молни олиб, ташқарида турган одамга узатса ё уйнинг эшигидан, ё тешигидан қўлини киргизиб, бир нарсани олса, қўли кесилмайди.

أَوْ طَرَّ صُرَّةً خَارِجَةً مِنْ كُمِّ غَيْرِهِ أَوْ سَرَقَ جَمَلاً مِنْ قِطَارٍ أَوْ حِمْلاً

Ёки бир кишининг енгидан чиқиб турган ҳамённи ёриб, тангаларини олса ё бир туяни қаторидан ўғирласа, ёки ортиб қўйилган ва юкланган молни ўғирласа, буларда ҳам қўл кесилмайди.

وَ قُطِعَ إِنْ حَفِظَهُ رَبُّهُ أَوْ نَامَ عَلَيْهِ أَوْ شَقَّ الْحِمْلَ وَ أَخَذَ شَيْئًا أَوْ أَدْخَلَ يَدَهُ فِي صُنْدُوقٍ أَوْ كُمِّهِ

Ўғри агар қатордаги туяни ва ортиб қўйилган молнинг эгаси сақлаб ва эҳтиётлаб турган бўлса ё боғланган юкнинг, ё туянинг устида эгаси ухлаган бўлса ёки юкни ёриб, ундан бир нарсани олса, қўли кесилур. Ёки қўлини сандиққа, ё енгга, ё чўнтакка, ёки бошқа нарсага киргизиб, ундан бир нарсани ўғирлаб олса, қўли кесилур.

أَوْ أَخْرَجَ مِنْ مَقْصُورَةِ دَارٍ فِيهَا مَقَاصِيرُ إِلَى صَحْنِهَا أَوْ سَرَقَ صَاحِبُ مَقْصُورَةٍ مِنْ أُخْرَى

Бир манзилнинг кўп ҳужралари бўлса, унинг бир ҳужрасидан бир молни ўғирлаб олиб, уни саҳннинг ўртасига чиқарса, унинг ҳар қайси ҳужрасида алоҳида турадиган одамлар бўлса, мадрасаларга ва хонақоҳларга ва дўконларга ўхшаш ва ҳужра аҳллари унинг саҳнидан мустағнийдурлар, саҳнидан фойдаланмоқлари кўчадан фойдаланганга ўхшашдир, қўли кесилур. Ёки бир ҳужрада турган одам бошқа ҳужрадан мол ўғирлаб, ўз ҳужрасига олиб чиқса, қўли кесилур. Гарчи ул мадрасанинг ёки ул саройнинг саҳнига олиб чиқмаса ҳам.

أَوْ أَلْقَى شَيْئًا فِي الطَّرِيقِ ثُمَّ أَخَذَهُ أَوْ حَمَلَهُ عَلَى حِمَارٍ فَسَاقَهُ وَ أَخْرَجَهُ

Ёки молни эҳтиётлаб қўйган жойга ўғри кириб, ундан бир молни олиб, кўчага ташлаб юбориб, ундан кейин уни чиқиб олса ёки молни эҳтиётлаб қўйган жойга, масалан, саройга ки-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риб, молни эшакка юклаб, ундан кейин эшакни ҳайдаб чиқарса, қўли кесилур. Зероки, эшакнинг юрмоғи ўғрининг ҳайдамоғи биландир, ҳайдаб чиқаргани жиҳатидан унга молни ўғирлади, деб нисбат берилур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз» ва «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир.

يُقْطَعُ يَمِينُ السَّارِقِ مِنْ زَنْدٍ

Мол ўғирлаган одамнинг ақалли мартаба, ўғирлаган нарсасининг қиймати ва баҳоси ўн тангалик эканлиги ва унинг ўғирлагани муқаррар ва собит бўлгандан кейин ул ўғрининг қўли бўғимидан кесилур. Зероки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўғрининг қўлини бўғимидан кесмоққа амр қилдилар. Чунончи, «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир.

وَ يُحْسَمُ

Ва қайнаб турган ёғга кесилган жойини тиқиб, доғ қилинур, шундоқ қилмоқ вожиб бўлгани жиҳатидан, зеро, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фақтаъу ваҳсиму», яъни, қўлини кесинглар ва доғланглар, дедилар. Чунончи, «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир. Чунки доғланмаса, қон тўхтамайди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

ثُمَّ رِجْلُهُ الْيُسْرَى إِنْ عَادَ

Ундан кейин яна ўғирлик қилиб тутилса, чап оёғининг тўпиғидан кесилур ва у ҳам доғ қилинур.

فَإِنْ عَادَ ثَالِثًا لاَ بَلْ يُسْجَنُ حَتَّى يَتُوبَ

Агар ўнг қўл билан чап оёғи кесилгандан кейин учинчи маротаба яна ўғирлик қилса, чап қўли ва ўнг оёғининг ҳеч қайси бири кесилмайди, балки таъзир берилиб, тавба қилгунча зиндонга солиб қўйилур. Тавба муддати подшоҳнинг раъйига муфавваз (топширилган)дир. Баъзилар айтдиларки, тавба муддати унинг юзида солиҳлар аломатлари зоҳир бўлгунчадир. Баъзилар айтдиларки, бир йил қамаб қўйилур. Баъзилар айтдилар: ўлгунча қамаб қўйилур. Чунончи, «Кифоя»да мазкурдир. Уни сиёсат тўғрисида ўлдирмоқ подшоҳга тегишлидир. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ شُرِطَ خُصُومَةُ الْمَالِك

Мол ўғирлаган одамга ўғирлик жазосини ижро қилмоқ учун мол эгасини ёки ул молга мутасадди бўлмоққа ихтиёрли кишини, масалан, ота ёки васий, ё вакил, ёхуд мутаваллийга ўхшашларга, молимни бу киши ўғирлади, деб даъво қилмоғи шарт.

أَوْ ذِي يَدٍ حَافِظٍ كَالْمُودَعِ وَ نَحْوِهِ

Ёки ўғирланган молни, менинг қўлимда турган эди, мен уни сақлаб турувчи эдим, бу киши ўғирлади, деб даъво қилмоғи шарт қилинди. Ва шунга ўхшаганларга ҳам ушбу тариқа даъво қилмоқлари шарт қилинди. Масалан, орийатга олган одам ва ижарага олган киши мазкурларни даъво қилмоқлари билан ўғирликка ижро қилинадиган жазо юргизилур.

وَ مَا قُطِعَ بِهِ إِنْ بَقِيَ رُدَّ وَ إِلاَّ لاَ يَضْمَنُ

Ул молким, уни ўғирлагани сабабли қўли кесилган эди, агар ул мол ўғрининг қўлида қолган бўлса, ўғри уни эгасига қайтариб бергай. Агар ўғрининг қўлида йўқ бўлиб кетган бўлса, товон тўламайди. Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳнинг Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдан қилган ривойатлари ҳам шундоқдир. Бу ривойат машҳурдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ مَعْصُومٌ قَطَعَ الطَّرِيقَ عَلَى مَعْصُومٍ فَأُخِذَ قَبْلَ أَخْذِ مَالٍ
وَ قَتْلٍ حُبِسَ حَتَّى يَتُوبَ

Моли ва жони сақланган мусулмон одам ё жизйа бермоқни қабул қилган зиммий ўзига ўхшаш мусулмон одамнинг ё зиммийнинг йўлини тўсиб, молини олиб, ўзини ўлдирмоққа қасд қилиб, қароқчилик қилса, бас, йўловчиларнинг молларини талаб олмасдан, одам ўлдирмасдан илгари ушлаб олинса, қамаб қўйилур, токи сийратида солиҳ кишиларнинг аломати зоҳир бўлгунча ё ўлгунча. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ إِنْ أَخَذَ الْمَالَ وَ نَصِيبُ كُلٍّ نِصَابٌ قُطِعَ يَدُهُ وَ رِجْلُهُ مِنْ خِلاَفٍ

Агар қароқчилар йўловчиларнинг молларини талаб олганларидан кейин тутилсалар ва уларнинг ҳар бирига талаб олинган

www.ziyouz.com kutubxonasi

молни тақсим қилинган сувратда теккан ҳисса ўн танга миқдори бўлса, улардан ҳар бирининг ўнг қўли ва чап оёғи кесилур.

وَ إِنْ قَتَلَ بِلاَ أَخْذٍ قُتِلَ حَدًّا

Агар қароқчи мол олмай, йўловчи мусулмонни ё зиммийни ўлдирса, ул қароқчилар ўлдирилур – ҳад учун, яъни, сиёсат учун, қасос олмоқ учун ўлдирилмайди. Ушбу жиҳатдан ўлган кишилар валийларнинг кечганларига илтифот қилинмайди. Зероки, ўлдирмоқ ҳаққуллоҳдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъу-р-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ مَعَهُ قُتِلَ أَوْ صُلِبَ أَوْ قُطِعَ ثُمَّ قُتِلَ أَوْ صُلِبَ

Қароқчилар йўловчиларни ўлдириб, молларини ҳам олсалар, уларнинг қўллари ва оёқлари хилофидан кесилмай, ўлдирилур, яъни, агар подшоҳ уларни ўлдирмоқни хоҳласа. Ёки қўллари кесилмай, дорга осилур. Ёки қўли ва оёғи хилофидан кесилур, яъни, ўнг қўли ва чап оёғи кесилур. Ё қўли ва оёғи хилофидан кесилиб, тириклари дорга осилур. Найза билан қорни ёрдирилгай, токи ўлгай ва дорнинг устида уч кун қўйилгай. Чунончи, «Музмарот»да ва «Шарҳи Виқоя»да ҳам мазкурдир. Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳнинг айтгани шуки, одамларга ибрат учун, то тушиб кетгунча дорда қолдирилгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْجِهَاد

ЖИҲОД КИТОБИ

Бу фаслда ғанимат мол, жизйа, ушр ва хирожнинг баёни келур.

مَا فُتِحَ عَنْوَةً

Ул шаҳарким, у қаҳр ва ғалаба билан фатҳ қилинган бўлса, яъни, подшоҳи Ислом урушиб, мағлуб қилиб, ул шаҳарни олган бўлса, агар ул шаҳарнинг аҳллари мусулмон бўлсалар, албатта, унинг заминлари ушрийдир. Агар сулҳ қилишсалар, албатта, уларнинг ерларининг суви бўлса, хирожий ёки ушрийдир.

قَسَّمَهُ الإِمَامُ بَيْنَ الْجَيْشِ

Подшоҳи Ислом ул шаҳардан олинган ғанимат молларнинг бешдан бирини фуқароларга олиб қўйганидан кейин қолганини аскарлар ўртасида тақсим қилиб бергай.

اَوْ اَقَرَّ اَهْلَهُ عَلَيْهِ بِجِزْيَةٍ وَخَرَاجٍ

Подшоҳи Ислом ул фатҳ қилинган шаҳар номусулмонларини уларнинг бошларига жизйа бермоқ билан ва ерларига хирож бермоқ билан ўз жойларида қарор қилдиргай. Ҳазрати Умар розийаллоҳу анҳу Ироқ номли шаҳарнинг саводига, яъни, қишлоқларига шундоқ қилиб эдилар. Чунончи, «Ҳидоя» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Мусулмонлар билан уруш қилиб, мағлуб бўлиб, очилган шаҳарнинг асир бўлиб қўлга тушган номусулмонларига уч ишнинг бирини қилмоққа подшоҳи Исломга ихтиёр берилибдур.

وَ قَتْلَ الأَسْرَى

Ёки уларни ўлдиргай, зероки, Пайғамбар алайҳиссалом Явми Фатҳда, албатта, ўлдириб эдилар. Бошқа далил шуки, ўлдирмоқда моддаи фасодни адо қилмоқ бордир. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

أَوْ اسْتَرَقَّهُمْ

Ёки уларни қул қилиб, лашкари Исломга тақсим қилиб бергай. Зероки, бунда уларнинг шарри ва ёмонлиқ қилмоғининг дафъи бўлгай ҳамда мусулмонларга кўп манфаат бўлгай. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

أَوْ تَرَكَهُمْ اَحْرَارا ذِمَّةً لَنَا

Ёки бизларнинг фойдаларимиз учун уларнинг гарданларига жизйа ва ерларига хирож қўйиб, ўзларининг озодликларига қўйгай. Бунда шу нарсадан огоҳлантириш борки, хотинлари, ўғилу қизлари ўлдирилмайди, балки мусулмонларнинг манфаатлари учун қул қилинур. Чунончи, «Туҳфа» китобида мазкурдир.

وَ نُفِيَ مَنَّهُمْ وَ فِدَاؤُهُمْ وَ رَدُّهُمْ إِلَى دَارِهِمْ

Бединлардан тушган асирларни қул қилмай ё ўзларини жизйа берадиган ва ерларга хирож берадиган қилмай, бекорга озод қилиб қўймоқ йўқ қилинди, яъни, шариатда дуруст бўлмади, балки ҳаром бўлди. Ва ҳам уларнинг фидйаларини, яъни, бадалини олиб, озод қилмоқ йўқ қилинди. Ундан кейин, яъни, бекорга озод қилгандан кейин ё бадал олиб, озод қилгандан кейин бединларни ўз шаҳарларига қайтариб юбормоқ шариатда йўқ қилинди, яъни, ҳаром қилинди. Зероки, уларни ўз шаҳрига қайтармоқда мусулмонлар зарарига уларни қувватлантириш бордир. Чунончи, «Ҳидоя» ва «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир.

وَ قِسْمَةُ مَغْنَمٍ ثَمَّةُ إِلاَّ اِيْدَاعًا

Ва яна ғанимат молни фатҳ қилинган дорул-ҳарбда тақсим қилмоқ нафий қилинди, яъни, шариатда ҳаром қилинди, бироқ омонат сақлаб, яна топширмоқ учун бўлиб бермоқ дурустдир, токи мусулмон шаҳрига кўтариб боргандан кейин ғанимат молни олиб келганларнинг қўлларидан ҳаммасини йиғиб олиб, тақсим қилиб берилур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ الرِّدْءُ وَ مَدَدٌ لِحَقَهُ ثَمَّه كَمُقَاتِلٍ فِيه

Уруш қиладиган аскарларга хизмат қилиб, ёрдам берадиган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар Ислом лашкарини зиёда қилмоқ ва қувватлантирмоқ учун келиб, аскарларга дору-л-ҳарбда қўшилган одамлар ғанимат молдан тақсим олишда уруш қилувчига ўхшашдир, яъни ҳаммалари ғанимат молни баробар олурлар.

لاَ سُوقِيٌّ لَمْ يُقَاتِلْ

Лекин аскарларга тегишли бозорларда бўлиб, уруш қилмаган бозорчиларга ғанимат молдан берилмайди, уларга ҳеч нарса йўқдир. Зероки, улар савдогардурлар. Бас, агар жанг қилса, жанг қилувчига ўхшашдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ مَنْ مَاتَ ثُمَّه

Дорул-ҳарбда ғанимат молни тақсим қилмасдан илгари ўлган кишига ғанимат молдан ҳеч нарса берилмайди. Бас, ўлган одамнинг вориси ғанимат молдан мерос олмайди. Аммо ғанимат молни тақсим қилгандан кейин ўлса, бехилоф ғанимат молдан ворис олур. Чунончи, «Муҳит» китобида ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

وَ يُورَثُ قِسْطُ مَنْ مَاتَ هُنَا

Дору-л-ҳарбда урушда ўлгани жиҳатидан ғанимат молдан тегадиган одам дорул-Исломга қайтиб келгандан кейин ғанимат молни аскарларга тақсим қилиб бермасдан илгари ўлса, унинг қадри ҳиссасини ворислари олурлар.

وَ حَلَّ لَنَا ثُمَّه طَعَامٌ

Дорул-ҳарбдаги бединларнинг молларидан бизларга, яъни, лашкари Исломга ва уларга тааллуқи бор одамларга, масалан, аскари исломнинг хотинларига, болаларига ва қулларига зарур бўлган миқдори таом, масалан, нон, кунжут, зайтун ёғи, ҳар хил мевалар, пиёз, шакар ва булардан бошқа тирикликда ейиладиган нарсалар. Гарчи сўймай ва забҳ қилмай емоқнинг иложи бўлмаса ҳам, масалан, гўшти мазкурлар ҳалолдир.

وَ عَلَفٌ

Ҳайвонларнинг ейдиган алафи, масалан, сомон ва қат, яъни, беда ва ҳайвонлар ейдиган булардан бошқа нарсалар ҳалол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз», «Фатовойи Оламгирийя» ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

وَ دُهْنٌ

Ва яна дуҳн, яъни, донлардан бўлган ёғким, уни туркийда зиғир ёғи дейилмаса, тушунилмайди ва самнким, уни сариғёғ дейилур, ул сариғёғ ҳайвонларнинг сутларидан, қатиқ ва айронларидан олинур ва зайтун ёғиким, емоқ учун ва чироқ учундир, мазкурлар ғозийларга ва уларга тегишли одамларга ҳалолдир.

وَ حَطَبٌ

Яна мазкурларга ўтин, масалан, қуриган ёғоч, қамиш ва булардан бошқа ёқмоққа тайёрланган нарсалар ҳалолдир. Бас, агар ёғоч коса қилмоққа тайёрланган бўлса ва унга қиймат ва баҳо бўлса ва уни куйдирмоқ ва боқмоқ мубоҳ эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ سِلَاحٌ بِهِ حَاجَةٌ

Ва яна аскарга дорул-ҳарбдаги зарур бўлган силоҳни олмоқ ҳам ҳалолдир.

لَا بَعْدَ الْخُرُوجِ مِنْهَا

Лекин мазкурларни олмоқ бединлар шаҳридан чиққандан кейин ҳалол эмас. Зероки, мазкурларнинг мубоҳлиги зарурат учун эди, ул зарурлик дафъ бўлди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»-да мазкурдир.

وَمَنْ اَسْلَمَ ثَمَّه عَصَمَ نَفْسَهُ وَ طِفْلَهُ وَ مَالاً مَعَهُ أَوْ أَوْدَعَهُ مَعْصُومًا

Кимки дорул-ҳарбда мусулмон бўлса, у ўзини ва ёш болаларини ва ўзи билан бўлган молларини ёки маъсумга, яъни, мусулмонга ёхуд зиммийга омонат қўйилган молларини сақлабдур, яъни, иймон келтиргани жиҳатидан ўзи ва болалари ўлдирилмай ва қул қилинмай, омон берилур. Зероки, болалари унга тобеъ бўлиб, мусулмонликка айланди. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ لِلْفَارِسِ سَهْمَانِ وَ لِلرَّاجِلِ سَهْمٌ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғанимат молдан отлиқ аскарга икки ҳисса ва пиёда аскарга бир ҳиссадир.

وَ يُعْتَبَرُ وَقْتُ مُجَاوَزَةِ الدَّرْبِ لاَ شُهُودُ الْوَقْعَةِ

Отлиқнинг пиёда аскар оладиган қадри ҳиссасига лойиқ бўлмоқда урушмоқ қасди билан дору-л-ҳарбга кирадиган жойдан ўтмоқ вақти эътибор қилинур, икки тарафдаги аскарларнинг уруш қилмоқ учун ҳозир бўлмоқ вақти эътибор қилинмайди. **Дарб** деб мусулмонларнинг шаҳарлари билан бегинларнинг шаҳарлари орасидаги сарҳадга айтилурки, уни туркийда **чегара** дейилур.

وَ الْخُمْسُ لِلْيَتِيمِ وَالْمِسْكِينِ وَابْنِ السَّبِيلِ

Ғанимат молнинг бешдан бири муҳтож бўлган етимларга ва ҳеч нарсаси йўқ мискинларга ва ибни сабилга, яъни, моли йўлда тугаб қолган йўловчигадир. Мазкурларнинг ҳаммаларига ё баъзиларига сарф қилинур, яъни, бўлиб берилур.

وَ قُدِّمَ فُقَرَاءُ ذَوِي الْقُرْبَى

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг наслларидан бўлган етимларни, бошқа етимлардан ва наслларидан бўлган мискинларни, бошқа мискинлардан ва наслларидан бўлган ибни сабилларни бошқа ибни сабиллардан муқаддам ва илгари қўйилур, яъни, аввал аҳли байтларга берилур.

وَ لاَ شَيْءَ لِغَنِيِّهِمْ

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам наслларидан бўлган ғанийларга ҳеч нарса берилмайди.

وَ مَنْ دَخَلَ دَارَهُمْ فَاغَارَ خُمِّسَ

Кимики дору-л-ҳарбга, яъни, бегинлар шаҳрига кириб, уларнинг молларини ғарот қилса, яъни, талаб олиб чиқса, унинг бешдан бири байту-л-молга олингай.

لاَ مَنْ لاَمَنَعَةَ لَهُ وَ لاَ اذْنَ لَهُ

Аммо номусулмонлар шаҳрига белашкар ва беижозат, яъни, подшоҳи Исломдан бежавоб кириб, уларнинг молларини та-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаб олиб чиқса, ул молнинг бешдан бири байту-л-молга олинмайди. Зероки, дорул-ҳарбга дини мустақиймнинг эъзози учун кирмабди, балки мол олмоққа кирибди. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لِلإِمَامِ أَنْ يُنَفِّلَ وَقْتَ الْقِتَالِ

Ғозийларни қизиқтирмоқ учун уруш вақтида, масалан, кимики бир бединни ўлдирса, ғанимат молидан шунча молни ортиқча берурман, деб зиёда инъомни тайин қилиб қўймоқ подшоҳга тегишлидир, яъни, мустаҳабдир.

فَيَجْعَلَ لِأَحَدٍ شَيْئًا زَائِدًا عَلَى سَهْمِهِ

Бас, бир одамга, масалан, ғанимат молдан тегадиган қадри ҳиссасидан зиёда бир нарса тайин қилинур. Масалан, бир одам бир бединни ўлдирса ё асир қилиб олиб келса, ул одамга ул ўлдирилган бединнинг устидан ечиб ва суғуриб олинган нарсалари бўлсин, деб айтмоғи мустаҳабдир. Чунончи, «Ҳидоя», «Жомиъу-р-румуз», «Шарҳи Илёс» ва «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир.

كَالسَّلَبِ وَ نَحْوِهِ

Салб ва шунга ўхшаган нарсалар подшоҳнинг ғозийларга қизиқтирмоқ учун берадиган инъомидир.

وَ السَّلَبُ مَرْكَبُهُ وَ مَا عَلَيْهِمَا

Салб деб, ўлдирилган бединнинг минган нарсасига, ўзининг маркабининг иккаласида қанча нарсалари бор бўлса, шунга айтилур. Масалан, юган, эгар, уруш асбоблари, тилло ва танга, булардан бошқа отнинг ва ўзининг устидаги нарсаларнинг ҳаммасини, асло бирини қўймай ечиб ва суғуриб олмоқни салб дейилур. Аммо ўлдирилган бедин билан ғуломи бўлса ё юк ортилган бошқа маркаби, ё булардан бошқа нарсаси бўлса, албатта, мазкурлар салб эмас. Бас, ул нарсалар ғанимат моли жумласидандир. Бас, улар ўртада тақсим қилинур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУ ФАСЛДА КУФФОР ҒОЛИБ БЎЛМОҒИНИНГ БАЁНИ

يَمْلِكُ بَعْضُ الْكُفَّارِ بَعْضًا وَ اَمْوَالَهُمْ وَ اَمْوَالَنَا بِالْإِسْتِيلَاءِ وَ الْإِحْرَازِ بِدَارِهِمْ

Ҳар вақт баъзи куффорлар, масалан, турк куффорларининг баъзиси баъзи куффорлардан, масалан, Рум куффорларидан ғолиб бўлса, мағлуб бўлганларига ғолиблари молик ва эга бўлгайлар. Ва ғолиб бўлгани сабабидан молларига ҳам эга ва соҳиб бўлгайлар. Ушбуга ўхшаш, агар бизлардан ғолиб бўлиб ва молларимизни олсалар, ва-л-ийозу биллаҳ, молларимизни ўз шаҳарларига олиб бориб сақласалар, ғолиб бўлмоқ билан бизларнинг молларимизга ҳам соҳиб ва эга бўлурлар. Чунончи, «Ҳидоя»да ва «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

لَا حُرَّنَا وَ تَوَابِعَهُ وَ عَبْدَنَا الْأَبِقَ

Лекин бединлар ғолиб бўлгани билан бизларнинг ҳурларимизга, яъни, қул эмас, озодларимизга молик ва эга бўлмайди. Ва озодларимизнинг тобеъларига ҳам эга бўлмайди. Масалан, мукотаб, мудаббар, умму валад ва қочган қулларимизга молик бўлмайди, башарти қулларимиз қочиб бориб, дору-л-ҳарбга кирса ва улар ушлаб олсалар, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида (уларга молик бўлмайди). Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида, қочиб бориб, дорул-ҳарбга кирган қулга куффор молик бўлур. Саҳиҳ қавл Имом Аъзам раҳмутуллоҳи алайҳнинг қавлларидир. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир.

وَ نَمْلِكُ بِهِمَا حُرَّهُمْ وَ مَا هُوَ مِلْكُهُمْ

Ва куффордан ғолиб бўлиб ва шаҳримизга олиб бориб сақламоғимиз билан озодларига ва яна уларнинг тасарруфларида бўлган молларига ва қулларига молик бўлурмиз ва хожа бўлурмиз. Зероки, шаръи шарифда куффорнинг исматда бўлмоғини соқит қилди, бу куфрларининг жазоси учун. Молларига ҳам эга бўлурмиз, зероки, мубоҳ нарсага ғолиб бўлмоқ мулк бўлмоғи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг сабабидир. Ва куффорларнинг моллари ғайри маъсумдир, куфрларининг сабаби билан мўъминларнинг молларига ўхшаш маъсум эмас, яъни, сақланган ва эҳтиётланган эмас. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Бунда шу нарсадан огоҳлантириш борки, куффорлар ўз шаҳарларида ҳур ва озод бўлсалар, ундоқ эмас, албатта, уларнинг ҳаммалари унда қулдирлар, гарчи ҳеч кимга мамлук ва қул бўлмасалар. Чунончи, «Мустасфо» китобида мазкурдир.

وَ مَنْ وَجَدَ مِنَّا مَالَهُ اَخَذَهُ بِلاَ شَيْءٍ إِنْ لَمْ يُقْسَمْ

Кимдан мусулмонлар ғолиб бўлиб, ғанимат молни олгандан кейин бизлардан, яъни, ғанимат молини олган мусулмонлардан ўз молини топса, ул молини ғанимат олганларнинг қўлларидан ҳеч нарса бермай олгай, борди-ю, ҳали тақсим қилинган бўлмаса, яъни, аскарга бўлиб берилмаган бўлса.

وَبِالْقِيْمَةِ إِنْ قُسِّمَ وَبِالثَّمَنِ إِنْ شَرَاهُ مِنْهُمْ تَاجِرٌ

Агар тақсим қилиб берилган бўлса, ул молнинг баҳосини бериб олгай. Ва сотиб олган миқдори пулини бериб олгай, бир савдогар бединлардан бизнинг тарафимизга сотиб олиб чиққан бўлса.

وَعَبْدٌ لَهُمْ أَسْلَمَ ثُمَّهُ فَجَاءَنَا أَوْ ظَهَرْنَا عَلَيْهِمْ عَتَقَ

Ва номусулмонларнинг қули дорул-ҳарбда мусулмон бўлиб, ундан кейин бизнинг шаҳримизга ё аскаримизга келса ёки бизлар ғолиб бўлиб, яъни, мусулмонлар улардан ғолиб бўлиб, дорул-ҳарбни олсалар, ул мусулмон бўлган қул иккала ҳолатда озод бўлгай. Бунинг асли шуки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривойат қилиндики, Тоиф номли мавзеъни қамал қилганларида бир жамоа уларнинг қулларидан Пайғамбар алайҳиссолату вассалом тарафларига чиқди. Ундан кейин уларнинг хожалари келдилар. Ҳаммалари мусулмон бўлдилар. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қулларини, ўзимизга қайтиб берсангиз, деб талаб қилдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга: «Булар Худойи таборак ва таолонинг озодкардасидурлар», деб жавоб бердилар. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كَعَبْدٍ مُسْلِمٍ شَرَاهُ كَافِرٌ مُسْتَاء مِنْ هُنَا وَاَدْخَلَهُ دَارَهُمْ

Ул баён қилинган шу мусулмон қулга ўхшашки, уни биз шаҳримизга омон талаб қилиб кирган дору-л-ҳарбнинг бедин савдогари сотиб олиб, ўз шаҳрига олиб кетса, бединлар билан жанг қилган вақтда ул қул бизнинг шаҳримизга қочиб келса, ё уруш вақтида лашкарларимизнинг ичига қочиб келса, ё лашкари Ислом ғолиб бўлса, – мазкур уч ҳолатда, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, ул қул озод бўлгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ يَتَعَرَّضُ تَاجِرُنَا ثَمَّه لِدَمِهِمْ وَ مَالِهِمْ

Бизларнинг савдогарларимиз ҳар вақт дорул-ҳарбга кирсалар, уларнинг қонларига ва молларига тааррув қилиб, хиёнат қилмагайлар. Зероки, савдогарнинг дорул-ҳарбга омон талаб қилиб кириб, қон тўкмоғи ва молларини тааррув қилиб олмоғи хиёнат. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Хиёнат қилмоқ ҳаромдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

إِلاَّ إِذَا اَخَذَ مَلِكُهُمْ مَالَهُ أَوْ غَيْرُهُ بِعِلْمِه

Ҳар вақт бединлар хиёнат қилсалар ва уларнинг подшоҳлари бизнинг савдогаримизнинг молларини олса ёки подшоҳ билиб туриб, ундан бошқа киши олса ва ул савдогаримизнинг молини олган бединларнинг подшоҳи манъ қилмаса ва ул вақтда бизнинг савдогаримиз уларнинг қонларига ва молларига тааррув қилсалар ва зиён еткурсалар, дуруст бўлгай. Зероки, бединлар аҳдни синдирибдурлар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ مَا اَخْرَجَهُ مَلِكَهُ حراما فَيَتَصَدَّقُ بِه

Ўзининг молига дору-л-ҳарбда ҳеч ким тааррув қилмай туриб, уларнинг молларидан савдогаримиз олиб чиқса, ул олиб чиққан молига ҳаромлик билан молик ва соҳиб бўлур. Бундоқ хиёнат билан олиб чиққан молини садақа қилгай. Зеро, ул мол палид молдир, палид молнинг йўли шундоқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ لاَ يُمَكَّنُ حَرْبِيٌّ هُنَا سَنَةً

Ҳарбий бедин бу жойдан бир йил жой олиб турмагай, яъни, мусулмон шаҳрида бир йил турмагай, яъни, омон тилаб келса, унга бир йил Ислом шаҳрида турмоққа ижозат бермагайлар.

وَ قِيلَ لَهُ إِنْ اَقَمْتَ هُنَا سَنَةً نَضَعَ عَلَيْكَ الجِزْيَةَ

Унга, агар бу шаҳарда бир йил турсанг, сенга жизйа қўярмиз, деб айтилгай.

فَإِنْ اَقَامَ سَنَةً فَهُوَ ذِمِّيٌّ لاَ يُتْرَكُ أَنْ يَرْجِعَ

Бас, агар шундай деб хабар берилгандан кейин ул ҳарбий Ислом шаҳрида бир йил комил туриб қолса, бас, ул ҳарбий зиммий бўлиб қолгай, унинг дору-л-ҳарбга қайтиб кетмоғига қўйилмайди, яъни, ўз ихтиёри билан кета олмайди. Зероки, у мусулмон шаҳрида бир йил турмоғи билан зиммий бўлди, зиммийнинг аҳдни синдирмоғи мумкин эмас. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ لاَ تُغَيَّرُ جِزْيَةٌ وُضِعَتْ بِصُلْحٍ

Сулҳ билан қўйилган жизйага тағйир (ўзгариш) берилмагай.

وَ إِذَا غُلِبُوا وَ اُقِرُّوا عَلَى اَمْلاَكِهِمْ يُوضَعُ عَلَى كِتَابِيٍّ وَمَجُوسِيٍّ وَوَثَنِيٍّ عَجَمِيٍّ ظَهَرَ غِنَاهُ لِكُلِّ سَنَةٍ ثَمَانِيَةٌ وَ اَرْبَعُونَ دِرْهَمًا

Аҳли Ислом ҳар вақт бединлардан ғолиб бўлиб, улар мағлуб бўлсалар ва уларнинг ўз мулкларида қарор берилса, вазъ қилинур, яъни, тайин қилинур ул бединларнинг китобий бўлганларига, оташпарастларига ва бутпарастларигаки, улар ажамдирлар, араб эмаслар. Мазкурларнинг ғанийликлари зоҳир ва маълум бўлганларидан ҳар қайси бирларига бир йилга қирқ саккиз танга (қўйилур).

وَ عَلَى الْمُتَوَسِّطِ نِصْفُهَا

Ўртача ҳолдагиларига йигирма тўрт танга қўйилур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَعَلَى فَقِيرٍ يَكْسِبُ رُبْعُهَا

Уларнинг касб қиладиган бечораларига ўн икки танга қўйилур, яъни, бир йилда мазкур пулларни подшоҳликка бериб турасизлар, деб тайин қилиб қўйилур.

لاَ عَلَى وَثَنِيٍّ عَرَبِيٍّ

Лекин бутга чўқинадиганлар араб бўлса, уларга жизйа қўйилмагай, зероки, уларнинг куфри бошқалардан ғализроқдир. Албатта, Пайғамбар алайҳисоллату вассалом насаб тўғрисида улардан эдилар ва Қуръони шариф ҳам уларнинг луғатларида нозил бўлган эди. Бас, Пайғамбар алайҳиссолату вассаломга пайравлик қилишда бошқа одамлардан лойиқ ва сазоворроқ эдилар. Қуръони шариф маъноларини возиҳ ва равшан қиладиганроқ эдилар. Каломи шарифнинг балоғат ва фасоҳат ва эъжозларига донороқ эдилар. Бас, ҳужжат уларга лозимроқ эди, бовужуди мазкурот иймон келтирмадилар. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Ҳидоя»да мазкурдир.

فَإِنْ ظَهَرَ عَلَيْهِ فَطِفْلُهُ وَعِرْسُهُ فَيْئٌ

Бас, агар аҳли Ислом бутпараст арабга ғолиб бўлиб, улар мағлуб бўлсалар, уларнинг ёш болалари ва хотинлари мусулмонларга ғаниматдир, ғанимат мол оладиганларнинг ўртасида тақсим қилинур.

وَ لاَ مُرْتَدٌّ

Ва яна муртадга, яъни, дини Исломдан қайтганга жизйа бермоқ тайин қилиб қўйилмайди, муртаднинг болалари ва хотинлари бутпараст арабларга ўхшаш мусулмонларга ғаниматдир. Зероки, ул дини Исломнинг шарафига етишгандир ва дини Исломнинг маҳосинларига, яъни, яхшиликларига воқиф ва огоҳ бўлиб туриб муртад бўлибди. Бас, унинг куфри бошқалардан ёмонроқдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

فَلاَ يُقْبَلُ مِنْهُمَا إِلاَّ الإِسْلاَمُ أَوِ السَّيْفُ

Араб бутпарасти билан муртад иккаласидан мусулмон бўлишдан ёки қиличдан, яъни, ўлдирмоқдан бошқаси қабул қилинмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ لاَ عَلَى رَاهِبٍ لاَ يُخَالِطُ

Ва яна насородан бўлган роҳибларким, ҳеч кимга аралашмай, ибодати ботилаларини қилурлар, уларга жизйа қўйилмайди. Зероки, уларни ўлдирмоқ жоиз эмас, ҳар вақтики, уларга аралашмаса, жизйа ул роҳиб ҳақида ўлдирмоқнинг бадалигадир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Роҳиб деб, насородан ўзини бир четга олиб, дунёда зуҳд қилиб, дунёнинг лазиз таомларини тарк қилиб, машаққат ва риёзати ботилаларни қасд қилган кишига айтилур. Ҳатто ки уларнинг баъзилари ўзини ахта қилиб, гарданига занжир солиб, булардан бошқа ҳар хил азобларни ўзига қўйгай. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ صَبِيٍّ وَامْرَأَةٍ وَ مَمْلُوكٍ وَاَعْمَى وَ زَمِنٍ وَ فَقِيرٍ لاَ يَكْسِبُ

Ва яна ёш болага, жиннига ва маъту̇ҳга, яъни, ҳуши гоҳо кетиб, гоҳо ўзига келадиган одамга, хотинга, шайхи фонийга, кўр одамга, шол бўлиб қолган одамга, касб қилмоққа қудрати етмайдиган бечора одамга жизйа вазъ қилинмайди, яъни, мазкурлардан жизйа бермоқ соқитдир.

وَ تَسْقُطُ بِالْمَوْتِ وَ الإِسْلاَمِ

Жизйа бермоқ ўлмоқ ёки мусулмон бўлмоқ билан соқит бўлур.

وَ تَدَاخَلَ بِالتَّكَرُّرِ

Кўп йиллар жизйа олинмаса ва ул ўтиб кетган йиллардаги жизйаларни адо қилмоқ қарзи жам бўлса, бир жизйа билан ҳаммаси соқит бўлур. Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдан шулки, куффорнинг доим куфрида бўлганларининг уқубати ва азоби учун жизйа вожибдир, юқорида ҳам буни баён қилган эдик. Ушбу жиҳатдан агар зиммий жизйани ноибнинг қўлидан юборса, қабул қилинмайди. Асаҳ ривойатда, балки зиммийнинг ўзига вожиб бўлган нарсани ўзи келтирсин, деб таклиф қилинур. Бас, ул зиммийнинг ўзи подшоҳга ё подшоҳ ноибига жизйани тик туриб бергай, ул олгувчи ундан жизйани ўтириб олгай. Ва бир ривойатда, подшоҳ ёки подшоҳ ноиби зиммийнинг ёқасидан ушлаб, қаттиқ қимирлатиб, жизйани бергил, эй зиммий, дегай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва баъзилар айтибдики, жизйани бергил, ё адуваллоҳи, дегай. Бас, собит ва муқаррар бўлдики, бошнинг хирожи азоб бермоқ экан. Ва ҳар вақт азобу уқубатлар жамъ бўлса, башарти бир жинс бўлса, бир-бирисига киришгай, яъни, бир жазо берилгай. Ҳад урмоқда кўпгина бир жинс ҳадлар бир кишида жамъ бўлганда, бир ҳад билан ўзгалари соқит бўлганга ўхшаш. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ لاَ يُحْدَثُ بِيعَةٌ وَ لاَ كَنِيسَةٌ فِي دَارِنَا

Ислом шаҳрига насороларга бутхона, жуҳудларга каниса, оташпарастларга оташхона бино қилдирилмагай, зероки, бунда куфрни ошкоро қилмоқ бордир.

وَ لَهُمْ اِعَادَةُ الْمُنْهَدِمَةِ

Уларга аввалдан бор бўлган маъбади ботилалари бузилган бўлса, тузатмоққа жавоб берилур, лекин аввалгидан зиёда ва кенгроқ қилмагай ва бошқа жойга ўткармагай. Чунончи, «Ҳидоя», «Фатовойи Қозихон» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ مُيِّزَ الذِّمِّيُّ فِي زِيِّهِ وَ مَرْكَبِهِ وَ سَرْجِهِ وَ سِلاَحِهِ

Зиммийнинг кийимида, маркабида, эгарида ва яроғида мусулмонлардан бошқа тариқада аломат ва нишона қилиб, айриб қўйилгай. Кўрган замон зиммийлиги билинадиган қилиб қўйилгай.

فَلاَ يَرْكَبُ خَيْلاً

Бас, зиммий отга минмагай.

وَ لاَ يَعْمَلُ بِسِلاَحٍ

Ва яна асбобу яроқ билан иш қилмагай.

وَ يُظْهَرُ الْكُسْتِيجَ

Ва яна йўғонлиги бир бармоқ миқдори юнгдан бўлган ар-қонни устидан белига боғлаб, уни изҳор ва маълум қилиб юргай.

وَ يَرْكَبُ عَلَى سَرْجٍ كَإِكَافٍ

Ва яна зиммий полонга ўхшаган эгарга мингай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ مُيِّزَتْ نِسَاؤُهُمْ فِي الطَّرِيقِ وَ الْحَمَّامِ

Ва яна йўл юрганда зиммийларнинг хотинлари мусулмонларнинг заифаларидан жудо қилинур, яъни, мўъминларнинг хотинлари йўлнинг ўртасидан юриб, зиммийларнинг хотинлари йўлнинг бир четидан юргай. Ва ҳаммомда тутиладиган рўмоли бошқа хил қилиб қўйилгай.

«Фатҳул-қодир»да айтилибдурки, зиммийларнинг хотинларига эркакларга ўхшаш либос олдирилгай. Бас, зиммийларнинг хотин жамоаларига сариқ латта, насронийларнинг хотинларига кўк латта қилиб қўйилгай. Ҳаммомларда шундоқ қилингай. Зиммийа хотин муслима хотинга қарамоқда, асаҳ қавлда, бегона эркакка ўхшашдир. Бас, зиммийа хотин асло муслима хотинга қарамагай. Албатта, бу масъалани эшитиб мусулмонлар огоҳ бўлгайлар. Чунончи, «Дуррул-мунтақий»да мазкурдир.

وَ يُعْلَمُ عَلَى دُوَرِهِمْ لِئَلاَّ يُسْتَغْفَرَ لَهُمْ

Зиммийларнинг ҳовлиларига нишона қилиб қўйилгай, токи гадойлик қилиб келган соиллар уларнинг ҳақларига мағфират дуосини қилмагайлар. Чунончи, бир нарса берганда дуо қилмоқ соилларнинг одатларидир. Ушбудек «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Насронийнинг уйига бир хил аломат қўйилгай, масалан, қизил аломат. Жуҳуднинг уйига икки хил аломат қўйилгай, масалан, кўк ва сариқ. Оташпарастнинг уйига уч хил аломат қўйилгай, масалан, оқ, сариқ ва қизил. Бу Шайху-л-Исломнинг айтганларига ўхшашдир. Ҳоким раҳматуллоҳи алайҳ айтдилар: «Агар сулҳ билан уч шаҳар тасарруф қилинган бўлса, бир аломат кифоя қилгай, агар фатҳ билан тасарруф қилинган бўлса, уч аломат лозимдир». Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир.

وَ مَصْرِفُ الْجِزْيَةِ وَالْخَرَاجِ وَ مَا أُخِذَ مِنْهُمْ بِلاَ حَرْبٍ مَصَالِحُنَا

Жизйанинг сарф қилинадиган жойи ё хирожнинг сарф қилинадиган, бединлардан уруш қилмай олинган молнинг сарф қилинадиган жойи биз мусулмонларнинг масолиҳларимиз учундир, яъни, бу баён қилинганлар мусулмонларнинг нафълари ва фойдалари учун сарф қилинадиган нарсалардир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كَسَدِّ ثَغْرٍ

Масалан, мусулмонлар билан номусулмонларнинг оралари-ни айириб турадиган жойким, туркийда уни чегара, форсийда сарҳад дейилур, унга боришиб, қоровул бўлишиб, пойлашиб, тўсиб турадиганларга мазкур моллардан сарф қилинур.

وَ بِنَاءِ جِسْرٍ

Мусулмонлар ўтмоғи учун кўприк солмоққа ўхшаш.

وَ رِزْقِ الْعُلَمَاءِ

Шариати ғаррони эҳтиётлаб ва уни баён қилиб, таълими дин қиладиган олимларнинг ризқларига ўхшаш.

وَ الْعُمَّالِ

Уммолким, уни туркийда садақа йиғадиган ва закотчи ҳам дейилур, ул мусулмонларнинг фойдалари учун иш қила-дигандир, ул закотчининг ризқига ўхшаш. Ушбуга ўхшашдир валийларни, яъни, ҳокимлар, толиби илмлар, раис, қози, муф-тийлар, беужра таълим берадиган муаллимлар, – мазкурлар-нинг ризқига ўхшаш, яъни, бу баён қилинганлар жизйа, хирож ва бежанг олинган мол сарф қилинадиган жойлардирлар, яъни, мазкурларга берилур. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир.

وَ الْمُقَاتِلَةِ

Худойи таолонинг йўлида ғазот қиладиганларнинг, яъни, ас-карларнинг ризқига ўхшаш ва ҳеч шак йўқдир ғозийлар шариатга хизмат қилмоқда олимларга ўхшаш дохилдирлар. Ғозийларни хос қилиб баён қилмоқ шарафи ва мартабасининг улуғлиги учундир.

وَ ذُرِّيَّتِهِمْ

Ва уларнинг фарзандлари, яъни, олимлар, закотчилар ва ас-карлар фарзандларининг ризқларига ўхшаш, яъни, бу баён қилинганларга ҳам сарф қилинур. Зероки, мазкурларга баён қилинган ҳосиллардан сарф қилинмаса, албатта, касб қилмоққа муҳтож бўлгайлар, ундан кейин мусулмонларнинг ишларига қарай олмагайлар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ مَنْ اِرْتَدَّ وَ الْعِيَاذُ بِاللهِ عُرِضَ عَلَيْهِ الْإِسْلَامُ وَكُشِفَتْ شُبْهَتُهُ

Ва кимики муртад бўлса, яъни, дини Исломдан қайтса, ва-л-аёзу биллаҳ, бедин бўлмоқни ихтиёр қилса, унга Ислом арз қилинур ва унинг муртад бўлмоғига сабаб бўлган шак ва шубҳаси кашф қилинур, яъни, қайси нарсанинг сабаби билан шакка тушган бўлса, ул шакни олимлар очгайлар ва унинг шубҳасини йўқ қилгайлар.

فَإِنْ اسْتَمْهَلَ حُبِسَ ثَلٰثَةَ اَيَّامٍ

Бас, агар (у) Ислом арз қилингандан кейин фикр қилмоқ ва ўйламоқ учун муҳлат сўраса, уч кун қамаб қўйилур. Имом Аъзам ва Имом Абу Юсуф раҳимаҳумаллоҳдан (ривойат) шуки, муҳлат сўрамаса ҳам муҳлат бермоқ мустаҳабдир, бу дини Исломга мушарраф бўлмоғининг умиди учундир. Чунончи, «Ҳидоя», «Наводир» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

Ҳазрати Алий розийаллоҳу таоло айтдилар: «Худойи табораk ва таоло сенинг сабабинг билан одамни ҳидоят қилса, яъни, дини Исломга мушарраф қилса, Мағриб билан Машриқ орасидаги куффорнинг ҳаммасини ўлдирганингдан яхшироқдир». Чунончи, «Кирмоний»да мазкурдир.

فَإِنْ تَابَ فَبِهَا

Бас, агар уч кун қамаб қўймасдан илгари ё кейин тавба қилса, яъни:

لَا إِلٰهَ إِلَّا اللهُ مُحَمَّدٌ رَّسُولُ اللهِ أَشْهَدُ أَن لَّا إِلٰهَ إِلَّا اللهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ

деб мусулмон бўлса, хуш бўлгай ва ниҳоятда яхши бўлгай.

وَ إِلَّا قُتِلَ

Агар тавба қилмаса, ўлдирилгай.

وَ هِيَ بِالتَّبَرِّي عَنْ كُلِّ دِينٍ سِوَى الْإِسْلَامِ أَوْ عَمَّا انْتَقَلَ اِلَيْهِ

Ул муртаднинг тавба қилмоғи дини Исломдан бошқа жамъи дини ботилалардан безор бўлмоғи билан бўлгай. Ёки ўзи ўтган

www.ziyouz.com kutubxonasi

диндан безор бўлмоғи билан бўлгай. Чунончи, китобий: «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ, безор бўлдим динимдан» деса, буни безори ҳақиқий дейилур. Ё безор ҳукмиким, муртад бўлганига мункир бўлгай. Албатта, бу ўз динидан Исломга қайтмоқдир. Чунончи, «Татимма» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ قَتْلُهُ قَبْلَ الْعَرْضِ تَرْكُ نَدْبٍ بِلاَ ضَمَانٍ

Дини Исломдан қайтган одамни иймонга даъват қилмасдан илгари ўлдирмоқ бетовон тарки мустаҳабдир, яъни, ўлдирган киши товон тўламагай, зероки, муртад бўлмоқ ўлдирмоқни мубоҳ қилгай. Чунончи, «Ҳидоя», «Жомиъу-р-румуз», «Шарҳи Илёс» ва «Дурарул-Ҳукком»да мазкурдир.

وَ يَزُولُ مِلْكُهُ عَنْ مَالِهِ مَوْقُوفًا فَإِنْ اَسْلَمَ عَادَ

Муртаднинг мулки молидан мавқуф бўлиб, зойил ва йўқ бўлгай то дини Исломни қабул қилгунча. Агар мусулмон бўлса, моли ўз мулкига қайтгай, зероки, муртад, яъни, дини Исломдан қайтган одам ўликнинг ҳукмидадир ва ўлим мулкни зойил ва йўқ қилувчидир. Бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларидир. Бу қавл саҳиҳдир. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир.

فَإِنْ مَاتَ أَوْ قُتِلَ أَوْ لَحِقَ بِدَارِهِمْ وَ حُكِمَ بِهِ عَتَقَ مُدَبَّرُهُ وَ أُمُّ وَلَدِهِ

Агар диндан қайтган киши ўлса ё ўлдирилса, яъни, муртад бир одам ўлдирса ё бединлар шаҳрига бориб қўшилса ва унинг бориб қўшилганига ҳукм қилинса, яъни, фалон муртад бўлган одам дору-л-ҳарбга кетиб бориб қўшилибди, бундан буён ул муртад ўлган ҳукмидадир, деб қози ҳукм қилса, ул муртаднинг ўзи ўлгандан кейин озод бўладиган қули ва ўзидан бола туққан чўриси озод бўлгай.

وَ حَلَّ دَيْنٌ عَلَيْهِ

Ва бу уч ҳолатнинг бири бўлса, ё ўлдирилса, ё дору-л-ҳарбга бориб қўшилса, унинг гарданидаги кейинроқ бериладиган қарзни дарҳол тўламоғи лозим бўлгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ كَسْبُ إِسْلَامِهِ لِوَارِثِهِ الْمُسْلِمِ

Ва мусулмон ҳолида қилган касби мусулмон варисларига бўлгай.

وَ كَسْبُ رِدَّتِهِ فَيْئٌ

Ва муртадлик ҳолида қилган касби, яъни, касбининг ҳусули ва топган моли мусулмонларга ғанимат молдир. Бас, ул ғанимат мол Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, байтулмолга қўйилур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ قُضِيَ دَيْنُ كُلِّ حَالٍ مِنْ كَسْبِ تِلْكَ

Ҳар ҳолнинг қарзини ул ҳолнинг касбидан адо қилинур, яъни, мусулмонлик ҳолида қарздор бўлган бўлса, мусулмонлик ҳолидаги топган молидан бериб адо қилинур. Муртадлик ҳолида қарздор бўлса, ўшал ҳолидаги топган молидан бериб адо қилинур. Бу ривойат Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдандир. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир. Яна ул жаноб раҳматуллоҳи алайҳдан бир ривойат шундайки, муртаднинг қарзи аввал бошлаб мусулмонликдаги топган молидан бериб адо қилинур. Агар ул етмаса, муртадликдаги касбидан бериб адо қилинур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ بَطَلَ نِكَاحُهُ وَ ذَبْحُهُ

Дини Исломдан қайтган одамнинг никоҳи ва сўйган нарсаси ҳалол эмас, ботилдир. Масалан, дини Исломдан қайтган ҳолида бир хотинини никоҳлаб олса, бехилоф никоҳ мунаъқид бўлмайди, яъни, никоҳи боғланмайди, дуруст бўлмайди, гарчи никоҳлангани зиммийа хотин бўлса ҳам. Зероки, никоҳ бир тайинлик миллатга эътимод қилинур, муртаднинг қарорланган дини йўқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз», «Шарҳи Илёс» ва «Абу-л-Макорим»да мазкурдир.

وَ صَحَّ طَلَاقُهُ وَ اسْتِيلَادُهُ

Дини Исломдан қайтган одам хотинини талоқ қилмоғи дурустдир. Канизагини умму валад деб талаб қилмоғи, яъни, чўрисининг туққан боласини, мендан бўлган, деб даъво қилмоғи

www.ziyouz.com kutubxonasi

дурустдир, боланинг насаби ундан собит бўлур, канизак ул боланинг онаси бўлур.

وَ يُوقَفُ بَيْعُهُ وَ مُعَامَلَتُهُ

Дини Исломдан қайтган одамнинг сотмоқ ва олмоғи ҳамда бошқа муомалалари, масалан, қулни озод қилмоқ, қулни сотиб олмоқ, ижарага бир нарса бермоқ, гаров қўймоқ, ҳиба қилмоқ, васиййат қилмоқ ва булардан бошқа нарсалар, - буларнинг ҳар қайсиси мавқуфдир, яъни, тўхтатиб қўйилгай.

إِنْ اَسْلَمَ نَفَذَ وَ إِنْ مَاتَ أَوْ قُتِلَ أَوْ لَحِقَ وَ حُكِمَ بِهِ بَطَلَ

Агар муртад мусулмон бўлса, мазкур муомалаларнинг ҳаммаси дуруст ва лозим бўлиб, нуфуз қилур. Агар муртадлик ҳолида ўлса ёки дини Исломга қайтиб мушарраф бўлмагани жиҳатидан ўлдирилса ёки дорул-ҳарбга бориб қўшилса ва унинг дорул-ҳарбга қўшилганига ҳукм қилинса, ул баён қилинган савдо ва муомалаларнинг ҳаммаси ботил ва беҳудадир.

فَإِنْ جَاءَ مُسْلِمًا قَبْلَ حُكْمٍ فَكَأَنَّهُ لَمْ يَرْتَدَّ

Бас, агар дини Исломдан қайтган одам дорул-ҳарбга қўшилганига ҳукм қилинмасдан илгари дорул-ҳарбдан мусулмон бўлиб келса, гўёки асло муртад бўлмаган ва ҳамиша мусулмонликда юрган одамга ўхшашдир. Бас, унинг ўзим ўлгандан кейин озодсан, деган қули, умму валади озод бўлмайди, қарзини дарҳол тўламоқ лозим бўлмайди. Меросгирлари унинг молидан нобуд қилганларини тўлагайлар, бу барча уламоларнинг наздларида. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ إِنْ جَاءَ بَعْدَهُ وَ مَالُهُ مَعَ وَرَثَتِهِ اَخَذَهُ

Агар дорул-ҳарбдан ҳукм қилингандан кейин мусулмон бўлиб келса ва унинг моли меросгирлар қўлида мавжуд бўлса, уни олгай. Аммо ворислар унинг молидан нобуд қилган бўлсалар, товон тўламайди. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ تُقْتَلُ مُرْتَدَّةٌ وَ تُحْبَسُ حَتَّى تُسْلِمَ

Дини Исломдан қайтган хотин ўлдирилмайди, то дини Ис-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ломга мушарраф бўлгунча қамаб қўйилади. Хоҳ у ҳурра бўлсин, хоҳ чўри бўлсин. Зероки, Пайғамбар алайҳиссолату вассалом муртадда хотинни ўлдирмоқни манъ қилдилар. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ صَحَّ تَصَرُّفُها وَ كَسْبُها لِوَرَثَتِهَا

Дини Исломдан қайтган хотинни ўз молида тасарруфи дуруст, масалан, сотмоқ, олмоқ, ҳиба қилмоқ ва булардан бошқа муомалаларда ҳам ўз ихтиёри билан тасарруф қилмоғи дурустдир. Дини Исломдан қайтган хотиннинг мусулмонликдаги касбидан топган моли, диндан қайтган холидаги касбидан топган моли меросгирларига бўлгай. Лекин унинг меросидан эрига тегмайди. Зероки, дини Исломдан қайтмоғи билан талоғи бойин бўлган. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ صَحَّ اِرْتِدَادُ صَبِيٍّ يَعْقِلُ وَ إِسْلَامُهُ

Ақлли, балоғатга етмаган ёш боланинг диндан қайтмоғига ва дини Исломга мушарраф бўлмоғига балоғатга етган одамларга юргизилган ҳукмларни жорий қилмоқ ва юргизмоқ дурустдир.

وَ يُجْبَرُ عَلَيْهِ

Ул муртад бўлган бола дини Исломга қайтмоққа таклиф қилинур, яъни, зўрлангай ва жабр қилингай, урилгай ва қамаб қўйилгай, то мусулмон бўлгунча.

وَ لَا قَتْلَ إِنْ أَبَى

Лекин ул бола дини Исломга қайтишни қабул қилмаса, ўлдирмоқ йўқдир. Зероки, ул бола диндан қайтган хотинга ўхшашдир, аҳли муҳорабадан эмас. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ الْبُغَاةُ قَوْمٌ مُسْلِمُونَ خَرَجُوا عَنْ طَاعَةِ الْإِمَامِ

Боғийлар шундоқ мусулмон жамоадирларки, подшоҳни, яъни, халифайи одилнинг фармон ва итоатидан ва унга бўйинсуниб, фармонини қабул қилмоқдан чиққайлар. Чунончи,

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Муҳит» китобида ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир ва уларнинг замонларидадир. Аммо бизларнинг замонамизда қайси тараф кўп ва ғолиб бўлса, ҳукм ул тарафгадир, яъни, ғолиб томонни подшоҳ дейилур, мухолифини боғий дейилур. Зероки, ҳаммалари дунёни талаб қилурлар, боғийдан одилни айириб ва билиб бўлмайди. Чунончи, «Имодий»да ва бошқа китобда ҳам мазкурдир.

فَيَدْعُوهُمْ إِلَى الْعَوْدِ وَ يَكْشِفُ شُبْهَتَهُمْ

Бас, уларни подшоҳ ўзига қайтиб итоат қилмоққа даъват қилгай ва уларнинг итоатдан чиқмоқлари қайси шубҳа ва гумондан бўлса, уларнинг шубҳаларини очгай.

فَإِنْ تَمَيَّزُوا مُجْتَمِعِينَ حَلَّ لَهُ قِتَالُهُمْ بَدْأً

Бас, агар боғийлар ёмон нийат билан ҳаммалари бир жойга жамъ бўлсалар, улар уруш бошламасдан илгари даъфатан улар билан уруш қилмоқ подшоҳи Исломга ҳалолдир. Бу бизларнинг уламоларимиз – раҳимаҳумаллоҳ наздларида. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. «Қудурий» китобида шундайки, агар боғийлар уруш бошласалар, булар ҳам урушгайлар. Агар уруш бошламасалар, урушмагайлар.

وَ يُجْهِزُ عَلَى جَرِيحِهِمْ وَ يَتْبَعُ مُوَلِّيهِمْ إِنْ كَانَ لَهُمْ فِئَةٌ

Ул боғийларнинг ярали ва жароҳатлиларини подшоҳ тезроқ ўлдиргай, яъни, лашкарларига тез ўлдирмоққа фармон бергай. Тоб бермай қочган боғийларнинг орқасидан қувгайлар, борди-ю, уларнинг қочиб бориб, қўшилиб, паноҳ ва иъонат талаб қиладиган жамоалари бўлса, агар бўлмаса, ярадорларини ўлдиргайлар, қочганларини қувмагайлар. Чунончи, «Абул-Макорим» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لَا يُسْبَى ذُرِّيَّتُهُمْ

Боғийларнинг болаларини, қари одамларини, шол кишиларини, кўрларини, хотинларини асир қилиб олмагайлар. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ يُحْبَسُ مَالَهُمْ إِلَى أَنْ يَتُوبُوا

Боғийларнинг моллари ўзларига берилмай, қамаб қўйилгай, то тавба қилиб, подшоҳга мутеъ бўлмагунларича. Уларнинг лашкарлари шикаст топгандан кейин моллари қайтариб берилгай, зероки, мусулмонлардир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ يَسْتَعْمَلُ سِلاَحُهُمْ وَ خَيْلُهُمْ عِنْدَ الْحَاجَةِ

Ва уларнинг силоҳ ва асбоби жанглари, отлари ҳожат ва зарур бўлганда истеъмол қилинур, яъни, мазкурларни истеъмол қилмоқ ихтиёри подшоҳда бўлгай.

وَ بَاغٍ قَتَلَ عَادِلاً إِنْ اَدَّعَى حَقِّيَّتَهُ يَرِثُهُ

Ва бир боғий одам одил кишини ўлдирса, яъни, подшоҳи Исломга мутеъ одамни ўлдирса, ул одил киши унинг мерос оладиганидан бўлса, агар ўзининг ҳақ ва ростлигини даъво қилса, яъни, мен подшоҳдан қайтмоғимда ҳақ эдим ва унинг афъолини ноҳақ фаҳмлаб, ундан қайтган эдим, ҳозир ҳам барҳақман деса, ундан мерос олгай.

كَعَكْسِه

Бунинг аксига ўхшаш, яъни, одил киши боғийни ўлдирганига ўхшашки, унда одил мерос олур эди.

وَ لاَ يَجِبُ شَيْءٌ بِقَتْلِ بَاغٍ مِثْلَهُ

Ва бир боғий киши ўзига ўхшаш боғийни ўлдирмоғи билан ҳеч нарса вожиб эмас, яъни, на қасос, на товон тўламоқ ва на каффорат вожиб эмас. Зероки, боғийларнинг шаҳри дорул-ҳарбга ўхшашдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْجِنَايَةِ

ЖИНОЯТЛАР ҲАҚИДА КИТОБ

Бу китобда жиноятларнинг, яъни, гуноҳ қилмоқ ва зарар етказмоқнинг баёни келади. **Жиноят** деб луғатда гуноҳ қилмоққа айтилур.

اَلْقَتْلُ الْعَمْدُ ضَرْبُهُ قَصْدًا

Шариатда жиноят деб, одамнинг жонига ё баданларига, ё молларига, ё ирзига (обрўйига) зарар еткурмоққа айтилур. Агар зарар молига бўлса, уни тортиб олмоқ ва хиёнат қилмоқ дейилур. Агар ирзига бўлса, ўзининг ҳузурида бўлса, уни ҳақорат қилмоқ ва хорламоқ дейилур. Агар ҳузурида бўлмаса, ғийбат дейилур. Агар зарар жонига бўлса, ўлдирмоқ дейилур. Ва ўлдирмоқ беш хил бўлур, баёни келгай, иншааллоҳ. Чунончи, «Табйин», «Ғиёсиййа», «Ҳидоя» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

بِمَا يُفَرِّقُ الْاَجْزَاءَ كَنَارٍ وَمَحَدَّدٍ ولو مِنْ خَشَبٍ وَبِهِ يأثم

Жиноятларнинг **бири** қасддан ўлдирмоқ – аъзони эзиб ё ёриб юборадиган нарса билан одамни қасддан ўлдирмоқдир, оташга ўхшаш, ўткир ва тезланган нарсага ўхшашким, гарчи ёғочдан бўлса ҳам. Бу одамни қасддан ўлдирмоқ билан гуноҳкор бўлур, гарчи соҳиби майийт уни афв қилса ҳам. Бунда ишорат шунгаки, ўлдирувчига тавба қилмоқ вожиб. Чунончи, «Мунйа»да мазкурдир. Ўлдирган одам Рўзи қиёматда жаҳаннам аъзобига сазовор бўлур. Худойи таборак ва таолонинг каломиким:

﴿و مَنْ يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُتَعَمِّدًا فَجَزَاُهُ جَهَنَّمُ...﴾ النّساء/ ٩٣

Яъни: «Кимки бир мўминни қасддан ўлдирса, бас, унинг жазоси жаҳаннамдир».

وَيَجِبُ الْقَوَدُ

Дунёда қасос вожиб бўлур, чунки Ҳақ субҳонаҳу ва таоло:

www.ziyouz.com kutubxonasi

﴿يَـٰٓأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ فِي الْقَتْلَى...﴾ الْبَقَرَةُ/١٧٨

Яъни: «Эй иймон келтирганлар! Сизларга ўлдирилган кишилар учун қасос олиш фарз қилинди», деб фармойиш қилибдир. Чунончи, «Ҳидоя» ва «Иноя»да мазкурдир. Бироқ ўлликнинг эгалари хунини кечишса ё бир нарса олиб сулҳ қилишса, қасос вожиб бўлмайди. Авф қилиш қасос олишдан афзал ва яхшироқдир. Чунончи, «Ҳидоя», «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وشبه العَمْد ضَرْبُهُ قَصْدًا بِغَيْرِ مَا ذُكِرَ

Ва жиноятларнинг **иккинчиси** қасддан ўлдирмоққа ўхшаш ўлдирмоқ, яъни, ақлли, балоғатга етган одамнинг бир кишини мазкур бўлган нарсалардан бошқа нарсалар билан қасддан урмоғидир. Ва ҳам ўлдирмоқ қасди билан урмагай, масалан, ҳасса, қўл, қамчин ва буларга ўхшаган нарсалар билан аъзосини оғритмоқ ёки ору номуслантирмоқ учун урганда ўлиб қолгай.

وَفِيهِ الإِثْمُ وَالْكَفَّارَةُ وَدِيَةٌ مُغَلَّظَةٌ عَلَى العَاقِلَةِ

Ва бу шибҳи амдада, яъни, қасдданга ўхшаган ўлдирмоқда гуноҳ бор, каффорат вожиб бўлур. Оқилага оғир дийат бордир, буларнинг маъноси ўз мақомида келур, иншааллоҳ.

وَهُوَ فِيمَا دُونَ النَّفْسِ عَمْدٌ

Бу қасдданга ўхшаган ўлдирмоқда урмоқ жон чиқмоқдан бошқада баданларга шикаст берса, ярадор ва айбнок қилса, қасддан урганнинг ҳукмидадир. Масалан, қўлни, оёқни синдирмоқ ва булардан бошқа аъзони мажруҳ қилмоққа ўхшаш, мазкурлар қасосни вожиб қилур, яъни, қайси аъзони нобуд қилса, унинг ҳам шунга ўхшаш аъзосини нобуд қилмоқ вожибдир.

وَفِي الْخَطَاءِ فِعْلاً أَوْ قَصْدًا كَرَمِيهِ عَرْضًا فَأَصَابَ آدَمِيًّا أَوْ مُسْلِمًا ظَنَّهُ صَيْدًا أَوْ حَرْبِيًّا

Қотил ўзининг феъли билан хатоан ўлдирганда, масалан, ўқни пойлаб отадиган нишонага отмоғига ўхшаш, ул ўқ одамга тегса ёки ул қотил, яъни, ўлдиргучи сайдга ё ҳарбий кофирга

www.ziyouz.com kutubxonasi

отаман, деб гумон қилиб отганда, мусулмонга ё жизйа бериб турадиган зиммийга тегса, мазкурлар хатоан ўлдирмоқ бўлур.

وَمَا جَرَى مَجْرَاهُ كَالنَّائِمِ سَقَطَ عَلَى آخَرَ فَمَاتَ كَفَّارَةٌ وَدِيَةٌ عَلَيْهَا

Хатоларнинг **тўртинчиси** яна хатонинг ўрнига қойим мақом бўлиб юрган ўлдирмоқким, ухлаб ётган одамнинг устига бир киши йиқилиб тушиб ўлганига ўхшаш, мазкур икки хил ўлдирмоқда, яъни, хато қилиб ўлдирмоқ ва хато ўрнига ҳисоб қилинадиган ўлдиришда оқилага каффорат ва дийат тўламоқ вожиб.

وَفِي الْقَتْلِ بِسَبَبٍ كَحَفْرِ بِئْرٍ وَنَحْوِهِ دِيَةٌ عَلَيْهَا

Жиноятларнинг **бешинчиси** сабаб билан ўлдирмоқдир. Масалан, ўз тасарруфида бўлмаган ерда қудуқ кавлаганга ўхшаш, унга одам тушиб ўлса ва шунга ўхшашким, ўз жойи бўлмаган ерга тош қўймоқ. У бир одамнинг устига тушиб ўлдирса, мазкурларда оқилага дийат вожиб бўлур, бас, бошқа жазо йўқдир.

وَلَا إِرْثَ إِلَّا هُنَا

Юқорида баён қилинган ўлдирмоқнинг ҳар бир навъида ўлдирган одам ўлдирилган кишининг меросгири бўлган суврatда меросидан унга насиб йўқдир, қотил меросдан маҳрум бўлур. Бироқ ушбу бешинчи навъ қилдирмоқда қотилга, агар меросгир бўлса, қадри ҳиссаси теккай, меросдан маҳрум бўлмайди.

وَنُقْصَانِ الصِّبَى وَالْأُنُوثَةِ وَالرِّقِّ وَالْجُنُونِ وَالْعَمَى وَالزَّمَانَةِ وَكُفْرِ الذِّمِّيِّ وَنُقْصَانِ الْأَطْرَافِ هَدَرٌ فِي الْقَوَدِ

Ёш болалик нуқсони-камчилиги, хотинлик камчилиги, қуллик камчилиги, жиннилик, кўрлик, шол бўлиб қолганлик камчилиги, зиммийнинг кофирлик нуқсони, аъзоларнинг камлиги, мазкурларнинг ҳар бири қасос тўғрисида, яъни, ўлдирган одамнинг ўлдирилган одам ўрнига ўлдирмоғида камликлари беҳуда ва ботилдир. Масалан, ёш болани балоғатга етган ўлдирса, чунончи, «Кофий»да мазкурдир. Хотинни эркак ўлдирса, чунончи, «Хулоса»да мазкурдир. Қулни озод одам ўлдирса, чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир. Жиннини оқил киши, кўр

www.ziyouz.com kutubxonasi

одамни соғ киши ўлдирса, баржомонда шолни тансиҳат киши ўлдирса, зиммийни мусулмон одам ўлдирса, чунончи, «Кофий»-да мазкурдир. Қўл-оёғи кесилган одамни қўл-оёғи бор киши ўлдирса, ушбу баён қилинганларнинг ҳаммасида қасос олингай, яъни, ўлдирилгай. Гарчи ўлдирилган одамлар ўлдирган кишидан камликлари ва нуқсонлари бўлса ҳам. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз», «Ҳидоя» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ لاَ يُقَادُ بِمَمْلُوكِهِ وَلَوْ مُشْتَرَكًا وَبِالْوَلَدِ

Ўз қулини ўлдиргани сабабидан қулнинг хожаси ўлдирилмайди, гарчи ул қул шериклик олинган бўлса ҳам. Ва яна боласини ўлдиргани сабабли ота ва она ўлдирилмайди, боланинг оталари ҳар қанча баланд кетсалар ҳам, яъни, боланинг отаси ва бобоси ўлдирса ҳам ҳеч бири бола ва набиралари учун ўлдирилмайди. Ва болалари қанча паст кетса ҳам, яъни, набиранинг набирасини ўлдирган бўлса ҳам, улар учун қасос олинмайди. Чунончи, «Ҳидоя», «Шарҳи Илёс» ва «Кофий»да мазкурдир.

وَعَبْدِهِ

Боласининг қулини ўлдиргани учун мазкурлар ўлдирилмайди.

وَ بِمُكَاتَبٍ لَهُ وَفَاءٌ وَوَارِثٌ وَسَيِّدٌ

Бадали китобатга пули етадиган мукотабни ўлдирса, унинг хожаси ва мерос оладиган одами бўлса, унинг учун қасос бўлмайди. Зероки, саҳобаларнинг ораларида мукотабнинг озод бўлиб ўлмоғи билан қуллик ҳолида ўлмоғида ихтилоф зоҳир бўлибди. Бас, агар мукотаб озод бўлиб ўлган бўлса, валий вориздир. Чунончи, бу қавл ҳазрати Алий билан Масъуд розийаллоҳу анҳумоларникидир. Агар қуллик ҳолида ўлган бўлса, валий хожасидир. Чунончи, бу Зайд ибн Собит розийаллоҳу анҳунинг қавлидир. Бас, ҳақ кимга экани гумон бўлди, ўлдирувчини қасос қилинмайди, гарчи ворис ва хожа жамъ бўлсалар ҳам, яъни, иттифоқ бўлишиб, қасос талаб қилсалар ҳам. Чунончи, «Абул-Макорим», «Шарҳи Илёс» ва «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

وَيَسْقُطُ قَوَدٌ وَرِثَهُ عَلَى اَبِيهِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ота бир одамни ўлдирганда, қасос талаб қиладиган киши кушанданинг ўғли бўлса, қасос соқит бўлгай, масалан, бир одамнинг онасини ўз отаси ўлдирса, оталик ҳурмати жиҳатидан қасос соқит бўлур. Чунончи, «Ҳидоя», «Шарҳи Илёс», «Жомиъу-р-румуз» ва «Абул-Макорим»да мазкурдир.

وَلاَ يُقَادُ اِلاَّ بِسَيْفٍ

Одам ўлдирган киши қасос учун ўлдириладиган бўлса, қилич билан, яъни, ўткир тиғли нарса билан ўлдирилади. Масалан, ханжар, пичоқ билан ўлдирилур, гарчи ўт билан ё тош билан ўлдирилган бўлса ҳам. Чунончи, «Кашф» китобида мазкурдир.

وَيَسْتَوْفِى الْكَبِيرُ قَبْلَ كَبِرِ الصَّغِيرِ قَوَدًا لَهُمَا

Ўлдирилган одамнинг балоғатга етган ва сағир валийи бўлса, балоғатга етган валий дарҳол ёш бола валий балоғатга етмасдан илгари қасосни талаб қилиб бажо келтиргай, яъни, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, катта валий билан кичик валий ораларидаги қасос учун қотилни ўлдиргай. Чунончи, «Ҳидоя» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَفِي قَتْلِ مُسْلِمٍ مُسْلِمًا ظَنَّهُ مُشْرِكًا عِنْدَ التِّقَاءِ لصَفَّيْنِ الْكَفَّارَةُ وَالدِّيَةُ

Мусулмон одам мусулмон одамни икки лашкар, яъни, кофир билан мусулмон икки тарафда саф тортиб йўлиққанда ва муқобил бўлишганда кофир гумон қилиб ўлдирганда, ўлдиргувчига ҳам каффорат, ҳам дийат лозимдир. Дийат деб ўлдирилган одам учун мол тўламоққа айтилур. Чунончи, луғатларда мазкурдир. Мазкур учун қасос йўқдир, бу эса ул мусулмон кофирларнинг қораларини кўпайтиргани сабаби билан уни сақламоқ ва эҳтиётламоқ соқит бўлгани жиҳатидандир.

قَالَ النَّبِي صَلىَّ اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ كَثَّرَ سَوادَ قَوْمٍ فَهُوَ مِنْهُمْ اَيْ مَنْ تَزَى بِزِيِّهِمْ وَلَمْ تَخلقْ بِاَخْلاَقِهِمْ

Яъни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кимки бир жамоа одамнинг қорасини кўпайтирса, бас, ул киши ул жамоадан бўлур, яъни, кимики бир либосига либосини му-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вофиқ қилиб кетса, ул жамоанинг хулқи билан хулқ қилмаса, яъни, уларнинг хулқу хўйларини ўрганмаса, уларнинг либосига ўхшатиб либос кийса, ул жамоанинг жинсидан бўлгай». Бас, бизнинг замонамиз аҳллари кофирларнинг либосига мувофиқ либос киядурлар ва уларнинг феълу хўйларига мувофиқ хулқ қилурлар, ҳоллари Маҳшаргоҳда нечук бўлгай?!» Чунончи, «Зоҳидий» китобида мазкурдир. Бунда шу нарсадан огоҳ қилмоқ борки, агар муширикларнинг сафида мусулмон бўлса, уни ўлдирган мусулмонга на каффорат лозимдир ва на дийат лозимдир. Зероки, кимки муширикларнинг сафида бўлса, қони мубоҳдир. Чунончи, «Темиртоший» китобида мазкурдир.

وَفِي مَوْتٍ بِفِعْلِ نَفْسِهِ وَزَيْدٍ وَسَبُعٍ وَحَيَّةٍ ثُلُثُ الدِّيَةِ عَلَى زَيْدٍ وَلَاشَيْءَ بِقَتْلِ مُكَلَّفٍ شَهَرَ سَيْفًا عَلَى مُسْلِمٍ

Ўз феъли билан ўлмоқда, масалан, ўзининг баданини ўзи ёриб ўлмоқда ва ҳам бир одамнинг, масалан, Зайднинг феъли билан ўлмоқда ва ёрадиган даррандanинг феъли билан ўлганда, масалан, ҳар вақт йўлбарс тишласа ва ё илоннинг феъли билан ўлганда, масалан, ҳар вақт илон чақса, яъни, мазкур тўрт жароҳат билан ёки кўпроқ жароҳат билан ўлганда Зайдга учдан бир товон тўламоқ лозим бўлгай. Зероки, ул уч хил жароҳат билан ўлибдир. Бири ўзининг феълидан, бу феъли бади дунёда ботил ва беҳудадир, ҳаттоки бехилоф уни ювилур ва охиратда ул феъли эътибор қилинур, Рўзи қиёматда ул ёмон феълининг сабабидан бил-ижмоъ азоб қилинур. Ва бир жинсли икки даррандanинг феълидир, булар бекордир. Бир навъи - Зайднинг феълидир, ул дунёда ва охиратда мўътабардир. Зайднинг учдан бир дийат бермоғи лозим бўлур. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз», «Шарҳи Илёс» ва «Ҳидоя»да мазкурдир. Ва бир балоғатга етган ақлли одам бир мусулмонга қилич тортса, бу ўлдирмоққа қасд қилиб, қилич тортган одамнинг ўз зарарини дафъ қилмоқ учун ул мусулмон ўлдирса, унинг ўлдиргани сабабидан ҳеч нарса вожиб эмас, хоҳ кечаси, хоҳ кундузи бўлсин, хоҳ шаҳарда, хоҳ бошқа жойда бўлсин. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

اَوْ عَصًا اِلاَّ نَهَارًا فِي مِصْرٍ

Ул балоғатга етган одам бир мусулмонни ўлдирмоққа қасд қилиб, ҳасса ёки калтак кўтарса, ул мусулмон уни ўлдирса, ўлдиргани сабабидан ҳеч нарса вожиб бўлмайди. Бироқ кундуз куни шаҳарда ё бошқа одам бор жойда ўлдирмоққа қасд қилиб, ҳассани ё калтакни кўтарса, ул мусулмон уни ўлдирса, ўлдиргани сабабидан унинг ўзи ўлдирилур, бу Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Зероки, кундузи фарёдига етадиган ва ажратиб қўядиган одам унга етишгай ва лоҳиқ бўлгай. Бас, ўлдирмоқ билан уни дафъ қилмоққа зарурат ва ҳожат йўқдир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَالدِّيَةُ فِي مَالِهِ فِي غَيْرِ مُكَلَّفٍ

Балоғатга етмаган ёш бола ё жинни қилич тортганда ё калтак кўтарганда, калтак ҳавола қилинган одам буларни ўлдирса, ўлдирган одамнинг ўз молидан дийат тўламоғи вожибдир, оқилага дийат тўламоқ вожиб эмас. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَالْقِيْمَةُ فِي قَتْلِ جَمَلٍ صَالَ عَلَيْهِ

Туя ё бошқа ҳайвонлардан бири ҳамла қилганда уни ўлдирса, баҳосини тўламоғи вожибдир.

وَيَجِبُ الْقَوَدُ فِيمَا دُونَ النَّفْسِ اَنْ اَمْكَنَ الْمُمَاثَلَةُ كَقَطْعِ الْيَدِ مِن الْمَفْصِلِ وَالرِّجْلِ وَمارِنِ الانْفِ والأُذُنِ

Қасос олмоқ вожиб бўлгай нафсдан бошқа, яъни, жондан бошқада аъзоларга зарар етказганда, агар жароҳат қилганига ё нобуд қилганига баробар қилмоқнинг иложи бўлса. Масалан, қўл ва оёқни бўғимидан кесганга ўхшаш ва бурун учининг юмшоғини ва қулоғининг ҳаммасини ё баъзисини кесганга ўхшаш. Мазкурларда қасос вожибдир, яъни, бу баён қилинган аъзонинг қайси бирини кесса, кесган одамнинг ҳам ўша аъзоси кесилур. Агар иложи бўлмаса, қасос вожиб эмас, товон тўлагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَكُلُّ شَجَّةٍ يمكن فيها الْمُمَاثَلَةُ

Ҳар жароҳатки, бошу юз ва бош атрофида бўлиб, баробар жароҳатли қилмоқ мумкин бўлса, қасос олинур.

وَعَيْنٍ قَائِمَةٍ ذَهَبَ ضَوْؤُهَا

Ҳар кўзким, ўз ўрнида турган бўлса, урмоқ билан ё бошқа нарса билан нури ва равшанлиги кетса, қасос вожиб бўлгай, яъни, бенур қилган одам кўзининг равшанлиги йўқ қилинур.

لاَ انْ قُلِعَتْ

Аммо кўз томирлари билан ўйиб чиқарилган бўлса, қасос вожиб бўлмайди, балки саҳиҳ қавлда дийат вожиб бўлгай. Чунончи, «Хулоса»да мазкурдир.

وَلاَ فِي عَظْمٍ اِلاَّ السِّنَّ فَتُقْلَعُ ان قُلِعَتْ وتُبْرَدُ انْ كُسِرَتْ

Суяк ва устихон синганда қасос вожиб эмас, баробарликнинг иложи йўқлиги жиҳатидан, бироқ тиш суғурилганда ва синдирилганда қасос вожиб бўлгай. Бас, тишини суғуриб олган кишининг тиши суғуриб олинур. Синдирган кишининг тиши синган тиш билан баробар бўлгунча эговланур.

وَلاَ بَيْنَ رَجُلٍ وَامْرَاَةٍ وَحُرٍّ

Эр билан хотиннинг ораларида ўлдирмоқдан бошқада қасос йўқдир, яъни, ораларида ўлдирмоқ воқиъ бўлса, дийат вожибдир. Масалан, бир эркак хотини аъзосининг бирини синдирса, қасос вожиб эмас, яъни, эр ё хотиннинг ҳам унга монанд аъзосини синдирмоқ вожиб эмас, балки товон тўлагай.

وَعَبْدٍ وَعَبْدَيْنِ

Озод одам билан қулнинг орасида қасос йўқ. Зеро, озод билан қул орасида баробарлик йўқдир, баҳоларида тафовут борлиги жиҳатидан. Чунки шариатда ҳур одамнинг бир қўлига беш юз тилло баҳо қўйгайлар, қулнинг бир қўлининг баҳоси беш юз тиллога етмайди. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

وَالْجَائِفَةِ واللِّسَانِ وَالذَّكَرِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва яна бошни мияга ётқизиб ё қориннинг ичига етказиб жароҳат қилганда қасос йўқдир. Ва яна тилни ва закарни кесганда қасос йўқдир, мазкурларга баробар қилиб, қасос қилмоқнинг иложи йўқлиги жиҳатидан.

إِلاَّ مِنَ الْحَشَفَةِ

Бироқ ҳашафа миқдори кесганда қасос олингай, зероки, бунинг кесилган жойи бўғимга ўхшаш маълумдир, кесилган ҳашафага баробар кесиб олмоқ мумкиндир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ва «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَخُيِّرَ الْمَجْنِيُّ عَلَيْهِ ان كَانَتْ يَدُ الْقَاطِعِ نَاقِصَةً اَوِ الشَّجَّة تَسْتَوْعِبُ مَا بَيْنَ قَرْنَيِ الْمَشْجُوجِ لاَ الشَّاجُّ

Ситам кўрган мазлум қасос олмоқ билан дийат олмоқнинг орасида ихтиёрлидир, башарти бунинг аъзосини кесган одамнинг, масалан, қўли ноқис бўлса, андоғким, қўли шол бўлса, ё мажруҳ бўлса, ё саноғида кам бўлса, масалан, бир ёки икки панжаси йўқ бўлса, бир нарсани тўлиқ ушлай олмаса. Ёки боши ёрилган одамнинг жароҳати бошининг иккала тарафини ҳам қоплаб ва ўраб олса, лекин ул бош ёрган киши бошининг катталиги жиҳатидан унинг жароҳатини баробар қилганда, бошининг иккала тарафини қоплаб ва ўраб олмайдиган бўлса – мазкурларнинг ҳаммасида мазлум киши, яъни, ярадор кишига қасос билан товон олмоқ ўртасида ихтиёр берилгандир. Чунончи, «Жомиъур-румуз», «Абулмакорим» ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

وَيَسْقُطُ الْقَوَدُ بِمَوْتِ الْقَاتِلِ

Ўлдирган кишининг ўлмоғи билан қасос олмоқ соқит бўлур ва таракасидан дийат бермоқ учун ҳеч нарса соҳиби маййитга вожиб эмас.

وَبِعَفْوِ وَلِيِّ وَصُلْحِهِ وَلِلْبَاقِي حِصَّةٌ مِنَ الدِّيَةِ

Ўлдирилган одам валийларининг бири хунини кечмоғи билан ё ўлдирган киши билан валийларининг бири сулҳ қилмоғи билан, яъни, ярашмоғи билан қасос соқит бўлур ва қолган валийлар қадри ҳиссани дийатдан олгайлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَيُقْتَلُ جَمْعٌ بِفَرْدٍ وَبِالْعَكْسِ

Кўп одамлар жамъ бўлиб, иттифоқ билан бир кишини қасддан ўлдирсалар, ул одамларнинг ҳаммалари ўлдирилур. Агар ёлғиз бир киши кўп одамларни ўлдирса, ул бир кишининг ўзи ўлдирилур, улар учун молдан ҳеч бир нарса лозим эмас. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

فَانْ حَضَرَ وَلِيٌّ وَاحِدٌ قُتِلَ لَهُ وَسَقَطَ حَقُّ الْبَاقِيْنَ

Бас, агар бир одам кўп кишини ўлдиргандан кейин ўлганларнинг валийларидан бири ҳозир бўлса, бошқа валийлар ҳозир бўлмасалар, ул валий учун ул ўлдирган киши ўлдирилур ва қолган валийларнинг ҳақлари соқит бўлгай.

وَ لَا يُقْطَعُ يَدَانِ بِيَدٍ

Бир қўл кесилгани учун икки қўл кесилмайди, яъни, ҳар вақтики икки киши бир одамнинг бир қўлини кесса, ҳеч қайси бирига қисос лозим эмас ва иккаласига бир қўлнинг дийатини тўламоқ лозим бўлур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да, «Абул-макорим»да мазкурдир.

وَ يُقَادُ عَبْدٌ اَقَرَّ بِقَوْدٍ

Бир қул бир одамни қасддан ўлдирганига ўзи иқрор қилса, қасос қилинур, яъни, ул қул ўлдирилур.

وَمَنْ رَمَى عَمْدًا فَنَفَذَ اِلَى آخَرَ فَمَاتَا يُقْتَصُّ لِلاوَّلِ

Ва бир одам бир кишини ўлдирмоқ учун қасддан ўқ отса, ул ўқ қасд қилган одамига тегиб, ундан ўтиб, яна бир одамга тегса, бас, ул иккаласи ўлса, у аввалги ўқ теккани учун ўлдирилгай Зероки, уни қасддан ўлдирибдир.

وَعَلَى عَاقِلَتِهِ الدِّيَةُ لِلثَّانِي

Кейинги ўлгани учун ўлдирган одамнинг оқиласига дийат тўламоқ вожиб бўлгай. Зероки, уни хатоан ўлдирибдир. Чунончи «Шарҳи Илёс», «Абул-макорим» ва «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَمَنْ قُطِعَ فَعَفَى عَنْ قَطْعِه فَمَاتَ مِنْهُ ضَمِنَ قَاطِعُهُ دِيَتَهُ

Бир одамнинг қўли кесилса, ё боши ёрилса, ё яралор бўлса, ундан кейин унинг кесмоғидан ё жароҳатнок бўлмоғидан афу қилса, яъни, ўтдим ва кечдим деса, кечгандан кейин унинг ўлса, ул зарар етказган киши унинг дийатини тўлайди. Зероки, ул мазлум кесилмоқдан ва жароҳатдан афу қилди, ўлдирмоқдан афу қилмади. Ва ул кесгани сиройат қилиб, ўлгандан кейин, унинг ўлдирилганлиги бегумон маълум бўлди. Аммо қасос қилинмаганининг сабаби афунинг шубҳаси ва гумони учундир. Бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَلَوْ عَفَى عَنِ الْجِنَايَةِ اَوْ عَنِ الْقَطْعِ وَمَا يَحْدُثُ مِنْه فَهُوَ عَفْو عَنِ النَّفْسِ

Агар яралор бўлган ё қўли кесилган одам жиноятдан ё қўлини кесмоғидан афу қилса ва бу жароҳатдан ва қўл кесмоқдан пайдо бўлган зарардан ўтдим ва кечдим, деб ризолик берса, бас, жондан ва ўлдирмоқдан афу қилмоқдир, қасос қилмоқ соқит бўлгай.

فَالْخَطَاءُ مِنْ ثُلُثِ مَالِه

Бас, кечирмоқ ва афу қилмоқ хатоан қилинган жиноятда бўлса, афу қилган мазлум молининг учдан биридан кечирилур. Зероки, бунда афу қилмоқ дийатдан бўлгай, яъни, товон тўламоқни кечмоқ бўлгай ва товон тўламоқ бўлса, ул молдир, молга ворисларнинг ҳақлари тааллуқ топгай. Бас, бу афу васиййат бўлиб, молнинг учдан биридан эътибор қилингай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

وَ الْعَمْدُ مِنْ كُلِّه

Қасддан бир одамнинг аъзосини жароҳатнок қилиб ё қўлини кесиб, жиноят қилса ва ул жафорасида юқоридаги баён қилингандек афу қилган бўлса, ундан кейин ўлса, афу қилган киши молининг ҳаммасидан кечган бўлгай. Зероки, қасддан ўлдиргани жиҳатидан вожиб бўлган нарса қасосдир, яъни, мақтул-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг ўрнига қотилни ўлдирмоқдир, ул ўлдирмоқ мол эмасдир. Бас, ул қасосга ворисларнинг ҳақлари тааллуқ топмайди. Ушбу жиҳатдан афу қилмоғи комилдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Бас, кесган киши ҳеч нарса товон тўламайди. Чунончи, «Кофий» ва «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ الْقَوَدُ يَثْبُتُ بَدَاً لِلْوَرِثَةِ لاَ ارْثًا

Қасос қилмоқ аввалда, яъни, дафъатан ворисларга собит ва муқаррар бўладиган ҳақдир, яъни, ўлдирган одамни қасос учун ўлдирмоқ ҳақи дафъатан меросгирларга собит ва муқаррар бўлур, мерос тариқи билан эмас. Зероки, қасос қилмоқ ўлгандан кейин собит бўлур, бу Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

فَلاَ يَصِيرُ اَحَدُهُمْ خَصْمًا عَنِ الْبَقِيَّةِ

Бас, ворисларнинг бири бошқаларининг тарафидан беваколат даъвогар бўлолмайди. Билгил, ҳар нарсаки, унга ворислар молик ва эгадирлар, даъво қилмоқда ул меросгирларнинг бирлари қолган ворисларнинг ҳаммаларидан қойим мақомдир, токи агар ворисларнинг бири бир одамдан қолган меросдан даъво қилса ва гувоҳ ўткарса, ворисларнинг ҳаммаларининг ҳақлари собит бўлгай, янгидан даъво қилмоққа муҳтож бўлмайдилар. Ушбуга ўхшаш ворислар бири-бирига мерос даъво қилиб гувоҳ ўткарса, уларнинг ҳақи меросгирларнинг ҳаммаларига собит бўлгай, уларнинг ҳар бирларига даъво қилмоққа муҳтож бўлмайди. Аммо ҳар вақт бир одам бир нарсага эга бўлса, мерос тариқи била эга эмас бўлса, бир вориснинг даъвоси қолган меросгирлар томонидан ҳам бўлмайди. Мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ қавлларим, минбаъд келур, бундан мутафарриъдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

فَلَوْ اَقَامَ حُجَّةً بِقَتْلِ اَبِيهِ غَائِبًا اَخُوهُ فَحَضَرَ يُعِيدُهَا

Бас, андоқ бўлса, яъни, ул зулм билан ўлган одам меросгирларининг бири бошқа ворисларидан вакиллик олмай, улар тарафидан даъвогар бўла олмаса, оға-ини икки ўғилнинг оталарини бир одам ўлдирса, иккаласининг бири ғойиб бўлса, қол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган бири, масалан, Зайд менинг отамни ўлдирди, деб исбот қилиб, қасос олмоқни талаб қилса, яъни, Зайдни ўлдирмоқни талаб қилса, Зайдни ўлдирмайди, бу ғойибдаги ўғлини афу қилмоқ ва хунини кечмоқ эҳтимоли борлиги жиҳатидан. Ундан кейин ғойибдаги ўғли келиб қолса, ҳужжат ва далилни қайтадан исбот қилгай. Бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида.

Бас, ғойибдаги ўғил келмагунча ҳозирдаги ўғилнинг қасос қилмоққа қудрати етмайди, балки ўлдирган киши ул келгунча қамаб қўйилгай. Чунончи, «Абул-макорим»да ва «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ فِي الخَطَاءِ والدَّينِ لاَ

Оталари хатоан ўлдирилганда ва яна оталарининг одамлардаги қарз берган ҳақини олмоқда икки ўғилнинг бири ҳужжат исбот қилиб, яъни, гувоҳ ўткариб, исбот қилса, ундан кейин ғойиб ўғил келиб қолса, қайтадан гувоҳ ўткариб, исбот қилмоғи вожиб эмас.

وَالْعِبْرةُ بِحَالِ الرَّمْيِ لاَ الوُصُولِ

Дийат ё каффорат тўламоқ тўғрисида ўқни отган вақт мўътабардир, ўқ бориб теккан вақт мўътабар эмас.

فَتَجِبُ الدِّيَةُ عَلَىَ مَنْ رَمَى مُسْلِمًا فَارْتَدَّ فَوَصَلَ

Бас, отилган одам диндан қайтганидан кейин ўқ бориб тегиб ўлса, бир мусулмон одамга дийат вожиб бўлгайки, вал-аёзу биллаҳ, бу Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Чунончи, «Абул-макорим», «Жомиъур-румуз» ва «Шарҳи Илёс»-да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الدِّيَات

ДИЙАТЛАР КИТОБИ

Бу китобда дийатлар ҳукмларининг баёни. Дийат мақтулнинг, яъни, ўлдирилган одамнинг валийларига жон баробарига товон тўланадиган молнинг маъносидадир. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

اَلدِّيَةُ مِنَ الذَّهَبِ اَلْفُ دِينَارٍ وَ مِنَ الْفِضَّةِ عَشَرَةُ آلاَفِ دِرْهَمٍ وَ مِنَ الاِبِلِ مِائَةٌ

Одамнинг хун баҳоси тиллодан минг тиллодирки, унинг ҳар бири муҳр ўйилган бир мисқол баробари бўлур. Кумушдан ўн минг тангадирки, ўн тангаси етти мисқолдан бўлур. Туядан юзта туядир. Бу баён қилинган уч хил нарсалардан бошқа нарсалар хун баҳосига берилганда уларга баробар ҳисоблаб тўғри келтириб берилгай.

Имом Абу Юсуф Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида, дийат учун тўланадиган нарсалар олти хил дейилибди. Унинг учи тилло, кумуш ва туядир. Тўртинчиси – қўйдан икки минг, бешинчиси – қорамолдан икки юз, олтинчиси – ҳулладан икки юз. Ҳар бир ҳулла бизнинг замонамизда бир кўйлак ва бир иштон дебдурлар. Ўлдирган киши ушбу баён қилинган нарсаларнинг қайси бирини хоҳласа, бергай ёки ҳукуматдорнинг ҳукми билан тайин қилинур. Чунончи, «Дурарул-ҳукком», «Абул-макорим», «Ҳидоя», «Жомиъур-румуз», «Шарҳи Илёс» ва «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

وَ هَذِهِ فِي شِبْهِ الْعَمْدِ اَرْبَاعٌ مِنْ بِنْتِ مَخَاضٍ وَبِنْتِ لَبُونٍ وَحِقَّةٍ وَجَذَعَةٍ

Ушбу баён топган юз туядан бўлган хун баҳоси қасддан ўлдирганга ўхшаган ўлдирмоққа тўрт навъдир. Бир ёшга тўлган

www.ziyouz.com kutubxonasi

урғочи туядан йигирма беш, икки ёшга тўлган урғочи туядан йигирма беш, уч ёшга тўлган урғочи туядан йигирма беш, тўрт ёшга тўлган урғочи туядан йигирма беш берилур. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ هِيَ الْمُغَلَّظَةُ

Бу тўрт хил туядан баён қилинганга ўхшашини топиб, ҳар бир хилидан йигирма бешдан дийат бермоқ лозим бўлмоғи **муғаллаза дийатдир,** яъни, оғир қилинган дийатдир. Бу товон тўламоқни **дийати муғаллаза** дейилур. Оғир дийатлиги боши тўғрисидандир, саноғи тўғрисидан эмас. Зероки, мазкурларни тўғри келтириб топиб олмоқ ниҳоятда мушкулдир.

وَ فِي الْخَطَاءِ اَخْمَاسٌ مِنْهَا وَ مِنْ ابْنِ مَخَاضٍ

Хатоан ўлдирганда ва хатога ўхшаш ўлдирмоқда дийат бериладиган юз туя беш хил қилинур. Юқорида баён қилинган тўрт хил туядан ва бир хил **ибну махосдан,** яъни, бир ёшга тўлган туядан бул баён қилинганларнинг ҳар бир хилидан йигирмадан берилур. Бу Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳунинг қавлларидир, бизлар шунга амал қилдик. Бошқа далил шуки, бизларнинг деганимиз енгилроқдир. Бас, хато қилганнинг ҳолига лойиқроқдир. Зероки, хато қилган киши узрлидир. Чунончи, «Ҳидоя»да ҳам мазкурдир.

وَ كَفَّارَتُهُمَا عِتْقُ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةٍ فَاِنْ عَجَزَ صَامَ شَهْرَيْنِ وِلَاءً

Ул қасддан ўлдирмоққа ўхшаган ўлдирмоқнинг ва хатоан ўлдирмоқнинг каффоратлари бир мўъмин қулни озод қилмоқдир. Бас, агар мўъмин қулни озод қилмоққа қудрати етмаса, икки ой пайдар-пай рўза тутгай.

وَصَحَّ رَضِيعٌ اَحَدُ اَبَوَيْهِ مُسْلِمٍ

Бу икки хил жиноятнинг каффоратига ота ва онасининг бири эмчак эмадиган мусулмон қул болани озод қилмоғи дурустдир. Зероки, ул бола мусулмондир, ота ва онасининг қайси бири дин тўғрисида яхшироқ бўлса, унга тобеъ бўлмоғи билан. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

لاَ اَلْجَنِينُ

Лекин қорнидаги туғилмаган қул болани озод қилмоқ дуруст эмас, зероки, баманзалайи узвдир. Чунончи, «Абул-макорим»да мазкурдир.

وَ لِلْمَرْأَةِ نِصْفُ مَا لِلرَّجُلِ فِي النَّفْسِ وَ مَا دُونَهَا

Хотинга ўлдирмоқда ва ўлдирмоқдан кам жиноятда эркак дийатининг нисфидир. Масалан, бир хотин ўлдирилганда эркак ўлдирилгандаги хунбаҳонинг нисфи берилур, ҳаттоки бир хотин хатоан ўлдирилганда, беш минг танга дийат берилур. Қўлини кесганда икки минг беш юз танга берилур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَالذِّمِيُّ كَالْمُسْلِمِ

Зиммий, хоҳ эркак, хоҳ урғочи бўлсин, хунбаҳо тўламоқда ва бошқа жиноятларда бизнинг мазҳабимизда, мусулмонга ўхшашдир.

فَفِي الأَنْفِ وَ الْحَشَفَةِ

Бас, бурунни ва ҳашафанинг ҳаммасини ё баъзисини кесганда, бутун дийат вожибдир. Зероки, бурунни йўқ қилмоқ жамоли баркамолни йўқ қилмоқдир, ҳашафа бўлса, ийлож манфаатининг аслидир.

وَالْعَقْلُ

Ва яна бошига уриб, ақлни йўқ қилганда, бутун дийат вожибдир. Зероки, ақлни зойил қилганда идрок ва фаҳм йўқ бўлгай. Албатта, ақл бир нурдирки, унинг билан одамзод ишларнинг оқибатини кўргай, мия пилик ёки зайтун ёғига ўхшашдир. Чунончи, «Кирмоний» китобида мазкурдир.

وَ اِحْدَى الْحَوَاسِ

Ҳавоси ошкороларким, улар эшитмоқ, кўрмоқ, бўйлаб ҳидини ва бўйини билмоқ, ушламоқ ва маза тотмоқ, – мазкурларнинг бирини нобуд қилмоқда бутун дийат вожибдир. Зероки, мазкурларнинг ҳар қайси бирларида қасд қилинган ва хоҳлан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган фойда ва манфаат бордир. Батаҳқиқ, ривойат қилиндики, ҳазрати Умар розийаллоҳу анҳу бир одам тош билан бир кишининг бошига уриб, ақлини, сўзламоғи, эшитмоғи, кўрмоғини зойил қилганида, тўрт дийат ҳукм қилдилар. Чунончи, «Ҳидоя»да ҳам мазкурдир.

وَ اللِّسَانِ انْ مَنَعَ اَدَاءَ اَكْثَرِ الْحُرُوف

Ва яна тилни нобуд қилмоқда бутун дийат вожибдир, агар гапиролмаса ёки йигирма саккиз ҳарфнинг кўпроғини, яъни, нуқталик ҳарфларни айтолмаса. Чунончи, «Жомиъур-румуз»-да мазкурдир.

وَاللِّحْيَة

Соқолни нобуд қилганда, бир йилгача ўсмаса, бутун дийат вожибдир.

وَ شَعْرِ الرَّأْسِ كُلُّ الدِّيَة

Сочни нобуд қилганда ҳам, бир йилгача чиқмаса, хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, бутун дийат вожибдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»-да мазкурдир.

كَمَا فِي اثْنَيْنِ مِمَّا فِي الْبَدَنِ اثْنَان

Чунончи, аъзода иккитадан бўлганда, иккаласини нобуд қилганда, бутун дийат вожиб бўлганга ўхшаш. Аъзода иккитадан бўлганларнинг мисоли – икки қош, икки кўз, икки лаб, икки жағ, икки қулоқ, икки оёқ, икки ёнбош, икки хусйа, икки эмчак, икки эмчакнинг учига ўхшаш. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ فِي اَحَدِهِمَا نِصْفُهَا

Бу иккитадан бўлган баданларнинг бирини нобуд қилганда дийатнинг нисфи (ярми) вожиб бўлгай.

وَ فِي اشْفَارِ الْعَيْنَيْنِ وَ فِي اَحَدِهِمَا رُبْعُهَا

Икки кўзнинг киприкларини нобуд қилганда бутун дийат вожиб бўлганга ўхшаш. Киприкнинг бир тарафини нобуд қилганда дийатнинг тўртдан бири вожибдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ فِي كُلِّ اِصْبَعٍ عُشْرُهَا

Қўл ва оёқнинг ҳар бир панжасини нобуд қилганда, ўндан бир дийат вожиб бўлур.

وَ فِي مَفْصَلِ غَيْرُ الاِبْهَامِ ثُلُثُهُ

Бош бармоқдан бошқа ҳар бир бўғимда дийатнинг ўндан бирининг учдан бири вожибдир.

وَ فِي مَفْصَلِه نِصْفُهُ كَمَا فِي كُلِّ سِنٍّ

Бош бармоқнинг ҳар бир бўғимини нобуд қилганда, нисфи ушри дийат вожибдир, яъни, ўндан бир дийатнинг нисфи вожибдир. Ҳар бир тишни нобуд қилганда ўндан бир дийатнинг ярми вожиб бўлганга ўхшаш.

وَ كُلُّ عُضْوٍ ذَهَبَ نَفْعُهُ بِضَرْبٍ فَفِيهِ دِيَتُهُ

Ҳар бир баданни урмоқ сабабли манфаати ва фойдаси зойил ва йўқ бўлса, масалан, кўз кўрмайдиган, қўл ушламайдиган бўлиб қолса, бутун дийат вожиб бўлур. Зероки, дийатнинг вожиб бўлмоғи жинс манфаатининг зойил бўлгани жиҳатидандир, сувратнинг йўқ бўлгани жиҳатидан эмас. Чунончи, «Ҳидоя» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ لاَ قَوَدَ فِي الشِّجَاجِ اِلاَّ فِي الْمُوضِحَةِ عَمْدًا

Бошни ёрганларида дийат тўламоқ йўқдир, бироқ суяк кўринадиган бўлиб ёрилганда, қасос қилинур, яъни, агар қасддан ёрган бўлса, ёрган одамнинг боши ҳам суяк кўринадиган қилиб ёрилур.

وَ فِيهَا خَطَاءً نِصْفُ عُشْرِ الدِّيَةِ

Ул суяк кўринадиган қилиб ёрган сувратда хатоан бўлса, дийатнинг ўндан бирининг нисфи вожиб бўлур.

وَ فِي الْهَاشِمَةِ عُشْرُهَا

Бош ёрилиб ва ҳам бошнинг устихони шикаст топганда, бутун дийатнинг ўндан бири вожиб бўлур. Масалан, эркак киши бўлса, минг танга товон берилур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ الْمُنَقِّلَة عُشْرُهَا وَ نِصْفُهُ

Бош ёрилиб, суяклари шикаст топиб, ўз жойидан кўчирилганда, дийатнинг ўндан бири ва ҳам ўндан бирининг нисфи вожиб бўлур, яъни, агар эркак бўлса, бир ярим минг танга товон тўлагай. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَالآمَة وَالجَائِفَة ثُلُثُهَا

Бошни ёриб, суякнинг остидаги, миянинг устидаги пардагача етқизилган жароҳатда, чунончи, «Заҳириййа»да мазкурдир, яна бошни ёриб, миянинг ичига етишган жароҳатда бутун дийатнинг учдан бири вожиб бўлур, яъни, эркак бўлса, уч минг уч юз ўттиз уч танга ва олти тийин яна икки пул товон тўлагай.

وَ فِي جَائِفَة نَفَذَتْ ثُلُثَاهَا

Ул ёриқким, бир тарафидан иккинчи тарафига ўтиб, тешиб чиққанда бутун дийатнинг уч ҳиссасидан икки ҳиссаси вожиб бўлур, яъни, олти минг олти юз олтмиш олти танга, яна ўн уч тийину бир пул тўламоқ вожиб бўлур.

وَالحَارِصَة

Урмоқ билан бошнинг териси кўчирилганда,

وَ الدَّامِعَة

ва қон кўриниб туриб оқмаган жароҳатда,

وَ الدَّامِيَة

ва қон оқиб турган жароҳатда,

وَ البَاضِعَة

ва бошнинг териси кесилиб, қон оқиб турган жароҳатда,

اَلْمُتَلاَحِمَة

ва бошнинг териси ва ҳам гўшти ёрилган жароҳатда,

وَ السِّمْحَاق حُكُومَةُ عَدْلٍ

ва яна бошнинг устихони билан гўштининг орасидаги терига етишган жароҳатда ҳукумати адл вожиб бўлур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

فَيُقَوَّمُ عَبْدًا بِلاَ هَذَا الاَثَرِ ثُمَّ مَعَهُ فَقَدْرَ التَّفَاوُتِ بَيْنَ الْقِيمَتَيْنِ

مِنَ الدِّيَةِ هوهي

Бас, бир одил киши яродор бўлган одамни қул фараз қилиб, яродор ҳолидаги баҳони қилгай, ундан кейин ул жароҳат билан баҳо қилгай. Бас, ул икки қўйилган баҳонинг ўртасидаги тафовут миқдори дийатдир. Буни ҳукумати адл дейилур, яъни, одил одамнинг ҳукми дейилур. Масалан, жароҳатнинг баҳоси минг ва жароҳат билан тўққиз юз бўлса, икки баҳо ўртасидаги тафовут юздир. Маълум бўлдики, жароҳат баҳонинг ўндан бирини кам қилмоқни лозим қилибди. Бу қавлни Шамсул-аимма Сарахсий раҳматуллоҳи алайҳ олибдилар.

وَ بِهِ يُفْتَى

Ва бу қавлга фатво берилур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ فِي اَصَابِعِ يَدٍ مَعَ نِصْفِ السَّاعِدِ نِصْفُ دِيَةٍ وَ حُكُومَةُ عَدْلٍ

Ва бир қўл панжалари билакнинг нисфи билан нобуд бўлганда, панжалари учун дийатнинг нисфи, нобуд бўлган ярим билак учун одил кишининг ҳукми лозим бўлур. Ул одил киши қанча баҳо қўйса, уни тўлагай. Бу қавл Имом Аъзам билан Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ қавлларидир. Чунончи, «Абул-макорим» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ الْكَفُّ تَابِعٌ وَالْعِبْرَةُ لِلاَصَابِعِ

Кафт бармоқларга тобеъдир ва эътибор бармоқларгадир. Бас, агар беш панжанинг ҳаммаси кесилса, дийат нисфи вожиб бўлур. Агар панжаларнинг ҳаммаси кафт билан кесилса ҳам, дийат нисфи вожиб бўлур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ فِي اِصْبَعٍ زَائِدَةٍ

Ошиқча бўлган панжа кесилганда, масалан, олти панжали бўлса,

وَ عَيْنِ صَبِيٍّ وَلِسَانِهِ وَذَكَرِهِ حُكُومَةُ عَدْلٍ لَوْ لَمْ يُعْلَمُ الصِّحَّةُ بِمَا دَلَّ

عَلَى نَظَرِهِ وَكَلاَمِهِ وَ حَرَكَةِ ذَكَرِهِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва балоғатга етмаган боланинг кўзига, тилига ва закарига зарар еткурилганда, бир одил одам ҳукм қилса, ул миқдори тўламоқ вожиб бўлгай. Агар кўзининг қорамоғига, тилининг гапирмоғига ва закарининг ҳаракат қилмоғига далолат қиладиган нарса билан билинмаса. Агар ушбу уч аъзонинг сиҳҳат ва дурустлиги маълум бўлмаса, бутун дийат вожиб бўлур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ لاَ يُقَادُ اِلاَّ بَعْدَ بُرْءٍ

Жароҳатлар яхши бўлмасдан илгари жароҳат қилган одамга қасос қилинмайди. Зероки, жароҳат ғолибан жонга сиройат қилгай, яъни, ўлгай. Бас, яхши бўлмоғига ё нобуд бўлмоғига қарор топмаса, билиб бўлмайдики, ул қайси жиноятдир, унга ҳукм қилинса. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъур-румуз»-да мазкурдир.

وَعَمْدُ الصَّبِيِّ وَالْمَجْنُونِ خَطَاءٌ

Ёш болани, жиннини ва ҳуши гоҳо кетиб, гоҳо ўзига келадиган одамнинг қасд билан қилган жинояти хато ҳукмидадир.

وَ عَلَى الْعَاقِلَةِ الدِّيَةُ بِلاَ كَفَّارَةٍ وَحِرْمَانِ اِرْثٍ

Буларнинг зарар еткургани сабабларидан оилаларига бекафформат дийат вожиб бўлур ва ўлдиргувчи меросдан маҳрум бўлмайди, яъни, мазкурларнинг бири, масалан, ўзига мерос етадиган одамни ўлдирса, ундан мерос ҳам олгай. Агар ақлли одам ўлдирса, меросдан маҳрум бўлур эди. Зероки, меросдан маҳрум бўлмоқ уқубат ва азоб учун машруъ бўлгандир ва каффоратда ҳам шундоқ уқубатнинг маъноси бор. Ва булар азобу уқубатга муносиб аҳлдан эмас. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

وَمَنْ ضَرَبَ بَطْنَ اِمْرَأَةٍ تجب غُرَّةٌ خمسُ مائةِ درهمٍ على عَاقِلَتِه اِنْ اَلْقَتْ مَيِّتًا

Кимки бўғоз хотиннинг қорнига урса, хоҳ ўзининг хотини бўлсин, хоҳ бегона хотин бўлсин, унинг ургани сабабидан агар ўлик бола ташласа, оқиласига беш юз танга товон тўламоқ вожиб бўлур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ دِيَةٌ ان اَلْقَتْ حَيًّا

Агар тирик бола ташласа, тушгандан кейин яна ўлса, бутун дийат, яъни, ўн минг танга тўламоқ вожиб бўлур.

وَ غُرَّةٌ وَ دِيَةٌ انْ اَلْقَتْ مَيِّتًا فَمَاتَت الاُمُّ

Болани ташлаб, ундан кейин онаси ўлса, ғурра ва дийат ҳам тўламоқ вожиб бўлур. Ғурра деб беш юз тангани айтилур. Бир хотиннинг дийати, яъни, хуни беш минг танга бўлур. Чунончи, «Жомиъур-румуз», «Абул-макорим» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ دِيَةُ الاُمِّ فَقَطْ انْ مَاتَتْ فَاَلْقَتْ مَيِّتًا

Қорнига урилган хотин ўлгандан кейин бола ташласа, фақат у хотиннинг хунини тўламоқ вожибдир.

وَ دِيَتَان انْ مَاتَتْ فَاَلْقَتْ حَيًّا فَمَاتَ

Агар урилган хотин ўлса, ундан кейин тирик бола ташласа, ул бола ҳам ўлса, икки дийат тўламоқ вожиб бўлгай. Зероки, ул икки одамни ўлдиргувчидир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ مَا يَجِبُ فِي الْجَنِينِ لِوَرَثَتِه سِوَى ضَارِبِه

Ҳомиладор аёлнинг қорнига уриб, боласи нобуд бўлгани сабабидан тўланадиган беш юз танга ёки хун баҳоси боланинг ворисларига бўлгай, агар урган киши меросгирлардан бўлса, унга берилмайди. Зероки, ноҳақ ўлдирган киши меросгирлардан бўлса, маҳрум бўлур.

وَ فِي الْجَنِينِ الاَمَةِ نِصْفُ عُشْرِ قِيمَتِه فِي الذَّكَرِ وَعُشْرُ قِيمَتِه فِي الاُنْثَى

Чўрининг қорнига ургани сабабидан боласи тушганда, ул бола ўғил бўлса, ўшал жойда уни тирик фараз қилиб, ўшал замон баҳо қилингай, қанча баҳо қилинса, ул баҳонинг ўндан бирини тўламоқ вожиб бўлгай. Қиз бола бўлганда ҳам, ўшал жойда тирик фараз қилиниб, баҳо қилинганда, қанча баҳо қилинса, ул баҳонинг ўндан бирини тўламоқ вожиб бўлгай. Бунга етадиган баҳсдан воқиф бўлган кишилар «Шарҳи Виқоя» ва «Шарҳи Илёс»га ружуъ қилгайлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ مَا اسْتَبَانَ بَعْضُ خلقه كَالتَّام

Баъзи аъзоси зоҳир ва маълум бўлиб, чала тушган бола, масалан, тирноқ ва сочга ўхшаш, – мазкур ҳукмларнинг ҳаммасида хилқати комил ва тамом бўлган бола ҳукмидадир. Зероки, нифос ҳақида, идда ўтмоқ ҳақида, болага она бўлмоқ ҳақида комил бола ҳукмидадир. Ғурра вожиб бўлмоқда, яъни, беш юз танга тўламоқда ҳам юқоридагига ўхшашдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ ضَمِنَ الغُرَّةَ عَاقِلَةُ أمرأةٍ اسْقَطَتْ مَيِّتًا عَمْدًا بِدَوَاءٍ اَوْ فِعْلٍ بِلاَ اِذْنِ زَوْجِهَا

Борди-ю, ул хотин ўзининг қорнидаги боласини қасддан дори билан ё бошқа феъл билан, масалан, ўз қорнига ўзи урмоқ билан, ё оғир юк кўтармоқ билан, ё фаржига бошқа муолажа қилмоқ билан ўлик туширса, ул хотиннинг оқиласи беш юз танга тўлагай. Бас, агар бола туширмоғи эрининг ижозати билан бўлган бўлса, оқиласи беш юз танга тўламайди. Лекин ул хотин гуноҳкор бўлур, тавба ва истиғфор қилмоқ лозимдир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

БУ ФАСЛДА РОҲИ ОММАДА, ЯЪНИ ХАЛОЙИҚ ЎТАДИГАН КЎЧАДА ПАЙДО ҚИЛИНГАН НАРСАЛАР ҲУКМЛАРИНИНГ БАЁНИ

مَنْ اَحْدَثَ فِي طَرِيقِ العَامَّةِ كَنِيفًا اَوْ مِيزَابًا اَوْ جُرْصُنًا اَوْ دُكَّانًا وَسِعَهُ ذَلِكَ ان لَمْ يُضِرَّ بِالنَّاسِ

Чунончи, кимики бошқа жойларда эмас, шаҳарларда ва қишлоқларда роҳи омма (одамлар ўтадиган йўлда) халажой пайдо қилса ёки катта кўча тарафига тарнов қўйса, ё томларига солган ёғочларини катта кўча тарафига узунроқ чиқариб қўйса, ё катта кўчага дўкон солса, – мазкурларни қилмоқ унга жоиз ва дурустдир, башартики мазкур нарсалар ўтадиган одамларга зарар ва зиён бермаса.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ لِكُلِّ نَقْضُهُ

Ва ул баён қилинган нарсалар зарар бермай турганларида бузиб юбормоққа ул ўтадиган ҳар қайси бирларининг қудратлари етгай. Зероки, ҳар бир одам катта кўчадан юрмоққа ўзи соҳиби ҳақдир, чорва ҳайвонларини ҳам олиб юрмоққа соҳиби ҳақдирлар. Бас, шундоқ бўлса, ҳар бир одамнинг бузмоққа ҳақи бор экан. Чунончи, «Ҳидоя» ва «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

وَ فِي غَيْرِ نَافِذٍ لاَ يَسَعُهُ بِلاَ اِذْنِ الشُّرَكَاءِ

Бир жамоа одамларга хос боши берк кўчада ул кўчага тегишлиги бор одамлардан бежавоб мазкурларни пайдо қилмоқ жоиз эмас. Гарчи ул солинган нарсалар одамларга зарар бермаса ҳам. Зероки, бир жамоа одамларга хос бўлган йўл уларнинг ўзларининг мулкига ўхшашдир. Чунончи, «Дурру-л-ҳуккам»да мазкурдир.

وَ ضَمِنَ عَاقِلَتُهُ دِيَةَ مَنْ مَاتَ بِسُقُوطِهَا كَمَا لَوْ وَضَعَ حَجَرًا اَوْ حَفَرَ بِئْرًا فِي الطَّرِيقِ فَتَلَفَ بِهِ نَفْسٌ

Бу баён қилинган нарсалардан зарар тегиб ўлган ва тушиб ўлган одамнинг дийатини уларни пайдо қилган одамнинг оқиласи тўлагай. Чунончи, агар бир одам катта йўлга тош қўйса ё қудуқ кавласа, ул тош юмалаб тушиб, бир одам ўлса ёки қудуққа тушиб ўлса, уларнинг хунбаҳосини оқиласи тўлагай.

لاَ اِنْ مَاتَ جُوعًا اَوْ غَمًّا

Аммо ул қудуққа тушган киши ундан чиқолмай, оч қолганлигидан ёки қудуқнинг ичида хафалиги ошиб, ғамда қолганлигидан ўлса, яъни, қудуқнинг бухороти ва ҳавоси билан ўлса, дийат тўламоқ вожиб эмас. Зероки, ул ўзи ўлган маънода ўлибди. Чунончи, «Ҳидоя»да ҳам мазкурдир. Зероки, бу мақомда ғамдан мурод қудуқнинг бухороти ва ҳавосидан бўғилмоқ ва нафас олмасликдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ اِنْ تَلَفَ بِهِ بَهِيمَةٌ ضَمِنَ هو اِنْ لَمْ يَأْذَنْ بِهِ الاِمَامُ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар юқорида баён қилинган нарсаларнинг сабаби билан ҳайвон нобуд бўлса, пайдо қилган одамнинг ўзи товон тўламоғи вожиб бўлгай, оқиласига вожиб эмас, борди-ю, подшоҳ катта кўчага, бундоқ қилгил, деб ижозат бермаган бўлса. Аммо ижозат берган сабабидан тузатган ё қудуқ кавлаган бўлса, унда ўлса, товон тўламайди ва ҳеч ким бузолмайди. Чунончи, «Абулмакорим»да мазкурдир.

وَ رَبُّ حَائِطٍ مَائِلٍ اِلَى طَرِيقِ الْعَامَّةِ

Ва роҳи оммага энгашиб ва мойил бўлиб, йиқилмоққа яқин қолган деворнинг эгаси унинг тагида қолиб, нобуд бўлган молга зомин бўлгай, яъни, товонини тўлагай.

وَ طَلَبَ نَقْضَهُ مُسْلِمٌ اَوْ ذِمِّيٌّ مِمَّنْ يَمْلِكُ

Деворни, масалан, бир мусулмон ё бир зиммий, бу деворни йиқитиб ташлагил ё тузатиб олгил, бир нарсани босиб қолиб, нобуд қилмасин, деб эгасидан бузмоғини талаб қилган бўлса ва ул талаб қилинган одам деворни бузмоққа қудрати етадиган бўлса,

نَقْضَهُ كَالرَّاهِنِ بِفَكِّ رَهْنِهِ

масалан, деворли бир ҳовлини гаров қўйган одамга ўхшаш гаровдан айириб олмоғи билан унинг деворини бузмоққа қудрати етгай.

وَوَلِيِ الطِّفْلِ وَالْوَصِيِّ

Боланинг валийси ва ёш болага васий бўлган одамларга ўхшаш, агар сағир боланинг девори катта кўчага мойил бўлганда валиййга ё васийга билдирилган бўлса, ул девор йиқилиб, бир нарсани нобуд қилса, унинг товони сағирнинг молидандир.

وَالْمُكَاتَبِ وَالْعَبْدِ التَّاجِرِ فَلَمْ يَنْقُضْ فِي مُدَّةٍ يُمْكِنُ نَقْضُهُ ضَمِنَ مَالاً تَلَفَ بِهِ

Ва яна мукотабага ўхшаш ва савдогар қулга ўхшаш, мазкурларнинг ҳар қайси бирлари хожаларининг тасарруфидадирлар, уларнинг деворларини бузмоқ уларнинг қўлларидадир. Бас,

www.ziyouz.com kutubxonasi

деворни бузмоқни талаб қилгандан кейин молик бўлган одамлар бузмоқ мумкин бўлган вақтда бузмасалар, унинг тагида босилиб нобуд бўлган молни деворнинг эгаси тўлагай.

وَ عَاقِلَتُهُ النَّفْسَ

Ул энгашиб ва мойил бўлиб турган девор йиқилгани сабабидан одам нобуд бўлса, уни оқиласи тўлагай.

لاَ مَنْ طُلِبَ فَبَاعَ وقَبَضَهُ الْمُشْتَرِي فَسَقَطَ

«Деворинг энгашиб қолибди, бузиб ол», деб талаб қилгандан кейин ул деворли жойни сотса ва уни сотиб олган киши қабзига олгандан кейин ул девор йиқилиб, унинг тагида бир нарса нобуд бўлса, товон тўламайди. Сотиб олган одам ҳам товон тўламайди. Зероки, ундан, деворинг йиқилмоққа оз қолибди, бузиб қўйгил, деб талаб қилинмабди. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

اَوْ طَلَبَ مِمَّنْ لا يَمْلِكُ كَالْمُودَعِ وَنَحْوِهِ

Ёки эга бўлмаган кишидан деворни бузмоқ талаб қилинса, масалан, ул деворли ҳовли омонат топширилган одамга ўхшаш ва шунга ўхшаган одамким, гаровга олган ва ижарага олган одамларга ўхшаш. Орийатга олган ва тортиб олган ва булардан бошқаларга ўхшаш одамлар, албатта, мазкурларнинг ҳеч қайси бирлари соҳиб ва эга эмасдурлар. Девор йиқилиб, унинг остида бир нарса қолса, товон тўламайдилар. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَاِنْ مَالَ اِلَى دَارِ اَحَدٍ فَلَهُ الطَّلَبُ

Агар бир одамнинг девори ҳамсоясининг ҳовлисига энгашиб турса, бу зарарни дафъ қилмоқ учун ул ҳамсоя, деворингни бузгил, деб талаб қилмоққа қудрати етгай.

وَاِنْ بَنَى مَائِلاً اِبْتِدَاءً ضَمِنَ بِلاَ طَلَبٍ

Агар деворнинг эгаси уни аввалда қийшиқ ва эгри урган бўлса, ул деворнинг йиқилгани сабабидан бир нарса нобуд бўлса, ундан, бу деворингни бузгил, деб талаб қилса ҳам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ اِنْ طُلِبَ اَحَدُ الشُّرَكَاءِ اَوْ حَفَرَ فِي دَارٍ مُشْتَرَكَةٍ فَالضَّمَانُ بِالْحِصَّةِ

Агар шерикли ҳовли деворида шерикларнинг бири ул энгашган деворни бузмоқни талаб қилса ё шерикларнинг бири шерикларидан бежавоб шериклик ҳовлида қудуқ кавласа, агар девор йиқилиб, бир нарса нобуд бўлса ёки қудуққа бир нарса тушиб ўлса, бу икки масъалада Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, товон тўламоқ нобуд бўлган одам учун ва нобуд бўлган мол учун шерикликнинг қадри ҳиссаси билан бўлур. Масалан, беш киши бўлсалар, бешдан бир (ҳисса)дан тўлагайлар. Чунончи, уч киши шерик бўлиб олинган ҳовлида бир шериги қудуқ кавлаганда, бир нарса нобуд бўлса, ҳар қайси бирлари учдан бир товон тўлаганга ўхшаш. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да ҳам мазкурдир. Валлоҳу аълам.

БУ ФАСЛДА ҲАЙВОН ҚИЛГАН ЖИНОЯТНИНГ ВА УНГА ҚИЛИНГАН ЖИНОЯТНИНГ БАЁНИ

ضَمِنَ الرَّاكِبُ مَا اَتْلَفَهُ دَابَّتُهُ

Маркаби нобуд ва ҳалок қилган нарсанинг товонини минган киши тўлагай, хоҳ бир одамни, хоҳ бошқа нарсани, ушбу тариқаки, бир нарсани босиб ва эзиб нобуд қилса, аввалги оёғи ёки кейинги оёғи тегиб, ё боши тегиб, ё тиши билан тишласа, ё аввалги оёғи билан уриб юбориб нобуд қилса, ё босиб, янчиб ўтиб нобуд қилса. Чунончи, «Ҳидоя», «Шарҳи Илёс», «Жомиъур-румуз» ва «Абул-макорим»да мазкурдир.

لا ما نَفَحَتْ بِرِجْلِهَا اَوْ زَيْلِهَا

Аммо кейинги оёғи билан тепиб ё думи билан уриб, миниб кетиб турганда нобуд қилса, минган одам товон тўламайди. Зероки, юрган ҳолида маркабнинг тепмоғидан эҳтиёт бўлмоқ мумкин эмас. Бу қавл бизнинг мазҳабимизда. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

اَوْ تَلَفَ بِمَا رَاثَتْ اَوْ بَالَتْ فِي الطَّرِيقِ سَائِرَةً

Ё йўлда юриб кетатуриб тезаклагани ё сийгани сабабидан бир нарсани нобуд қилса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

أَوْ قَفَهَا لِذَلِكَ

ёки йўлда тезакламоқ узри учун ёки бавл қилмоқ узри учун маркабни тўхтатганда, бир нарсани нобуд қилса, товон тўламайди. Зероки, булардан эҳтиёт қилмоқнинг иложи йўқдир. Албатта, баъзи ҳайвон тўхтатмаса, бавлни ва бошқани қилмайди. Чунончи, «Дурарул-ҳукком»да мазкурдир. Агар булардан бошқа учун маркабни тўхтатса, бавл қилмоқ ва тезакламоқ билан бир нарсани нобуд қилса, товон тўламайди. Чунончи, «Шарҳи Илёс», «Жомиъур-румуз» ва «Ҳидоя»да мазкурдир.

أَوْ أَصَابَتْ حَصَاةً أَوْ حَجَرًا صَغِيرًا أَوْ نَحْوَهُ فَفَقَأَ عَيْنًا

Ёки маркабни миниб йўлда кетиб турганда қўли ё оёғи билан қумни ё майда тошни, ё шуларга ўхшаш нарсаларни еткуриб, бир одамнинг кўзини чиқарса, товон тўламайди. Зероки, маркабни бундан эҳтиёт қилиб юргизмоқнинг иложи йўқдир. Чунончи, «Ҳидоя», «Дурарул-ҳукком» ва «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

وَ ضَمِنَ بِالْكَبِيرِ

Маркаб катта тошни еткурмоғи билан кўз чиқарса, минган киши товон тўлайди. Зероки, катта тошдан маркабни эҳтиёт қилмоқ мумкиндир. Айтилибдики, катта тош деб шуни айтилурки, маркабдаги одам уни бетакаллуф, яъни, бемашаққат кўргай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَالسَّائِقُ وَالْقَائِدُ كَالرَّاكِبِ

Ҳайвонни орқасидан ҳайдаб борадиган одам ва етаклаб борадиган одам товон тўламоқда минган одамга ўхшашдир, яъни, ул баён қилинганлар товон тўлаган нарсаларга булар ҳам товон тўлайдилар, улар товон тўламайдиган нарсаларга булар ҳам товон тўламайдилар, ҳаммалари ҳукмда баробардурлар.

إِلَّا أَنَّ الْكَفَّارَةَ عَلَيْهِ فَقَطْ

Лекин каффорат бермоқ лозим бўлган сувратда маркабни миниб юрадиган одамнинг фақат ўзига вожиб бўлгай, масалан, бир от минган одамнинг оти бир кишини босиб ё бошқа феъл билан ўлдирса, минган одамга каффорат вожиб бўлур, ҳайда-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган ва етаклаган одамларга бу ҳол воқиъ бўлса, каффорат лозим эмас.

Агар ўлган одам минган кишининг яқин кишиси бўлса, меросдан маҳрум бўлур, ҳайдаган ва етаклаганларнинг отлари ўлдирган одам уларнинг яқинлари бўлса, меросдан маҳрум бўлмайдилар. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

وَ اِن اصْطَدَمَ فَارِسَانِ ضَمِنَ عَاقِلَةُ كُلِّ دِيَةَ الآخرِ

Агар икки отлиқ киши бир-бирларига ўзларини уриб юбориб ўлсалар, ҳар қайси бирининг дийатини (ҳар) бирининг оқиласи унинг ворисларига тўлайди.

وَاِنْ اَرْسَلَ كَلْبًا فَاَصَابَ فِي فَوْرِه ضَمِنَ اِنْ سَاقَهُ

Агар бир одам йўлда итни қўйиб юборса, ул ит дарҳол бориб, бир нарсага зарар еткурса, ул зарарни итнинг эгаси тўлагай, агар итни бовужуди юбориб туриб ҳайдаган бўлса.

وَ فِي الطَّيْرِ وَالدَّابَّة الْمُنْفَلِتَة لا

Қўйиб юборилган қушда ва қайдидан чиқиб, қочиб юрган ҳайвон соҳиб ва эгалари товон тўламайдилар, борди-ю, улар бир нарсага зарар еткурсалар.

وَاِنْ اجْتَمَعَ الرَّاكِبُ وَالنَّاخِسُ ضَمِنَ هُوَ حَتَّى النَّفْحَةَ

Маркабга минган одам билан ерда туриб, масалан, отни урадиган одам жамъ бўлсалар, яъни, бир одам минган отни бир киши ёғоч билан санчиб уриб, ул от югуриб, бир нарсани нобуд қилса, уриб ҳуркитган товон тўлагай, ҳаттоки оёғи билан тепиб нобуд қилганининг ҳам товонини тўлагай. Бу қавл бизнинг мазҳабимизда. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

وَ يَجِبُ فِي فَقْأَعَيْنِ شَاة القَصَّاب مَا نَقَصَ

Қассобга қўйининг, яъни, гўшти ва ёғини сотмоқ учун олиб келган қўйининг кўзини чиқарганда, кўр бўлгани сабабидан пайдо бўлган камликни тўламоқ вожиб бўлур. Масалан, кўр бўлмаганда қирқ танга, кўр бўлгандан кейин ўттиз олти тангага олса, қассобга тўрт танга тўлагай, гарчи гўштига камлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

нуқсони келмаса ҳам ва товон тўламоқда бунга кабутар, товуқ ва булардан бошқа паррандалар дохил бўлур. Ит, мушукда ҳам ушбу тариқадир, яъни, мазкурларга зарар етганда, зарар етмагандаги баҳо қилиниб, қанча кам баҳо қилинса, уни тўлагай. Чунончи, «Захийра»да мазкурдир.

وَ فِي عَيْنِ الْبَقَرَةِ وَالْجَزُورِ وَالْحِمَارِ وَالْبَغْلِ وَالْفَرَسِ رُبْعُ الْقِيمَةِ

Сигир, туя, эшак, хачир ва от, – мазкурларнинг кўзларини чиқарганда, баҳосининг тўртдан бири вожиб бўлгай. Зероки, улар билан иш қилмоқ тўрт кўз билан осон бўлгай, уларнинг икки кўзлари ва иш қилувчининг икки кўзи, бас, гўёки ул тўрт кўзлик ҳайвондир, унинг учун кўзининг бири нобуд бўлганда, тўртдан бир қийматини тўламоқ вожиб бўлди. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

БУ ФАСЛДА ҚУЛ ЖИНОЯТИНИНГ БАЁНИ

اِنْ جَنَى عَبْدٌ خَطَاءً دَفَعَهُ سَيِّدُهُ بِهَا اَوْ فَدَاهُ بِاَرْشِهَا حالاً

Агар бир одамнинг қули хатоан жиноят қилса, хожаси агар хоҳласа, ул қулни жиноятининг баробарига бергай ёки хожаси қули қилган жиноятининг товонини дарҳол бериб, адо қилмоқ билан ул қулни айириб ва халос қилиб олгай.

فَاِنْ وَهَبَهُ اَوْ بَاعَهُ اَوْ اَعْتَقَهُ اَوْ دَبَّرَهُ اَو اسْتَوْلَدَهَا وَلَمْ يَعْلَمْ بِهَا ضَمِنَ الاَقَلَّ مِنْ قِيمَتِه وَ مِنَ الاَرْشِ

Бас, агар ул қулнинг хожаси жиноят қилганини билмасдан, уни бир одамга инъом қилиб юборса ё уни сотиб, ё озод қилиб юборса, ёки унга, мен ўлгандан кейин озодсан, деса ёки ул канизак экан, уни умму валад қилса, яъни, хожасидан бола туғиб қолса, қаралгай, қулнинг қиймати билан зарар етган нарсанинг дийатидан қайси бири озроқ бўлса, ул миқдорни хожаси тўлагай.

وَ اِنْ عَلِمَ غَرِمَ الاَرْشَ

Агар хожаси қулнинг қилган жиноятини билиб туриб, ул баён қилинганларнинг бирини қилса, зарар етган нарсанинг товонини тўлагай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَدِيَةُ الْعَبْدِ قِيمَتُهُ

Ва қулнинг хунбаҳоси ўзининг қийматидир, яъни, бир одам қулни хатоан ўлдирса, ул одамнинг оқиласига ул қулнинг қийматини тўламоқ вожиб бўлгай. Канизакнинг дияти, яъни, хунбаҳоси ҳам ўзининг қийматидир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

فَاِنْ بَلَغَتْ هِيَ دِيَةَ الْحُرِّ وَقِيمَةُ الْاَمَةِ نَقَصَ مِنْ كُلِّ عَشَرَةٍ

Бас, агар қулнинг қиймати озод одамнинг баҳосига етсаким, озоднинг баҳоси ўн минг танга эди ва чўрининг баҳоси озод хотин қийматига етсаки, озод хотиннинг қиймати, яъни, хунбаҳоси беш юз танга эди, ҳар қайси биридан, озод одамдан, яъни, мартабаси пастлигини изҳор қилмоқ учун ўн тангадан кам бўлур, бу қавл Имом Аъзам ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларидадир. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да ҳам мазкурдир.

وَفِي الْغَصْبِ قِيمَتُهُ مَا كَانَتْ

Аммо қулни ё канизакни бир одамдан тортиб олиб ўлдирганда, баҳоси қанчага тушган бўлса, уни камитмай тўламоқ тортиб олган одамга вожибдир. Бу қавл мужтаҳидларнинг иттифоқлари билан. Албатта, тортиб олганда тўламоққа мол мўътабардир, одамлик мўътабар эмас. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

وَمَا قُدِّرَ مِنْ دِيَةِ الْحُرِّ قُدِّرَ مِنْ قِيمَتِهِ

Озод одамнинг бир аъзосига зарар еткурилгани учун ул озод одамнинг хунбаҳосига қараб тайин қилинган товон тўламоқ эди, қулнинг ҳам ўз баҳосига қараб жиноят қилган одамга товон тўлатилур. Масалан, бир одам хатоан қулнинг бош суягини кўринадиган қилиб ёрганда, ул қул баҳосининг йигирмадан бири тўлатилгай. Бу қавл зоҳиру-р-ривойатдир ва бу қавл саҳиҳдир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ فِي فَقَاءِ عَيْنَيْ عَبْدٍ دَفَعَهُ سَيِّدُهُ وَاَخَذَ قِيمَتَهُ اَوْ اَمْسَكَهُ بِلاَ اَخْذِ النُّقْصَانِ

Ва қулнинг икки кўзи чиқарилганда, унинг хожаси ихтиёрлидир, агар хоҳласа, қулни кўз чиқарган одамга ташлаб, ундан

www.ziyouz.com kutubxonasi

қулнинг бутун баҳосини олгай ёки хожаси нуқсонли қилган миқдори учун ҳеч нарса олмай, қулнинг ўзини олиб қолгай. Бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ қавлларидир. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

اِنْ جَنَى مُدَبَّرٌ اَوْ اُمُّ وَلَدٍ ضَمِنَ السَّيِّدُ الاَقَلَّ مِنْ قِيمَتِه وَمِنَ الاَرْشِ

Агар мудаббар, яъни, хожаси, мен ўлгандан кейин озодсан, деб қўйган қул ё умму валад, яъни, хожасидан бола туққан канизак жиноят қилса, яъни, бир одамга мазкурлар зарар еткурсалар, уларнинг хожаси уларнинг баҳоси билан тўлайдиган зарарни қайси бирининг баҳоси камроқ бўлса, уни тўлагай.

فَاِنْ جَنَى اُخْرَى شَارَكَ وَلِيُّ الثَّانِيَةِ وَلِيَّ الاُولَى فِي قِيمَةِ دُفِعَتْ اِلَيْهِ بِقَضَاءٍ اِذْ لَيْسَتْ فِي جِنَايَاتِه اِلاَّ قِيمَةٌ وَاحِدَةٌ

Бас, агар бу баён қилинганлар бир жиноят қилганларидан кейин яна бир одамга зарар еткурсалар, бу еткурилган зарарнинг валийси аввалги еткурилган зарарнинг валийсига қулнинг баҳосида шерик бўлур, башарти ул баҳо аввалги зарарнинг валийсига қозининг ҳукми билан берилган бўлса. Зероки, мудаббар билан умму валад зарар еткурганларида бир баҳодан бошқа йўқдир.

وَاتَّبِعِ السَّيِّدَ اَوْ وَلِيَّ الاُولَى اِنْ دُفِعَتْ بِلاَ قَضَاءٍ

Иккинчи зарарнинг валийси товон тўлатмоқни хоҳласа, жиноят қилган қулнинг хожасини қўймай, пайидан бўлгай ёки аввалги зарар валийсининг пайидан бўлиб, аввалги зарар учун ул киши, масалан, икки юз танга олган бўлса, ундан нисфини олгай, башарти мудаббарнинг ё умму валаднинг хожаси уларнинг жинояти учун уларнинг қийматини қози ҳукм қилмай берган бўлса. Агар иккинчи зарар етган киши товон тўламоқни қулнинг хожасидан талаб қилганда хожаси берса, аввалги зарар етган одам учун тўлаган баҳонинг нисфини қозига бериб, ҳукм билан қайтариб хожаси олгай.

وَ مَنْ غَصَبَ صَبِيًّا حُرًّا فَمَاتَ مَعَهُ فُجَاْةً اَوْ بِحُمَّى لَمْ يَضْمَنْ

Бир одам озод ёш болани тортиб олса, ундан кейин ул бола

www.ziyouz.com kutubxonasi

қазойи ногаҳон билан иситмалаб ўлса, ул тортиб олган одам товон тўламайди.

وَ اِنْ مَاتَ بِصَاعِقَةٍ اَوْ نَهْشِ حَيَّةٍ ضَمِنَ عَاقِلَتُهُ الدِّيَةَ

Агар ул тортиб олинган бола соъиқа билан, яъни, осмондан тушадиган яшин билан ёки илон чақмоғи билан ўлса, тортиб олган одамнинг оқиласи, яъни, унинг учун хунбаҳо тўлайдиган, насабда яқин қариндоши ул боланинг дийатини тўлагай.

كَمَا فِي صَبِيٍّ اُوْدِعَ عَبْدًا فَقَتَلَهُ

Чунончи, бир ёш бола олдига бир қул омонат қўйилса, ундан кейин ул қулни ёш бола ўлдирса, ул боланинг оқиласи ул қулнинг дийатини тўлагай.

وَاِنْ اَتْلَفَ مَالاً بِلاَ اِيدَاعٍ ضَمِنَ

Агар ул ёш бола ўзига омонат қўйилмаган молни нобуд қилса, ул молни ёш боланинг ўзи тўлагай.

اَوْ اَتْلَفَ بَعْدَهُ لاَ

Агар мол ёш болага омонат қўйилгандан кейин уни ёш бола нобуд қилса, товон тўламайди. Бу Имом Аъзам ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида. Чунончи, «Дурарул-ҳуккам», «Шарҳи Виқоя», «Шарҳи Илёс» ва «Шарҳи Таҳовий»да мазкурдир. Валлоҳу аълам ва аҳкам.

БУ ФАСЛДА ОДАМ ЎЛДИРИЛГАН МАҲАЛЛАДАГИ ВА БОШҚА ЖОЙЛАРДАГИ ОДАМЛАРГА ҚАСАМ БЕРМОҚНИНГ БАЁНИ

مَيِّتٌ بِهِ جَرْحٌ اَوْ اَثَرُ ضَرْبٍ اَوْ خَنَقٍ اَوْ خُرُوجُ دَمٍ مِنْ اُذُنِهِ اَوْ عَيْنِهِ وُجِدَ فِي مَحَلَّةٍ اَوْ اَكْثَرُهُ اَوْ نِصْفُهُ مَعَ رَأْسِهِ لاَ يُعْلَمُ قَاتِلُهُ وَادَّعَى وَلِيُّهُ الْقَتْلَ عَلَى اَهْلِهَا اَوْ بَعْضِهِمْ حُلِّفَ خَمْسُونَ رَجُلاً حُرًّا مُكَلَّفًا مِنْهُمْ يَخْتَارُهُمُ الْوَلِيُّ

Бир ўлик одамким, унинг жароҳати бўлса ёки уни урган аломати бўлса, ёки бўғган асари бўлса, ёки ул ўликнинг қулоғидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ё кўзидан қон чиққан нишонаси бўлса, ул ўлик бир маҳаллада топилса ёки ўлик баданининг кўпроғи бир маҳаллада топилса, ёки аъзосининг нисфи боши билан топилса, – бул баён қилинган сифатлар билан бир маҳаллада топилган ўлик одамни ўлдирган кишининг ўзининг иқрори билан ё гувоҳларнинг шоҳидликлари билан маълум бўлмаса ва ўлган одамнинг валийси ўлик топилган маҳалла аҳлларига ҳаммалари жамъ бўлиб ўлдирганлар, деб ёки баъзилари ўлдирганлар, деб даъво қилса, ул маҳалла одамларининг балоғатга етган озод эркакларидан соҳиби маййит, яъни, ўликнинг эгаси хоҳлаган ва ихтиёр қилган эллик кишига қасам берилгай.

بِاللهِ مَا قَتَلْنَاهُ وَلاَ عَلِمْنَا لَهُ قَاتِلاً

«Биллаҳи, бу одамни бизлар ўлдирганимиз йўқ, уни ўлдирган одамни ҳам билганимиз йўқ», деб қасамёд қилгайлар, яъни, ҳар қайси бирлари танҳо-танҳо қасамёд қилгайлар: «Мен бу одамни ўлдирганим йўқ, ўлдирган одамни ҳам билганим йўқдир», деб. «Мухтасар» матнидаги лафзи «бизлар» мажмуъидан иборатдир. Чунончи, «Заҳириййа»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

لا الْوَلِيُّ

Ул ўликнинг валийси, ушбу маҳалланинг одамлари ўлдирган, деб даъво қилганда, ўзига қасам берилмайди, гарчи ул маййитнинг валийси ул маҳалла одамларидан бўлса ҳам. Зероки, даъвогарга қасам бермоқ ғайри машруъдир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

ثُمَّ قُضِيَ عَلَىَ اَهْلِهَا بِالدِّيَة

Элликта одам қасамёд қилгандан кейин ул маҳалланинг жамиъи аҳлига дийат ҳукм қилинур.

وَاِنْ ادَّعَى عَلَىَ وَاحِدٍ مِنْ غَيْرِهِمْ سَقَطَ الْقَسَامَةُ عَنْهُمْ

Агар маййит валийси, яъни, ўликнинг эгаси маҳалланинг одамларидан бошқа бир одамга, сен ўлдиргансан, деб даъво қилса, ул маҳалланинг одамларидан қасам соқит бўлур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

فَاِنْ لَمْ يَكُنْ فِيهَا كُرِّرَ الحَلِفُ عَلَيْهِمْ اِلَى اَنْ يَتِمَّ

Бас, агар ул одамнинг ўлиги топилган маҳаллада эллик киши бўлмаса, маҳалладаги бор одамларга такроран қасам берилгай, эллик қасам тамом бўлгунча.

وَمَنْ نَكَلَ حُبِسَ حَتَّى يَحْلِفَ

Маҳалланинг одамларидан бири қасамёд қилмоқни қабул қилмаса, у қасам ичгунча қамаб қўйилгай. Зероки, унда қасамёд қилмоқ одамизод қони амрининг таъзими учун вожибдир. Ушбу жиҳатдан ҳам қасам берилур ҳамда хун тўлатилур. Чунончи, «Дурарул-ҳукком»да мазкурдир. Бас, агар қасамдан нукул қилган одамнинг қасамёд қилмоғидан умид узса, дийат тўламоққа ҳукм қилингай. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да ҳам мазкурдир.

لَا اَنْ خَرَجَ الدَّمُ مِنْ فِيهِ اَوْ دُبُرِهِ اَوْ ذَكَرِهِ

Лекин ўлган киши бир маҳалладан топилиб, ўликнинг эгаси ул маҳалланинг одамларига даъво қилса ҳам, уларга қасам берилмайди, агар одамнинг оғзидан, ё дубуридан, ё закаридан қон чиққан бўлса. Зероки, мазкурлардан ҳеч нарса қилмай ҳам қон чиққай. Чунончи, «Абул-макорим»да мазкурдир.

وَفِي قَتِيلٍ عَلَى دَابَّةٍ يَسُوقُهَا رَجُلٌ فَالدِّيَةُ عَلَى عَاقِلَتِهِ

Бир ўлган одамиким, бир киши ҳайдаб келиб турган маркаб устида топилса, ул кишига қасам берилгандан кейин унинг хунини тўламоқ маркабни ҳайдаб келувчининг оқиласига вожиб бўлгай.

وَالرَّاكِبُ وَالْقَائِدُ كَالسَّائِقِ

Устида ўлдирилган одам бор маркабни минган ва етаклаб юрган киши ҳайдаган одамнинг ҳукмидадир, яъни, уларнинг ўзларига қасам берилиб ва уларнинг оқилаларига дийат тўламоқ вожиб бўлмоқда ҳайдаган одамнинг ҳукмидадир. Бас, маркабни қувган, минган ва етаклаганлар бирга бўлсалар, ҳаммаларига қасам берилгандан кейин оқилаларига хун дийатини тўламоқ вожиб бўлур. Чунончи, «Шарҳи Илёс», «Кофий», «Абул-макорим» ва «Ҳидоя»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَعَلَىٰ دَابَّةٍ بَيْنَ قَرْيَتَيْنِ عَلَىٰ اقربِهِمَا

Ва агар устида ўлдирилган одам бор маркаб икки қишлоқнинг ёки бозорнинг ёки икки кўчанинг ёки икки маҳалланинг, ёки икки қабиланинг ўртасида топилса, маййит соҳиби даъво қилган сувратда эллик одамга қасам бермоқ ва дийат тўламоқ мазкур икки жойнинг қайси бирига яқинроқ бўлса, уларга вожибдир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир. Айтилибдурки, бу ҳукм жорий бўлур ўлик топилган жойдан маҳаллаларига овоз етадиган бўлиб, нусрат ва ёрдам бермоқ уларга мумкин бўлса, агар овоз етмаса, аҳли маҳаллага ҳеч нарса вожиб эмас. Шайх Абул-ҳасан ал-Каржий ушбу тариқа баён қилибдилар. Чунончи, «Абулмакорим»да мазкурдир. Агар ўлик топилган жойнинг яқинлиги икки тарафга баробар бўлса, иккала маҳаллага вожиб бўлур. Чунончи, «Темиртоший» китобида мазкурдир.

وَ فِي دارِ رَجُلٍ عَلَيْهِ القَسَامَةُ

Ўлдирилган одам бир кишининг ҳовлисида топилганда, ул ҳовлининг эгасига қасамёд қилдирилур, яъни, «Биллаҳи, мен бу одамни ўлдирганим йўқ ва ўлдирган одамни ҳам билганим йўқ», деб ёлғиз ўзи эллик мартаба қасамёд қилур.

وَ تَدَىٰ عَاقِلَتُهُ انْ ثَبَتَ اَنَّهَا لَهُ بِالْحُجَّةِ

Ва унинг оқиласи дийат тўлагай, башарти ўзимнинг ҳовлим эмас, омонат, деб мункир бўлсалар ва ўшал одам ўзиники экани гувоҳлар билан собит бўлса. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ عَاقِلَةُ وَرَثَتِه انْ وُجِدَ فِي دَارِ نَفْسِه

Бир одам ўз ҳовлисида ўлдирилган ҳолда топилса, дийатни ўлдирилган одам меросгирларининг оқиласи тўлагай. Зероки, ўлдирилган одам зоҳир бўлган вақтида ҳовли меросгирларникидир, бинобарин, дийат ворисларнинг оқиласига лозимдир. Бу чунончи, «Мабсут»да мазкурдир. Бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Чунончи, «Шарҳи Виқоя», «Абулмакорим», «Шарҳи Илёс» ва «Дурарул-Ҳуккам»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ الْقَسَامَةُ عَلَىٰ اَهْلِ الْخِطَّةِ دُونَ السُّكَّانِ و الْمُشْتَرِينَ

Қасам бермоқ, яъни, аҳли маҳалладан эллик одамга ёки ундан кам одам бўлса, эллик маротаба қасам бермоқ ўшал маҳалладаги ернинг қадимий ва эски эгаларигадурки, подшоҳ ул шаҳарни фатҳ қилиб, ўз тасарруфига олиб, ғанимат молларни тақсим қилиб берган вақтда ул ер эгалари бўлган бўлсалар. Ижарага ўтирган, сотиб олган одамга ва орийат ўтирган одамга эмас. Чунончи, «Жомиъур-румуз» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

فَانْ بَاعَ كُلُّهُمْ فَعَلَىٰ الْمُشْتَرِكِينَ

Бас, агар эски эгаларининг ҳаммалари сотган бўлсалар, қасамёд қилдирилмоқ сотиб олган одамларга бўлгай, яъни, агар эски эгаларидан бир одам қолган бўлса, унинг ўзига қасам берилгай, сотиб олганларга ҳеч нарса лозим эмас. Чунончи, «Дурарул-ҳукком»да мазкурдир. Ҳосили масъала шуки, ҳар вақт маҳаллада эски ва янги одамлар, ижарага ўтирган, омонат ўтирган ва орийат ўтирган одамлар бўлса, қасам эскиларигадир, бошқаларга эмас. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ فِي دَارٍ مُشْتَرَكَةٍ عَلَىٰ عَدَدِ الرُّؤُسِ

Кўп одамларнинг ораларида шериклик бўлган ҳовлида ўлдирилган одам топилганда, қасам бермоқ ва товон тўламоқ бош ҳисобига вожиб бўлгай, ҳовлидаги тегадиган ҳисса миқдорига эмас.

وَ فِي الْفُلْكِ عَلَىٰ مَنْ فِيهِ

Кеманинг ичида ўлдирилган одам топилганда, қасам бермоқ ва товон тўламоқ ўша кема ичидаги ҳамма одамларгадир.

وَ فِي مَسْجِدِ مَحَلَّةٍ عَلَىٰ اَهْلِهَا

Маҳалла масжидининг ичида ўлдирилган одам топилганда, қасам ва товон тўламоқ ўша маҳалланинг одамларигадир.

وَ فِي سُوقٍ مَمْلُوكٍ عَلَىٰ الْمَالِكِ

Эгалик бозорда ўлдирилган одам топилганда, қасам ва хун тўламоқ ул бозорнинг эгасига бўлгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ فِي غَيْرِ مَمْلُوكٍ وَ الشَّارِعِ وَ السِّجْنِ وَ الجَامِعِ لاَقِسَامَةَ وَالدِّيَةُ عَلَىَ بَيْتِ المَالِ

Ўлдирилган одам эгасиз бозорда ё катта кўчада, ё масжиди жомиъда ёки зиндонда топилса, қасам йўқдир. Зероки, буларнинг жамиъи мусулмонларга тааллуқи бордир. Унинг дийатини байтул-молдан бермоқ вожиб бўлур. Чунончи, «Ҳидоя» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Зероки, мазкурларнинг тадбири ислом подшоҳигадир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ فِي بَرِيَّةٍ لا عِمَارَةَ بِقُرْبِهَا اَوْ مَاءٍ يَمُرُّ بِهِ هَدْرٌ

Агар яқин атрофида иморат йўқ, яъни, истиқомат қилиб ўтирган ҳеч ким йўқ даштда, шаҳардан ва қишлоқдан унга овоз етмайдиган саҳрода ўлдирилган одам топилса ёки ўлдирилган одамни сув оқизиб келганда, ҳеч кимга дийат ва қасам лозим эмас, унинг қони беҳуда ва зойеъдир.

و مُسْتَحْلَفٌ قَالَ قَتَلَهُ زَيْدٌ حَلَفَ

Юқорида баён қилинган тариқада, эллик одамга қасам берилиб турилганда, уларнинг ораларидан бир одам, ушбу маҳаллалик Зайд уни ўлдирди деса, унинг сўзи қабул қилинмайди. Чунки унинг мақсади ўзидан даъвони соқит қилмоқдир. Унга бундоқ қасам берилур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

بِاللهِ مَا قَتَلْتُهُ وَلاَ عَرَفْتُ لَهُ قَاتِلاً غَيْرَ زَيْدٍ

«Биллаҳи, мен уни ўлдирганим йўқ ва яна Зайддан бошқанинг ўлдирганини билганим йўқ», деб қасам берилур.

وَ بَطَلَ شَهَادَةُ بَعْضِ اَهْلِ المَحَلَّةِ بِقَتْلِ غَيْرِهِمْ اَوْ وَاحِدٍ مِنْهُمْ

Бир маҳаллада ўлдирилган одам топилганда маййит валийси ул маҳалланинг одамларидан бошқа бир одамни, сен ўлдирдинг, деб даъво қилганда, ул маҳалланинг ҳамма одамлари ё баъзи одамлари, шул одам ўлдирди, деб ёки мазкур ўз маҳаллаларининг аҳлларидан, бул одам ўлдирди, деб гувоҳлик бермоқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари ботил ва беҳудадир. Бу Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Чунончи, «Жомиъур-румуз», «Абул-макорим» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ فِي رَجُلَيْنِ فِي بَيْتٍ وُجِدَ اَحَدُهُمَا قَتِيلاً ضَمِنَ الآخرُ دِيَتَهُ

Икки одам бир уйда бўлса, учинчи одам бўлмаса, уларнинг бири ўлдирилган ҳолда топилса, унинг товонини қолган бири тўлагай, бу Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да ва «Абул-макорим»да мазкурдир.

فِي قَتِيلِ قَرْيَةِ امْرَاَةٍ كُرِّرَ الْحَلفُ عَلَيْهَا وَتَدِيَ عَاقِلَتُهَا

Агар бир хотиннинг қишлоғида ўлдирилган одам топилса, ул хотиннинг оқиласи, яъни, насибда яқинроқ қариндоши дийатни тўлагай. Бу қавл Имом Аъзам ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

БУ ФАСЛДА ДИЙАТ ТЎЛАЙДИГАНЛАРНИНГ БАЁНИ

اَلْعَاقِلَةُ اَهْلُ الدِّيوَانِ لِمَنْ هُوَ مِنْهُمْ

Оқила шундай одамдурларки, улар дийат тўлагайлар, улар **аҳли дафтардурлар,** яъни, уларнинг номлари аскарларнинг дафтарларига ёки инъому эҳсон қилинадиганларнинг, яъни, вазифахўрларнинг дафтарларига ёзилган ва битилган бўлгай.

يُؤْخَذُ مِنْ عَطِيَّاتِهِمْ حِينَ خَرَجَتْ

Уларга байтул-молдан вазифа чиққан вақтда улардан бири жиноят қилиб, дийат тўламоқ вожиб бўлганда, уларнинг вазифаларидан дийатга олингай, агар жиноят қилган одам аҳли вазифаларнинг жумласидан бўлса.

وَحُيُّهُ لِمَنْ لَيْسَ مِنْهُمْ

Ва оқиласи, яъни, товон тўлайдиган одам жиноят қилган одамнинг ўз қабиласидандир, агар жиноят қилган одам подшоҳлик дафтарга ёзган вазифахўрлар аҳлидан бўлмаса.

www.ziyouz.com kutubxonasi

يُؤْخَذُ مِنْ كُلِّ فِي ثَلَاثِ سِنِينَ ثَلَاثَةُ دَرَاهِمَ اَوْ اَرْبَعَةٌ

Аҳли вазифадан ва ҳам қабиладан, яъни, ҳар қайси бир товон тўлайдиганлардан уч йилнинг ичида уч танга ё тўрт танга олинур.

وَ اِنْ لَمْ يَتَّسِعْ الحَيُّ ضُمَّ اِلَيْهِ اَقْرَبُ الاَحْيَاءِ نَسَبًا الاَقْرَبُ فَالاَقْرَبُ

Агар оқила қабила бўлганда, яъни, одам ўлдирган кишининг уруғи бир жамоа эл бўлган сувратда яқин қариндошлар камлиги жиҳатидан кенглик бўлмаса, яъни, ҳар бир оқилага уч танга ёки тўрт тангадан кўпроқ бўлса, насаб тўғрисидан ул қабилага яқинроғи қўшилтирилгай. Ушбу тартиб насабда ҳар кимки яқинроқ бўлса, унга қўшилтирилгай. Ундан кейин яна яқинроғи унга қўшилтирилгай.

و البَاقِي عَلَىَ الجَانِي

Агар қабилаларнинг узоқ хешларини қўшиб, товон тўламоқни уларга сочганда дийат бўлмаса, яъни, хунбаҳосини тўламоқ тамом бўлмаса, боқимонда товон тўламоқ жиноят қилган одамгадир, яъни, ўзи тўлагай. Зероки, жиноятда ул аслдир. Чунончи, «Абул-макорим», «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ القَاتِلُ كَاَحَدِهِمْ

Одам ўлдириб, хун тўлатган киши қабилаларининг бирига ўхшаш дийат тўлагай, хоҳ ул жиноят қилган киши эркак, хоҳ хотин, хоҳ ёш бола, хоҳ жинни бўлсин, бу саҳиҳ қавлга биноан. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

و لِلْمُعتَق حَيُّ سَيِّدِه

Озод қилинган қул жиноят қилгани сабабли товон тўламоқ лозим бўлганда, унинг хожасининг қабиласи товон тўлагай.

و لِمَوْلَى المُوَالَاتِ مَوْلَاهُ وَ حَيُّهُ

Бир мажҳулун-насаб одам бир саҳиҳун-насаб одам билан тирикликда бир-бирига иъноат ва ёрдам қилишмоққа ва жиноят қилганда бир-бирини халос қилмоққа ҳамда ўлгандан кейин меросини олмоққа ваъда қилишган икки кишининг бири жи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ноят қилганда, иккинчиси ва ҳам унинг қабилали бўлганининг қабиласи товон тўлагай.

وَ الْمُعْتَبَرُ فِي الْعَجَمِ اَهْلُ النُّصْرَةِ سَوَاءٌ كَانَتْ بِالْحِرْفَةِ اَوْ غَيْرِهَا

Ва ажам халқида бир касб билан ёки бошқа сабаб билан ўшал касбдаги жамоанинг бирига нусрат, иъноат ва ёрдам берадиган бўлмоғи мўътабардир.

وَ مَنْ لاَ عَاقِلَةَ لَهُ يُعْطَى مِنْ بَيْتِ الْمَالِ اِنْ كَانَ

Жиноят қилган одамнинг юқорида баён қилинганга ўхшаш унинг учун ҳеч бир тарафдан товон тўланадиган одами бўлмаса, байтул-молдан берилур, борди-ю хазинада сақлаб қўйилган мол бўлса. Зероки, мусулмонлар байтул-молга нусрат берган кишилардир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Ва бу қавл зоҳирур-ривойатдир, фатво ушбу қавлгадир. Ушбудек «Хулоса»да мазкурдир.

وَ اِلاَّ فَعَلَى الْجَانِي

Агар хазинада байтул-молдан бўлмаса, бас, товон тўламоқ жиноят қилган одамнинг ўзига лозимдир.

و يَتَحَمَّلُ الْعَاقِلَةُ مَا يَجِبُ بِنَفْسِ الْقَتْلِ

Жиноят қилган одамнинг оқиласи, яъни, унинг учун хун тўлайдиган одамлари хатоан ёки қасддан гумон билан ўлдиргани учун, масалан, кийикни отдим, деб қасддан гумон қилиб, одамни отиб қўйгани учун дийатни кўтаргайлар, яъни, товон тўлагайлар.

لاَ مَا يَجِبُ بِصُلْحٍ اَوْ اِقْرَارٍ لَمْ يُصَدِّقْهُ الْعَاقِلَةُ

Аммо қасддан ўлдирганда, қасосдан халос бўлмоқ учун сулҳ қилинган молни оқиласи кўтармайди ёки жиноят қилган одам, мен Зайдни хатоан ўлдирган эдим, деб ўзи иқрор қилганда, лозим бўлган дийатни оқила кўтармайди, агар оқила жиноят қилган одамнинг қилган иқрорига тасдиқ қилмаса.

وَ عَمْدٍ سَقَطَ قَوَدُهُ بِشُبْهَةٍ

Ва яна қасддан ўлдирган одамнинг қасоси гумон билан со-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қит бўлса, унинг сабаби билан лозим бўлган товон тўламоқни оқила кўтармайди. Масалан, бир одамни икки киши ўлдирса ва унинг бири ёш бола ёки маътуҳ бўлса, яъни, ҳушига гоҳо келиб, гоҳо (ҳушидан) кетиб турадиган одам бўлса ва унинг бири балоғатга етган ақлли бўлса, унинг оқиласи товон тўламайди, бу ҳуши йўқ одам ўлдирганининг эҳтимоли борлиги жиҳатидандир. Ёки икки балоғатга етган ақлли одамнинг бири темир билан, иккинчиси ҳасса билан уриб ўлдирган бўлсалар, албатта, иккаласига баробар товон тўлатилур, буларда дийатни оқила тўламайди, бу ҳасса билан ўлмоқ эҳтимоли борлиги жиҳатдандир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

اَوْ قَتْلِ ابْنِه عَمْدًا

Ёки бир одам ўз ўғлини қасддан ўлдирганда, вожиб бўлган товон тўламоқни оқила кўтармайди. Албатта, бунда одам ўлдиргани сабабидан қасос вожибдир, лекин оталик ҳурматининг сабабидан соқит бўлди. Бас, отага қонининг **сиёнати** учун, яъни, қонининг эҳтиёти ва ўлмай қолгани учун уч йилда товон тўламоқ лозим бўлди. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ لَا جِنَايَةَ عَبْدٍ

Ва яна қулнинг хатоан қилган жинояти сабабидан лозим бўлган дийатни унинг оқиласи кўтармайди. Албатта, қулнинг қилган жинояти дийатини тўламоқ хожасига лозимдир. Чунончи, «Жомиъур-румуз» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

اَوْ عَمْدٍ

Ёки қул қасддан жиноят қилган бўлса, унинг жиноятини оқила кўтармайди, хоҳ бир одамни ўлдирган бўлсин, хоҳ жароҳатнок қилган бўлсин. Пайғамбар алайҳиссолату вассалом айтдилар: «Қасддан қилинганга оқила товон тўламайди». Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Албатта, қасддан бўлганда, оқила кўтарган билан жазо тахфиф топмайди, яъни, енгилланмайди. Қасос қилмоқ вожибдир, яъни, ўзини ўлдирмоқ вожибдир, оқила киришмоғига илож йўқдир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ مَا دُونَ اَرْشِ الْمُوْضِحَةِ

Яна бошнинг устихони зоҳир бўлган жароҳатнинг товонидан кам товон тўламоқда оқиласи кўтармайди, жиноят қилган одамнинг ўзи тўлагай. Ул устихони кўриниб қолган яранинг товони дийатнинг ўндан бирининг нисфидир, яъни, бутун хун тўламоқнинг ўндан бирининг нисфидир, ул беш юз танга бўлур.

بَلِ الْجَانِي

Балки беш юз тангадан товон тўламоқда жиноят қилган, яъни, гувоҳ қилган ва зарар еткурган одамнинг ўзига тўламоқ лозимдир, агар озод киши бўлса. Агар жиноят қилган киши қул бўлса, хожасига товон тўламоқ вожибдир. Чунончи, мазмуни «Жомиъур-румуз»да ҳам мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الاِكْرَاه

ИКРОҲ ҲАҚИДА КИТОБ

Бу китобда одамзоднинг табъи хоҳламаган нарсани зўрлаб қилдирмоқнинг баёни. **Икроҳ** деб, луғатда жабр билан бир одамга зўрлик қилиб, табиати хоҳламайдиган ёки табиати шариат тўғрисидан хоҳламайдиган ёки шариат манъ қилган нарсани кўтартирмоқни айтилур.

هُوَ فِعْلٌ يُوقِعُهُ بِغَيْرِهِ فَيَفُوتُ رِضَاهُ

Шариатда ул икроҳ бир феълдирки, уни бир киши бир одамга воқиъ қилгай, яъни, қилдиргай. Бас, ул зўрланган мазлум ул феълни қилмоққа ризолиги ва хурсандлиги бўлмай туриб ноилож қилгай. Чунончи, зўрланган вақтида урмоқ билан ва қамамоқ билан қилдиргай.

اَوْ يَفْسُدُ اخْتِيَارُهُ

Ёки зўрланган жиҳатидан ул жафорасида одамнинг ихтиёри бузилгай, яъни, ноилож ихтиёрини қўлидан бергай. Масалан, ўлдираман, деб ёки бир узвни кесаман, деб қўрқитгай.

مَعَ بَقَاءِ اَهْلِيَّتِه

Ул зўр билан қилган феълининг муқобилини қилмоққа қоҳиллиги боқий бўлмоқ билан, яъни, зўрлик қилган одамдан халос бўлгандан кейин ул қилган ишининг зиддини қилмоққа қудрати етмоқ билан. Ҳосили масъала шуки, ноилож, хурсанд бўлмай қилинган феъл **икки қисмдир. Бир қисми** иккала тарафини қилмоққа зўрлангай. Ул кишига зўрланган тарафни қилмоқ дуруст бўлгани тўғрисидан ул феълнинг зиддини ихтиёр қилмоққа жабрланган одамнинг аҳллиги қолмайди. Масалан, кофирни зўрлаб иймон келтиртирмоққа ўхшаш. **Иккинчи қисми** – зўрлаб қилдирилган феълни қилмоқ бузуқ ва фосид бўлур, унинг зиддини ихтиёр қилмоққа ул жабрланган одамнинг аҳллиги боқий қолур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ شَرْطُهُ قُدْرَةُ الحَامِلِ عَلَىٰ ايقَاعِ مَا هَدَّدَ بِهِ سُلْطَانًا كَانَ اَوْ لِصًا

Зўрлик қилмоқнинг росту чин бўлмоғининг шарти **тўртдир.** Унинг **бири** – зўрлик қилган одамни қўрқитиб, зўрлик билан уни қилдирмоққа қудрати ва кучи етмоғидир, ул зўрлик қилган киши хоҳ подшоҳ, хоҳ ўғри бўлсин.

وَ خَوْفُ الفَاعِلِ ايقَاعَهُ

Иккинчи шарти – зўрлик билан қиладиган киши зўрлик қилиб турган одам ул ишни қилдирмоғидан қаттиқ қўрқмоғидир. Масалан, ул феълни қилмаганда боши кесилур ёки аъзосининг бири нобуд бўлур. **Учинчи шартини – икроҳи мулжий** дейилур, у **икки қисмдир.**

وَ كَوْنُ لمكرَهُ بِهِ مُتْلفًا نَفْسًا اَوْ عُضْوًا وَ هُوَ المُلْجِئُ

Унинг **бири** – уни қўрқитилган нарса одамни нобуд қиладиган ёки бир аъзосини нобуд қиладиган асбоб бўлмоғи шартдир ва бу одамнинг аъзосини нобуд қилмоққа қасд қилиб, қўрқитгани жиҳатидан бўлган икроҳ, яъни, зўрлик қилмоқ жабрланган ва зўрланган ишни қилмоққа музтар қилгувчидир, яъни, қилмасдан қутилмоқнинг иложи йўқ қилгувчидир.

اَوْ مُوجِبًا غَمًّا يُعْدِمُ الرِّضَاءَ

Икроҳи мўлжийнинг **иккинчиси** ёки ул зўрламоқ ғализ ҳасратни лозим қилувчидир, ул ғализ андуҳ ризоликни ва хурсандликни йўқ қилур. Масалан, қаттиқ урмоқ ва қамамоққим, ундан ғам емоқ ва қайғурмоқ ҳосил бўлгай. Бовужуди зўрланган кишининг ул ишни қилмоққа хурсандлиги ва розилиги бўлмагай. Бу хил зўрликни **икроҳи ғайри мулжий** дерлар, яъни, уламоларнинг наздларида, ул ишни қилмоққа музтар қилмайдиган зўрлик дейилур.

وَ الفَاعِلُ مُمْتَنِعًا عَمَّا اُكْرِهَ عَلَيْهِ قَبْلَهُ

Тўртинчи шарти – қилувчининг мазкур зўрликларга мубтало бўлмасдан илгари, қилгил, деб зўрланган феълдан ўзини қайтарадиган ва қочирадиган бўлмоғидир. Чунки аввал ўзи ул

www.ziyouz.com kutubxonasi

феълдан қайтмайдиган бўлса, зўрлик бўлмайди. Икроҳнинг, яъни, зўрликнинг бир рукни ризонинг йўқ бўлмоғи эди, у эса ризонинг бор бўлгани жиҳатидан. Чунончи, «Жомиъур-румуз»-да мазкурдир.

لِحَقِّه

Ўзини қайтарадиган бўлгай, ўзининг ҳақи учун молини арзон сотмоққа ва нобуд қилмоққа зўрламоқ ва қулини озод қилмоққа зўрламоққа ўхшаш. Чунончи, «Шарҳи Виқоя» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

اَوْ لِحَقِّ آخَرَ

Ёки бошқа одамнинг ҳақи учун зўрламоқ, масалан, бир одамнинг молини нобуд қилгил, деб зўрлаганга ўхшаш, ҳар қайси важҳдан бўлса ҳам. Чунончи, «Абул-макорим» ва «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

اَوْ لِحَقِّ الشَّرْعِ

Ёки шариат ҳақлари учун зўрламоқ, масалан, шароб ичмоққа, зино қилмоққа, ўзи ўлиб қолган молнинг гўштини емоққа ва қон ичмоққа зўрланганга ўхшаш. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз» ва «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

فَلَوْ اُكْرِهَ بِالْمُلْجِئِ

Бас, агар икроҳи мулжий билан зўрлик қилинса, яъни, ўлдираман ёки бир аъзонгни кесиб оламан, деб қўрқитмоқ билан музтар қилинса.

اَوْ غَيْرِهِ عَلَى بَيْعٍ اَوْ نَحْوِهِ اَوْ اِقْرَارٍ فَسَخَ اَوْ اَمْضَى

Ёки икроҳи ғайри мулжий билан зўрлик қилинса, яъни, қаттиқ урмоқ ва кўп вақт қамамоқ билан молини сотмоққа ва шунга ўхшаган нарсаларким, ҳовлисини ижарага қўймоққа ёки бир одамдан, масалан, минг танга қарзим бор, деб иқрор қилмоққа зўрлик қилинса, ундан кейин ноилож зўрлик қилган одамнинг айтганидек қилса, халос бўлгандан кейин ихтиёр ўзидадир. Хоҳласа, мазкур ишларни бузгай, «андоғким, ёлғондан

www.ziyouz.com kutubxonasi

иқрор қилган эдим», дегай. Ёки ул баён қилинганларнинг қилинмоғига рози бўлиб, имзо қилгай, яъни, деган сўзини ўткаргай ва юргизгай, андоғким, «деган сўзим рост эди», дегай. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир. Зероки, зўрлик розиликни йўқ қилур. Мазкур тасарруфларда рози бўлмоқ шартдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ يَمْلِكُهُ الْمُشْتَرِي اِنْ قَبَضَ

Зўрлик билан сотилган молга сотиб олган киши соҳиб ва эга бўлур, агар мол эгаси ул молни топшириб, ул сотиб олган киши қабз қилган бўлса, яъни, ўз тасарруфига олган бўлса. Бунда шу нарсадан огоҳ қилмоқлик борки, зўрлик қилувчининг байъи фосиддир, лекин ижозат билан нуфуз қиладиган бўлгай ва пулу мол сотган одамнинг қўлида омонатдир. Чунончи, «Зоҳидий» ва «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

فَيَصِحُّ اِعْتَاقُهُ وَ لَزِمَهُ قِيمَتُهُ

Бас, зўрлик билан сотиб олинган қул бўлса, уни озод қилмоқ сотиб олган одамга дурустдир ва ул қулнинг қийматини, яъни, озод қилинган вақтидаги баҳосини зўрлик билан сотиб олинган одамга тўламоқ лозим бўлур, гарчи озод қилувчи камбағал бўлса ҳам. Чунончи, «Зоҳидий»да мазкурдир.

فَاِنْ قَبَضَ ثَمَنَهُ اَوْ اَسْلَمَ طَوْعًا نَفَذَ

Бас, агар зўрлик билан сотган одам пулини ўз ихтиёри ва розилиги билан зўрланмай қабул қилиб олса ёки сотилган нарсани ўзининг хоҳиши ва рағбати билан зўрлик қилинмай топширса, байъи дуруст ва нофиздир, савдони бузмоққа қудрати етмайди. Чунончи, «Абул-Макорим», «Жомиъур-румуз» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ حَلَّ بِالْمُلجِئِ شُرْبُ الْخَمْرِ وَ اَكْلُ الْمَيْتَةِ وَ نَحْوُهُ

Ўлдирмоқ ёки аъзони нобуд қилмоқ билан зўрланган одамга шароб ичмоқ, худмурдани емоқ ва шунга ўхшашларни ва ҳаром таомларни емоқ, масалан, қон ичмоқ, хукнинг гўштини емоққа ўхшашлар андоқ ноиложликда ҳалолдир. Зероки, зўрлаб, азоб

www.ziyouz.com kutubxonasi

берилиб турган ҳолат жоннинг нобуд бўлмоғидан ва аъзонинг нобуд бўлмоғидан қўрққан вақтда махмасага (силла қуришига) ўхшашдир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

حَتَّىٰ اِنْ صَبَرَ اَثِمَ

Ҳаттоки мазкурларни емай ва ичмай, ўлмоққа ё аъзоси нобуд бўлмоғига сабр қилса, гуноҳкор бўлур. Зероки, ул киши заруратда мубоҳ бўлган нарсалардан ўзини тортди ва ўзини ҳалок ва нобуд қиладиган жойга ташлади. Ушбуга ўхшаш ҳолати махмасада ҳам тановул қилмаган одам гуноҳкор бўлур. Бу иккала масъала ҳам зоҳиру-р-ривойатдир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ رُخِّصَ بِهِ اِظْهَارُ الْكُفْرِ مُطْمَئِنًّا قَلْبُهُ بِالْاِيْمَانِ

Икроҳи мулжий билан, яъни, ўлдирмоқ ёки аъзони кесмоқ хавфи билан кофир бўлмоққа зўрланган киши кўнгли, яъни, қалби ва дили иймон билан қарорланган ва эътиқодини бузмаган ва орамида бўлгани ҳолда тилида куфрни изҳор қилмоққа рухсат берилди, гуноҳкор бўлмайди, Аммор ибн Ёсир розийаллоҳу анҳунинг ҳадислари жиҳатиданки, мушриклар ул жанобни ушлаб олдилар. «Пайғамбар алайҳис солату вассаломни сўккил ва бизнинг илоҳларимизни яхшилик билан ёд қилгил», деб зўрлик ва зулм қилиб, қўйиб юбордилар. Ноилож деганларини айтиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

فَاِنْ عَادُوا فَعُدْ

дедилар. Яъни: «Гар мушриклар зўрламоққа ва жабр қилмоққа қайтсалар, сен дилингнинг иймонга қарор қилмоғига қайтгил», дедилар. Чунончи, «Шарҳи Илёс», «Ҳидоя» ва «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

وَ بِالصَّبْرِ اُخِّرَ

Агар куфрни изҳор қилмай, ўлдиргунча ёки аъзосини кесгунча сабр қилса, савобли ва шаҳид бўлгай. Бас, куфрни тил

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан гапирмоқдан ўзини тортмоқ афзалдир, гарчи ўлдирилса ҳам. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

Мушриклар Ҳабиб розийаллоҳу анҳуни ушлаб олиб, азоб бердиларким, илоҳларимизни яхши деб мадҳ қил, Пайғамбар алайҳис солату вассаломни ёмонлагил, деб. Ул Ҳабиб розийаллоҳу анҳу уларнинг илоҳи ботилаларини ҳақорат қилур эди ва Расули Худо соллаллоҳу алайҳи ва салламни яхшилик билан ёд қилур эди. Мушриклар ул жанобни ўлдирдилар. Бас, Пайғамбар алайҳис солату вассалом Ҳабиб розийаллоҳу анҳуга «Саййидуш-шуҳадо», яъни, шаҳидларнинг саййиди деб от қўйдилар. «Ул Ҳабиб жаннатда менинг рафиқим ва ҳамнишиним», дедилар. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ اِتْلَافُ مَالِ مسلمٍ

Ўлдирмоққа ва аъзосини кесмоққа зўрланган одамга мусулмон одамнинг молини ёки зиммийнинг молини нобуд қилмоққа рухсат берилди, токи ўлмоқдан ёки аъзоси кесилмоқдан саломат қолгай. Лекин бировнинг молини олмоқ зулмдир, агар сабр қилса, савобли бўлгай. Чунончи, «Кофий» китобида ва «Абулмакорим»да мазкурдир.

وَ ضَمِنَ الحَامِلُ

Ва ул молни зўрлаб нобуд қилдирган одам тўлагай, зероки, зўрлик билан нобуд қилган киши зўрлик билан қилдирган одамни баманзалайи асбобийдир. Чунончи, «Шарҳи Виқоя», «Абулмакорим» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

لاَ قَتْلُهُ

Лекин, бир мусулмон одамни ўлдиргил, деб қаттиқ зўрланган сувратда ўлдиргунча ёки аъзосини нобуд қилгунча сабр қилгай, мусулмон одамни ўлдирмоққа рухсат йўқдир. Зероки, ҳеч қайси ҳолда мусулмон одамни ўлдирмоқ мубоҳ эмас. Чунончи, «Шарҳи Виқоя» ва «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ يُقَادُ هُوَ فَقَطْ

Аммо, бу мусулмонни ўлдиргил, деб азоб бергандан кейин ноилож уни ўлдирса, зўрлаб ўлдиртирган одам қасос қилинур,

www.ziyouz.com kutubxonasi

яъни, ўлдирилур, ўлдирган одам қасос қилинмайди. Бу Имом Аъзам ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ صَحَّ نِكَاحُهُ وَطَلَاقُهُ وَ عِتْقُهُ

Ва ул зўрланган ва жабрланган одам никоҳланмоғи ва қулини озод қилмоғи дурустдир.

وَ رَجَعَ بِقِيمَةِ الْعَبْدِ وَ نِصْفِ الْمُسَمَّى اِنْ لَمْ يَطَأْ

Ва ул балодан халос бўлгандан кейин озод қилган қулининг баҳосини ва тайинланган маҳрнинг нисфини зўрлаган одамдан тўлатиб олур, агар зўрлаган киши ул хотинни ватий қилмаган бўлса. Агар ватий қилган бўлса, маҳр тўламоқ ўзига лозимдир.

وَ نَذْرُهُ وَ يَمِينُهُ وَ ظِهَارُهُ وَ رَجْعَتُهُ وَاِيلَاؤُهُ وَفَيْئُهُ فِيهِ

Зўрлик билан ҳар ибодатга қилган назри, масалан, ўн кун рўза тутмоқни ўзига лозим қилмоғи ва фалон ишни қилурман, деб қасамёд қилмоғи ва никоҳ ҳамиша раво бўлмайдиган маҳрам заифа қариндоши баданига хотинининг аъзосини ўхшатмоғи ва талоқдан қайтмоғи ва хотинига яқинлик қилмайман, деб қасамёд қилмоғи ва ийлонинг муддатида, яъни, хотинига яқинлик қилмайман, деб аҳд қилган муддатида ул қасамдан қайтмоғи, мазкурларнинг ҳаммаси дурустдир. Зероки, ҳар ақдики, унда бузмоқ ва бекор қилмоқ эҳтимоли бўлмаса, зўрлик билан қилмоқ унинг дурустлигини манъ қилмайди. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ اِسْلَامُهُ بِلَا قَتْلٍ لَوْ رَجَعَ

Зўрлик билан кофирнинг мусулмон бўлмоғи дурустдир. Лекин агар бир зиммий зўрлик билан мусулмон бўлиб, яна муртад бўлса, уни ўлдирмоқ йўқдир, унинг мусулмон бўлмоғида шубҳа қарорлангани ва жойлангани жиҳатидан. Чунончи, «Шарҳи Виқоя» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

لَا اِبْرَاؤُهُ وَ رَدَّتُهُ

Лекин зўрлик билан бир одамдаги ҳақини қарз олган одам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га ўтиб ва кечиб юбормоғи дуруст эмас ва ҳам муртад бўлмоғи дуруст эмас, яъни, қарз унинг гарданидан соқит бўлмайди, муртадлик ҳукми жорий бўлмайди ва хотини талоқ бўлмайди.

وَ اِنْ زَنٰى حُدَّ

Агар, зино қилмагил, деб зўрланганда зино қилса, ҳад урилур, бу Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Чунончи, «Ҳидоя» ва «Абул-макорим»да мазкурдир.

اِلَّا اِذَا اَكْرَهَهُ السُّلْطَانُ

Зўрлик қилган киши подшоҳ бўлса, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, зино қилганга ҳад урилмайди. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْحَجْرِ

ҲАЖР КИТОБИ

Ҳажр деб, луғатда манъ қилмоқни айтилур. Бундан ҳатимни ҳажр деб от қўйибдир. Зероки, ул ҳатим Каъбаи мукаррамадан манъ қилур. Ақлга ҳам ҳажр деб от қўйибдир, Зероки, ақл қабиҳ ва ёмон нарсалардан манъ қилур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

هُوَ مَنْعُ نَفَاذِ الْقَوْلِ

Шариатда ул ҳажр сўзламоқ ва гапирмоқ билан жорий бўладиган тасарруфнинг дуруст ва лозим бўлиб, нуфуз қилмоғини манъ қилур. Аммо аъзоларнинг феълларида ҳажр мутаҳаққақ бўлмади. Бас, ҳар вақт ёш бола ва жинни бошқа одамнинг молини нобуд қилса, товон тўламоқ вожиб бўлгай, яна бу ўз мақомида баён қилинур. Чунончи, «Абул-макорим» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ سَبَبُهُ الصِّغْرُ

Ва ул тасарруфдан манъланиб қолмоқнинг сабаблари учтадир. Унинг **бири** – ёш болалик, ёш боланинг тасарруфи, яъни, ўз ихтиёрига сўзини нуфуз қилдирмоғи валийсидан беижозат дуруст эмас. Чунончи, «Ҳидоя» ва «Абул-макорим»да мазкурдир. Зероки, балоғатга етмаган ёш боланинг ақли заифдир. Чунончи, «Ҳидоя» ва «Жомиъур-румуз»да ҳам мазкурдир.

وَ الْجُنُونُ

Иккинчиси – жинниликдир, зероки, жиннининг ақли асло йўқдир, шунинг учун тасарруфи асло дуруст эмас.

وَ الرِّقُّ

Учинчиси – қулликдир, бас, қул тасарруфларининг талоқдан бошқаси нуфуз қилмайди. Зероки, қулнинг ва канизакнинг ўзла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ри ва уларнинг қўлларида бўлган нарсалари хожаларининг мулкидир. Хожанинг хожалик ҳақининг риойаси учун тасарруфдан қайтарилибдир, ундан беижозат тасарруфи дуруст ва лозим бўлмайди. Чунончи, «Дурарул-ҳукком»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

وَ ضَمِنُوا بِالْفِعْلِ

Ёш бола, жинни ва қул – бу уч тоифа ўзларининг феъллари билан нобуд қилган молни тўлагайлар, яъни, ўзларига тегишли молларидан тўлатиб олинур.

وَ اُخِّرَ اِلَى الْعِتْقِ الْاِقْرَارُ بِمَالٍ

Ва қул бир одамнинг молини олганлигига иқрор қилса, озод бўлгунча таъхир қилинур. Зероки, қул балоғатга етгандир, унинг иқрори ўзига нуфуз қилур, хожасининг ҳақида нуфуз қилмайди, қул иқрор қилган билан хожасига тўламоқ лозим эмас. Бунда шу нарсадан огоҳ қилмоқ борки, ёш боланинг ва жиннининг иқрори ва уларнинг қилган талоқлари асло дуруст эмас. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ عُجِّلَ بِحَدٍّ وَقَوَدٍ

Қулга ҳад урмоқ ва қасос қилмоқ вожиб бўлган сувратда таъхир қилинмагай, дарҳол ҳад урилгай ва қасос қилингай.

وَ لَا يُحْجَرُ بِسَفَهٍ وَ فِسْقٍ وَ دَيْنٍ

Балоғатга етган одам хиффат ва енгиллик сабабидан ва молни нобуд ва исроф қиладигани сабабидан ва фосиқлик сабабидан ва яна молидан зиёда қарзга ботгани сабабидан молни тасарруф қилмоқдан манъ қилинмайди.

وَ حُجِرَ مُفْتٍ مَا جِنٍّ

Одамларга ҳийла ва тадбир ўргатадиган ва ҳеч фатводан ўзини тортмайдиган, масалан, ҳаромни ҳалол деб бепарво, хавф қилмай ва қўрқмай ёки ҳалолни ҳаром деб фатво берадиган ва одамларга ботил ҳийлаларни таълим берадиган муфтийи можин фатво бермоқдан манъ қилингай. Чунончи, «Жомиъур-

www.ziyouz.com kutubxonasi

румуз», «Абул-макорим», «Шарҳи Илёс»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир. Масалан, эркак кишига ё хотинга муртад бўлмоқни таълим бергайки, ундан закот соқит бўлсин деб ёки хотин эркакка талоқ бўлсин, деб. Бундоқ можин муфтий фатво бермоқдан манъ қилинур. Чунончи, «Захийра» ва «Ғуниййату завил-аҳком»да мазкурдир. Ёки жоҳиллик ва нодонлик билан фатво берса, ундоқ жоҳил ва нодон муфтий фатво бермоқдан манъ қилинур. Чунончи, «Хонийя» китобида мазкурдир.

Ибн Сирин раҳматуллоҳи алайҳдан ривойат қилинибдур, ул жаноб айтибдурлар: «Хузайфа бин Йамоний айтдиларки, одамларга уч тоифанинг бири фатво бергай. Бири Қуръони шарифдан мансур бўлган оятларни билган одам фатво бергай ёки фатво бермоқдан қочмоқнинг иложини топмайдиган амир фатво бергай ёки аҳмоқ мутакаллиф фатво бергай».

Ҳар вақт Ибн Сирин раҳматуллоҳи алайҳдан бир нарса сўралса: «Мен бу икки хил одамларнинг бири эмасман ва учинчи бўлмоғимни хуш кўрарман», дер эдилар. Чунончи, фақиҳ Абу Лайснинг «Бўстон»ида мазкурдир.

Ва яна фосиқ муфтий ҳам фатво бермоқдан манъ қилингай. Чунончи, «Мултақий» китобида мазкурдир. **Фосиқ** деб, луғатда истиқоматдан чиққан одамга айтилур. Шариат Худойи таборак ва таолонинг тоатидан ва фармонидан гуноҳи кабирани иртикоб қилмоқ билан ва гуноҳга шуруъ қилмоқ билан чиққан одамга айтилур. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да ҳам мазкурдир. Фосиқ шундоқ одамдирки, дини набавиййанинг ишларида ул одамдан жиноят ва гуноҳ зоҳир ва маълум бўлур. Бас, ул фосиқни шариатнинг заруррок ишларида амин қилиб бўлмайди. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. **Фосиқ** деб ўз динининг амрида эҳтимом ва қасд қилмайдиган одамга айтилур. Чунончи, «Дурарул-ҳукком»да мазкурдир. Нодонлик ва билмаслик жиҳатидан фатво берадиган муфтий фатво бермоқдан манъ қилингай. Чунончи, «Фатовойи Қозихон»да мазкурдир. Бунда ишорат шу нарсагаки, ҳар ҳийлайи шаръийки, зарар етқизадиган бўлса, диёнатда жоиз эмас, гарчи фатвода жоиз бўлса ҳам. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

Ва яъни, Имом ибн Юсуфдан ривойат қилинди, ул жаноб

www.ziyouz.com kutubxonasi

айтдиларки, мен бир мусибатхонада эдим, ул жойга Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг саҳобаларидан тўрт киши жамъ бўлдилар. Зуфар ибн Ҳузайл, Абу Юсуф, Офия ибн Йазид ва Ҳасан ибн Зиёд раҳимаҳумуллоҳнинг ҳаммалари иттифоқ қилдиларки, ҳеч кимга бизларнинг қавлларимиз билан фатво бермоқ дуруст эмас, модомики бизлар ул масъалани қаёқдан айтганимизни билмаса.

Ва яна Иброҳим ибн Юсуф Абу Юсуф ҳамда Имом Аъзам раҳимахумаллоҳдан ривойат қилдилар, ул жаноб айтдиларки, ҳеч кимга бизнинг қавлимизга фатво бермоқ дуруст эмаски, қаёқдан айтганимизни билмаса. Чунончи, фақиҳ Абу Лайс раҳматуллоҳи алайҳнинг «Бўстон»ида мазкурдир.

وَ طَبِيبٌ جَاهِلٌ

Табиби жоҳил ва нодонни, яъни, тиб китобини ўқимаган ва билмайдиган, касалга қандай дори муносиблигини билмайдиган ва беморнинг касалини фаҳмламайдиган, фақат пул олмоқдан бошқа бетоб одамнинг яхши бўлмоғининг иложига бақадри тоқат кўшиш ва тараддуд қилиб турмайдиган нодон табиб табиблик қилмоқдан манъ қилингай, яъни, табиблик қилдирилмагай. Ва ул нодон табиб шундай табибки, касал одамга ўлдирадиган дорини билиб бергай ёки билмай бергай. Чунончи, «Захийра» китобида мазкурдир. Ёки ул жоҳил табиб касални ўлдирадиган дорини яхши қиладиган дори, деб гумон қилиб бергай. Чунончи, «Заҳирийя»да мазкурдир.

وَ مُكَارٍ مُفْلِسٌ

Ва яна манъ қилинур муфлис киракашким, одамларга маркабини кирага берур ва ўзи маркаб билан юкни элтиб бермоққа кирага олур. Карвонларни унга ишонурлар: улар жўнайдиган маҳалда унинг маркаби йўқдир. Бас, одамлар ҳамроҳларидан қолурлар. Бас, бу баён қилинган уч тоифанинг еткурадиган зарарлари ҳамма одамларга баробардир. Муфтийи можин, яъни, бебок, гуноҳдан ўзини тортмай, фатво берадиган муфтий мусулмонларнинг динини бузгай ва табиби жоҳилу нодон уларнинг баданларини бузгай. Муфлис киракаш молларини бузгай

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва фосид қилгай. Ушбу сабаблар жиҳатидан улар манъ қилинурлар. Чунончи «Шарҳи Илёс»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

وَ اِذَا بَلَغَ غَيْرَ رَشِيدٍ لَمْ يُسَلَّمْ اِلَيْهِ مَالُهُ حَتّٰى يَبْلُغَ خَمْسًا وَ عِشْرِينَ سَنَةً

Ҳар вақт берушд, ақли кам болаким, молини эҳтиёт қилолмайди, ул балоғатга етса ҳам, унинг моли қўлига топширилмайди, то йигирма беш ёшга етмагунча.

وَ صَحَّ تَصَرُّفُهُ قَبْلَهُ

Берушд ўсган, ақли комил бўлмаган, балоғатга етган одамнинг йигирма беш ёшга етмасдан илгари ўз молини тасарруф қилмоғи дурустдир.

وَ بَعْدَهُ يُسَلَّمُ بِلَا رُشْدٍ

Йигирма беш ёшга етгандан кейин моли ўзига топширилур, гарчи берушд бўлса ҳам. Ва буларнинг ҳаммаси Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Аммо Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида, рушди йўқ одамнинг моли топширилмагай, гарчи қари бўлиб қолса ҳам. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ حَبَسَ الْقَاضِي الْمَدْيُونَ لِدَيْنِهِ

Қози қарздор одамнинг қарзини адо қилмоқ учун қарз берган одам талаб қилгани сабабидан қамагай.

وَ قَضَى دَرَاهِمَ دَيْنِهِ مِنْ دَرَاهِمِهِ وَدَنَانِيرِهِ

Қози қарздор одамнинг қарзи тангалар бўлса, тангаларидан бериб адо қилгай. Агар қарзи тилло бўлса, қарздорнинг тилло-ларидан бериб адо қилгай, гарчи қарздор одамнинг ризоси бўлмаса ҳам, билижмоъ, яъни, уламойи изомларнинг иттифоқлари билан. Зероки, қарз қайси жинсдан бўлса, ўшал жинсдан қарздор одамнинг қўлида борини олмоқ ҳақ эгасига лойиқдир, қарздор одам рози бўлмаса ҳам. Бас, қозига иъноат қилмоқ тегишлидир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ بَاعَ كُلًّا لِقَضَاءِ الْآخَرِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қози тиллони ва кумушнинг ҳаммасини сотгай он дигарини бериб адо қилмоқ учун, яъни, кумуш қарзи бўлса, тиллоларини сотиб, ул кумуш қарзини бериб адо қилгай. Агар тилло қарзи бўлса, кумушларини сотиб, тилло қарзини бериб адо қилгай.

لَا عَرْضَهُ وَ عَقَارَه

Лекин қози қарздорларни қарзи учун матоъини ва ерини сотмагай, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Чунончи, «Абул-макорим»да мазкурдир.

وَ مَنْ اَفْلَسَ وَ مَعَهُ عَرْضٌ شَرَاهُ فَبَائِعُهُ اُسْوَةٌ لِلْغُرَمَاء

Кимки қарзларини бериб адо қилмоққа қудрати етмай, бечора бўлиб қолса ва унинг қарздор бўлиб, сотиб олган нарсаси бўлса, бас, ул молни сотган одам бошқа қарз берган одамларга шерикдир, яъни, ул молни қадри ҳисса бўлишиб олгайлар.

وَ بُلُوغُ الْغُلَامِ بِالاِحْتِلَامِ وَالاِحْبَالِ وَالاِنْزَالِ

Ўғил боланинг расида бўлмоғи эҳтилом бўлмоғи билан ва хотинини ҳомиладор қилмоғи билан ва маний чиқмоғи биландир.

وَ الْجَارِيَةِ بِالاِحْتِلَامِ وَالْحَيْضِ وَ الْحَبَلِ

Ва қизнинг балоғатга етмоғи эҳтилом бўлмоқ билан ва ҳайз кўрмоқ билан ва ҳомиладор бўлмоқ биландир.

فَاِنْ لَمْ يُوجَدْ فَحِينَ يَتِمُّ لَهُمَا خَمْسَ عَشْرَةَ سَنَةً

Бас, агар бу баён қилинган аломатлар ўғил ва қизнинг иккаласида ҳам мавжуд бўлмаса, Имом Юсуф, Имом Муҳаммад ва Имом Шофеъий раҳимаҳумаллоҳ наздларида, улар ўн беш ёшга етган замонларида балоғатга етгайлар. Ва бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдандир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ بِهِ يُفْتَى

Бизларнинг аҳли замонларнинг умрлари қисқалиги жиҳатидан ушбу қавлга фатво берилур. Бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَاَدْنٰى مُدَّته لَهُ اثْنَتَى عَشَرَةَ سَنَةً وَلَهَا تِسْعٌ

Балоғатга етмоқнинг адноси, яъни, аввалги даражаси ва муддатиким, ундан илгари асло балоғатга етмоқ ва расида бўлмоқ йўқдир, эркак болага ўн икки ёшдир ва қиз болага тўққиз ёшдир. Чунки уларда гоҳо мазкур ёшга етганларида балоғат аломати пайдо бўлур. Чунончи, «Дурарул-ҳукком»да мазкурдир.

فَصُدِّقَا حِيْنَئِذٍ اِنْ اَقَرَّا بِه

Агар ўғил ўн икки ёшга етганда ва қиз тўққиз ёшга етганда, балоғатга етдим, деб иқрор қилсалар, сўзлари қабул қилинур. Ва уларнинг ҳукмлари балоғатга етганларнинг ҳукмлари бўлур. Зероки, балоғатга етмоқ амри хафийдир, билиб бўлмайди, фақат уларнинг жиҳатларидан билинур. Балоғатга етдим, деганларида сўзлари қабул қилинур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

БУ ФАСЛДА ҚУЛНИ ИШ ҚИЛМОҚҚА ИЖОЗАТ БЕРМОҚНИНГ, МАНЪ ЭТИЛГАН НАРСАЛАРДАН БЎШАТИБ ҚЎЙМОҚНИНГ БАЁНИ

الاِذْنُ فَكُّ الحَجْرِ وَ اِسْقَاطُ الحَقِّ

Ижозат бермоқ, яъни, қулга иш қилмоққа ижозат бермоқ манъ қилмоқни йўқ қилмоқдир ва хожага тегишли бўлган тасарруф қилмоқни йўқ қилмоқни соқит қилмоқдир.

ثُمَّ يَتَصَرَّفُ العَبْدُ لِنَفْسِه بِاَهْلِيَّتِه فَلَمْ يَرْجِعْ بِالْعُهْدَةِ عَلٰى سَيِّدِه

Қулнинг хожаси, ўз ихтиёринг билан иш қилгил, деб жавоб бергандан кейин қул иш юргизса, ўзи учун юргизгай, ўзининг тасарруф қилмоққа аҳл бўлмоғи билан. Бас, қулга ҳар ишни қилмоққа ижозат бўлиб, тасарруф қилмоғига ижозат берилиб, аҳл бўлгандан кейин хожасига ружуъ қилмайди, яъни, қул бир молни сотиб олганда, унга берадиган пулни хожасидан талаб қилмайди. Зероки, изн берилган қулнинг тасарруфи ўзи учундир, вакилнинг хилофи биланки, ул сотиб олган молнинг баҳосини вакил қилган кишидан талаб қилур. Зероки, ул вакил қил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган одам учун сотиб олгандир. Чунончи, «Шарҳи Виқоя» ва «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ لَوْ اَذِنَ يَوْمًا فَهُوَ مَأْذُونٌ اِلَى اَنْ يَحْجُرَ

Агар қулга бир кунга ижозат берса, масалан, бас ул қул то хожаси манъ қилгунча ижозатлидир.

وَ لَوْ اَذِنَ فِي نَوْعٍ عَمَّ اِذْنُهُ

Агар хожа қулига бир хил иш ё бир хил савдо қилмоққа ижозат берса, ижозати ҳамма хилига шомилдир.

وَ يَثْبُتُ صَرِيحًا

Ва ижозат собит бўлгай сариҳ ва равшан лафз билан, масалан, ҳар вақт хожа қулига, сенга савдогарлик қилишга ижозат бердим деса, барча савдода ижозат бердим, дегани бўлур. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ دَلَالَةً كَمَا اِذَا رَآهُ سَيِّدُهُ يَبِيعُ وَ يَشْتَرِي وَ سَكَتَ فَيَبِيعُ وَيَشْتَرِى وَ لَوْ بِغَبْنٍ فَاحِشٍ

Далолат қиладиган нарса билан ҳам ижозат собит бўлгай, масалан, ҳар вақт хожа қулини кўрсаким, бир нарсани сотиб олиб юрибди ва хожа унга ҳеч нарса демай сукут қилса, ундан кейин қул мол сотгай ва мол олгай, гарчи оғир баҳо бўлса ҳам. **Ғабну фоҳиш** деб сотганда ва олганда зиёда ва кам берилиб, бир одамга зиён еткурилгани айтилур. Чунончи, луғатларда мазкурдир.

وَ يُوَكِّلُ بِهِمَا وَ يَرْهَنُ وَ يَرْتَهِنُ

Ижозат берилган қул сотмоққа ва олмоққа бир одамни вакил қилолгай. Зероки, гоҳи ўзи бўшолмагай, бир одамни вакил қилмоққа муҳтож бўлур. Моли бўлса, гаровга қўяр ва бировдан гаровга олур.

وَ يَتَقَبَّلُ الْاَرْضَ

Ва яна экин экмоққа салоҳияти йўқ ерни деҳқончилик қилмоқ учун подшоҳдан қабул қилиб олур. Чунончи, «Кирмоний» китобида мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ يَأْخُذُهَا مُزَارَعَةً

Бир одамнинг ерини шериклик экин экмоқ учун коранда бўлиб олгай.

وَ يَشْتَرِى بَذْرًا يَزْرَعُهُ

Ва экин экмоқ учун уруғ сотиб олгай, яъни, ижозат берилган қулнинг экин экмоғи дурустдир, гарчи уруғликни сотиб олмоққа муҳтож бўлса ҳам. Чунки деҳқончилик қилмоқ билан фойда қилмоқни қасд қилур. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ يُشَارِكُ عَنَانًا

Ва яна ижозат берилган қул бир одам билан ширкати инон тариқида шерик бўлиб, савдогарлик қилмоғи дурустдир. **Ширкати инон** деб икки шерикнинг бири қайси ишни қилса, ул ишнинг жавобини ва ҳам кам келса, тўламоғини гарданига олиб, шерик бўлмоққа айтилур.

وَ يَدْفَعُ الْمَالَ وَيَأْخُذُهُ مُضَارَبَةً

Фойда шерикли бўлган шеригига мол бергай ва ўзи ҳам фойда шерикликка мол олгай.

وَ يَسْتَأْجِرُ

Ва яна ижозат берилган қул зарур бўлган нарсани ижарага олгай, масалан, мардикор, маркаб, ҳовли, ер ва булардан бошқа муҳтож бўлганини ижарага олгай. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

و يُوجِرُ نَفْسَهُ

Ва яна ижозат олган қул ўзини ижарага қўйса бўлур.

وَ يُقِرُّ بِوَدِيعَةٍ وَ غَصْبٍ وَ دَيْنٍ وَ لَوْ بَعْدَ الْحَجْرِ

Ва яна ижозат берилса, қул ўзида бир одамнинг қўйган омонат моли борлигига ва бир одамнинг молини ўзи тортиб олганига ва ҳам савдо тўғрисидан бир одамдан қарзи борлигига иқрор бўлмоғи дурустдир, гарчи бу баён қилинган уч хил иқро-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ри савдодан манъ қилингандан кейин бўлса ҳам, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ يُهْدِي طَعَامًا يَسِيرًا

Ижозат берилган қул бир одамга озгина таомни ҳадйа қилса бўлгай. Зероки, савдогар мусофирларнинг дилларини овламоқ учун ва ўзларига тортмоқ учун бир оз таомга муҳтож бўлгай. Кўнглини овламоқ учун ва ўзига ром қилмоқ учун тангалар ва тиллоларни ҳадйа қилмагай. Бас, агар савдоликнинг моли ўн минг танга бўлса ҳам, доникдан озроқдир, яъни, машойихларнинг деганларига биноан. Чунончи, «Захийра» китобда мазкурдир.

وَ يُضِيفُ مَنْ يُطْعِمُهُ وَ مَنْ يُعَامِلُهُ

Ва яна ўзига таом берган ва ўзи билан муомала қиладиган одамларни зиёфат қилгай.

وَ يَحُطُّ مِنَ الثَّمَنِ بِعَيْبٍ قَدَرًا عُهِدَ

Ва яна савдогарлик қилмоққа ижозат берилган қулнинг сотган молида айб мавжуд бўлганда, савдогарларнинг расму одатларига қаралиб, баҳоси кам қилинур. Зероки, молнинг айбига лойиқ баҳо кам қилмоқ савдогарларнинг касблари ва ҳунарларидир. Чунончи, «Кофий» китобида мазкурдир.

وَ لاَ يُزَوِّجُ

Ижозат берилган қул ўзининг қулини ва канизагини жуфтлантирмагай, зероки, жуфтлантирмоқ савдогарлик эмас. Бас, ижозат берилган қулнинг хожасидан бежавоб жуфтлантирмоқ валойати йўқдир. Чунончи, «Жомиъур-румуз» ва «Дурару-л-Ҳукком»да мазкурдир.

وَ لاَ يُكَاتِبُ

Ва яна қулини мукотаб ҳам қилмайди, яъни, пулга озод қилдим, деб айтолмайди. Бунда шу нарсадан огоҳ қилиш борки, қулни озод қилолмайди. Зероки, озод қилмоқ мукотаб қилмоқдан фавқдир (юқоридир). Чунончи, «Муҳит» китобида мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ كُلُّ دَيْنٍ وَجَبَ بِتِجَارَةٍ أَوْ بِمَا هُوَ فِي مَعْنَاهَا

Ва ҳар қарзики, савдогарлик қилмоқ сабабидан лозим бўлган бўлса ёки савдогарликнинг маъносида бўлган ишнинг сабабидан лозим бўлган бўлса.

كَغُرْمِ وَدِيعَةٍ وَ غَصْبٍ

Масалан, омонат молни йўқ қилгани сабабидан ва тортиб олган молга товон тўламоқ сабабидан.

وَ أَمَانَةٍ جَحَدَهَا

Ва ҳам ўзи мункир бўлган омонат молни тўламоқ сабабидан.

وَ عُقْرٍ وَجَبَ بِوَطْيِ مَشْرِيَّةٍ بَعْدَ الاِسْتِحْقَاقِ

Ва ҳам сотиб олган канизакни ватий қилгани сабабидан маҳри мисл лозим бўлгани жиҳатидан.

يَتَعَلَّقُ بِرَقَبَتِهِ فَيُبَاعُ فِيهِ

Бу баён қилинган қарзларнинг ҳаммаси ул савдогарлик қилмоққа ижозат берилган қулнинг гарданига тааллуқ бўлур. Бас, мазкур қарзлар учун ул қулнинг ўзи сотилур, яъни, қарз эгалари талаб қилгани сабабидан қози ул қулни сотгай, гарчи хожаси сотмоққа рози бўлмаса ҳам. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ يُقْسَمُ ثَمَنُهُ بِالْحِصَصِ

Ул қулни сотгандан кейин пулини ҳақ эгаларига қадри ҳиссаларига қараб бўлиб берилур.

وَ بِكَسْبِهِ حَصَلَ قَبْلَ الدَّيْنِ أَوْ بَعْدَهُ

Ва яна баён қилинган қарзлар қул қарздор бўлмасдан илгари ёки ундан кейин ишлаб топган молига тааллуқ бўлур. Лекин агар ижозат берилган қулнинг касб қилиб топган моли бўлса, қарзларга уни берилур, ўзи сотилмайди, башарти қарзига вафо қиладиган бўлса, яъни, етадиган бўлса, қарзи учун қулнинг ўзини сотмоқ масъаласидан касби билан ҳосил қилган молни қарзига бермоқ масъаласини илгари келтирмоқ авло дебдилар. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ بِمَا اتُّهِبَ لاَ بِمَا اَخَذَهُ سَيِّدُهُ قَبْلَ الدَّيْنِ

Ва яна хожаси савдогарликка ижозат берган қулнинг гарданига тушган қарзлар унинг ўзига ҳиба қилинган молга тааллуқ бўлгай, мазкур қарздор бўлмасдан илгари хожаси олган нарсаларга тааллуқ бўлмайди.

وَ طُولِبَ بِمَا بَقِيَ بَعْدَ عِتْقِه

Ижозат берилган қулнинг ўз қарзлари учун уни сотиб, қарзи берилгандан кейин, яна қолган қарзи озод бўлгандан кейин талаб қилинур, унинг зиммасида қарз собит ва муқаррар бўлгани жиҳатидан. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ لِلسَّيِّدِ اَخْذُ غَلَّةِ مِثْلِه مَعَ وُجُودِ دَيْنٍ

Ул мазкур қулнинг хожасига унга ижозат бергани жиҳатидан ажри мислни олмоқ тегар. Бовужуди қарзи бўлса ҳам.

وَ الْبَاقِي لِلْغُرَمَاءِ

Ажри мислни хожа олгандан кейин қолгани қарз берган одамларга тегар.

وَ يَتَحَجَّرُ اِنْ اَبَقَ اَوْ مَاتَ سَيِّدُهُ

Хожаси савдо қилмоққа ижозат берган қул, агар қочса ёки хожаси ўлса,

اَوْ جُنَّ مُطْبِقًا اَوْ لَحِقَ بِدَارِ الْحَرْبِ مُرْتَدًّا

ёки хожаси доимий жинни бўлса ёки хожаси муртад бўлиб, дорул-ҳарбга қўшилса, савдодан мамнуъ бўлур, яъни, савдо қилмоқдан манъ қилинур.

اَوْ حُجِرَ عَلَيْهِ بِشَرْطِ اَنْ يَعلم هُوَ وَ اَكْثَرُ اَهْلِ سُوقِه

Ёки хожаси олмоқ ва сотмоқдан манъ қилмоғи билан ҳам мамнуъ бўлур, башарти хожаси сотмоқ ва олмоқдан манъ қилганини қулнинг ўзи ва аҳли бозорийнинг кўпроғи билса. Бу одамларга мазкур қулдан етадиган зарарни дафъ қилмоқ учундир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ الْاَمَةُ اِنِ اسْتَوْلَدَهَا

Ва яна ижозат берилган канизак савдогарлик қилмоқдан манъ қилинур, агар хожасидан бола туққан бўлса.

وَ ضَمِنَ قِيمَتَهَا لِلْغَرِيمِ

Агар канизак савдогарликка ижозат берилган вақтда қарздор бўлган бўлса, хожаси ул канизакнинг қарзини ўз баҳоси баробари пул эгаларига тўлагай, гарчи уларнинг ҳақлари канизакнинг баҳосидан зиёда бўлса ҳам. Агар оладиган ҳақлари кам бўлса, канизакнинг қиймати баробарига ололмагайлар.

وَ لَوْ شَمِلَ دَيْنُهُ مَالَهُ وَ رَقَبَتُهُ لَمْ يَمْلِكْ سَيِّدُهُ مَا مَعَهُ فَلَمْ يَعْتِقْ بِاعْتَاقِهِ

Агар савдогарлик қилмоқ учун ижозат берилган қулнинг қарзи кўп бўлиб, ўзининг топган молини ҳамда ўзининг қийматини ул қарзи ўраб олса, яъни, ҳамма қарзига етарли бўлса, хожаси унинг касби билан ҳосил бўлган молга эга бўлолмайди. Бас, унинг хожаси озод қилмоғи билан озод бўлмайди, унинг қарзи учун сотилмоғи зарур бўлгани жиҳатидан. Бу Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ يَبِيعُ مِنْ سَيِّدِهِ بِالْقِيمَةِ

Ижозат берилган қул қарздор бўлган сувратда ўзида бор молини баҳойи тамом билан ёки зиёдароқ баҳога хожасига сотса бўлгай.

وَ سَيِّدُهُ مِنْهُ بِهَا اَوْ بِاَقَلَّ

Ижозат берилган қулга хожаси баҳойи тамом билан ёки ундан камроқ баҳо билан ўз молидан сотса жоиздир, зероки, бунда қарз берганларнинг фойдаларидир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

فَاِنْ بَاعَ بِاَكْثَرَ نَقْصِ اَوْ حَطِّ الْفَضْلِ

Агар унинг хожаси ул қулга баҳойи тамомдан кўпроққа мол сотса, хожаси ул байъни бузгай ёки мисл қийматидан ортиғини кам қилгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ بَطَلَ ثَمَنُهُ اِن سَلَّمَ مبيعَهُ قَبْلَ قَبْضِه

Хожаси ижозат берган қулига молни ортиқ баҳога сотганда, ул молнинг пули гарданидан соқит бўлур, агар хожаси пулни олмасдан илгари молни қулга топширган бўлса.

وَ لَهُ حَبْسُ مَبيعِه لِثَمَنِه وَصَحَّ اعْتَاقُهُ مَدْيُونًا

Ўз қўлида турган молни қулига сотганда пулини олмоқ учун қамаб қўймоққа хожасининг қудрати етгай. Бу баён қилинганларнинг ҳаммаси ижозат берилган қул қарздор бўлганда, агар қарздор бўлмаса, қул хожасидан бир нарсани сотиб олмоғи дуруст эмас ва хожаси қулидан бир нарсани сотиб олмоғи дуруст эмас. Ва хожаси ижозат берилган қарздор қулини озод қилмоғи дурустдир.

وَ ضَمِنَ سَيِّدُهُ الاَقَلَّ مِنْ قِيمَتِه وَ مِنْ دَيْنِه

Уни озод қилгандан кейин унинг баҳосидан ва қарзидан қайси бири камроқ бўлса, уни хожа тўлагай. Зероки, қарз эгаларининг ҳақларини қулнинг хожаси нобуд қилибди.

وَ لَوْ اشْتَرَى وَ بَاعَ سَاكِتًا عَنْ اِذْنِه وَ حَجْرِه فَهُوَ مَأْذُونٌ

Бир одамнинг қули агар савдогарчилик қилса, яъни, сотса ва сотиб олса, аммо ўзининг ижозат берилган ва берилмаганлигини айтмаса ва ҳеч дам урмаса, бас, ул қул хожаси ижозат берилган қулнинг ҳукмидадир. Масалан, бир қул бир шаҳарга кириб, мен фалон одамнинг ижозат берилган қулиман, деса ва мол сотиб олса ва мол сотса, бас, ул қул ижозат берилгандир. Ва ушбуга ўхшаш сукут қилганда унинг тасарруфи, албатта, ижозатига далилдир. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

وَ لاَ يُبَاعُ لِدَيْنِه

Ва лекин ул қул қарздор бўлганда қарзи учун, хожанинг ҳақини сақламоқ ва эҳтиёт қилмоқ учун унинг ўзи сотилмайди.

اِلاَّ اِذَا اَقَرَّ سَيِّدُهُ بِاِذْنِه

Бироқ, ҳар вақт хожаси, ижозат берган эдим, деб иқрор қилса

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёки қарз берган одамлар хожанинг қулига ижозат берганлигига гувоҳлик ўткарсалар, бас, ул вақтда у, албатта, сотилур.

وَ تَصَرُّفُ الصَّبِيِّ اِنْ نَفَعَ كَالاِسْلاَمِ وَالاِتِّهَابِ صَحَّ بِلاَ اِذْنٍ

Ёш боланинг барча тасарруфлари валийсидан беижозат дурустдир, башарти ақлли бўлса, агар ҳар важҳдан ул болага манфаат ва фойда бўлса, масалан, унинг мусулмон бўлмоғига ва ҳибани қабул қилмоғига ўхшаш. Бас, албатта, унинг мусулмон бўлмоғи дунёда ва охиратда безарар нофиъ ва фойда берадигандир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ اِنْ ضَرَّ كَالطَّلاَقِ وَالْعَتَاقِ لاَ وَ اِنْ اُذِنَ

Агар ёш боланинг қилган тасарруфи ўзига зарар ва зиён бўлса, масалан, хотинини талоқ қилмоққа ва қулини озод қилмоққа ўхшаш, дуруст эмас, гарчи мазкурларни ўз ихтиёри билан қилмоққа ижозат берилган бўлса ҳам. Зероки, ёш бола шафқат ва марҳамат қилинадиган мақомдадир, зарар еткурадиган жойда эмас. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ مَا نَفَعَ وَ ضَرَّ كَالْبَيْعِ وَالشِّرَاءِ عُلِّقَ بِاِذْنِ وَلِيِّهِ بِشَرْطِ اَنْ يَعْقِلَ الْبَيْعَ سَالِبًا وَ الشِّرَاءَ جَالِبًا

Ёш боланинг байъ ва широда бир мартаба фойда ва иккинчи мартабада зарар қиладиган тасарруфлари валийсининг ижозатига боғлангандир, яъни, мавқуфдир. Агар ижозат берса, сотгани ва олгани дурустдир. Агар ижозат бермаса, олгани қайтарилгай ва сотгани тўхтатилур, башарти сотмоқ мулк бўлган нарсани йўқ қиладиган ва олмоқ молни тортиб олиб келадиган ва мулкка киргизадиган, деб фаҳмласа.

وَوَلِيُّهُ اَبُوهُ ثُمَّ وَصِيُّهُ ثُمَّ جَدُّهُ ثُمَّ وَصِيُّهُ

Ёш боланинг валийси ўз отасидир, отаси ўлгандан кейин боласининг молини тасарруф қилмоққа отаси қойим мақом қилиб кетган васий унинг валийсидир. Ундан кейин отасининг отаси, яъни, бобоси валийдир, гарчи ҳар қанча юқори кетса ҳам, онасининг отаси эмас. Чунончи, «Жомиъур-румуз» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ثُمَّ القَاضِي اَوْ وَصِيُّه

Ундан кейин етимнинг валийси қозидир ё ундан кейин қози етимнинг молини эҳтиётлаб турмоққа тайинлаб қўйган одамидир. Чунончи, «Жомиъу-р-румуз»да мазкурдир.

وَ لَوْ اَقَرَّ بِمَا مَعَهُ مِنْ كَسْبِه اَوْ اِرْثِه صَحَّ

Агар ижозат берилган ақлли ёш бола ўзида бор молни, ўзим ишлаб топганман, деб ёки бу мол менга меросдан теккан, деб валийга ё бошқа одамга иқрор қилса, дурустдир, зоҳир ривойатда. Чунончи, «Дурарул-ҳукком», «Шарҳи Илёс» ва «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْوَصَايَا

ВАСИЙЙАТЛАР КИТОБИ

Бу китобда қилинадиган васиййатлар баёни. **Васиййат** деб, луғатда топширмоққа айтилур. Масалан, васиййат қилдим дейилса, мен фалон нарсани Зайдга Бакрнинг фойдасига топширдим, дегани бўлур. Васиййат қилган одам араб тилида **мувсий** ва васиййат қилинган одам **васий** дейилур. Яна васийни **мувсо илайҳ ва мувсолаҳ**, васиййат қилинган мол **мувсо биҳ** ва яна ул молнинг номи **васиййат** ҳам дейилур. Чунончи, «Туҳфа» китобида ва «Қомус»да ҳам мазкурдир.

هِيَ اِيْجَابٌ بَعْدَ الْمَوْت

Шариатда **васиййат** бир нарсани бир одамга топшириб, Худойи таоло учун ё бошқа учун ўлгандан кейин лозим қилмоқдир.

و نُدِبَتْ بِاَقَلَّ مِنَ الثُّلُث عِنْدَ غِنىً وَرَثَته اَو اسْتِغْنَائِهِمْ بِحِصَّتِهِمْ كَتَرْكِهَا بِلاَ اَحَدِهِمَا

Ва ул васиййат қилмоқ меросгирларнинг ўзлари ғаний ва бой бўлган вақтларида ёки меросдан ўзларига теккан қадри ҳисса бирла бой бўлган вақтларида молнинг учдан биридан камроғига мустаҳабдир. Бул баён қилинганнинг иккаласидан бири бўлмаган вақтда васиййат қилмаслик мустаҳабдир. Мустаҳаб шулки, одамизод молининг учдан биридан камига васиййат қилгай, хоҳ меросгирлари ғанийлар, хоҳ бечоралар бўлгай. Ушбудек «Ҳидоя»да ва «Фатовойи Оламгирийя»да мазкурдир. Ва яна, батаҳқиқ, ҳадисда келибди:

اَلْحَيْفُ فِي الْوَصِيَّة مِنْ اَكْبَرِ الْكَبَائِر

Бу ҳадисда учдан бирдан зиёда васиййат қилмоқ ҳам ворисларга васиййат қилмоқ гуноҳи кабиранинг каттароғи деб баён қилинибди. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ صَحَّتْ لِلْحَمْلِ وَ بِهِ

Ва яна қорнидаги бола учун васиййат қилмоқ дурустдир, хоҳ одам, хоҳ ҳайвонлардан бўлсин. Бас, агар фалон одамнинг қорнидаги боласига бул нарса нафақа қилинсин, деб васиййат қилса, дурустдир. Чунончи, «Шарҳи Таҳовий»да ва бошқа китобларда ҳам мазкурдир.

اِنْ وَلَدَتْ لِاَقَلَّ مِنْ مُدَّتِهِ مِنْ وَقْتِهَا

Агар ул ҳомиладор васиййат қилган вақтдан бошлаб бола кўтармоқ муддатининг камроғида туғса. Ҳамл муддатининг озроғи одамда олти ойдир, филда ўн бирдир, туяда, отда, эшакда бир йилдир, қорамолда тўққиз ойдир, қўйда беш ойдир, мушукда икки ойдир, итда қирқ кундир, очадиган қушларда йигирма бир кундир. Чунончи, «Жомиъур-румуз» ва «Абул-макорим»да мазкурдир.

وَ هِيَ وَ الاِسْتِثْنَاءُ فِي وَصِيَّةٍ بِاَمَةٍ اِلاَّ حَمْلَهَا

Ва яна, канизагимнинг ўзини васий бўлган Зайд олсин, илло қорнидаги боласини ворисим Бакр олсин, деб истисно қилган ҳолда, канизак учун қилган васиййатини ҳамда қорнидаги болани истисно қилмоғи, яъни, кейинги жумланинг маъносини аввалги жумланинг маъносидан чиқармоғи дурустдир. Зероки, ҳамлни васиййатга иқрор қилмоқ дурустдир. Бас, ушбуга ўхшаш ҳамлнинг истисноси дурустдир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ مِنَ الْمُسْلِمِ لِلذِّمِّيِّ وَ بِعَكْسِهِ

Мусулмон одамнинг зиммийга ва зиммийнинг мусулмонга васиййат қилмоғи дурустдир, зероки, муомалотда зиммий мусулмонга ўхшашдир.

بِالثُّلُثِ لِلاَجْنَبِيِّ

Ажнабий одамга, яъни, ёт ва бегона одамга молининг учдан бирини васиййат қилмоқ дурустдир, гарчи унга меросгирлар рози бўлмасалар ҳам. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

لاَ فِي اَكْثَرِ مِنْه

Ва бегона одамга молининг учдан биридан кўпроғини васиййат қилмоқ дуруст эмас.

وَ لاَ لِوَارِثِه

Ва ўзининг меросгирлари учун васиййат қилмоқ асло дуруст эмас, Пайғамбар алайҳиссолату вассалломнинг қавллари жиҳатиданки:

انَّ اللهَ تَعَالَى اَعْطَى كُلَّ ذِي حَقٍّ حَقَّهُ اَلاَ لاَ وَصِيَّةَ لِلْوَارِثِ

дедилар. Бошқа далил шуки, баъзи меросгирнинг ихтиёр қилмоғи билан васиййат қилинмаган баъзи меросгирлари изо топгайлар. Бас, ворисларнинг баъзисига васиййатни жоиз ва раво кўрмоқда хешлик жудолиги бўлур. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ قَاتِلِه مُبَاشِرَةً

Ва яна ўзини мубошир бўлиб ўлдирган қотилга васиййат қилмоқ дуруст эмас, бир сабаб билан ўлдирган одамнинг хилофи биланким, албатта, унга васиййат қилмоқ саҳиҳдир. Масалан, бир одамнинг қудуқ кавлаган кишига васиййати дурустдир, ул қудуққа васиййат қилган одам тушиб ўлса. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

الاَّ بِاجَازَةِ وَرَثَتِه

Фақат ворисларнинг ижозатлари билан ажнабий одамга учдан бирдан зиёдани бермоқ ва меросгирга айтилган васиййатни бермоқ ва яна мубошир бўлиб ўлдирган одамга васиййат қилинганни бермоқ дурустдир.

وَ لاَ مِنْ صَبِيٍّ وَ مُكَاتَبٍ وَ انْ تَرَكَ وَفَاءً

Ва балоғатга етмаган ёш боланинг, гарчи ақлли муроҳиқ бўлса, яъни, балоғатга яқинлашиб қолган бола бўлса ҳам, васиййати дуруст эмас ва мукотабнинг ҳам қилган васиййати дуруст эмас, гарчи китобатига етадиган мол қолдирган бўлса ҳам. Зероки, мукотаб аҳли табарруъдан эмас, яъни, вожиб бўлма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган нарсани бахшиш қиладиган одамлардан эмас. Чунончи, «Ҳидоя», «Кофий» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَقُدِّمَ الدَّيْنُ عَلَيْهَا

Бериладиган қарзи аввал адо қилинур, ундан кейин агар моли қолса, васиййат қилинганларга берилур. Зероки, қарзни адо қилмоқ вожиб ва лозимдир, васиййат табарруъдир. Чунончи, «Абул-макорим», «Шарҳи Илёс» ва «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир. Бунда шу нарсадан огоҳ қилмоқ борки, моли қарзига етмайдиган, қарзга ботиб қолган одамнинг васиййати дуруст эмас, фақат қарз берган одамлар кечиб юборсалар, васиййати дурустдир. Чунончи, «Кофий» китобида мазкурдир.

وَ تُقْبَلُ بَعْدَ مَوْتِه

Қилинган васиййат ўлгандан кейин қабул қилинур, илгари қабул қилинмайди, зероки, васиййат қилган одам ўлгандан кейин васиййат ҳукми собит ва муқаррар бўлур. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ بَطَلَ قَبُولُهَا وَ رَدُّهَا فِي حَيوتِه

Ва яна васиййат қилган одамнинг тирик пайтида васиййатини қабул қилмоқ ва рад қилмоқ ботилдир, ҳаттоки агар васиййат қилинган одам васиййат қилувчини тириклигида қабул қилмайман деса, ўлгандан кейин қабул қилса, бизнинг мазҳабимизда, дурустдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ بِه يَمْلِكُ الاَّ اذَا مَاتَ مُوصِيُّهُ ثُمَّ هُوَ بِلاَ قَبُولٍ فَهُوَ لِوَرَثَتِه

Ўлгандан кейин қабул қилмоқ билан васиййат қилинган нарсаларга молик ва эга бўлгай, фақат ҳар вақт васиййат қилган киши ўлса, ундан кейин васиййат қилинган одам ҳам қабул қилмай ва ҳам рад қилмай ўлса, эга бўлмайди, бас, ул васиййат қилинган мол васиййат қилинган одамнинг меросгирларига бўлгай.

وَ لَه اَنْ يَرْجِعَ عَنْهَا بِقَوْلٍ صَرِيحٍ

Ул васиййат қилган одамнинг васиййатидан қайтмоққа қудрати етгай равшан ва ошкора қавл билан, масалан, мен фалон одамга қилган васиййатимдан қайтдим ёки буздим, деганга ўхшаш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

اَوْ فِعْلٍ يَقْطَعُ حَقَّ الْمَالِكِ عَنْهُ كَمَا مَرَّ

Ёки васиййатдан шундоқ иш билан қайтмоғи дуруст бўлурки, ул иш билан мол эгасининг ҳақи қатъ қилинур, яъни, молдан жудо қилур. Чунончи, баёни «Ғасб» китобида, яъни, тортиб олинган нарсалар масъаласида ўтди. Масалан, васиййат қилинган молни бир одам тортиб олиб, ундан кейин ул нарсанинг номи ва улуғроқ фойдаси йўқ бўлса, тортиб олган одам унга эга бўлур ва унинг товонини тўлагай, деб мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ айтиб эдилар. Бу тортиб олмоқ васиййатни йўқ қилур ва унинг васиййатидан қайтганлигига бул навъ тағйир топганлиги далолат қилур. Чунончи, «Шарҳи Илёс», «Жомиъур-румуз» ва «Абул-макорим»да мазкурдир.

اَوْ يَزِيدُ فِي الْمُوصَى بِهِ مَا يَمْنَعُ تَسْلِيمَهُ اِلاَّ بِهِ كَلَتِّ السَّوِيقِ بِسَمْنٍ

Ёки васиййат қилинган нарсада бир нарса зиёда бўлгайки, васиййат қилинган нарсани ул зиёда қўшилган нарсадан айириб олиб топширмоқнинг иложи бўлмагай. Масалан, васиййат қилинган талқонни сариқ ёғга қориб қўйганга ўхшаш.

وَالْبِنَاءِ

Ва яна васиййат қилинган ернинг устига иморат қилганга ўхшаш. Зероки, талқонни айириб олиб бермоқ ва иморатни бузмоқ узрдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ تَصَرُّفٍ يَزِيلُ مِلْكَهُ كَالْبَيْعِ وَ الْهِبَةِ

Ва яна васиййат қилинган нарсани бир одамдан олиб тасарруф қилмоғи васиййат қилган кишининг эга бўлганини зойил ва йўқ қилгай. Масалан, васиййат қилган одам васиййат қилинган молни бир одамга сотмоғига ва ҳиба қилмоғига ўхшаш. Зероки, мазкур сотмоқ ва бир одамга инъом қилмоқ билан мулк йўқ бўлди, васиййат ўз мулкидан бошқага нуфуз қилмайди. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

لاَ بِغَسْلِ ثَوْبٍ وَ لاَ بِجُحُودِهَا

Васиййат қилинган жомани ювмоқ билан ва яна васиййат

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган нарсани, васиййат қилганим йўқ, деб инкор қилмоқ билан васиййатдан қайтолмагай, ҳаттоки ўлгандан кейин васиййат қилинган одам унга гувоҳ ўткарса, қабул қилинур. Чунончи, «Жомиъул-кабир»да мазкурдир.

وَ تَبْطُلُ هِبَةُ الْمَرِيضِ وَ وَصِيَّتُهُ لِمَنْ نكحَهَا بَعْدَهَا

Ўлим касалидаги кишининг бир хотинга молидан бир нарсани ҳиба ва инъом қилмоғи ботил ва беҳудадир. Ва яна молидан инъом қилгандан кейин ёки васиййат қилгандан кейин уни никоҳлаб олса, васиййати ҳам ботил ва беҳудадир. Зероки, васиййат қилинган мол васиййат қилган одам ўлгандан кейин лозимдир ва ул жуфтланган хотин унинг меросгиридир ва меросгирга васиййат қилмоқ ботилдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

كَاِقْرَارِهِ وَ وَصِيَّتِهِ وَهِيبَتِهِ لِابْنِهِ كَافِرًا اَوْ عَبْدًا اَنْ اَسْلَمَ اَوْ اُعْتِقَ بَعْدَ ذَلِكَ

Бундай инъом қилмоқнинг ва васиййат қилмоқнинг ботил ва беҳудалиги ўлим касалидаги одамнинг кофир ўғлига ёки қулига, бунча мол берадиганим бор эди, деб иқрор қилмоғи ботил ва беҳудалигига ўхшаш. Агар иқрор қилгандан кейин ёки васиййат қилгандан кейин ёки ҳиба қилгандан кейин васиййат қилган одам ўлмасдан илгари ўғли мусулмон бўлса ёки қул озод қилинса, яъни, мазкурлар ботил ва беҳудадир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ هِبَةُ مُقْعَدٍ وَ مَفْلُوجٍ وَ اَشَلَّ وَ مَسْلُولٍ مِنْ كُلِّ مَالِه اِنْ طَالَ مُدَّتُهُ وَ لَمْ يُخَفْ مَوْتُهُ وَ اِلَّا فَمِنْ ثُلُثِه

Ва туролмайдиган баржомонданинг ҳиба қилгани ва нисфи аъзоси ҳаракатдан қолган одамнинг ҳиба қилгани ва қўли шол бўлган одамнинг ҳиба қилгани ва сил одамнинг ҳиба қилгани – мазкурларнинг ҳаммаларининг қилган ҳибалари молларининг тамоми ва ҳаммасидандир, башарти мазкур касалларнинг муддати узун бўлса. Ва бу касалликларнинг бири билан ўлади, деб хавф қилинмаса ва касали кундан-кунга зиёда бўлмаса. Чунон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир. Узоқ ётиш бир йилга муқаррар қилинибди, яъни, касал бир йил ётса, узун касал дейилур. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Абул-макорим»да мазкурдир. Агар узун муддат касал бўлмаса, андоғким, бир йилдан илгари ўлса ёки ўлиб қолур, деб қўрқилса, ушбу тариқаким, касали кундан-кунга зиёда бўлса, мазкур касалларнинг ҳар қайси бирларининг қилган ҳибалари молларининг учдан биридан бўлгай.

وَ اِنْ اِجْتَمَعَ الوَصَايَا قُدِّمَ الفَرْضُ

Агар бир кишининг қилган васиййатида кўп васиййатлар жамъ бўлса, масалан, фарз, вожиб ва нафл Худойи таборак ва таоло учун ёки банда учун васиййат қилса, мазкур васиййатлар қувватда мухталиф бўлса, молнинг учдан бири ҳаммасига етса, ҳаммасига ҳам васиййати нофиз бўлгай. Агар етмаса, васиййат қилинган фарз илгари адо қилинур, яъни, ҳаммасидан фарз бақувватроқдир, гарчи васиййат қилган одам кейин айтган бўлса ҳам. Бас, ул фарз бўлган ҳаққул-абд қарз адо қилингай, ундан кейин ҳаққуллоҳ қарз адо қилингай, ундан кейин бандага вожиб адо қилингай, ундан кейин Худойи таборак ва таолога вожиб адо қилингай, ундан кейин бандага нафл адо қилингай, ундан кейин Худойи таборак ва таолога нафл адо қилингай. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ اِنْ تَسَاوَتْ قُوَّةً قُدِّمَ مَا قَدَّمَ

Агар қилинган васиййатларнинг ҳаммалари қувватда баробар бўлса, андоғким, ҳаққуллоҳ фарзлар бўлса, ёки ҳаммаси ҳаққул-абд бўлса ёки ҳаммаси вожиб бўлса ёки ҳаммаси нафл бўлса, бас, ҳар вақтики васиййат қилинган киши учдан бир мол танглик қилса, яъни, ҳаммасини адо қилмоққа вафо қилмаса, васиййат қилингани илгари адо қилинур.

وَ اِنْ اَوْصَى بِحَجٍّ اُحِجَّ عَنْهُ رَاكِبًا مِنْ بَلَدِه اِنْ بَلَغَ نَفَقَتُهُ ذٰلِكَ

Агар бир одам ўзи учун фарзи ҳажни адо қилмоққа васиййат қилса, васиййат қилган киши учун отлиқ унинг шаҳридан юборилиб ҳаж қилдирилур, агар қолган молининг учдан биридан олган нафақаси ул ҳажга етадиган бўлса.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ اِلاَّ فَمِنْ حَيْثُ تَبْلُغُ

Агар етмаса, нафақаси етган жойдан ҳаж қилдиргай.

فَاِنْ مَاتَ حَاجٌّ فِي طَرِيقِه وَ اَوْصَى بِالحَجِّ عَنْهُ يَحِجُّ مِنْ بَلَدِه

Бас, агар бир одам ўзига фарз бўлган ҳажни адо қилмоқ учун қасд қилиб, шаҳридан чиқиб, Каъбаи мукаррама тарафига равона бўлса, ундан кейин ҳаж йўлида ўлса, ваҳоланки, ул ўз жонибидан ҳаж қилдирмоққа васиййат қилса, агар нафақаси етса, бир одамни ўз шаҳридан бадали ҳаж бериб, сувора қилиб жўнатиб, ҳаж қилдиргай, бу Имом Аъзам ва Имом Зуфар раҳимаҳумаллоҳ наздларида. Агар нафақаси етмаса, етган жойидан ҳаж қилдирилур. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Абул-макорим»да мазкурдир.

وَ فِي وَصِيَّتِه بِثُلُثِ مَالِه لِزَيْدٍ وَ سُدُسِه لِآخَرَ وَ لَمْ يُجِيزُوا يُثَلَّثُ

Ва бир одам молининг учдан бирини Зайдга ва олтидан бирини бошқа одамга, масалан, Абдуллоҳга васиййат қилганда, меросгирлар бу васиййатни дуруст кўрмасалар, яъни, рози бўлмасалар, молнинг учдан бири уч ҳисса қилинур. Икки ҳиссаси мазкур Зайдга берилур, бир ҳиссаси мазкур Абдуллоҳга берилур.

وَ بِثُلُثِه وَكُلِّه يُنَصَّفُ

Бир одам молининг учдан бирини бир одамга, масалан, Шарифга, ҳаммасини Латифга васиййат қилганда, меросгирлар рози бўлмасалар, бу васиййат молнинг учдан бирига нуфуз қилур, ул молнинг учдан бири Шариф билан Латифга бўлиб берилур, бу Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Зероки, учдан бирдан зиёда васиййатни, ҳар вақт меросгирлар қабул қилмаганларида, васиййат ботил бўлур. Бас, ҳар қайси бирига учдан бир васиййат қилганга ўхшаш бўлиб, учдан бири иккаласига бўлиб берилур. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

وَ قَالاَ يُرَبَّعُ

Имом Юсуф билан Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ айтдиларки, учдан бир молни тўртга бўлиб, ул тўрт бўлак мол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг бир бўлаги, учдан бирини олсин, деб васиййат қилинган одамга берилур.

وَ لاَ يُضْرَبُ الْمُوصَى لَهُ بِأَكْثَرِ مِنَ الثُّلُثِ عِنْدَ أَبِي حَنِيفَةَ رَحِمَهُ اللهُ

Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, молнинг учдан биридан зиёдага васиййат қилинган одамга учдан бирдан зиёда тақсим қилиб берилмайди. Масалан, бир одам ҳар вақт бир кишига молининг учдан бири берилсин, деб васиййат қилса ва жамиъи молини яна бир одамга берилсин, деб васиййат қилса ва меросгирлар уни раво кўрмасалар. Бас, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, васиййатнинг сиҳоми, яъни, тури ва қадри ҳиссаси иккидир, ҳар қайси бирига етадиган сулси молнинг нисфидир. Бас, ул нисф молнинг учдан бирига зарб қилинур, токи учдан бирнинг нисфи ҳосил бўлур ва ул учдан бирнинг нисфи молнинг олтидан биридир. Бас, иккала васийят қилинган одамнинг ҳар қайси бирига олтидан бир теккай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

إِلاَّ فِي الْمُحَابَاتِ وَ السِّعَايَةِ وَ الدَّرَاهِمِ الْمُرْسَلَةِ

Васиййат қилинган қулнинг баҳосидан камитиб сотганда ва ҳам озод қилмоққа васиййат қилинган қулларнинг озод бўлмоқлари учун, мунча берсанг озодсан, деб тайин қилинган баҳоларини ишлаб тўлаганларида ва яна мутлақ тангаларни васиййат қилганда, масалан, бир одамнинг тўқсон тиллоси бўлиб, Зайдга олтмиш тилло, Амруга ўттиз тилло берилсин, деб васиййат қилса, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, зарб қилинур, яъни, меросгирлар пулларни уларга бермоққа рози бўлмаганларида учдан бирни зарб қилиб, уч ҳисса қилинур, уч ҳиссадан икки ҳиссаси, яъни, йигирма тилло мазкур Зайдга берилур. Бир ҳисса, яъни, ўн тилло Амруга берилур.

وَ بِمِثْلِ نَصِيبِ ابْنِهِ صَحَّتْ وَ بِنَصِيبِهِ لاَ

Ўғлининг қадри ҳиссасидек меросни бир одамга васиййат қилмоғи дурустдир. Ўғлига етадиган қадри ҳисса меросини бир одамга васиййат қилмоғи дуруст эмас. Зероки, бу бошқа одамнинг моли билан васиййат қилмоқдир, бу дуруст эмас. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ الْعِبْرَةُ بِحَالِ الْعَقْدِ فِي التَّصَرُّفِ الْمُنَجَّزِ

Сотмоқ ва олмоқ, ҳиба қилмоққа ўхшаш кейинги вақтларда ҳукмини жазм ифода қиладиган тасарруфларда аҳднинг ҳоли билан эътибор қилинур, яъни, ишнинг қилинган вақтига эътибор қилинур.

فَاِنْ كَانَ فِي الصِّحَّةِ فَمِنْ كُلِّ مَالِهِ وَاِلاَّ فَمِنْ ثُلُثِهِ

Бас, агар ҳукмини жазм ифода қиладиган тасарруф тансиҳатликда бўлса, молининг ҳаммасидан эътибор қилинур. Агар тасарруф тансиҳатликда бўлмай, касаллик ҳолида бўлса, молининг учдан биридан эътибор қилинур.

وَ الْمُضَافُ اِلَى مَوْتِهِ مِنَ الثُّلُثِ وَ اِنْ كَانَ فِي الصِّحَّةِ

Ул тасарруфким, уни ўзининг ўлмоғига изофа қилса, масалан, бу қул мен ўлгандан кейин озод, деса ёки бу қул Зайдга берилсин деса, учдан бирига эътибор қилинур, гарчи буни тансиҳатликда айтган бўлса ҳам. Зероки, бунда изофа қилган ҳолига қиёс қилинур, аҳднинг ҳолига қиёс қилинмайди. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ مَرَضٌ صَحَّ مِنْهُ كَالصِّحَّةِ

Ва ул касалликким, ул киши бундан сиҳат топса, унинг ҳукми тандуруст одамнинг ҳукмига ўхшашдир. Ул тансиҳатликда бир нарсани васиййат қилса, васиййати ботилдир. Агар бу касалимдан ўлсам, қулим озод бўлсин деса, ундан кейин яхши бўлиб кетса, ул васиййати бузилур. Чунончи, бунинг мазмуни «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ اِعْتَاقُهُ وَ مَحَابَاتُهُ وَ هِبَتُهُ وَ ضَمَانُهُ وَصِيَّةٌ

Касал кишининг қул озод қилмоғи ва баҳосини камитиб сотмоғи, масалан, юз тангалик молни эллик тангага сотмоғи, чунончи, «Китобу-н-натф»да мазкурдир ва садақа қилмоғи, бир кишига кафил ва зомин бўлмоғи васиййатга ўхшашдир, яъни, учдан бирдан эътибор қилмоқда васиййат ҳукмидадир, васийятнинг ўзи эмасдир бу тасарруфларда. Зероки, васиййат қил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган ўлгандан кейин васиййат қилинган нарсани лозим қилмоқдир. Бу тасарруфлар **мунажжизадир**, яъни, ҳукмини дарҳол лозим қиладигандир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

БУ ФАСЛДА ЯҚИН ОДАМЛАРГА ВАСИЙЙАТ ҚИЛМОҚНИНГ БАЁНИ

جَارُهُ مَنْ لَصِقَ دَارَهُ بِهِ

Васиййат қилувчининг ҳамсойаси шундай кишидирки, ҳовлиси унинг ҳовлисига ёпишган бўлади, масалан, ҳар вақтики, бу молим ҳамсойамга берилсин, деб васиййат қилса, ҳовлиларига муттасил ва ёпишган одамларга бўлгай, бу Имом Аъзам ва Имом Зуфар раҳимаҳумаллоҳ наздларида. Чунончи, «Жомиъур-румуз», «Шарҳи Илёс» ва «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида эса, васиййат қилган одамнинг маҳалласида турган одамлар ва унинг маҳалласидаги масжидга жамъ бўладиган одамлар унинг ҳамсойасидир. Чунончи, «Ҳидоя» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Аввалги қавл саҳиҳдир. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир. Бунда шунга ишорат бордирки, ҳамсойаликда мусулмону кофир, сағиру кабир ва хотин баробардир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ صِهْرُهُ كُلُّ ذِي رَحِمٍ مَحْرَمٍ مِنْ عِرْسِهِ

Бир киши, масалан, бу ҳовлим қудаларимга берилсин, деб васиййат қилса, унинг қудаси хотинининг никоҳи ҳаром бўлган эркак қариндошларидир. Шунингдек, қудага дохил бўлгай ўғлининг хотини, отасининг хотини ва ўзининг никоҳ раво бўлмайдиганларининг хотинларининг никоҳ ҳаром бўлган қариндошлари. Зероки, мазкурлар унинг қудасидир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Зиҳрни туркийда қуда дейилур.

وَ خُتْنُهُ كُلُّ زَوْجِ ذَاتِ رَحِمٍ مَحْرَمٍ مِنْهُ

Бул боғим, масалан, куёвимга берилсин, деб васиййат қилганда, унинг куёви ўзига маҳрам заифаларнинг куёвларидир,

www.ziyouz.com kutubxonasi

яъни, ўзига никоҳи ҳаром бўлган заифаларнинг куёвларидир, масалан, қизларининг эрлари ва ҳамшираларининг эрлари, аммаларининг ва холаларининг эрларидир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ اَهْله عِرْسه

Майдон жойим аҳлимга берилсин, деб васиййат қилганда унинг хотинидир, албатта, аҳл ҳақиқатан эрли хотиннинг номидир. Ва бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Чунончи, «Шарҳи Илёс», «Ҳидоя», «Абул-макорим» ва «Шарҳи Виқоя»да мазкудир.

وَآله اهْلُ بَيْته

Агар бир одам, бу қулим олларимга берилсин, яъни, хешларимга берилсин, деб васиййат қилган тақдирда унинг олига, яъни, хешига аҳли байтига дохил бўлурки, улар насаб уйларининг аҳлларидир. Ва унинг отаси, бобоси ва ҳар кишики, ул васиййат қилган одамга ота-бобо тарафларидан отасининг отаси – номусулмонликда бўлган отасигача уларнинг жамоасидан, деб нисбат берилур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Яқинроқ ва узоқроқ, эркагу урғочи, мусулмону кофир, сағиру кабир аҳли байтликда баробардир. Чунончи, «Абул-макорим»да мазкурдир.

وَاَقَارِبُهُ و ذُو اَنْسَابِه مَحْرَمَاهُ فَصَاعِدًا مِنْ ذَوِي رَحِمَهُ

Кимики бу мол ўзимнинг яқинларим ва насабликларимга берилсин, деб васиййат қилса, унинг яқинлари ва насабликлари икки маҳрам қариндоши ва улардан зиёда қариндошларидандир. Зероки, васиййат тўғрисида ақаллу (энг кам) жамъ иккидир, бас, икки маҳрам ё иккидан зиёда маҳрам унга дохил бўлгай. Чунончи, «Жомиъур-румуз» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Ва бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Чунончи «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир. Бунда шунга ишорат борки, агар васиййат қилган одамнинг маҳрам қариндоши бўлмаса, васиййат ботилдир. Бу Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Зероки, йўқ одамга васиййат йўқдир. Чунончи, «Кофий» китобида мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

اَلاَقْرَبُ فَالاَقْرَبُ

Бу баён қилинган масъалада кимки яқинроқ қариндош бўлса, васиййат қилинган мол унга берилур. Ундан кейин яна яқинроқ қариндошларига берилур, яъни, қайсилари яқинроқ бўлса, уларга бермоқ авлодир, меросда қандоқ бўлса, васиййатда ҳам шундоқ тақсим қилинур.

غَيْرُ اَلْوَالِدَيْنِ وَالْوَلَدِ

Яқин қариндошларимга берилсин, деб васиййат қилганда, отаси ва онаси ҳамда ўзининг боласидан бошқадир, булар уларга дохил бўлмайдилар.

وَ فِي وَلَدِ زَيْدٍ الذَّكَرِ والأُنْثَى سَوَاء

Бир киши, масалан, ушбу ҳовлим Зайднинг болаларига берилсин, деб васиййат қилганда, Зайднинг ўғил-қизлари баробар олурлар. Зероки, исми валад, яъни, лафзи фарзанд ҳаммага баробар тортиб берилур. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Бунда шу нарсадан огоҳ қилмоқ бордирки, қориндаги бола ҳам васиййатнинг тагига дохил бўлур, ҳаттоки Зайднинг хотинининг қорнидаги боласига ҳам мерос олиб қўйилур. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ فِي وَرَثَتِه ذَكَرٌ كَانْثَيَيْنِ

Бир одам, масалан, рўзғоримдаги молларим Зайднинг ворисларига берилсин, деб васиййат қилганда, Зайднинг бил-фараз бир ўғли ва бир қизи бўлса, меросдаги тартибда ўғилга икки ҳисса, қизга бир ҳисса берилур.

وَ فِي بَنِي فُلاَنٍ الأُنْثَى مِنْهُمْ

Фалон одамнинг ўғлига, масалан, бу отим берилсин, деб васиййат қилганда, ул одамнинг қизлари ҳам дохил бўлур.

وَ بَطَلَتِ الْوَصِيَّةُ لِمَوَالِيه فِيمَنْ لَهُ مُعْتِقُونَ وَ مُعْتَقُونَ

Бир хожаси озод қилган озодкарда одамнинг озод қилган қуллари бўлиб, ул киши, масалан, бу юз туя маволимга берилсин, деб васиййат қилганда, маволийга васиййат қилмоқ ботилдир. Зеро-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ки, маволий икки маънога баробардир. Бир маъноси озод қиладиган одам, бошқа маъноси – ўзи озод қилинган қул демоқ бўлур. Лафзи муштаракдан икки маънони ирода қилмоқ мутааззир (узрли)дир ва бирини ирода қилмоқ номаълумдир. Ушбу жиҳатдан ул одамнинг қилган васиййати ботилдир, бироқ ул васиййат қилган одам ўлмасдан илгари муроди қайси бири эканини баён қилса, дурустдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ صَحَّتْ بِخِدْمَةِ عَبْدِهِ وَ سُكْنَى دَارِهِ مُدَّةً مُعَيَّنَةً وَاَبَدًا

Қулига хизмат қилмоғини ва ўзининг уйига ўтирмоқни, масалан, ижарага қўймоқни тайинли муддатга васиййат қилмоқ бундоқ фойдаларга дурустдир.

وَ بِغَلَّتِهِمَا

Ва қул хизматининг ужрасини ва ҳовлининг ижарасини васиййат қилмоқ дурустдир. Масалан, қулимни хизмат қилдиргил ва ҳовлимни ижарага бергил, деб васиййат қилса, уни хизмат қилдирмоққа бериб, буни ижарага қўйиб, фойдаларини олиб турмоқ дурустдир.

فَاِنْ خَرَجَتِ الرَّقَبَةُ مِنَ الثُّلُثِ سُلِّمَتْ اِلَيْهِ

Бас, агар ул хизмат қилдирмоққа васиййат қилинган қул ўтирмоққа васиййат қилинган ҳовли васиййат қилган одам молининг учдан биридан чиқса, булар васиййат қилинган одамга топширилур, ул одам қулни хизмат қилдиргай ва ҳовлида ўтиргай ва васиййатнинг муддатигача фойдага қўйиб юргай. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ اِلَّا قُسِّمَتِ الدَّارُ وَ يُهَايَاءُ الْعَبْدُ

Агар мазкурлар молнинг учдан биридан чиқмаса, масалан, ҳовли ва қулнинг иккаласидан бошқа васиййат қилган одамнинг моли бўлмаса, ҳовли уч бўлак қилинур, бир ҳиссаси васиййат қилинган одамга ва икки ҳиссаси ворисларга берилур. Ва қулнинг хизматини навбатли қилгайлар, бир кун васиййат қилинган одамга, икки кун меросгирларга хизмат қилгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ بِمَوْتِهِ فِي حَيٰوةِ مُوصِيهِ تَبْطُلُ

Васиййат қилинган одамнинг васиййат қилувчининг тириклигида ўлмоғи билан васиййат ботил ва беҳуда бўлгай. Зероки, васиййат қилинган одам васиййат қилган киши ўлгандан кейин ул васиййатни қабул қилмоғи билан молик бўлур. Чунончи, «Жомиъур-румуз» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ بَعْدَ مَوْتِهِ يَعُودُ اِلَى الْوَرَثَةِ وَ بِثَمَرَةٍ بُسْتَانِهِ اِنْ مَاتَ وَ فِيهِ ثَمَرَةٌ لَهُ هٰذِهِ فَقَطْ

Васиййат қилган киши ўлгандан кейин васиййат қилинган одам ўлса, васиййат қилинган нарсалар васиййат қилган кишининг ворисларига қайтгай, яъни, ворислар қадри ҳисса бўлишиб олгайлар. Ва ўз бўстонининг мевасини васиййат қилмоғи дурустдир, агар васиййат қилган киши ўлса, ваҳоланки ул бўстонда ул ўлган вақтда мева бўлса, васиййат қилинган одамга ўшал вақтдаги ҳосил бўлган мева теккай, ўлгандан кейин пайдо бўлган мева асло тегмагайдир. Чунончи, «Шарҳи Виқоя», «Жомиъур-румуз» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ اِنْ ضَمَّ اَبَدًا فَلَهُ هٰذِهِ وَ مَا يَحْدُثُ

Агар васиййат қилинган киши мевазорни васиййат қилганда «ҳамиша» деган лафзни қўшса, масалан, менинг мевазоримнинг меваси ҳамиша Зайдники деса, бас, ул вақтда бор бўлган мева ва келадиган замонда пайдо бўладиган мева ул Зайдники бўлур. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

كَمَا فِي غَلَّةِ بُسْتَانِهِ

Бўстоннинг ёки еримнинг ҳосилини фалон одам олсин, деб васиййат қилганда васиййат қилинган одам ул бўстоннинг ҳосилини доим олганга ўхшаш, хоҳ лафзи «ҳамиша»ни қўшсин, хоҳ қўшмасин. Зероки, лафзи ҳосил ва фойда кейин пайдо бўладиган нарсага (нисбатан) ҳам айтилур. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ بِصُوفِ غَنَمِهِ وَ وَلَدِهَا وَ لَبَنِهَا لَهُ مَا فِي وَقْتِ مَوْتِهِ ضَمَّ اَبَدًا اَوْ لَا

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўйимнинг юнгини, қўзисини ва унинг сутини фалон одам олсин, деб васиййат қилмоғи дурустдир, васиййат қилган одам ўлган вақтида мазкур нарсаларнинг мавжуд бўлганлари васийят қилинган кишига бўлгай, хоҳ «ҳамиша» лафзини қўшиб айтсин, хоҳ қўшиб айтмасин. Кейинги вақтларда ҳосил бўлган юнг, қўзи ва қўйнинг сути васиййат қилинган кишига бўлмайди.

وَ تُورَثُ بِيعَةٌ وَ كَنِيسَةٌ جُعِلَتَا فِي الصِّحَّةِ

Ҳар вақт жуҳуд ё насоро тансиқат вақтида бийъа ё каниса солса, ундан кейин бу иборати ботила қилинадиган жойлари ворисларига мерос бўлур. Зероки, булар Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, баманзалайи вақфдир, ул жаноб наздларида, мерос бўлур. Чунончи, «Шарҳи Виқоя», «Абулмакорим», «Шарҳи Илёс» ва «Ҳидоя»да мазкурдир.

وَ الْوَصِيَّةُ بِجَعْلِ اَحَدِيْهِمَا تَصِحُّ

Ҳар вақт жуҳуд ё насоро бийъа ёки каниса бино қилмоққа васиййат қилса, мусулмонликнинг аломатлари йўқ ерда бўлса, дурустдир. Агар дини Исломнинг нишоналари бор жойда бўлса, мазкурларни бино қилмоқ дуруст эмас. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Кирмоний»да мазкурдир. «Кифоя»да машойихларимиз раҳимаҳумаллоҳ айтибдиларки, бул хилоф, яъни, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг бино қилмоқ дуруст деб ва Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ дуруст эмас, деганлари шундай васиййатда бўлурки, бийъа ва канисани бино қилмоқ қишлоқда бўлса, аммо шаҳарда бўлса, асло дуруст эмас, бу уламойи изом (улуғ уламолар)нинг иттифоқлари биландир. Ва бу қишлоқдан мақсад бу мақомда дини Исломнинг нишоналаридан ҳеч аломат ва нишона бўлмаган жойдир. Аммо ҳар вақт мазкур бино қилинадиган қишлоқ ва мавзеъда дини Ислом нишоналаридан бир нарса бўлса, бас, ул қишлоқ шаҳарга ўхшашдир, ушбу жиҳатдан дини Исломнинг нишона ва аломатлари бор жойда хамр, яъни, шароб ва хукфурушлик қилмоққа бединларнинг қудрати етмайди. Чунончи, «Абулмакорим»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУ ФАСЛДА ВАСИЙЙАТНИ БАЖО КЕЛТИРМОҚҚА АМР ҚИЛИНГАН ОДАМНИНГ БАЁНИ

وَ مَنْ اَوْصَى اِلَى زَيْدٍ

Ва бир одам ўлар вақтида ё илгари Зайдга васиййат қилса, яъни, бир нарсасини топширса, масалан, маразу мавт (ўлим олди)даги одам, бул фарзандларимга мен ўлгандан кейин ғамхўрлик қил ёки менинг фарзандларимнинг ғамини егил, ёки тепасида тургил, ёки эҳтиёт қил, ёки менинг буйруғим ва фармонимда тургил (деса), ёки буларга ўхшаган нарсалар билан васиййат қилса. Чунончи, «Хизона»да мазкурдир.

وَ قَبِلَ عِنْدَهُ

Васиййат қилган одамнинг олдида ул Зайд қабул қилса.

فَاِنْ رَدَّ عِنْدَهُ رُدَّ

Ундан кейин Зайд, агар васиййат қилган кишининг олдида васийликни қабул қилмай, рад қилса, васийликдан чиққай.

وَ اِلَّا لَا

Агар васиййат қилган одамнинг олдида рад қилмай, бошқа жойда рад қилса, васийликдан чиқолмайди. Зероки, васиййат қилган киши Зайд васийликни қабул қилганда унга эътимод қилибди, яъни, ишонибди. Бас, агар васийликни васиййат қилган одамнинг йўқлигида рад қилгани дуруст деб эътибор қилинса, фириб бермоқ лозим келгай ва бу фириб бермоқ дуруст эмас. Чунончи, «Шарҳи Виқоя» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

فَاِنْ سَكَتَ فَمَاتَ مُوصِيه فَلَهُ رَدُّهُ وَضِدُّهُ

Бас, агар бир одам ўз тасарруфидаги нарсаларга Зайдни васий қилганда, Зайд ҳеч нарса демай, сукут қилса, ундан кейин васиййат қилган киши ўлса, Зайднинг васийликни қабул қилмоққа ва рад қилмоққа қудрати етгай.

وَ لَزِمَ بِبَيْعِ شَيْءٍ مِنَ التَّرِكَةِ وَ اِنْ جُهِلَ بِه

Васиййат қилганда сукут қилган Зайд васиййат қилган одам ўлгандан кейин ундан мерос қолган молдан бир нарса сотса, васийлик ло-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зим бўлгай, яъни, васий бўлиб қолгай, агарчандики, васий бўлиб қолмоғини билмаса ҳам. Зероки, таракада тасарруф қилмоқ қабул қилмоқнинг далилидир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

فَانْ رَدَّ بَعْدَ مَوْتِه ثُمَّ قَبِلَ صَحَّ

Бас, ул васиййат қилганда сукут қилиб, жавоб бермаган киши васиййат қилган одам ўлгандан кейин васийликни қабул қилмай, кейин қабул қилса, васийликка айлангай, қабул дурустдир.

اِلاَّ اِذَا نَفَّذَ قَاضٍ رَدَّهُ

Магар ҳар вақт қози унинг васийлигини қабул қилмаганига дуруст деб ва қабул қилиб, ҳукм қилган бўлса, ундан кейин васий бўлмоқни қабул қилса, дуруст эмас, васий мужарради васийликни қайтармоғи билан васойот ботил бўлмайди. Зероки, васойот бекор ва ботил бўлганда ўлган одамга зарар бўлур. Магар ҳар вақт васийликни қабул қилмай, рад қилгани қозининг ҳукми билан таъкидланса, васиййат ботил бўлур. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

وَ اِلَى عَبْدٍ اَوْ كَافِرٍ اَوْ فَاسِقٍ بَدَّلَهُ الْقَاضِى بِغَيْرِه

Ва бир одам қулга ёки кофирга ёки фосиққа ўз тасарруфидаги нарсаларни васиййат қилса, яъни, топширса, қози уни васийликдан чиқариб, ўрнига озод мусулмони солиҳни васий қилгайки, вожибдир. Зероки, қул васийликдан ва бошқа нарсалардан манъ қилинур ва кофирнинг мусулмонларга валойати йўқ бўлур ва фосиқ хиёнат қилмоқ билан муттаҳам бўлур. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وِ اِلَى عَبْدِه صَحَّ اِنْ كَانَ وَرَثَتُهُ صِغَارًا

Ва агар бир одам ўз қулини васий қилса, дурустдир, борди-ю, ворисларининг ҳаммаси сағир бўлса. Ва агар ворислари сағир бўлмасалар, қулни васий қилмоқ дуруст эмас, бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

وَ اِلَى عَاجِزٍ عَنِ الْقِيَامِ بِهَا ضَمَّ اِلَيْهِ غَيْرَهُ

Бир одам васийлик ишларини бажо қилмоқдан ожиз кишини

www.ziyouz.com kutubxonasi

васий қилса, қози ул ожиз кишига ёрдам ва иъноат қилмоқ учун ва сағир болаларнинг ҳақларини эҳтиёт қилмоқ учун бир омонатдор одамни қўйгай. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ يُبْقَى اَمِينٌ يَقْدِرُ

Ва ул васиййат қилган одамни васийликка қодир бўладиган омонатдор васий қилиб қўйган одами васийлигича ўз ўрнида қолдирилур, уни васийликдан чиқармоқ қозига жоиз эмас, балки ундоқ одамни васийликда боқий қўймоқ вожибдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс» ва «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

وَ اِلَى اثْنَيْنِ لاَ يَتَفَرَّدُ اَحَدُهُمَا

Бир одам икки кишини васий қилган бўлса, васиййат қилинган нарсаларни бир васийнинг танҳо ўзи тасарруф қилмагай. Васиййат қилган киши иккаласининг маслаҳат билан иш қилмоқларига эътимод қилгани жиҳатидан. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир. Бу қавл Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ билан Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Чунончи, «Ҳидоя»да мазкурдир.

اِلاَّ بِشِرَاءِ كَفَنِهِ وَ تَجْهِيزِهِ وَ الْخُصُومَةِ فِي حُقُوقِهِ وَ قَضَاءِ
دَيْنِهِ وَ طَلَبِهِ وَ شِرَاءِ حَاجَةِ الطِّفْلِ وَ الاِتِّهَابِ لَهُ وَ اِعْتَاقِ عَبْدٍ عَيْنٍ وَ
رَدِّ وَدِيعَةٍ وَ تَنْفِيذِ وَصِيَّةٍ مُعَيَّنَتَيْنِ وَ جَمْعِ اَمْوَالٍ ضَايِعَةٍ وَ بَيْعِ
مَا يُخَافُ تَلَفُهُ

Бироқ васиййат қилган одам кафанини сотиб олишда ва уни кўммоққа зарур бўладиган нарсаларни тайёрлашда ва яна васиййат қилган одам бировдаги ҳақини даъво қилишда, унинг қарзини бериб адо қилишда, бир одамдаги ҳақларини талаб қилишда, етим қолган болага зарур нарсаларни сотиб олишда, ул болага бўлган ҳибани қабул қилишда ва яна васиййат қилган одам озод қилмоққа тайин қилган қулни озод қилишда, тайинли омонатни эгасига қайтариб беришда, тайинли васиййатни бажо келтиришда ва яна зойъ ва нобуд бўлмоққа яқинлашган молларни жамъ қилишда, йўқ ва нобуд бўлмоқдан хавф қилин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган нарсани сотишда – бу баён қилинган масъалаларнинг ҳаммасида икки васийнинг бири бўлса, дурустдир. Ва бу қавл Имом Аъзам ва Имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳ наздларида. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ وَصِيُّ الْوَصِيِّ وَصِيٌّ فِي مَالِهِ وَ مَالِ مُوصِيْهِ

Васийнинг васийси васийнинг молида ва уни васий қилган одамнинг молида васийдир. Суврати масъала шуки, масалан, ҳар вақт Зайдга васий бўлган Амру ўлса ва ул Амру Бакрга васиййат қилган бўлса, ул Амрунинг васийси бўлмиш Бакр Амрунинг молида мутасадди бўлур ва ҳам Зайднинг молида мутасадди бўлур, яъни, иккала ўлган одамнинг таракасига васий бўлгай.

وَ لاَ يَبِيعُ وَصِيٌّ وَ لاَ يَشْتَرِى اِلاَّ بِمَا يَتَغَابَنُ فِيهِ

Васий бўлган одам етим молини баҳосидан кам сотмагай ва ҳам етим учун сотиб оладиган нарсани бозор баҳосидан зиёда сотиб олмагай, магар аҳли бозорнинг урфида бор арзон ва жўнроқ нархга берилур миқдори баҳога сотмоқ ва ҳам андақ зиёдага сотиб олмоқ дурустдир.

وَ يَدْفَعُ مَالَهُ مُضَارَبَةً وَ شِرْكَةً وَ بِضَاعَةً

Ва яна васий бўлган одам етимнинг молини фойда шерикликка савдогарлик қилмоқ учун бергай ва ўзи бирга қўшилиб, савдогарлик қилмоқ учун бергай ва бир одамга савдогарлик қилмоқ учун дастмойага бергай ва омонат қўймоқ учун бергай. Зероки, бу баён қилинган тасарруфлар ул етим боланинг отасига дуруст эрди, васий ҳам унинг ўрнига қойим мақомдир. Чунончи, «Қозихон»да ва бошқа китобларда мазкурдир.

وَ يَحْتَالُ عَلَى الاِمْلاَءِ لاَ عَلَى الاَعْسَرِ

Ва яна васий бўлган одам етимга етадиган бир одамдаги ҳақини талаб қилса, ҳавола қилганда қарздор бой кишига ҳавола қилса, қабул қилгай. Агар бечора одамга ҳавола қилса, қабул қилмагай. Зероки, камбағал одамга ҳавола қилганда қабул қилса, баъзи важҳларда етимнинг молини зойъ ва нобуд қилмоқ бўлгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ لاَ يُقْرِضُ

Ва яна васий бўлган киши етимнинг молини одамларга қарз бермагай, агар қарз берганида зойъ ва нобуд бўлса, васий товон тўлагай. Ва бу қарз бермоғи васийликдан маъзул бўлмоққа муносиб хиёнат эмас. Чунончи, «Фатовойи Қозихон» ва «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ يَبِيعُ عَلَى الْكَبِيرِ الْغَائِبِ اِلاَّ الْعَقَارَ

Ва яна васий бўлган одам балоғатга етган ғойиб меросгир йўқ вақтида ва ул васийнинг олдида йўқ ва ғойиб меросгир муддати сафарда ё ундан зиёда ерда бўлса, унинг ризолигини олмай, еру мулкларидан бошқа нарсаларини сотмоққа қудрати етгай. Албатта, унинг ерларини ва мулкларини сотолмайди, зероки, ақордан, яъни, кўчмайдиган ва олиб кетиб бўлмайдиган нарсадан бошқалари эҳтиёт қилмоқ учун сотилур. Ва ақорнинг нобуд бўлмоғи нодир ва камдир, ушбу сабабдан мулк сотилмайди, гарчи нобуд бўлади, деб хавф қилинса ҳам, бу асаҳ қавлга биноан, – бу баён қилинганлар башарти қолган меросда қарз бўлмаса; агар қарз бўлса, васий ҳаммасини сотгай, бу Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ يَتَّجِرُ فِي مَالِه

Васий бўлган одам балоғатга етган ворис муддати сафарга ё зиёда ерга кетиб, ғойиб вақтида унинг молида савдогарлик қилмагай. Зероки, моли васиййатга сақлаб турмоқдан бошқа нарсага топширилмайди. Чунончи, «Шарҳи Илёс», «Шарҳи Виқоя», «Жомиъур-румуз» ва «Ҳидоя»да мазкурдир. Бунда шу нарсага ишорат борки, сағирнинг молида васий савдогарлик қилгай. Чунончи, «Имодий»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

كِتَابُ الْخُنثَى

ХУНСО ҲАҚИДА КИТОБ

Хунсо (хунаса) деб, луғатда бир тарафдан иккинчи тарафга эгилмоқ ва икки бўлиниб синмоқ, туркий тилда эса икки тарафлик деган калимадир. Яна мулойим бўлмоқ, синмоқ, шикаст бўлмоққа айтилур. Чунончи, «Абул-макорим» ва «Жомиъур-румузда» мазкурдир.

هُوَ ذُو فَرْجٍ وَ ذَكَرٍ

Шариатда ул хунсо ҳам эркаклик, ҳам хотинлик аломати бор кишидир.

فَاِنْ بَالَ مِنْ ذَكَرِهِ فَذَكَرٌ

Бас, агар ул бола эркаклик аломатидан бавл қилса (сийса), эркакнинг ҳукмидадир.

وَاِنْ بَالَ مِنْ فَرْجِهِ فَاُنْثَى

Ва агар ул бола хотин нишонасидан бавл қилса, қиздир, яъни, қизнинг ҳукмидадир. Зероки, Пайғамбар алайҳиссалом мазкур тариқада туғилган боладан савол қилиндилар, қандай мерос олур, деб. Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Бавл қилган жойидан эркак ёки қизлиги маълум бўлганига қараб олгай». Ҳазрати Алий розийаллоҳу анҳу ҳам шундай дедилар. Бошқа далил шуки, бавл қайси узв (аъзо)дан бўлса, ул узв аслий саҳиҳдир, қолган иккинчиси баманзалайи айбдир. Чунончи, «Ҳидоя»да ҳам мазкурдир. Бас, ҳар вақт эркак бавл қиладиган (сийадиган) жойдан бавл қилса, билурмизки, ўша олатдир. Агар хотин бавл қиладиган жойдан бавл қилса, билурмизки, ўша олатдир, иккинчиси баманзалайи сулулдир, яъни, сўгалки, уни форсийда зух дейилур. Чунончи, «Кифоя»да мазкурдир.

وَاِنْ بَالَ مِنْهُمَا حُكِمَ بِالْاَسْبَقِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва агар икки аломатидан ҳам бавл қилса, қайси биридан бавл илгари келса, илгари келганига ҳукм қилинур. Зероки, бавлнинг илгари келмоғи бошқа аломатдирки, ул узв (аъзо) аслийдир. Чунончи, «Ҳидоя» ва «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ ان اسْتَوَيا فَمُشْكِلٌ

Агар бавл иккала андомидан баробар келса, ул болани ўғил ё қиз деб ҳукм қилмоқ мушкулдир, яъни, унинг эркак ё қизлигига, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, ҳукм қилинмагандир. Бу хунсо мушким масъаласи ул жанобнинг таваққуф қилган ва баён қилмай, тўхтаб қолган масъалалари жумласидандир. Бу камоли парҳиз, тақво ва вараълар жиҳатидандир, қаддасаллоҳу руҳаҳу. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ يُعْتَبَرُ الْكَثْرَةُ

Икки олатнинг биридан бавлнинг кўп чиқмоғига эътибор қилинмайди, яъни, кўп чиққани сабабидан ул тарафга ҳукм қилинмайдир. Бу Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида, кўп чиққанлигига эътибор қилинур. Ва бу Имом Шофеъий ва Аҳмад раҳимаҳумаллоҳ қавлларидир, зероки, кўп чиқмоқ ул узв қувватининг аломатидир. Бошқа далил шуки, аксарият ҳукми қулл дебдурлар. Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдан шуки, ҳеч бир қозининг бавлни тарозуга солиб тортиб турганини кўрмадим, дедилар. Чунончи, «Абул-макорим» ва «Жомиъур-румуз»да мазкурдир. Ва ул болани, башарти ёш болалигида ўлса, ўғил ё қиз деб ҳукм қилмоқ мушкулдир, дедилар. Агар ёш болалигида ўлмаса, албатта, ишкал йўқ бўлур. Мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ минбаъд келадиган қавллари билан шунга ишорат қилдилар.

فَانْ بَلَغَ وَ لَمْ يَظْهَرْ عَلاَمَةُ اَحَدهِمَا فَمُشْكِلٌ

Бас, ул бола, агар балоғатга етса, яъни, балоғатга етганларнинг ёшига етса, эркаклик ва хотинлик аломатининг бири зоҳир бўлмаса, масалан, соқоли чиқмаса ёки хотинига етушолмаса, ёки эҳтилом бўлмаса, ёки иккала эмчак зоҳир бўлмаса, ёки ҳайз кўрмаса, ёки унга эркак етушолмаса, ёки бўғоз бўлмаса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёки эмчакларидан сут келмаса, бас, уни эркак ёки хотин деб ҳукм қилмоқ мушкулдир. Чунончи, «Жомиъур-румуз», «Абул-макорим», «Шарҳи Илёс» ва «Ҳидоя»да мазкурдир. Агар эркакларга етишишлик аломатлари маълум бўлса, фақат эркакдир. Агар хотинларга етишишлик аломатлари маълум бўлса, фақат хотиндир. Агар бу баён қилинганлардек бўлмаса, уни эркак ё хотин деб ҳукм қилмоқ мушкулдир. Чунончи, «Шарҳи Виқоя»да ҳам мазкурдир.

فَانْ قَامَ فِي صَفِّهِنَّ اَعَادَ

Бас, агар ҳукм қилмоқ мушкул бўлган хунсо намозда хотинлар сафида турса, намозни қайтиб ўқигайки, эркак бўлмоқ эҳтимоли бор жиҳатидан вожибдир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир. Хотинлар намозларини қайтиб ўқимагайлар. Агар муроҳиқ бўлса, яъни, балоғатга етарлик миқдоридан камда бўлса, намозни қайтиб ўқимоқ вожиб эмас, лекин эҳтиётан иъода қилмоқ (қайтиб ўқимоқ) мустаҳабдир. Чунончи, «Захийра»да мазкурдир. Намозда хотинлар ўтиргандек ўтиргай. Ушбудек «Кофий»да мазкурдир.

وَ فِي صَفِّهِمْ يُعِيدُ مَنْ بِجَنْبَيْهِ وَ مَنْ خَلْفَهُ بِحِذَائِهِ

Агар эркаклар сафида туриб намоз ўқиса, унинг икки ёнида турган одамлар ва орқасида баробар турган одам намозларини қайтиб ўқигайлар. Хунсонинг ўзи намозини қайтиб ўқимагайки, намози комил ва тамомдир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да ҳам мазкурдир.

وَ صَلَّى بِقِنَاعٍ

Ҳукми мушкул бўлган хунсо хотинларга ўхшаш катта рўмол ёпиниб намоз ўқигай. Бунда ишорат шунгаки, агар хунсо рўмол ўрамай намоз ўқиса, жоиз эмас, башарти оз бўлса, яъни, зоти қул бўлмаса. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ لَا يَلْبَسُ حَرِيرًا وَحُلِيًّا

Ва ипакли кийим киймагай, бу эркак бўлмоқ эҳтимоли борлиги жиҳатидандир. Тилло ва кумуш билан зеварланган ва оройиш берилган нарсаларни киймагай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

وَ لاَ يَكْشِفُ عِنْدَ رَجُلٍ وَامْرَأَةٍ

Ва аъзоларини эркак ва хотинлар олдиларида очмагай.

وَ لاَ يَخْلُو بِهِ غَيْرُ مَحْرَمٍ رَجُلٌ اَوِ امْرَأَةٌ

Ва яна хунсо мушкулга маҳрам бўлмаган эркаклар ва маҳрам бўлмаган хотинлар хилват жойда ёлғиз бўлмасинлар. Агар эркак бўлса, бегона хотин билан хилватда ҳамнишин бўлиши эҳтимоли борлиги жиҳатидан. Агар хотин бўлса, эркак билан хилватда ҳамнишин бўлиши эҳтимоли борлиги жиҳатидан. Аммо ўзининг маҳрами бўлса, яъни, никоҳ раво бўлмайдиган қариндоши хилватда, яъни, иккаласи танҳо бир жойда бўлса, дурустдир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ لاَ يُسَافِرُ بِلاَ مَحْرَمٍ

Ва яна хунсо мушкул бемаҳрам сафарга чиқмагай, эҳтимоли борки, ул хунсо хотиндир. Чунончи, «Абул-макорим»да мазкурдир.

وَ كُرِهَ لِلرَّجُلِ وَالْمَرْأَةِ خِتَانُهُ

Ва яна уни хатна қилмоқ эркак кишига ва хотинга макруҳдир, бу андомига қарамоқдан эҳтироз қилмоқ учундир ва бу ҳар вақт муроҳиқ бўлса, яъни, балоғатга яқинлашган бўлса. Агар ёш бўлса, уни эркак хатна қилгай. Чунончи, «Кирмоний» ва «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ يَشْتَرِى اَمَةً تَخْتِنُهُ اِنْ مَلَكَ مَالاً

Ва ул хунсони хатна қилдирмоқ учун хатна қилмоқни биладиган бир канизак сотиб олингай, агар ўзининг моли бўлса, ул канизак хатна қилгай. Зероки, канизак хожасига ва хожасининг хотинига узр воқиъ бўлганда қарайди. Чунончи, «Захира»да мазкурдир.

وَ اِلاَّ فَمِنْ بَيْتِ الْمَالِ

Агар хунсонинг моли бўлмаса, байтул-молдаги пулдан қарз олиб, канизак сотиб олингай. Ва бу қарз олмоқ башарти отаси камбағал бўлса. Агар отаси бечора бўлмаса, унинг молидан канизак сотиб олингай. Чунончи, «Захийра»да мазкурдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ثُمَّ تُبَاعُ

Хатна қилиб бўлгандан кейин ул канизак сотилур, сотиб пулини байтул-молга қайтаргайки, хатна қилмоқдан қутилгани жиҳатидан вожибдир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да ҳам мазкурдир. Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдан шундайки, подшоҳ хунсога хатна қилмоқни биладиган хотин олиб бергай. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир. Агар эркак кишининг хатна қилмоғи дуруст эмаслигига сабаб нимадир, албатта, хатна қилмоқ заруратнинг мавзъеидир, деб баҳс қилмоқчи бўлсанг, айтурман, яъни, жавоб берурманки, заруратлигига таслим қилмаймиз, хатна қилмоқ, бизларнинг мазҳабимизда, суннатдир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ اِنْ مَاتَ قَبْلَ ظُهُورِ حَالِه لَمْ يُغْسَلْ وَ يُيَمَّمُ

Агар хунсо эркаклик ё хотинлик ҳоли ва аломати маълум бўлмасдан илгари ўлса, бу икки эҳтимоли борлиги жиҳатидан ювилмагай ва тайаммум қилдирилгай. Бунда ишорат шу нарсагаки, хунсони ювмоқ учун канизак сотиб олинмайди. Зероки, канизакнинг хожаси ўлгандан кейин мамлука бўлиб қолмай, бегона бўлиб қолур. Чунончи, «Абул-макорим», «Жомиъур-румуз» ва «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

Ва ул хунсони тайаммум қилдирган одамнинг қўлига латта ўраб, тайаммум қилдирмоғи ҳожат эмас, борди-ю, маҳрами бўлса. Агар маҳрами бўлмаса, қўлига латта ўраб, тайаммум қилдирилгай. Чунончи, «Кирмоний» ва «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ لَا يَحْضُرُ مُرَاهِقًا غَسْلَ مَيِّتٍ

Балоғатга яқинлашган хунсо ўликни ювишда ҳозир бўлмагай, яъни, ўн икки ёшга етган муроҳиқ хунсо ўликни ювмагай, ўлган хоҳ эркак бўлсин, хоҳ хотин бўлсин, икки эҳтимоли борлиги жиҳатидан. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир.

وَ نُدِبَ تَسْجِيَةُ قَبْرِه

Ул хунсони кўмадиган вақтда қабрининг устини ўраб ё ёпиб турмоқ мустаҳабдир, зероки, ул муаннас бўлса, вожибни бажо

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилурмиз, агар эркак бўлса, ёпмоқ унга зарар қилмайди. Чунончи, «Ҳидоя», «Кофий» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ يَوْضَعُ الرَّجُلُ بِقُرْبِ الاِمَامِ ثُمَّ هُوَ ثُمَّ الْمَرْأَةُ اِذَا صَلَّى عَلَيْهِمْ

Агар эркак киши, хунсо ва хотин киши, булар ўлган бўлиб, башарти имом буларнинг ҳаммаларининг жанозаларини бир қилиб ўқимоқни қасд қилса, эркак кишининг тобути имомга яқин қўйилгай. Зероки, ул бешак эркакдир. Ундан кейин хунсонинг тобути қўйилгай, эркак бўлмоқ эҳтимоли борлиги жиҳатидан. Ундан кейин хотин кишининг тобути қўйилгай, токи номаҳрамларнинг назарларидан узоқ бўлгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс», «Жомиъур-румуз» ва «Шарҳи Виқоя»да мазкурдир.

فَاِنْ تَرَكَهُ اَبُوهُ وَابْنًا فَلَهُ سَهْمٌ وَ لِلاِبْنِ سَهْمَانِ

Бас, агар хунсонинг отаси ўлиб, ундан мерос қолса ва ул хунсодан бошқа бир ўғли ҳам бўлса, қолган молни уч тер қилинур, бир қисми хунсога берилур, икки ҳисса ўғилга берилур. Бу Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Имом Шаъбий раҳматуллоҳи алайҳ Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг устозларидандурлар, ул жанобнинг шул бобда мубҳам ва маълум қилинмаган қавллари бордир, ул қавлни Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ икки хил баён қилдилар. Ул икки хил тафсир қилганларининг бири савоб ва дурустликка яқинроқдир, ул қавл ўзларининг ихтиёр қилганларидир. Иккинчиси – Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳнинг ахз қилган (олган)ларидир. Чунончи, «Музмарот»да мазкурдир, бошқа китобларда ҳам зикр қилингандир. Мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ ул Шаъбий раҳматуллоҳи алайҳнинг икки хил баён ва тафсир қилинган қавлларини зикр қилдилар.

وَ عِنْدَ الشَّعْبِيِّ لَهُ نِصْفُ النَّصِيبَيْنِ وَ هُوَ ثَلَاثَةٌ مِنْ سَبْعَةٍ

عِنْدَ اَبِي يُوسُفَ رَحِمَهُ اللهُ

Ва айтдиларки, Имом Шаъбий раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, ул баён қилинган сувратда ўғил қадри ҳиссасининг ва ҳам қиз қадри ҳиссасининг нисфлари хунсога етгай. Ва ул икки тер-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг нисфлари етти тердан уч тердир, бу Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, яъни, хунсонинг отасидан қолган мол етти тер қилинур, унинг уч бўлаги хунсога, қолган тўрт бўлаги ўғилга берилур.

اَوْ خَمْسَةٌ مِنْ اثْنَى عَشَرَ عِنْدَ مُحَمَّد

Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ наздларида, ўн икки бўлакдан беш бўлаги хунсога берилур, етти бўлаги ўғилга берилур. Масалан, икки ўғил бўлганда нисф олур эди, бир ўғил билан бир қиз бўлганда тақсим учга бўлиб, ўғилга икки ҳисса, қизга бир ҳисса тегар эди, хунсога бу баён қилинган икки хил одамлар қадри ҳиссаларининг ҳаммасининг нисфи тегар. Ул нисфнинг ярми тараканинг тўртдан биридирки, ул тўртдан бир ўн икки тернинг учдан биридир. Ва яна учдан бирнинг нисфидурки, ул олтидан бир эди, қолгани ўғилга тегар. Масъала ўн икки қилинса, унинг нисфининг ярми уч тер ва ҳам сулснинг нисфи икки тер, ҳаммаси беш тердир, бу хунсога берилур. Қолган етти тер ўғилга берилур. Валлоҳу аълам.

Вақтики, машойих раҳимаҳумаллоҳнинг одатлари китобларининг охирига масойили мухталифа (ҳар хил масъалалар)ни ёдга келтирмоқ учун келтирур эдилар, мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ уларга мувофақат қилдилар (эргашдилар), бир-бирига муносабати йўқ пароканда масъалаларни китобларининг охирида келтирмоқда, бас, айтдилар:

مَسَائِلُ شَتَّى

ПАРОКАНДА МАСЪАЛАЛАР БАЁНИ

Яъни, мутафарриқа, бўлак бўлгувчи ва бир-бирига муносабати йўқ масъалаларнинг баёни.

كِتَابَةُ الاَخْرَسِ وَ اِيْمَاؤُهُ بِمَا يُعْرَفُ بِهِ نِكَاحُهُ وَ طَلَاقُهُ وَ بَيْعُهُ وَ شِرَاؤُهُ وَ قَوَدُهُ كَالْبَيَان

Тили йўқ, гунг одамнинг хотин олмоғи, хотинни талоқ қилмоғи, молини сотмоғи, бир нарсани сотиб олмоғи, товон тўламоғи, бировдан қасос олмоғи, билинадиган қилиб хат битмоғи,

www.ziyouz.com kutubxonasi

билинадиган қилиб ишорат қилмоғи – тил билан гапириб баён қилмоқ ҳукмидадир. Масалан, гунг гарданига тушган қасосни, мен қилдим, деб китобат билан ёки ишорат билан иқрор қилгай. Ёки бир одамда оладиган қасоси бўлса, ишорат билан ёки китобат билан даъво қилгай. Ёки ишорат билан ё китобат билан гувоҳ ўтказиб, исбот қилгай. Ишорат билан китобатнинг иккаласи гунг одамга тил билан гапириб ва баён қилган ҳукмидадир. Зарур бўлгани жиҳатидан бу баён қилинган ҳукмларнинг ҳаммаси тўғрисида гунг одамдан ишорат билан билдирмоқ ҳужжатдир. Зероки, ул ҳукмлар бандаларнинг ҳақларидир. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ لاَ يُحَدُّ

Гунгнинг ўзи хат билан ё ишорат билан ҳад урмоқ вожиб бўладиган нарсага иқрор бўлганда ҳад урилмайди. Масалан, бир одам гунг кишидан, шароб ичдингми, деб сўраганда, у «оре» (ҳа) деб ишорат қилса, ҳад урилмайди. Чунончи, «Абул-макорим» да мазкурдир.

وَ قَالُوا فِي مُعْتَقِلِ اللِّسَانِ انْ امْتَدَّ ذَلِكَ وَ عُلِمَ اشَارَاتُهُ فَكَذَا

Тили тутилган ва асло гапиролмайдиган бўлиб қолган одам тўғрисида уламолар айтдиларки, агар тилининг тутилиб қолганлиги узоқ муддатга борса ва унинг қилган ишоратлари билинса ва фаҳмланса, унинг ҳукми ҳам ахрас, яъни, гунгнинг ҳукмидадир. Масалан, никоҳи, талоқ қилмоғи, бир нарсани сотиб олмоғи, бир нарсани сотмоғи, – мазкурларнинг ҳаммасини тасарруф қилмоғи ва ҳам қасосни ўзининг фойдасига ёки бошқанинг зарарига исбот қилмоғи, хат битмоқ ёки бош, қош, кўз ёки қўл билан ишорат қилмоғи гапириб ва баён қилмоқ ҳукмидадир. Агар билинмаса, гунг ҳукмида эмас. Ва муддатнинг узунлиги бир йилга муқаррар қилинибди. Баъзиларнинг айтишларича, тилининг тутилмоғи то ўлгунча бўлса, тили тутилиб қолган, дейилур. Фатво бу қавлгадир. Чунончи, «Шарҳи Виқоя», «Жомиъур-румуз» ва «Шарҳи Илёс»да мазкурдир.

وَ فِي غَنَمٍ مَذْبُوحَةٍ فِيهَامَيْتَةٌ هِيَ اَقَلُّ تَحَرَّى

«Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» деб сўйилган қўйларнинг ораларида бебисмиллоҳ сўйилган ёки оташпараст сўйган қўй бўлса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ул қўйлар забҳ қилинган қўйлардан озроқ бўлса, қасд билан, яъни, дилнинг фикри билан забҳ қилинган қўйни қидиргай ва талаб қилгай. Бу **таҳарри** қилмоқ, яъни, ҳалолни талаб қилмоқ башарти ул жойда бир аломат бўлмасаки, ул аломат билан забҳ қилинган қўйни ул қўйдан фарқ қилгай. Агар забҳнинг аломати билинса, таҳарри қилмагай. Ва ул одамга аломатлигини олмоқ вожибдир. Чунончи, «Кирмоний»да мазкурдир.

وَاَكَلَ فِي الاِخْتِيَارِ

Ва бу забҳ қилинган экан, деб агар кўнгли қарор топса, ҳолати ихтиёрда, яъни, муҳтож, музтар ва ноилож бўлмай, тинч ва осойишта бўлган ҳолида егай, бундай тариқадаки, сўйилган қўйни жазм ва бешак топибдир, зероки, мўъминлардан душворликни дафъ қилмоқ учун оз нарсанинг эътибори йўқдир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир. Аммо ҳолати заруратда ҳалолни талаб қилгай ва егай, хоҳ забҳ қилинган қўй ул қўйдан оз бўлсин, хоҳ кўп бўлсин, хоҳ баробар бўлсин. Зероки, ўзи ўлиб қолган нарса заруратда музтар кишига ҳалол бўлур. Бас, шундай забҳ қилинганнинг бебисмиллоҳ сўйилган қўйга аралаш бўлгани авлодир, чунки ҳалолни топмоққа қасд қилур. Лекин бовужуди музтар бўлса ҳам, бетаҳарри емагай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир. Валлоҳу аълам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛУҒАТ ВА ИЗОҲЛАР*

«А»

Абдол – авлиёликда маълум даражага эга бўлган кишилар (чилтанлар)

Або – юз ўгириш

Авд – қайтиш

Авомуннос – оддий халқ

Аврат – тананинг уятли жойи

Авраъ – шубҳадан қаттиқроқ қочадиган кишилар

Авсоф – васфнинг кўплиги, сифатлар

Адл – адолат, рост ва тўғри

Адно – энг ками, энг пасти

Ажз – ожизлик, заифлик, кучсизлик

Ажзо – бўлаклар

Ажри азийм – катта мукофот

Ажнабийа хотин – номаҳрам аёл

Ажуза – кампир

Азвожи мутаҳҳарот – покиза аёллар, Расулуллоҳнинг хотинлари

Азл (ъазл) – мансабдан ёки бирор ҳуқуқдан маҳрум қилиш

Азҳар ва ашбаҳ – аён ва ошкор

Алавиййа – Алийга оид кишилар, шиъа мазҳабидагилар

Ал-амон – омонлик сўраш

Алайҳил-фатво – фатво бунгадир

Алайҳил-эътимод – ишонч бунгадир

Алайҳиссолату вассалом – унга саловат ва саломлар бўлсин

Ъалим – Аллоҳ исмларидан бири. Маъноси: билимдон

«Аллоҳумма тақаббал минни» – «Эй бор Худоё, бу (жонлиқ)ни мендан қабул қил»

Алфози куфр – кофирликка олиб борувчи сўзлар

Алҳол – ҳозир

Амин – ишончли

Амирул мўъминийн – мўминларнинг амири

Анбор – омбор, хирмон, уюм

Андом – бадан, гавда, баъзан жинсий аъзо маъносида

Анисиййат – дўстлик, улфатлик

Анкабут – ўргимчак

Анъом – ҳайвонлар

Асаба – мерос олувчи киши

«Ас-солату хойрун минан-навм» – намоз уйқудан яхшироқдир (Азон сўзи)

Асаҳ – тўғрироқ

Асаҳ қавл – тўғри сўз

Асбоби гов – ҳўкизга ишлатиладиган асбоблар

Асном – санамлар (худолар)

Асо – ҳасса

Асфиё – покиза ва покдил кишилар

Атқиё – тақволилар

Атйаб – покизароқ

Ахз қилмоқ – олмоқ

Аъдо – душман

Афрод – бирлиги фард, ёлғиз, якка нарсалар

Аҳаққ – ҳақроқ, тўғрироқ

Аҳком – ҳукмлар

* Луғат ва изоҳлар «Мажмаъ ул-Мақсуд»нинг биринчи ва иккинчи китобларига доир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аҳли салоҳ – яхши кишилар

Аҳли Бадр – Бадр жангида қатнашган кишилар

Аҳли ботил ва аҳли ғурур – нотўғри ва алдов йўлидаги кишилар

Аҳли суннат вал жамоат – ҳақ йўлдаги мусулмон аҳли

Аҳли ширк – Худога ширк келтирувчилар

Афтодаҳол – аҳволи оғир киши

Ахёр – хайрли кишилар

Ахтар – юлдуз

Аҳодис – ҳадислар

«Б»

Бавл – сийдик

Бадал – бирор нарса эвазига бериладиган нарса

Байтулмол – солиқдан тушган молни сақлайдиган жой

Байъи жадид – янги савдо

Баззоз – матолар билан савдо қилувчи савдогар

Баманзалаи – гўёки

Баноми Худойи бузург – Улуғ Худо номи билан

Барас – Пес

Барбат – мусиқа асбобининг номи

Барий – озод, бўш

Батариқи авло – янада яхшироқ

Баъдазон – шундан кейин

Баъдаҳу – шундан сўнг

Баякбор – бирданига

Баҳрий – дарёга оид нарса

Безуҳул – эсдан чиқмаслик

Бекароҳат – макруҳсиз

Берушд – ривожланмаган

Бетаъаддий – зулмсиз, жафосиз

Беҳроқ – яхшироқ

Бидъат – шариатда йўқ нарсани ўйлаб чиқариш

Биллаҳи – Аллоҳ номига қасам

Бил-ижмоъ – ижмоъ бўйича

Билиттифоқ – ўзаро келишиб

Билотаъхир – кечиктирмай

Бил-кулл – бутунлай

Билъакс – тескари, аксинча

Бинти махоз – бир ёшга тўлиб, иккинчи ёшга қадам қўйган туя

Бил-фараз – тахминан

Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар – Аллоҳ исми билан, Аллоҳ улуғдир (ҳайвонни сўйишда ўқиладиган дуо)

Бовужуди – шунга қарамай

Бод – ел

Бозгашт – қайтиш

Боки – зарари

Бот – карвонсарой

Ботил – бузуқ, ёмон

Боргоҳи Самад – Аллоҳ даргоҳи

Ботин – қалб, юрак, замир

Ботинийя – йўқ бўлиб кетган мазҳаб номи

Ботмон – бир юз саксон мисқолга тенг оғирлик ўлчови

Боғийлик – душманлик, бўйсунмаслик

«В»

Вабол – гуноҳ, жавобгарлик

Вадий – сийгандан кейин оқиб чиқадиган сув

Вадиъат – луғатда қўймоққа айтилади, «ваадаъ» феълидан олинган. Шариатда сақлаб ва эҳтиётлаб турмоқ учун бир кишига берилган омонат нарса

Важҳ – сабаб, важ

Ва забиҳатул-муслими вал-кито-

www.ziyouz.com kutubxonasi

биййи ҳалалун – мусулмон ва китобий кофирнинг сўйгани ҳалолдир

Ва ила ажалин – маълум муддатга

Ваколат – луғатда «сақламоқ» ва «нигоҳбонлик қилмоқ» маъносидадир. Шариатда – вакил бўлмоқ, вакил қилмоқ, бир одамнинг ўз ишини тасарруф қилмоқни бир кишига қайси тариқа билан бўлса ҳам топширмоғидир.

Валий – дўст, яқин киши, бу ерда ўлик эгаси

Валойат – валийлик, эгалик

Вал-аёзу биллоҳ – Аллоҳ Ўзи сақласин

Васаний – бутга чўқинувчилар

Васий – ворисларнинг, яъни мерос оладиганларнинг ишларини тадбир ва тасарруф қилиб турмоқ учун васиййат қилиниб қолдирилган одам

Васиъ – кенг

Васқ – олтмиш соъ. Олтмиш соъ – ўн икки пуд ўттиз қадоқ бўлади

Ватани иқомат – ўн беш кун ё бундан ортиқ турмоқни ниййат қилинган жой

Ватий қилмоқ – жинсий алоқа қилмоқ

Ваҳшат лоҳиқ бўлмоқ – қўрқув ва ғам етмоқ

Ва ҳувал-асаҳҳу – бу тўғрироқдир

Вақтиййа – ўз вақтидаги нарса

Вақф – луғатда «ҳибс қилмоқ», яъни «банд қилмоқ» ва ундан ҳосил бўлган манфаатни садақа қилмоқ ва сақлаб турмоқ маъносида. Шариатда – бир мол бўлган нарса зотини вақф қилган киши мулкида доимо қолмоғига ва андин ҳосил бўлган фойдани садақа қилмоққа сақлаб турмоқдир

Вожиб – зарур

Вофийу шофий – етарли ва тўлиқ

Вурикоз – ер ости ёки устида мавжуд бўлган мол

Вуқуъ – юз бериш

«Г»

Ганда – ахлат

Гарданкашлик – бўйинтовлашлик

Гардолуд – чанг аралаш

Гаронмойа – қимматли

Гунг – тилсиз, соқов

Гўшвора – зирак, сирға

Гўянда – шеър айтувчи

«Д»

Дайн – қарз

Далили дийгар – бошқа далил

Далили зонний – ҳақиқатга яқин фикр

Далили лобуддий – зарурий далил

Дарранда – йиртқич ҳайвонлар

Дар бар олмоқ – елкага олмоқ

Дастор – салла

Даъво – талаб қилмоқ

Даҳбардаҳ – тўрт атрофи ўн газ бўлиб, мажмуиъ саҳни қирқ газ ер.

Дийгар – бошқа

Дийат – ўлдирилган одам учун мол тўламоқ (хунбаҳо)

Дорул-ҳарб – жанг ери

Дорун-наъийм ва сурур – неъматлар ва шодликлар уйи (жаннат)

Дониш – илм

Дохил бўлмоқ - кирмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Доғ – куйдириш
Дукорд – қайчи
Душвор – қийин
Дўзанда – тикувчи

«Ж»

Жабира – синган аъзога боғланадиган чўп
Жаббори азийм – улуғ Аллоҳ
Жазойи нақдиййа – жарима
Жалла зикруҳу – ёди улуғ бўлсин
Жалилу-л-қадр – қадри улуғ
Жалисо – салиб, хоч
Жалса – икки сажда орасида бир тасбиҳ айтмоқ миқдорича ўтириш
Жамод – жонсиз нарсалар
Жаннатул-маъво – жаннат номи
Жаннатул-фирдавс – жаннат номи
Жанобат – жунублик (ювуқсизлик) ҳолати
Жариб – ўн саккиз чорак ғалла сепиладиган ер
Жаҳр – овоз чиқариб айтиш
Жийфа – ўлиб, сасиган нарса
Жимоъ – жинсий алоқа
Жома – либос
Жомиъ – жамъ қилувчи
Жониб – томон, тараф
Жон дамида қилмоқ – жон киргизмоқ
Жомус – қўтос
Жузъиййат – майда-чуйда
Жуф – ариқ
Журм – гуноҳ
Жунуб – ювуқсиз киши
Жустужу – қидириш

«З»

Забаржад – қимматбаҳо тош тури (хризолит)
Забиҳ – сўйилувчи
Забҳ – сўймоқ
Забур – тўрт муқаддас китобдан бирининг номи
Завол вақти – қуёшнинг туш пайтидан ўтиб, қиблага мойил бўлиши, соянинг эса кун чиқарга мойил бўлиш вақти
Зажр – қийноқ
Закар – эрлик аъзоси
Закот – луғатда ўсмоқ ва зиёда бўлмоқ, шариатда – молнинг бечорага ва бошқаларга, яъни мусофирларга берилган миқдори
Замм қилмоқ – қўшмоқ
Заъим – кафил
Заъм – хаёл
Заъфарон – заъфар номли ўсимлик гули
Зивал-иҳтишом – улуғлик эгалари
Зикргўён – зикр айтган ҳолда (Аллоҳ номини такрорлаган ҳолда)
Зиммий – мусулмон юртида жизйа бермоққа аҳд ва паймон қилган ғайридин киши
Зиндакорлик – тирикчилик
Зиндиқлик – зоҳирда иймонли, ботинда кофир бўлишлик
Зирҳ – совут
Зоди роҳала – йўл озиғи (кўпинча савоб тўплаш маъносида келади)
Зойил – йўқ бўлиш
Зомин – кафил бўлувчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зок – мис ва шунга ўхшаш кукунлар номи

Зуъафолар – заифлар

Зулла – ҳовлидан ташқаридаги эшик устига қурилган устунли том

Зумурради ахзар – кўк зумрад

Зу-ноб – тиш билан ов қилувчи

Зу-раҳм – никоҳ юрмайдиган қариндош

Зуҳду тақво – зоҳидлик ва тақводорлик

«И»

Ибоҳиййа – ўтмишдаги мазҳаблардан бирининг номи

Ибро – қутулиш, озод бўлиш

Ибтидода – бошида

Ижл – бузоқ

Ийжоб қилмоқ – вожиб қилмоқ, мажбур қилмоқ

Ийлом – аҳд

Издиҳом – йиғилиш

Изо – азият

Изофа – қўшиш

Ижмолон – қисқача

Ижмоъ – бир замонанинг ҳамма уламолари шариат ҳукмига иттифоқ бўлмоқлари

Ижмоъи уммат – Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматларидан бўлган мужтаҳидлар бир замонда, яъни бир асрда масъала устида бир фикрга келишлари

Иктифо – кифояланиш

Ила ғайрин-ниҳоя – чегарасиз

Имомайн – икки имом (Имом Аъзам шогирдлари Муҳаммад ва Абу Юсуф)

Имтиноъ – тўхтаб қолиш, манъ этилиш

Индаллоҳ – Аллоҳ олдида

Иннийнлик – хотинига яқинлик қилолмаслик

Инқиёд – бўйин эгиш

Ирз – ору номус

Иртикоб – гуноҳ қилиш

Истеҳсон – мақташ

Истимоъ – эшитиш

Истифҳом – грамматикада савол белгиси

Истинбот – хулоса

Истинжо – ҳожатдан сўнг покланиш

Истисқо – хайру эҳсон ва дуолар орқали ёмғир талаб қилмоқ

Истиҳбоб – бирор кимсага ёки нарсага муҳаббат қўйиш

Итоб – маломат ва ғазаб қилмоқ

Ихтилож – томир тортишуви

Иъонат – кўмак

Иштибоҳ – шубҳаланиш

Иқтидо қилмоқ – эргашмоқ

Иқдом – қадам қўйиш

Иқола – олинган нарсани қайтариб бериб ёки қайтиб олиб, савдони бузмоқ

Иқор – ер

Иқрор – луғатда бир нарсани тил билан ё дил билан ёки дилу тилнинг иккаласи билан исбот қилмоқ ва иқрор бермоқ. Шариатда – бир одамнинг фойдасига ва ўзининг зарарига гарданида ҳақи борлигини ўз тили билан иқрор қилиб, хабар бермоқ ва маълум қилмоқ

Иҳонат – хорлаш

Иҳё қилмоқ – тиргизмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Й»

Йанобиъи ҳақиқат – ҳақиқат булоғи

Йўхтал турмоқ – рад қилмоқ, рози бўлмаслик

«К»

Кабир – катта, буюк

Канз қилинган моллар – йиғиб беркитилган ва жамълаб пинҳон қилинган моллар

Канор – қучоқ, чегара

Канораси – чегараси, қирғоғи

Кибрит – олтингугурт

Кибрити аҳмар – қизил олтингугурт

Китф – елка

Коранда – хизматкор

Кориз – беркитилган сув ернинг таги билан бир жойдан бир жойга бориши; оқиб турган сувни ернинг тагидан кавлаб бориб равон қилиш

Коффа – барча, ҳамма

Коҳил – дангаса

Кулл – тўлиқ, бутун барча

Кусуф – куннинг тутилиши

Куфв – баробарлик, тенглик

Кушода – очиқ

Кўтоҳ – қисқа, калта

«Л»

Ла йуъадду ва йуҳсо – саноғи ва ҳисоби йўқ

Лаҳн – Қуръон ёки азон калималаридаги ҳаракатларни бузиб айтиш

Ливота – бесоқолбозлик

Лиъон – қасам билан тасдиқлаш

Лозимул-адо – адо қилиш лозим

Лоҳиқ – намознинг аввалини жамоат бирла топиб, намознинг баъзисини фавт қилмоқ.

Лунгу – чўмилаётганда уят жойини бекитадиган мато

Луччак – кийим номи

Луқота – йўлдан ё бошқа жойдан топиб олинган мол

«М»

Мабиъ – сотилган нарса

Мабдаи садр – кўкракнинг бошланган жойи, кекирдакнинг этаги

Мабраз – ҳожатхона

Мавзеъ – муаййан жой

Мавос – фойдаланмоққа салоҳиятсиз ўлик ер

Мавқифайн – икки турар жой

Мавқуф – боғлиқ

Мадхали тамом – тўлиқ дахл қилиш

Мажбуб – олати кесилган киши

Мажмар – мушк ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларни тутадиган идиш

Мажҳулун-насаб – насаби номаълум киши

Мазбур – ёзилган

Маздур – хизматкор

Мазий – эрлик олатидан чиқадиган сув

Майта – ўзи ўлиб қолган ўлик

Майта ер – фойдаланмоққа салоҳиятсиз хароб ер

Макруҳи танзиҳий – ҳалолга яқин бўлган нарса

Макруҳи таҳримий – ҳаромга яқин нарса

Макфулун лаҳу – ҳақ оладиган одам

Макфулун анҳу – қарздор киши

Мамлук – қул

www.ziyouz.com kutubxonasi

Манжаниқ – тош отадиган асбоб

Мамнуъ – манъ қилинган

Маний – эрлик уруғи

Маноҳий – манъ қилинган нарсалар

Мансух – ҳукм билан бекор қилинган оят ёки ҳадис

Манқул – нақл қилинган

Марди обид – умрини ибодат билан ўтказувчи киши

Марди жулида мўй – соч-соқоли тўзғиган киши

Мардудиш-шаҳодат – гувоҳлиги рад қилинувчи

Марфиқ – қўшимча нарсалар

Масалаи куллия – умумий масала

Масбуқ – намознинг аввалида имомга етишмаган, яъни намознинг аввалида баъзисига етишмаган киши; намознинг ҳаммасини топган одам мўътамм дейилади

Масойили диниййа – диний масалалар

Масраф – сарф

Масҳ – оёқ кийимига ёки бошга сувли панжаларини суртиш

Матрука – ўлганнинг орқасида қолган яқинлари

Маъзул – ишдан олинган

Маъсиййат – гуноҳ, исён

Маъфу – кечирилган

Маъфуж – ортига калтак урилган киши

Машкур – шукр қилинган

Машкук – шак-шубҳали

Машойихи мутааххирин – сўнгги давр шайхлари

Машруъ – шариат қонуни рухсат берган нарса

Мақтул – ўлдирилган киши

Мақъад – орқа тешик

Маҳз – учун, туйфайли

Маҳри муажжал – нақд қилинган маҳр; маҳри муважжал эса насийа қилинган маҳр

Меъзана – азон айтиладиган жой

Миёнасидаги – ўртасидаги

Минбаъд – бундан сўнг

Мода – урғочи

Молик – эга

Молойаъни – беҳуд сўзлар

Монанд – ўхшаш

Монеъи шаръий – шариатга хос тўсқинлик

Мониъ – тўсиқ

Моҳи наййир – ёруғ ой

Муаззин – азон айтувчи

Муаллақа – бирор ишни бирор нарсага боғлиқ қилиб қўйиш

Мубораҳан – исботланган

Мубошир – бошқарувчи

Мубоҳ – шариатда қилиш мумкин бўлган иш

Мубтадиъ – бидъатчи

Муваззаф – мажбурий

Мувозаъа – келишув

Мувозаха – ушлаш, тутиш

Мувофақат – мувофиқлик

Мудаббар – хожаси ўлгач, озод бўлувчи қул

Мудаббир – тадбир қилувчи

Муддао алайҳ – даъво қилинган одам

Муддаъий – даъво қилувчи

Мужарради ақд – ёлғиз шарт билан

Мужаррад – ёлғиз

Мужтаҳид – шариат масалаларида ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга киши

Муза – этик (оёқ кийими)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Музаккий – гувоҳни покликка чиқарадиган одам

Музд – ҳақ, фойда

Музораба – луғатда ерда юрмоққа айтилади, шариатда – бир одамдан мол иккинчи одамдан хизмат қилмоқни шарт қилиб, фойда шерикликка, яъни қилинган фойдани баробар бўлиб олмоққа аҳд боғламоқ

Музораъат – луғатда донни тупроққа сепиб бекитмоқ, «заръ» сўзининг ҳақиқий маъноси ўстирмоқдир.

Мукотаб – хожаси фалонча пул берсанг, озодсан деб муқаррар қилган қул

Мулаввас – булғаниш

Мундафъ – дафъ бўлган, йўқолган

Мункир – инкор қилувчи

Мунис – улфат

Мунозаъат – низолашув

Мунофий – қарама-қарши

Мунофот – тескари, қарама-қарши

Муноқаша – тортишув

Мунтабаъа – босилган, зарб қилинган

Мунъақид – шартлашилган

Мунҳал – бекор

Муойана – аён

Мурассаъ – зийнатланган

Мурдор – ўлимтик

Муробаҳа – фойдасига сотиш

Мурофаъа – маҳкамада бирор масалани кўриб чиқиб, ҳал қилиш

Мурсал – пайғамбар

Муртад – диндан қайтган

Муртакиб – гуноҳ қилувчи

Мусаввифун – кейин тавба қилурман, дегувчи одам

Мусаллат – эга бўлиш, қўлга олиш

Мусанниф – ёзувчи, муаллиф

Мусофаҳа – кафтни кафтга қўйиб, қўл ушлашиб сўрашмоқ

Мусофир – шариатда ўзининг шаҳридаги уйларидан айрилиб чиқиб, уч кеча-кундузлик йўлни ниййат қилган киши

Мустадрак – етиш, тўғрилаш

Мустағний – беҳожат

Мустаҳаб – уламолар ёқтирган одат, мақбул амал

Мустаҳиқ – лойиқ

Мусҳаф – Қуръон

Мусоҳара – бировга хотинликка бермоқ ё хотин олмоқ билан хеш (қариндош) бўлмоқ

Мусоқот – луғатда экинни ва мевали дарахтларни суғормоқ; шариат қоидасида – мевали дарахтларни ва бошқа дарахтларни сув бериб ислоҳга келтириб, парвариш қилмоқ, ул дарахтлардан ҳосил бўлган меваларнинг баъзисини хизмати учун бир одамга бермоқ

Мутааллим – алам тортувчи

Мутаважжиҳ – юзланиш

Мутавассит – ўртача

Мутаваҳҳам – ваҳимага тушган

Мутавотир ҳадис – иснодлари мукаммал бўлган ҳадис

Мутараттиб – тартиб берилган

Мутасаввар – тасаввур қилинган

Мутараддид – иккиланувчи, шубҳаланувчи

Мутаварриъ – тақводор

Мутадовил китоблар – доимий истеъмолда бўлган китоблар, мадраса дарсликлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муттасил – ёпишган, бирлашган

Мутаъориф – машҳур, ҳаммага маълум

Мутаъаййин – тайин қилинган

Мутаъаннид – душман, қаттиқ турувчи

Муттасиф – сифатланган

Муттафақун алайҳ – бирор масала устида ўзаро келишув

Мутобаъат – тобе бўлиш

Мутъа – вақтинчалик никоҳ

Мутбиқ – луғатда қоплагувчи ва ўраб олгувчи, шариатда – бир ой жиннилиги тутиб қолган киши

Мухосама – душманлик

Муттақий – тақводор

Мутаҳаққиқ – ишончли, ҳақиқий

Мушк – оҳу киндигидан олинадиган хушбўй модда

Мушки азфар – тоза мушк

Мухолифат – қаршилик

Мухотаба – ўзаро сўзлашув

Мухталиф – ҳар хил

Мухаййар – ихтиёр қилинган

Муфлис – бечора

Муъаттала – мазҳаб номи

Мушаввашхотир – кўнгли нотинч

Мушрик – Худога ширк келтирувчи

Муфавваз – топширилган

Муфтийи можин – алдовчи, фирибгар муфтий

Муғаллаз қасам – оғир қасам

Муғмо алайҳ – ҳушдан кетган

Муқийм – бир жойда турувчи, муқим яшовчи

Муқийми суннат – суннатни барқарор қилувчи

Муҳиб – дўст

Муҳрим – эҳром кийувчи

Муҳсан – озод ва балоғатга етган мусулмон одам

Муҳсара – ҳаждан қайтарилиб қолинган киши

Муҳтамил – мумкин, рухсатли

Муҳил – қарздор киши

Муҳтал, муҳталун лаҳ, муҳол, муҳолун лаҳ – қарз берган кишининг арабча отлари

Муқоййад – боғланган, мажбур бўлган, қайд этилган

Муқосама – ҳосилдан олинадиган солиқ

Мўътазила – Ислом йўлидан адашган оқим

«Н»

Набатиййа тили – шимолий Арабистон халқининг тили

Навоиб – таъмир учун йиғиладиган солиқ

Навҳа қилмоқ – овоз чиқариб йиғламоқ

Надб – мустаҳаб амал

Нажас – ифлос қиладиган нарса

Нажасул-ъайн – асли нопок, ҳаром

Нажосат – ифлослик

Нажосати хафифа – енгил нажосат

Назъ ҳолати – жон чиқиш пайти

Нар – эркак (парранда ларга нисбатан)

Насб этмоқ – ўрнатмоқ, тайин этмоқ

Нафсул амр – аслида, ҳақиқатда

Наъувзу биллаҳи мин залика – бунга қарши Аллоҳдан паноҳ тилаймиз

Нақзи аҳд – шартни бузиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нақзи вузу – таҳоратни синдирадиган нарса

Наҳиф – озғин

Наҳий қилмоқ – манъ этмоқ

Наҳр – сўйиш

Негунсор – тўнкарилган, ағдартўнтар қилинган

Некбахт – бахтиёр

Некукор – яхши иш қилувчи

Нисоб – бойликнинг закот бериш миқдорига етиши

Нисф – ярим

Нифос – туғишдан сўнг келадиган қон

Нифоқ – иккиюзламачилик, келишмовчилик

Нобино – кўр

Нозил бўлмоқ – тушмоқ

Нофиз – ўтувчи, таъсир қилувчи

Нофиъ – фойдали

Ношаръий – ноқонуний

Ноқис – нуқсонли

Нуқс – нуқсон

«О»

Обраҳа – ариқ, анҳор

Оби мустаъмал – ишлатилган сув

Овизон – осилган

Озодкарда – озод қилинган

Оёт – оятлар

Оли – аҳли оиласи

Оли Муҳаммад – Муҳаммад алайҳиссалом оиласи

Омм (ъомм) – умумий

Оммаи уламо – уламолар оммаси

Омматан – умумга тегишли

Оманна ва соддақно – иймон келтирдик ва тасдиқладик

Он дийгар – ўша бошқаси

Орий – озод, қутулган

Орийат – бир нарсани фойдаси баробарига ҳақ олмай, бир одамни эга қилмоқ, қайтиб бермоқ шарти билан

Осийу жафий – исёнкор ва йўлдан адашган

Офати самовий – осмон офатлари

«П»

Пайравлик – тобелик, издошлик

Порсолик – покдомонлик

Пос тутмоқ – ҳурмат қилмоқ

Поя – оёқ

Пушида – яширин

Пўр – тўла

Пўш – ёпинчиқ

Пўшиш – кийим

«Р»

Роббана лакал ҳамд – эй Парвардигоримиз, Сенга ҳамд бўлсин

Равваҳаллоҳу арвоҳаҳум – руҳларини Аллоҳ шод қилсин

Ражъат – қайтиш

Расулур-раҳма – меҳрибонлик Пайғамбари

Раъиййа – халқ

Раъсул-мол – бойлик, молнинг тан нархи

Раҳматуллоҳи алайҳ – Аллоҳ унга раҳмат қилсин

Раҳматан лил-оламийн – оламлар учун раҳмат бўлувчи

Раҳмати кофий – етарли меҳрибонлик

Раҳн – луғатда бир нарсани ҳабс қилмоқ (тутмоқ)

Рибо – судхўрлик

Рижс – палид ва нажас нарса

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ризвонуллоҳи таоло алайҳим – уларнинг ҳаммасига Аллоҳнинг розилиги бўлсин

Ризо – розилик

Ришва – пора

Рожиъ – қайтувчи

Роъи ғанам – қўй боқувчи чўпон

Роғиб – интилувчи

Роҳ – йўл

Роҳи миёна – ўртача йўл

Роҳи рост – тўғри йўл

Рубъ – чорак

Рукуъ – намозда тиззани ушлаш

Руҳом – юмшоқ оқ тош

Руқбо – мунтазир бўлмоқ

Рўшно – ёруғлик

«С»

Сабий – ёш бола

Савт – чўп, таёқ

Содақта ва барирта – рост айтдинг ва яхши қилдинг

Саждаи таҳиййа – таъзим саждаси

Саждаи тиловат – Қуръондаги сажда оятлари

Сайд – ов

Сайёд – овчи

Сайлон – оқиш

Салавот айтмоқ – друд, дуо юбормоқ

Саласул бавл – сийдик тутолмаслик

Салиб – хоч (крест)

Саллаллоҳу алайҳи ва саллам – унга Аллоҳнинг саловот ва саломлари бўлсин

Саллох – қассоб

Салаф – ўтмиш авлод

Салсабил суви – жаннат булоғининг суви

Салоти истиғфор – тавба намози

Саман – баҳо

Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ – Аллоҳ ҳамд айтган одамни эшитувчидир (намоздаги дуо)

Сангсор – тошбўрон

Санний – қўй ва эчкининг бир ёшга, қорамолнинг икки ёшга, туянинг беш ёшга тўлгани

Сариҳ – очиқ, равшан

Саркаш – қайсар

Сарроф – пул алмаштирувчи

Сарф – луғатда айлантирмоқ, нафл ва зиёдага айтилади; шариатда – пулни пулга, бир жинсни ўз жинсига сотмоқ

Сарқут – сарқит, қолдиқ

Сатр – ясириш

Сатри аврат – шариат ҳукмига биноан ёпиқ бўлиши лозим аъзолар

Сатторул-уйуб – айбларни ёпувчи

Саъй – интилиш

Сафир – элчи

Сақалайн – жинлар ва одамлар

Саҳв – хато

Саҳван – адашиб

Саҳиҳ – тўғри

Саҳобаи киборлар – улуғ саҳобалар

Саҳронишин – далада яшовчилар

Сикка урилган – нақш урилиб тайёрланган танга

Силоҳ – қурол

Симоъ – урф (эл ораси)да рақс қилмоққа айтилади

Сирожи ваҳҳож – нурли чироқ

Сиройат – таъсир

Сирот – кўприк

Сироти мустақийм – тўғри йўл

Сирқа – луғатда бошқа киши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг нарсасини, у қандай нарса бўлса ҳам, яшириб ва бекитиб олмоққа айтилади; шариатда – ўғирламоқдир

Ситойиш – мақтов

Сипос – мақтов

Сиғар – кичик

Собиқин – ўтмишдагилар

Собот – икки одам деворининг ёпилган тепаси, унинг ости йўл бўлгай

Соний – иккинчи

Соъ – саккиз ярим қадоқ нарса сиғадиган идиш

Суфла – пасткаш

Соқ – болдир

Суботата қавмин – хароб бўлган ҳовли

Субҳи козиб – ёлғон тонг

Субҳи содиқ – чин тонг

Суввон – қаттиқ оқ тош

Сувор бўлиб – улов миниб

Сужуд – саждалар

Суннати муаккада – вожибга яқин суннат

Сутра – очиқ жойда намоз ўқилганда ерга санчиб қўйиладиган ёғоч

Сутуда сифот – ёқимли сифатлар соҳиби

Суннат – Жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари, қилган ишлари

Суннати завоийд – Расулуллоҳнинг одат қилган амаллари

Сўлб – бел, пўшт

«Т»

Табйин – тушунтириш

Табарруъ – ўз ихтиёри билан қурбонлиқ қилиш, савоб қилиш

Табъи салим – мижози соғлом

Тавлийа – луғатда бир кишини валий қилмоқ; шариатда – сотмоқда шарт қилмоқ

Тавотур – тасдиқ

Тоййиб – тоза, пок

Такаллуф қилмоқ – уринмоқ, интилмоқ

Такбири таҳрима – «Аллоҳу акбар» деб бармоқни қулоққа етқизиш

Такфин – кафанлаш

Такйа қилмоқ – суянмоқ

Талбис – алдов, ҳийла

Талбийа – ҳажда «лаббайка» дуосини айтиш

Талх – аччиқ

Танвири шариат – шариатни ёритувчи

Тангдаст – камбағал

Тарака – ўлган одамдан қолган мерос

Тардид – иккиланиш

Таржиҳ – устунлик

Тарсанда – қўрқувчи

Тасарруф – эгалик

Тасҳиҳ – тўғрилаш

Тахфиф – енгиллатиш

Ташдид – ҳарфни иккинлантириш

Таъаддий – қийнаш, эзиш

Таъарруз – ҳужум қилиш, қарши туриш

Таъдили аркон – ҳар қайси рукнни ўз жойида бажармоқ

Таълиқ – талоқни бирор шарт бирла осилтириб қўймоқ, яъни, боғлиқ қилиб қўймоқ

Таърих – йил

Таъхир – кечиктириш

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тафвиз – топшириш

Тағаййур – ўзгариш

Тағйир – ўзгартириш

Тақйид – қайд этиш

Тақрир – тасдиқлаш, оғзаки баён қилиш

Таҳзиб – яхшилаш, тарбиялаш

Таҳнийя айтмоқ – ҳайит куни бир-бирига «муборак бўлсин» демоқ

Таҳорат аз гуноҳ – гуноҳдан покланиш

Тақарруб айламоқ – Худойи таборак ва таолога яқин бўлмоқни қидирмоқ

Тибр – ишга кирмаган тилла

Тир – ўқ

Тири бепар – форсийда газ, туркийда қанотсиз ўқ

Това – туя

Тобиъийн ва табаъаи тобиъийн – саҳобани кўрган ва соҳобани кўрганни кўрганлар

Тошбақаи обий – сув тошбақаси

Тоъати лозим – шуки, у тоатнинг нафъи тоат қилган кишига бўлгай: намоз, рўза, ҳаж ва шуларга ўхшаш амаллар

Тухум – уруғ

«У»

Ужра – мукофот, пул ҳақи

Узв – аъзо

Узор – қулоқ бирла юз орасидаги мўй чиққан жой

Уламои мутааххирин – кейинги давр олимлари

Уламои мутақаддимийн – аввал ўтган уламолар

Уммий – намоз раво бўладиган миқдори қироатни билмайдиган одам

Умму валад – хожасидан бола туққан чўри

Ушр – зироатдан бериладиган закот, солиқ номи

Уқбо – у дунё, охират

Уқда – кекирдакнинг тугуни бошланган жой

«Ф»

Фавт – ўлиш, йўқ бўлиш

Фардойи қиёмат – эрта Қиёмат куни

Фаришгаи муқарраб – Аллоҳга яқин бўлган фаришталар (Жаброил, Мекоил, Исрофил ва Азроил)

Фаромуш – унутиш

Фарз – бажариш шарт бўлган амал

Фарзи айн – ҳар кимнинг ўзи бажариши фарз бўлган амал

Фарж – аёлларнинг жинсий аъзоси

Фаржи хорижий – аёллар жинсий аъзосининг ташқариси

Фаройиз – мерос тақсими ҳақидаги илм

Фарсах – ўлчов бирлиги, бир фарсах 6-7 км.га тенг

Фасил – туянинг сутдан айирилган боласи

Фасх қилмоқ – бекор қилмоқ

Фаш – салланинг орқага ташлаб қўйиладиган учи

Фаҳд – қоплон

Фино – атроф

Фирош – кўрпа

Фойиқи уммат – умматнинг аълоси, устуни

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фузулий одам – ортиқча сўзловчи киши

Фуқаҳо – фақиҳлар (олимлар)

«Х»

Хабис – ифлос

Хамёза – эснаш

Хамр – ароқ

Хас – хашак

Хасм – душман

Хатанайн – Усмон ва Алий розийаллоҳу таоло анҳумо

Хатти озодий – озодлик хати

Хешу ақрабо – қариндош-уруғ

Хиёри руйа – кўрмай сотиб олиш

Хизонаи тариқат – тариқат нодирлари

Хинзир – тўнғиз

Хирожи муқосама – подшоҳ ердан ҳосил бўлган экиннинг бир миқдорини олмоқни муқаррар қилгани

Хок – тупроқ

Холисан ли-важҳиллоҳ – холис Аллоҳ учун

Хатоъан – хато қилган ҳолда, адашиб, янглишиб

Хориж – ташқари

Хоссатан – маълум кишиларга хос

Хостам базаний – хотинликка хоҳладим

Хошиъин – намозда ўнгу чапга қарамай, фақат саж-да жойига қараб турувчи кишилар

Худмурда – ўзи ўлган

Хук – чўчқа, тўнғиз

Хулъ – хотинни мол баробарига талоқ қилмоқ

Хузуъ – намозда фикрни бир ерга жамлаш

Хулафои рошидин – тўғри йўлдан кетган халифалар (Абу Бакр Сиддиқ, Умар, Усмон ва Алий розийаллоҳу таоло анҳумо)

Хумс – бешдан бир

Хун – қон

Хуни истиҳоза – касаллик сабабли аёллардан келадиган қон

Хунасои мушкил – ҳам эрлик, ҳам хотинлик аъзоси бўлган одам

Хунсо – эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам олати мавжуд бўлган одам

Хусйа – мояк

Хусумат – даъво, душманлик

Хусуф – ойнинг тутилиши

Хутба – Худони ёд қилмоқ, Расулни ёд қилмоқ, хулафо ва атқиёларни ёд қилмоқ ва панду насиҳат қилмоқ

Хушкиййат – қуруқлик

Хушуъ – намозда сажда жойидан кўз узмай туриш

«Ч»

Чолок – чаққон

Чорпо – чорва ҳайвонлари

«Ш»

Шайхайн – Абу Бакр Сиддиқ ва Умар Форуқ розийаллоҳу таоло анҳумо

Шайхи фоний – қарилик жиҳатидан рўза тутмоқдан ожиз бўлган киши

Шамсул-аимма – олимларнинг қуёши (Халвоийнинг лақаби)

Шариати ғарра – шариатнинг илоҳий қонуни

Шарофати сармадий – Сормадий (Аллоҳ) шарофати

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шаръ – шариат

Шаръи шариф – азиз шариат

Шаръий кун – субҳи содиқдан бошлаб офтоб ғойиб бўлгунга қадар ўтган вақт

Шафа – одамзоднинг ва ҳайвонларнинг сувдан истеъмол қилмоғи ва насиба олмоғи, масалан, овқат, таҳорат, ғусл, кийим ювмоқ ва бошқалар учун

Шафиъ – шафоат қилувчи

Шафиъи ул-музнибийн – гуноҳларни шафоат қилувчи. Шафоатийли-аҳлил-кабоир – шафоатим катта гуноҳ қилувчилар учун (ҳадис)

Шафъи аввал – биринчи икки ракаат

Шафъи соний – иккинчи икки ракаат

Шақоватманд – бадбахт

Шикор – ов

Ширб – сувдан экинларни ёки ҳайвонларни нав-бат билан суғориш

Ширкат – луғатда бир нарсани бир нарсага қўш-моқ ва ўртоқлик; шариатда – мулкка ва молга шерик бўлмоқ

Ширкати инон – шерик бўлиб, савдогарлик қилишда томонларнинг тенглиги

Ширкати вужуҳ – қарзга пул ёки мол олиб савдогарлик қилиш

Шомил – ўз ичига олувчи, иборат бўлувчи

Шориъ – қонунчи, қози

Шофиъи рўзи жазо – қиёмат кунида шафоат қилувчи

Шоҳрак – кекирдакнинг иккала тарафидаги икки йўғон қон ўтадиган томирларнинг форсий номи

Шустагар – кудунгар, ювувчи

Шуруъ – бошлаш

Шуъо – нур, ёруғлик

«Э»

Эътикоф – масжиднинг ичидан ташқарига чиқмай, бир неча кун ибодат қилмоқ

Эълом – эълон, билдириш

Эътимод – ишонч

Эътиқоди каж – бузуқ эътиқод

Эҳтилом – эрлик уруғининг уйқуда оқиб кетиши

«Я»

Явми Хайбар – Хайбар жанги бўлган кун

«Ў»

Ўғлоқ – эчкининг боласи

Ўҳдасидан чиқмоқ – уддаламоқ

«Қ»

Қабз – қотиш, сиқилиш

Қабил – кафил

Қабо – пахталик тўн

Қабул кардам базаний – хотинликка қабул қилдим

Қавийроқ – кучлироқ

Қавл – сўз

Қаввол – баланд овоз билан оҳанг қилиб ғазал ўқувчи, туркийда «ҳофиз» дейилур

Қазф этмоқ – бир одамни зинокорсан, деб ҳақорат қилмоқ

Қалил – оз

Қаробат – яқинлик (қариндошлик)

Қаср намози – сафардаги кишининг фарз намозларни қисқарти-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риб ўқиши (мас., тўрт ракаатли намознинг икки ракаатини ўқиш)

Қарғ – қовоқ

Қассор – бўёқчи

Қивоми бадан – баданни тутиб турувчи

Қатъ – кесиш, узиш

Қаъда – ўтириш

Қаъдайи охир – намозда «ат-Таҳиййат» ўқиш учун охирида ўтириш

Қаъдайи увло – намозда «ат-Таҳиййат» ўқиш учун биринчи икки ракаатдан сўнг ўтириш

Қиём – намозда тўғри, тик туриш

Қиймий – сотишга қўйилган, аммо тақсимлаб бўлмайдиган мол ёки ер

Қин – отаси ва онаси ҳам қул бўлган қул

Қирон – эҳром боғлашда ҳаж бирла умрани ниййат қилмоқ

Қисмат – «инқисом»дан, бўлинмоқ маъносида, ё «тақсимдан» – бўлмоқ маъносида; шариатда – тақсим, икки зиёда одамлар орасидаги шериклик молни бўлмоқ

Қитол – жанг

Қобили қисмат – тақсимга қобил

Қоидаи куллий – умумий қоида

Қоим мақом – ўрнини босувчи

Қубур – қабрлар

Қурбат – яқинлик

Қўға – ўсимлик номи

«Ғ»

Ғайри – ўзга, бошқа

Ғаний – бой

Ғасб – бир нарсани эгасидан зулм билан тортиб олмоқ; шариатда – фойдаланмоғи ҳалол бўлса ҳам бегона кишининг моли бўлгани жиҳатидан ҳаром бўлган молни эгасининг кўзи олдида бежавоб олиб, эгаси тасарруф қилолмайдиган қилмоқ

Ғино – гўйандалар овозларини чиқариб айтадиган шеър ва байтлар

Ғойит – ахлат

Ғорат қилмоқ – таламоқ

Ғусл – бошдан-оёқ ювиниш

«Ҳ»

Ҳабата бўлмоқ – йўқ бўлмоқ

Ҳабс қилмоқ – тутмоқ, ушламоқ

Ҳавола – бир одамнинг гарданидаги қарзни бир кишига кўтартирмоқ; луғатда «интиқол»га далолат қиладиган, яъни бир жойдан бошқа жойга бормоққа далолат қиладиган

Ҳавомм – илон, чаён, калтакесак, типратикон, юмронқозиқ ва шуларга ўхшаган нарсалар

Ҳад – гуноҳкорга яна қайта гуноҳ қилмасин деб адаб бериш, дарра уриш, жазолаш

Ҳадас – таҳоратни бузадиган нарса (масалан, ел)

Ҳаддан фузун ва ҳаддан берун – чегарадан ташқари ва ҳисобдан узоқ

Ҳадиси мутавотир – иснодлари аниқ бўлган ҳадис. «Иснод» деганда ҳадисни баён қилувчиларнинг номлари назарда тутилади

Ҳадо – сарбон ва туячилар чалади-ган нағма, туя у билан маст бўлиб чолоку чаққон юради

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳажжи вадоъ – видолашув ҳажи (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг охирги ҳаж қилиши)

Ҳазарда бўлмоқ – муқиймликда бўлмоқ

Ҳамин рўз – шу куни

Ҳамал – қурт

Ҳаммол – юк ташувчи

Ҳамл – ўтказмоқ, тортмоқ

Ҳарб – жанг

Ҳараж – гуноҳ, айб

Ҳашафа – эрлик аъзосининг учи

Ҳашргоҳ – қиёмат

Ҳақир – бечора

Ҳақраҳа – йўл ҳақи

Ҳаққул-абд – қулнинг ҳақи

Ҳаққуллоҳ – Аллоҳнинг ҳақи, Аллоҳга хос

Ҳаққуш-шаръ – шариат ҳақи

Ҳиба – луғатда бир одам бир одамга фойдаланадиган нарсани бахшиш ва инъом қилмоғи; шариатда – ўз тасарруфидаги молини баробарига ҳеч нарса олмай, эга қилиб бермоқ

Ҳибс – тутиш, ушлаш

Ҳилла – чиройли либос

Ҳисси монеъ – тўсқинлик қилувчи ҳис

Ҳодий – тўғри йўлга солувчи

Ҳонис – қасамни бузувчи

Ҳувал-асаҳ – бу энг тўғри

Ҳувал мухтору лил-фатво – бу фатво учун ихтиёр қилинган

Ҳувас-саҳиҳ – бу тўғри

Ҳужжати қосира – нуқсонли ҳужжат

Ҳужжом – қон оладиган киши

Ҳуррул-ийн – жаннат ҳурлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

КАСБ КИТОБИ 6
БАЙЪ КИТОБИ 22
Сотмоқ ва олмоқни бузмоққа ё ижозат бермоққа ихтиёрли бўлмоқнинг баёни 29
Кўрмай савдо қилмоқ дуруст бўлмоқнинг баёни 33
Сотилган нарса айбли бўлгани жиҳатидан оладиган одамга ихтиёр бўлмоғининг баёни 37
Байъи фосиднинг баёни 44
Иқола қилмоқнинг, яъни олинган нарсани қайтариб бериб ёки қайтиб олиб, савдони бузмоқнинг баёни 56
Ўзига қайси баҳога тушса, ўша баҳога бермоқни ва фойда олиб бермоқни шарт қилмоқ дурустлигининг баёни 59
Рибонинг баёни 61
Фасл 70
Саламнинг баёни 75
Пароканда ва сочилган масъалалар баёни 80
Пулни пулга алиштирмоқнинг баёни 82
ШУФЪА КИТОБИ 85
ҚИСМАТ КИТОБИ 96
ҲИБА КИТОБИ 103
Садақа қилмоқ, умрни ғанимат билмоқ, тушаи охират қилмоқ, меҳмону мезбонлар одоби ва уламоларни иззату ҳурмат қилмоқ ва буларга тегишли нарсалар баёни 111
ИЖАРА КИТОБИ 115
Ижараи фосиднинг баёни 122
Ажири муштаракнинг ва ғайри муштаракнинг баёни 130
Ижарани бузмоқнинг баёни 133
ОРИЙАТ КИТОБИ 138
ВАДИЪАТ КИТОБИ 145
ҒАСБ КИТОБИ 149
РАҲН КИТОБИ 158
Гаровга қўймоқ дуруст ва нодуруст бўлмоғининг баёни 163
Гаров молни тасарруф қилмоқнинг ва жиноят қилмоқнинг баёни 168

www.ziyouz.com kutubxonasi

КАФОЛАТ КИТОБИ 178
ҲАВОЛА КИТОБИ 195
ВАКОЛАТ КИТОБИ 200
Сотмоққа ва сотиб олмоққа вакил қилмоқнинг баёни 207
Даъволашмоққа қилинган вакил даъво қилинган нарсани қўлига олмоғининг баёни 214
ШИРКАТ КИТОБИ 219
МУЗОРАБА КИТОБИ 229
МУЗОРАЪАТ КИТОБИ 241
Дарахтларни боқмоққа бермоқнинг баёни 251
ХАРОБ ВА НООБОД ЕРЛАРНИ ОБОД ҚИЛМОҚ КИТОБИ 255
Навбат билан сув олмоқнинг баёни 258
ВАҚФ КИТОБИ 263
КАРОҲИЙАТ КИТОБИ 270
ЗАБОИҲ КИТОБИ 297
ҚУРБОНЛИҚ КИТОБИ 317
Қурбонлиқ қилмоқ савобининг ва лозим бўлиб туриб қилмаган одам азобининг баёни 339
САЙД КИТОБ 346
ТОПИБОЛИНГАН БОЛА, НАРСА ВА ҚОЧОҚ ҚУЛ КИТОБИ 354
МАФҚУД КИТОБИ 365
ҲУКМЛАР КИТОБИ 367
ШАҲОДАТ КИТОБИ 393
Гувоҳлиги қабул қилинадиган ва қабул қилинмайдиган одамларнинг баёни 400
Шоҳиднинг берган гувоҳлигидан қайтмоғининг баёни 415
ИҚРОР КИТОБИ 419
ДАЪВО КИТОБИ 430
Савдогарларнинг савдода ихтилоф қилишмоқларининг баёни 445
Насаб даъво қилмоқнинг баёни 457
СУЛҲ КИТОБИ 459
ЖАЗОЛАР КИТОБИ 469

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳсан киши ва муҳсана хотинни зино лафзи билан ҳақорат қилганга бериладиган жазо ва унинг ҳукмлари баёни 484
ЎҒИРЛИК КИТОБИ 499
ЖИҲОД КИТОБИ 509
Куффор ғолиб бўлмоғининг баёни 515
ЖИНОЯТЛАР КИТОБИ 531
ДИЙАТЛАР КИТОБИ 544
Роҳи оммада, яъни халойиқ ўтадиган кўчада пайдо қилинган нарсалар ҳукмларининг баёни 553
Ҳайвон қилган жиноятнинг ва унга қилинган жиноятнинг баёни 557
Қул жиноятининг баёни 560
Одам ўлдирилган маҳалладаги ва бошқа жойлардаги одамларга қасам бермоқнинг баёни 563
Дийат тўлайдиганларнинг баёни 569
ИКРОҲ ҲАҚИДА КИТОБ 574
ҲАЖР КИТОБИ 582
Қулни иш қилмоққа ижозат бермоқнинг, манъ этилган нарсалардан бўшатиб қўймоқнинг баёни 588
ВАСИЙЯТЛАР КИТОБИ 598
Яқин одамларга васиййат қилмоқнинг баёни 608
Васиййатни бажо келтирмоққа амр қилинган одамнинг баёни 614
ХУНСО ҲАҚИДА КИТОБ 619
Пароканда масъалаларнинг баёни 625
ЛУҒАТ ВА ИЗОҲЛАР 628

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маърифий-илмий нашр

Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа

МАЖМАЪ-УЛ МАҚСУД

ёки

мухтасар ул-виқоянинг
ўзбекча шарҳи

Иккинчи китоб

Нашрга тайёрловчилар:
Маҳмуд ҲАСАНИЙ
Абдусамад ҲАСАНИЙ
Убайдулла ҲАСАНИЙ

Масъул муҳаррир:
Шуҳрат ИСМОИЛОВ
Муҳаррир:
Шариф ХОЛМУРОД
Техник муҳаррир:
Ихтиёр САИД

Босмахонага 2005 йил 12 апрелда топширилди.
Босишга 2005 йил 3 майда рухсат этилди.
Бичими 84X60 $^{1}/_{16}$. Адади 1000 нусха. Газет қоғози.
15-сон буюртма.

Баҳоси келишилган нархда.

"MUTARJIM" шўъба корхонаси матбаа бўлими,
Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси,
Қошиқчи 1-тор кўча, 1-уй.

© "Мутаржим", Тошкент, 2005

www.ziyouz.com kutubxonasi